

# Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар  
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

49-йил чиқиши



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЕТИ

1981 9

# МУНДАРИЖА

У. Азимов. Қуёшли олам. Драматик дoston	3
И. Раҳим. Оқибат. Роман. Охири	33
Д. Ҳасан. Қўшиқ айтиб чарх урсам... Шеърлар	114
Р. Тагор. Бибҳа соҳили. Роман. Охири	116
Айёмий. Ғазаллар	175

## ПУБЛИЦИСТИКА

В. Зоҳидов. Шарқ енгмоқда. Охири	176
----------------------------------	-----

## КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

А. Ершов. Қаловини топсанг... Очерк	188
-------------------------------------	-----

## САНЪАТ

А. Мадраимов. Сеҳрли мўйқалам соҳиби	196
--------------------------------------	-----

## ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Ф. А. Файз етмиш ёшда.	199
Ф. А. Файз. Сўзла! Шеърлар	200
И. Ғафуров. Шеър ва яхшилик	202
Шуҳрат. Туғма шоир дўстим	207
О. Ёқубов. Асарлари ўзига ўхшайди	209
Дил сўзлари	209

## ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК


Ғ. Каримов, Б. Қосимов, Х. Муҳаммадхўжаев. Кўп асрлик адабиёт кўзгуси	211
Ғ. Владимирова. Замондошларимиз — бош қаҳрамон	220

## ТАҚРИЗЛАР

К. Яшин. Замондошларимизнинг ёрқин образлари	225
Р. Файзий. Фаҳримиз	226
А. Қулжонова. Нафосат ва тафаккур хазинаси	239

## ГУЛҚАЙЧИ

Ғ. Ғулом. Шоирлик носқовоғидан бир отим. Ҳажвия	237
Маданий ҳаёт.	239
«Звезда Востока» сентябрь сониди	239



Усмон АЗИМОВ



# Кучёшли алам

ДРАМАТИК ДОСТОН

## Биринчи лавҳа

Талабанинг хонаси. Стол, стул, каравот. Талаба ва шоир.

Т а л а б а

Яхши шеър ёзибсан...

Ш о и р

Ҳа-ҳа... Емонмас...

Билсайдинг қанчалар қийналганимни!  
Беш ойки, юрагим қақраган эди,  
Қалбимни тарк этиб ғайрат, шижоат,  
Қанотсиз оғриқнинг муз қучоғига —  
Изтироб бағрига йиқилган эдим.  
Ниҳоят, саодат элчиси бўлиб,  
Беш ойлик қийноқнинг тотли меваси —  
Умримнинг парчаси — шеърим туғилди!

Т а л а б а

Яхши шеър ёзибсан... Юракни қўшиб...

Ш о и р

Ҳаммасига боис бир гаройиб туш...

## Т а л а б а

кулиб

Илоҳий гапларни шоирлар севар.

## Ш о и р

Инонгин...

Барига битта туш сабаб.

## Т а л а б а

Бўйингга бир гўзал ўраб сочини,  
 Қўлингга тутқазиб шароб тўла жом,  
 Кўзингга термулиб...

## Ш о и р

Бу — шоир эмас,

Сўққабош талаба кўрадиган туш.  
 Эшитгин...

Тун бўйи ёндим бенажот,  
 Тонг чоғи тўшакка чўзилдим ҳорғин...  
 Уйқу уммонига фарқ бўларканман,  
 Ногоҳ қулоғимга келди бир садо  
 Ва туман ичида оҳиста сузиб,  
 Бир шаҳар кўринди, яна бир осмон.  
 Осмонки, шафақзор — кутар қуёшни.  
 Гулдан либос кийган шаҳарнинг аҳли  
 Ул гулгун фалакка чўзиб қўлларин  
 Қўшиқ айтардилар қуёш шаънига.  
 Мана, ўша қўшиқ сўзма-сўз нусха:  
 «Қуёш бор, тун тунлигидан тонолмас мангу,  
 Қуёш каби ҳеч жон куйиб-ёнолмас мангу.  
 Қуёш, нуринг толасига жонимиз садқа,  
 Қуёш, сени ҳеч ким сотиб ололмас, мангу!»  
 Уфққа қарасам, тоғлар бошида  
 Ловиллаб кўринди қирмизи қуёш,  
 Гўё ўйинқароқ қайсидир бола  
 Унутиб қолдирган бир парча нондай.  
 Тоғдан шаҳаргача ям-яшил ўтлоқ,  
 Тоғдан шаҳаргача зиё денгизи...  
 Бир бола қуёшдан кўзин узолмай,  
 Яланг оёқларин шабнамга ювиб,  
 Сочларин таратиб сабуҳий елга,  
 Чопқиллаб борарди қуёшга томон.  
 Бола етиб келгач тоғ этагига  
 Кийикдай ўйноқлаб тоққа тирмашди,  
 Аммо тикка эди қоялар ғоят,  
 Аммо юксак эди қоялар қадди...  
 Болакай қуёшга етдим деганда,  
 Жажжи қўлчаларин чўзганида шод,  
 Бир шошқин ҳаракат панд берарди-ю,  
 Еки кўчарди-ю пойидан бир тош,  
 Тоғнинг этагига қулаб тушарди,  
 Болакай тиз чўкди охири йиғлаб:  
 «Қуёшжон, очликдан силлам қуриди,  
 Қуёшжон, ҳеч нарса мени тўйдирмас,  
 Қуёшжон, ўйинга овора бўлиб,



Унутиб қолдирган нонимсан, ахир...»  
 Синовчан боқарди қуёш болага,  
 Тоғларнинг кифтидан сокин мўралаб,  
 Бола сўзларидан кўнгли тўлдими,  
 Бирдан тилга кирди:

«Уғлоним менинг,  
 Истасанг, қўлингда бир парча нонман,  
 Фақат йиғламагин, фақат шартим бор...»

Бола силкитарди «хўп» деб бошини

Энг оғир, энг азиз муқаддас юкни —  
 Асрлар виждонин сенга бераман,  
 Кучинг етармикан?..»

Бола жилмайди:  
 «Қуёшжон, билмайсан, қандай кучлиман —  
 Оёғимдан тортиб йиқитишмасам,  
 Тенгдош дўстларимнинг баридан зўрман!»  
 Унинг бу гапидан қуёш жилмайди  
 Ва сўнгра ишора қилди ўтлоққа:  
 «Бу нима?»

«Бу — қўшиқ», деди болакай.  
 Қуёш нигоҳини тикди фалакка:  
 «Бу нима?»

«Бу — қўшиқ!» деди болакай.  
 «Жумлаи-жаҳон-чи?» сўради қуёш,  
 «Қўшиқ! Қўшиқ!» деди ёниб болакай...  
 Ушанда тонгги соф нурлари билан  
 Болани гул каби эъзозлаб, аяб,  
 Ёнига ўтқазди:

«Тўйиб ол, ўғлон!»  
 Нурга ташна экан ўзи бу бола!  
 Қуёшга отилди оловдан қўрқмай...  
 Дўстгинам, бир ажиб манзара кўрдим:  
 Бола улғаярди нурни симириб,  
 Қуёш-чи? Тобора порларди қуёш!

Шоир кўзларини юмиб, жим қолади.

Т а л а б а

Кейин нима бўлди?

Ш о и р

Фақат кулмагин...

Кейин... Мен болани танидим...

Т а л а б а

Хўш, хўш...

Ш о и р

У бола мен эдим!

Т а л а б а

Ажабтовур туш...

Ш о и р

Сўнгра уйғондим-да, хаёлга толдим...  
 Балки ўша бола ростдан мендирман!

Қўлим ҳақиқатдан йироқ сўзларни,  
Юрагим илҳомнинг тансиқ нурига  
Йўғрилмаган байтни балки шунинг-чун  
Ёза олмагайдир қоғоз юзига...

### Т а л а б а

жўшиб куйлайди

«Қуёш бор, тун тунлигидан тонолмас мангу,  
Қуёш каби ҳеч жон куйиб-ёнолмас мангу!  
Қуёш, нуринг толасига жонимиз садқа,  
Қуёш, сени ҳеч ким сотиб ололмас мангу!»

### Ш о и р

талабани қучоқлаб

Руҳим қушлар каби кўкка учмоқда,  
Шеър ёзгим келмоқда, ёнмоқда юрак...

Хавfli одам киради

### Ш о и р

Мен кетай..

### Т а л а б а

Яхши бор! Омад ёр бўлсин!

Шоир кетади

### Х а в ф л и о д а м

Бир кўриб кетай деб шундоқ бурилдим...

### Т а л а б а

истеҳзо билан

Раҳмат. Соғингандим...

### Х а в ф л и о д а м

Ўртоқлик бурчим,

Ўйнаб ўсган эдик бир маҳаллада...

### Т а л а б а

Айёрлик қилмагин, муддаога кўч!

### Х а в ф л и о д а м

Кимсан, фалончига ёлғиз фарзандсан,  
Сенга муносибми уйингдан кечиб,  
Ғариб бу кулбада ижара турмоқ.  
Даданг уялади, сен уялмасанг,  
Номдор раҳбардирлар катта дўконда...

### Т а л а б а

Нималарни ўйлаб бу ерга келдинг?

### Х а в ф л и о д а м

Яхшилик тилайман сенга доимо,  
Биринг икки бўлсин, ғам кўрма дейман...  
Уйга қайт, отангдан кечирим сўра,

Ахир, ақлданми ўттиз ёшингда  
Уй-жойингдан кечиб шу кўйга тушсанг!

шивирлаб

Қайтсанг, сеникимиш яшил машина,  
Яна, даданг сенга совға қилмоқчи  
Хоҳлаган жойингдан яп-янги ҳовли...

Т а л а б а

Даҳшатли одамлар...

Сиз ишонасиз

Сотиб оламиз деб нени истасак...  
Кечқурун ўқийман, кундуз ишлайман,  
Ўзимга яраша орзуларим бор...

Х а в ф л и о д а м

Орзуга эргашиб нимани топдинг?

Т а л а б а

Ўзимни!

Бу сўзни сен тушунмайсан.

Х а в ф л и о д а м

хонага ишора қилиб

«Ўзинг» мана шуми?

Т а л а б а

Ўзлик қалбимда!

Балки тушунмассан «қалб» сўзини ҳам,  
Чунки пул, машина, ёлғон табассум,  
Хушомад-у мансаб, латта-путталар —  
Залвори тагида эзилиб кетган,  
Унутилиб кетган бечора қалбинг.

Х а в ф л и о д а м

Ҳавойи гаплардан зерикмадингми?

Т а л а б а

Феълимни бузмагин...

Ҳозир бахтлиман...

Бир дўстимнинг бугун кўзи ловуллаб,  
Қуёшни симириб улғайганман деб,  
Уйимга қуёшдай кириб келди-ю,  
Уйимга қуёшни қолдириб кетди.  
Дўстим сўзлар экан, қуёш зиёсин  
Мен ҳам ичганимга ишондим бир дам...  
Аммо бўсағада пайдо бўлдинг,  
Кўзимга сен эмас, зулмат кўринди.  
Сенга кимлигингни айтиб қўяйми?  
Зулмат бандасисан! Тунсан! Оғусан!  
Қора нур сочасан ёруғ дунёга,  
Аммо энголмайсан бизни ҳеч қачон!

бирдан куйлайди

«Қуёш бор, тун тунлигидан тонолмас мангу,  
Қуёш каби ҳеч жон куйиб-ёнолмас мангу!  
Қуёш, нуринг толасига жонимиз садқа,  
Қуёш, сени ҳеч ким сотиб ололмас мангу!»

Х а в ф л и о д а м

Биз ҳам ўзимизга ишонган одам,  
Қойил қоласанми битта иш қилсам...

Т а л а б а

Қандай маккорликни яна ўйладинг?

Х а в ф л и о д а м

Қойил қоласанми ўша қуёшни  
Шартта сотиб олсам...

Т а л а б а

Кўп катта кетма.

Х а в ф л и о д а м

Таниш-билиш бўлса, зарни кўрсатсанг,  
Ургатилган қушдай кафтингга қўнар  
Сен тавоф айлаган ўша қуёш ҳам.

Т а л а б а

Қўрқинчли одамсан... Аммо кучсизсан...

жўшиб

«...Қуёш, нуринг толасига жонимиз садқа,  
Қуёш, сени ҳеч ким сотиб ололмас мангу!»

Х а в ф л и о д а м

Ҳовлиқмасдан эшит. Эрта саҳарда  
Қуёшни кутмагин... Қуёш чиқмайди!

Т а л а б а

Ахир, қуёшни сен нима қиласан?

Х а в ф л и о д а м

Истасам, ўйнайман коптокдек тепиб,  
Истасам, осаман ҳожатхонага!

Чиқиб кетади. Қиз киради. У — ёш, чиройли.

Қ и з

Салом...

Т а л а б а

Хуш келибсиз. Хўш хизмат?

Қ и з

Менга —

Шоир керак. Уни излаб юрибман.

Т а л а б а

ғаши келиб

Бир ҳафтадан буён тинганингиз йўқ...

Қ и з

Бутун умрим бўйи излайман уни!  
Унга айтадиган битта сўзим бор.

Талаба

ҳазиллашиб

Бекор излаяпсиз. У самовотда,  
Илҳом парилари ўғирлаб кетган.

Қ и з

Елғон! Ишонмайман! Уни самога  
Мендан ўзга ҳеч ким олиб чиқолмас!  
Ёрдам беринг! Қандай учрашсам бўлар?

Т а л а б а

кулиб

Учинг, учрашасиз бирор юлдузда!  
Қанотингиз борми?

Қ и з

ўйланиб

Қанот? Топарман...

Т а л а б а

Учрашувнинг яна талаблари бор.  
Биласиз, шоирлар...

Қ и з

Қўлидаман-ку!

Нурафшон қуёшман — фалакка отса,  
Ерга улоқтирса — пойида тупроқ.  
Аммо... У юрагин отмас ҳеч қачон,  
У мени севади... Жондан ардоқлар...

Т а л а б а

Юрак ва... Сиз? Ростини, тушунолмадим.

Қ и з

У мени севади. Мен юрагида!..

Т а л а б а

Ахир, илгари ҳеч кўришганмисиз?

Қ и з

ҳайратланиб

Кўришмоқ зарурми?

Т а л а б а

кулиб

Йўқ, зарур эмас...

Қ и з

Энди учрашувнинг шартларин айтинг?

Т а л а б а

Бажаролмайсиз-да! Жуда оғир шарт...

Қ и з

Қўрқманг... Айтаверинг... Кучим етади,  
Фақат кўринишдан нозикман бир оз...

Т а л а б а

Қола оласизми бир умр шундоқ?

Қ и з

Бу жуда осон-ку...

Т а л а б а

Қийин, кўп қийин...

Шундай содда бўлмоқ, покиза севмоқ...

Энди хайр! Боринг...

ҳазиллашиб

Шоир самодан

Сизга кўзи тушиб заминга қайтди!

Қ и з

Бари бир кўрқинчли..

Т а л а б а

Боринг. Ҳайиқманг.

У сизни севади.

Қ и з

беқиёс шодланиб

Мени севади!

кетади.

## *Иккинчи лавҳа*

Хавфли одам, Бепарво, Хушомадгўй,  
Порахўр ва Мансабпараст.

Х а в ф л и о д а м

Бугунги кенгашдан мақсадим шулки,  
Менга оқилона маслаҳат беринг.  
Ёки қўлингиздан келган ҳимматни  
Аяманг, қарз бўлиб қолмаймиз биз ҳам...

Х у ш о м а д г ў й

Кўп яхши ўйлабсиз, кўп асл ният!

Х а в ф л и о д а м

Жонимдан ўтказди бир ялангоёқ.  
Сизларга ишониб унга сўз бердим —  
Ки эрта меники бўлади қуёш.

Х у ш о м а д г ў й

Албатта, сизники бўлади қуёш,  
Осмонга қўл чўзинг — тамом-вассалом!

Х а в ф л и о д а м

Хўш, нима дейсизлар?

Б е п а р в о

Менга бари бир...

Кўпчилик ортидан боравераман...

Х у ш о м а д г ў й  
Улмағ! Бу ҳақиқий йигитнинг сўзи.

П о р а х ў р  
ўйланиб  
Қуёш денг? Мушкул иш. Ўйламоқ зарур.  
Фикримни эртага балки айтарман...

Х у ш о м а д г ў й  
Улуғ гап!  
Ўйла-ю кейин сўйлагин!

Х а в ф л и о д а м  
Эрта кеч бўлади.

П о р а х ў р  
Кеч бўлади денг?

чуқур ўйга толади  
Қуёш жуда ёруғ... Шундай эмасми?

Х у ш о м а д г ў й  
Туришингиз ақл!

Х а в ф л и о д а м

Очиқ гапиринг.

П о р а х ў р  
жилмайиб  
Биз ҳам фарқ бўлайлик ўша қуёшнинг  
Қисирлаган қизғиш шуълаларига...

Х а в ф л и о д а м  
Оббо, муғомбир-ей!

Порахўрнинг чўнтагига пул солади

Қалай, бағрингиз  
Қуёшнинг тафтидан исиб кетдими?

П о р а х ў р  
Музлаган ақлимиз бирдан эриди!  
Кечгача бирон бир йўлин айтарман...  
Энди хизматчилик... Халқнинг ташвиши...  
Айланиб келайин...

кетади

Х а в ф л и о д а м

Мансабпарастга

Маслаҳат сиздан!

М а н с а б п а р а с т

Биринчидан, анча хом ўйланибди.  
Самода дурустроқ танишимиз йўқ,  
Ою юлдузларга ошна эмасмиз;  
Яна ўйлаб кўринг, бу иккинчидан,

Қуёшни чўнтакка урадиган сиз,  
Аммо зулмат ичра қолган оламни  
Бошини силамоқ бизнинг вазифа;  
Учинчидан, бошин силатмайди ҳам,  
Арзи-доду танқид...

Жабр тортар ким?

Биз учиб тушамиз кресломиздан...

Х а в ф л и о д а м

Елимлаб ташлайман креслонгизни!

Х у ш о м а д г ў й

Ҳар айтган сўзингиз гавҳари маъно!

М а н с а б п а р а с т

Елимланиб қолсам ўз кресломда,  
Бу ташвиш-ғалвадан менга не фойда?

Х а в ф л и о д а м

Сиз ҳам балосиз-ку!

Нима истайсиз?

М а н с а б п а р а с т

Биринчидан, ҳаёт мудом ўсишда...

Биз ҳам униб-ўссак...

Ҳеч унутмаймиз...

Х у ш о м а д г ў й

Унутиб бўлмайди акамни зинҳор!

Х а в ф л и о д а м

Майли, ўстирамиз...

кулиб

Аммо ўшанда

Қўрқмайсизми зулмат босса оламни?

М а н с а б п а р а с т

Нимадан қўрқамиз?

Биз курашамиз!

Тадбир белгилаймиз, чора кўрамиз,  
Мажлис ўтказамиз, сўзга чиқамиз,  
Қўнғироқ қоқамиз, хатлар ёзамиз —  
Хуллас, фойдаланиб бор-йўқ имкондан,  
Жиддий ҳал қиламиз бу масалани.

Х а в ф л и о д а м

Менда қолади-ку бари бир қуёш!

М а н с а б п а р а с т

Гап қуёшда эмас, тушунмаяпсиз...

Аввало тадбирлар ўтказмоқ муҳим —

Қарор қабул қилмоқ, нутқ ирод этмоқ...

Х а в ф л и о д а м

Қоғозга кўмилиб, бошни гангитиб,  
Ишламаслик учун ишларкансиз-да!



Х у ш о м а д г ў й  
Эшитинг, гап эмас олтин-а, олтин!

М а н с а б п а р а с т  
Нега ишламаймиз? Ишлаймиз...

Х а в ф л и о д а м  
Боринг, илтимосим ерда қолмасин.

Майли...

Мансабпараст кетади

Х а в ф л и о д а м  
Бепарвога  
Сукут ичидасиз? Уйлаяпсизми?

Б е п а р в о  
Юрагимни қисиб нима қиламан...  
сукут

Х а в ф л и о д а м  
Қуёш зўр нарса-да!

Б е п а р в о  
эснаб

Қуёш зўр нарса...

Х а в ф л и о д а м  
Аммо терлатгани ёмон...

Б е п а р в о

Ҳа, ёмон...

Х а в ф л и о д а м  
Кўрасан, майдалаб ташлайман уни!

Б е п а р в о  
Майдалаб дейсизми? Менга бари бир...

у ухлаб қолади

Х у ш о м а д г ў й  
Кундузи ухламоқ кони фойда-да!

Х а в ф л и о д а м  
Кундузи ухласам бошим оғрийди...

Х у ш о м а д г ў й  
Жуда бепарвосиз!

Қўнғироқ қилинг,  
Мен шундоқ физиллаб етиб келаман —  
Уқаламоқ зарур бошгинангизни!

Х а в ф л и о д а м  
Меҳрибон одамсан... Эрта қўлимга  
Қуёшни қўндириб келсам, не дейсан?

Х у ш о м а д г ў й  
Акажон, буюк иш қилибсиз, дейман!

## Х а в ф л и о д а м

Ажойиб одамсан!

Хушомадгўйнинг кўзларида ёш

Бас, йиғламагин!..

Садоқатда танҳо, эй, дўсти азиз,  
Бир кул-чи... Кула қол... Сенга совғам бор...

ўйланиб

Фаройиб бир фикр бошимга келди:  
Қуёшни қўлимга киргизгандан сўнг.  
Сени тайинласам қуёшбонликка...

Не дейсан?

## Учинчи лавҳа

Қофиябознинг уйи.  
Қофиябоз ва Хавfli одам

## Х а в ф л и о д а м

Ёнингизга келдим зарур иш билан  
Энди... Йўқ демассиз...

Қ о ф и я б о з

Қўлимдан келса?..

## Х а в ф л и о д а м

Бир имо қилсангиз, олам гулистон.

Қ о ф и я б о з

Қасбим — одамларга яхшилик қилмоқ!

## Х а в ф л и о д а м

Бирингиз, минг бўлиб биздан қайтади...

Қ о ф и я б о з

Дунёда нимаки юмуш бор — битар.  
Хўш, хизмат?

## Х а в ф л и о д а м

Замона маъмур, фаровон,  
Қанча орзу қилсанг арзийди...

Биз ҳам

Нотавон кўнгилга қўтир жомашов,  
Дегандек арзимас ҳавас қилгандик...

Қ о ф и я б о з

Орзунинг айби йўқ.

## Х а в ф л и о д а м

Қойилман! Улманг!  
Бизга денг... Шу... Қуёш керак бўп қолди...

Қ о ф и я б о з

Қуёш дедингизми?

Х а в ф л и о д а м

Биров билан гаров ўйнаб қўйгандик...  
 Қуёшнинг ўзи!

Қ о ф и я б о з

Бу оғир масала...

Х а в ф л и о д а м

Тонгдан югуриб,  
 Барча дўст-ёр билан маслаҳат қилдим,  
 Ҳеч кимнинг қўлидан бир иш келмади.  
 Уйга қайтдим дилтанг, ноумид, ғамгин  
 Ва илк бор умримда ночор қолганим  
 Сабабин талаба синглимга айтдим.  
 У кулди «қуёшга етолмайсиз» деб,  
 Сўнг жиддий бир тарзда айтдики, гўё —  
 Қуёшга шоирлар яқин эмишлар...  
 Дарҳол шошиб келдим ҳузурингизга!  
 Уйламанг, баҳосин савдолашмайман,  
 Нима истасангиз айлайман бажо,  
 Фақат ўша қуёш эртага тонгдан  
 Бўлмоғи шарт менинг ихтиёримда!

Қ о ф и я б о з

Қуёшга ишингиз тушмаган экан,  
 Унга етмоқ оғир...

Х а в ф л и о д а м

Сиз етганмисиз?

Қ о ф и я б о з

Ярамга туз сепиб нима қиласиз...  
 Унга ёр бўлмоқни удда қилмадим,  
 Қалбим қолиб кетди аросат йўлда.  
 Шеърият — қуёшга элтадиган йўл,  
 Шеърият — ям-яшил, ўсмир хаёлим  
 Мени ташлаб кетди...

мен ҳам одамман,  
 Менинг ҳам оромда келди яшагим,  
 Танбал фароғатнинг иссиқ қучоғи  
 Нозу истигнолар билан чорлади,  
 «Керакмас...», «Йўқ», дедим, енгилдим бироқ...  
 Сўнг ширив уйқунинг комига чўқдим,  
 Йўқолдим роҳатни маҳкам қучоқлаб.  
 Бир кун пар тўшакдан уйғониб боқсам,  
 Қуёш йўқ... Музлаган олам ичраман...

Х а в ф л и о д а м

Демак, ҳожатимни чиқаролмайсиз?

Қ о ф и я б о з

Қуёшга қадрдон биров бор, балки...

Х а в ф л и о д а м

ҳаяжонланиб

Хоҳласа, бошидан олтин тўкаман,  
 Хоҳласа, тушларин этаман рўёб,  
 Фақат қуёш танҳо меники бўлсин!  
 Уни тезроқ топинг!

Қ о ф и я б о з

Сахий экансиз!

Хўш, менга тегади қандай мукофот?

Х а в ф л и о д а м

Тиланг, тилагингиз ерда қолмагай.

Қ о ф и я б о з

уялинқираб

Биласизми... Менга... Бир кичик ёрдам...  
 Ун саккиз ёшли бир йигитми, қизми —  
 Шеърларимни ўқиб тунлар йиғласа...

Х а в ф л и о д а м

саросимада

Қандай қилиб? Ахир... Шеърни ўқи-да,  
 Йиғла, деб бировга айтиб бўлмаса...

Қ о ф и я б о з

оҳангини ўзгартириб

Тўғри. Ҳазиллашдим... Энди гап бундай:  
 Бу ерга келади бир кимса — шоир...

Х а в ф л и о д а м

Шоир дедингизми? Сиз... Шоирмасми?

Қ о ф и я б о з

Гапимни эшитинг!

Шоир келганда,  
 Минг битта маккорлик китобингиздан  
 Минг бир услуб ила минг бир найрангни  
 Олдига минг тусда тўкиб ташлангки,  
 Қуёшни сотганин сезмай ҳам қолсин!

Х а в ф л и о д а м

Буёғидан зинҳор хавотир олманг!

Қ о ф и я б о з

Ана, келиб қолди...

Х а в ф л и о д а м

Кўчада кўрсам,

Худо урсин, унга салом бермасдим...  
 Ранги ўчиб кетган эгни-бошини,  
 Узи билан ўзи гаплашар... Ана,  
 Тўхтаб, кўкка боқиб кулиб ҳам қўйди...

Шоир киради

Қ о ф и я б о з

Буюк асримизнинг буюк шоири,

Хуш келибсиз бизнинг...

Ш о и р

Хушомад қилма!

Ҳақоратдан ёмон баландпарвоз гап.

Қ о ф и я б о з

Мухлис муҳаббати ҳамон покиза!

Ш о и р

Яна алдаяпсан. Елгон гапирма.

Ёмон кўрасан-ку мени... Сальери!

Мумкинми исмингни шундай деб айтсам?

Қ о ф и я б о з

ҳазилга буриб

Инсоф қил!

Ш о и р

Сальери, бунча кўрқмасанг,

Мени ўлдирмоқ-ку, ахир, амолинг.

Қачон ўлдирасан?

Қ о ф и я б о з

Жинни бўлибсан,

Нохуш ҳазилларни йиғиштир, Моцарт!

Мен сени меҳмонга чақирдим. Бугун

Дунё ташвишларин бир дам унутиб,

Уша шеър ишқида ёнган болалик,

Бедор кечаларни хушнуд эслайлик.

Ш о и р

«Биз» деб гапирмагин, «мен» десанг, тўғри...

Зотан, бугун бошқа бўлганимиздек

Ёнма-ён ўтмаган ёшлигимиз ҳам.

Эсимда, ёшлигинг кўп гўзал ўтди!

Мен шеърга жонимни, қалбимни сотиб,

Уни худо билиб, суйиб, эъзозлаб.

Сажда қилганимда,

сен қайда эдинг?

Сен сохта, жилвагар сўзларинг билан

Аврардинг бечора муҳаррирларни.

Ўзимнинг сўнгимга ўзим етолмай,

Бепоён туйғулар олдида ожиз,

Меҳримни айтолмай ёруғ дунёга,

Тунлар ночорликдан ёстиқни тишлаб

Бўзлаган чоғимда,

сен қайда эдинг?

Сен нопок даврада ғариб мансабга

Ё бир мукофотга тамагир бўлиб,

Кимнингдир ҳаромдан-ҳаром ўнгири

Устида меҳробга қўйган эдинг бош.

Ҳа, сенинг ёшлигинг кўп гўзал ўтди!

Ундан ҳам бугунинг тўқис, бенуқсон.

Мажлислар ҳайъатин мунча севмасанг,

Мунча хуш кўрмасанг, беор мунаққид

Тушиб қолмасин деб бировнинг исми

Хавотир ичида битган маҳдудлик  
Аро ўз номингни топмоқ лаззатин...

Х а в ф л и о д а м

Ака, қўйинг энди... Асабни асранг,  
Ҳозир бу кишининг суҳбатларидан  
Баҳраманд бўлгандим. Сиз айтганчалик  
Ёмон одаммаслар...

Ш о и р

эйтибор бериб қараб

Сиз... Кимсиз?

Қ о ф и я б о з

Дўстим.

Ш о и р

Дўстинг бор экан-да сени то ҳануз...

Қ о ф и я б о з

яна ҳазилга буриб

Заҳаринг ҳам энди адо бўлгандир...  
Гапингнинг озми-кўп ҳақиқати бор.  
Барини қўш қўллаб қабул қиламан.  
Танқид келажакнинг меваси... Қани,  
Ким нима ичади?

Х а в ф л и о д а м

қувониб

Хайём айтгандай,

«Май ичсанг, оқилу доно билан ич!»

Ш о и р

Менга айтадиган гапларинг борми?

Х а в ф л и о д а м

«Аввал таом, баъд аз калом»-да, ака!

Ш о и р

Иўқ, аввал гапиринг.

Қ о ф и я б о з

Ийманиб қолдик.

Шовқин кўтарасан, ёқа йиргасан,  
Гўё олам ўтда қоладигандай...  
Бу дўстим илтимос билан келибди.

Х а в ф л и о д а м

Э, қўйинг, акамни овора қилманг...

Ш о и р

Юрагим безиллар кириш сўзлардан.

Х а в ф л и о д а м

Майли, қўймадингиз-қўймадингиз-да!  
Бир шўрликка битта ҳиммат қилсангиз,

Қуёшга меҳримиз тушиб қолди денг,  
Сизнинг обрўйингиз турса ўртада  
Қуёш ҳам йўқ демас...

Ш о и р

Тушунолмадим...

Х а в ф л и о д а м

Тағин сиз ўйламанг, текинга эмас...  
Биз ҳам мард йигитмиз, савдолашмаймиз...

Ш о и р

Қофиябозга

Менга тушунтиргин. Нима деяпти?

Қ о ф и я б о з

Бу киши қуёшни сотиб олмоқчи,  
Қуёшга ҳар қалай яқин одамсан...

Ш о и р

Қуёш кўр қилгурлар...

Ҳатто қуёшни —  
Сотиб оламан, денг?.. Орзунгиз бекор!  
Қуёш нури турсин, бир сиқим нурин  
Кафтингизда тутмай умрингиз ўтар.  
Сизга-ку маслаҳат бермоқлик ҳаром,  
Аммо билиб қўйинг қуёш йўлини...  
Мана шу тупроқни, Ватанни севинг,  
Жонингиздан кечинг керак бўлганда,  
Ўзингизни эмас, бировни ўйланг,  
Кулишни ўрганинг биров кулганда,  
Биров «оҳ» урганда, қийналинг, йиғланг!  
Машинаю гилам баҳосинимас,  
Олис келажакнинг дарду қайғусин  
Онанинг исмидай ўйинг юракка!  
Шунда қуёш ўзи чиқару пешвоз,  
Пойингизга тўкар порлоқ вужудин...  
Аммо бу кўл оғир... Кўксимни ёринг,  
Бир юрак кўринар...

Қоврилиб кетган!

Сиз бўлса.. Кетаман... Йўлимни тўсманг!

Қофиябозга

Сальери, орзунга эришолмайсан!

куйлайди

«Қуёш бор, тун тунлигидан тонолмас мангу,  
Қуёш, сендай ҳеч жон куйиб-ёнолмас мангу.  
Қуёш, нуринг толасига жонимиз садқа,  
Қуёш, сени ҳеч ким сотиб ололмас мангу!»

кетади

Қ о ф и я б о з

Мияси йўқ, аҳмоқ! «Сальери» эмиш,  
«Қачон ўлдирасан» эмиш... Ё, тавба!  
Улса ҳам булардан қутулолмайсан!

Мен аҳмоқ эмасман... Шундай қилайки,  
Ҳаётдан қуёшни кўролмай ўтсин.

Х а в ф л и о д а м

Ака, битмади-ку, бизнинг ишимиз?..

Қ о ф и я б о з

Йўли топилади...

ўйланади

Ростини айтинг,

Ишингиз тушганми Шайтонга?

Х а в ф л и о д а м

Баъзан...

Қ о ф и я б о з

Бу иш фақат унинг қўлидан келар.

Х а в ф л и о д а м

Бўлмаса, мен уни чақириб келай,  
Балки уйингизнинг йўлини билмас?

О в о з

Азият чекманглар, мен шу ердаман!

Шайтон пайдо бўлади

Х а в ф л и о д а м

Шайтонжон, кўмак бер!

Ш а й т о н

Баҳоли қудрат.

Сизга қуёш керак? Шундайми?

Х а в ф л и о д а м в а қ о ф и я б о з

Шундай!

Ш а й т о н

Ҳамма шартларимга кўнасиз?

Х а в ф л и о д а м

шошиб

Ҳа!

Қ о ф и я б о з

бўшашиб

Ҳа...

Ш а й т о н

Қани, чўзиб қўйинг виждонингизни!

Х а в ф л и о д а м

Борини ола қол!

Қ о ф и я б о з

Ўзи оз эди...



Ш ай то н

Қанча бұлса, бизга бұлаверади...  
Энди юракни ҳам менга топширинг!

Х ав ф ли о да м

Ахир, у танимга қон беради-ку!  
Улиб-нетиб қолсам...

Ш ай то н

қиқирлаб кулади

Фаҳмингиз пастроқ...

Севгию нафрат деб, қийнаб...

Х ав ф ли о да м

Уними?

Олинг, ола қолинг!

Қ о ф и я б о з

Ихтиёрингиз...

Ш ай то н

Мустаҳкам шартнома тузилди ҳисоб!  
Эрта субҳидамда бошини эгиб,  
Қуёш қаршингизда бўлар муҳайё!  
Мен кетдим...

Х ав ф ли о да м

Шайтонжон, омад ёр бўлсин!

Қ о ф и я б о з

Ваъдани бердингми, албатта, бажар!

Шайтон кетади. Хавfli одам қадаҳларни тўлғазади

Х ав ф ли о да м

Шайтон омон бўлсин!

Қ о ф и я б о з

Шайтон соғ бўлсин!

Қиз киради.

Қ и з

Салом.

Х ав ф ли о да м

Келинг...

Қ о ф и я б о з

Нечук? Хизмат, қизгина?

Қ и з

Менга шоир керак эди, амаки.

Қ о ф и я б о з

Мен тайёрман, хоним, хизматингизга!

Қ и з

Сизнимас, шоирни излаб юрибман.

Қ о ф и я б о з

Мен ҳам шеър ёзаман... Китобларим бор...

Қ и з

Қизиқчи экансиз!

Қ о ф и я б о з

Товба, шоирнинг  
Боши олтинданми? Мен ҳам... Ёзаман!

Қ и з

Елгон айтяпсиз. Кўзларингиздан  
Юрагингиз шундоқ ойдин кўринар:  
Унда шеър ўрнида... Йилтираган ёғ.

Қ о ф и я б о з

Душманисиз ёки.. Якто тангрисиз!

Қ и з

Ошиқлар ҳамиша аршу аълода.

Қ о ф и я б о з

А-а, демак, шоирни севиб қолгансиз?

Қ и з

Амаки, шоирни кўрсатинг! Тезроқ!

Қ о ф и я б о з

У кетди.

Қ и з

Қўрқитманг... Етдим деганда...

Қ о ф и я б о з

истехзо билан

У кетди қуёшни қутқазмоқ бўлиб.

Қ и з

Мен борай...

Х а в ф л и о д а м

Шошилманг, асло, шошилманг!

Сизга керакмасми текин маслаҳат?

Қ и з

Мен борай!..

Х а в ф л и о д а м

Мақсадга шошмаган етар!

Қизнинг кийимларига ишора қилиб

Шундоқ борасизми шоир қошига?

Қ и з

Емонми?

Х а в ф л и о д а м

Қизалоқ, гўра экансиз!

Тушунмас экансиз шоирлар дилин.  
 Қизалоқ, шоирлар гўзалликка ўч —  
 Узингизга оро беринг, безанинг,  
 Манглайга қўндириг асл тилла қош,  
 Бўйнингизга осинг олтин, марварид,  
 Бармоқларингизга олмос узуклар,  
 Билакузук ёнсин билагингизда...  
 Боққанда қамашсин шоирнинг кўзи!

Қ и з

Наҳотки?

Х а в ф л и о д а м

Ишонинг, кўпни кўрганман!

Узи севасизми?

Қ и з

Жуда...

Х а в ф л и о д а м

Тез бўлинг!

Нега ташвишдасиз? Қарз керакми ё?

Қ и з

хўрланиб

Керакмас... Бебахтман!

кетади

Х а в ф л и о д а м

Домла, боладик!

Олтин қамаштирса кўзларин бир зум,  
 Унутиб юборар қуёшни шоир!

Қ о ф и я б о з

Боладик!

ичадилар

Ш а й т о н н и н г о в о з и

Боладим!

ҳиринглаб кулади.

*Тўртинчи лавҳа*

Шаҳар чеккасидаги тепалик. Тун. Шоир, Устоз ва Талаба.

Т а л а б а

Кечикиб кетдимми?

У с т о з

Ҳали фурсат бор.

Болам, сабр айла, уфқ қизарар,  
Қуёш алдамайди бизни ҳеч қачон.

Т а л а б а

Балки...

У с т о з

Шубҳаларга зарра ўрин йўқ.

Т а л а б а

Улар ҳам чакана одамлар эмас.

У с т о з

Фақат ҳақиқатнинг кучига ишон!  
Ана, айтмадимми, уфқ оқарди!

Т а л а б а

Шаклга кирмоқда дарахтлар, уйлар...

У с т о з

Юлдузлар инониб ерни қуёшга,  
Энди бежавотир кўз юймоқдалар...

Т а л а б а

Алвон ранг югурди осмон юзига...

Ш о и р

Менинг кўнглим хижил.

Қуёш бошига

Нимадир таҳлика солиб тургандай...

Т а л а б а

Кўнглинг хижиллиги бедор кечадан.

Ш о и р

Йўқ, сезиб турибман, нимадир бўлди...  
Қаранг, югуришдан тўхтади шамол!

Т а л а б а

Майсалар силкинмас...

Ш о и р

Қушлар ҳам бирдан

Сайрашдан тўхтади.

У с т о з

Уфққа қаранг,

Қузгун шиддати-ла осмон сатҳига  
Бостириб кирмоқда булут лашкари.

Т а л а б а

Судралиб келмоқда, пойида зулмат.

## У с т о з

Худди ялмоғиздай ёғдуни ямлар.

## Т а л а б а

Тоғлар бошидаги нурли туғ ўчди.

## Ш о и р

Қуёшни ютмоқчи улар! Қуёшни!..

## У с т о з

Энди маҳкам бўлинг, эй, болаларим,  
Ҳозир еру осмон кетар қоришиб.

## Т а л а б а

Учқунлай бошлади зулмат кукуни...

## Ш о и р

Қуёш йўқолди-ку, устоз, қуёш йўқ!

## У с т о з

Болаларим, етди синов онлари,  
Кимки ишқ кўзи-ла боқиб оламга,  
Қасам ичган бўлса фарзандингман деб,  
Дили билан тили бир эканлигин  
Исбот этмоғининг фурсати етди.  
Ҳаётнинг азалий қонуни аён:  
Кулгуга ғам билан ўлпон тўлаш шарт,  
Роҳат-фароғатга уқубат билан.  
Ранжу меҳнат эрур шуҳрат баҳоси,  
Муҳаббатга эса ўлчов — фидолик!  
Биз бўлсак мана шу оламни севдик!  
Болаларим, бугун менгадир навбат:  
Кўкда қанот ёзиб, ерда чарх уриб,  
Ханжар каби тилиб булут чокини,  
Шамол бўлайин-да, булутни қувай!

## Т а л а б а

Шамолга айланмоқ навбати мендан!

## У с т о з

Сен ёшсан. Мен умр сўнгига оқдим.

## Ш о и р

Ҳа, ҳа, у жуда ёш. Навбат меники.

## У с т о з

Болажон, сен учқур хаёлимсан-ку,  
Минг йиллик армонсан, мангу истиқбол...

## Т а л а б а

Оламга қўшиқлар тортиқ этгани  
Яшамоғинг зарур...

## Ш о и р

Яшаб бўлмайди!

Шамолга айланмоқ — шоирга қисмат.

## У с т о з

Болам, хизмат мenden...

Ахир, қаридим,

Тўрт кунлик умримни аямоқ, нечук?

## Т а л а б а

Бу юмуш заҳмати менинг бўйнимда.

Мен ёшман — чекинсам ўлдирар номус!

## Ш о и р

Қизишманг. Шошмасдан этайлик таҳлил.

## Устозга

Сизда тажриба бор — ёшингиз улуғ,

## Талабага

Сен кучсан — навқирон қудрат соҳиби.  
 Қудрату донолик дарға бўлса гар,  
 Саёзликда мастдай тентирамасдан,  
 Ваҳшаткор тўлқинлар зарбини кесиб,  
 Келажакка сузар — замин кемаси!  
 Мен-чи? Елажакман сизга ёр бўлиб,  
 Кўзингиз қадалган орзу уфқидан  
 Булутларни қувиб, туманни суриб.  
 Юраклар безовта бўлиб ғижирлар...  
 Англинг, мен уларга бермасдан ором,  
 Инсон мақсадига тезроқ етсин деб,  
 Қалбларни орзулар билан тўлдирдим!  
 Ногоҳ чарчасангиз, толдирса кураш,  
 Лолазор қўйнига бурилинг бир пас:  
 Не нозли бўйларни ҳавога пуркаб,  
 Алвон мавжлар билан дардларни ювай!  
 Юлдузга етсангиз, ғолиблик туғин  
 Мағрур ҳилпиратай коинот аро...  
 Энди хайрлашув они етишди:  
 Эй, жумлаи жаҳон, сени севганман  
 Бағрингда заминнинг борлиги учун!  
 Эй қуёшли осмон, сени севганман  
 Мовийлигинг учун, кенглигинг учун!  
 Замин, сени шундай севдим, сўйласам,  
 Умрим етмагайдир севгим шарҳига!  
 Халқим, сени севдим!..

Хайр!.. Фурсат йўқ...

Узила бошлади ердан оёғим...

Шоир ҳавога қоришиб кетади

## У с т о з

Утган йўлларингда сул унсин, болам!

## Т а л а б а

Жангларда қанотинг толмасин... Шамол!

## У с т о з

У кетди. У энди қуёш нафаси.

Т а л а б а

Майсалар шивирлай бошлашди бирдан...  
Этагини судраб туман қочмоқда...

У с т о з

Ана! Бир тутам кун машриқ томонда!  
Булутлар лашкарин сафи титилиб,  
Саросима ичра қочар тумтароқ...  
Зулумот енгилди!

Т а л а б а

Кимдир келмоқда.

У с т о з

Терлаб-пишиб кетган, ҳарсиллар, пишнар...

Т а л а б а

Кўзининг ўрнида қоп-қора чуқур...

У с т о з

Изидаги ўтлар қуриб қолмоқда...

Шайтон киради

Ш а й т о н

Бўлмади... Енгилдим...

Т а л а б а

Кимдан?

Ш а й т о н

Қуёшдан.

Яна ғолиб келди лаънати қуёш.

У с т о з

Сен кимсан? Қуёшни сўкасан нега?

Ш а й т о н

Шайтонман! Қисматим қуёшни сўкмоқ.  
Бўғизлаб ташлардим қўлимдан келса,  
О, минг надоматким, ожизман, ожиз!

Т а л а б а

Шайтонга ташланиб

Бўғиб ўлдираман! Лаънати! Илон!

У с т о з

Қўйсанг-чи, бир муни ўзи ўлади.

Ш а й т о н

Чарчадим...

У с т о з

Беҳуда курашу фитна

Сени толдирипти...

## Ш а й т о н

Содда экансан...

Мен кимман? Жаннатдан қувилган зотми?  
Ишонма, бу гапнинг барчаси эртақ,  
Мен — ўз юрагини, ишқ, тупрогини,  
Инсоф, виждонини фароғат учун —  
Сотган одамларнинг жамул-жамиман.

## У с т о з

Демак, яқин экан сенинг жанозанг.  
Фалакка чиқолсанг, баландлаб қара:  
Заминни кўтариб боши узра даст,  
Эзгулик кашф этиб, нур бунёд этиб,  
Ҳақиқатни маҳкам босиб бағрига,  
Буюк азоб ичра кулади инсон.

## Т а л а б а

Мен борай...

## У с т о з

Қаёққа?

## Т а л а б а

Қуёшни сотиб

Олмоқчи бўлганлар кеча шодликдан  
Тўйиб ичгандирлар...  
Бориб уйғотай,  
Қуёшни кўрсинлар!

## Ш а й т о н

киқирлаб кулади

Содда экансиз!

Улар йўқ!

## Т а л а б а

Улар йўқ?

## Ш а й т о н

Улар менда-ку!

Кеча сотиб олдим. Арзонга тушди.  
Хайрият, дунёда улар бор экан,  
Танимга куч-қувват кирди — тирикман!

## У с т о з

Қуёш чиқди! Қуёш!

## Т а л а б а

Қуёш!!!

## Ш а й т о н

Мен кетдим,

Афтини кўришга ҳеч тоқатим йўқ...

## У с т о з

Кўршапалакчалик ҳолинг бор экан...



Ш а й т о н

Ҳали гаплашамиз! Зулмат келганда...

У с т о з

Ҳа, гаплашамиз!..

Шайтон кетади. Қуёш оламни ёритади

У с т о з

куйлайди

«Қуёш бор, тун тунлигидан тонолмас мангу,  
 Қуёш каби ҳеч жон куйиб-ёнолмас мангу.  
 Қуёш, нуринг толасига жонимиз садқа,  
 Қуёш, сени ҳеч ким сотиб ололмас мангу!»

Т а л а б а

Жўр бўлиб

«...Қуёш, нуринг толасига жонимиз садқа,  
 Қуёш, сени ҳеч ким сотиб ололмас мангу!»

Қимматбаҳо тақинчоқларга кўмилиб Қиз киреди

Т а л а б а

Сизга нима бўлди?

Қ и з

Қани у? Қайда?

Т а л а б а

Кеча сиз нақадар гўзал эдингиз,  
 Бугун ўзгарибсиз...

Қ и з

Бу безак, либос

Ҳижрон дарёсига қурилган кўприк.

Қани у?

У с т о з

У кетди... У энди шамол!

Булутларни ҳайдар, ана, уфқда.

Қ и з

йиғлайди

Усиз бу оламда менга толе йўқ...

У с т о з

Қизнинг кийим-бошига разм солиб

Айрилиқ ичрасиз абадул-абад.

Қ и з

Мен уни севаман!

У с т о з

Йўқ, севомайсан!

Қиз

Улимга борайми, айтинг не қилай?

Устоз

Улимга бормоқдан зарра маъно йўқ,  
Тошга айлангансан!

Қиз

Ахир, мен — тирик.

Устоз

Тириклик ҳамиша бўлади содда,  
Сени ўлдирибди олтин, марварид,  
Семиз бепарволик кўзингга чўккан...

Қиз

Наҳот, учрашувнинг ҳеч иложи йўқ...

Устоз

Уни энди фақат боғлар чорлайди,  
У энди учрашар дарахтлар билан.



Қ и з

Менга йўл кўрсатинг — дарахт бўлайин!

У с т о з

Қизнинг тақинчоқларига ишора қилиб

Бу тавқи лаънатдан кечоласанми?  
Булар — ишқ йўлида ётган аждаҳо.

Қ и з

Агар биз учрашсак... Кечаман... Ҳозир...

У с т о з

Фидо қиз, қулоқ сол...

Билакларингни

Билакузуклардан айлагин халос.

Т а л а б а

Вой-бўй! Бармоқлари яшил барг очди...

У с т о з

Қизим, тиллақошни энди улоқтир.

Т а л а б а

Новдага айланди сочлари — ажиб!..

У с т о з

Бўйнингдан узиб от тақинчоқларни.

Т а л а б а

Қандай гўзал дарахт!

У с т о з

Эйди чорлагин,

Шамол, де, шивирла баргларинг билан.

Д а р а х т

Ша-а-мо-о-ол!

Қаердасиз?!

Ша-а-мо-о-ол!

Соғиндим!

У с т о з

Талабага

Уларга халақит бермайлик. Кетдик.

Т а л а б а

Қандай гўзал дарахт. Нақадар гўзал!..

кетадилар

Д а р а х т

Шамол, кела қолинг!

Ш а м о л

Келдим, дарахтим!

Д а р а х т

Сизнинг вужудингиз бунчалар тиниқ...

Ш а м о л

Сизнинг баргларингиз бунчалар зангор...

Д а р а х т

Сизнинг нафасингиз жонимга жондир...

Ш а м о л

Бунчалар нозлидир новдаларингиз...

Д а р а х т

Қуёшни оламга қайтиб берган — Сиз!

Ш а м о л

Қуёшли оламга ярашиқли — Сиз!

Д а р а х т

Мажнуншамолимсиз!

Ш а м о л

Сиз — Лайлитолим!

Д а р а х т

Севаман!

Ш а м о л

Севаман!

Д а р а х т

Жуда севаман.

Битди.

1980 й.



Иброҳим Раҳим

# ОҚИБАТ



РОМАН

## Ун саккизинчи боб

I

**Х**ар ишнинг ўз вақти-соати бўлади. Ҳамид Ҳакимовичнинг Ивановога сафари ҳам ўз вақти-соатини кутарди. Чунки, гоҳ Йўлдошевнинг одамлари, гоҳ Тошкентдан Боймўхамедов юборган кишиларнинг текшир-текшири унинг кўпгина вақтини оларди. Ҳамма келиб кетувчиларнинг масаласи ўша «уч иллат» муаммосига боғлиқ бўлиб, Ҳамид Ҳакимовичнинг бу соҳадаги фаолияти ғалвирдан ўтказиларди. Бу ишлар тинчлигини бўзса-да, унинг манфаатига хизмат қилаётгани учун текширишлардан Ҳамид Ҳакимович роҳатланарди. Қизиғи, борли-келдиларнинг оқибатими, ёки вақти-соати етдими, Ҳамид Ҳакимович ихтиёрига келган янги одамлар ўз техникаси ва узоқ муддатли шартнома билан кела бошладилар.

«Бу йил куз яхши бошланди...» деди у, мамнун бўлиб.

Дарахтлар кўм-кўк бўлса-да, йилт этган чўғдай сарғайган япроқлари ҳам кўзга чалинади. Хазонрезгиллик. Баъзи дарахтларнинг, айниқса, дераза олдидаги бир жуфт оқ қайиннинг ялтираб турган япроқлари—олтин исиргалари бир-бир тўкила бошлаган эди. Ер бетида ҳам сарғиш барглари майин шабададан гўё зарғалдоқ болаларидай жойдан-

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонларда.

жойга сакрар, баъзан тўрғайлардай йўрғалаб юргандай бўларди. Куз шабадаси...— кўнглидан ўтказди Сумбула.— Ўзбекистонда ҳали ҳам ёз, жазирама иссиқ, ҳарорат салкам қирқ даража!..»

Сумбула соат олти бўлмасданоқ ўрнидан турди. Радиони буради. Бир оздан кейин Кремль курантининг ёқимли бонги эшитилди. Бутун мамлакат, бутун совет кишиси уйғониб, белига ҳиммат камарини боғламоқда. Диктор самода энг кўп парвоз қилаётган космонавтларнинг саломатлиги, иш жараёни, шунингдек, дунё янгиликлари ҳақида ахборот берди.

Сумбула ишига отлана бошлади. У ҳар кунги савобли ишини ҳам унутмади. Янги уйда ўзи ўстирган гуллардан (улар ўтган ёзда янги қурилган уйнинг икки хоналик секциясига кўчган эдилар) гулдаста ясаб ҳар тонгда борадиган биродарлар мазорини зиёрат қилди. У ерда ҳам хазон, хазон... дайди шабада уларни тўзитиб юрибди. Сумбула қабрларни хазондан тозалади, сўлиган гулларни олиб, мрамар тошларнинг чангларини артди-да, янги гулдастани авайлаб қўйди.

Тонги ташкилий ишларини тамомлаб, тегишли одамларга керакли йўл-йўриқларни бериб, сафарга тайёр турган Ҳамид Ҳакимович хотинини уйида кутарди.

— Мунча имиллайсиз. Сумбула, машина кутиб турибди, деди у хотинини останада учратиб.

— Мен тайёрман, сумкамни елкамга илсам, вассалом.

Уларни Новгород аэропортида самолёт кутмоқда эди. Аэропортга етиб боргунча ҳам, самолётда учиб кетаётганда ҳам улар фазогирларимизнинг оламшумул жасорати, ватан фани, техникасига қўшган салмоқли ҳиссалари ҳақида ўйлардилар. Бунинг оқибатларини чама-лаб, жаҳон фазогирлик тарихи кўрмаган шундай ишлар совет юртида бўлаётганидан ва ўзлари шу ардоқли мамлакатнинг граждандари бўлганларидан ниҳоятда фахрланардилар.

Пассажирларнинг оғзида фақат шу ҳақда гап борар, радио тўлиқинларида ҳам, дунёнинг бурчак-бурчакларидаги турли-туман тилларда ҳам совет фазогирларининг жасорати ҳақида қизгин суҳбат борарди. Ҳамид Ҳакимович билан Сумбула Иваново аэропортига қўнганларида ҳам ҳамманинг оғзида шу гап эди.

— Салом Новгороднинг муваққат элчилари!— деди Қудратов уларга гулдаста узатар экан.

— Фавқулудда ва мухтор элчига алоҳида салом!— деди Набижон тўнғич акасини қучоқлаб.— Келинойимизга тасанно. Танишинг, бу Надежда Ҳакимова, овсинингиз...

— Тўхта-тўхта, Набишер, ўзим таништираман— деди Қудратов унинг гапини бўлиб.— Набижондан бошлай қолай.

— Яхши таниймиз...— деди Сумбула, —ўзимизнинг укамиз-ку!

— Энди бу ўша укангиз шофёр Набижон эмас Россия федерациясида хизмат кўрсатган автомобилчи. Кун кеча фармон чиқди.

— Одамлар тинмай ўсяпти,— деди Ҳамид Ҳакимович.— Мен Набини ҳали ҳам ўша-ўша муштдек бола деб юрсам бу фахрий унвон эгаси бўлиб кетибди-ку!

— Билмабмиз. Табриклаймиз!

Аввал Ҳамид Ҳакимович, сўнгра Сумбула уни қучоқлаб қутқалди-лар.

— Лавозими ҳам ўзгарган.

— Министр бўлиб кетмадим, бунингиз?

— Топдингиз, биз бу укангизни «Иваново министри», деб атаймиз. «Ўзбекивановоирсовхозстрой» транспортни енгили-ю, грузовикларини ҳам шунинг амри билан гизиллайди.

— Қайингизни сийлаб юборибсиз-да?—Сумбула луқма ташлади.

— Устаси шогирдидан ўзган вақт,— деди Ҳамид Ҳакимович, — акаси юқоридан пастлаган бир вақтда укаси пастдан юқорилабди.

— Бола бошидан, ўғлон ёшидан деган гап бор,— деди Сумбула.

— Бу укамиз ёшлигиданоқ бўладиган бола эди—деди Ҳамид Ҳакимович.— Маҳалла болаларининг ҳаммаси шунинг оғзига қараб турарди.

— Бу ерда ҳам шунақа, ҳаммани ўз оғзига қаратиб олган. Энг антиқа янгиликларни Набижондан эшитамиз. Қани, Набижон гапир, космонавтлар билан қачон юз кўришамиз?

— Улар ҳозир оғир ҳаво қатламларини ёриб ўтяптилар, ҳадемай Қозоғистоннинг юмшоқ яйловига момиққа ўтиргандай астагина қўнадилар.

Хахолашиб кулишдилар. Сумбула сўради:

— Радиодан эшитмадингизми, икир-чикирларигача билиб олиб-сиз.

— Бунга аминман, деди у қатъий қилиб.— Ушанча кун мувозанатсиз учиб, очиқ фазода ҳам ҳеч ким қилмаган ишни эплаган одамлар ўз ватани тупроғига қўнишни эплаёлмайди, дейсизми. Улар осмонни ҳам, ерни ҳам ўзлариники қилиб олишдилар-ку!

Улар Набижоннинг яқинда сотиб олган «Жигули» машинасида борардилар.

— Машинани қачон олдингиз, Набижон?— Сумбула қизиқиб сўради.

— Уйланганимдан кейин.

— Анча юриб қўйибди-да, бўлмасам.

— Қаёқда! —Қудратов ҳазиломуз гап қотди.— Мелиораторларнинг транспорт министри бўлади-ю, ўзининг шахсий машинасида юрадим. Надеждасини қандай аяса, «Жигули»сини ҳам шундай аяйди бу Набижон.

— Ёшлигида ҳам ўз ишига пишиқ эди бу укамиз,— луқма ташлади Сумбула.— Қайлиқни ҳам яхшисини танлабди. Надежда менга жуда маъқул тушди.

Надежда эрининг акаси ва келин ойисидан уялгани учунми, одоб сақлабми ерга қараб индамай борарди. Унинг юзлари нурланиб, ҳақиқ янглиғ ёниб турарди

«Ивановолик келин» қайнонаси Мухтасар онага ҳам маъқул тушганди. «Ивановолик келиним, кенжа келиним» деб Мухтасар она уни ўтқазгани жой тополмай эъозлади. Ҳаким ота янгитдан тўй қилиб, бутун «Жиззах» совхози одамларига ош тортди, Надеждани энг яхши уйига келин қилиб туширди. Улар бир ой меҳмон бўлдилар. Афсуски, уларнинг тўйида Ҳамид Ҳакимович билан Сумбула қатнаша олмади, табрик телеграммалари билан тўёнларини юборишди, холос.

Сумбула Надеждага қаради. У ҳомиладорга ўхшаб кўринди.

— Бўйингизда борми?— сўради паст овозда.

— Уч ойлик бўлди,— деди Надежда қизариб.

— Табриклайман!..

Сумбуланинг боласизлиги тез-тез ёдига тушиб турар, бу дам унинг дили ёнарди. Шунинг учун ҳам оналик шарафини бўйнига олаётган аёлларни кўрса қувонарди.

— Кўзингиз ёрисин, чақалоқни ўзим катта қилишиб бераман,— деди у Надеждани эркалаб.

Набижоннинг «Жигули»си «Ўзбекистон чойхонаси» деб ёзилган катта панно олдида секин тўхтади.

## II

«Ўзбекистон чойхонаси» қадим «олтин ҳалқа» йўлида узоқдан порлаб кўринарди. Унинг зумрад гумбазларидан кундузи қуёш нури, тунда ой шуъласи аримасди. Новгороддан келган меҳмонлар иншоотнинг сиртини томоша қилиб, тўхталиб қолдилар.

— Қачон қурилди?— Ҳамид Ҳакимович сўради, нақшларидан қойил бўлганини яширолмай.

— Йилномачимиз яхши билади,— деди Қудратов Набижонга ишора қилиб. Набижон ҳар бир ишни бирор эса қоладиган тарихий воқеа билан боғлаб гапирарди. Ҳозир ҳам шу тарзда гап бошлади:

— Бу замонавий мўъжизани... Мўъжиза, деганимнинг боиси шуки, чойхонани биз «Союз—6» орбитал кемаси парвоз қилган куни қура бошлаган эдик. Розиковга баллики, у бу иншоотнинг миҳидан ойнаси-гача Тошкентдан юборди. Наққош усталар эса республиканинг бурчак-бурчакларидан йиғилиб келди. Бу ҳам Розиковнинг иши! Унинг биринчи навбати халқаро экипаж «Союз—6»да ҳамкорлик қилаётган куни кеч соат еттида битган. Жонибеков фазога учган куни шу чойхона ҳовлисида фазогир юртдошимиз шарафига бағишланган паловхонтўрани ўзим дамлаганман.

Қудратов унинг гапини бўлди:

Новгород элчиларига аталган паловни ҳам ўзинг пиширдигми, Набижон?

— Бугунги паловни Маҳфуза билан Надеждалар пиширдилар.

— Келинимизнинг пазандалигини кўрамиз экан-да.

— Ўзимдан ўрганган, лекин мендан яхши палов дамлайди бу келинингиз. Қани, ичкарига кирайлик, дастурхон мунтазир бўлиб қолди.

Ичкарида, чойхонанинг катта зали тўрида ҳақиқатан ҳам катта дастурхон ёзилиб, Иваново тупроғида битган ноз-неъмат тузаб қўйилганди.

— Помидор, бодринг ўз хўжалигимизда етишди,— деди Қудратов.— Сабзи-пиёз ҳам ўзимизда экиляпти. Фақат уруғи Ўзбекистонники. Гурунччи Қорақалпоқдан оламиз. Сизларда-чи?

— Бизда ҳам парник хўжалиги ишга тушди. Ҳосилини Новгород ишчиларига беряпмиз. Яқинда сабзавот совхозига юз йигирма беш гектар ерни ҳосил-посили билан топширдик.

— Ҳосили қандай бўлди?

— Айтишларига қараганда карам билан картошка ҳосили мўлжалдагидан икки-уч барабар кўп эмиш. Помидори эса, умуман бу ерларга янгилик, дейишди. Пиёз билан сабзи ҳосили рекорд ҳосилмиш. Илгари ёки ўзлари экишмаган, ёки тупроғи бундай экинни ёқтирмаган.

— Ҳар иккаласи ҳам тўғри бўлса керак.

Гап айланиб яна чойхона мавзусига кўчди. Иссиқ патир, ёғлиқ сомса Ҳамид Ҳакимовичга ҳам, Сумбулага ҳам ўз юртини, унинг уста пазандаларини эслатиб турарди.

— Жуда яхши иш бўпти-да,— деди Ҳамид Ҳакимович, чойхонанинг миллий меъморчилик санъатига хос кунгираларига ҳавас билан боқаркан.

— Ҳали нуқсонни кўп,— деди Набижон акасига юзланиб.

— Нима нуқсонни бор?

— Карвон саройи билан меҳмонхонаси йўқ. Чойхонада тўхтаб ўтадиган йўловчи машиналар қаторлашиб қолади. Менинг транспортим ҳаминша шу ерда пробкага учрайди. Меҳмонхонасини эса, Гуландом чала ташлаб кетди.



Набижон тўсатдан сўзини тўхтатди. Суҳбат Гуландомга бориб тақалгач Ҳамид Ҳакимович Қудратовга маъноли қаради.

### III

Гуландом Қохмадаги мелиораторлар шаҳарчаси қурилишини та-момлагач, Алексей Васильевичнинг одамлари учун янги уй-жой қури-лишига ёрдамга ўтди.

— Набижон, келин оинг сизларнинг ихтиёрингизда, биз Гулан-домнинг ишлари билан танишиб келамиз,— деди Ҳамид Ҳакимович укасига.

Гуландомлар ишлаётган жойга Қудратов билан Ҳамид Ҳакимович биргалашиб боришди. Совхоз бригадаси аъзолари яшайдиган янги қишлоқ уйлари узоқдан ола-қуроқ бўлиб кўринарди. Битта кран иш-сиз, тумшугини осилтирганча турибди. Ҳамид Ҳакимовичнинг назари-да биргина объектда иш бораётгандай эди.

— Гуландомнинг одами озми?

— Нисбатан одами камроқ. Аммо унинг ютуғи шундаки, одамла-ри ҳамма ишни бирдай яхши билади. Шунинг учун бир йўла гишт те-риб, уйни тиклаб, томини ёпиб олади-да, пардозлашга ўтади. Битди-ми, калитини Алексей Васильевичга топширади-да, навбатдагисига ўтади.

Улар Гуландомни иш пайтида учратдилар. Ҳамид Ҳакимович Гу-ландомни қўлтиқлаб олди-да:

— Янги усул сирларини айтиб бер, синглим, бизга ҳам керак бў-лади,— деди.

Гуландом унга бирор янгилик гап айтмади, аммо етаклаб бориб битказилган уйлари кўрсатди. Деҳқон оиласи учун қурилган уйлар Ҳамид Ҳакимовичнинг одамлари қураётган уйлاردан айтарлик фарқи кам, ниҳоятда бежирим кўринарди. Ҳамид Ҳакимович жавоб кутиб Гу-ландомга қаради.

— Ҳеч қандай сир йўқ,— деди Гуландом ва бир оз ўйланиб туриб қўшимча қилди.— Назаримда бунинг сири ҳар кишининг виждонида...

Қудратов ўз шогирдининг донолигига ичида таҳсин ўқирди.

— Барака топ, синглим!

Ҳамид Ҳакимович қудратовчиларнинг ишларини бирма-бир кў-ришни, мумкин қадар ўрганишни истарди. Афсуски, вақт оз ва қола-верса, унинг кечиктириб бўлмайдиган ўз юмушлари кўп эди. У Дмит-рий Дудановнинг ишлари ҳақида қайғурарди. Шунинг учун у қудра-товчилар қурган темир-бетон заводини ташқаридан кўриб қўя қолди. Кеч кириб, цехларда иш тўхтаганди. У завод ҳовлисига тахлаб қўйил-ган керамзитобетон қувурлар, плиталар ва сопол қувурларни кўриб, ке-ракли материаллар ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилганидан қувонди.

Новгородда ўзлари қурган заводларнинг маҳсулотлари бундай тахланиб турмасди. Йўлдошев шундай қаттиққўлки, у заводда ҳам, ПМКларда ҳам заррача материалнинг тўпланиб қолишини ёқтир-майди. «Материални ғамлаб ўтирган хўжайин ишбилармон» эмас, пешма-пеш ишлатиб улгурган ишбилармон» дер эди у. Шунинг учун Новгород кўчма колонналарига ҳамма материал расамади билан тақ-симланар, ҳеч бирида ё ортиқча, ёки етишмовчилик сезилмасди. Ҳамид Ҳакимович бу ҳақда гапирганида Қудратов эътибор билан эшитди-да, нималарнидир блокнотига ёзиб қўйди.

Эртасига Қудратов меҳмонга қурилаётган «Лесная» паррандаци-лик фабрикасини кўрсатди.

— Қурилиш усулимиз икки хил. Биз қишлоқ қурилиши йўли би-лан ишляапмиз. Булар эса, саноат қурилиши тажрибасини қўллаяпти-

лар. Ҳозирча икки усул мусобақада. Аммо буларда шаҳарча тартиб, бизда деҳқонча...

— Қайси бири яхши?

— Ҳозирча иккаласи ҳам яхши боряпти. Бизга деҳқончаси яхшироққа ўхшайди. Ҳамма ўз қўлимизда, вақтга ҳам, материалга ҳам ўзимиз хўжайин. Булар ҳаммасини шаҳардан оладилар.

«Лесная» фабрикаси ўз номига монанд бўлиб, қалин ўрмон ичига жойлашганди. Унинг бу бошидан донлаган товуқ нариги бошига боргунча неча бор тухум қўйиб, жўжа очиб, сўнг гўшт комбинатига тўғри бораверарди. Ҳамма операциялар пухта ўйланиб, техник жиҳатдан асосланиб, қурилганди. Ҳамид Ҳакимовичнинг назарида деҳқончасидан кўра, саноатчаси афзалроқ эди. Афсуски, ҳамма жойда бундай қилиб бўлмасди: маблағ қаёқда? Материални ким етказиб беради?

— Деҳқончасини ҳам худди шунақа қилса бўлади,— деди Ҳамид Ҳакимович,— лекин тўсиқлари кўп. Ахир бу зонада тўқсонга министрлик, турли идоралар қурилиш қиялптилар. Ҳаммасининг қишлоқда ўз заводи, қишлоқ қурилиши механизмлари бор. Кучлар тариқдай сочиб юборилган. Шуларни бирлаштирса қишлоқда ҳам қудратли қурилиш комбинати тузиш мумкин эди. Ҳаммаси битта қўлдан чиқарди.

Тўғри айтасиз, Ҳамид Ҳакимович, кўп жойларда шунақа бошбошдоқлик бўляпти. Шу ҳақда обкомда аччиқ гаплар бўлди. Иваново қишлоқларидаги қурилишлар «Ўзбекивановоирсовхозстрой» билан «Лесная» паррандачилик фабрикаси қурилиши асосида олиб борилсин, деган қарорга келишди. «Кимга шу икки усулдан қайси бири қулай бўлса, ўшани танласин, бошқа бачканачилик йўқотилсин!» деди ўртоқ Кудимов.

— Деҳқончиликда колхоз билан совхоз системаси мусобақа қилаётгандай бу иккала усул ҳам анча вақтгача ёнма-ён бориши мумкин..

Бу хил изланиш унумсиз ерларни ўзлаштириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш учун олиб борилаётган кенг кўламдаги кураш майдонларида ҳам давом этмоқда эди. Бирида ундоқ, бирида бундоқ. Ҳаммаси одамга ўша ишнинг жиловдорига бориб тақаларди. «Завети Ильича» колхози кейинги уч йилда ерларни тоза ишлаб ҳосилни икки баравар оширибди... Ён қўшниси «Красний пахарь» эса, ўтирганча ўтирибди. Биринчисида қурилиш авжида, иккинчисида ҳали қимирлагани йўқ. Камбағал, қамқувват эмиш... Ахир булар новгородликларга ўхшаб уруш кўрган эмаслар-ку. Ҳамма гап карвонбошида, одамларда...

Ҳамид Ҳакимович қайтиш тараддудида юрган пайтда унинг олида Гуландом пайдо бўлди-да, у билан ҳоли гаплашмоқ орзуси борлигини билдирди. Гуландом хомуш кўринарди.

— Хўш, хизмат, синглим?— деди Ҳамид Ҳакимович.

— Сиз билан бирга кетмоқчиман. Бу жойда бир дақиқа ҳам тургим йўқ.

— Нима бўлди?

— Тургим йўқ, вассалом!

— Қудратов билдиларми?

— Трестни тарк этишимни анчадан бери билиб юрибди, лекин қаёққа кетишимни билмайди.

— Рухсат этадимми?

— Берухсат бўлса ҳам кетаман!

Ҳамид Ҳакимович унинг кечагидан кўрган анча сўлинқи раб қолган юзига қараб, бирор дарди бўлмаса шундоқ жойни, шундай эъзоз-икромни ташлаб кетармиди, деб ўйлади. Аммо бирор аниқ гап айтиш учун Қудратовнинг бу ҳақдаги фикрини билгиси келди. Қудратов эса, Гуландомдай илғор қурувчисидан сира ажралишни истамасди. Аммо

уни бўйнидан боғлагандай ушлаб туришга ҳам ожиз эди. Чунки Гуландом бу ерга келиб севгилисига етишолмади. Уни севганлар эса Гуландомга ёқмади. «Рухий азобда яшайпти бечора қиз» дер эди Қудратов ва унинг ёши ўтиб бораётганидан афсусланиб юрарди. Ҳамид Ҳакимовичдан унинг Новгородга кетиш хоҳишини эшитгач, у анча вақт иккиланиб турди-да, балки ўша ёқда бахти очилар, деган мулоҳаза билан унга рухсат берди.

Қудратовнинг бу қароридан Гуландом беҳад қувонган бўлса ҳам бригадасининг аъзолари хафа эдилар. Уларнинг кўнгли учун Гуландом чала ишларни якунлаб, сўнгра йўлга чиқадиغان бўлди.

— Орқангиздан етиб бораман, албатта бораман!— деди Гуландом Ҳамид Ҳакимовичга.

## Ун тўққизинчи боб

### I

Теварак атроф оқ қайинларнинг қалин сумбалари, кумуш ранг япроқлари билан нурли, ёп-ёруғ эди. Қайинзорнинг ўртасида баландликда қад кўтарган янги бино узоқ-узоқлардан денгиздаги ёлғиз елкан каби оппоқ оқариб кўринар ва қайинзор манзарасига ўзгача бир ҳусн бағишларди. Иван Сергеев совхоз марказини шу ерга жойлаштириб жуда соз иш қилган экан. Бу ердан фермалару экинзорлар, хирмонларга борадиган йўллари, ўрмон сўқмоқлари — ҳаммаси кафтдек кўриниб турарди.

Бошқариш техникаси такомиллашган ҳозирги даврда Иван Сергеев ҳамма ишнинг тизгинини шу жойда жамлаб оператив бошқаришни жорий этди. «Ҳазо кемалари ҳам юзлаб, минглаб ер йўлдошлари ҳам бир жойдан—учишни бошқариш марказидан идора қилинпти-ку! Замонавий, кенг тармоқли қишлоқ хўжалигини ҳам замонага хос усулда бошқариш керак-да!...»— дерди у хаёлан.

Унинг буюртмаси билан Йўлдошевнинг одамлари, айниқса, Ҳамид Ҳакимовичнинг колоннаси озмунча бош қотириб, тер тўкмадилар. Улар ҳам ивановоликлар тахлитиди иш тутиб, битганини пешма-пеш Сергеевга топшириб турдилар. Ниҳоят, 1979 йили дирекция биноси битиб, унинг калити Иван Сергеевнинг қўлига теккан кун, анча вақтгача идора эшигини очмай бино атрофида айланиб юрди. Бу иморат Новгород қасрлари-ю, Старая Русса колонналарига мутлақо тенглаша олмаса-да, ўзининг хизмат эътибори билан Иван Сергеевга тоғ бўйи юксак бўлиб кўринарди. Унинг Новгород ва Старая Русса қадимий ёдгорликларидан на олтин гумбаз, на бронза девори ва на кумуш остонаси бор эди. У керамзитобетондан қурилиб, ёғочдан безалган оддийгина ойнаванд иморат бўлиб, Иван Сергеевдай қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ташкилотчисининг кўзини тиндиргудай жозиблага эга эди.

Сергеев пиёда кўшинларининг аввал аскар, кичик командири, кейинроқ капитани бўлди. Уруш Новгородга даҳшат солган ўша қора кунларда она ер ҳимоясига кўнгилли бўлиб ёзилди. У туғилиб ўсган қишлоқ, қадрдан ўрмонлар, у чўмилиб юрган дарё ва ариқчалар, баллиқ овлаган кўл — ҳаммаси неча бор қўлдан-қўлга ўтиб, ўт олиб, куйиб кул бўлганди. Сергеев неча бор яраланиб, урушдан боши омон қайтди.

Ғалабадан қайтган Сергеев ўз қишлоғида, ҳатто районда бирорта бутун иморат кўрмади. У ишлаган колхоз хўжалиги ҳам батамом вайрон қилинганди. Тирик қолган аҳолининг камдан-ками қайтиб келди. Сергеев ота-онаси ўтган қишлоқдан кетолмади. Йиғилган уч-тўрт оила бутун қолган уй томига совет байроғини қададилар-да хўжаликни тиклашга киришдилар. Орадан сал ўтгач, район қарор топди. Хуторлар бирлашди. Сергеевни раис қилиб сайладилар.

Камқувват хўжаликнинг қўли жуда калта эди. Сергеев район билан областга қатнаб юриб от-улов, уруғ топиб келди. Юз гектар ерга экин экдилар. Чорва ҳам йўлга қўйилди. Сергеевнинг колхози бепоен денгиздаги кичик бир оролдай гап эди. Чунки, бир вақтлар гуллаб-яшнаган қишлоқлар ташландиқ аҳволда ётарди. Сергеев бу жойларни қайта обод қилишни орзу қиларди. Мана, орзу қилинган ўша кунлар келди. «Қардошлар ҳимматига балли, айна долзарб онларда ёрдамга келдилар. Балли, ўз техникалари, асбоб-ускуналари-ю, экишга уруғлари билан келдилар-а!»

Сергеев кабинет деразасини очиши билан хонага шабада анвойи ҳид олиб кирди. Нарироқда, ўрмон ёқасида сутчилик фермаси қад кўтармоқда эди. Ёнида бузоқхона, чўчқахона, ем-хашак базаси... Сигир, бузоқларнинг маъраши қандайдир киши кўнглини тўқ қилади. Сергеев қандай яхши жой танлабди маҳкама учун. Ҳаммаёқ унинг кўз остида бўлади. Пастда техника майдони, чапдан дарё соҳилигача янги қишлоқ уйлари... Бири-биридан гўзал. Томларда антенналар... Ана, маданият уйи гавжум. Бугун у ерда кинокомедия қўйилади. Мактаб биноси ташқаридан қараганда жимжитдай, аммо бино ичи болаларга тўла, дарс кетяпти. Савдо марказида гимирлаган одам кўринмайди. Чунки, бу ерда ишдан кейинги соатлардагина савдо бўлади.

Директор кабинетидан совхозда ишлаётган одамлар ҳам кўрниб турибди. Кимдир фермага ем-хашак ташиб кирапти. Гоҳ оқ халатли аёл бидонда сут кўтарган куйи кўринади. Нима юмуш билан юрганлиги номаълум, тракторлар, машиналар ҳаракатда. Қурилишнинг тугалланишига ҳали анча вақт бор. Уруғлик хўжалиги омборлари, автогараж биноси билан трактор парки, ёқилғи ертўлалари, бензозоправка станцияси — борингки, замонавий катта рўзгорнинг қўшимча хўжаликлари жойлашадиган иккинчи эшелон пойдеворлари энди кавланмоқда.

Унинг назарида дала ишлари ҳам беш йиллик режасида кўрсатилган муддатларда борарди. Мелиораторлар икки минг гектар ерни етилган карами, гуллаб турган картошкаси билан топширишлари керак. Ҳов нарироқда, дарё бўйидан бошланадиган майдонларда бу йил экилган маккажўхори попилдириқ чиқариб турибди. Айна силосга ўрнладиган пайт. Буларни ҳам қардошлар отрядининг капитани Ҳамид Ҳакимович акт қилиб Сергеевга топшириши лозим. Шартнома шунақа!

Яқингинада қандай эди? Карамнинг боши муштдек, маккажўхори пояси тизза бўйидан ошмасди. Экилган картошканинг уруғини ҳам ололмасдилар. Беда экилган ердан қамиш унарди... Одам ҳар нарсага чидаркан... Қанча-қанча меҳнат зое кетди. Тажриба алмашгани об-ласта Сергеев бормаган жой қолмади. Мана, энди...

У бошқариш пульт-аппаратнинг ярақлаб турган тугмаларидан бирини босди. Шу пайт қизил чироқ ёнди ва узоқдан жавоб ҳам эшитилди.

— Ферма эшитади... Навбатчи аппаратда...

У дераза олдига борди. «Э-ҳе, қилинадиган ишларнинг поёни йўқ, — ўйлади Сергеев олис-олисларга кўз ташлаб. — Ҳали қанчадан-қанча ер темир-терсақка қоришиб, ер ости сувидан захлаб ётипти. Уларни экинзор қилиш осонми! Яна қанчадан-қанча ўтлоқларга сув

чиқарилши лозим. Анчайин ўтлоқлар эмас, маданий ўтлоқлар даркор...»

Бундан буён маънавий бойлик иқтисодий бойликдан ҳам юқори турса, эҳтимол. Сергеев ҳар иккала жабҳани бирдай олиб борши керак. Шунда у ўздан қаноат ҳосил қилади.

## II

Сув билан ҳаво одамга қандай зарур бўлса, бизнинг замонамиз одамига, айниқса, совет кишисига маънавий озиқа ҳам ана шундай зарур ва ҳаётийдир, деб биларди Сергеев. «Совет кишилари ҳар жиҳатдан, шу жумладан маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб боряпти» деган жаноблар бекор айтибди. Улар совет кишиларининг турмуш тарзини маънавий —одамийлик қиёфасини мутлақо билмайдилар. Совет кишиларининг бойлиги—унинг гоёвий бақувват эканини ҳам ҳисобга олмайдилар. Оддийгина ўзбек қиз Гуландом билан, тракторчи Дуданов ва эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйган Мардонов каби ҳар бир совет гражданининг манман деган капиталист жаноблардан маънавий жиҳатдан баланд туришини билиб қўйсалар ёмон бўлмасди. Уларнинг шахсий фабрикаси, ёки савдо дўконлари йўқ, улар мулкдор ё банкирлар ҳам эмас, аммо улар ўзларини миллионер, деб биладилар. Улар миллион-миллион совет кишилари номидан иш юритиб, шуларнинг манфаати йўлида яшайдилар. Шунинг учун совет кишилари сиёсатга бефарқ қарай олмайдилар. Айниқса, халқаро сиёсатга улар мутлақо лоқайд бўлолмайдилар. Негаки, СССРнинг тинчлик сиёсати ҳар бир совет кишисининг идеали бўлиб қолган.

Ҳар куни тушқи таом вақтида бўлгани каби тракторчиларнинг бугунги қисқа суҳбати ҳам ана шу ҳақда бўлиб ўтиши бежиз эмас эди. Дудановнинг тракторчилари почтальон келтирган газеталарни ўқиб чиқиб, яна қизгин баҳсга киришдилар:

— Қандай бўхтонларни тўқиб чиқаришмайди, бу империалистларнинг иғво машинаси,— деди Дмитрий Дуданов газеталарнинг «Чет эл ахбороти» қисмини ўқиб чиққач,— бир ёлғондан минг ёлғон... Мен, яъни кечаги танкчи, ғарбий Европани босиб оламан, деб хавф солган эмишман. Тракторимни ташлаб-а! Бўхтон ҳам эви билан-да, каллаварам!..

— Ўзингдан-ўзинг нималар деяпсан, Дима?— Ҳамид Ҳакимович сўради.

— Кўрмайсизми буларни, совет қуроли кучлари, эртасининг Европани босиб олармиш. Совет хавфи!.. Совет хавфи деб эфирни ҳам булғаяптилар. Ушалар Ильмен кўли атрофига Волхов дарёси соҳилига бир келсалар эди, совет кишилари нималар билан банд эканликларини кўриб кетар эдилар. Э, сенларни!..

Бирин-кетин ҳамма Ҳамид Ҳакимовичнинг атрофига жам бўлди. Улар Ҳамид Ҳакимович нима деркин деб турардилар.

— Тўғри айтасан, Дима!— деди Ҳамид Ҳакимович.— Бизга биронинг бир қарич ери керак эмас, урушни ҳам нистамаймиз. Буни етти ёшдан етмиш ёшгача, ҳамма яхши билади. Аммо бир ҳовуч урушқоқ реакционер жанобларигина бу ҳақиқатдан юз ўгирадилар, кўриб туриб, кўрмасликка оладилар, бўхтон ёғдирадилар. Уларнинг ҳунари шунақа, коммунизмга бўхтон ёғдирмаган куни тунда ҳам ухлабмайдилар.

— Нима етишмайди, уларга? Қутуриб, инларига сиғмаганларидан шундай қилишадими? Буни қаранг, Пентагон Европага яна олти юзта янги хил ядро қуроли жойлаштирмоқчи эмиш. Бировнинг уйини ўтхона қилиб, бировнинг қўли билан чўғ ёндириш эмасми бу! Бу Европанинг илдизига болта уришмасми?!

Ҳамма газетхон, шунинг учун ҳеч ким мунозарадан четда қолгиси келмади. Кўпинча шундай пайтда жим, фақат тинглаб ўтиришни афзал кўрадиган бир йигит сўз олди.

— «Одам ҳуқуқи» муаммосини ўйлаб топган сиёсатдан жаноблар халқларни, давлатларни оёқ ости қилсалар майли экан-да! Фалас-тинликларни ким ватангадо қилди? Америка ва унинг малайлари...— деди у жаҳл билан.

— Бир нарсага ҳайронман, ўртоқлар,— деди Мардонов.— Саккиз миллионли ўз халқининг уч миллионини ютиб юборган икки бошлиқ бир аждаҳони Пекин ҳукумат боқувда асраётганмиш. Семиртириб, яна қолган беш миллион кампучияликни гажиб ташлаш учун юборди-да!

— Ҳайрон бўладиган жойи йўқ!— шериги гапга аралашди. Пекиликлар ҳам империалистларнинг карнайини чалаётганини билмовдингми?

— Тагин, улар ўзларини коммунист деб атайдилар. Садқаи коммунист номи...

— Ниқоб ҳам керак-да!

— Ниқоб қаёқда! Тескаричилик ошкора-ку! Совет Иттифоқи биринчи душман эмиш. Хиёнатчилар!..

— Вьетнамга қарши уруш ўша сиёсатнинг дебочаси экан-да?

— Бўлмасам-чи...

Сухбат-мунозара қизиқ турган пайтда кўчма ошхона пазандаси қозон чўмичини тарақлагиб қолди.

— Ҳей, сиёсатдонлар, халқаро ассамблеяларингга танаффус эълон қилинглр-да, марҳамат қилиб овқатланинглр. Тез бўлинглр, аввал зиёфат, сўнгра сиёсат!

## Иигирманчи боб

### I

Ҳамид Ҳакимович тўсатдан Элчи Мардоновни ўз ҳузурига чақирди-да, қўлига кўк ҳошияли телеграмма тутқазиб, деди:

— Сенга дипломатик миссия юклатилади. Тезда Новгород аэропортига бориб, шу рейсда келаётган азиз меҳмонни кутиб оласан. Ўзим боришим керак эди, зарур иш чиқиб қолди.

— Азиз меҳмон чет эллик жанобларданми ёки ўзимизга қарашли одамми?— сўради Элчи.

Ҳамид Ҳакимович сўроққа жавоб ўрнига унинг кийим бошига қараб қўйди.

— Бу қарашингиздан, костюминг ярамайди, демоқчисиз шекилли. Ҳозир янгисини кийиб оламан,— деди Элчи.

— Галстук ҳам тақиб ол,— деб тавсия қилди бошлиқ.— Мелиораторларнинг илғор қизларидан бири келяпти. Менга қара, гулдастани унутма!

— Хўп бўлади!

Элчи ясаниб, гулдаста кўтариб Ҳамид Ҳакимовичнинг «Газик»ида йўлга чиқди. Телеграммада: «Кутиб олинг, йўлга чиқдим, рейс 240. Гуландом» дейилганди, холос. Элчи у қизни кўрмаганди.

У аэропортга кельши ҳамон 240 рейсли самолёт келиб қўнганини эълон қилдилар. Кутгани чиққан бошқа одамлар қатори Элчи ҳам самолёт томонга борди-да, зинадан пастга тушаётган пассажирлар орасидан, «сағизтупроқнинг илғор қизларидан бири»ни қидирди. Самолётдан тушаётганлар сиртдан қараганда бир-биридан фарқ қилмас, уларнинг орасида «ўша илғор қиз мана, мен бўламан» дейдигани йўқдай эди. У ҳар томонга жовдираб қаради. Кутгани чиққанлар ўз одамлари билан қучоқлашиб кўришиб, қўлларидаги юкларини кўтариб кетишди. Уларнинг орасида бир қиз енгилгина юки билан вокзал томон шахдам одимлаб борарди.

— Салом, Гуландомхон!— деди Элчи қизнинг олдига бориб.

— Салом!..— деб жавоб қилди қиз табассум билан.

— Хуш келибсиз!

— Хушвақт бўлинг.

Элчи қўлидаги гулдастани унга узатди.

— Новгород заминида ўсган Ўзбекистон гуллари бу!

Гуландом ярқ этиб Элчининг кўзларига боқди-да, қўлидан гулдастани олиб, янада жозибали табассум қилди.

— Раҳмат!— деди қиз гулни ҳидлаб.

Қиз ўзини жуда қувноқ, шод-хуррам тутар эди.

— Мени Ҳамид Ҳакимович юбордилар. Уларнинг номидан кутгани чиқдим. Исмин Элчи. Фамилиям Мардонов,— деди у меҳмон қизга.

Гуландом унга жозибали разм ташлаб олгач, табассум қилди.

— Сизнинг ҳақингизда кўп эшитгандим...

— Ҳамид Ҳакимович Ивановога борганида гапирувдими? — деди Элчи унинг қўлидан чамоданчасини оларкан.

— Газетада ўқиганман. Суратингизни ҳам газетада кўрганман,— унга кулиб боқди.— Ухшайсиз. Узоқдан танидим сизни.

Элчи Ивановодаги мелиораторларнинг, шу жумладан Қудратовнинг коллективи қилаётган кенг кўламдаги катта ишлар ҳақида гапира бошлади. Унинг аэровокзалда бошлаган ҳикояси йўл бўйи давом этди. Аммо ўзи ҳақида ҳеч нарса демади.

Элчининг назарида бу қиз у танийдиган кўпгина қурувчи механизатор қизлардан тубдан фарқ қилиб, ўзидан кўра ўзгаларни улуғлайдиган коллективпарвар, оддийгина кийинса ҳам ярашган либос танлай биладиган дидли эди. Унинг гаплари маънодор бўлиб, ортиқча сўзлардан холи эди. Унинг кўзлари гўё чақмоқдай ҳар боққанда ярқ этиб чарақлаб кетарди-да, анча вақтгача учқунланиб турарди.

— Отпускага чиқдингизми?— Элчи қизга зимдан кўз ташлаб олди.

— Ҳа, отпускага чиқдим.

— Бу ерда қанча вақт бўласиз?

— Иложи бўлса, агар Ҳамид Ҳакимович ҳайдаб юбормасалар, шу ерда қолмоқчиман.

— Ҳамид Ҳакимович меҳмонни ҳайдайдиган одамлардан эмас...

— Билмадим. Мен у кишини икки марта кўрганман, холос.

— Укасини танирсиз. Набижон... Ҳамид Ҳакимович ўша Набижондан ҳам яхши одам. Биз уни бошимизга кўтаргудай бўламиз.

Гуландом Набижоннинг номини эшитгач, жим бўлиб қолди. Уни таниш-танимаслиги ҳақида лом-мим демади. У ўша Набижон туфайли Россияга келиб қолган ва ўша туфайли Иваново заминидан бу ёққа бош олиб чиққанди. «Набижонни бутунлай унутмоқчи эдинг, Новгородда ҳам ўшанинг номини эшитяпсан...»— хаёлидан ўтказди қиз.

Элчи ҳушёр йигит эди. Набижоннинг номи Гуландомга ёқмаганини сезди-да, дарҳол суҳбат мавзуини ўзгартирди.

— Сумбула опамни яхши танисангиз керак. У киши мана шу жойда янги мактабда ўқитувчилик қиладилар...

Гуландомнинг кўзлари ярақлаб кетди.

— Қаерда? Мактаби қайси?

Улар ўзбек мелиораторлари қурган янги қишлоқ кўчаларидан борардилар. Элчи уни атайлаб мактаб яқинидан олиб ўтди, аммо синфларда дарс бораётгани учун ҳеч ким кўринмади. Гуландом фарғоналик қурувчилар бунёд қилган иморатларга ҳавас билан боқар, уларнинг ташқи нақшларини маъқуллаб борарди. «Андижон нақшлари... Наманган ҳошиялари... Биз ҳам шундай қилсак бўларкан.. Фақат чойхонага нақш солдик, холос...»

Уларнинг «Газик» машинаси қурилиш кранлари бўй қўйган жойлардан ўтаётганда Гуландом Элчидан сўради:

— Бу кранлар кимга қарашли?

— Ҳамид Ҳакимовичнинг комплексли колоннаси қуряпти бу уйларни.

Гуландом қурувчи эмасми, пойдевори кўтарилган, деворлари тикланган қурилишлардан кўзини узмай, нималарнидир ёқтириб, нималарнидир ёқтирмагандай борарди. Унинг бу ҳолатини Элчи билиб турарди. Қурувчиларнинг иши ёқиб қолса қизнинг чеҳраси очилиб кетарди.

— Бинокорларимизнинг иши қалай, ёқяптими?

— Дуруст,— деди Гуландом қисқагина.

— Биз бинокорлар билан мусобақадошмиз. Тез-тез бир-биримизга меҳмон бўлиб турамиз...

— Ким голиб, сизларми, буларми?

— Гоҳ улар, гоҳ биз. Ҳамид Ҳакимович шундоқ одамки, ҳеч кимни орқада қолдирмайди. Оқсаб қолганга дарҳол ўзи қўлтиқтаёқ бўлади.

— Қудратов ҳам шунақа. «Қолоқларсиз ишлаймиз!» деган шиорни оғзидан туширмайди. Лекин ҳеч вақт беш қўл баравар бўлмас экан. Қолоқлар ҳам яшаяпти, илғорлар ҳам...

«Газик» секинлаб тўхтади.

— Келдик,— деди Элчи ва машинадан тушиб орқа эшикни очди.— Марҳамат уйга!

Уч хоналик квартира яхши жиҳозланган бўлиб, озода тутилгандан ҳаммаёғи ярқираб турарди. Гуландом атрофга қараб қўйди-да, Элчидан сўради:

— Сизнинг уйингизга келдикми?

— Йўқ, Ҳамид Ҳакимовичнинг уйи бу. Бемалол жойлашаверинг...

## II

Гуландомнинг келганидан ҳаммадан ҳам Сумбула хурсанд бўлди. Гуландом ўзининг эпчиллиги, хушчақчақлиги билан Сумбулани ўзига ром қилиб олди. Аввало у Сумбулага яхши суҳбатдош бўлди, Ивановода кўрган, билганлари, бошидан кечирганлари ҳақида қизқарли ҳикоялар айтиб, уни кулдириб, овинтиришдан зерикмедди.

Сумбула уйининг бир хонасини унга бўшатиб берди.

Улар опа-сингилдай иноқ бўлиб яшадилар. Гуландом пазандалик-да ҳам Сумбуланинг жонига оро кирди. Рус таомларини қотириб тайёрларди. У пиширган таомлар Ҳамид Ҳакимовичга ҳам маъқул эди. Гуландомнинг буюртмаси билан Ҳамид Ҳакимович Новгороддан сопол хумчалар топиб келди. Шундай қилиб, уларнинг уйларида европа-



ча, осиеча таомлар ҳамиша бўлиб турарди. Бунинг доврўғи тез орада Йўлдошевга ҳам етиб борди.

— Гуландомга қўзиқориндан димлама тайёрлатиб қўй, кечқурун етиб бораман,— деди у Ҳамид Ҳакимовичга телефон қоқиб.

Сумбула билан Гуландом якшанба куни оқ қайин ўрмонида кун бўйи қўзиқорин териб, саватчаларни тўлдириб келдилар-да, хурмачаларга жойлаб, устига қаймоқ билан сариёғ солдилар. Қайноқ духовкада ўз буғига ўзи пишган қўзиқорин тайёр бўлган пайтда Ҳамид Ҳакимович билан Йўлдошев кириб келди. Димламанинг антиқа ҳиди гуп этиб димоққа урди.

— Қадимги савдогарлар таомини қаердан ўргандингиз?—Йўлдошев сўради.— Ширинлигидан тилни тишлаб олгудай бўляпман.

— Урмончи онласида бир ой бўлгандим. Ушалар ўргатдилар.

— Қурувчиликни таълаб пазандалик қила қолинг. Гуландом, бу таомингиз Новгороднинг машҳур «оқ минора» ресторанида ҳам анқога шафъи бўлади.

— Нималарга шаъма қилаётганингизни сезиб турибман,— деди Ҳамид Ҳакимович ҳазиломуз. — Гуландом ҳеч қаёққа бормайди ва ҳунарини ҳам ўзгартрмайди. Кўчларини олиб келдик. Эртагаёқ иш бошлайди. Уни «Злобинчи—Гуландомчи бригада» кутяпти.

Сумбула эрини қувватлагандай қўшимча қилди:

— Қурилиш объектларини ҳам кўриб келди. Гуландом ишни қабул қилди, деб ҳисоблайверинглар.

— Ие, ҳали шунақами?— Йўлдошев мамнун бўлиб сўради. — Қатъийми ёки вақтинчами?

— Қатъий ва узил-кесил!— жавоб қилди Гуландом.— Лекин ишни эртадан эмас, уч кундан кейин бошлайман.

— Нега?

— Объектларни кўрдиму одамлар билан тўла танишиб олганимча йўқ.

Ҳамид Ҳакимович дарҳол луқма ташлади:

— Одамлар билан танишиш ҳам иш ҳисобланади. У ёғини сўрасанг, синглим, одам таниш ва танлаш энг қийин иш!

— Ундай бўлса Гуландомга уч кун эмас, кўпроқ вақт беринг.— Сумбула илтимос қилди.— Одамларини яхшироқ синаб, саралаб олсин.

— Гуландомнинг бу соҳадаги асосий ишини ўзим бажариб қўйганман,— деди Ҳамид Ҳакимович.— Унга азамат, ҳалол, оёғидан ўт чақнайдиған ёшларни танлаб қўйдим. Гуландом уларни ким нимага қодирлигини аниқламоқчи, холос. Шундайми, Гуландом?

— Шундайликка шундай, лекин ҳар бирининг аризасига ўзим қўл қўймагунимча буйруқ чиқармайсиз? Хўпми?

— Майли, сенингча бўлсин.

Йўлдошев бу қиз ҳақида Қудратовдан кўп яхши гаплар эшитганди, аммо шундай одамни ўшандай гадбиркор бошлиқ ўз бағридан бошқа ёққа жўнатиб юборганига ҳайрон бўларди. Гуландомнинг Ивановодан кетиш сабабини Ҳамид Ҳакимович ҳам унга айтмади-да, шу ерда биз билан ишлашни хоҳлабди, деб қўя қолди.

Сумбула, Гуландомлар билан хайрлашиб кўчага чиққач, машинага минаётиб Йўлдошев сўради:

— Ҳамид Ҳакимович, Гуландом етим қизми?

— Нега етим бўлсин. Ота-онаси, акалари бор. Ҳаммаси дурадгору қурувчи.

— Эр қилганми, йўқми?

— Йўқ.

— Балки бахт қидириб кетгандир. Бу қизга огоҳ бўл, Ҳамид Ҳакимович, адашиб қолмасин. Яна учарларнинг бирортаси илиб кетма-

син. Яхши қиз экан. Демокчиманки, бахтининг очилишига ҳам ўзинг оталик қил.

У машина кабинаси эшигини ёпиб улгурмай яна Ҳамид Ҳакимовичга деди:

— Боя тўғри айтдинг, одам танлаш жуда-жуда қийин. Умр йўлдоши танлаш ундан ҳам қийин. Кўп ёшлар енгил-елпи қарайди бу ишга. Шу туфайли ажралиш кўпайиб кетяпти.

— Тўғри айтасиз.

— Бирортасини мўлжаллаб келмаганмикин бу қиз?

— Мутлақо.

— Собиқ колонна бошлиғи Мардоновнинг ўғли Элчи унни гулдас-талар билан кутиб олганмиш, деб эшиттим...

— Уни кутгани ўзим юбуровдим. Зарур ишим чиқиб қолувди-да.

— Ҳа, яхши. Бировнинг бахтига биров сабабчи бўлади. Сен арқонни узун ташлаб, ишни пухта қиласан. Шу одатинг менга ёқади,— деди-да Йўлдошев унинг қўлини қаттиқ қисди.— Муваффақият тилайман!

Йўлдошевнинг гаплари Ҳамид Ҳакимовичга маъқул тушди. Аммо бу — нозик масала бўлиб, асосан ўзларига боғлиқ эди. Юракдан юракка йўл топилмаса тақдир тақдир билан қовушмайди. Аммо унга шу ҳақиқат ҳам маълум эдики, Йўлдошев айтгандай, бу йўлда сабабчининг роли муҳим бўлиб, кўпинча ҳал қилувчи омил ҳисобланарди. «Бекорга келмаган экан бу Йўлдошев, димлама баҳона-ю, қиз кўргани келган экан-да,— деб кўнглидан ўтказди.— Ёки Элчининг ўзи бирор гап айтдимикин? Ўзимга айтса ҳам бўларди. Балки, Сумбула келино-йисига шипшигандир...

Бу ҳақда на Элчи ва на Гуландом ҳеч кимга, жумладан, Сумбулага ҳам ҳеч нарса демаган эди. Сумбуланинг сезишича, Элчи Гуландомга тез-тез йўлиқиб турар, баъзан гулдаста тутқазар, баъзан ўзи овлаган балиқдан келтириб берарди. Гуландом ҳар гал ҳам бу илтифотга бефарқдай қарар, гулни тувакка солиб, ўрта уйга қўяр, балиқни эса қозонга ташлаб, гоҳ қовураб, гоҳ шўрва қиларди. Аммо бирор марта ҳам ё йигит, ё қиз муҳаббат ҳақида сўз очмасдилар.

«Йўлдошев ўзбек мелиораторларини шу ерларга ўтроқ бўлиб қолишини ёшларнинг бахтини қовуштиришдан бошламоқчи шекилли»— деб ўйлади Ҳамид Ҳакимович. У бир куни гулдаста кўтариб келаётган Элчини учратиб сўради:

— Гулинг мунча чиройлик! Кимга аталган?

— Қурувчи дўстларим, янги объектда иш бошладилар, ўшаларни табрикламоқчиман,— деди Элчи дудуқланиб.

— Бу ишинг яхши,— деди Ҳамид Ҳакимович табассум билан.— Гулдаста кимга аталганини ҳам айтақол, ошнам.

— Кимга бўларди... Бригадирига берилади-да.

— Бу ниятинг жудаям яхши. Гуландомни хурсанд қилмоқчи бўлибсан-да!

Элчининг кўзлари кулди.

— Шундай.

Қиз ҳақида унинг фикрини билишга қулай имкон топилгандай эди. Ҳамид Ҳакимович унинг дилига қўл солди:

— Гуландом сенга ёқадими?

— Ишчан қиз экан.

— Ҳусниям чакки эмас. Шундайми?

— Шундай,— деди Элчи кулимсираб.

— Дидинг чакки эмас, Элчим. Мабодо, шу қиз дидингга мос тушса, қулоғимга шивирлаб қўй. Ўзим совчилик қиламан.

Элчи ўнғайсизланиб, бир оз жим тургач:

— Хоҳишини билолганим йўқ,— деди.

— Замонавий йигитларга ўхшамайсан, Элчим, Гуландом паранжи-чачвон ичидаги қиз эмас-ку!

— Ҳали унча синашта эмасмиз-да...

Кечқурун, ишдан кейин Гуландом уйга гулдаста кўтариб келди-да, уни эъозлаб гултувакка жойлади, сув қуйиб, кўринарли жойга қўйди.

— Мунча чиройлик гуллар экан,— деди Сумбула ҳавас билан.— Ҳидини қаранг... Қаердан тердингиз бу гулларни?

— Тақдим қилишди.

— Уша тақдим қилган одам жуда дидли одам экан-да,— деди Сумбула.

— Тўғри айтасиз, Сумбула опа, Элчи гул танлашни билар экан.

— Ие, Элчининг совғасими бу?— сўради Сумбула қувнаб.— Элчи Мардонов жуда дидли йигит, қиз танлашни ҳам биладиган йигит...

Сумбула зимдан Гуландомга кўз қирини ташлади. Гуландомнинг ёноғига қизил юрганидан сездики, Элчининг муносабатларига бу қиз ҳам бефарқ эмасдай эди. Унинг кўнглини яхшироқ билмоқ мақсади-да сўради:

— Элчи бугун кечки таомга келарканми?

— Билмадим. Келмоқчимиди?..

— Таклиф қилсангиз жон деб келарди.

— Таклиф қилишни унутибман.

— Телефон қила қолинг.

— Кераги йўқ.

— Нега?

— Мен у билан яхши синашта эмасман.

— Элчи жуда яхши йигит. Бу ердаги йигитлар орасида ҳали бунақасини кўрганам йўқ.

— Қайдам. Мен ҳали уни яхши билмайман,— деди Гуландом.— Сиртдан одамни билиб бўлмас экан...

— Яхши одам олтинга ўхшайди. Бир кўришда билиш мумкин.

— Юрагини билиш қийин экан... Мен ўз тажрибамда шунни синадим.

— Албатта сирти ялтироқ, ичи қалтироқлар ҳам бор. Аммо Элчи ундайлардан эмас. Биз уни яхши биламиз.

Гуландом жим бўлиб қолди. Унинг назарида Сумбула опаси ҳақ гапни айтаётгандай эди.

### III

Кун билан тун тенглашган, новгородликларча «равноденства»— 23 сентябрь куни Москва вақти билан роппа-роса соат ўн иккида Сергеев бричкасини тарақлатиб келди-да, қурилиш майдончасида тўхталиб, бинокорларни ўз олдига чақириб олди. Бинокорлар бирин-кетин йиғилиб, жам бўлгач, Сергеев бричкадан оқ сочиққа ўралган каравай-нон буханкасини олди-да, ош пичоқ билан уни ўн иккита бўлак қилиб Гуландомга, сўнгра ўн бир азамат қурувчига тақдим қилди.

— Янги ҳосил нони бу—деди у мамнунлик билан. Анча-мунча нон эмас, ўлиб-тирилган тупроқнинг нони бу!

Улар нонни кўзларига суртиб, иштаҳа билан едилар.

— Қўриқ очувчи мелиораторларнинг совғаси бу, — деди Сергеев қувониб.— Энди навбат қурувчиларга. Биринчи Май—халқаро бирдамлик байрами олдидан сиз қурувчилар қурган янги уйларни илғор ишчиларга берамиз. Олдиндан айтиб қўяй: совхозимизда қолиб ишлайдиган талабгорларга хоҳлаган жойдан уй берамиз.— Кейин у

йигитларга ҳазиломуз деди.— Шу ерда турмуш қурадиган ёшларнинг уйи ҳам, тўйи ҳам текин.

Қурувчи йигитлар бир-бировларига қараб, маънодор кулиб қўйишди.

— Келин ҳам текинми?— деди ҳазиллашиб уларнинг бири.

Сергеев дарҳол жавоб қайтарди.

— Қўнглини топганга келин ҳам текин.

— Шунча йигитга текин келин қаёқда,— деди яна бир ҳазилкаш йигит.

— Совхозимизда қиздан кўпи йўқ. Мен уларга ҳам шарт қўйганман. «Эрга тегсанг сен билан қишлоқда яшайдиганини танлаб тег!» деганман. Сизларга ҳам шартим шу.

Сергеев қўш отлиқ аравасига минаркан, бу уйларни ўзимиз учун қураямиз, деб ҳисоблайверинглар, деди-да, жўнаб кетди.

— Чекиш учун танаффус— деди Гуландом йигитларнинг райига қараб.

Гуландом ўн бир йигитнинг ҳаммаси билан якка-якка суҳбат қилиб, кимнинг нималарга лаёқати борлигини анча-мунча билиб олган бўлса ҳам уларнинг ички дунёсини, туйғуларини ҳали унча билмасди.

— Уй-жой, онла билан бизни авраяпти, бу Сергеев,— деди боя биринчи бўлиб сўз бошлаган йигит. — Фарғона водийсининг сувини ичиб, мевасини тотиган одам ўйлаб кўради...

— Орзуга айб йўқ, балки Сергеев ҳам ўз ерларини водий янглиг чаманзор қилмоқчидир.

— Ери, суви етарли, дейлик. Қуёшни қаердан олади?

— Қуёш ҳар бир кишининг кўнглида бўлсин!— деди кимдир. У ҳақ гапни айтди.

Танаффус вақти тугади. Гуландом, қани бошладик, деб ҳаммани ишга чорлади. Қурувчиларнинг шундай одати бор эди: иш бошландими, ҳамма жимиб қоларди. Бу одатни ҳам Гуландом жорий қилганди ва бунга риоя этмагани тинч қўймасди. Аммо бугун ҳеч ким бу қоидага тўла риоя қилмади. Танаффусда бошланган баҳс иш вақтида ҳам давом этди. Баҳсни тўхтатиш учун Гуландом деди:

— Сергеев хўп гўлғула солиб кетди-да, хоҳлаганлар ариза ёзиб берсин, эртагаёқ Сергеевнинг ихтиёрига ўтказиб юбораман!

Баҳс тўхтади. Ҳамма жимгина ўз ишида давом этди. Бир вақт жимлик яна бузилди. Уни яна ўша биринчи бўлиб Сергеевга луқма ташлаган йигит бузди:

— Гуландомхон, Сергеев мана шу яхши коттедждларнинг бирини сизга инъом этса, шу ерда қолармидингиз?

— Мен билан нима ишингиз бор?

— Сиз қолсангиз, мен ҳам қолардим-да. Балки, бутун бригадамиз билан бирга ёнингизда қолардик.

— Ҳали ҳам бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман. Беш йиллик режаси битгач, яна янгисини бошлаймиз,— деди Гуландом.— Қурилиш энди бошланыпти бу ерларда...

— Йигитлар яна жимиб қолдилар.

Шу вақт тракторини тариллатиб Элчи келиб қолди. У кейинги вақтларда Гуландомни кўрмаса туrolмас ва ҳар хил баҳона билан ҳар кун бир бор унга йўлиқиб ўтмаса кўнгли таскин топмасди. Бугун ҳам у худди шундай қилди.

— Ҳорманглар!— деди у моторини ўчириб.

Ҳамманинг номидан Гуландом жавоб қилди.

— Бор бўлинг.

— Эшитмадим деманглар,— деди Элчи қурувчиларга қараб. — Клубда бадий ҳаваскорларнинг кўригига тайёргарлик боряпти. Би-

нокорлардан ҳеч ким ёзилмапти. Эртадан қолмай, бориб ёзилнинглар.

— Масхаравоз керак бўлса, бир эмас, уч киши ёзиламиз!— деди бояғи баҳсчиларнинг бири ишини давом эттираркан.— Керакми?

— Акробатчилар керакми? Бир эмас, ўч биттамыз.

— Ҳаммаси ҳам керак.

— Ундай бўлса, бутун бригадамизни рўйхатга ёз, Элчибой. Ҳаммамиз борамиз. Лекин томошага...

— Ҳазилнинг ўрни эмас,— деди Гуландом уни тинчлатиб.

Яна жимлик ҳукм сурди. Ҳамма ўз ишини давом эттирди.

Элчи таҳмон суваётган Гуландомнинг олдида борди-да. атрофга қараб қўйгач, қўлтиғидан икки дона чиннигул олиб унга узатди. Гуландом андавасини қўлтиғига қистирди, икки қўллаб гулни қабул қилди.

— Раҳмат,— деди унга табассум билан, сўнгра гулга суқланиб тикилди-да, чеккасига тақиб олди.

— Гуландомхон,— деди Элчи ва мулойимгина таклиф қилди.— Уйингизга кетсангиз» мен билан юринг. трактор ўриндиғига кўрпача солиб қўйдим.

Гуландомнинг қошлари чимирилди.

— Шунинг учун бутун бошлиқ тракторни овора қилдингизми?— деди у таажжуб билан.

Элчи нима деярини билмай қолди.

— Оворагарчилиги йўқ... Сизга ҳар қанча қилсам арзийди... Ишингиз тугагунча кутаман.

— Овора бўлманг,— деди Гуландом қатъий оҳангда.— Тракторда сайр қилиб юрганимизни кўрганлар нима дейди? Ҳозир кетмайман, Ҳали ишим кўп...

У сувоқни давом эттира бошлади.

Элчи, шунча бинокор олдида тракторга мингашиб кетишдан уялди. шекилли, деб ўйлади-да, тракторини ўз паркига элтиб қўйиб, Будановнинг «Жигули»сини миниб келди. Қош қорайиб қолса ҳам бинокорлар ишни бас қилмаган эдилар.

— Қани, машинага марҳамат!— деди у қизга.

Гуландомга Элчининг бу иши ҳам ёқмади.

— Яна келдингизми?!— деди овозини баландроқ қилиб Гуландом.

— Чарчагансиз, уйингизга элтиб қўяман, деб келдим.

Гуландом унинг кўзларига кулиб боқди-да, сўради:

— Машинангизга ўн киши сиғадими?

Элчи қувнаб туриб, деди:

— Кўнгли кенг бўлса сиғаверади. Сизқанича олиб кетаман. Сизмаганни багажникка босаман...

Гуландом кулиб юборди.

— Яхшиси, ўзингиз кетаверинг. Биз эртанги режаларимиз ҳақида йўлда гаплашиб кетамиз.

Элчи сеvimли қизга гап қайтаришни ўзига эп кўрмади, нонлож орқага қайтди. Гуландом айтганини қилиб, бригадаси аъзолари билан ашуласини ванг қўйиб қайтишди.

Қишлоққа кириб, маданият саройига яқинлашганлари сари уларнинг овозини сарой радиосидан таралаётган музыка садолари босиб кетди. Саройда қандайдир ўзгача тантана бўлмоқда эди. «Нимани тантанаси бу?» Гуландом ва унинг шериклари сарой дарвозаси олдида тўхталиб қолдилар.

«Меҳнатсиз ҳаёт — ўғирлик,

Санъатсиз ҳаёт — ваҳшийликдир!»

Совхоз маданият саройининг кираверишдаги оқ устунлари тепасида беш қўлочли тош ойнага катта ҳарфлар билан ана шундай деб

ёзиб қўйилганди. Кундузи қуёш нурида, кечаси прожектор ёруғида — ҳаминша бу сўзлар порлаб турарди. Шу туфайли ҳеч ким ўқимасдан ўтолмасди. Гуландом ҳам уни ўқиб турган чоғида, пастдаги эълон тахтасига кўзи тушди-да, беихтиёр қичқириб юборди:

— Ие, ўзбек артистлари келишибди. Концерт бўларкан. Юринглар кирамиз!

Дарвозадан кираверишда катта панно кўзга ташланарди. Унда Новгород рассомларининг Сергеев буюртмаси билан ёзилган кўп кишилик портрет-расмда халқлар дўстлигининг рамзий қудрати акс этганди. Портретларга синчиклаб қараган киши, манависи Йўлдошев, мана буниси Ҳамид Ҳакимович, Дмитрий Дуданов, Элчи Мардонов, Сумбула Ҳакимова, деб айтишлари ҳам мумкин эди.

Саройнинг турли-туман заллари бўлиб, ҳар бири ҳар хил жиҳозланганди. Энг каттаси — «Актный» деб аталмиш тантанали маросимлар залига етти юз эллик кишилик қизил чарм кресло қўйилганди. Деворда Владимир Ильич Лениннинг сурати.

Элчи одамларнинг орасидан Гуландомни қидириб топди-да, қўлига гулдаста тутқазиб, сизнинг жойингиз олдинда, деди ва қўлидан етаклаб олиб бориб уни биринчи қаторга ўтқазиб, ўзи унинг ёнига жойлашиб олди. Шу пайт саҳнада Сергеев пайдо бўлди.

— Ҳозир санъат усталарининг катта концерти бўлади, — деди Сергеев ва атрофга қараб олгач, қўшимча қилди. — Зўр мамнуният билан алоҳида эълон қиламанки, янги очилган саройимизда қардош ўзбек санъаткорлари ҳам иштирок этадилар...

Катта концерт бошланди. Ҳамид Ҳакимович ўзида йўқ даражада яйраб ўтирар ва бу ҳурматга қалбан жавоб қидираётгандай янги режалар, янги самаралар ҳақида ўйларди. Шу чоқ ПМК навбатчиси унинг қулоғига нималарнидир шивирлади.

Дастлаб, Ҳамид Ҳакимович, унинг кетидан эса, Сумбула залдан чиқиб кетдилар. Уларнинг саройдан чиқиб кетганини Элчи ҳам, Гуландом ҳам билмай қолди. Чунки, Элчи Гуландомга суяниб, кўзини ундан узмай ўтирарди.

Унинг хаёлларини бўлиб қарсак янгради-да, саҳнада ўзбек артистлари пайдо бўлдилар. Уларнинг бутун программаси рус халқига, унинг инқилобий анъанаси, унинг заковати, ақли, идроки, мардлиги, жасоратига, қардош халқларга кўрсатган беминнат ёрдамига, қисқаси, айрилмас дўстликка бағишланди.

— Санон нафисада ҳам қарсак икки қўлдан чиқяпти, — деди Элчи Гуландомга табассум билан.

Гуландом унга бир табассум ҳадя қилди-да, саҳнага юзланиб олди.

## Йигирма биринчи боб

### I

Ҳамид Ҳакимовичларнинг уйига узоқдан қадрдон меҳмонлар келишди: Тиндадан ҳам КАМаздан... Бирданига икки укасининг бола-чақалари билан тўсатдан кириб келишлари уй хўжасини, айниқса, Сумбулани шошириб қўйганди. Уларнинг бири, «қаёқдан қуёш чиқди?» деса, иккинчиси «қандай шамол учирди?» деб қувонар.

севинчдан ўзларини йўқотиб, азиз меҳмонларни қаерга ўтқозишни билишмасди.

Ҳамид Ҳакимович Эргашни бағрига босиб:— Сенга у жойлар жуда ёқибди,— деди шамолда пишган, буғдойранг юзига боқиб. Кейин елкасига қоқиб қўйди.— Бўй-бастинг ҳам ўсипти, азамат йигит бўлиб кетибсан. Сенларни жуда яхши боқишаётганга ўхшайди.

Эргаш мамнун эди.

— Бўлмасам-чи! Қайноқ нуқта, зарбдор қурилиш! Бизни ардоқламай кимни ардоқласинлар.

— Бизники ҳам қайноқ нуқта. Бизники ҳам зарбдор қурилиш,— деди Эргашга эътироз билдирган Бўрибой.— КАМазсиз нима ҳам қила олардиларинг?

Эргаш унга юзланиб, жавоб қилди:

— Тўғри айтасан Бўрибой, сен ҳам муҳим қурилишда ишладинг, сен ҳам эркатойсан. Қутилдимми!

— Пардон, қутилдинг,— деди Бўрибой.— Ҳамид акамнинг иши ҳам зарбдор иш. Ҳаммамиз ҳам сафарбарлармиз.

Сумбула уларни яна ичкарига, бу гал дастурхон тузаб қўйилган столга таклиф қилди.

— Ҳамма гапни дастурхон атрофида гаплашса ҳам бўлаверади.

Меҳмонлар бирин-сирин стол атрофига тизилиб ўтирдилар. Сумбула болаларга алоҳида дастурхон ёзган эди. Ҳамид Ҳакимович «Ҳаммамиз бирга ўтираммиз» деб уларни ҳам ўз ёнига таклиф қилди.

— Қандай ярашиб турибсизлар уйга. Ҳакимовлар оиласининг эллик фоизи жам бўлибмиз,— деди Ҳамид Ҳакимович. Кейин у Эргаш укасига юзланди.— Хўш, БАМчи укам, келишингни хабар қилсанг ни, манг кетарди. Телеграмма пулини кўзинг қиймадими ё?

— Одатимни биласиз-ку, ҳеч вақт бориш-келишимни ҳеч кимга дўмбира қилмайман.

— Ўзбошимчалигингни биламан, сен БАМга ҳам ота-онадан сўрамасдан ўзингча кетгансан.

— Ўзбошимча демайди, романтик, дейди буни.— Лукма ташлади Эргаш,— сўрасам, ё жавоб берардиларинг ёки йўқ, мен ўз тенгқурларим билан ваъдалашиб қўювдим. Шундайми, Моҳирахон?

— Шундай,— деди табассум билан унинг хотини.

— Моҳирахонни олиб қочмасам отаси менга бермасди. Моҳирахон билан умрбод бирлашувимизга ўша БАМ сабаб! Шундайми, Моҳирахон?

— Шундай,— деди Моҳира табассум билан. Сумбула овсинининг юзидан чўлпиллатиб ўпиб қўйди.

— Хўп қилдиларинг, ажаб қилдиларинг, мана энди олам гулистон. Ҳамма нарса унутилиб кетди,— деди у Моҳиранинг ёнини олиб. Отанони зиёрат қилиб ўтдиларингми, ёки энди борасизларми?

— Энди борамиз!

— БАМчиларга билет текин,— деди Эргаш.— Совет темир йўлининг рельси борган жойгача бепул бориб кела оламиз. Аввал Ивановога тушдик, Москвани зиёрат қилгач, Бўрибойни кўргани Қамазга ўтдик. Бу ердан сизлар қўшиласизлар, Волгограддан Шукуржонларни ҳам оламиз-да, чол-кампирлар ҳузурига саломга борамиз.

— Ният катта-ку?

— Бўлмасам-чи! Зарбдор қурилишнинг гвардиячилари одимни шунақа катта ташлайдилар.

— Ҳозирча борига барака, қозонда борини олиб келдим,— деди Сумбула ва косаларда ярим-ярим қилиб қўйилган борш келтириб, аввал аёлларга, болаларга, сўнгра эркакларга расамати билан қўйиб чиқди.

Ўзимизда битган карамнинг шўрваси бу. Қарабсизки, сизларга темир йўл текин бўлса бизларга емак-ичмак тексин. Деҳқончилигимиз ҳам чакки эмас.

— Бундан чиқди истеъмол бўйича коммунизмга чиқибсизлар, ҳазиллашди Эргаш.— Арақ, коньяк ҳам текинми?

— Ичганга текин, меҳмонга айниқса...— деди-да, Сумбула рюмкаларга тўлдириб коньяк қўйди.

Эргаш хотини Моҳирахонга имо-ишора қилган эди, у бурчакдаги чемоданидан бир банка қизил икра, бир шиша коньяк, шампанское келтириб ўртага қўйди.

— Чемоданни тўлатиб келганмиз. Ҳаммаси сизларга,— деди Эргаш.

Бўрибой ҳам «сеники йўқми?» дегандай Гулжамолга қараб қўйган эди. Гулжамол бугда қотирилган балиқ, консервалар кўтариб келди.

— Волгадан ўзимиз овлаганмиз, буларни,— деди Бўрибой хотинининг қўлидагиларни кўрсатиб.— Сизларга, махсус...

Эргаш ўрнидан туриб, галстугини тузатиб, рюмкасини баланд кўтарди:

— Акамиз, ҳамиша қайноқ нуқта, зарбдор объектларда юрган Ҳамид Ҳакимовичнинг шонли эллик йиллиги учун ичамиз!

— Вой ўлмасам!— деди Сумбула.— Эсимиздан чиқибдими? Йўғей, адашганимиз йўқ, туғилган кунлари бугун эмас, эртага. Хайр, майли, бугун арафаси учун ичамиз!

«Ичинг қизимагунча ишинг қизимайди» деганларидай шовқин-сурон билан биринчи рюмка бўшатилгандан кейин, гап гапга қовушиб кетди. Айниқса, Эргаш ҳеч кимга гап бермасди. Ҳамид Ҳакимович ҳам. Сумбула ҳам унинг гапини жим тинглаб ўтирар эдилар.

Эргаш беш оғайни ичида азалдан гапдон эди. У, гапга тушса, ҳаммани ўз оғзига қаратар, лофни ҳам ростдай бўяб-бежаб суҳбатдошини қойил қилиб қўя қоларди. Аммо у ҳозир нима деса ҳам, бир оз лоф қўшса ҳам бор гапни гапирарди. Буни Ҳамид Ҳакимович тасдиқлаб, ҳар гапини бош қимирлатиб маъқуллаб турди. Чунки, Байкал-Амур магистрали қурилиши ҳақида у кўп ўқиган, бориб келганлардан эшитган, телеочерклар, кино хроникаларда кўрганди.

— Кўкраккача қор кечиб, эллик даража совуқда ҳам ер қазидик, текисладик, пўлат рельсларни ўрнатдик... Планимиз юздан паст бўлгани йўқ, Бўрибой укам! Сенлар иссиққина жойда мазза қилиб ишляяпсанлар, ишляяпсанларгина эмас, ўйнаб юрибсанлар. Яна сенга бир ойлик маош тўлаб, отпуск беришганларига ҳайронман.

Бўрибой ҳам бўш келмади.

— Бировнинг ишини камситманг ака, сиз қор остида ишласангиз, биз ўт ичида ишлаймиз,— деди у эътироз билдириб.— Сиз совуқ билан курашсангиз биз ўт билан олишамиз-да, тердан сув бўлиб оқамиз. Беш йилликнинг уч ярим йилини ошиғи билан удаладик. Озмунча тер тўкилдими! Бу зонанинг кўчаларида юрган қудратли камазларда менинг ҳам меҳнатим бор.

Ҳамид Ҳакимовичга укаларининг суҳбатлари қувончли эди. Киши ўзининг қилаётган ишидан мамнун бўлмаса, меҳнати самара бермаслигини у яхши биларди. Хайриятки, унинг укалари иш ёқмас бўлиб ўсмадилар, меҳнатнинг енгилени эмас, оғирини танлайдиган бўлдилар.

Эргаш Жиззах чўлида ишларди. Тўсатдан БАМга йўл олди. Моҳира масаласи шунчаки бир баҳона. Аслида улар романтик ҳаёлдаги ёшларимиздан бўлиб, ҳаётларини қийинчиликдан бошламоқчи, ўзларини мамлакат қурилишининг энг қайноқ нуқталарида пишириб олмоқчи



эдилар. Ҳамид Ҳакимовичнинг назарида уларнинг саргузаштлари ҳам фойдали бўлиб чиққанди. Ўзбек қизи Моҳира узоқ юрт, оғир шароитда эрига елкадош; ҳамдард, ҳамфикр... Бундан улуғ гап борми!

Бўрибойнинг тақдири ҳам Эргаш акасининг саргузаштига ўхшашроқ бўлса-да, салгина ўзгачароқ бошланганди. У Тошкентда техника билим юртида ўқиб юрган чоғида группадоби бир татар қизи билан танишди, битиришгач бирга трактор заводида ишлашди. Шу ердан улар завод комсомол комитетининг путёвкеси билан Камазга йўл олдилар. Уша вақтда бутун мамлакатдан Камазга ёшлар чақирилмоқда эди. Бу чақириқ бир баҳона бўлса ҳам, аслида у ёққа бориш Гулжамолнинг хоҳиши билан бўлганди. Гулжамолнинг ота-оналари Челна соҳилидан келиб, Ўзбекистонда туриб қолган эдилар. Гулжамол она юртини кўргиси келар, айниқса, у ерда барпо қилинаётган автомобиль саноати қурилишида ишлашни истарди. Унинг хоҳиши Бўрибойга ҳам маъқул тўшди-да, улар кўнгиллилар қаторида Камазга келдилар. Мана, неча йилдирки, улар заводнинг илғор слесарлари. Биринчи грузовик чиққан куни кўпчилик ишчилар қатори Бўрибой Ҳакимов билан Гулжамол Ҳакимова (уларнинг ЗАГСдан ўтганига роппа-роса уч кун бўлганди) бир ойлик иш ҳақи миқдоридан пул мукофоти олдилар. Бу икки ёш Волга соҳилидаги кичик рестораннинг бир хонасида никоҳ тўйи ўтказдилар. Ҳар икки томоннинг ота-оналари-ю, қавм-қариндошлари табрик телеграммаси билангина иштирок этдилар. Ҳаммалари ўз иши билан овора, Ҳаким отанинг хатида шундай ёзувлар бор эди: «Бахтли бўлинглар! Келиним билан етаклашиб келганингда янги тдан тўй қилиб бераман!..»

— Сиз ҳам мақтансангиз-чи, Ҳамид ака, ҳар қанча мақтанишга арзийдиган ишларингиз бор,— деди Моҳирахон мелиораторларнинг муваффақиятларини билмоқчи бўлиб.

— Бормисан, Моҳира, биз ёшлик қилиб катта акамиздан олдин мақтаниб қўйибмиз. Гапиринг, ака, қулоғимиз сизда.

Ҳамид Ҳакимович «Айтарли ишимиз йўқ» деб қўя қолди. Унинг кўнгли гаш эди. «Эллик ёшга киряпсан, ҳамон бепарзандсан» деб кўнглидан ўтказди у.

Эргашнинг назарида унинг акаси кексайиб бораётгандай эди. Балки, қаттиқ чарчагандир, деб ўйлади-да, яна унга синчиклаб қаради. Акасининг сочлари тўкилиб, сийраклашган, икки чеккасига оқ оралаганди. «Эллик ёш ҳам катта ёш экан-да!..» деб ўйлади-да, чемадонини очиб, керакли нарсасини топгач, акасига келтириб берди.

— Мана шундан ҳар куни уч қошиқдан истеъмол қилиб туринг.

— Нима бу?

— Тўқсон икки дардга даво дори бу. Олимларнинг олими Гиппократ ҳар куни уч маҳал асал ялагани учун бир юз тўққиз йил яшаган ва оғриқ кўрмай оламдан ўтган. Бу машҳур бошқирд асали. Бу ҳам камайиб бораёпти эмиш.

Ҳамид Ҳакимович укасига ялт этиб қаради-да:

— Бундай дорини даданга элтиб бер. Дадамиз биздан кўра кексароқ,— деди.

— Дадамга ҳам етади. Чемадончи тўлатиб олганмиз.

Бир оз жим тургач, Эргаш яна гапга тутинди. У Тиндага биринчи поезд келгани борми, тайгаликлар поездни энди кўрганликлари учун вагонга пиймаларини ечиб чиққанлари борми, ҳамма кўрган-билганларини ипидан-игнасигача гапирарди. У айниқса, БАМ қурилиб бутун янги иқтисодий ўлка ишга тушгач, Совет шарқи хазиналар кониға айланишини мароқ билан гапирди. «СССРнинг ишлаб чиқариш кучлари шарқий районларга кўчяпти» деди у ўз билганича шарҳлаб.

— Акамларга сиёсий иқтисодий лекция ўқияпсизми, дейман...

— Акамиз оғизларига толқон солиб ўтирсалар нима қилай, мавзунинг бўм-бўш жойини ўзим тўлдирияман-да.

— Минг эшитгандан бир марта кўрган яхши. Ҳамид акамизнинг бу ердаги ишларини ўзимиз кўра қолайлик.

Моҳиранинг бу таклифи бошқаларга ҳам маъқул тушди-да, меҳмонлар кечки сайрга чиқдилар.

## II

Сайрни Ҳамид Ҳакимович ҳали қилиниши керак бўлган, чала турган ишлар участкасидан бошлади.

— Мана бу майдонда, Эргаш, сен айтган тўқсон икки дардга даво бўлган ва Гиппократни бир юз тўққиз йил яшатган жониворларга бино қурамиз.

— Қишда қирилиб кетмайдими?

— Асалари теплицаси... Эшитганмисан? Бу жойда қанотли меҳнаткаш жониворлар қишлайди-да, баҳордан кузгача нектар йиғади. Уларга озиқа ҳам экамиз: кунгабоқар, лён ва бошқа тоза гулли экинлар... Бу ҳозирча тажриба. Бошқирдистондан қочган арини биз тутиб оламиз.

Ҳамид Ҳакимович бирор қурилишни бошлашдан олдин ўша жойга аввало йўл ва чироқ келтирарди. Бу ерларда ҳали қурилиш бошланмай туриб асфальт йўл қурилди, электр ва алоқа симлари тортилди. Улар ойдинда сой сувига ўхшаб оплоқ оқариб турган асфальт билан борарканлар, электр чироқлари нурига чулғанган қўрғонга дуч келдилар.

— Бу жойда етти хазинанинг бир иншооти жойлашади. Яъни, товук фермаси қурыамиз. Иван Сергеев «товуққа бир қўлимда дон бериб, иккинчи қўлимда тухумини оламан» деяпти. У шунақа қаттиққўл хўжайин. Сен менга шундоқ фабрика қургинки, ўртоқ Ҳакимов, дейди бир куни, конвейернинг бу ёғидан тухум ташласам нариги ёғидан жўжа бўлиб чиқсин ва яна конвейерга кирибоқ тухумлай кетсин...

— Хўп, дедингизми?

— Дедим. Иложим қанча. У буюртмачи, мен ижрочи.

— Жуда яхши одат чиқди-да,— деди Эргаш.— БАМга ҳам янги-янги ҳашарчилар боришяпти. Мен бу ёққа жўнаётганимда бир эшелон литваликлар боришди. «Темир йўлчимисизлар?» десам, «йўқ, қурувчилармиз» дейишди. Улар шундоқ йўл бўйидаги ишчи посёлкасини шаҳарга айлантислар. Беш қаватдан паст иморат қурилмас эмиш. Улар сизларга ўхшаб, қурилиш материалларини ўз Литваларидан олиб борармишлар.

— Камазда ҳам республикаларнинг ҳашарчилари иштирок этипти,— деди Бўрибой унинг гапига қўшимча қилиб.

Улар яқиндагина қурилиб битказилган янги қишлоққа кириб бордилар. Уйлар қатор қурилган. Биридан Москва телевидениеси дикторининг овози эшитилса, бирида ўйинга тушаётганларнинг тапур-тупури. Ора-чора чироқсиз, қоронғи уйлар ҳам учраб туради. Бу уйлар ўз эгаларини топганича йўқ эди.

Сергеевнинг планига кўра кетиб қолганлар, албатта қайтиб келишлари керак. У ҳар ёқа, адреслар столларига қуйидаги мазмунда хат йўллади: «Ўз юрларингга қайтинглар! Жойимиз ташландиқ бўлиб ётмасин! Сизларнинг олтин қўлларингизга муҳтожмиз!» Ана шу чақириққа лаббай, деб жавоб берганларнинг кўплари келиб, янги уйларга жойлашган ва жойлашмоқда эдилар.

Қишлоқ хўжалигини кексалар қўли билан кучайтириб, тобора ривожлантириб бўлмасди. Ёшларни мажбуран қишлоқда ушлаб туриш ҳам осон эмасди. Қишлоқдаги турмуш шаронти шаҳар даражасига

яқинлашсагина ўсмирлар, ёшлар мактабни тамомлаш билан ўз қишлоғида ўтроқ бўлиб қолиши, жонажон колхоз-совхозида меҳнат қилиши турган гап эди. Йлгор хўжаликларда аҳвол шундай эди. Алексей Васильевич ҳам худди шундай қилди. «Ўзбекистон» совхозини учун қурилган янги замонавий уйларнинг қалитини у энг аввало ҳаётга эндигина қадам қўйган оилаларга, ЗАГСдан ўтмоқчи бўлиб юрган ёшларга, қолаверса, узоқ хуторларнинг деҳқонларига берди.

Эргаш бўш турган уйлар тақдири билан ўша ерда, Ивановода ҳам қизиқиб кўрган эди. Унинг бу ҳақдаги саволига укаси Набижон шундай деб жавоб берди:

— Алексей Васильевич жуда тadbиркор одам. У бир оёғи шаҳарда бўлган одамларни қишлоқда ушлаб қолмоқчи, ҳатто шаҳарда унча томир отолмаган кучларни ҳам ўзига ағдариб олмоқчи. Ахир қишлоқ ҳам шаҳарга яқинлашди. Маданият саройи-ю, савдо маркази боғча-яслиларни ўзингиз кўрдингиз-ку! Ушаларни кўрганлар қишлоққа юз ўгира бошлади.

Эргашнинг назарида бу гаплар ҳақ гаплар эди. У бу ҳақиқатга «Ўзбекистон» совхозининг мисолида қаноат ҳосил қилди. Энди буни Новгород тупроғида кўриб турибди.

— Москвада ҳам катта ўзгаришларни кўрдим. Умуман ҳар гал Москвага борганимда қатор янгилик кўраман. Утган сафар «Юлдузлар шаҳарчаси»дан ёқа ушлагандим. Бу сафаримда Москвада пайдо бўлиб бир қишлоқ, бир шаҳарчани кўриб келдим. Қишлоқ — Олимпиада қишлоғи. Шаҳарча эса, онкология маркази комплексининг шаҳарчаси... Иккаласи ҳам антиқа иншоотлар.

— Уша қурилишларда менинг ҳам ҳиссам бор,— деди Бўрибой.— Бутуниттифоқ шанбалигида тушган пулимизни тўппа-тўғри ўша ёққа юборганмиз.

— Балли. Биз ҳам шундай қилганмиз.

Сухбат билан бўлиб Маданият саройига келиб қолганликларини ҳам сезмадилар. Маданият саройида концерт тугаб, одамлар энди чиқиб келмоқда эдилар. Ҳаммадан кейин Йўлдошевни қуршаб олиб ўзбек артистлари чиқдилар. Уларнинг бири, доирачиси, Эргашни таниб қолди.

— Ие, БАМчилар бу ёқда нима қилиб юрибдилар?— деди доирачи йигит Эргашга.

— Биз ҳам сенга ўхшаб гастролда юрибмиз,— жавоб қилди Эргаш.— Сени яқинда БАМда кўрувдим, бугун бу ёқда юрибсан. Барака топ!

— Ҳунаримиз шунақа,— деди доирачи қувнаб.— Меҳнаткаш қаерда бўлса биз ҳам ўша жойда. Санъат халқники!..

— Ундай бўлса, эртага Ҳамид Ҳакимовичнинг уйига кел, шерикларингни ҳам бошлаб ке, менга қара, ўйинчи қизларинг ҳам ёнингда бўлсин!

— Жоним билан!

## Йигирма иккинчи боб

### I

Баъзан шундай вақтлар бўладики, одамнинг кўзларидан уйқу қочиб, томоғидан таом ўтмай қолади. Бу, албатта беморликдан эмас, тўқликдан ҳам эмас, Ҳамид Ҳакимович шундай ҳолатда эди.

Эрталаб ҳаммадан олдин уйғонган Сумбула нонушта тайёрлаб, эрининг янги либосини унинг хонасига олиб кирди. У ухлаб ётарди.

Уйқусини бузмаслик учун оёқ учиди кирди-ю, яна оҳиста юриб, чиқиб кетди. Уйқу қаёқда! Ҳамид Ҳакимович чигалиб кетган хаёли калавасининг учини тополмай кўзларини чирт юмиб ётарди. Эллик йилнинг сўқмоқлари, бахтли онлар — ҳамма-ҳаммаси кўз олдида намоён бўлди. Эҳ-ҳе, Сумбула билан Тошкентнинг зилзилагача бўлган тор кўчалари, гул дўконлар, чироқлардан порлаган Карл Маркс кўчасининг Инқилоб хибонидаги учрашувлар, қолаверса, тантанали никоҳ кечаси ва ундан сўнгги лаззатли кунлар...

«Чумоли тиним билмай, кеча-кундуз ёмирлайди, уясига дон ташийди». Фақат ўзи билан ўзи овора. Бошқа жониворларга ўхшаб ортиқча талашиб-тортишини ҳам билмайди. У шундайинча ёмирлаб юриб, оламдан ўтади.

Лекин насл қолдиради... Чумоличаликмасман. Орқангдан қоладиган фарзандинг бўлмагач, меҳнаткаш чумолидан нима фарқинг қолди?! Сумбулага ҳам қийиндир. Албатта қийин... Сўрашиб-исташганлар, қанча болангиз бор, нечаси ўғил, нечаси қиз, деб сўрайди. Бунга жавоб бер-чи!..»

Бедор тонг орттирган Ҳамид Ҳакимович ноҳуш хаёлларни унуттиш учун сакраб ўрнидан турди-да, муздек сувда ювиниб ўз хонасига қайтди. У остонадан ўтар-ўтмас, эшик орқасида яшириниб турган Сумбула бўйнидан қучоқлаб, юз-кўзидан чўлпиллатиб ўпди-да, ўзи ўстирган пушти рангли бир дона атир гул узатди.

Ярим асрни баҳодирона ўтказдингиз! Бахтлимиз... Дунё тургунча туринг!

Ва сиз билан бирга! — деди Ҳамид Ҳакимович ҳам уни маҳкам қучоқлаб.

Шу пайт меҳмонлар ҳам қўлларида совға-саломлар билан киришиб, табриклай бошладилар. Болалар кечаси билан ёдлаб чиққанлари — «Ҳурматли, азиз, меҳрибон, энг сеvimли амакижонимизга бағишланади» деган шеърни ўқиб бердилар.

Бундан мамнун бўлиб, беҳад шодланганидан Ҳамид Ҳакимовичнинг кўзлари севинч ёшига тўлди. Унинг кўз ёшларини кўриб, Сумбуланинг ҳам киприклари пирпирай бошлади-да, кўзларини меҳмонлардан яшириш учун ошхонага кириб кетди.

Дастурхонга марҳамат, нонушта тайёр! — деди у ичкаридан туриб.

Меҳмонлар дастурхон атрофига ўтираётган чоқда, Сумбула эрини ясангириб, қўлтиқлаб келди-да, столнинг бошига ўтқазиб қўйди. Ҳамид Ҳакимович фақат аччиқ чой хўплаб ўтирди, томоғидан ҳеч нарса ўтмасди. Сумбула ҳам, меҳмонлар ҳам, уни энг, бунга энг, қилавериб акасининг гашига тегаётганларини кўргач, Эргаш луқма ташлади:

Бугун туғилган чақалоқ овқат ермиди, болани эмгиси келса ўзи ингалайди. Ўзига қўйиб беринглар!

Тўғри айтдинг, Эргаш. Ҳозир иштаҳа йўқ. Нонуштани тушки овқатга қўшиб бир йўла идорада ерман, — деди у. — Сизлар ёдгорликларни томоша қилиб қайтгунларингча мен ҳам келаман. Идорада иш кўп.

Бугун ҳам ишга чиқасизми?

Бўлмасам-чи, чумолини тинганини кўрганмисан? Одам зоти борки, мисоли чумоли...

— Набижоннинг қайнонаси ҳам шу гапни айтди. Кексайиб қолибсиз. Дам олсангиз-чи, куёвингиз билан қизингиз боқолмайдингиз, сизни, десам «ишламасам туролмайман, бу оёқ билан қўлларим увишиб қолади» дейди. «Коммунизмда меҳнат турмуш кечирини заруратигина эмас, саломатлиكنи сақлаш зарурати бўлиб қолади» деган файласуфларнинг башорати тўғри чиқяпти.



— Ака, сизни БАМда темирйўлчилик қиялсиз десам, файласуфлик қиялсиз, шекилли, — дея Бўрибой ҳазиллашди.

Ишчи файласуф бўлиши мумкин эмас, деб ўйлайсанми, Бўрибой? Билиб қўй, машҳур герман файласуфи Иосиф Дицизген ҳам ишчи эди!

Сизга ҳеч ким гап топиб беролмайди, Эргаш ака.

Билиб қўй, аканг бўламан, ҳар ҳолда сендан кўра кўпроқ қўйлак йиртганман.

Фақат ўзингизники эмас, меннинг қўйлақларимни ҳам йиртгансиз. Эсингиздами, ҳа деганда ёқамдан ушлаб, қулоғим остида шовла қайнатар эдингиз.

Ўзингдан кўр, болалигингда ўлгудай бўшанг эдинг. Мени ҳеч ким хафа қилолмасди. Чунки тутқич бермасдим-да. Билиб қўй, укам, бу замонда бўшангга ҳеч ким бўлишмайди.

Сумбула кийиниб, бир қўлида гулдаста, қўлиғида дафтар қўлтиқлаб чиқди.

— Сиз қаёққа? кичик овсини сўради.

Мактабга. Жужуқлар кутишяпти. Сизларни автобусга чиқариб қўяман. Новгородни томоша қилиб келасизлар. Экскурсоводлар жуда билагон ва бийрон...

Автобус бекатигача Сумбула уларни кузатиб борди ва одатича биродарлар мазорига бурилди-да, қўлидаги гулдастани мангу олов суна-

сига қўйди. Сумбуланинг қайноғаси, қайниси ва овсинлари ҳам бош эгиб, сукут сақладилар-да, келин ойилари билан бирга мозордан қайтиб чиқдилар.

Дадангизнинг қабри қайси бири? — Моҳира ундан сўради.

— Алоҳида қабри йўқ. Қўпчилик қаторида ётибди...

Автобус тўрт қаватли мактаб биноси олдида тўхтади. Ундан тушган Сумбула портфель қўлтиқлаб бораётган болалар тўдасига қўшилди.

— Саёҳатдан тезроқ қайтинглар, деди у орқасига қараб. Ҳамид Ҳакимович билан йўлларингизга кўз тикиб турамин.

## II

Бир ениг осилиб, шалвираб турган почтальон Ҳакимовлар эшигини соғ қўли билан тарақлатди.

— Шошилинич телеграммалар! Ҳукумат телеграммаси...— деди чийилдоқ овози борича қичқириб.

Ҳеч ким жавоб қилмади. Кейин у газета ва журналларни одатдагидай қилиб почта қутисига жойлади-да, кўк ҳошияли шошилинич телеграммаларни, айниқса, қизил бўёқ тамғали «Правительственная» деб белги қўйилган телеграммани ўз қўлига топшириб, шахсан имзо қўйдириб олиш учун унинг идорасига йўл олди.

У ўз кабинетида ҳам йўқ эди. Уни, ўртоқ Сергеев билан бирга далада юришипти, дедилар. Почтальон сумкасидаги муҳим телеграммаларни ҳеч кимга ишонмасди. Кечиктириши мумкин ҳам эмасди. Эгасига топширилган вақти аниқ кўрсатиши шарт бўлгани учун ҳар дамни фанимат билар, вақт ўтган сари унда масъулият ташвиши ортарди.

Почтальон уруш инвалиди, азалдан интизомли одам адресат кетидан далага жўнади. Далалар яқин бўлса ҳам бир нав эди. У гоҳ йўловчи тракторда, гоҳ гўнг ташиётган юк машинасида йўл босиб, охири Ҳакимовни Сергеев билан гаплашиб турган жойида учратди.

Шошилинич телеграммалар!.. «Правительственная» си ҳам бор, қўл қўйинг бунга, ўртоқ Ҳакимов!— деди у мамнун бўлиб.

Ҳамид Ҳакимович телеграммаларга қўл қўйиб берди-да, «Правительственная» деб белги қўйилганларига кўз югуртириб чиқди. Мийигида кулиб қўйди. Кейин уларни қўйинга солиб, Сергеев билан мусобақасини давом эттирди.

Демак, бу майдонга лён экаси?

Ҳа, лён экамиз. Жуда лён боп ер бўпти.

Уруғингиз борми?

Йўқ. Бор-ку, кўнгилдагидай эмас. Шунинг учун оталиқдан илтимос қиламин...

Ҳамид Ҳакимович, чеккасини қашлаб, ўйланиб тургач, жавоб қилди.

— Бўпти. Ёрдам қиламин. Экканга яраша ҳаммасини экиш керак. Смоленск областида ҳозир лённинг энг янги навини экаштилар. Аввалгиларидан анча тез пишади, ҳосили ҳам бир ярим баравар юқори. Ўйлайманки, улар сиз билан бизга йўқ, демайдилар. Улар ҳам сизга ўхшаб уруш заҳматини чеккан одамлар.

— Мабодо шу уруғдан топиб берсаларингиз биринчи йил экинини ўзимиз экамиз, сизни бу ишдан озод қиламин, унинг ўрнинга яйлов ўтлоқзори ирригациясини тезлатиб берасиз. Негаки, лён техника экинни. Иши жуда оғир ва қийиндан қийин!

— Пахтадан ҳам қийинми?

— Биз пахта эрмаганмиз, билмаймиз. Сиз лён эрмагансиз...

— Пахта — тўрт фасл хаёлни ҳам, кўнгилни ҳам банд қилади. Шундай нозик нарсаки, салга нари-бери бўлиб туради. Очилдимми, уни мисқоллаб териб олиш керак. Аммо меҳнатига яраша ҳиммати ҳам бор. Турган-битгани олтин... Оқ олтин...

— Лённи ҳам олтин, деймиз. Сердаромад экин. Осилганга яраша баланд дорга осилиш керак-да. «Истиқболсиз ерлар»нинг истиқболи очилиб турипти.

— Келишдикми?

— Қўлингизни беринг!

Маслаҳат битгач, улар икки томонга кетишди.

Сергеевнинг чорвачилар билан мажлиси бор эди. Ҳамид Ҳакимович эса идорасида кабинетнинг ичидан қулфлаб олиб, телеграммаларни шошмай ўқишга тушди. У энг аввал қизил ҳошияга «Правительственная» деб ёзилган телеграммани очди-да, ошқиб имзосига қаради. «Розиқовдан... Туғилган кунимни қаёқдан билибди? Эллик ёшга кирганимни ҳам билиб олибди-ку! Қандай сезгир, мунча ҳам одамохун инсон экан, бу ўртоқ Розиқов».

Кейин кўк ҳошияли телеграммаларни варақлади. Бири Волгограддан, бири Ивановодан, кейингилари Янгйер-у, Фрунзе, Жиззахдан эди. У энг аввал Жиззахдан келганини ўқиди. Чунки, уни дунёга келтирган, вояга етказган ота-оналари табрикламоқда эдилар. Укалари ҳам табриклаган эдилар. Ҳаммаларига юракдан миннатдорчилик билдирди.

Эрталабдан идорада ишлар тўпланиб қолган эди. Уларга қўл уришдан олдин Йўлдошевга телефон қоқиб, Смоленск қишлоқ хўжалик бошқармасидан янги нав лён уруғи фондидан қарашворишни илтимос қилди. Кейин у кундалик ишлар дафтарини очиб, йиғилиб қолган ведомостлар, нарядлар, накладнойлар, алоқа ва справкаларга қўл қўйиб бўлгач, эртаги ишлар билан шуғулланди.

Тўсатдан кабинет деразаси тарақлади ва унинг орқасида куйиб-пишиб турган Сумбула кўринди.

— Утираверасизми?! Юбиляр ҳам шунақа беғам, бепарво бўлади-ми?! — деди у жиғибийрон бўлиб. — Уйни меҳмон босиб кетди-ку!

— Ким чақирипти уларни. Юбилейни ким қияпти экан?

— Тезроқ уйга юринг, артистлар ҳам келишди.

— Мени ишим эмас, тинмагур Эргашнинг иши бу.

Ҳамид Ҳакимович папкаларни ёнидаги хонга — план бўлимига топширди-да, Сумбуланинг олдига тушиб, уйига келди.

— Менга тезроқ овқат беринг, қорним оч, эрталабдан бери шундоқ юрибман.

— Овқат сизга мунтазир. Ҳаммаси ичкарида, — деди Сумбула.

Уйи тўла одам бўлиб, ҳаммаси ўзбекистонлик артистлар эди. Ҳамид Ҳакимович остонада пайдо бўлиши ҳамон улар «Тўйлар муборак!»ни ванг қўйиб юбордилар. Ҳамид Ҳакимович ҳанг-манг туриб қолди: «Ҳеч кимни чақирганим йўқ эди. Элликка кирганимни ҳам бировга айтганим йўқ эди»... У аста хотинидан сўради:

— Ҳеч нарсангиз борми, Сумбула?

— Хавотир бўлманг, дастурхон лиммо-лим.

Дастурхон ҳақиқатан ҳам тантана учун безатилганди.

— Марҳамат қилиб юбиляримиз жойига ўтсинлар! — деди Эргаш-акасини дастурхонга чорлаб.

— Аввал меҳмонлар, сўнгра мезбонлар...

Укалари Ҳамид Ҳакимовични зўрлаб тўрга ўтқизиб қўйдилар-да,

ўзлари хизматда бўлдилар. Келинлар эса Гуландом ёнида партук тақиб, юмуш билан банд эдилар.

— Бўлар иш бўпти, майлига, биринчи қадаҳ сўзини ўзим айтаман, деди Ҳамид Ҳакимович.

Ҳамма жим бўлди.

— Ҳар ким ўз муроди мақсадига етсин! Шунинг учун ичамиз!

— Узр,— деди Эргаш ҳаммани ўзига қаратиб.— Бунақаси кетмайди. Бугун сизни қутлагани тўпландик. Атайлаб БАМдан, КАМаздан, Ўзбекистондан келганмиз. Биринчи тост Ҳамид Ҳакимович шарафига бўлиши керак!

Қарсақлар остида Эргаш тўнғич акаси соғлиғи ва шарафига «лёр айтиб, қадаҳларни «оқ қилиб» беришини талаб қилди. Ҳамма Ҳамид Ҳакимовични қуршаб олди, қадаҳларнинг нозик жаранг-журунги эшитилди. Шу пайт Сумбула, Эргашнинг қулоғига нималарнидир шивирлаб кетди. «Ҳозир фокус кўрсатишга ўтаман», деди-да, акасининг чўнтагига қўл солиб, ичидан бир даста телеграмма олди.

Камтарлик ҳам эви билан-да, ака!— у телеграммаларни боши узра баланд кўтараркан, қўшиб қўйди.— Шундай халқ мулкини яшириб қўйиш гуноҳ эмасми. Буни қаранглар... Юбилярга келган табрик телеграммалари...

Эргаш авал бошдан ўртоқ Розиковнинг «самимий табрик ва чин юракдан» билдирган истакларини эълоп қилгач, ота-она, қавм-қариндошлар қутловларини ўқиётган пайтда эшикдан Сергеев кириб келди.

— Бу ишингиз яхши эмас, Ҳамид Ҳакимович, бундай санани биздан яширинча нишонлаб бўлсиз. Почта ходимидан эшитдим. Ҳамма ёқдан табрик телеграммалари олибсиз. Бизнинг қутловимизни ҳам қабул қилинг.

У шошилиш равишда совхоз бўйича чиқарилган, ҳали сиёҳи қурмаган буйруқни ўқиди:

«Миннатдор совхоз меҳнат аҳлининг хоҳишига кўра, «истиқболсиз ерлар»нинг истиқболини порлоқ қилишдаги катта хизматларини эътиборга олиб, туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан ҳашарчилар колоннасининг бошлиғи Ҳамид Ҳакимович Ҳакимов совхознинг фахрий ишчиси қилиб тайинлансин. Совхоз директори Иван Сергеев».

Сергеев буйруқни қандай баланд овоз билан ўқиб эшиттирган бўлса, шундай юқори овозда — «Кўчирмаси юбилярнинг шахсан ўз қўлларига топширилади» деди-да, уни маҳкам қучоқлаб, анордай қизариб турган икки юзидан ўпди.— Юз ёшингизда юз кўришайлик!»

Эргаш совхоз директорини юбилярнинг ёнига ўтқазиб, олдига таомлардан суриб қўйди-да:

— Эндиги сўз санъаткорларга!— деди.— Шундай янгратаинларки, бу тантана довуғи узоқ Ўзбекистондаги ота-онамизга ҳам эшитилсин!

### III

Овсинлар алламаҳалгача ухламай, гурунглашиб ётишди. Уларнинг нима ҳақда баҳс қилишгани эркакларга номаълум эди. Аммо ака-укалар, ўз саргузаштлари, кўрган-кечирганлари ҳақида суҳбатлашар, бири БАМдан келса, иккинчиси КАМаздан сўз очарди. Эргашнинг БАМ тўғрисидаги ҳикояси ҳам, Бўрибойнинг автогигант ҳақидаги ҳангомаси ҳам Ҳамид Ҳакимовичга баб-баравар қизиқарли эди. Чунки, у мамлакатда юз бераётган воқеалардан четда қолгиси келмас, ҳар бир совет граждани каби оқимни билиб-боргиси келарди. Унинг ўзи ва шериклари қилаётган ишга яқинроқ, эмакдошироқ ишлар бўл-



гани учун Байкал — Амур магистралли муаммолари, кўрсаткичлари уни айниқса қизиқтирарди.

БАМ...

Бу қисқа ва жуда сермазмун сўз тилга яқинда олинган бўлса ҳам турмушу юмушимизга тезда сингиб кетганди. Ҳамид Ҳакимовичларнинг колоннасидан бир йилча олдин бошлаган «Асримиз қурилиши» — БАМга шу куни беш йил тўларди. Шу ҳужумкор беш йил ичида совет кишилари Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ҳатто одам қадами етмаган жойларида яратувчилик наърасини янградилар.

Эргашдан салгина олдин бориб, қуш учмаган, одам оёғи тегмаган тайгада иш бошлаган десантчиларнинг ботирлиги, кўрсатган жасоратлари ҳақида ҳали айтарли бирор яхши нарса ёзилганича йўқ, уларнинг жасорати ўз муаллифларини кутяпти. Аммо матбуотларда учраб турадиган очерк ва репортажлардан Ҳамид Ҳакимовичга кўп нарсалар маълум бўлса ҳам яна ундан кўпроғи даргумон эди.

Акасининг ҳохишига кўра Эргаш ҳикоя бошлади:

— Ҳазимизни биринчи бор жангга кирган солдатдай сездик. Шитир этса, хавотир олиб, атрофга қарадик. Душмандан эмас, айиқдан қўрқдик. Айиқ «сен менга тегмасанг, мен сенга тегмайман» дейдиган жонивор экан. Ана шу шарт бузилса, айиқ зотига рўпара бўла кўрманг экан!..

Беш қўл барабар эмас, орамизда жанжални пулга сотиб оладиган валатилар ҳам топилиб қолди. Биттаси, у ҳам ўз ҳамшаҳаримиз эди, айиқ гўшти яхши барра кабоб бўлади, деб эшитган экан, балойи нафс, боласига ўқ узибди. Айиқнинг боласи ҳам айиқда! У бола овчилик қилмаган, бинобарин, мерган ҳам эмас эди. Мўлжалга уролмаган. Айиқ болакай уни лагеримиз бўсағасигача қувиб келди. Хайриятки, кўпчилик бўлиб қутқариб қолдик. Бечора нўноқ овчимиз сичқонни нинга ҳам зор бўлиб, ўпкаси шишиб, лаблари тўла учиги билан зўрға лагерга, одамлар орасига кириб олди. Ўшандан бери ҳар кўрганимизда «Айиқ гўшти ейсанми?» деб ҳазил қиламиз.

Бўрибой сўради:

— Моҳира келин ойм қандай чидади? У ерлар қаҳратон совуқ-ку?

— Отилиб чиққандан кейин чидайдиди-да. Ҳар ҳолда у ҳам осон йўлни топиб олди. Санитар поездида ҳамшираликка ўрин бор экан. Иссиққина жой. Кўпинча, шолининг баҳонасида курмак сув ичгандай, мен ҳам Моҳиранинг қўлтигига кириб, исниб турдим.

— Ҳозир у ерларни таниб бўлмаса керак?

— Ўқиб-улғайган Жиззахни таниёлмадим-ку. БАМ босиб ўтган жойларни таниб бўладими! Ўзгаришлар яшин тезлигида боряпти. Куч кўп. Техника зўр. Одамлар ҳам ном чиқаришга ишлаяптилар.

— Шу жумладан ўзингиз ҳам. — Бўрибой яна аста лўқма ташлади.

— Мен ҳам ўшалар билан бир сафдаман. Сира оқсагим йўқ.

— Ишонаман, орқада қоладиган одам эмасман! — деди Ҳамид Ҳакимович. — Шундай суръатда иш борса, отпускангдан қайтгач, ўз жойларининг таниёлмасанг керак. Кеча тайгада яна бир темир йўл станцияси ишга тушибди.

— Э, ака, у ерда кун сайин янги станциялар қурувчилар учун посёлкалар, саноат корхоналари гўё баҳор қўзиқоринларига ўхшаб бодраб пайдо бўляпти. Лекин БАМга қараганда сизларда суръат анча суст экан.

— Масштаби бошқа-бошқа, кучлари ҳам, — деди Ҳамид Ҳакимович. — БАМнинг қурилиб битган участкалари ўз-ўзини қоплаб, қилинган сарф-харажатни мамлакатга қайтариб берапти экан. Биз тўрт йилдан бери ерга пул сочяпмиз, ҳали сарфимизнинг ўндан бирини қайтариб

олганимиз йўқ. Лекин умидимиз катта. Яқин келажак учун ишляяпмиз. Партияимизнинг ҳозирги аграр сиёсати амалга ошгач, гўшт билан қаймоқни ҳам ҳонимиздай навбатсиз оладиган бўласан.

— Мен яқинда Норақ ГЭСга борувдим. «Халқлар дўстлиги қурилиши» деганича бор экан. Ҳамма миллат вакиллари бор. Серобгарчиликни айтмайсизми? Қаймоқ озроқ, лекин қанораларда гўшт билан думба куни-туни осиглиқ турипти. Навбат кўрмадим. Аммо нархи бандроқ...

— У ёққа нега борувдинг?

— КАМаз машиналари Тожикистон тоғларида ҳам синовдан ўтказилляпти-да. Ўша машиналарга хизмат қиладиган устахона билан командировкада бўлдим. Норақ ГЭС ёқинда битаркан-да, Сирдарё — Навоий — Тошкент ГРЭСлари билан қўшилиб, СССР электр ҳалқасига қўшилarkan.

— БАМда ҳали иш кўп!— деди Эргаш ҳикоясида давом этиб. — БАМ — Тинда станциялари трансси бир магистрал билан туташди, аммо ҳали бу ишнинг боши. Ёқутистоннинг кўмир конларига ҳам пўлат излар ётқизаяпмиз. СССР — буюк темир йўл давлати, деб айтамузу, ҳали пўлат излар бормаган, аммо бориши жуда зарур бўлган жойлар кўп. Бор жойларда ҳам состав етишмайди, ёки ношудлик, лоқайдликданми, зарур юкларни вақтида ололмаймиз, составлар ойлаб ярим станцияларда туриб қолади.

— Тўғри айтасиз, ака, мен бу мисолни КАМаз маҳсулотини ишлатишда ҳам кўрдим. Вагондай кузовда муштдек эчкини шамолдай учуриб юришипти. Хўжасизлик эмасми бу!

— Исрофгарчиликни айтмайсизми, жамласа улар ҳам лак-лак бўлади — деди Эргаш унинг сўзини қувватлаб.

Укаларининг мулоҳазаларини эшитиб, уларнинг тўғри фикр юригаётганларидан мамнун бўлиб жим ётган Ҳамид Ҳакимович луқма ташлади:

— Маъқул мунозара қиляпсанлар, укаларим. Лекин ўзларингни четда тутяпсан. Бир эчкига «КАМаз»ни овора қилган одамни ушлаб олиб, ҳа, биродар, бу машинани катта ишлар учун чиқарганимизни биласанми, деб сўрамагансан. Бу ҳам лоқайдлик. Сен, Эргаш, бировлар қилаётган исрофгарчиликдан ғазабланасану, ўзингникини билмайсан.

Эргаш кўзини чақчайтириб акасига қаради.

— Нима қилибман?

— Кечқурунги ишнинг нақд исрофгарчиликнинг ўзгинаси эмасми?! Шунча ичкилик, шунча ноз-неъмат. Ҳаммаси чала ярим қолди. Шуларнинг турган битгани пул.

— Кенгроқ бўлинг, ака! — деди Эргаш ётган жойида мастона товушда, — топганларингиз қайси болангизга етмай қоляпти?

— Ҳали ҳам мастмисиз. Эргаш ака. Нега ундоқ дейсиз? — Бўрибой луқма ташлади.

Эргаш айтар гапни айтиб қўйиб, унинг захридан Ҳамид акаси озор чекишини ўйлади-ю, тилни тишлади. Ҳамид Ҳакимович ётган жойида тўлғонди. У чап томонига ағдарилиб олди-да, кўзларини юмиб, индамай ҳар хил хаёллар гирдобига фарқ бўлиб ётди: «Ўз туғишган укангдан шунча таъна эшитяпсан-ку, бегоналар нималар демаскин, сенга...»

Тонг отганда ҳаммалари ланж бўлиб ўринларидан турдилар. Ака-укаларнинг бошлари лўқилларди.

— Қиттак-қиттак оламизми, ака! — деди Эргаш.

— Бош оғриғига бало борми, каллаин саҳарда... — тўнғиллади Бўрибой.

— Опке, ичамиз!— деди ҳаммани ҳайрон қолдириб Ҳамид Ҳакимович.

Сумбула эрининг кам-кам ичишини биларди, аммо эрталаб, баъзи бировларга ўхшаб «бош оғриғи» қилганини сира кўрмаганди. Юбилей шарофати биландир ёки укаларининг кўнглига қараб шундай дегандир, деган хаёлда кеча ичилмай қолган шишаларнинг бирини олиб келиб, столга қўйди.

— Уларини ҳам олиб кел, ҳаммасини олиб кел, ичгим келяпти! деди Ҳамид Ҳакимович ҳеч вақт қилмаган ишини қилиб.

Сумбула ўйга толди: «Ичгим келяпти», дейишини ҳам тушуниш мумкин... Мени сенлаётгани-чи? Буниси, бутунлай янгилик. Укалари кечаси билаш ухламай, акасига гап ўргатишганмикин?.. Туғмас хотинни боқиб ётасанми, ҳайда уни, бошқасини олиб берамиз, дедилармикин!..»

Шундай хаёллар билан гаранг бўлган Сумбула кечаги зиёфатдан қолган ҳамма ичкиликларни столга келтириб қўйганини ҳам сезмади. Эркаклар рюмкаларини тўлдириб, индамай ича бошладилар.

Аёллар ҳам жим. Болалар ҳам жим...

Вазият ўз-ўзидан таранглашиб борарди. Моҳира гоҳ юз-кўзи қизараётган Ҳамид Ҳакимовичга, гоҳ саросимада ўтирган Сумбулага қараб қўяр, нима ҳодиса юз берганини тахминлаб ўтирарди. Тўсатдан қаттиқ тарақлаган овоздан у чўчиб тушди. Столга тарақлатиб мушт туширган одам Ҳамид Ҳакимович эди. У эрталаб ичиб ўрганмагани учун наҳордаги салгина ичкиликдан кайф қилиб қолганди. Шунинг учун укалари унга бошқа қўйиб бермадилар. Аммо ўзлари учинчи рюмкани тўлдирди бошлагандилар. Ҳамид Ҳакимович бақирди:

— Менга ҳам куй, деяпман! Тўлатиб қуй, бугун мириқиб ичмоқчиман! Ичаман! Ичаман!.. Топганим қайси боламга етмаяпти?!

Бўрибой, сизнинг ишингиз бу, дегандай Эргаш акасига ёв қараш қилди. Нима ҳам қилсин, айтилган сўз — отилган ўқ. Тиф ярасини даволаш мумкин, аммо тил ярасини даволаш қийин...

## Йигирма учинчи боб

1

Қуёш чиқиши билан унинг мисранг нуридан қайинларнинг шиғил-шиғил ниначалари жимирлаб кетди. Ажаб, ўтлоқларга жон киргандай гиёҳлар силкинишиб ёруғлиққа таъзим қилаётгандай... Бунини кўриб турган Гуландомнинг ҳам кўзлари қувониб, таъзим билан нурни, тонгни қутлади. Бу нурлар унинг кўнглига баҳор, дилига шодлик олиб кирдилар. Унинг қўшиқ айтгиси келарди.

Муҳаббат ҳақида қўшиқ...

Йўқ! Унинг биринчи муҳаббат ҳақидаги қўшиқлари Набижон билан бирга Иванова ўрмонларида қолиб кетган. Бинобарин, янги муҳаббат ҳақида янги қўшиқ туғилганча йўқ ва туғилиши ҳам қийин... Элчи Мардонов унга ёқиб қолган бўлса ҳам у ҳали синов жараёнида. «Бу гал адашма ва Элчини ҳам умидвор қилма!» дер эди унинг паид еган кўнгли. Элчининг муҳаббати самимий эканлигига ой сайин, кун сайин ишониб бораётган бўлса ҳам юраги дов бермасди.

Гуландомни аэропортда учратиб, йўл-йўлакай сўзлашиб, танишган кундан бери унинг ёқимли сиймоси Элчининг кўз ўнгиде турар. Бийрон сўзлари ҳамон қулоғи остида жарангларди. Ушандан кейин улар

неча бор учрашдилар. «Ишқим тушиб қолди шекилли... Илк муҳаббат деганлари шумкинки, Гуландомни кўролмасам, гаранг бўлиб юрман», деди у Дмитрий Дудановга дилига сиғмаётган сирини изҳор қилиб бир кун. «Севса арзийдиган қизга йўлиқдинг, Элчи! Қизнинг муҳаббатини қозонмагунча сира бўшашма!»— деди Дмитрий Дуданов ҳам уни чархлаб. Қизга тез-тез илтифот кўрсатишни ҳам Дуданов эслатиб турди. Ҳар вақт, Элчи, Гуландом билан учрашувидан севиниб оғзи қулоғида қайтган кезларида ҳам Дмитрий Дуданов унинг севинчига шерик бўлар, баъзан у хафароқ кўринса «Нима бўлди?» деб унинг кўзига тикилиб, оғзига қараб турарди. Элчи ҳам ундан сир яширмасди. Трактор миниб борган кун Гуландом уни уялтириб қўйгани, «Жигули»ни кўндаланг қилгани кун «машинангга ўн бир киши сиғади-ми?» деб мазаҳлагани, ҳамма-ҳаммасини ундан яширмади.

«Қиз боланинг ноз-карашмаси бўлади. Синагани ҳам шу хил қилиқлар қилиши мумкин. Муҳаббатни чидаганга чиқарган. Муҳаббатнинг тикони бор. Тиконга ағанаб бўлса ҳам тик турган ютади!»— Дуданов ҳақ гапини айтганди. Гуландом Элчини неча бор «тиканга ағана-тиб» кўрди. Ҳаммасига ҳам бардош берди. Ана шундай пайтларда Элчининг эсига қишлоқдаги бир дўстининг гаплари тушарди. У ҳам илк муҳаббат қули эди. Севиклиси синамоқ учун уни қийноққа солган кезларда у пинагини бузмас, аксинча, ўрни келса «урганингиз ун оши, сўкканингиз сўк оши» деб эски мақолларни кўндаланг қилиб, сувдан қуруқ чиқар, эшикдан ҳайдаса, тешикдан рўпара бўларди. Оқибат на-тижада унинг ана шу елимлиги енгганди. Элчи, елимлик қилмаса-да, қатъият билан қизнинг муҳаббатини қозониш мақсадида ўзининг билганича, қўлидан келганича ҳаракат қилиб, ҳарна қилса ҳам унга ёқа-диган иш қилиб, унинг ишончини қозонишга уринди.

Гуландом эса, арқонни жуда узоқ ташлаганди. У Элчини ўзидан нари қилмасликка, унга тобора яхши кўринишга уринар, аммо Элчига аини бир пайтда жумбоқли қилиқлар қиларди. «Юракнинг дардини кўрсатиб турадиган рентген йўқмикин? Бўлса юрагимни очик-ойдин кўра қоларди»,— дер эди Элчи қизнинг нозли онларини кўрган кезларда.

— Мен сизни севаман! Ишонинг!— деди Элчи кунларнинг бирида эшиги олдида унга гулдаста тутқизаркан. — Муҳаббатим мана шу гулдай тоза. Ишонинг!

Гуландом одатдагидек табассум билан унинг илтифотини қабул қилди-да, бу гап ҳам раҳмат айтишдан нарига ўтмади.

— Ишонмайсизми?— сўради Элчи қизнинг оғзига тикилиб.

— Сизга ишонаман!

Элчининг кўзлари чарақлаб кетди.

— Ростданми?

— Чиндан.

— Севасизми?

— Билмадим...

— Нега билмайсиз?

— Яқинда танишдик-ку!..

Элчи кўзларини лўқ қилиб, оғзини гўлдириб, таажжуб билан деди:

— Юз тўқсон куну, ўн соат бўлди! Шунча вақт...

Гуландом ўзини тутолмай, хаҳолаб кулиб юборди.

— Соатигача санаб юрибсизми?

— Бўлмасам-чи! Дақиқалари ҳам ҳисобда,— деди Элчи бош эгиб. — Юз етти миллион саккиз юзу ўттиз олти минг дақиқадан бери суратингиз кўзимнинг қорачиғида туради...

Гуландом яна хандон отиб кўлди-да, беихтиёр унинг билагидан

маҳкам ушлади. Элчи довдираб қолди. Бир дақиқа... Гуландом Элчининг бағрида... Шу пайт қиз гул баргига қўниб-ла учган қушдай Элчининг бағридан қайта отилиб чиқди-да, ўзининг бу ногаҳон ишидан уялиб, лов-лов ёнган юзларини қўли билан тўсиб олди. Кимдир Элчига, «нега қараб турибсан, бағрингга бос, бахтингни!» дегандай бўлди. Афсуски, Элчи ўз қалби амрини ижро қилишга улгурмай, Гуландом унга қўлларини қалқон қилди.

— Одамлар кўриб қоладилар...

Элчи унинг қўлларидан ушлаб, кўзларига қаттиқ тикилди.

— Жоним сизнинг қўлингизда!..

## II

Гоҳо соғ-саломат, бақувват одамларнинг ҳам иши юришмай қолади, толиқади, ҳатто биров билан гаплашгиси келмай, танҳоликни қўмсаб қолади. Сумбула ҳам бугун шу аҳволда, қандай қилиб вақт ўтказишни билмасди. Бундай чоқларда вақт ҳам аксига имиллайди, қўлмак сувдай бир жойда қалқиб тураверади. Сумбуланинг хаёлида фарзандсизлик муаммолари... Унинг атрофидаги олди-қочди гаплар... У дарсининг сўнги дақиқаларини аранг тамомлаб, уйга шошилди.

Меҳмонлар жўнагач шовқин-суронли болаларсиз уйи ҳувиллаб қолганди. Сумбула кийимини ҳам ечмай, ўзини каравотга ташлади-да, шипга термилиб ётди. Хаёл уни яна ҳибсга оларди. Назарида Ҳамид Ҳакимович билан биргаликда ўтган шунча йиллик умри бир зумда тўзондай ўзсиз, самарасиз тўзиб кетгандай эди: «Эҳ, умр сувга ботирилган галвир экан... Уни сувдан кўтарганда, ичида нима қолади!.. Майли, сенинг бўларинг бўлди, эрингни умри зое кетмасин. Эллик ёш, нима деган ёш! Олтмишда фарзанд кўрганлар озми?.. Ҳали келганида ундан талоқ сўра! У энди бошқага уйлансин. Қўлингдан келса ўзинг ўйлаб қўй уни... Ҳамид Ҳакимовичдай одамга қайси аёл йўқ дейди!..

У яна шипга боққанича эри ҳақида ўйлай бошлади. Кўнглига билган-билмаган аёлларнинг чиройи, исми келар, уларнинг орасида кўз олдидан Гуландом ҳам лип-лип ўтарди. «Гуландом... Узоққа бориб юрмай Гуландомни ола қолсин... Яхши қиз. Рисоладаги хотин бўлади... Гуландомни олиб бера қол!..»

Шу пайт эшик тарақлаб очилди. Кимдир гурс-гурс юриб Гуландомнинг хонасига кирди-да, ўзини каравотга ташлади. Аввалига кулги эшитилди. Кулги йиғига айланди.

Гуландом ҳўнграб йиғламоқда эди. Сумбула, наҳот хаёлимдаги гапни тилимда зуҳр этган бўлсам, деган андишада унинг хонасига кирди. Гуландом ечинмай, ҳатто туфлисини ҳам ечмай оёғини пастга осилтирганича шипга тикилиб ётарди. У бир тутам гул дастани бағрига босиб олганди.

— Кечирасиз, бир нарсадан хафа бўлдингизми, Гуландом? Мен шундоқ... шунчаки...— деди ҳижолат бўлиб Сумбула.

Хафачилик қаёқда! У хурсандчиликдан йиғларди. Сумбулани кўриши ҳамон сапчиб турди-да, унинг бўйнидан қучоқлаб олди.

— Бормисиз, опажон!

— Нима бўлди?— Сумбула ҳайрон бўлиб сўради.

— Кўнглимда баҳор!.. Мана қандай гаплар...

Сумбула ҳамон нима воқеа бўлганини билолмай, кўзлари жовдираб турарди. Гуландом ҳам унинг фаромушлигининг боисини тушуниб ётмаганди. Шунинг учун ўзининг дилидагиларни унга, Сумбула опасига айтиб, ёрилгиси келди. Ахир юрагидагини кимгадир айтиши, тўғри қиладими, йўқми, бирор яқин кишисидан маслаҳат олиши керак-да! Назарида Сумбула опаси ҳозир унинг юрак сирларини эшитишга, би-

роҳ маслаҳат беришга тайёр эмасдай хомуш ва нимадандир азобда эди.

— Опажон, нимадан хафасиз?

— Чарчадим...

— Меҳмонлар кетгандан кейин ҳам дам олмадингиз-да. Ётинг, дамнингизни олинг, ҳамма ишни ўзим бажо қиламан.

— Раҳмат.

— Ҳамид Ҳакимовичнинг келишларига нималар ҳозирлаб қўяй?

— Ҳамид акангизга нималар ёқишини ўзингиз биласиз,— деди Сумбула, бир уҳ тортиб олгач, давом этди.— Шундай қилингки, у сиздан жуда-жуда хурсанд бўлсин, ҳатто сизни...

Гуландомнинг бу гапдан эти жимирлаб кетди. Зимдан разм ташлаб қараса, унинг кўзлари киртайган, ғам-андух соя ташлаган эди. Гуландом тахминлаб ўтиришни ёмон кўрадиган қиз эмасми, сабабни билмоқ учун шартга сўради:

— Мендан хафамисиз?

— Йўқ.

— Гапларингиздан сезиб, кўзларингиздан билиб турибман. Нимадандир, негадир қаттиқ хафасиз. Уйингизда турганимдан эмасми?

— Толейимдан хафаман.

— Ана холос! Ҳамма гапни кутсам ҳам бунга кутмагандим. Сизларни танийдиган ҳеч бир киши бу сўзларга ишонмайди!

Сумбула каравотнинг бир четига қўллари билан бошини ушлаганича хиёл энгашиб ўтириб олди. Ҳамиша қувноқ, хушчақчақ аёлнинг аҳволини кўриб Гуландом эзилди. «Шундоқ аёлнинг уч кунда бу қадар сўлиши мумкинми? Қандайдир оғирроқ сир борки, ўшандан ўзини олдириб қўйибди. Эрининг укалари хафа қилдимикин? Овсинларининг тили югурикмиди?.. Ёки сени эрига рашк қиляптими?.. Рашк!.. Шармандалик-ку!.. Тезроқ тубига ет, кеч қолсанг, шармисор бўласан!..»

— Опажон, гапингиздан латта иси келаяпти.

— Нега ундоқ дейсиз, Гуландом?

— Шу бугуноқ уйингиздан чиқиб кетишим мумкин... Шаҳрингизни ҳам ташлаб кетаман.

— Нега? Нега қизишасиз, Гуландом?

— Сиз мени эрингизга рашк қиляётганга ўхшайсиз. Шу гапларни эшитгунча ўлганим яхши эмасми?

Сумбула бундан ҳушёр тортиди-да, Гуландомни қучоқлаб, ялиниш оҳангида деди.

— Улибманми, қизимиздай одамга — сизга рашк қилиб... Мени тўғри тушунинг, Гуландом, қизим. Ичим ҳасратга тўлиб кетди. Кимга ёрилишни билмайман.

Сумбула Гуландомни маҳкам бағрига босганича ўкиниб, ич-ичидан эзилиб, йиғлай бошлади. Гуландомнинг унга раҳми келди. Ачиниб, анча юмшаб, майингина деди:

— Қаттиқ гапирган бўлсам кечирасиз.

— Еш бўлсангиз ҳам доно қизсиз, маслаҳат беринг, Гуландом.

— Жоним билан. Қўлимдан келса...

— Мен бу ердан кетмоқчиман.

— Зерикдингизми?

— Йўқ...

— Уруғларингизни соғиндингизми?

— Бутунлай кетмоқчиман...

— Ҳамид Ҳакимович нима дедилар?

— Сўраганим йўқ.

— Сабабини билсам бўладими, ахир ўзингиз «ичим ҳасратга тў-



Расмларни А. Холимов чизган

либ кетди» дедингиз-ку! Гапиринг, ҳарна ичингиз ғамдан бўшагани яхши. Гапиринг, опагон!

Сумбула нима ҳам десин?! Уни Ҳамид Ҳакимовичга олиб бериш ҳақидаги фикри чипакка чиқди. Кўнглидаги гапни айтиб кўрсин-чи, Гуландом андишани ҳам йиғиштириб қўйиб, сочларини юлишга тайёр турибди. Фарзандсизлиги ҳақидаги қайғу-ҳасрати билан ҳам куёвга чиқмаган қизнинг бошини оғритишни истамади.

— Онамни соғиндим,— деди ниҳоят у бошқа баҳона тополмагач,— аёл кишининг энг яқин одами, маслаҳатгўйи, ҳасрат-надоматини тинглайдиган онаси бўлади. Онамни кўргим келяпти...

Гуландом жим бўлиб қолди. Унинг назарида Сумбула сирини ошкор қилишдан ийманаётгандай эди.

— Мени ўз қизимдайсиз, дедингиз-ку, опагон, нимадан андиша қиляпсиз?

Сумбула кўз ёшини артиб, ўрнашиброқ ўтириб олди-да, меҳрибонлик билан деди:

— Эндиги ёшлар насиҳатни ёқтирмайдилар, аммо сизга бир насиҳатим шуки, дилингизга ёқадиган топилса дарров турмушга чиқинг. Ёшликда фарзанд орттириш ҳам, катта қилиш ҳам осон. Менга ўхшаб ёшликнинг қадрига етмай бепарво кун ўтказганининг охири вой бўлади...

Сумбуланинг дарди боласизлигидан эди. «Бечоранинг шунча оғир дарди бор экан-у, билдирмасдан юраркан... Бу дардни кечаги меҳмонлар янгилаб кетдилар шекилли» деб ўйлади Гуландом. Унга нима билан далда беришни билмади. Уйлаб-уйлаб, суҳбат мавзусини бошқа ёққа буриб юборди. Унинг ҳам ўз дарди бор эди.

— Мен ҳам сиздан маслаҳат сўрамоқчи эдим...

— Мени ўзингизга яқин тутганингиз учун раҳмат, қизим.

— Элчини мендан кўра яхшироқ билсангиз керак?

- Ҳа, биламан.
- Уша йигит ҳоли-жонимга қўймапти...
- Аввало тақдирга боғлиқ. Қолаверса, ўзингизга. Элчи Мардонов сизга ёқадими?
- Ёқади. Лекин тўла-тўқис синаганим йўқ. Биттасини синамасдан севиб қолгандим. Тавбамга таяндим. Энди адашгим йўқ. Муҳаббат билан тақдир бошқа-бошқа нарсалар экан...

### III

«Муҳаббат билан тақдир бошқа-бошқа нарсалар экан...» — тақдорлади Сумбула Гуландомнинг сўзини. Ҳамид Ҳақимовични шундоқ севавардики, уни ҳеч кимга, ҳатто еру кўкка ҳам ишонмасди. Фарзандсизлик доғи шунчалар емирувчи оғу эканки, киши билмас дилларни парчалай бошлади. «Муҳаббат бошқа-ю, тақдир бошқа экан — бу дунёнинг азоби шу бўлса керак-да!» Сумбула эрининг кийимларини дазмоллаб тахларкан шу сўзларни тақдорлашдан чарчамади.

«Мана бу қўйлагини яхши кўрарди»...

«Мана бу костюмини устидан туширмасди...»

У эрининг ҳамма ички кийимларини ювиб, дазмоллаб, жавонга жойлади, костюмларини тахт қилиб илиб қўйди. Бир неча марта алмаштиришга етарли қилиб рўйжа ва ёстиқ жилдларини тайёрлади. Пайпоқларини ҳам саранжомлаб қўйгач, бурчакка ўтириб йиғига тушди.

«Муҳаббат бошқаю тақдир бошқа экан...»

Уй ичининг бесаранжомлигини кўриб Ҳамид Ҳақимовичнинг хаёли қочди. Унинг назарида уйда бирор кўнгилсиз ҳодиса юз бергандай эди. Дили ғаш бўлди-да, шошилиб ошхонага кирди. Ҳар куни иш вақтида эрини ошхонада кутиб оладиган Сумбула кўринмасди. Унинг фартуғи қозикда осияғлиқ турарди. Юраги ҳовлиқиб унинг хонасига кирди. Сумбула ҳамиша озода турадиган хонани чангитиб, чемоданларини йиғиштирмоқда эди. Ҳамид Ҳақимович ҳанг-манг бўлиб бир оз жим турди-да, ўзини босолмай сўради:

— Бу нима қилиқ?

— Ие, келдингизми? — деди Сумбула ҳайронликда сўррайиб турган эрини кўриб. Кейин уни ошхонага бошлади. — Қани юринг, овқатим тайёр.

Ҳамид Ҳақимович ҳайратда эди. Жавонларнинг очиқ эшикларидан унинг ўз кийимларигина кўриниб турарди. «Ўзининг либосларини қаёққа йиғиштирибди?..»

— Овқат совимасин! — деди ошхонадан қайтиб келган Сумбула орқасида пайдо бўлиб.

Ҳамид Ҳақимович хотинини четлаб ўтиб ошхонага бурилди. У ҳар кунги жойига ўтириб, столда уни кутаётган кечки таомга боқди. Ликопдаги қовурманинг шоша-пиша тайёрлангани кўриниб турарди. Катта-катта тўғралган мол гўшти ярми хом, ярми куйинди бўлиб, картошкеси қорайиб қолганди. Бунингсиз ҳам иштаҳаси бузилган Ҳамид Ҳақимовичнинг томоғидан ҳеч нарса ўтмади, бир оз ликопга тикилиб ўтиргач, вилка-пичоқни нарига суриб қўйди.

— Чемоданлар нега керак бўлиб қолди? — деди у. — Қаёққа кўчмоқчисиз?

— Ота-оналаримизни кўриб келинг, деб эдингиз-ку...

— У гапимга уч йилдан ошди шекилли...

— Дилафрўз опам қаттиқ ётибдилар экан. Яна операция қилишибди... Бормасам бўлмайди, сизга Гуландом қараб туради...

— Мактаб болаларига ким қарайди?



- Бошқа ўқитувчи топишади.
- Бутунлай кетмоқчимисиз?
- Онамни соғиндим. Ҳар куни тушимга киради...
- Мен рухсат бермасам-чи?

Сумбула унинг бўйнидан қучоқлади, йиғисини ичига ютиб, сўлгин овозда ёлборди.

— Йўқ деманг, ўтинаман!..

Унинг юраги йиғларди. Ҳамид Ҳакимовичнинг ҳам кўнгли бузилди. Унинг илтимос тўла кўзларига эринчоқлик билан қаради. Сумбуланинг кўзларида ёш ғилтиллаб турарди. Ҳамид Ҳакимович уни нима деб юпатишини билмасди. Одам кўнгли нозик тордай гап, уни узини осон, улаш қийин. Ҳамид Ҳакимович, Сумбуланинг райига қарашга мажбур эди. «Майли, борса борсин, балки, онасини кўриб, униб-ўсган ерларда сайр қилиб, овиниб қайтар» деб ўйлади-да, ундан аста сўради:

- Қачон қайтасиз?
- Насибам узилгунча тураман...
- А! Нималар деяпсиз?
- Борайинчи.. кўрайин-чи...

## Йигирма тўртинчи боб

### I

Новгород аэропортининг торгина кутиш хонаси одамга лиқ тўла эди. Баъзилар мудраб ўтирар, айримлар деразаларнинг ойналари олди-га жам бўлиб қўниш ва учиш майдонларини томоша қилардилар. Ташқарида қор ёғмоқда. Сурункасига ёғаётган қордан самолётларнинг ҳаракат жадвали бузилиб, келиш-кетиш қийинлашиб қолганди.

Кичик хона ғала-ғовури дастлаб Сумбулага томошадай туюлди, бора-бора қулоғи битиб, нафаси қисилди-да, ташқарига чиқди. Чиқди-ю, дарвоза олдида Йўлдошевга дуч келди.

— Буёқларда нима қилиб юрибсиз, ўртоқ Ҳакимова?— деди у Сумбулани тўхтатиб.— Тинчликми?

— Кетяпман,— деди Сумбула.

— Қаёққа?

— Қишлоғимга.

— Авзойингиздан сезиб турибман. Нотинч кўринасиз. Қишлоқда бирор ҳодиса юз бердимми ёки Ҳамид Ҳакимович хафа қилдимми?

— Ҳеч нарса...

— Кўриб турибман. Бу Ҳамид Ҳакимович сизни ҳам ранжитган шекилли. Ўзига ўзи қилади бу одам. Ростини айтинг, нега кетяпсиз?

— Ўзим...

— Ишонмайман. Комиссия келиши олдидан сизни узоқроққа жўнатмоқчи бўлибди-да.

Шу чоқ аэровокзал рўпарасига Йўлдошев кутаётган АН-24 самолёти келиб тўхтади.

— Кечирасиз, Тошкентдан комиссия келди... Уларни кутиб олай, кейин гаплашамиз. Эрингиз хусусида сизга айтадиган гапим бор.

Йўлдошев меҳмонларни кутиб олгунча ва уларни машиналарга жойлагунча Сумбула унинг эри хусусида айтмоқчи бўлган гаплари ҳақида ўйлашдан тўхтамади. «Қандай гаплари бор экан: яхшиликми, ёмонликми?»

У гоҳ ичкарига кирар, гоҳ ташқарига чиқарди. Ичкарида дим ҳаводан нафаси сиқилар, ташқарида соф ҳаводан баҳри очилса-да, қаттиқ изғириндан эти жимирлашарди. Унинг тили бояги икки сўзни такрорлашдан чарчамасди. «Яхшиликим? Ёмонликим?» Ниҳоят, Йўлдошев пайдо бўлди-да, шошилиб тургани учунми, айтмоқчи бўлган гапини аниқ айтмай унга яна жумбоқ ташлаб кетди. «Шундоқ пайтда кетмасангиз бўларди. Комиссия бекорга келгани йўқ...»

Сумбула унинг кетидан чопмоқчи ва жумбоқни билиб олмоқчи бўлди-ю, улгуролмади. Чунки, Йўлдошев меҳмонлар кутиб ўтирган машинага мина солиб йўлга тушди. шу пайт унинг ўзини ҳам самолётга чиқишга таклиф қилдилар. Сумбула билетини топшириб, орқасига қайтмоқчи ҳам бўлди. Лекин пассажирларнинг жипс сафи уни суриб зинага чиқариб қўйди.

Новгород — Ленинград маршрути шунча узоқмики, Сумбуланинг хаёли бутун дунёни неча бор айланиб чиқса ҳам бу «АН» ҳали манзилга етолмайди. Унинг назарида гўё самолёт жойидан жилмаётгандай, жилганда ҳам тошбақа мисол имиллаётгандай. У тезроқ Ленинградга етиб олса-ю, эрига телефон қоқса, воқеани аниқлай қолса! Афсуски, Старая Руссада телефон қоқиш учун Сумбулага бу жойда ҳам имкон бўлмади. Чунки Ленинград — Тошкент рейсли самолёт парвозга тайёр турарди.

Саккиз соатлик йўл Сумбула учун гўё саккиз йилдек туюлди. Ҳамма пассажирлар юмшоқ креслоларга чўкиб, оппоқ ёстиқларга бош қўйганларича уйқуга кетгандилар. Дамбадам хуррак товушлари эшитилиб қоларди. Фақат жимжит салонда Сумбулагина сергак. Хаёлида гоҳ Новгород, у ердаги жўшқин воқеалар... Гоҳ туғилиб ўсган жойлари, қадрдонлар кўз олдига бир-бир ўтади.

Свердловск! — деди бир вақт стюардесса. — Тўхтаб ўтиш муддати ўттиз минут...

Ҳамма қўзғолди. Одамлар самолётдан туша бошладилар. Сумбула жаҳл билан қўл силтади-да, турган жойида яна ўтириб олди. Иложи бўлса у самолётни оралиқда қўниб ўтадиган аэробекатларда ҳам тўхтатмасдан учиргиси келарди! Лекин иложи қанча!

Яна осмонга қўтарилдилар. Гира-шира тонг эди. Самолёт секинлаб қўна бошлади.

— Самолёт Урганч аэропортига қўнди, — дея эълон қилди стюардесса. Пассажирлар, аэропортнинг кутиш залига киришларингизни сўраймиз!

— Нега Урганч?! — шошилиб сўради Сумбула.

— Тошкент аэропорти қўнишга рухсат бергунча шу ерда турамиз, деди стюардесса. — Зарур жомадонларингизни олишни унутманглар!

Сумбула ноилож, ҳаммадан кейин пастга тушди. Пастда шабада эсарди. Юзларини майин, ёқимли силаб ўтган шабададан Сумбула пича ҳузурланди. Аммо, юрагидаги ғашлиги аримасди. Яна тундлашди. Кенг, ойнаванд аэропорт биносига югуриб елиб шаҳарлараро телефон станциясини топди. Старая Русса билан боғлиқнинг иложи топилмади, лекин телефонисткалар унга Жиззах совхоз идорасини улаб бердилар. Масофанинг узоқлигими, ёки шамолнинг таъсирими, телефон хириллар, овоз жуда ёмон эшитиларди. Неча минутлик «А?.. Ни-ма?.. Қаттиқроқ гапиринг!»лардан кейин Сумбула бир шум хабарнинг гувоҳи бўлди.

— Директорлар Дилафрўз опани кўмгани кетдилар, — деди совхоз идорасидан гапирган аёл.

Бу мудҳиш хабардан гаранг бўлиб қолган Сумбула ўзини қаерга қўйишни билмасди. «Бечора Дилафрўз... Бечора етим болалар...» — дер эди у ўзинга-ўзи ва аэропорт биносини гир айланарди. Шу пайт

диктор аёлнинг «Ургенч-Жиззах» деган овози эшитилди. «Мана шу самолётда кетсайдим!..» деди хаёлан. У шундай қилди ҳам. Яхши одамларнинг садақаси кетса арзийди. Сумбуланинг аҳволини тушунган пассажирларнинг бири ўз билетини кейинги рейсга алмаштириб, унга жойини бўшатиб берди.

## II

Кун оққан пайт. Қудратовлар оиласи яшайдиган кўчанинг икки томони катта-кичик, ранг-баранг машиналарга тўлиб кетган. Сутдай оппоқ «Волга»лар биқинида ҳаворанг жигулилар, «Москвич»лар, ҳатто «Интурист» машиналари «КАМАЗ»лар қатор турарди. Афтидан дафн маросими тугаб, ҳамма фотиҳа учун келганди. «Кеч қолибман» ўйлади Сумбула. У шошиларди, аммо иложи қанча. Аксига у Жиззахдан кира қилиб келган такси ҳам мотамхонадан анча узоқда тўхтади.

— Йўл берк,— деди таксичи.— Кўрмаяпсизми?»

ГАИ вакили машиналарни тартибга солиб турарди. Сумбула машина томон келаётган бир гуруҳ одамлар орасида Қудратовни кўриб қолди. Уни Розиков қўлтиқлаб олган, афтидан унинг кўнглини кўтардиган гаплар гапириб келарди. «Меҳр-оқибатли одам экан бу Розиков, шунча ишини ташлаб, ўшанча жойдан Қудратовнинг кўнглини сўраб келибди» деб хаёлидан ўтказди Сумбула.

Улар машина олдида яна гаплашиб турдилар. Сумбула четдаги машиналарни оралаб, дарвозага етиб олди, аммо ичкарига қаёқдан киришини билмай аланглаб турди. Шу пайт дарвоза олдида чопон кийиб, бел боғлаб турган кишилар унга йўл бўшатиб бердилар. Сумбуланинг назарида улардан бошқа ҳамма қариндош-уруғ шу жойда эди. Ҳассакашлар орасида Дилафрўзнинг отаси, Сумбуланинг қайнотаси Ҳаким ота хомуш ўтирардилар.

Сумбула қайнотаси билан йиғлаб кўришди. «Опамиздан бевақт айрилибмиз!..» — фарёди эшитилди унинг.

— Уғлим келмадимми? — аста сўради чол.

— Бехабар эдик. Ўзим келдим...

— Ичкарига кира қол, қизим, ойинг шу ерда.

Ичкари хоналарда аёллар йиғи-сиғи қиларди. Сумбула ҳам уларнинг даврасига қўшилди. Аёлларнинг мунгли йиғиларида Мухтасар онанинг овози алоҳида ажралиб турарди. У ўзини тутолмай қайнонасининг бағрига отди.

— Болаларни етим қилиб, кетдизми-ей, опажон!.. Маслаҳатгўйим опажон!..

Аёлларнинг йиғиси тўхтаса ҳам Сумбуланинг ноласи тинмасди.

Мухтасар она келинининг бунча куйиниб йиғлашини Дилафрўзга қадрдонлигидан деб билса ҳам, аслида ўзининг фарзандсизлик дарди, юрагини пора-пора қилаётганини сезар, бундан ўзи ҳам баттар эзиларди.

— Иложимиз қанча, болам, иложимиз қанча. Пешонада бор экан... деди она Сумбулани кучоқлаб.

— Бетобмидилар?

— Унча кўп ётгани ҳам йўқ. Туғуруқхонадан келгач уч кундан кейин узилди.

Сумбула лабини тишлаганича жим бўлиб қолди. Бир оздан кейин қайнонасинга юзланиб, аста сўради:

— Чақалоқ тирикми?

— Қизчаси тирик. Лекин одам бўлиши амри маҳол... Бунисини ҳам қорнидан ёриб олишди-да.

Сумбуланинг ранги оппоқ оқариб кетди.

— Чақалоқ қаерда?

— Уша ёқда. Ҳамширалар қўлида.

Сумбула беихтиёр яна лабини тишлади. У бирор муҳим масала устида бош қотирганда лабини тишларди. Унинг бу одатини қайнонаси яхши биларди.

Дилафрўзнинг еттиси ўтадиган куни у Қудратовни ҳоли учратиб, таъзия билдиргач, ўтинч билан сўради:

— Чақалоқни бағримга босиб, тилимни учида наввот тутиб катта қилиб берсам майлими?

Умрида ҳеч маҳал йиғламаган Қудратовнинг, катта-катта кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. У кўз ёшларини яшириш учун узумзор боққа қаради. Узумзорда, ишкомлар остида унинг кичик болалари ўйнаб юришганди. Улар ҳали ҳеч нарсани англаб етмаган эдилар. Айниқса, кенжа ўғли Отажон беқасам тўн, чуст дўппи кийиб, белига қийиқ боғлаб олгани шодон, назарида уйларида тўй бўлаётгандай эди. Қудратов уни кўриб, яна эзилди. Ҳозирча ўйнаб юрибди. Кечга бориб, онамни топиб бер, деб додлаши турган гап. Ҳозирча туғуруқхонани баҳона қилиб алдаш мумкин, эртага, индинга нимани баҳона қилади? Бунинг устига Қудратов Ивановога қайтиб кетиши керак. Кетмасликка илож йўқ. Катталарини-ку, боғча-яслиларга топширса бўлади, қариялар паноҳида яшайдилар. Аммо чақалоқнинг ҳоли нима бўлади? Уни етимлар уйига топширсинми? Шу гап хаёлига келганда Қудратовнинг бошини муз қоплагандай бўлди.

«Кейин нима бўлади? Оқибати нима бўлади?»

Сумбуланинг назарида таклифи Қудратовга оғир ботгандай бўлди. Бу гапни унга бевақт айтиб қўйдими, ёки Қудратов кенжа қизини ўзи катта қилмоқчимми... Шундай оталар ҳам бўлган-ку! Етим қолган чақалоқини телпак ичида ўстирган оталар ҳам бўлган-ку! Ҳеч бир ишинг юришмади сени Сумбула...

Қудратов Сумбуланинг етим қолган чақалоқни ўз бағрига олиши ҳақидаги таклифи унга оғир ботганидан эмас, балки айни муддаодай бўлиб тушганидан, бу аёл унинг юкини анча енгиллаштирганидан тўлқинланиб кетганди. Фарзанд орзусида юрган Сумбуладай аёлнинг бағрида унинг қизчаси бахтли бўлиб ўсиши турган гап эди.

### III

Дилафрўзнинг кир ювдиси, еттиси ўтгандан кейин яқин жигаргўшалар жам бўлишиб навбатдаги маросимларни келишиб олишгач, болаларнинг тақдири масаласида тўхталдилар.

— Мактабдаги болалар ўқишини давом эттирсин. Отажонни ўзим олиб кетаман,— деди Қудратов.

— Бу ерда қоладиган болаларингиздан хотиржам бўлинг, дадаси, уларга ўзимиз кўз-қулоқ бўлиб турамин,— деди Мухтасар она.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Шу жимликда ким нима ҳақда ўйлаётганини билиш қийин бўлса-да, аммо Сумбуланинг хаёли чақалоқда эди. У қайнонаси билан қайнотасига маънодор қараб қўйди-да, Қудратовга юзланди. Қудратов ҳа деганда, Сумбула, чақалоқни сенга топширдим, деявермади. Сумбула тушундики, бу ҳақда унинг ўзи, астойдил илтижо қилмоғи керак ва у шундай қилди ҳам.

— Ўтиниб сўрайман, чақалоққа мен она бўлай. Менга ишонинглар, онаси йўқлигини сира-сира билдирмайман. Ишонинглар!

Яна ҳамма сукунатда қолди. Ерга қараб турган Қудратов даврадаги қариндош-уруғларга маслаҳат солгандай бир-бир кўз қирини ташлаб олди. Уларнинг жим туришларидан у сездики, ҳеч кимда Сум-

буланинг таклифига монелик йўқ, аксинча, ҳамма унинг оғзига қараб турибди.

— Ҳамиджон билан маслаҳатлашганмисиз? сўради Қудратов.

— Йўқ, лекин...

Қудратов бошини қуйи солиб, аста деди:

— Етти ўлчаб бир кесган маъқул, дейдилар. Аввал Ҳамиджоннинг фикрини билинг, кейин...

«Ҳамид Ҳакимович кўнармикин?.. «Ҳамид Ҳакимович нима деркин?» Сумбула ана шундай хаёл гирдобида тонг оттирди. Ҳамид Ҳакимович опасининг жанозасига ҳам келмади. Телеграмма етиб борган бўлиши керак. Балки Тошкентдан борган комиссия тутиб қолгандир. Ҳа, Тошкентдан борган комиссия текширишни Ҳамид Ҳакимовичнинг участкаларидан бошлаган эди. Ҳали комиссия келмасданоқ ҳар хил миш-мишлар тарқалганди: «Ҳамид Ҳакимович ғайри-қонуний ишлар қилгандирки, унинг бошига ревизия келяпти... «Йўлдошевга қовлаган чуқурига Ҳамид Ҳакимовичнинг ўзи йиқилади энди...»

— Бекор гап!— деган эди ўшанда Сумбула — Бу уйдирмани ким тўқиса ҳам янглишади. Ҳамид Ҳакимович сутдан ҳам оқ!..

Эрталаб ўртага дастурхон ёзилди. Сумбула дастурхон атрофида жам бўлган қариндош-уруғларнинг ҳар бирига разм ташлаб, ҳар бир сўзнинг маънини чақиб улгуришга интиларди. Давранинг бошида оила бошлиғи Ҳаким ака чордона қуриб ўтирарди. Унинг ўнг томонида Қудратовнинг уруғлари, чап томонида эса, Дилафрўзнинг онаси, азага етиб келган укалари, келинлар. Болалар бошқа уйда эдилар. Қудратов энг пойгакда кенжасини тиззасига олиб ўтирарди. Бола дастурхон атрофидаги одамларга қараб-қараб қўяр, уйларида нима бўлаётганидан беҳабар эди.

— Энди кетмайсиз, а, дадажон?

Қудратов жавоб ўрнига унинг пешонасидан ўпиб қўйди.

— Мен билан кетақол, Отажон,— деди Шукур тоғаси.— Волга дарёси бўйида юрасан. Пароходларда сайр қилдираман. Хўпми?

— Йўқ, ҳеч қаёққа кетмайман, дадамла билан юраман.

— Дадажонинг олиб кетса биз билан бўласанми?— Набижон луқма ташлади.— Дадажонинг ишга кетганларида Надежда аянг билан юрасан.

Надежда дарҳол қўшимча қилди.

— Сизга кўпгина ўйинчоқлар олиб қўйганман, укангиз билан мириқиб ўйнайсизлар.

Ҳаким отанинг назарида Дилафрўзнинг йили, ҳатто йигирмаси ўтмай туриб, унинг болаларини ҳамма тақсимлаб олаётгандай, уйи ҳувиллаб қолаётгандай бўлди-да, ваҳимага тушди.

— Болалар ҳеч қаёққа кетмайди!— деди у қатъий оҳангда.

— Шунча болага ким қарайди?— Набижон отасига юзланиб сўради.— Институтдагилар-ку, ўзларини эплайди. Бу кичиклари-чи?

— Кичикларини мен олиб кета қолай,— деди Манзура,— опамнинг ўзидай, ундан ҳам зиёда қилиб эъвозлайман. Онасиз қолганини сира ҳам сездирмайман.

Ҳаким ота қизига ўқрайди-да, ўдағайлаб, деди:

— Болалар ҳеч қаёққа кетмайди, дедим-ку!

Ҳамма жимиб қолди, Ҳаким отанинг гапини қайтаришга ҳеч кимнинг ҳадди сизмасди. Бу оилавий қонунни, айниқса Мухтасар она яхши биларди. У Ҳаким отанинг фикрини қувватлаши шарт эди.

— Дилафрўзнинг чироғи ўчмасин, деяптилар-да.

— Ундай бўлса чол-камбир шу ерга кўчиб кела қолинглар. Болаларнинг боши қовушади-қолади.

Набижоннинг бу таклифи Қудратовга маъқул эди. Унинг ўзи ҳам

шу ҳақда ўйлар, аммо қандай қилиб чол-кампирни бунга кўндиришни билмасди. У мулоҳазали одам эмасми, бундай таклифни уларга айтишдан аввал кўп ўйлади: ахир уларнинг ўз кулбалари, ўзлари кўкартирган дарахтлари, ўрганиб қолган хоналари бор. Қариялар меҳмонга келсалар ҳам тезроқ қайтиб кетишни кўзлардилар. Ўз уйим — ўлан тўшагим, деган гап ҳам бор...

Ҳаким ота жуда сезгир одам эди. У Қудратовнинг аҳволини яхши тушунар ва бу мушкулни сал бўлса-да, енгиллатиш пайида эди.

— Ҳозирча ўзингиз бораверинг. Давлат ишидасиз. Отажонни ҳам оёғингизга тушов қилманг, — деди Ҳаким ота куёвига далда бериб. — Чол-кампири шу ерда бўламиз. Мана Сумбулахонни худо етказди бизга. Болалардан хотиржам бўлинг.

— Йигирмасига албатта етиб келаман, — деди Қудратов қайнотасининг гапларидан дадилланиб. — Уртоқ Розиков ҳам рухсат бердилар.

— Розиковдан яна бир нарсани сўраб қолмабсиз-да.

Нимани?

— Жиззах чўлига ҳам одам керак. Онасиз қолган болалар ота паноҳида бўлишини у киши ҳам яхши биладилар.

— Бу гап у кишининг ўзидан чиқди. «Болаларга бош-қош бўладиган меҳрибонингиз борми, мenden қандай ёрдам керак?» деб сўрадилар. Раҳмат, қарайдиганимиз бор дедим. Сизнинг номингизни эшитиб у киши ҳам қаноат ҳосил қилдилар. Лекин бу билан гапимиз тугамади. Зарур объектларни қўлдан чиқариб олишим керак. Ушандан кейин яна олдиларига кирман.

Шундай қилиб Қудратов Ивановога жўнайдиган бўлди. У машинага минаётиб орқасидан эргашиб қолган Отажонни Сумбуланинг қўлига топшираётиб, деди:

— Ун беш кунда келаман, Отажон сизга ўрганиб қолибди, илгари онасидан бошқа ҳеч кимга йўламасди. Яхши одамни чақалоқлар сезадилар...

Сумбула Отажонни «Жиззах» совхози марказида янги қурилган «Универмаг»га олиб кирди. Универмаг пештахталари турли-туман матолар, кийимлар билан жилоланиб турарди. Улар болалар бўлимига киришди. Бироқ, Отажонга мос, лойиқ келадигани топилмади. Янги туғилган чақалоқлар бўлинмасида Сумбуланинг боши қотиб қолди.

— Чақалдққа... қизчамга!.. — деб Сумбула суюниб бир тугун кийим-кечак билан ўйинчоқ сотиб олди-да, қайнонасининг олдига кўтариб келди. Мухтасар она унинг совғаларини кўриб ҳайрон бўлди-да, деди:

— Ҳаммаси қизчалар кийими-ку. Ўйинчоқлари ҳам қизчаларга экан.

— Атайла олдим.

— Кимга?

— Лобархонга.

— Лобархонингиз ким?

— Рухсат берсангиз уни ҳозироқ туғуруқхонадан олиб келаман. Ҳали ном қўйилмаган экан. Лобархон деб атаймиз. Майлими? Уни ўзим катта қиламан. Рухсатми?

Мухтасар онанинг кўзига жиққа ёш келди.

— Минг марта розиман, болам, минг-минг розиман, — деди у кўз ёшларини енг учида артаркан.

## IV

Чақалоқнинг отаси Қудратов бу воқеадан беҳабар бўлса-да, у она сутини тотимаган қизчаси ҳақида ўйларди. Муштдеклигида онадан етим қолди, бояқиш. Ҳеч кимнинг бошига солмасин бундай етимликни! Ким она бўлади унга? Ҳеч ким. Ким ҳам тўққиз ой, тўққиз кун қорнида авайлаб кўтариб, не азоблар билан туққан онасининг ўрнини босарди? Ҳеч ким...

Унинг назарида самолёт ичидаги ҳамма йўловчилар ҳам хаёлга толгандек эди. Поёнсиз хаёлдан Қудратов ҳам гангир, ҳам чангирди... Қўша қаринглар, деб бекорга айтмас эканлар. Мабодо жудолик содир бўлса ҳам хотин киши эрининг орқасида қолгани яхши экан... Хаёл билан бўлиб, Қудратов стюардессанинг Иваново аэропортига қўняпмиз, деган эълонини ҳам эшитмади, гилдираклар бетон йўлкаларга тақиллаб теккандан кейингина сесжаниб, гўё уйқудан уйғонгандай бош кўтарди. Унинг орқа, олдидаги йўловчилар йўлгага зич тиқилиб олгандилар.

Қудратов ҳаммадан кейин зинадан тушди. У бир неча қадам қўйиб улгурмай, бир қанча одам ўраб олди. Унинг боши солиқ эди. Шунинг учун қуршаб олган одамларни кўрмади. «Ўртоқ Қудратов!» деган овоздан у ҳушёр тортди-да, атрофидаги одамларга қаради. Кудимов бошлиқ Иваново обкомининг бюро аъзолари давра олиб турарди. Қудратов дафъатан буни тушунмади. «Москвадан катта раҳбарлар келяпти шекилли,— деб ўйлади.— Балки, шу самолётда бирор мўътабар хорижий делегация бордир. Бутун бошлиқ бюро саф тортиб турибди. Бежиз эмасдир...»

Ҳақиқатан ҳам улар самолёт зинаси олдида саф тортиб турарди. Фақат, ҳеч қандай меҳмонни эмас, шахсан Қудратовни кутгани чиққан эдилар. Ҳаммининг номидан Кудимов гап бошлади:

— Бошингизга кулфат тушган кунларда Жиззахга бориб ёнингизда бўлолмадик, сизга ҳамдард бўлолмадик,— Кудимов бошидан шляпасини қўлига олди ва давом этди.— Рафиқангиз Дилафрўз Ҳакимовнанинг бевақт вафоти билан сизга чуқур таъзия изҳор қиламиз.

Қудратов бошини қўйи солиб турарди.

Бюро аъзолари бирма-бир келиб, бошларидан шляпаларини олиб, унинг қўлини қисиб, ҳамдардлик изҳор қилдилар.

Кудимов Қудратовдан сўради:

— Болаларингиз анчагина эди шекилли?

— Уч ўғил, уч қиз.

— Ивановога кўчириб кела қолайлик.

— Раҳмат. Олиб келай десам қариялар кўнишмади.

Кудимов Қудратовни қўлтиқлаб олди. Шундан кейин бюро аъзоларининг қуршовида аста қадам ташлашиб аэропорт ташқарисига чиқдилар. Ҳаво айниб, осмонни булутлар қоплаб олганди. Ёмғирсиз тумтайиб турган булутлар ҳам гўё Қудратовнинг шундоқ ҳам қоронғи дилини янада сиёҳ қиларди. Аммо Қудратов тақдирга тан бериб, ўзини дадил тутишга уринарди. У, «йродасиз одам экан бу Қудратов, дарровда топ ташлади демасинлар» деган хаёлда эди.

Набижон бу ёққа поччасидан олдин етиб келгани учун машинасини кўндаланг қилиб, кабина эшигини очиб шай турганди. Кудимов ундан олдинроқ ўз машинасига таклиф қилди.

— Ўртоқ Қудратов, марҳамат, бирга кетамиз.

Улар йўлда ҳам Дилафрўз Ҳакимовнанинг бевақт вафоти тафсилоти ҳақида, онадан етим қолган болаларнинг аҳволи, келажаги ҳақида қайғуриб гаплашиб кетдилар. Кудимов мабодо Қудратов бола-

ларини Ивановога олиб келгудай бўлса зарур шарт-шароитларни яратиб беришга тайёрлигини айтди. Қудратов бунинг учун Қудимовга раҳмат деб қўя қолди. Болаларини Ивановога олиб келиши ҳақидаги таклифга эса, ҳаям демади, йўқ ҳам демади. Қудимов унинг руҳий ҳолатини яхши тушунарди, шунинг учун гапни чўзиб ўтирмади..

— Бугунча дам олинг,— деди Қудимов Қудратовни ўз уйига келтириб қўйгач.

Қудимовни дарвоза олдида кузатаркан, Қудратов анча вақтгача унинг орқасидан қараб турди. «Оқибатли одамлар экан, оқибат қилиб келишибди, ҳимматларига балли!», деди-да, уйига эмас, идорасига йўл олди. Идорада ҳам анча-мунча одам тўпланиб турганди. Шу кунлар ичида Қудратов қиладиган ишлар ҳам тахланиб турарди.

У кутиб турган одамларнинг ҳаммасини қабул қилиб, уларнинг сўроқ-истакларига, талаб-эҳтиёжларига лойиқ жавоб-муомала қилгач, гоҳ телефонда, гоҳ рация орқали участкалар, колонналар билан боғланиб, ҳол-аҳволни сўроқлаб билди. Маълум бўлишича, икки жойда вазият жиддийлашиб ўша жойларга дарҳол Қудратовнинг бориши зарур эди. Уни, айти вақтда, Шуяда Раҳматов бетоқат бўлиб, «Ўзбекистон» совхозида эса Алексей Васильевич Кучин ошиқиб кутардилар.

## Йигирма бешинчи боб

### I

Янги қурилган уйларнинг уч табақали деразалари, қўшқаватли ойналарни ташидан кўркам ва салобатли кўринарди. Алексей Васильевич ҳам худди старая руссалик Сергеев янглиғ шу катта ва ёруғ ойналардан теварак атрофга нигоҳ ташлаб, борлиқни кузатишни яхши кўрарди. Тўғриси, унга бу одат завқли эди.

У ойнадан қараганида рўпарадаги ўрмон гўё денгиздай бепоён, осмондай кўм-кўк, ўрмондай яшил, беғубор, беҳудуд кўринарди. Осмондаги булутлар ҳам гўё ўрмондаги бутазорларга ўхшаб гум-ғуж турарди. Онда-сонда гоҳ оқариб, гоҳ яшил бўлиб кўринган ялангликлар кўкдаги булутлар оралиғидаги кенгликларга ўхшаб кетарди. Далалар манзараси олис-олисларгача бепоён бўстон шаклида кўринар, аслида хаёлий, рамзий манзаралар эди. Унинг назарида ойна орқасидаги ҳамма нарса қандайдир ажойиботдан иборатдай бўлиб, кенгликдаги ҳавода ҳам асал ҳиди анқиб тургандай эди.

У шинам биноларнинг баланд қаватларидан пастга тушиб, атрофга қараса ҳақиқий ҳаёт ойна сеҳргарлигини фош қилар, аниқроғи, уни ташвишга соларди. Анави жойлар кечагина ботқоқзор эди. Унинг захи қочирилди. Анави дўнгликларга сув чиқди. Ҳаммаси экинзор. Энди буларни Қудратовдан қабул қилиб олишинг, донолик билан бошқаришинг керак. Удалай оласанми?!

Қудратовнинг одамлари ўзлаштирилган ҳар қарич ерга пешма-пеш экин экиб, уни парвариш қилиб, ҳосилини йиғиштириб олгач, «Мана ер тайёр, Алексей Васильевич!» дер эдилар. Совхоз қурилишининг тайёр объектлари ҳам шу йўсинда пешма-пеш Алексей Васильевич ихтиёрига ўтди: аввал боғча-ясли, сўнгра уйлар, савдо маркази, энг охирида маданият саройи...

Совхоз шаҳарчасининг марказида, «Биродарлар майдони»нинг ёнгинасида қад кўтарган кунгирали «Маданият саройи»ни Бойбековнинг одамлари қурганди. Унинг назарида бу ҳашаматли сарой «Ўзбекистон»



совхози марказининг кўрки-жамоли бўлиб, ҳавас қилса арзигудай эди. Бойбеков бундай маданий марказни биринчи бор бунёд қилиши эди. У сўнгги икир-чикир пардозларни ҳам бартараф қилгач, иншоотга совхоз раҳбарлигини таклиф қилди.

— Қасрингиз тайёр!— деди у Алексей Васильевичга.

«Маданият саройи»га Алексей Васильевич бир ўзи эмас, катта-кичик бир гал одам билан кирди. Гўё Бойбековни тафтишдан ўтказгандай саройнинг «ипидан игнаси»гача синчиклаб кўздан кечирди. Нималарнидир маъқуллаб, нималардандир кўнгли тўлмай қайтиб кетишди.

Бойбеков бундай бўлишини кутмаган эди. Шунинг учун у дарҳол Қудратовни рацияга чақирди-да, бўлган воқеани унга хабар қилди.

— Алексей Васильевич негадир тўннини тескари кийиб олибди,— деди у рацияда.

— Нега?

— Қудратовнинг ўзини чақир, деяпти.

Қудратов Шуяда темир-бетон заводининг маҳсулоти сифатини ошириш муаммолари билан машғул эди. Бойбековнинг бу гапидан кейин «Баҳсни кечқурун давом эттирамиз!», деди-да, йўлга чиқди. У рўпара келган одамларига йўл-йўлакай фармойиш бериб, «Ўзбекистон» совхози идорасига етиб борди ва Алексей Васильевични топиб ундан сўради:

— Нима гап?

— Аввал кўришайлик, ўртоқ Қудратов,— деди Алексей Васильевич — Яна бир бор таъзия билдираман сизга... Болалар яхшими?

— Раҳмат. Кечирасиз... Яхши. Ўзингиз қалай?

— Биз ҳам. Ҳаммаси жойида, ўзгариш йўқ.

Алексей Васильевич ўз гапидан ўзи уялгандай ярқ этиб Қудратовга қаради.

— Бу гапни шунчаки айтдим, тўсатдан оғизга келиб қолди. Аслида ўзгариш бир оз саксон даража. Эсингиздами, ўртоқ Қудратов, бутун бошлиқ техникани балчиқ қаърига тортган жой мана шу ер эди. Танимаяпсиз. Мана, қаранг қандай жой бўлди! Захи қочирилгач, балчиқ ҳам олтин бўлиб кўриняпти. Сув омбори битса борми!..

Қудратовнинг назарида Алексей Васильевичнинг кайфияти Бойбеков рацияда ваҳима қилгани даражада ёмон эмасди, аксинча. у қувноқ, хушчақчақ кўринарди.

— Бу далаларни ойнадан кузатинг экан. Ер билан осмон ўпишаётгандай... Ўзгариш катта, ўртоқ Қудратов!

— Шаҳардан делегация келганмиш деб эшитдим...

— Делегацияни ўзим чақирдим,— деди Алексей Васильевич қувнаб. Автобус юбориб, қочоқларни йиғиб келдим. Қишлоқдан ўзини шаҳарга урганларни «қочоқ» деймиз. Янги қишлоқни ана ўша «қочоқлар» кўзи билан кўргим келди. Эндиги ёшлар кўзи билан кўриб, қўли билан ушлаб, синовдан ўтказмагунча ҳеч нарсага ишонмайдилар.

Қудратов қизиқсиниб сўради.

— Нималарни кўришди? Нималарга ишонтира олдингиз?

— Ҳаммасини кўрсатдим. Кўргазмали ташвиқот, дегандай, жиҳозли квартиралар уларни ром қилиб қўйди. Шаҳарда бунақаси камда! Йўқ, деса ҳам бўлади. Кенг, ёруғ, қулай. Энг муҳими, ҳамма ша роити қошона-ю, шоҳона! Баъзилари лабини тишлаб қолди, айримлари гир айланиб ичидан чиқолмай юрди.

Алексей Васильевич унинг, Қудратовнинг кўзига шу аснода мамнун ва мағрур кўринди. У тобора берилиб ҳикоясида давом этди.

— Ҳеч бирининг фикрини сўрамадим. Ўзларига қўйиб бердим. Ҳовлидаги мева дарахтлари, гулзорни кўргач, тиллари чиқиб қолди:

«Бу кўчатлар ҳам Ўзбекистондан келдимиз?», «Меваси пишадими?», «Гуллари очилдимиз?», «Қишда совуқ урмадимиз?... Ана, шунақа!

— Шундай қилиб, неча киши кўчиб келадиган бўлди?

— Хўп, десам ҳаммаси келгудай. Бунақа шароит қаерда бор. Фарзандларига қулинг ўргилсин ясли, боғча, ундан чиқса ўрта мактаб эшик очиб туради. Ўзига ҳам шароит антиқа... Мириқиб ишласа кифоя. Лекин, менга ҳаммаси ҳам керакмас-да. Танлаб оламан. Энг биринчи навбатда ҳунармандлар керак. Дала ҳам, молхона ҳам «механизатор керак!» деяпти.

— «Маданият саройи»ни ўшалар брак қилишдимиз?

— Брак! Нега брак қилар экан? Уни кўриб аңқайиб қолишди.

Қудратов ҳайрон бўлиб қолди-да, сўради:

— Бойбековнинг лабига учуқ тошиб юрибди... «Тез келинг!» деб рацияда бонг урди-ку?!

— Бонг ургани тўғри. Саройни қабул қилмадик.

— Нега?

— Объект қабулга тайёр эмас!— деди у, Қудратовга қатъий овозда.

Унинг эътирозлари ва қурувчилар олдига қўйган талаблари ҳаққоний бўлса ҳам Қудратовни ранжитди. Молхона қурилишида ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари масаласида Алексей Васильевич бундай қилмаганди. «Тез бўлинглар, биродарлар, анча-мунча кемтигини ўзимиз йўл-йўлакай ямаб оламиз» дер эди. «Ямоқ тушадиган объектни топшириб бўладими!»— деганди ўшанда Қудратов — Бизнинг қўлимиздан чиққан ҳар бир иш пухта бўлиши керак. Ахир «намунавий совхоз» деган номи бор».

Алексей Васильевич ишлаб чиқариш объектларини тезроқ ишга туширишга шошилса-да, бари бир Қудратовчиларнинг темир графигини ўзгартирмаганди. Маданият саройи қурилишида эса, у ҳаддан ташқари инжиқлик қиларди.

— Шу ҳам спорт залими? Поллари ярамайди. Одам юрса фирчилаяпти.

— Бу гаплар ҳам «қочоқлар»ингиздан чиқдимиз?

— Қочоқларим ҳам сабабчи бўлди. Ахир мен «Олимпиада-80»га полвон тайёрламоқчиман бу ерда. Поллари бошқатдан қоқилсин!

— Бу унча қийин иш эмас. Яна қандай эътироз?

— «Бахт бурчаги»нинг жиҳози ёқмаяпти. Шаҳарниқидан яхшироқ бўлиши керак. Ўзбекистондаги «Жиззах» совхозининг «Бахт уйи»га ҳавас қилгандим. Ушандан кам бўлса қабул қилмайман.

«Иштаҳа катта-ку!» дегандай Алексей Васильевичга қараб қўйди. Қудратов. Янги рўзгорнинг бу талабчан хўжайинида ҳақиқатан ҳам иштаҳа катта эди.

— Мен бу ерда бир-икки тўй-томоша ўтказаман. Тўйга қишлоғимиздан шаҳарга кетиб қолган «қочоқлару», «эмигрант»ларни ҳам таклиф қиламан. Марҳамат қилиб менга «Бар»ни ҳам замонавий қилиб беринг.

— Нимаси арханк экан?

— Оркестрнинг ўрни махсус ажратилиши керак. Яъни, пештоқ ясалмабди. Совхознинг талантли музикачилари бор. Созанда ҳам ўзимиздан чиқади. «Мануфактура»нинг оркестридан қолишмайдиган коллектив бўлмаса бошим сизники!

Қудратов блокнотини олиб, қаламини ўнглаб Алексей Васильевичдан сўради:

Яна қандай эътироз, қанақа талаблар бор?

## II

Алексей Васильевичнинг Қудратовга эътирозлари анчагина йиғилиб қолганди, талаблари ундан ҳам кўп эди. Баҳор ишлари бошланган вақт. Қудратовнинг одамлари аввалдан режалаб қўйилган график асосида бутазорларни текислаб, зовур қазиб, ер ости захини қочириб билан машғул эдилар.

— Бу ишларни кейинроқ қилса бўлмайдими,— деди Алексей Васильевич.— Менга ҳозирча керак бу ерлар. Тайёр ўтлоқни бузиб нима қиласиз? Марҳамат қилиб, чорва молларининг ғамини енг, улар шошириб қўяпти мени!

Алексей Васильевичнинг бу талаблари қатъий эди. Гўшт-сут фермасининг бинолари битиши биланоқ бошқа икир-чикирларга қарамай иш бошлаб юборганди. Бир йил ичида қорамоллар сони кўпайиб, бузоқлар туёғи ҳам режадагидан анча ошиб кетганди. Аммо ем-хашак етишмасди. Алексей Васильевичнинг даъвосига қараганда, Қудратовнинг одамлари суғориладиган янги пичанзор ерларни тўла ишга солмай туриб, эски ўтлоқларни бузиб ташламоқда эдилар.

— Эски ўтлоқлар бузилмасин!— талаб қилди совхоз раҳбари.— Янгиси ем-хашак бергунча чорвани нима билан боқаман?!

Қудратов ҳар бир гапни ўйлаб гапирар, мулоҳазаларини ҳужжатлар билан асослаб берарди. У Алексей Васильевичнинг талабларини асоссиз, деб билди-да, ҳаминша ёнида юрадиган «дипломати»нинг ичидан совхознинг «план-харита»сини олиб, кўндаланг қилди.

— Буни қаранг, Алексей Васильевич,— деди у ҳужжатнинг қатларини ёзиб, тегишли жойни кўрсатаркан.— Сиз билан биз ҳозир мана, шу квадратда турибмиз. Энди манави графикка кўз ташланг. Ҳамма иш график билан боряпти.

— Сигир-бузоқларга графикни егизамизми?!

Қудратов унинг бу даъвосига ҳам тегишли жавоб қилмоқчи бўлди. У машинасидаги жомадонидан тегишли ҳужжатларни топиб келди.

— Мана, область қарори... Мана, тегишли жойини ўқиб кўринг.

— Э, бу эски қарор,— деди Алексей Васильевич.— Янгисида бир эмас, иккита ферма ташкил қилиш муддати ўзлаштирилди. Ҳозир келаси йиллар ҳисобига ишляямиз. Ҳали бу ишимиз ҳам кам, областдагилар, шахсан Қудимов шоширишяпти.

Қудратов, график — қонун, мен уни бузолмайман, дейиши мумкин эди. Бироқ, ўзгарган вазиятни эътиборга олмасликка ҳам иложи йўқ эди.

— Майли, таваккал!— деди у совхоз раҳбарлигининг талабини рад этолмай.— Баҳорги хашакни ўриб олгунингизгача бу ерга тегмай-миз.

Кучли техника гумбурлаб, Алексей Васильевичнинг ичини ачитиб пичанзорларни, ажриқзорларни ўпириб, дренажга ер очарди.

— Бас қилинглр!— деди Алексей Васильевич, Қудратовнинг буйруғини ҳам кутмай.

Унинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади. Алексей Васильевич хайқириб келаётган тракторнинг олдига қулочини ёзганча кўндаланг бўлди. Трактор бостириб келаверди. Қудратов овозининг борича унга ўшқирди:

— Тўхта, дегандан кейин тўхтагин-да!

Трактор тўхтади.

— Раҳмонқуловни топ!— деди Қудратов тракторчига.

Тракторчи ўрнидан туриб, атрофга қараб олгач:

— Ана, шу ёққа ўзи келяпти,— деди.

Раҳмонқулов кела солиб Қудратов билан ҳам кўришиб улгурмай, тракторчига ўшқирди.

— Нима гап? Нега тўхтаб турибсан?

— Биз тўхтатдик,— деди Қудратов.— Техникани сув омборига олиб бор!

Раҳмонқулов учун кутилмаган буйруқ эди.

— Нега?— деди у дафъатан.— Сув омборида техника ошиб-тошиб ётибди-ку!

— Иложимиз қанча. Сен ҳам борасан.

— График нима бўлади? Ахир бу ер менинг бу йил ишга солинадиган объектим-ку?

— Баъзан шундай ҳам бўлади, Раҳмонқулов. Маҳаллий ҳокимият шуни талаб қиляпти, хўп демай иложимиз йўқ.

Раҳмонқулов бу фармойишга ичдан рози бўлмаса-да, ноилож елкасини қисиб қўйди ва бир оз ўйланиб тургач, тракторчига буюрди.

— Омборга қараб юр, Акбар!

Сув омбори қуриб битказилмай, ташлаб қўйилган бутхона атрофидаги собиқ балчиқзорда қазилмоқда эди. Атрофда бир эмас, икки колоннанинг одами, машиналар мўр малахдай ғимирлашарди.

Қудратов қурилиш участкаларига разм соларкан, Раҳмонқуловнинг эътирози ҳақида ўйларди. Раҳмонқулов ҳақли. Бу ерда техника ошиб-тошиб ётибди... Аммо Қудратов бу ҳақда жиддий ўйлаб кўргунча Раҳмонқуловнинг колоннаси ҳам етиб келди.

— Колонна катта йўлда турибди, ўртоқ Қудратов, қайси участкада ишга тушай?

— Колоннани орқага бур, Раҳмонқулов!— деди Қудратов унга.

— Нима-нима?— Раҳмонқулов ҳайрон бўлиб сўради.

— Ҳа, орқага бур, лекин ҳозирча дренаж қурмаймиз. Олтинчи картадаги бутазорни бузаяпмиз. Тушундингми?

Раҳмонқулов яна елкасини қисди. Унинг шундай одати бор эди, бирор гап ёқмас ёки бирор нарсадан ўта ажабланса, елкасини қисиб қўярди. Олтинчи картадаги бутазор генпланда энг охири марра бўлиб, унда қилинадиган ишлар бу йилги графикда йўқ эди.

— Вақт ўтказиш учунми ёки бекор турмаслик учунми?

— Ўша ишларни ҳам ахир бир кун қилишимиз керак-да,— деди Қудратов.— Совхознинг ем-хашак базаси торайиб қопти. Графикда бўлмаса ҳам ўша ўтлоқни оборотга киритиш зарур, деб ҳисоблайман.

### III

Қаерда бўлмасин, нима иш қилмасин, онадан етим қолган болалари Қудратовнинг кўзидан нари кетмасди. Қизалоқнинг ҳоли не кечди? Отажон кимнинг қўлида, нималар қиляпти экан?.. Бу ердаги ишларнинг ҳали поёни йўқдай эди. Энг зарур объектларда ҳам ишнинг охири кўринмасди. Бунинг устига Алексей Васильевичга ўхшаган буюртмачиларнинг иштаҳаси очилиб, талаблари кўпаймоқда эди. Бундай вазиятда иш жойини алмаштириб, болалари олдига кўчиб кетиш у ёқда турсин, Дилафрўзнинг йигирмасини ўтказиш маросимига бориши ҳам амри маҳол эди. Чунки, шундай шароитда қизғин ишни ташлаб кетишига область бошлиқлари ҳам рози бўлмасликларини биларди. Улар-ку, рози бўлишлари ҳам мумкин, аммо қандай қилиб рухсат сўрайди? Янги заводнинг ишга тушдими, панеллар нега сифатсиз, сув омбори ишида график бажарилмаяпти-ку! дейишлари мумкин. Бундай демаганларида ҳам Қудратовнинг ўзи қайси тил билан илтижо қилади?

Совхоз марказий қишлоғининг бир четида Бойбековнинг одамлари бунёд этган «Почта — Телефон — Телеграф» яқиндагина ишга тушганди. Унинг очилишида Қудратов иштирок этолмаган бўлса ҳам бу ерда алоқа хизмати йўлга қўйилгани ҳақида у яхши гаплар эшитганди. Айниқса, Алексей Васильевич мақтанганди: «Қандай соз бўлди, шу ердан туриб Москва билан гаплашаверасан!».

Қудратов ҳам қишлоқ почтасининг қудратини синаб кўргиси келди. У «Шаҳарлараро телефон» деб ёзилган хонага кирди. Столини хона бурчагига кўндаланг қилиб ўтирган ёшгина қиз Қудратов кириши ҳамон ўрнидан турди-да, «Қандай хизматингиз бор?» дегандай унга табассум қилди.

— «Жиззах»ни улаб бера оласизми?

— Қайси Жиззахни? Совхоз посёлкасиними, шаҳарними?

— Совхоз билан ҳам алоқа борми?

— Бор. Набижон Ҳақимович ўша ёқдан икки марта қўнғироқ қилди.

— Нима деди?

— Бойбеков билан гаплашди, нима деганини ўша киши билади.

— Мени ҳам ўша «Жиззах» совхозини қишлоғи билан улаб қўй-чи, қизим.

— Андак сабр қилинг. Москва орқали улайман.

Телефонистка линияни тўғрилаунча Қудратов «переговорная» деб ёзиб қўйилган будка олдида тик туриб қолди. Шу чоқ унинг орқасида таниш аёлнинг овози эшитилди.

— Қизим, менга Волжскдаги синглимнинг уйини улаб бер, мана телефон номери..

Қудратов юзланди-да «Колонна бувиси»ни таниди.

— Ие, Евдокия Порфирьевна? Қалайсиз?

— Қудратов боламисиз? Кеча сизга ҳам телефон қоқувдим.....

деди кампир.

— Бизга қандай хизмат бор эди?

— Хизмат билан эмас, ҳузурингизга бориб таъзим билдириб, кўнғил сўрамоқчи эдим. Хотинингиз оламдан ўтибди. Эшитдик, юракларим эзилиб кетди. Ёш болалари анча эди...

— Жиззах линияда!— деди телефонистка Қудратовни кабинага чақариб.

— Кечирасиз, она,— деди-да, Қудратов будкага кириб кетди.

Трубкада қисқа ва аниқ гаплар эшитилди.

— Ҳамма нарса муҳайё. Сизни кутяпмиз. Қачон келасиз?

Бу Набижоннинг овози эди.

— Боролмасам керак, ўзларинг ўтказаверинглар,— деди Қудратов микрофонга.— Қариялар тетикмилар? Болалар қалай? А? Чақалоқ-ни ҳам опкеволдик дейсизми? Ким? Сумбула келин ойи, дейсизми?..

Қудратов бир оз жимиб тургач, сўради:

— Отажон қалай? Тўполон қилмаяптими? А? Накеждани қўлидан тушмаяпти, дейсизми? Талтайтириб юборманглар уни!

Набижон телефонда яна нималарнидир гапирди, аммо Қудратов кўпини уқмай қолди. Чунки, чақалоқ билан Отажон ҳақидаги гаплар уни яна хаёлга фарқ қилиб қўйганди. «Қизимни Сумбула бағрига олибди, жуда соз. Сумбулага ишонаман, яхши тарбия беради. Отажон Накеждани қўлидан тушмаяпти экан. Булар болаларимни тақсимлаб олишибди шекилли...»

У Набижоннинг охириги гапларини эшитиб улгурмай, трубкани жойига қўйди. У хаёли ўзида йўқ, ташқарига чиқаётган эди. Евдокия Парфирьевна рўпара бўлди.

— Ҳа, болам, тинчликми?

Тинчлик.

— Болаларингиз, қариялар омон-эсон эканмилар?

— Ҳаммаси яхши.

— Набижон ўғлим отпускадан қачон келаркан?

— Шу ҳафта ичи.

— Яхши... Яхши...— деди кампир иягини ушлаб.

— Набижонга нима хизмат бор эди, менга айта қолинг.

— Сизга айтадиган иш эмас. Приволжскдаги синглимга телефон қоқаяпман. Бу, Алексей Васильевич, сигир-бузоғимни дарвозадан нарига чиқартирмай қўйди. Ваъда қилган пичанни ҳам бердирмаяпти.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Сигирни синглимга бервораман. Бузоқчани бир илож қиларман. Сал кунда у ҳам сигир бўп қолади...

— Бойбековни чақиринг,— деди Қудратов осма телефон трубкасини кўтариб.

Ҳаял ўтмай Евдокия Парфирьевнанинг эски таниши — Бойбековнинг овози эшитилди.

— Лаббай, Қудратов ака!

— Нега «колонна бувиси»дан хабар олмай қўйдинг? Алексей Васильевич унинг сигир-бузоғига кун бермаётган эмиш.

Бойбеков телефонда нималар деганини Евдокия Парфирьевна эшитмади, аммо Қудратовнинг унга айтган гапидан билдики, яқин ўртадаги ерлар экинзор қилиниб, ўтлоқлар чекинаёпти, шунинг учун ҳозирча мол-ҳол боқишга имконият йўқ. Буни Бойбеков унинг ўзига ҳам айтганди.

Қудратов колонна бошлиғига буюрди:

— Раҳмонқуловга айт, ем-хашак билан Евдокия Парфирьевнага қарашиб турсин. Хўпми?!

Шу чоқ Евдокия Парфирьевнани кабинага чақириб қолишди, Қудратов у билан хайрлашиб, ташқарига чиқди. Почтанинг рўпарасида, кўчанинг нариги юзиди «Болалар дунёси» деган ёзув кўзига ташланди. Қудратов ўша томонга юрди.

«Болалар дунёси» янги ташкил қилинган бўлиб, икки бўлимдан иборат эди. Ўнг томони — ясли. Чап томони — боғча. Иккала томонда ҳам болалар қий-чувлашиб ўйнаб юрардилар. Яслининг ички хоналаридан чақалоқларнинг ингалари эшитилар, боғча майдонида болалар қўшиқ айтарди.

## Йигирма олтинчи боб

### I

«Болалар дунёси» қурилиши Ҳамид Ҳакимовичнинг сўнгги объекти эди. «Бир асрлик эмас, минг асрлик қилиб қуришлар буни, Гуландом!— деди у прорабга.— Келажак авлоднинг илигини тўқ қиладиган макон қураётганимизни унутма!»

Бир сўз билан айтганда, Ҳамид Ҳакимович қурилиш бригадасидан суръат эмас, сифат талаб қиларди. Бу қурилишда Гуландомнинг ҳам ўз режалари бор эди. У бахтиёр авлодга қурувчилардан эсдалик бўлиб қолиши керак!

— Терилган ғиштлар четдан қараганда дасталанган гулдай кўринсин!— дер эди у ғишт терувчи усталарига.

Қурилиш материалларини ҳам ана шу талаблар асосида саралардилар. Саралаш даврида ғишт заводининг ярим иши пучга чиқади.

Шунинг учун Ҳамид Ҳакимович хумдонга бориб олди-да, «Болалар дунёси»га бериладиган ҳар бир ғиштни силлиқ ёки пишиқлигини текшириб турди.

— Улуғбек даврида пиширилган ғишт ҳозир ҳам қилт этмай турибди, нега ғишларинг деворга терилмай уқаланяпти?!

Ғишларни Гуландом ҳам тафтишдан ўтказарди. Унинг бу иши ҳаммага, шу жумладан Сергеевга маъқул тушса-да, Йўлдошевга ёқмади.

— Мунча имиллайсанлар, Исмоил Сомоний мақбарасини қураётганларинг йўқ-ку, бу ерга!— деди у қурилишнинг секин боришидан дарғазаб бўлиб.

Йўлдошев Тошкентдан келган комиссия бошлиғи, министрлик ходими Боймуҳамедовни шу объект қурилишига бошлаб келди-да, «мана, бизни орқага судраётганларнинг ўзлари билан гаплашиб қўйинг!», деди. Ҳамид Ҳакимович у билан иккинчи қаватда, ғишт тераётган усталарнинг ёнида қўлида ғишт ушлаб турганича саломлашди-да, қўлидагисини устага бериб, пастга тушди. У ҳорғин, хомуш кўринарди. У Боймуҳамедов билан ҳам совуққина кўришди.

— Ҳали ҳам битирмапсан-ку, Ҳакимов?— деди Йўлдошев ва таъна қилгандай қўшимча қилди,— нечанчи муддатни тагига сув қуйдинг, ўртоқ Ҳакимов?!

— Яқинлашиб қолдик,— деди Ҳакимов оҳиста.

— Пинағини бузмай гапиришини қаранглар!

Боймуҳамедовнинг назарида ҳам энг муҳим объект қурилиши жуда секин борар ва бу судралишга Ҳамид Ҳакимович шахсан айбдордай эди. «Йўлдошевнинг айтганича, шундай муҳим объектни Ҳамид Ҳакимович орқага суряпган экан»— деб ўйлади-да, Боймуҳамедов унга синчковлик билан қараб олгач, сўради:

— Қачон битади? Муддатида битиролмасиз?!

— Қурилиш материаллари деб туриб қолдик,— деди Ҳамид Ҳакимович.

— Қўлимиздаги маълумотлардан равшанки, қурилиш материаллари сизда ётарли, ҳатто ортиқча,— деди унга Боймуҳамедов.— Ортиқча бўлгани учун қўшниларга беряпсиз экан.

— Тўғри, беряпмиз, аммо у материал бу иншоотга ярамайди.

— Ана ҳолос, қўшниларга яроқсизларини берармиш. Улар ҳам боғча қурыптилар-ку!— Йўлдошев луқма ташлади.

Боймуҳамедов ярқ этиб Ҳамид Ҳакимовичга қараб қўйди-да, деди:

— Уз болаларини яхши кўрган одам бундай қилмас эди. Айтмоқчи, нечта болангиз бор?

Ҳамид Ҳакимович жавоб қилмай, ерга қаради.

— Ҳа, улар боғча ёшидан ўтган бўлсалар керак. Мактаб ёшидадир, шунинг учун ҳаммадан олдин мактаб қургансиз. Шундайми?— деди у пичинг аралаш.

Ҳамид Ҳакимович яна жавоб қилмади, ерга қараганча жим тураверди. Шу пайт Йўлдошев уни огоҳлантириб қўйиш мақсадида аста шивирлади:

— Ҳамид Ҳакимовичнинг фарзанди йўқ.

— Шунинг учун экан-да,— деди у Ҳамид Ҳакимовичнинг кўксигаги азалий ярасига нашта ургандай.

Албатта, у Ҳамид Ҳакимовични ранжитмоқчи эмасди; шунчаки офзидан чиқиб кетган гапининг заҳарли эканини Ҳамид Ҳакимовичнинг ранги оқариб, асабдан пичирлаётганини кўргач, сезиб қолди. Иложи қанча. Айтилган гап — отилган ўқ. Шундай қилиб вазият анча тараңлашди. Бу вазият кейинги мунозараларда ҳам давом этди. Боймуҳа-

медов унинг бундан икки йил илгари министрликка ёзган таклифнома-ларини эслатди.

— Қўнимсизликни йўқотибсиз, эгасизликни битирибсиз, хўш, бу иш суръатингизга қараганда эркатойлик йўқолмапти-да?

Йўлдошевга жон киргандай бўлди.

— Эсингдами, Ҳамид Ҳакимович, мени мана шу уч масалада айб-лагандинг, ҳатто, бу ҳақда марказгача мурожаат қилгандинг?

— Тўғри, айбловдим, министрликка ҳам масала қўювдим. Емон бўлдимизи?!

Йўлдошев нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдики, ундан олдин Боймуҳамедов гапира кетди.

— Емон бўлмади, натижаси яхши бўлди. Ушандан кейин биз ҳам ўйлаб иш қиладиган бўлдик. Фақат Йўлдошевга қийин бўлди...

— Шу жумладан ўзига ҳам,— деди Йўлдошев луқма ташлаб.

Бундан икки йил илгари Ҳамид Ҳакимович Боймуҳамедов номига мактуб йўллаб, уч муҳим масалани ўртага ташлаганди. Қўнимсизлик-нинг олди олинмаса ишлар барбод бўлиши ҳақидаги фикрига Боймуҳамедовнинг ўзи ҳам қўшилмай юрди. Чунки, министрлик Новгород заминиди узоқ муддат ишлаш учун етарли кадрлар тополмади, аммо Ҳамид Ҳакимовичнинг бу соҳадаги тажрибасини бошқаларга ҳам тавсия қилди. Шундан кейин жойлардан ҳам ташаббусчилар чиқди, ҳар ҳолда колонналарда доимий ишчилар анча кўпайиб, қўнимсиз ко-мандировкачилар камайди. Бундан Йўлдошевнинг ўзи ҳам мамнун.

Эгасизликни битириш хусусида Дмитрий Дуданов бошлаган та-шаббус Новгород заминидагина эмас, Иваново ерларида, ҳатто Вол-гаград майдонларида ҳам оммалашди. Ҳар бир тракторчи ер ҳайдаш-дан то экинни етилтириб, ҳосилни йиғиштириб олгунча ишлайдиган бўлди. Бундан Боймуҳамедов газеталарга ҳам мамнун бўлиб мақола ёзди.

— Эркатойлик ҳали ҳам йўқолмапти,— деди у Ҳамид Ҳакимович-га шаъма қилиб.

— Буни ўзларингиз талтайтириб юбордиларингиз,— деди Йўлдо-шев луқма ташлаб.— Мен билан ҳисоблашмай қўйди, ўз билганини қи-лади. Мана шу «Болалар дунёси» қурилишининг ўзидан билса бўлади. Неча марта айтдим...

Бу ҳақда Ҳамид Ҳакимович билан Йўлдошев ўртасида катта ке-лишмовчилик бор эди. Ҳамид Ҳакимович болалар муассасаларини фа-қат пишиқ гиштдан қуришнинг тарафдори бўлиб, лойиҳаларни ҳам шунга мўлжаллаб туздирганди. Йўлдошев эса, тайёр панелли мате-риаллар турганда гишт заводи битишини кутиб ўтирасанми, дер эди.

Йўлдошевнинг айтгани бўлмади, Ҳамид Ҳакимович ўз билганини қилиб мактабни ҳам, «Болалар дунёси»ни ҳам пишиқ гиштдан тик-лади. Йўлдошевнинг ҳисобича «Ҳамид Ҳакимовичнинг эркатойлиги давлатга жуда қимматга» тушганди. Бу қиммат иқтисодий жиҳатдан неча минг сўмни ташкил қилиб, бу пулга яна бирорта бино қуриш мумкин эди.

Боймуҳамедов трест бошлигининг бу хил даъволарига сиртдан қўшилгандай бўлса-да, ичдан Ҳамид Ҳакимовични қувватлагиси ке-ларди. Негаки, унинг узоқни кўзлаб қилаётган ишлари, қурилишнинг сифати, айниқса, меъморлик санъати ҳар қанча сарфни оқлаши мум-кин эди. Лекин у Йўлдошевнинг даъвосини рад қилолмасди: пул ўрта-га тушган, сарф-харажат сметадан ортиб кетган. Молиявий интизом бузилган.

Бундан ташқари Йўлдошев унинг янги-янги «гуноҳ»ларини топ-ди. Шуларнинг ичида Боймуҳамедовни ҳайратга солган факт унинг «мелнораторларнинг болаларини ўқитаётган яхши муаллима хотинини



уйдан ҳайдаб, мактаб болаларини кўчада қолдириб қўйиши» эди. Иш жараёнида рўй берган ҳар қанча камчиликни, майли уни гуноҳ деб атасинлар, Ҳамид Ҳакимович гуноҳ деб билса ҳам бу уйдирма «гуноҳ»ни мутлақо бўйнига ололмасди.

— Мен уни ҳайдаганим йўқ, Жиззахга ота-оналар ҳузурига меҳмон бўлиб кетди. Бунинг устига опамнинг вафоти ўртага тушди,— деди Ҳамид Ҳакимович,— такрор айтаман, мен уни ҳайдаганим йўқ!

— Аэропортда ўз кўзим билан кўрдим, ёлғиз, йиғлағудай бўлиб юрганди.

Эл оғзига элак тутиб бўлмайди, дегандай бу нохуш хабар бир зумда оғиздан-оғизга кўчиб, колонна одамлари орасига ёйилиб кетди. Бу воқеага ҳеч ким бефарқ қарамасди.

— Бекор гап!— деди Элчи Мардонов.— Ҳамид Ҳакимович ундай одамлардан эмас!

— Сумбула опам ўзини ҳайдатиб қўядиган аёллардан эмас!— деди Гуландом Боймуҳамедовнинг ҳузурига келиб.— Уларнинг муҳаббати азалий ва абадий. Мен бунга ишонаман!

Йўлдошев Гуландомни четроққа чақириб, сўради:

— Ўз қизимдай бўп қолдинг. Уялмай ростини айт! Эшитишимча, қизим, Сумбулани ҳайдашдан мақсади бор эмиш... Масалан, сенга совчи қўймоқчи эмиш. Совчи қўйдими ёки қўймоқчимми?

Гуландомнинг кўзлари ғазабдан ола-кула бўлиб кетди-да, Йўлдошевга ўқрайиб, деди:

— Улимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ!

— Ун гулингдан бир гулинг очилмай туриб ўлимдан гапирма, қизим.

— Бўлмаса ўша бўҳтончини топиб беринг, ўша ярамас билан ўзим гаплашаман!

— Қизишма, қизим, шунчаки ҳазил гап.

Йўлдошев уни ғазабдан тушириши керак эди. Гуландом анча-мунча шалпайган қизлардан эмас, бинобарин, ҳар қандай ҳазилнинг тагига зил келтира оларди. Йўлдошев унинг ғазабдан чақнаб турган кўзларига тикилиб, ёлбориш оҳангида меҳрибонлик билан деди:

— Шунчаки миш-миш гап экан, миш-мишларга эътибор берма, қизим, сен бу гаплардан анча узоқда ва баландда туришинг керак!..

— Миш-мишлар Сумбула опамнинг қулоғига чалинса нима бўлади? Шармандалик-ку!

— Бу гапни унга ўзингдан бошқа ҳеч ким айтмайди, сен айтмасанг бас.

Гуландомнинг лаблари алам билан пичирлади:

«Бечора Сумбула опам!..»

## II

Сумбула куну тун ўз Лобархони билан овора эди. Бундан хабардор одамлар Сумбуладан миннатдор эдилар, беҳабар кишилар эса, унинг болажонлигига ҳавас қилардилар-да «кексайганда кўрган фарзанд шунчалар азиз бўладими!» дер эдилар.

Ким нима деса десин, Сумбула Лобархонни ўз жисминиң бир бўлаги, қалбининг кўри, кўзининг нури, деб билди. Унинг дилида пайдо бўлган бу меҳр қудратли кучга айланиб, Сумбулани бутунлай бошқа одам қилди-қўйди. Ўзининг назарида ўн саккиз ёшлиги қайтиб келгандай, шодлиги, хушчақчақлиги қайтадан барқ ургандай бўлди. Рўзғорида бўлиб ўтган айрим аччиқ-чучук гаплар, овсинларининг пичинглари ҳам мутлақо унут бўлиб кетди.

Неча йилдирки Сумбула чақалоқнинг овозига зор эди. Унинг бағри бола тусарди. Мана, орзуси ушалди. Яхши одамларга минг раҳматки, унга кўмаклашди-да, чақалоқни унга қонун-қоида йўли билан қиз қилиб беришди. Бунинг учун у энг аввало Қудратовдан, қолаверса, қайнотаси билан қайнонаси билан миннатдор эди. У кимдандир бир ривоят эшитганди. Эмиш, фарзандсиз ўтаётган бир аёл, бола асраб, кунларнинг бирида болага бўлган меҳр-муҳаббати сутга айланиб, кўкракларини тўлдирибди... Мухтасар она ҳам шўнга ўхшаш гапларни айтганди. Ҳа, меҳр сутга айланаркан: ойдин кечаларнинг бирида Сумбула Лобархонга кўкрак тутди...

Ҳамид Ҳакимович ота юртидаги ҳамма воқеалардан хабардор бўлса ҳам хотинининг чақалоқ билан дарҳол етиб келишидан беҳабар эди. Шунинг учун у одатдаги иши билан машғул бўлиб, Боймуҳамедовнинг талабларига кўра ўзи қўзгаган «учта муҳим масала ҳақида» тўла-тўқис ёзма ахборот тайёрлаш билан банд эди.

— Уша учта муҳим масала ўз хўжалигингизда қандай? Яъни, қўнимсизлик битирилдими? Эгасизлик йўқолдими? Эркатоёликка барҳам бердингизми? Йўқса сабаблари ҳақида тўлароқ докладной ёзинг!— деди Боймуҳамедов унга текшириш давомида.

Боймуҳамедов Йўлдошевнинг ҳамроҳлигида қайси колоннага бормасин шу «уч муҳим масала» билан, айниқса, Ҳамид Ҳакимович яратган мактабнинг масаласи таъсири билан қизиқди ва ишониб билдики, агар шу ҳақда ўз вақтида бонг уриб, чора кўрилмаса охири вой бўлиши турган гап эди. Уша «уч муҳим масала» ҳақидаги мактуб колонналарда муҳокама қилинаётган паллада «Ҳамид Ҳакимович Йўлдошевдан ўч олиш учун шундай қиляпти» дегувчилар ҳам бўлди. Аммо тез орада унинг натижаси куч бера бошлагач, буни Йўлдошевнинг ўзи ҳам маъқуллади.

«Мана сизга натижа,— деди Ҳамид Ҳакимович Боймуҳамедовни ўз техника хўжалигининг аҳволи билан таништиргач.— Тракторчи — механизаторлар орасида бир йилдан кам ишлаган одам йўқ. Баҳордан баҳоргача техника бир кишининг қўлида. Натижаси-чи? Натижаси кўзойнақсиз ҳам кўриниб турибди. Техника ярқираяпти. Ҳеч ким ортиқча эҳтиёт қисм сўрагани йўқ. Эркатоёлик ўз-ўзидан гум бўлган. Сарф-харажатчи? Қамайди! Иқтисод икки барабар ортди!»

Ҳамид Ҳакимович қишлоқ хўжалиги техникасига оид барча масалада Боймуҳамедовни қойил қилса-да, «Болалар дунёси» қурилиши боғида уни ишонтира олмади.

— Бу ишингиз ўзбошимчаликдан бошқа гап эмас,— деди у Ҳамид Ҳакимовичга таъна қилиб.

— Эркатоёликнинг ўзгинаси бу!— деди Йўлдошев ҳам.— Икки-уч иншоот учун махсус фишт заводи қуриб олди. Панелдан қурса аллақачон битарди, арзонроққа тушарди.

— Нима қилсак ҳам болалар учун қиляпмиз,— деди Ҳамид Ҳакимович.— Ҳисобини чиқариб қўйганмиз. Нархи сметада кўрсатилгандан ортиқ ҳам, кам ҳам эмас! Қандай қилиб дейсизми? Материал таннархини меҳнат унумдорлиги ҳисобига камайттирдик.

— Хўш, ишчилар ҳақида хиёнат эмасми, бу?

— Йўқ!— деди Гуландом гувоҳлик бериб.— Ўзимиз қарор қилганмиз. Ҳафтада бир кун ё шанбалик ёки якшанбалик ўтказиб турдик. Нима қилсак ҳам болалар учун қилдик. Вассалом!

Сўхбат қизиган чоғда кабинет бўсағасида чақалоқнинг ингалаган овози эшитилди. Остонада ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиб, бола кўтарган Сумбула кулиб турарди.

## III

Кулиб турса ҳам Сумбула ташвишда эди. У, аввало, Ҳамид Ҳакимовичнинг ишида юз берган воқеаларни тезроқ билгиси келарди. Негаки, у Жиззахга кетаётганида Йўлдошев ваҳимали гаплар қилганди. Эрининг бошига яна комиссия бошлаб келган Йўлдошев нималар қилмоқчи ўзи? Шунча одам кабинетда нималарни текширяпти?! Қолаверса, Ҳамид Ҳакимович қизчасини қандай қутларкин, у ҳам Лобархонни ўз зурриётидай бағрига босармикин, ёки ўзинг олиб келибсан, ўзинг эплаб ол, дермикин!..

Ана шундай хаёл билан у эрининг кабинетига кириб келди. Ҳамид Ҳакимович, кечирасизлар, деди-да, иш столидан шошилиб туриб Сумбулани бағрига босди, сўнг чақалоқни қўлига олди-да, юзларига, кўзларига суқланиб боқди.

— Худди ўзи! Опамнинг ўзи!— деди ва чақалоқни ҳидлади. Раҳматлик опамдан ёдгорлик бу!..

Чақалоқ тамшаниб, мунчоқдек кўзларини Ҳамид Ҳакимовичга тикарди.

— Узимизники бу,— деди Ҳамид Ҳакимович Лобархонни бағрига босиб.— Узимизники!..

Унинг бу сўзларидан Сумбуланинг дилидаги ташвишлари ювилиб кетгандай бўлди. Демак, унинг чақалоғи Ҳамид Ҳакимовичнинг ҳам чақалоғи... Демак, Сумбула ножўя иш қилмабди... Демак, Лобархон энди ўзларининг қизчалари!..

— Қизимиз бахтли бўлади!— деди Сумбула эрига қараб.

Эр-хотин ҳоли гаплашиб олишсин, дедиларми, аввал Боймуҳамедов, сўнгра кабинетдагилар бирин-кетин ташқарига чиқишди.

— Нима қилиб турибмиз бу ерда, уйга борайлик!— деди Сумбула.

Ҳамид Ҳакимович Лобархонни бағрига босганича уйга эмас, университет томонга йўл солди. Яқинда очилган қишлоқ универсал магазинининг болалар бўлими бўлиб, унда чақалоқлар учун керакли ҳамма нарса муҳайё эди.

— Хоҳлаганларингни олинглар,— деди сотувчи аёл харидор келганлигидан суюниб.— Тани соғлиққа кийсин...

Жавонларга гўдаклар учун хилма-хил кийим-кечакдан тортиб, қалпоқчага тақиладиган укпаргача бор. Ҳамид Ҳакимович ҳаммасидан бир эмас, икки сидрадан ўрашни буюрди. Улгуржи харидор йўлиққанидан шод бўлган сотувчи аёл югуриб елиб, бир зумда харидни бажо қилиб, чўтга солаётган пайтда Ҳамид Ҳакимович кўк, қизил аравачани ёлдиратиб келиб, қайси бири чиройлик, деди. Сумбула қизилини танлади. Аёл югуриб-елиб аравача анжомларини ҳам жамлаб бергач, Лобархонни унга ётқизиб қўйдилар. У маза қилиб типирчиларди.

— Жуда ярашди...

— Худди ўзиники!

Эр-хотин Лобархонни кўтаришиб, аравачага кийим-кечакларини жойлаб уйларига жўнашди. Йўлда Сумбула Жиззах сафари ҳақида, ота-оналари, қавм-қариндошлари ҳақида, айниқса, Дилафрўзнинг вафоти ҳақида батафсил гапираркан, эри унинг сўзини бўлиб, сўради:

— Опамнинг бошқа болалари ким билан қолди?

— Институтдагилари Тошкентга кетишди. Мактабдагиларига Мухтасар онам қараб турибдилар. Отажонни дадаси Ивановога олдириб кетармиш. «Бу ўғлимни ҳеч кимга ишонмайман!» дебди.

Ҳамид Ҳакимович жим бўлиб қолди. Сумбуланинг назарида унинг юраги йиғлаётгандай эди.

## Йигирма еттинчи боб

Новгородга Розиковнинг келаётгани ҳақида гап тарқалди. Бу хабардан Йўлдошев нечундир питирлаб қолди. Трест ходимларини ҳам тинч қўймади. Қилинган ишлар ҳақидаги маълумотларни қайта-қайта текширтириб, нуқсон қаерда-ю, ютуқлар нималардан иборат, ҳаммасини аниқлаб муваффақиятларни кўрсатувчи жадваллар ҳам туздириб олди. Кейин шаҳар бадий буюмлар устахонасидан рассом чақиртириб, «Қилинган ишлар жадвали»ни тайёрлади ва идорасига кираверишдаги кўринарли жойга миҳлаб қўйди.

Шу вақт ичида у барча кўчма колонналарга қўнғироқ қилиб, кўзларингни очларинг, колоннанга Розиков борадилар, деб ҳамма бошлиқларни огоҳлантирди. Сўнгра у ўзбекистонлик мелиораторлар, сув хўжалиги иншоотлари қурувчилари ҳамда бинокорлар қўли билан очилган ерлар, қурилган зовур, тикланган иморатларнинг фото кўргазмасини тайёрлаттириб, кабинетининг деворларига илдириб қўйди. Кейин фотоательега буюртма қилган альбомни олдириб келди-да, уни газета-журналлар турадиган столга қўйиб, варақлай бошлади. Унда ўзбек мелиораторларининг Новгородда тантанали кутиб олинишидан тортиб, тупроқшуносларнинг дастлабки тадқиқоти-ю, далага чиқиб, балчиққа ботган тракторларгача, «Тошкент» совхози қурилишида пойдеворга биринчи гишт қўйиш маросимигача акс эттирилганди. Альбомда унинг сурати бир оз кўпроққа ўхшаб кўринди. Баъзиларини альбомдан олиб қўйгани келди-ю, кўзи қиймади.

Синчиклаб қараса, ҳали қилинмаган ишлар, камчилик ва нуқсонлар ҳам анчагина бор эди. Унингча қилинган қанчадан-қанча фойдали ишлар ичида нуқсонни ҳам бўлиши табиий эди. «Гўшт ҳам суяксиз бўлмайди-ку» деган баҳона билан ўзини-ўзи юпатгандай бўлди-да, ҳар эҳтимолга қарши турли справкалар ёздириб қўйди. Ҳамид Ҳакимович кўтарган «уч иллат» масаласига келганда у Боймуҳамедов билан олиб борган ёзишмаларини бошқатдан ўқиб чиқдида, унинг яқинда келиб кетишида айтган гапларини эслаб, дами ичига тушди. «Шошлинч ишнинг нуқсонни эди. Кечроқ бўлса ҳам тузатилади-ку», деган фикр унга далда бўлди шекилли, ўзига тасалли берди.

Дафтарлар ичидан унга далил бўладиган бошқа бир ҳужжат ҳам топилиб қолди. Унда ўша «уч иллат»нинг юзини очган Ҳамид Ҳакимовичнинг ўз колоннасида юз берган воқеа эди. Тракторларнинг кўпи шу колоннада тезда ишдан чиққанди. Бунга урушнинг даҳшатли чиқиндилари, яъни портламаган мина, снаряд парчалари, тош-шағал сабаб бўлса-да, бари бир ўша Ҳамид Ҳакимовичнинг колоннасида содир бўлганди. Мабодо, Ҳамид Ҳакимович эски гапларини қўзғатгудай бўлса, Йўлдошев ана шуларни рўкач қилиб, унинг оғзига уриб қўйиши кераклигини режалаб олди.

Тошкентдаг қўнғироқ қилиб, унга Розиков билан Боймуҳамедов самолётда Новгородга учиб кетганини хабар қилдилар. Йўлдошев «Садко» меҳмонхонасидан Боймуҳамедовга ҳам жой тайёрлаб, зиёфат залига катта дастурхон ясаттириб қўйди. «Тошкент-1»нинг парник хўжалигида очилган гуллардан иккита гулдаста ясаттириб, идора қизларининг қўлларига топширди.

Тайёргарлик тугагач, Йўлдошев ҳамроҳларини бошлаб Новгород аэропортига борди. Москвадан, Ленинграддан келган самолётларнинг йўловчилари орасида Розиков ҳам, Боймуҳамедов ҳам кўринмади. Шу

куни Новгородга қўнадиган самолётларнинг ҳаммаси келиб бўлганди. «Москвада ушланиб қолгандирлар ёки Ленинградни томоша қилаётгандирлар» деб ўйлади-да, Йўлдошев ҳамроҳларини олиб уйга қайтди.

— Бугун келишмади, — деди Йўлдошев уйига кира солиб ўз хотинига. — Жуда кўп кутдик.

Хотини ҳайрон бўлиб деди:

— Мен сизни меҳмонлар билан юрибсиз, деб ўйловдим. Розиковни кўрмадингизми?

— Эртага келади.

— Келибди-ку!

Йўлдошев чўчиб тушди.

— А!

— Келишипти. Ҳамид Ҳакимович телефон қилдилар. Розиков билан Боймуҳамедов ўша ерда эмишлар.

Йўлдошев эшикни жаҳл билан тарақлатиб ёпиб, кўчага югурди. Машинаси аллақачон ғойиб бўлганди. Уйига қайтиб кириб, идорасига қўнғироқ қилди, ҳеч ким жавоб бермади. Кейин гаражга қўнғироқ қилди, шофери ҳали ҳам гаражга етиб келмаганди.

— Юк машинаси бўлса ҳам тез уйимга юборинглар! — деди овозининг борича. Мени ўртоқ Розиков кутяптилар!

## II

Розиков тушган самолёт Тошкентдан Ленин шаҳрига бир соат кечикиб келган эди. Бинобарин, улар Новгородга учадиган маҳаллий самолётга улгурмадилар.

— Бир жиҳатдан яхши бўлди, — деди Розиков ўз ҳамроҳига. — Машинада кетамиз. Бир кесак билан икки қуёни урадиган бўлдик. Улуғ Ватан урушида мен шу ерларда жанг қилганман. Биринчидан ўша тарихий жойларни кўриб кетамиз, иккинчидан, йўлимиз баб-баравар қисқаради. Старая Русса Ленинград билан Новгороднинг ўрталлиғида.

Шундай қилиб улар махсус машинада йўлга чиқдилар.

Ҳайдовчи қувноқ йигит экан. Улар Ленинград — Новгород йўлига чиқиб олдилар. Йўл текис бўлиб, яқиндагина такрор ётқизилган асфальт ялтираб турарди. Ҳайдовчи азиз меҳмонларни олиб бораётганлигини билар, машинасини учириб борарди.

Катта-кичик шаҳарчалар орқада қолгач, йўлнинг икки томонида ўрмон бошланди. Урмонлардан нари, олис-олисларда яйдоқ далалар кўзга ташланарди.

Шимолний-Ғарбий фронт чегараси мана шу жойда эди шекилли, — деди Розиков ҳамроҳига бармоғи билан атрофни кўрсатиб.

Йўл бўйидаги вайрон бўлган қишлоқлар қайта тикланган бўлса-да, айрим жойларда уруш асорати кўриниб турарди. Йўлнинг икки бети балчиқзор, зах ерлар. Бу ерларда ботқоқлиқни қуритиш, ер захини қочириш қадим замонлардан бошланганди. Новгород, Владимир, Москва князлари даврида бошланган иш кейинча ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Кейинча Пётр Петроград шаҳарини балчиқзор ўрнида бунёд қилди. Фин кўрфази ҳам асли балчиқзор, зах ерлардан иборат эди.

— Бу жойларни ўзлаштиришга қадимдан уриниб кўрганлар, — деди Розиков атрофга назар ташлаб бораркан. — Қўллари калталиқ қилган...

— Новгороддаги ишларимизни ленинградликлар кўриб кетишяпти. — луқма ташлади Бойбеков. — Чамамда улар ҳам ботқоқликларга ҳужум бошласалар керак.

Албатта бошлайдилар. Пайти етди. Уйлайманки, ўн биринчи беш йилликда бу ерларга ҳам қўл урамиз, албатта қўл урамиз!..

Йўлда «Парпинск» деган кўрсаткич тахтача кўзга чалинди. Бу жойлар Розиковга жуда қадрдон ерлар эди. Лекин у қанча синчиклаб қарамасин, ҳеч бир жойни ўша кездеги майдонларга ўхшатолмасди. Фақат, онда-сонда эски ўт босган хандақлар кўзга чалинарди. Машина Старая Руссага яқинлашган сари йўл ҳаракати кучайиб, далаларда ҳам одамлар кўрина бошлади.

— Мана, мана шу жойда бизнинг ўқчи дивизиямизнинг истеҳкоми бўларди... шудгор қилиб юборишти. Бизникиларнинг иши бўлса керак. Секинроқ юринг,— деди Розиков ҳайдовчига.

Унг томонда ер ҳайдаётган тракторлар кўринди. Розиковнинг илтимоси билан шофер машинани ўша томонга бурди. Сўқмоқ йўлда шаҳар машинаси зўр-базўр юриб, ер очувчиларнинг шийпони олдида тўхтади.

Машинадан туша солиб, Розиков шийпон тикланган тепаликнинг атрофини айланиб чиқди. У ҳар томонга қараб олгач, уйиб қўйилган харсанг тошлар олдида бир оз ўйланиб турдида, ногахон шивирлади. «Шу ерда эди... Худди шу жойга кўмувдим. Ўз қўлим билан кўмгандим!..»

Шу пайт уларнинг олдида икки йигит югуриб келди. Бирини Дмитрий Дуданов, иккинчиси Элчи Мардонов эди. Улар Розиков билан сўнгра Боймухамедов билан қадрдонлардай сўрашдилар. Элчи:

— Шийпонга киринглар, чой тайёр — деди уларни ўз кулбаларига таклиф қилиб.

Розиков Элчига мулоим боқиб қўйди-да, аста деди:

— Бу ерда хутор бор эди...

— Бузиб юбордик,— жавоб қилди Дуданов.

— Ҳеч ким йўқ эди... Урушдан кейин вайрона бўлиб ётган экан. Элчи қўшимча қилди.

— Худди шу жойда командиримнинг қабри бор эди... Қабрга катта харсанг тош қўйгандим.

— Қабрларни шаҳарга кўчирдик,— деди Элчи.— Ҳамид Ҳакимович буюргандилар.

— Ермаковнинг жасади ҳам ўша жойдами? Биласизми, Ермаков?..

Ҳаммаси ўша жойда. Жуда катта ёдгорлик қурганмиз.

Старший лейтенант Ермаков ўқчи ротанинг командири бўлиб, Розиков унинг ротасида политрук эди. Улар бир-бирлари билан дўст, қадрдон, биродар эдилар. Ротада бир бурда нонни ҳам, зиғирча таомни ҳам бўлишиб ер эдилар. Бу ерда ана шунақа танқис кунлар ҳам бўлганди. Дивизия қуршовга тушган пайтда аскарлар бир ҳафталаб озиқ-овқатсиз қолган эдилар. Қуршовни ёриб чиқиш учун олиб борилган ҳужум жанглари вақтида рота командири оғир ярадор бўлди ва политрук Розиковнинг қўлида жон берди. Розиков жанговар командири, қадрдон дўсти Ермаковни шу жойга дафн этган эди. Пистолетидан уч марта ўқ узгач, ротани ҳужумга бошлаганди. Улар ярадор бўлсалар ҳам қуршовни ёриб ўтмагунларича жанг қилгандилар.

Розиков ўша жойларни аранг таниди. Эски хандақлар текисланиб, қамишзорлар, бутазорлар тозаланиб, қаровсиз ерлар экинзор қилинганди. У атрофга қараганча жим турарди. Топталган ўрмон яна қаллилашган. Розиков худди шу жойда Ҳамид Олимжоннинг шеърини ўқиганди. Атака олдидан эди шекилли...

Россия, Россия, менинг Ватаним,  
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон.

Сенинг тупроғингда улғайди таним,  
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон!..

Оташин шоирнинг шу мисралари қасамёддай жаранглагани ўшанда.

Элчи Розиков билан Боймухамедовни қўярда қўймай шийпонга бошлаб кирди-да, столга ўтқазиб, чой-нон келтириб қўйди. Розиков ленинградлик шоферни ёнига чақириб олиб, ўзига берилган чойни унга тутди.

— Олинг, нон-чай ичиб олинг, узоқ йўлга қайтасиз.

Шофер бир пиёла чойни ичиб бўлгач, орқасига қайтишга рухсат сўради. Розиков ҳайдовчи йигитга ташаккур айтиб, уни миннатдорчилик билан кузатиб қўйди.

Шийпон аҳли билан бемалол гаплашишга имкон туғилди. Розиков аввал Дуданов, сўнгра Элчининг аҳволидан, ишлари ва ҳаётидан сўроқлаб кетди. Улар гўё олдиндан келишиб қўйишгандай, жуда қисқа — аҳволимиз яхши, шикоят қиладиган жойимиз йўқ, деб қўя қолдилар.

— Бу ерларда уруш қолдиқлари жуда кўп эди, сизларни роса қийнагандир,— деди Розиков.— Сапёрлик ҳам қилибсизлар. Ҳаммасидан хабарим бор.

Иккаласи бир овоздан жавоб қилишди.

— Кўникиб қолдик,— деди Элчи.

— Урганиб олдик,— деди Дуданов.

Элчи ўрнидан туриб, ўчоққа қозон оса бошлади.

— Колонна бошлиғи қаерда?— Розиков Дудановдан сўради.

— Чорва комплекси қурилишида. Узоқ эмас, чақириб келайми?

Меҳмонлар ўринларидан қўзғолдилар.

— Ўзимиз борамиз.

— Палов пишсин, машинада ўзим обориб қўяман,— деди Дуданов. Пнёздоғ ҳидини ҳузурланиб ҳидларкан.— Элчи хафа бўлади. Меҳмонни паловсиз жўнатса, уч кун ухлаёлмай юради бу йигит.

Меҳмонларнинг қўзғолаётганини кўрган Элчи уларнинг йўлини тўсди.

— Ҳозир бошлиқларимиз ҳам келиб қолишади. Ҳамид Ҳакимовичга мотоциклчи йигитни юбордик. Утиринглар, ош едирмай жўнатмайман, қурбон бўлган командирингизнинг руҳини йўқлаган бўламиз. Шу ерлар учун жон берганларга неча бор ис чиқардим...

Розиков унинг бу гапларига кулимсираб, ноилоҳ ўз жойига ўтирди. «Старая Русса мудофааси шу жойдан бошланган эди...» деди ўзича Розиков теварак атрофга қараб. Бир оз жимликдан кейин суҳбат яна давом этди.

— Ҳамид Ҳакимовичнинг аҳволи қалай, мен уни кўпдан бери кўрганим йўқ,— сўради Розиков Дудановдан.

Дуданов мамнун жилмайди.

— Тиним билмайдиган одам! Ўзи ҳам ишлайди, бизни ҳам обдан ишлатади. Агар Ҳамид Ҳакимович бўлмаганида бу ерларни шунчалик қилиш амри маҳол эди.

— Нега?

— Бирданига уч фронтда кураш олиб бориш ҳаммани ҳам қўлидан келавермайди-да.

— Қайси уч фронт тўғрисида гапиряпсиз?

— Уруш қолдиқлари ҳазилакам фронтми? Табиий тўсиқлар қайси фронтдан кам: балчиқлар техникани ҳайдовчиси билан қўшиб ялмай ютишга тайёр. Қолаверса, бошлиқларнинг тўсқинликлари... Ҳамид Ҳакимович учун энг оғир фронт мана шуниси бўлди.

Розиқовни қийинчилик туғдирувчи тўсиқларнинг ана шу кейингиси қизиқтириб қўйганди.

— Қимни кўзда тутяпсиз?

— Қимни бўларди, Йўлдошевдан бошқа бировни айтолмайман!

— Очикроқ айтиш мумкинми?

— Бу ёғини, ана, Элчи гапирсин.

Элчи, бошлиқлар орасидаги можарога аралашиб бўладими, дегандай ўзини четга тортиб қозони билан овора эди. Унинг олдида Розиқовнинг ўзи келди.

— Қарашиб юборайми?

— Раҳмат, дамладим,— деди Элчи Розиқовга табассум билан.

— Йўлдошев билан Ҳамид акангиз ҳам паловни яхши кўрийдиса керак, а, Элчибой?

Элчи қаддини тутиб, икки қўли билан белини ўшлади-да, ийманиброқ бўлса ҳам рост гапни айтди-қўйди.

— Йўлдошев биз билан ош емайди, Ҳамид Ҳакимович эса, вақти келса қўлимиздан капгирни тортиб олиб, паловни ўзи пишириб беради, ишчининг яхши улфати...

«Ишчининг яхши улфати» деб такрорлади, унинг сўзларини Розиқов. Бу сўзларни қандай тушунмоқ керак, дегандай Элчига табассум билан кўз ташлади. Элчи суҳбатдошига ўз сўзларини изоҳлаб бериши лозимлигини англади-да:

— Балки, улфат деган иборани ноўрин айтгандирман, деди ийманиб.— Биз ишчилар энг яқин дўстимизни улфат, деб айтамыз. Ҳамид Ҳакимович ҳаммага бир хилда меҳрибон, қадрдон дўст, унинг ўз ибораси билан айтганда, ишчининг иттифоқдоши.

«Ишчининг иттифоқдоши» деб Элчининг бу сўзларини ҳам дилида такрорлади Розиқов. Унинг назарида бу гапда мутлақо жон бор. Яхши гап. Бошлиқ билан ишчи, аксинча, ишчилар билан бошлиқ ҳам-фикр бўлсалар айни муддао-ку!

— Сиз менга яхши гап айтдингиз, Элчи Мардонов!— деди Розиқов ва оталарча елкасига уриб қўйди.— Яхши гап!

### III

Дала шийқонига Ҳамид Ҳакимович бир эмас, уч киши бўлиб келди. Розиқов уларнинг баъзиларини танир эди. Аввало, у Ҳамид Ҳакимовичнинг қўлини қисди. Унинг қадоқ босган қўллари ниҳоятда бақувват эди. Розиқов ишчилар билан барабар ишлашса керак, кафтидаги қадоқлар шундан далолат, деб кўнглидан ўтказди.

Ҳамид Ҳакимовичнинг ёнида бўйи етган, қадди-басти келишган бир қиз кулиб турарди. Унинг устидаги хушбичим кийимига қараб, шаҳар қизи бўлса керак, балки, Старая Русса вакилидир, деб ўйлаган Розиқов табассум билан деди:

Овора бўлиб буёққа келибсизлар, шаҳарга ўзимиз бормоқчи эдик.

Ўртоқ Розиқов, сиз мени бошқа бировга ўхшатдингиз шекилли, мен Гуландом бўламан. Ҳўв анави жойда чорва учун комплекс қуряман.

Розиқов қувониб гапира кетди:

Энди танидим сизни, Гуландом! Жуда ўзгариб кетибсиз. Қани, қани, бошқатдан бир қараб олай, ўҳ-ўҳ, мен сизни кўрганимда муштдек қизча эдингиз, росмана ва рисоладагидай қурувчи қиз бўлиб қолибсиз.

Кўришганимизга ҳам беш йил бўлди. Жиззахда кўришувдик.



— Ҳа, ҳа, янги совхоз маркази қурилишида ишлардингиз. Жуда саз: Сизнинг ҳақингизда Ивановода ҳам мақтов гаплар эшитгандим. Новгороддаги ишларингиз ҳақида ўртоқ Боймуҳамедов гапириб берди.

— Мақтовга арзигулик иш қилолганимиз йўқ, ўртоқ Розиков,— деди Гуландом ва унинг орқасида турган Боймуҳамедовга қиё боқиб қўйди-да, қўшиб қўйди:— Эл қатори ишляпмиз.

— Ишонавер қизим, бор гапни айтганман,— деди Боймуҳамедов луқма ташлаб. Кейин у Розиковга юзланди.— Бу Ивановода ҳам, Стара Руссада ҳам «виждонан ишлаш»ни жорий қилган ташаббусчи қиз, дейдилар.

— Бу қизни мана мендан сўранглар!— деди гапга аралашиб Сергеев.— Гуландом қурган ҳар бир иморатга текширмай туриб, қўрқмасдан «сифат белгиси» муҳрини босавераман.

Розиков бу одамни биринчи марта кўраётган бўлса ҳам уни тахминан шу совхознинг директори бўлса керак, деган хулосага келди ва шу заҳоти унга қўл берди.

— Омонмисиз, ўртоқ Сергеев! Сизга пахтакор қардошларингиздан кўпдан-кўп салом!

Сергеев, бу одам мени қаёқдан билади, дегандай ҳайрон бўлиб унга қараб қўйди.

— Сиз билан танишганимдан мамнунман, ўртоқ Розиков,— деди у қуллуқ қилиб.— Одамларингизнинг қўллари гул экан. Юборган машиналарингиз учун минг раҳмат. Ҳали ҳеч ким, ҳеч қаерда бунақанги ўз пули, ўз материали, техникаси ва ўз кучи билан бировнинг юртини бунчалик обод қилиб бермаганди. Минг раҳмат, қизларга!

— Арзимаиди,— деди Розиков унга табассум билан.— Биродарлик бурчимиз бу. Биз сизга раҳмат айтишимиз керак. Сизнинг кўмагингиз билан анча ишлар енгил бўлди. Бу ишлар ҳали хамир учидан патир. Асосийси олдинда. Қандай хизматлар бор?

Қозон бошидан югуриб келган Элчи гапга аралашиб, чечанлик билан Розиковга:

— Ҳозирча кечиктириб бўлмайдиган битта хизмат бор,— деди. Ҳамид Ҳакимович унга беодобчилик қилма, дегандай хўмрайиб қараган эди, Элчи янада чечанлик билан гап қотди.— Ош ланж бўлипти, паловни еб олишдан ҳам зарур иш борми шу топда!

Ҳеч ким, айниқса Розиков, унинг гапини иккита қилгиси келмади. Ҳамма бирин-кетин шийпонга кириб, ясатиб қўйилган стол атрофидан жой олди. Элчи чироқларни ёқди. Атрофга қовурма палов ҳиди анқиди.

#### IV

Улар гурунглашиб шийпондан чиқдилар. Қоронғи эди. Кўкда ҳали битта ҳам милтиллаган юлдуз кўринмасди, булут ҳам кўзга ташланмасди. Асли чироққа ўрганган кўзга шундай туюлганди. Чунки, бу ерларда оқ тунлар бошланадиган вақт эди. Розиков қуршовни ёриб чиқаётган кечаларда ҳам тунлар кундуздай оппоқ эди. Уларнинг йўлини тўсиб олган фашистлар ҳам, тинмай атака қилаётган розиковчилар ҳам бир-бирларини баралла кўриб турардилар. Сал наридан кичкина ариқ ўтарди. Розиков ана шу ариқ бўйида яраланган. Қаерига ўқ текканини у ўшанда ариқдан кечиб ўтгандан кейингина сезганди. Бир қўли вазминлашиб, бадани увншиб, кийимлари қоп-қора қондан хўл бўлиб кетганди.

«Худди мана шу жойда эди» деб кўнглидан ўтказди Розиков.

Унинг ариқ бўйида тўхтаб қолганидан Сергеев, бу одам ўша давр жанглари эслапти шекилли, деб ўйлади-да, унинг ёнига келди.

— Сизнинг бу ерда қилган жанглариңиз ҳақида Старая Русса музейида ёзувлар бор,— деди Сергеев.— Пионерлар ўша вақтдаги суратингизни ҳам топишибди. Бирга жанг қилган жангчи дўстлариңиз юборишипти. Жуда ёш экансиз.

Ариқчада сув гўё баландликдан тушаётгандай шовиллаб оқмоқда эди. Илгари бундай эмасди. Суви шовилламасди. Ариқ ҳам кенгайиб кетибди, суви лиммо-лим оқяпти, деб кўнглидан ўтказди у. Сергеев унинг кўнглидан ўтаётган гапларни пайқагандек, деди:

Сиз жанг қилган вақтдаги ариқни танимаяпсиз шекилли? Ҳа, у кенгайди. Бу, йигитлариңизнинг иши. Атрофдаги ҳамма ернинг зах суви шу ариқдан оқиб ўтади. Бу ариқ Ильмен кўлига қуйилади.

Ҳақиқатан ҳам бу жойларнинг табиати мутлақо ўзгариб кетганди. Бу хил ўзгаришни Розиков Старая Руссада ҳам кўриб ич-ичидан мамнун бўлди. Старая Русса учун жанглар урушнинг иккинчи ҳафта-сидаёқ бошланганди. Ўша кун Старая Руссага биринчи фашист бомбаси тушди. Шундан кейин минг йиллик ёдгорликлар, Русь меъморчилигининг бебаҳо гавҳарлари, жами маданий ва моддий бойликлар бирин-кетин вайрон қилина бошланди. Бунга ҳеч ким чидаш беролмасди. Старая Русса аҳолиси эса, ўша биринчи фашист бомбаси портлаган кунёқ даҳшатли хавфни англаган ҳолда жанговар отрядларга, кимлар партизан батальонларига, кимлар яширин ташкилотларга уюшди. Ешлар кўнгилли бўлиб армия қисмларига бориб қўшилдилар, кексалар халқ лашкарлари сифатида мудофаа ишларини бажардилар. Бутун аҳоли шаҳар атрофида — Ермаковлар, Розиковлар қаторида хандақ қазиди, табий тўсиқлар қилди, кўча ва йўлчаларга тиканли симлар тортиди. Розиков бу воқеаларни худди кун кеча бўлиб ўтгандай эсларди.

Ҳужумнинг бир оyi ўтмасданоқ шаҳар аҳолисининг тенг ярми партизан отрядлари, халқ лашкарлари қисмлари сафида эди,— деди у Сергеевга.— Уларнинг қуроли болта ва белкуракдан иборат бўлса ҳам душман қаршисига тикка чиқардилар. Фон Бушнинг 16-армияси тўсиқларга учради, ботқоқликларга ботиб қолди.

Фон Буш дивизиялари Старая Русса учун узоқ ва оғир жанглар олиб борди. Ниҳоят, етмиш кеча-кундузлик штурмдан сўнг қора қонга бўялган душман химчасиз шаҳарни ишғол қилди-да, ўша заҳоти Старая Русса ибодатхоналарининг минораларига ўхшаш баланд-баланд дор ясади. Фашистларнинг қадимий ёдгорликлар шаҳридаги биринчи иши қўлга тушган ёшу кекса, эркагу аёлларни сўроқ-истаксиз дорга осидан иборат бўлди. Буларнинг ҳаммасини Розиков ўз кўзи билан кўрганди.

Фронт шаҳардан узоқлаб кетса ҳам, Старая Руссада жанглар давом этаверди. Қасосчилар ҳаракати душман кўзини очирмай қўйди. Розиковларнинг кўзи олдида гоҳ кўприк портлаб, гоҳ штаблар ёниб, гоҳ немис офицерларига суиқасд қилинди. Москва бўсағасида бизнинг қўшинлар ҳужумга ўтган кунлари Старая Русса атрофида партизанлар ҳам ҳужумга ўтдилар ва қишининг қаҳратон кечаларида тўрт юзга яқин қишлоқни озод қилдилар.

Жанглар яна Старая Русса бўсағасига қайтиб келди. Душман Старая Руссани қўлидан бергиси йўқ эди, Польшадан резерв қўшинлар ва бошқа фронтлардан генерал Рихтгофен ва Удетларнинг авиакорпуслари ёрдамга чақирилди. Жанглар чўзилиб кетди. Чўзилганда ҳам шунчаки позиция жанглари эмас, тўхтовсиз ҳужумлар, қарши ҳужумлар, канонадалар, бомбардимонлар бўлиб турди. Ҳар кун, ҳар соат ва дақиқада Старая Русса ери одам қонига белана борди.

Ҳар жангда янгидан-янги қаҳрамонлар жасорат кўрсатардилар. Машҳур лашкарбоши Михаил Фрунзенинг учувчи-қирувчи ўғли Тимур Фрунзе ҳам Старая Русса осмони мудофаасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди ва шу ердаги жанглarning бирида баҳодирона жон берди. Старая руссаликлар унинг мазорини гуллар билан безаб туришни сира унутмайдилар.

Маҳаллий аҳоли бир вақтлар Ермаков, Розиковлар қисмида ўз жасорати туфайли афсонавий қаҳрамон даражасига кўтарилган оташин Муса Жалилни ҳам бу ерда доимо ёдлаб турадилар.

Уларнинг машинаси жанговар шуҳрат музейи олдидан ўтаётганда Сергеев:

— Бу жойда сизнинг ҳам боя мен айтган суратингиз бор. Маршаллар Ватутин, Черняховский, шоир Муса Жалил қаторида турибди. Афсуски, музей ҳозир берк.

— Ёдгорлик мазори қаерда?

— Уни ҳозир кўрсак бўлади: шундоққина шаҳарнинг ўртасида, дарёнинг ўнг соҳилида, — деди Сергеев.

Розиков бу муқаддас жойни зиёрат қилишга ошиқарди. Биродарлар қабристонига етиб бордилар. Розиков жанговар дўсти, рота командир Ермаков ҳамда марҳум жангчи дўстларининг қабрига қўйиш учун Тошкентдан гулдасталар олиб келганди. Старая Русса учун жон берган уч юз қирқ минг баҳодир бирга тин олмоқда. Ёдгор тошидаги ёзувларда Розиковга таниш фамилиялар. Аммо, Ермаковни тополмасди. Яхшики, Ҳамид Ҳакимов унинг номи ёзилган тошни билар экан, Розиковни ўша жойга бошлади. У ерда ётганларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари эди. Ермаковнинг номи рўйхатда еттинчи. Розиков қабр тошига гулдастани авайлаб қўйди, шляпасини қўлига олиб, бош эгиб сукут қилди.

— Қаҳрамонларга муносиб ёдгорлик қурилибди. Буни ҳам сизлар қурдингизми? — деди у Ҳамид Ҳакимовичга мурожаат қилиб.

— Старая Русса аҳолиси билан бирга қурдик. Ҳашар йўли билан қурилди.

— Жуда яхши иш қилибсизлар...

Розиков Сергеев таклиф қилган меҳмонхонага ҳам, шаҳар раҳбарлари томонидан махсус тайёрланган коттеджга ҳам бормай, у ерда Боймухамедовни қолдириб, ўзи Ҳамид Ҳакимовичнинг уйида, алоҳида хонада тунади.

Шундай эътиборли одамнинг ўз уйига қўноқ бўлганидан эридан кўра кўпроқ Сумбула севинарди. Сумбула азиз меҳмонни нима билан мамнун қилишни билмас, югуриб-еларди. Розиков эса ҳозиргина палов еб, механизаторлар билан чойхўрлик қилганлигини айтиб, миннатдорчилик билдирди.

Меҳмон кирган уйда дастурхон ёзмай бўладими! Сумбула меҳмонхонасига дастурхон ёзиб Розиковни таклиф қилди. Розиков уй бекаснинг кўнглига кўра ноилож меҳмонхонага кирди. Лекин дастурхонга эмас, жавонларда турган китобларга эътибор қилди.

— Китоб бор жойда ўзимни тутолмай қоламан, — деди Розиков жавондаги китобларни кўздан кечираркан. Ўх-хў, икки юз томликнинг ҳаммасини олдингизми?

— Баъзилари етишмайди. Вақтида ололмадик, — деди Сумбула.

— Ололмадик эмас, вақтида бермадилар. — Ҳамид Ҳакимович хотинига эътироз билдирди. — Одамлар орасида икки нарсанинг бозори чаққон. Бири чет элни кийим-кечаги, иккинчиси танқис китоблар. Бизникини кимлардир илиб кетибди. Китоб ўғирлаш гуноҳ эмасмиш.

Иккинчи жавонда ирригация ва мелiorацияга доир турли китоб ва рисоалар, газета ва журналлар. Қалин китобларнинг ҳар жойинга

хатчўп ташлаб қўйилганидан маълумки, Ҳамид Ҳакимович ўз мутахассислиги ва қилаётган иши соҳасида кўп мутолаа қиларкан. Жавоннинг бурчагида бир неча папкаларда қўлёзмалар кўзга ташланади. Бир папканинг жилдида «Ўзлаштириш муаммолари» деган ёзувни ўқигач Розиков сўради:

— Диссертация ёзясиз шекилли?

— Қаёқда... Буларни шунчаки қоралаб қўяяпман. Яъни, хотиралар қораламаси. Кундалиқдек гап.

— Яхши иш қилибсиз, — деди Розиковнинг ишини маъқуллаб, — имконият топилган чоғда ёзаверинг. Ҳар бир ишнинг қизиғида битгани яхши. Ахир, сизларнинг Россияда қилаётган меҳнатингиз тарихий иш!

— Утириб гаплашинглар, таом совиб қолди, — деди Сумбула уларни дастурхонга чорлаб.

— Бу ишлар Сумбуланинг ёрдами туфайли бўлаяпти. Мен гапириб бераман, Сумбула ёзади. Кўпинча ўзим қоралаганларимни у оққа кўчиради. Қиёмига етганда ўзингизга кўрсатамиз. Ахир бу ишларни ўзингиз бошлагансиз, қолаверса, бизга ҳамиша бош-қош бўлиб турибсиз.

— Албатта кўриб чиқаман, зарур бўлса қўлимдан келганча маслаҳатимни аямайман. Ёзаверинг!.. Бўлмаса, энди ётайлик, — деди Розиков, — Сизлар ҳам дам олинглар, мен ҳам.

«Йўлдошевга нимаси ёқмапти, бу йигитнинг? — кўнглидан ўтказди ўзига ажратилган хонага кириб олгач Ҳамид Ҳакимович ҳақида ўйлаб. Ажойиб инсон. Боймуҳамедовнинг у ҳақдаги фикрлари ҳам анчайин чалкаш кўринади...» Розиковнинг уйқуси келавермади. У деразани очиб, ташқарига қараб ўтирди. Ташқарида ёмғир ёғмоқда эди.

Йўлдошев Розиков ширин уйқуда ётган чоғда етиб келди. Уни безовта қилгиси келмай, Боймуҳамедов жойлашган коттеджда йўл олди.

Боймуҳамедовни йўл чақиб, қаттиқ чарчаган эди. У ёзиғлиқ дастурхонга қайрилиб ҳам қарамай, юмшоқ каравотга ўзини ташлади. Йўлдошев кириб келганда у хуррак тортмоқда эди. Етиб дам олса бўларди — жойи тайёр эди, аммо унинг ечиниб ётгиси келмади, у назарида қаттиқ ухлаб қолса Розиков гўё бу ердан ҳам кетиб қолаётгандай эди, айвонга чиқиб бир оз у ёқ-бу ёққа юрди, кейин қайтиб юмшоқ диванда оёқларини чалиштириб ўтирди. Ҳорғинлик ўз кучини кўрсатди, ўтирган жойида мукка тушиб, ухлаб қолди.

Эрталаб Розиков билан Ҳамид Ҳакимович бошлашиб коттеджда кирарканлар диванда ечинмасдан ухлаб ётган Йўлдошевга дуч келдилар.

— Бечорага, жой йўқ эканми, йўлакда ухлаб қолипти, — деди Ҳамид Ҳакимович.

— Уйингизга чақира қолмабсиз-да, гаплашиб ётардик, — деди Розиков.

— Кечаси борган эди. Шунча қистасам ҳам ётиб қолмади.

Гангур-гунгур суҳбатдан Йўлдошев уйғониб кетди. Кўз очиб қараса, рўпарасида Розиков, унинг ёнида Ҳамид Ҳакимович турарди. У ўзини ўнглаб олгунча Розиков салом бериб, узр сўради.

— Кечирасиз, уйғотиб юбордик.

— Кутиб ололмаганимга ҳижолат эдим, — деди Йўлдошев.

— Сизларни аэропортда овора қилганимиз учун ҳам узр, — деди Розиков табассум билан. Машинада кела қолдик. Йўлакай фронтчи дўстларнинг руҳини шод қилиш ҳам керак эди.

— Жуда савоб иш бўпти... Жуда яхши бўпти, — деди Йўлдошев ҳамон ўзига келолмай.

— Чой ичганингиз йўқдир, Боймухамедов билан нонушта қилиб олинглар, кейин йўлга тушамиз.

Улар чой ичиб олгунларича Розиков эрталабки газеталарни кўздан кечириб ўтирди. Ҳамид Ҳакимович, рухсат сўраб, ўз ишига жўнади, у кетиши ҳамон Сергеев кириб келди. «Жуда яхши бўлди, биргалашиб объектларни кўрамиз», деди унга Розиков. Уларнинг сафига Боймухамедов билан Йўлдошев ҳам қўшилишди. Аввал Ҳамид Ҳакимовичнинг одамлари бунёд қилган автобазани кўрдилар. Замонавий автобаза жуда тез муддатда қурилганди. Йўлдошев унинг қурилишига озмунча куч сарфладими? Сергеевнинг кишилари ҳам неча бор шанбалик ўтказдилар.

Чорвачилик комплекси иншоотлари қурилишига келганларида уларни Гуландом кутиб олди. У иш кийимида эди. У раҳбарларни қурилаётган объектга бошлади. Қурилишда сайқаллаш ишлари борарди. Розиков аввал монтажчилар билан саломлашди. Кимнинг қандай ишлаётгани «Кўргазма тахта»даги «Молния»дан «Жанговар» варақадан аён эди.

— Ҳамид Ҳакимович ҳеч вақт буларни зориқтириб қўймайди, — деди Йўлдошев кўнглига келган гапни қайтаролмай.

— Пичингми, бу? — Гуландом Йўлдошевга луқма ташлади.

— Нега пичинг бўлади. Рост гап. Ўзинг айтиб турибсан-ку.

Розиков уларнинг бу гапларига эътибор бермади, ўзини эшитмаганга солди.

Болалар комбинати қурилишига келганда Розиков ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамади.

— Бежирим қуриляпти экан, — деди у Сергеевга қараб. — Болаларингизга яхши тортиқ бўлади.

Йўлдошев орага тушди.

— Графикдан чиқиб кетишган, бизни мана шу иншоот орқага судаяпти, ўртоқ Розиков! Кейин жуда қимматга тушади бу иморат ўртоқ Розиков...

Розиков Боймухамедовга қараб қўйди. Боймухамедов ҳақ гапни айтиши керак эди, ахир у яқинда текшириб кетганди.

— Ортиқча сарф-харж йўқ. Гуландомчилар гоҳо якшанба кунлари ҳашар қиладилар...

Йўлдошев яна гап ташлади:

— Ҳамид Ҳакимовичнинг ўша гапига ишондингизми?

— Ишчилардан эшитганман.

— Тўти қуши нима-ю, улар нима, — деди Йўлдошев.

— Улар кимлар? — Розиков сўради.

— Ким бўларди. Ҳамид Ҳакимович ишчиларни ўзига ром қилиб олган. Икки гапнинг бирида «бошлиқ билан ишчилар иттифоқи яратилди» деб кўксига уради. Қанақа иттифоқ бўлиши мумкин! Бошлиқ ўз юксаклигида туриши керак, ишчилар ўз ишини билиб қилишлари лозим...

Гуландом Йўлдошевга бир қараб қўйгач, Розиковга мурожаат қилди:

— Бир гап айтсам майлими, ўртоқ Розиков?

— Бўлмасамчи, қизим, айтинг!

— Тўғри гапни юзга айтмоқ керак. Шу келишингизда битта вазиятни ойдинлаштириб кетсангиз. Ўтини сўраймиз. Бошлиқларимизнинг ўзаро муносабати таъбимизни хира қиляпти. Бу фикр биргина менинг фикрим эмас!..

Йўлдошевнинг ранги ўчди. Ҳамид Ҳакимович нима деярини билмай турарди. Сергеев эса, гоҳ Йўлдошевга, гоҳ Ҳамид Ҳакимовичга қараб қўйди-да, ўзини четга олди.

Розиқовга ҳамма нарса аён бўлгандай эди. У ҳеч нарса демади, сеники маъқул, сеники ноўрин деб ҳам хулоса чиқармади-да, бошқа колонналарнинг ишларини кузатиш истагини билдирди.

Бошқа колонналарда Розиқов иложи борича қилинган ишлардан кўра ҳали қилиниши керак бўлган масалалар билан қизиқди. Унинг назарида Ўзбекистондан келган мутахассислар анча ишларни амалга ошириб қўйган бўлсалар-да, энг асосий иш — унумсиз ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун муттасил иш олиб бормаётган эдилар. Розиқовнинг билишича, бу соҳада қандайдир эгасизлик бор эди. Баъзан мелиораторлар тайёр қилиб қўйган ерни қабул қилиб олувчилар топилмасди. Қабул қилиб олинган ерларга эса, экин экиб, уни парвариш қилиб мўл ҳосил олиш учун одам ва техника етишмасди. Ана шундай ерларнинг яна қаровсиз бўлиб қолиш хавфи бор эди. Йўлдошев бундай ерларни ўз ҳисобидан чиқариб қўйган, бинобарин, унга маблағ ҳам ажратмаганди. Розиқовнинг назарида бу лоқайдлик бўлиб, халқ мулкига давлат нуқтан-назари билан қарамасликдан бошқа нарса эмасди.

— Сеники — меники, қиладиган вақтми, ҳозир? Россия билан бирга умумий ишни қиялпмиз-ку, ахир! — деди Розиқов Йўлдошевга.

— Молия масаласи... Пулимиз бир йилга етади, қўлимиз калта — деҳқон йўқ.

— Ҳаммаси бўлади. Мана, Боймуҳамедовга топширамыз, ҳаммасини топади.

Розиқовга Новгород области раҳбарлари ҳам ана шу қўли калталиқ ҳақида гапирдилар. Улар тайёр ғалла, лён, картошка йиғиштириб олинмай, қор тагида қолиб кетаётганидан нолидилар-да, иложи борича, очилган ерларда деҳқончиликни ҳам ўзлари давом эттириб туришларини сўрадилар.

Розиқов область раҳбарларидан бирининг ҳамроҳлигида новгородликлар ўз кучлари билан ўзлаштираётган сағизтупроқ ерларни кўриб келди. Улар қиладиган ишларнинг миқёси аввалгиларига қараганда беқийс эди. Йўлакай область раҳбарлари суҳбатидан бўшаб, трест идорасига қайтгач, Йўлдошев тайёрлаган ҳамма диаграмма ва кўргазмали материаллар билан танишиб чиқди. Фойдали ишлар қилинган шу ҳужжатлардан ҳам кўриниб турарди. Йўлдошев бундан мамнун эди. Шу мамнунлик кайфиятида Розиқовга табассум билан деди:

— Бутун Россия матбуоти шу ҳақда қувониб ёзди. Мана, ўша газеталар бойлами!..

Газеталарда турли-туман фотолар ҳам босилганди. Розиқов уларни ҳеч ерда учратмаган.

— Мана шу қаҳрамонлар ҳозир қаердалар?

— Кетиб қолишган.

Бир оз ўйланиб тургач, Розиқов яна сўради:

— Колонна бошлиқлари, бригадирлар жуда кўп ўзгарипти. Сабоби нима?

— Шароитга чидашмади-да.

Ҳамма ишлар билан танишиб бўлгач, Розиқов «Садко» меҳмонхонасидаги ўз жойига қайтиб келди-да, Боймуҳамедовни чақириб сўради:

— Сизнингча, Йўлдошев бу оғир юкни торта оладими?

— Ердамни аямасак эплаб кетади.

— Қачонгача қўлтигидан суяймиз. Ҳаракатчан кўрингани билан одамларни ишлатолмас экан. «Бошлиқ билан ишчилар иттифоқи»ни тан олмаса, ҳатто тушунмаса!.. Ҳамид Ҳакимович жуда тўғри йўлдан боряпти. Йўлдошевда ҳам ана шу хусусият бўлсайди!..

Боймуҳамедов ўйланиб қолди. Унинг фикрлашича, Розиқовга Ҳа-

мид Ҳакимович жуда ёқиб қолгану, трестга ўшани раҳбар қилиб тайин қилмоқчидай эди. У ҳам раҳбарнинг ана шу фикрини ичдан маъқул топди, ийманиброқ бўлса ҳамки, ўз таклифини ўртага ташлади.

— Бу ишни Ҳамид Ҳакимович эплаб кетарди... келажаги зўр унинг.

— Йўқ, у кишини Ивановога мўлжаллаб турибмиз. У жой ҳам муҳим. Ўзингизни шу ерда қолдириб кетсам, деяпман. Йўлдошев аппаратбоп одам экан, уни ўша ёққа чақириб оламиз.

Боймуҳамедов жим бўлиб қолди.

Трестингиз ўн биринчи беш йилликда ҳам шу ерда бўлади. Режани каттароқ олиб, одимни олисроққа ташлайсиз, дўстим!

Розиқов Тошкентга телефон қилиб, тегишли одамлар билан шу хусусда гаплашиб олди. Кейин у Новгород раҳбарлари билан гапни бир жойга қўйгач, эртасига эрталаб, аэропортга кетишдан олдин, ўзбек мелиораторлари даргоҳига борди.

Йўлдошев телефон орқали кимнидир чангитиб сўкмоқда эди: «Расво одам экансан-ку, иснод келтирдинг-ку ҳаммага!» Розиқов билан Боймуҳамедовни кўриб жим бўлди. Улар унинг рўпарасига келиб ўтирдилар. Боймуҳамедовнинг авзойидан маълум бўлдики, қандайдир муҳим воқеа юз бергану, уни ҳозир Йўлдошев ҳам билиб олиши керак. У кутди, Розиқовнинг оғзига тикилиб жим ўтирди.

— Сизни аппаратга чақириб олмоқчимиз,— деди Розиқов аста гап бошлаб.— Мен билан бирга кетасизми ёки кейин борасизми?

— Бу ердаги ишлар-чи?

— Бу ердаги ишларни дўстимиз Боймуҳамедов давом эттирадилар. Ишларнинг хусусияти билан анча танишиб олган, баъзи томонларини ўзингиз тушунтириб берасиз. Хўпми, келишдикми?

Йўлдошевнинг хўп, дейишдан бошқа иложи ҳам йўқ эди. «Ҳамид Ҳакимович бошимни еди... Нега мен уни ўринбосарликдан ҳайдадим? Нарироқда юрсин, деб хато қилган экан», деб кўнглидан ўтказди-да, Розиқовга зимдан қараб қўйгач, бошини қимирлатиб, розилик билдирди:

— Хўп. Келишдик.

Розиқов деворда осиглиқ — Новгород областидаги унумсиз ерлар харитаси олдига борди. Тахминан ярим миллион гектарга яқин майдон... У бармоғи билан Бойбековга кўрсатди.

— Мана шу жойларнинг истиқболи сизнинг зиммангизга юкланади. Осилганга яраша баланд дорга осилиш керак...

## Иигирма саккизинчи боб

### I

Сумбула Қудратовнинг Ивановодан қайтиб кетишидан хабардор бўлса ҳам қачон, қаерга бориши, айниқса, унинг ўрнига Ҳамид Ҳакимовичнинг тайин бўлишидан беҳабар эди. Элчининг гапи унга бутунлай янгилик бўлди. Шу янгиликдан унинг хаёли қочди. Улар ҳозир Ивановога борсалар, унда Қудратовга дуч келадилар ва албатта, Қудратов Лобархонни кўрмай иложи йўқ. Кўради, бағрига босади, ота меҳри уни тинч қўярмиди! «Боламни бер!» деб қолгудай бўлса, шўрлик Сумбуланинг ҳоли вой бўлади-ку!..

— У ёққа бормайлик, жон Ҳамид ака,— деди Сумбула.— Бормайлик, шу ер яхши...

— Иложимиз қанча!

— Вой ўлмасам, розилик бериб қўйдингизми?

— Бу ердан ё мен ёки Йўлдошев кетиши керак эди. Иккаламиз ҳам кетяпмиз. Бу ердаги асосий ишларим битди. Қолганини Гуландом ҳам эплейверади.

— Ана холос, ҳали ўрнингизга одам ҳам тайинлаб қўйинсизу, хотинингиз беҳабар.

— Гуландомни мен эмас, Боймуҳамедов тайинлади. Узим ҳам айтмоқчи эдим, лекин, менинг ихтиёримсиз бўляпти бу ишлар. Қудратов, болалар тарқалиб кетди, ўшаларнинг бошини қовуштирайлик дебди. Шахсан Розиковга илтимос қилибди. Розиковни биласиз-ку, бундай масалаларга жуда ҳушёр қарайди. Мен ҳам ўртоқ Розиковнинг юзидан ўтолмадим. У киши етти ўлчаб бир кесадиған одам. «Қудратовнинг яхши ишларини давом эттиришингиз керак» дедилар. Демак мен ўша ёққа зарур одам эканман. Катта ишонч!

— Қудратовни қаерга тайинлашибди?

— Жиззахдаги янги совхозларнинг бирига бошчилик қилармиш. Уй-жойига яқин, болаларининг атрофида бўлади. Ўзи шуни талаб қилибди.

Сумбула яна хаёлга чўмди: «Қудратов, болаларнинг бошини қовуштиришим керак, дебди... Бу нима дегани? Сенга ҳам даҳлдор эмасмикан?! Йўқ, Лобаримни ҳеч кимга бермайман!..»

Сумбула боласини бағрига босганича ичкари хонага кираркан, эшикни беркитиб олди. Ҳамид Ҳакимович эшик олдига келди-да, Сумбулани тинчатишга уринди.

— Эсингиз борми, Сумбула, Қудратовни билмайсизми!.. Чақалоқни сиздан тортиб олмоқчи бўлганда ҳам мендан тортиб ололмайди. Жигарим у!..

— Янги хотин олса-чи?

— Хотин олиши керак, шундай ўтмайди, албатта, аммо Лобархонни бериб қўймаймиз. Унинг онаси — сиз, Сумбула!

— Бормайман, дедим бормайман!

Шундай қилиб Ивановога, Қудратовдан иш қабул қилиб олишга Ҳамид Ҳакимовичнинг бир ўзи кетди. Унинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб, самолётгача кузатиб қўйдилар. Кузатувчилар орасида Гуландом билан Элчи Мардонов ҳам бор эди. Улар ёнма-ён турсалар ҳам негадир бир-бировларига эътиборсиздай кўринардилар. Ҳамид Ҳакимовичнинг назарида уларнинг орасидан гўё қора мушук ўтгандай ёки бирор қалтис гап қочгандай эди. У Элчини ўз ёнига чақириб олиб, сўради:

— Тўй яқинлашай деяптими?

— Йўқ, ҳали синовдамиз.

— Нега?

— Шу, қатиқни ҳам пуфлаб ичадиганлардан, бу қизингиз. Ҳамид Ҳакимович унинг қўлини маҳкам қисиб қўйди.

— Бўш келма, Элчим, қизларнинг ўзига яраша нози бўлади...

Қудратов Ҳамид Ҳакимовични аэропортда кутиб оларкан, Лобархонни сўради.

— Катта қизча бўлиб қолгандир?.. Сумбулаҳон ажойиб болажон аёл экан... Бирга келишса саз бўларди-да!..

— Сумбула Лобархонни деб мен билан келмади...

Қудратов кенжасини кўриш орзусида эди, энтикиб сўради:

— Ҳа, нима бўлди?.. Лобархон бетобми?!.

— Йўқ... Кейинроқ келишади. Сумбулаҳон қизчасини самолётда уринтиргиси келмади. Уларга Набижонни юбораман.

— Ҳа, яхши... Дуруст... — деди Қудратов оғир уҳ тортиб.



## II

Волганинг иккала қирғоғи қуёш селида жилоланарди. Тўсатдан ҳавони қора булут қоплади, кучли шамол эса бошлади, дарёда тўлқин кўчди. Кулранг булутлар гўё Волга тўлқинларини томоша қилмоқчидай унинг устига тўпланар, тобора зичланиб қора кўланка ташларди. Бирдан чақмоқ чақиб, могоулдирак гулдиради, ёмғир ёға бошлади. Бу дам катта майдондаги ҳайдаб қўйилган ер ёмғирда яйраб кўпчиб кўринар, шабада эганда кулранг ховур кўтарилиб, майда кесаклар орасидан қиёлаб ўтиб, кўкдаги оқиш туманга қоришиб кетарди. Қудратов ўз кишилари очган ерларнинг бу манзарасини томоша қилишни яхши кўрар, қачон назар ташламасин кўзи қувонарди. Ҳозир ҳам шу кайфиятда. Қудратов каби Ҳамид Ҳакимович ҳам атрофни ҳаяжон билан кузатмоқда.

Ҳамид Ҳакимович иш қабул қилиш баҳона Приволжск районининг дарё бўйи ерлари билан танишиб олди. Мелиораторларнинг асосий юмуши далалар билан боғлиқ. Уларнинг иш натижалари одамлар учун етиштириладиган гўшт, сабзавот, ғалла, умуман, фойдали маҳсулот билан ўлчанади.

Ҳамид Ҳакимовичнинг назарида қудратовчилар анчагина миқёсда самарали ишларни бажариб қўйгандилар. Улар икки кундан бери қанчадан қанча йўл юриб, «Ўзбекистон», «Дўстлик» совхозларидаги экинзор майдонларни кўрдилар. Бири биридан яхши! Ҳосилдорликда эса, Новгородда Ҳамид Ҳакимовичларнинг ўзлари ишга солган ерлар унумидан анча юқори эди.

— Бунинг сабаби бор,— деди Қудратов қайнисига,— бу ерда ўтроқ одамлар бор, қолаверса, шаҳарларга кетиб қолиш камайди, аксинча, илгари кўчиб кетганлар ҳам қайтиб кела бошладилар. Қишлоқда нон, гўшт кўпаяпти. Энг муҳими, хўжаликларда қорамол, қўй, парранда боқишда яхши шароит яратилди.

— Озуқа етарлими?

— Етарли эмас, лекин колхоз, совхоз хўжаликлари етарли хашак бериб турибдилар. Озгина жанжал, можаро билан бўлса ҳамки, беришяпти. Уйлайманки, янаги беш йилликда бу ишлар ҳам изга тушиб қолади.

Ёмғир энди савалаб ёға бошлади. Улар ўзларини қалин баргли бақатерак тагига олдилар. Улар дарахт панасида ёқаларини қайириб, қўнишиб турган эдилар, узоқдан бир отлиқ кела бошлади.

— Ким бўлди, бу одам, бу ерларда отлиқ йўловчини кўрмагандим,— деди Ҳамид Ҳакимович.— Балки, бирор йигитимиз бизни қидиряптимики?

Қудратов отлиқни узоқдан таниди. У Иваново областида ўтроқ бўлиб қолган собиқ қулоқ Бой ота эди. У аравага қўшиладиган тўриқни эгарлаб, юганлаб, устига гулли тўқим бостириб олганди. Баҳайбат от арава йўлини қилиб, қалин ёлини силкитиб келарди. Бой ота чавандозлардай эгарнинг бир томонига хиёл ташланиб ўтириб олганча мамнун келарди. У Қудратовларга яқинлашгач отдан тушиб, тизгинни қўлига олди-да, хиёл эгилди.

— Ассалому алайкум, Қудратов ука!

Бой ота неча ёзу, неча қишни Россиянинг ёмғирли, қорли совуқ шароитида ўтказса ҳам ўз миллий кийимини ташламасди. Ёзда яктак, баҳор ва кузда камзил билан чакмон, қишда эса, пўстин кийиб, тулки телпакни қулоғига бостириб юрарди. Ҳозир у малларанг чакмон, чуст дўппи кийиб олган, оёғидаги хиром этиги ялтиллаб турарди. У қишин-ёзин сочини устарада қирдириб юрар, соқолини ҳар куни то-

залаб қиртишласа ҳам мўйлабини олдирмасди. Мўйлабнинг икки учи бургут тумшуги янглиғ бўлиб, ингичка жағига тегиб турарди. Мойланганидан, тароқланганидан силлиқ, йилтиллайди.

Қудратов унинг лўппи юзига, қип-қизил ёноқларига разм ташлади. Ёши анчага бориб қолган бўлса-да, бақувват кўринади.

— Ҳа, Бой ота, нима қилиб юрибсиз бу ёқларда?— сўради Қудратов.

— Сизларни қидириб юрибман. Хайрият топдим. Кетиб қолдингизми, деб қўрқувдим.

— Нимага қўрқдингиз?

— Режаларим бузилиб кетади, деб қўрқдим-да! Бу, укам, янги одам, оқ билан қорани таниб олгунча тегирмоннинг тоши неча бор айланади...

— Ҳамид Ҳакимович сиз ўйлаган одамлардан эмас,— деди Қудратов.

— Ундай бўлса яхши-я, ҳар ҳолда синашта эмас-да.

— Режаларингиз қанақа эди?

— Авваламбор, сиз мени Розиковга дуч қилмадингиз. Қидириб борсам, кетиб қолибди. Бойбеков, ҳазиллашдим, чиндан айтдим, у одамнинг сиз собиқ қулоқ билан неча чақалик иши бор, деди. Яхшиям Набижон йўлиқиб қолди. У азамат, Қудратовнинг ўзига учрайверинг, Розиков билганни шу киши ҳам билади, деди. Биз қулоқ бўлганимизда сиз ёш эдингиз, ёш бўлсангиз ҳам «Битсин золим бойлар, йўқолсин муштумзўрлар!» деб юрардингиз.

— Ҳа, тўғри... Ҳали ҳам эсингизда бор экан, а, Бой ота?

— Ҳозир ундай демассиз?

— Сиз ҳозир муштумзўр эмассиз-да.

Бу гапдан мамнун бўлиб, Бой ота, мўйловларини силаб қўйди.

— Ўтган ишга салават, ука. Шу кўргулик бошда бор экан. Ол-ол келганда ўртаҳол деҳқон илашиб қолганмиз... Ризқ-насибамиз сочилган экан, териб еб юрибмиз. Қисматимдан хафа эмасман. Мен Россияга сургун бўлиб келганман. Сизлар ўзларингиз ҳашарга келиб, тажрибакор саналиб, ҳурматда яшаяпсизлар. Қолаверса, кечаги устозларга устозлик ҳам қияпсизлар. Бундан бошим осмонда, укалар! Мени битта мақсадим бор.

— Хўш? Қандай мақсад?

— Шунча ерни обод қилгандан кейин нима қиласизлар?

— Биродарлик бурчимизни бажарган бўламиз.

— Ҳа, яхши...

Қудратов унинг Розиковга айтолмай қолган гапини билиб олмоқчи бўлиб сўради:

— Розиковга нималар демоқчи эдингиз?

— Ҳозир ҳам қулоқ қилиш борми, йўқми, деб сўрамоқчи эдим.

Ҳамид Ҳакимович унинг бу гапини соддаликка йўйиб, кулиб юборди:

— Қуладиган гап эмас, укам,— деди Бой ота.— Рост гап. Мени бир от, икки ҳўкиз, соғин сигирим учун қулоқ қилган одамнинг ҳозир хусусий юз элликта оти бор. Яна «Волга», «Жигули» машиналар.

Эшитдим, ўлик моли-ю, пули беҳисоб эмиш. Тўғриси, ўзим аниқ ҳисобини олганим йўқ. Уша унсурмасми, қулоқ қилмайсизларми?

— Бизда битириладиган синф йўқ.

— Йўқ бўлса йўқдир, лекин оқоваси ўзанидан кучлироқ экан. Уз кўзим билан кўриб келдим. Менинг уйимни тортиб олган раис бува қайси помешчикдан кам?

Қудратов бу қалтис саволга жавоб тополмадими ёки бу ҳақда у билан мунозара юритишни хоҳламадими, ўтган ишга салават, деди.

гиз-ку, бўлди-да, энди, деб қўя қолди. Бундан унинг авзойи бузилганини кўриб сўради:

— Хўш, биздан нима сўрамоқчисиз?

— Сизлардан от билан туя сўрамайман. Чойхона битибди. Амир Умархон ҳам бунақа чойхона қурган эмас! Шундай чойхона майхонага айланмаса дейман. Буни менга беринг, бурунгидай, ёғ тушса ялағудай ярақлатиб, обод қилиб ўтираман.

Қудратов хахолаб кулиб юборди. Ҳамид Ҳакимович ҳам унга қие боқиб қўйди, гапирмоқчи бўлди-ю, индамади.

— Гапим тўғрими, Ҳамиджон ука?— сўради мўйлабини силаб Бой ота.

Ҳамид Ҳакимович сўради:

— От ўзингизникими? Яхши от экан. Эгари ҳам бу ерники эмас шекилли?

— От минганники! — деди у кулимсираб. — Лўлилардан арзон гаров сотиб олдим. Отсиз туrolмайман. Узимми отимми қулоқ бўлганимда мусодара қиворишган. Эгарми? Эгари ўзимники. Уша ёқдан олиб келганман. Бу эгарда улоқ чопардим. Ҳа, отдан тушсангиз ҳам эгардан тушмапсиз-да, демоқчимисиз, а, Ҳамиджон ука?

Бой ота яна мўйлабини бармоқлари билан силаб қўйди. Унинг шунақа одати бор эди. Бирор гапни қойил қилиб қўйса ёки бошқа бирорнинг бирор гапи унга маъқул тушса, мўйлабини бураб, аста силаб қўярди. Ҳозир унинг ўз гапи ўзига маъқул тушганди. Унинг ўз таъбири билан айтганда, отдан тушгани билан эгардан тушмаганди. Чунки, уни колхоз қурилиши йилларида бир йиғилишда «қулоқ» деб эълон қилишди. Қишлоқ активлари унинг мол-мулкани рўйхатлаб, молияга элтиб бердилар, бир оти ва икки ҳўкизини коллектив хўжалик хайвонлари қаторига қўшиб қўйдилар. Бой ота Мирзачўлга кўчиб келиб, олди-сотти қилиб юрди. Қучларнинг бирида «меҳнатсиз унсурлар» қаторида қўлга олинио, Сибирга сургун қилинди. У Сибирдан қочиб, Иваново областига келди. Чунки, бу ерда илгари борди-келди қиладиган эски читфуруш танишлари бор эди.

Бой ота эпчил одам бўлгани учун бировни ака, бировни ука деб, ҳар кимларнинг хизматини қилиб юрди, кейинча шаҳар ҳаётига чидамай «Олтин ҳалқа» йўли бўйидаги «Ильич васияти» колхозида отбоқар, молбоқар бўлиб ишлай бошлади. Сўнг, Мирзачўлга бориб хотини, болаларини ҳам кўчириб келди. Колхоз унга томорқа берди. Бой отанинг қўлидан дурадгорлик ҳам келарди. У тез орада катта йўл бўйига яхшигина уй қуриб, томорқасига қўйхона-ю, молхона тиклади. Унинг кабобпазлиги ана ўшанда бошланганди. У ҳар ҳафта битта қўй сўйиб, шанба, яшанба кунлар йўл бўйида кабоб пишириб сотди. Тушган пулнинг бир қисмига яна қўй олиб бўрдоқига ташлаб, қолган пулни омонат кассага солди. Пули ҳам, қўйи ҳам баб-баравар кўпайиб борди. Кейин у от-арава қилиб олди. Колхоз даласида эса, Бой отанинг мол-қўйи кўпайиб борарди. «Колхоз уставини бузувчи унсурдан» томорқани ҳам, ортиқча мол-қўйни, аравани ҳам колхоз ихтиёрига олиб қўйдилар. Албатта бепул эмас, давлат нархида ҳақ тўлаб олдилар. Иккинчи марта қулоқ бўлдим, деганда шу воқеани назарда тутганди.

Ушандан кейин у болалари билан торф қазийдиган корхонага жойлашиб олди. Еши етгач, эр-хотинни пенсияга чиқардилар. Пенсия пулини белига туғиб, пенсионер дафтарчасини қўлига ушлаб, ўз қишлоғига борди. «Қолган умримни киндигимнинг қони тўкилган жойда ўтказаман» деб ўйлади. Аммо у ўйлаганича бўлмади. Ота-онаси оламдан ўтган, у катта бўлган ҳовли-жойга колхоз ранси данғиллама уй

қуриб олганди. Бой ота, бу уйнинг ичига киришга журъат этмай, оламдан ўтган ота-онаси арвоҳига кўчада тиловат қилди-да, Ивановога қайтиб келди. Бу вақт ичида Ўзбекистондан келган унинг юртдошлари балчиқзорларни қуритиб, зах ерларнинг сувини қочириб, унумсиз ерларни ўзлаштиришга киришган эдилар.

«Яхши бўлди! Яхши бўлди! — деди у қувониб, мўйлабларини ёғлаб, ялтиллашиб кўчага чиқди-да, Қудратовга йўлиқди. — Оғир ишга ярамасам керак, аммо икки ўғлим бор, торф қазийди. Икковини сизларга икки қўллаб тутдим, эскилар айтганидай, суюги меники — гўшти сизники. Ишлатаверинг!..»

Бу воқеага ҳам уч-тўрт йил бўлиб қолди. Ушандан бери Бой ота Қудратовга неча марта дуч келса, ўшанча марта кабобпазлик қилишга ундан рухсат сўради. Бу гал эса, янги чойхонани қўлга киритишни кўзлаб келганди.

— Чойхонанинг эгаси бор, деди Қудратов. — Кабобпазни атайлаб Тошкентдан, сомсапазликка эса, марғилонлик «гўшт куйди» устасини олиб келганмиз.

— Э, уларингиз ярамайди! деди тўсатдан Бой ота.

— Нега ярамас экан?

— Кабобни музлаган мол гўшtidан шириптилар. Кабоб дегани янги сўйилган қўй гўшtidан зира-пиёзлаб шириш керак-да! Кабобнинг хуш бўйи бир тош наридан гупиллаб турсин-да! Ана уни кабоб деса бўлади...

— Гўштни самолётда олиб келяпмиз-да.

Бой ота мўйлабини силаб қўйгач, деди:

— Мана мен, ҳар куни қўй сўйишим мумкин.

Унинг бу гапи Ҳамид Ҳакимовични қизиқтириб қўйди, унинг бу гапида бирор асоси бўлса керакки, катта гапиряпти, деб кўнглидан ўтказди. Кейин шу ҳақда сўради:

— Ҳар куни бир қўйни қаердан олиб сўясиз?

— Бу ерда қўй арзон, лекин олиб сўядиган одам йўқ. Ҳамма магазиннинг тайёр гўштига кўз тикиб туради. Мабодо, қўй сотиб олинармиш, деган гап тарқалса борми, ҳамма қўй сотадиган, қўй боқадиган бўлиб кетади. Бу ерда истаган одам қўй боқиши мумкин. Атрофга қаранг, ҳаммаёқ ўтлоқ.

— Узингизда қанча қўй бор?

— Битта ҳам йўқ. Уша қийин-қистовга олган вақтларида сўйиб еворганман. Битта мен эмас, бошқалар ҳам хомталаш қилиб юборишган. Шунинг учун туёқ камайиб, гўшт танқис бўлиб қолди-да.

— Янглишган эканмиз ўшанда, — деди Ҳамид Ҳакимович. — Бордию, бир қўтон қўй қилиб берсак...

— Бе! Кучиннинг одамлари кўзимми очирармикин?

— У вақтлар ўтиб кетди, — деди Қудратов луқма ташлаб. — Ҳозир ҳар қанча боқсангиз ва хоҳлаган жойда сотсангиз бўлаверади. Ҳукумат махсус қарор чиқарди.

Бой ота кўзларини чақчайтириб, деди:

— Йўғ-э!

— Ҳа, нима бўпти. Элатда бўлса эл тўяди.

Бой ота мўйлабини икки ёққа силаб, тараб олгач, мийиғида кулиб, сўради.

— ЯИСми бу?

Ҳамид Ҳакимович ҳайрон бўлиб, унга қараб қўйди.

— У нима деганингиз?

— Я...И...С... Янги иқтисодий сиёсат, деганим. Бир вақтлар бўлгани-ку! Ушанда буржуйлар ертўлалардаги олтин сандиқларини таш-

қарига чиқарган, чакана савдогарлар эса, энди қанот ёзаётганларида сандиқлари синиб, патлари юлинганди. Яхши бўлганди. Энди, буёғи қандай бўларкин?

Ҳамид Ҳакимович хахолаб кулди-да, унга қўлини чўзди.

— Қўрқманг, Бой ота сиз сандиғи синадиган одамларданмассиз. Хоҳласангиз шартнома тузамиз. Қўлингизни беринг! Гўшти сиз етказиб турасиз. Ем-хашакка ёрдамни аямаймиз! Бор-бараками, а?

Бой ота иккиланиб ўтирмай унинг қўлини олди.

Бу ишлар Қудратовга ҳам маъқул эди. У табассум билан ҳар икковиға қаради-да, мамнунлик билан ҳазиломуз деди:

— Янги қўй гўшtidан зира-пиёзлаб чўғда пиширилган кабобдан Бой ота ҳам татиб кўрадимми?

— Ҳамид Ҳакимович, поччасига юзланиб:

— Хоҳлаганича!— деди.

Ёмғир тиниб, булутлар тарқалди. Урмон орқасидан кўринган қуёш Волга бўйларини ёритиб юборди. Дарё суви яна ўз маромида тинч, сокин оқа бошлади.

### III

Область партия комитети идораси жимжит эди. Йўлакларга тўшалган гиламлару, оппоқ поёндозларнинг охори тўкилмагандай, гўё унинг устидан ҳеч ким босиб ўтмагандай турарди. Кабинетларнинг эшиклари ёпиқ бўлиб, баъзиларидан аҳён-аҳёнда ёзув машинкасининг «чиқ-чиқ»и эшитилиб турарди. Қудратов билан Ҳамид Ҳакимович «Қабулхона» деган ёзувли эшикни очдилар. Уларни қабулхонада Кудимовнинг ўзи кутиб олди. У одатдагидан қувноқ, хушчақчақ эди.

— Марҳамат, марҳамат!— деди Кудимов уларни кабинетига таклиф қилиб.

Улар юмшоқ стулларга ўтиришлари ҳамон котиба жувон уч стакан лимонли қора чой келтириб, бирини Кудимовга узатди-да, қолган иккисини меҳмонларнинг олдиға қўйди. Стаканлардаги чойдан иссиқ буғ чиқиб турарди.

— Демак, бирингизга яхши боринг, иккинчингизга хуш келибсиз, дейишим керак экан-да, шундайми?

— Бу киши Ҳамид Ҳакимович бўладилар. Менинг ўрнимга тайин қилинган янги одам. Ўзи...

— Буёғини ўзим биламан,— деди Кудимов унинг гапини шу жойда тўхтатиб.— Кеча Розиков телефон қилиб, ҳаммасини айтиб берган. Икковингиз яқин қариндош эканликларингизни ҳам биламан. Бир жихатдан жуда соз бўпти. Ҳамид Ҳакимович қолган жойидан бошлаб кетаверади. Шундайми?

— Шундай,— деди Ҳамид Ҳакимович унинг гапини маъқуллаб.

Кудимов қошиқчаси билан стакандаги қандни чойда эритиб олгач, бир хўплади-да, меҳмонларға табассум қилди.

— Иссиғида чойни ичинглар.

Меҳмонлар ҳам чойдан бир-икки хўплаган бўлдилар. Суҳбат давом этди.

Кудимов Ҳамид Ҳакимовичдан сўради:

— Эшитишимға қараганда далаларни кўриб келибсизлар. Қаерларда бўлдиларингиз? Нималар ёқди-ю, нималар ёқмади?

— Ёқмади, дейишиға асосим йўқ, ҳамма жойда тинимсиз иш бор-япти. Менга ана шу жонбозлик жуда маъқул тушди,— деди Ҳамид Ҳакимович.— «Иваномелиорация» бирлашмасининг ишларидан қойил қолдим. Беш йил ичида областда шунча кўп иш қилиб улгуришибди.

Қирқ беш минг гектар ердаги балчиқни қуришиб, йигирма беш минг гектар ерга сув чиқардилар, азаматлар. Лекин бу соҳада Москва, Рязань, Пермь областларига етолганимиз йўқ. Қизил байроқ ҳамisha пермликлар қўлида. Янги ўзлаштирилган ерлар ҳосилдорлиги жиҳатидан эмас, Москва области илгарилаб кетди.

Қудратов кабинет деворига осиб қўйилган таниш харитага кўз ташлаб олди-да, унга Ҳамид Ҳакимовичнинг ҳам эътиборини жалб этди. Бу харитадан Россия федерациясининг жами сағизтупроқ ерларида олиб борилаётган мелиоратив ишларни билиб олиш қийин эмасди. Бундан беш йил илгари фақат ингичка чизиқ билан ўраб қўйилган квадратлар энди тўққизил бўёқ билан бўялганди. Демак, ўша вақтдаги режалар амалга ошди, деган гап эди. Кўк қалам билан алоҳида белгилаб қўйилган квадратлар ундан ҳам кўп эди. «Булар ўн биринчи беш йиллик объектлари бўлса керак» деб ўйлади Ҳамид Ҳакимович.

— Келаси йилга белни маҳкамроқ боғлайсиз. Ҳамид Ҳакимович, — деди Кудимов. — Келаси йили янги беш йилликни сизнинг тажрибангиз асосида бошлаймиз.

— Қудратовчиларнинг тажрибаси бизникидан яхшироқ-ку!

— Мен бутун ўзбек мелиораторларининг ютуқларини кўзда тутяпман. Бу ҳақда партия Марказий Комитети қарорида ҳам алоҳида уқтириб ўтилди. «Правда»нинг бош мақоласини ўқигансиз, албатта. Масала шундоқки, навбатдаги беш йилликда ўртоқ Розиков ҳам биздан маблағини аямайдиган. Бир йилда олти ярим миллионга яқин оқ олтин олган хўжаликка унча-мунча миллионлар ҳеч гап эмас!

Кудимов, ёзув столи остига ўрнатилган кнопкани босган эди, котиба жувон кириб, бўшаган стаканларни йиғиштириб кетди ва хаёл ўтмай уларни буғи чиқиб турган қайноқ чойга тўлдириб келди. Кудимов қайноқ чойни шошилиб ичди-да, ҳалиги фикрини давом эттирди.

— Сизларга ҳам осон тутиб бўлмайди, аммо бизчалик эмас. Негаки, сизлар маҳсулот олмашув системасида яшайсизлар. (Мен пахтакорларни кўзда тутяпман). Пахтани дўндириб қўйсаларингиз нон, гўшт, сут, кийим-кечакларингиз тайёр. Пахтакорлар бу жиҳатдан қарийб коммунизмда яшайптилар. Сағизтупроқ ерларни ўзлаштиришимиз коммунизм қурилишини янада тезлаштиради. Демак, ҳашар давом этади. Ҳаммамиз битта кемадамиз, йўлимиз бир...

Ҳамид Ҳакимович поччасига мамнун қараб қўйди.

— Ун биринчи беш йилликда ҳам?..

Албатта, — деди Кудимов. — Сизларни бу ердан қўйиб юбормаймиз. Тўқсонинчи йилларни кўзлаб қадам ташлайверинг, биродар! Тўқсонинчи йилларнинг охирига бориб одамлар сони икки баравар кўпаяди. Уларга ҳар жиҳатдан шарт-шароит яратмоғимиз керак. Партиямиз программаси худди шу асосда тузилган...

«Яхшиямки еримиз кўп, ҳали ўзлаштириладиган майдонларимиз бениҳоя. — деб кўнглидан ўтказди Қудратов, — мўл-кўлчилик яратилиннинг беҳисоб резерви, қати очилмаган бепоён хазина!..»

Қудратов ичи-ичидан қувончга тўларди.

#### IV

Қиш ойи бўлса ҳам дов-дарахт уйғониб, майсалар кўкарган, жануб томонларда дон экилмоқда, қишлоқ кўчаларида баҳор шабадаси эсмоқда эди. Қуёш чарақлаб турар, унинг нуридан Қудратовнинг ҳовлиси, ойнабанд айвони, кунгай уйлари ҳам илиб ва кулиб турарди. Афсуски, бу уйнинг бекаси, демакки, кулбанинг қуёши йўқлигидан

шундай сўлим баҳор табиати ва Қудратовнинг дилини илтиолмас, аксинча, гўё кимсасиз ҳовлисини туман босгандай эди. Қудратов болаларини бошлаб мазор бошига борди. Дилафрўз дафн қилинган қабристон қишлоқдан сал нарида. Жиззах чўли бошланадиган жойда эди. Аввало у Дилафрўзнинг қабрини танимади. Атрофи бетон плиталар билан қўрғон қилиб ўраб қўйилганди. Мармар тошга туғилган ва ўлган йили, остидан эса «Ором бўлсин, сизга!» деган ёзувлар ёзилганди. Ким қилди, қачон қилди буни?— деб кўнглидан ўтказди.— Халил Баҳромовнинг иши бўлса керак. Еки Розиков айтганмикан? Ким қилган бўлса ҳам барака топсин!

Дилафрўзнинг мозори қабристоннинг шарқий дарвозаси рўпарасида, эски ва янги қабрлар орасида эди. Кимдир қабр атрофига тош териб қўйибди. Бош томонида сўлинқираб қолган гуллар сочилиб ётибди. Болалар сочилган гулларни йиғиб, қабр бошидан янгисига жой бўшатдилар. Қудратов Россия тупроғида парникда ўсган бир даста чинни гулни (шу мақсадда атаб олиб келганди) мангу ухлаб ётган умр йўлдоши бошига қўйди-да, тиз чўкди. Болалари ҳам унинг ёнига, қабр атрофига тизилиб ўтирдилар. Қудратов болаларига маънодор қараб қўйди. Унинг нима деярини, нима қиларини билмай жим ўтирдилар. Дадасининг боши эгилиб, лаби қимирлади, катта болалар билдиларки, дадаси уларнинг онаси руҳини ёдлаб, қалб сўзини бахшида қилмоқда эди. Фақат Отажон бунинг сирини билмай ҳайрон қараб турар, у, онаси шу тупроқ остида ётганини ҳам тушунмасди. Қаёқдан билсин, унинг назарида онаси ҳамон туғуруқхонада ётгандай эди.

— Онанг мана шу жойда ётибдилар,— деди Қудратов кенжасининг бошини силаб.— Катта бўлганинда шу ерда қаттиқ ухлаб ётган онажонинг бошига тез-тез келиб турасан, гулчамбарлар қўясан. Яхши болаларнинг бурчи шунақа...

Отажон гоҳ қабрга, гоҳ отасига, гоҳ гулдастага қарарди. Нега унинг онаси ер остида ухлайди? Ҳамма болаларнинг оналари болалари билан уйларида ухлайди-ку! Нега унинг онаси шундай қўрқинчли жойга келиб қолган? У ҳамон ҳайронликда эди... кўзлари мўлт-мўлт қиларди, холос.

Қабристон гўё палаги сўлиган полиздай, гўрлар эса ичи тушган қовунлардай тартибсиз ётарди. Фақат сағаналар, қабрга қўйилган мармар тошлар қуёш нурида ялтиллаб турарди. Қудратов уларга сўзсиз назар ташлаб ўтди-да, ҳамон кўзи ёшланиб турган Отажонни бағрига босиб, бошқа болалари қуршовида уйига қайтиб келди. Анча вақтгача қабристон унинг кўзидан нари кетмади. Не-не одамлар ер остида ётибди... Ер, ер, деб унга етишолмай ўтган боболар ҳам ётибдилар... Ҳамманинг жойи, шу жумладан сенинг ҳам жойинг ўша ерда, Дилафрўзнинг ёнида...»

Шундан кейин бир неча кунгача Қудратов уйдан ташқарига чиққани йўқ. Болалари соғинишиб қолган эканлар, уни ҳовлидан бир одим ҳам нарига қўймадилар. Қолаверса, келди-кетди, айниқса, қариндош-уруғ сира уни бекор қўймади.

Унинг ўзи ҳам қишлоғининг илиқ шабадаси, қайноқ қуёши, сахий ёзи, баракали олтин кузини соғиниб қолганди. Серқуёш чўлларда терлаб-пишиб ишлаб, янги совхоз қуриш ташкил қилишни кўнгли тусаб юрганди. Бу ҳақда у болаларига завқланиб гапирарди. Жиззах чўлида бир хўжаликка ўхшамаган антиқа совхоз яратмоқ ниятида эди. Қудратов тезроқ далага чиққиси келса ҳам, Халил Баҳромов билан учрашгани ошиқмасди. Яхши ишлаётган бўлса халақит бериб нима қиламан, дер эди.

Кўпинча у болалари қуршовида вақт ўтказарди. Дўмбоққина, оп-

поққина Отажон боғча ёшига етса ҳам, кун-тун дадасининг тиззасида ўтирар, қимирлагудай бўлса этагига ёпишар, кечалари бирга ётарди. Шу куйи бир ҳафта боғчасига ҳам бормади. Ҳаким ака келди-да, бола ҳавойи бўлиб қолмасин, деб уни не-не машаққат билан боғчасига элтиб қўйди. Шундан кейин қайнота-куёв бафуржа суҳбат қилдилар.

Суҳбатдан олдин улар бир-бировларига назар ташлаб олдилар. Қудратовнинг назарида қайнотаси анча қариб, бирмунча сўлиб қолгандай эди. Унинг ҳамшиша нуроний кўринадиган юзи сарғайиб, икки чаккаси ичига киришиб қолганди. Қайнотанинг кўзига Қудратов ҳам ўзгача кўринди. «Озиб қолибди бечора, ғам не-не одамларни икки букмаган?» деб кўнглидан ўтказди.

Ҳаким аканинг тўнғич куёвига айтадиган гаплари кўпайиб қолганди. Уғил-қизлари ҳар ёқда. Улар билан хат орқали алоқа қилар, ора-чорада телефонда гаплашарди, холос. Ҳар жойда юрсаларингиз ҳам тинч бўлсаларингиз кифоя, дер эди ота узоқдаги фарзандларига. «Тинчлик қаёқда, югур-югур билан кун ўтганини билмаймиз» деб ёзганди БАМдаги ўғли Эргаш. Ундан кечагина келган хатда, «Саксон бешинчи йилнинг ёз ойигача хайр!» деганмиш. Невараларини соғинган бўлишса, чол-кампир етаклашиб БАМга борсинлармиш.

— Боринглар, ёшликнинг кети, кексаликнинг олди қилиб ўйнаб келасизлар, — деди куёви унга мулоиймигина.

— Бе, — деди Ҳаким ака:— Илгариги қувват қаёқда. Қизим Дилафрўз вафотидан кейин Мухтасар ойингиз ҳам яримта бўлиб қолди Кенжа ўғлим, КАМАЗга келинг, Волга кемаларида Каспий билан Қора денгизгача олиб бораман, депти. Боролмадим. Борсак бўларди-ю, манави Отажонларни кўзимиз қиймади.

Қудратов индамай унинг сўзларини тинглаб ўтирди, қайнота гапини давом эттирди:

— Ажойиб замонлар келди-да, шунча болаларни учирма қилибман, бир кўрмоққа муштоқман, улар эса, набира керак бўлса орқасидан келиб кўриб кет, деб тобора узоқлашиб кетишяпти. Яқин ўртада бўлсалар ҳам бир нав эди. Бири Африка, яна бири Афғонистонда. Манзура қизим ҳам эри билан икки йилга Ироққа кетармиш. Нотинч жой.

— Мен ҳам болаларни деб зарур ишни чала-чулпа ташлаб келдим. Яхшиямки, чала ишларни бегонага эмас, ўз қайнимга топширдим. Уғлингиз Ҳамиджон ўзимдан ҳам зиёда иш қилишга ишонаман.

— Сизга бошқа иш беришдимиз ёки шу Халилни ўрнига ўтирасизми?

— Шу янги совхозни бошқаришим керак эди. Хўп дегандим. Ҳозир ўйланиб қолдим.

— Нега?

— Ҳозирги директори Халилжон Баҳромов оз ишлаган бўлса ҳам мустаҳкам ўрнашиб олибди. Ёш. Чаққон. Юрганда оёғи устидан чақмоқ чақнайди, кўксига чавдўш қўйса қайнатадиган ўти бор йигит экан. Гапи ҳам маъноли. Келажаги зўр йигит. Шундай истиқболли кадрнинг ўрнини тортиб олгандай бўлиб қоляпман... Тўғриси, ўша йигитга жабр қилгим йўқ.

— Юқоридан бўляпти-ку, бу ишлар.

— Уша юқоридагиларга ҳам мен ҳақ гапни айтишим зарур ва бориб айтаман.

— Бу ишингизни бошқачароқ тушунишмасмикин, яъни масалан, менга каттароқ иш бер, буниси кичиклик қилади, дегандай туюлмасмикин?

Қудратов жимиб қолди. У лабини лабига босган, гўё тилини тиш-



лаб олгандай эди. У қаттиқ хаёлга толганида шундай қилиб анча вақт гача жим ўтирар, ҳатто суҳбатдошининг саволига жавоб қилишни ҳам унутарди. Ҳозир ҳам шундай қилди. Қайнотасининг саволига аниқ жавоб бермай, лабини жуфтлаб, иягини ушлаб ўтираверди.

Ҳаким ака, унинг ҳолатига қараб, куёвимга чигал жумбоқ ташлаб қўйдим шекилли, ўйга ботиб қолди бечора, деб ўйлади-да, гапни бошқа масаллага, яъни унинг шахсий тақдири масаласига бурди.

— Рўзғорингиз масаласида ҳам ўйлаб кўришингиз керак. Қачон гача ёлғиз ўтасиз. Уйланишингиз керак.

— Осон иш эмас-да...

... Нега?

— Болаларнинг ўз онасидай бўлармиди... Қолаверса, қайси аёл олти болали эрга тегади? Ҳамма аёллар ҳам тинчлигини кўзлайди. Болалари устига уйланган одамларнинг аҳволини кўрганман. Уйларида ҳар кунни жанг. Болаларни ўз онасидан айирмасин экан...

— Қизларингиз катта бўляпти. Қимдир оналик қилиб, уларни ювиб-тараб, куёвга узатиши керак-да.

Қудратов яна ўйга ботиб, бояги ҳолатига тушиб олди. У чап қўли билан иягини тираб, лабларини маҳкам жуфтлаб, ҳатто кўзларини ҳам юмиб ўтирарди.

«Бечорага қийин. Жуда қийин,— деб кўнглидан ўтказди Ҳаким ота унинг бу ҳолатига разм ташлаб.— Эркак киши тадбиркор бўлиши керак-да. Унлаб, юзлаб кишиларнинг мушуқулини осон қила билган одам ўз тақдирини ўзи эплаёлмас эканми!..»

Қудратов ҳам ўз тақдирини ўзи ҳал қилмаса, бировнинг ақли билан оила қуриш, айниқса, қулаган бахт иморатини қайта тиклаш ниҳоятда мушуқул эканини яхши тушунарди. Унга маслаҳат берадиган одамлар ҳам жуда кўп бўлди. Маслаҳатчиларнинг ярми «уйланинг» деса, ярми «уйланиш қочмайди, бу ишда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак» деди. Болалари ҳам отасининг уйланиши ёки уйланмаслиги ҳақида кўп баҳс юритардилар. Бўйига етиб қолган қизлари, дадамизни кири ювуқсиз қолармиди, ҳамма ишини ўзимиз қиламиз, дер эдилар-да, бу ўйга ўғай она келишини сира хоҳламасдилар. Уғил болалар эса оталарининг ёлғиз юришидан кўра уйланиб олгани яхши, янги онамиз уй пойлаб ўтиради, дер эдилар. Аммо Қудратов бу ҳақда бировга лом-ним демасди.

Кунлар кетидан кунлар ўтиб, унинг бир ойлик отпускази ҳам тамом бўлди. Жиззах совхозида уни сабрсизлик билан кутмоқда эдилар. Айниқса, Халилжон унга тезроқ иш ўтказиш иштиёқида эди. Қудратов совхозда пайдо бўлиши ҳамон Халилжон унга совхознинг бор бисотини очилган ер, қурилган иншоотлар, сув йўлларини чала-ярим кўрсатса-да, режалаб қўйилган ва тезда амалга оширилиши керак бўлган муаммо масалалар ҳақида гапирди. Қаерга зовур қазиб, қаерга лоток ўрнатади, молхона, товуқ фермаси, қуёнчилик биноси, ҳатто «хизмат — беминнат» биноларининг пойдеворини кўрсатди. Муаммоларни қаерда, қандай ҳал қилиш ҳақида гапириб, бу ишларнинг қалити кимда эканини ҳам батафсил айтиб берди. У «Жиззах»нинг намунавий совхоз бўлишига ишонганини айтиб, биргалашиб бажарамиз, амалга оширамиз, деб ҳар ишга ҳозир у нозирлигини билдириб-турарди. Қудратовнинг назарида унинг ҳамма гапи беғараз, самимий эди.

— Сизга муваффақият тилайман, Халилжон!— деди Қудратов у билан кўчада ҳайрлашаркан,— режаларингиз маъқул, ғайратингиз бе-ниҳоя, мақсадингиз мароқли. Бу ишларни ўз қўлингиз билан поёнига етказганингиз яхши!

Шундай деди-да, Қудратов кабинетга кирмай, даладан нари кета-

верди. Халилжон ҳайрон бўлганича қолаверди: «Бирор гапим ёқмадимми? Нега бундоқ қилди экан бу одам?»

Қудратов, уйига ҳам кирмай, тўғри райкомга борди. Райкомда уни иззат-икром билан кутиб олдилар. Айниқса, биринчи секретарь унинг келишидан мамнун эди. «Жуда соз бўлди. Ивановодаги, биродарлар еридаги ютуқларингизни эшитиб хурсанд бўлиб юрардик. Ма-на энди бирга ишлаймиз,— деди-да, хомушроқ кўрингани учун ажабланиб сўради:— Совхоз билан танишиб келдингизми?» Қудратов одоб-андиша билан «танишдим» деб қўяқолди. Унинг бу қисқа ва қуруқ жавоби биринчи секретарни қониқтирмади, аниқлаб олиш учун «Ишни қабул қилиб олдингизми?» деб сўради.

— Ушандай ишчан, қобилиятли, истиқболи порлоқ одамни нима учун бўшатмоқчисизлар? Шунга ҳайронман. Совхоз қурилишига жонини бераётган одам экан!

Биринчи секретарь кутилмаган бу гапдан ҳанг-манг бўлиб қолди. Унинг ўзи ҳам Халил Баҳромов ҳақида яхши фикрда бўлиб, уни жойидан жилдиргиси йўқ эди. Қудратовнинг шу совхозга директор бўлиб келиши унинг учун янгилик бўлса-да, уни қабул қилмасликка иложи йўқ эди. Шундай бўлса-да, Қудратовнинг ҳозирги гапидан мамнун бўлганини яширолмади.

— Ҳақ гапни гапирдингиз. Баҳромов тез орада йўқ совхозни оёққа тургазди. Сизга яхши ўринбосар бўлади у йигит.

— Ўзи ишлайверсин,— деди қатъий қилиб Қудратов.— Ушандай одамни бўшатиш — пойгада чопиб кетаётган отнинг оёғига кишан ташлагандай бир иш бўлади.

— Ҳақ гап! Ҳақиқатни гапирдингиз,— деди биринчи секретарь Қудратовнинг гапидан мамнун бўлганини яширолмай. У бир оз ўйлашиб тургач, маслаҳатомуз деди: Область нима деркин?.. Бу иш ўшаларнинг ихтиёрида.

Қудратов область раҳбарларига ҳам шу гапларини такрорлади. Улар на ҳа, на йўқ дедилар-да, Розиковга йўлиқишни буюрдилар.

Розиков куни билан банд бўлди. Гоҳ чет эллик меҳмонларни қабул қилар, гоҳ Москвадан келган кишилар билан объектма-объект юрарди. Кечга яқин эса, агрономлар кенгашида нутқ сўзлаши керак эди. Қудратов унинг ана шу кенгашдан чиқишини кутди. Ҳа деганда у бўшаб чиқолмагач, эртага йўлини пойлайман, деди-да, меҳмонхонага жўнади. У катта йўлни кесиб ўтаётган чоғида енгил машина қаттиқ тормоз бериб тўхтади.

— Машинага марҳамат!— деди унга кимдир меҳрибон оҳангда.

Машинада Розиков ўтирарди. Уни ёнига ўтқизиб олгач, Қудратовдан сўради:

— Қалай, отпускаи тамом бўлдими, ишни бошладингизми? Болалар қалай, кичкиналар роса севинишгандирлар?

— Ҳаммаси яхши. Лекин ишни қабул қилганим йўқ.

— Нега?

— Сиз билан маслаҳатлашиб оладиган гап чиқиб қолди.

— Яхши бўпти, уйда гаплаша қоламиз. Балки, сизнинг ҳам қорнингиз очгандир.

Розиков Ипакчи кўчасидаги тўрт қаватли уйда турарди. Ташқарида кўринишда бу уйнинг бошқалардан фарқи йўқ эди. Розиков яшайдиган квартира ҳам қўни-қўшилар қатори оддийгина, камтарона жиҳозланганди. Аммо бошқалариникидан фарқи ҳам йўқ эмасди. Қудратов остонадан қадам қўйиши ҳамона ўзини гулхонага кириб қолгандай ҳис этди. Деворлар, деразаларнинг токчаларидаги тувак гулларни кўриб кўзи ўйнади.

Розиков бир зумда кўчалик кийимини алмаштириб чиқди.

— Уй икковимизга қолибди. Болалар уйлик-жойлик бўлиб кетишган. Келинойингиз неварасини бошлаб, мактабга ота-оналар мажлисига кетибди. Бир оз ўтириб турасиз.

Шундай деди-да, Розиков ғойиб бўлди. Ҳаял ўтмай ошхонада идиш-товоқларнинг тарақ-туруғи эшитилди, қиздирилган ёғ ҳиди димоққа урилди. «Овқатни ўзи пиширяпти шекилли» деб ўйлади Қудратов уй хўжасига ёрдам бериш мақсадида ошхонага кирди. Ошхонанинг ичи тутунга тўлганди. Розиков оқ фартук боғлаб олиб, япалоқ қозонда нимадир қовурмоқда эди.

— Нега овора бўляпсиз, келинг мен пишира қолай.

Розиков тутундан ачиган кўзларини ишқалаб туриб, бу ёққа кирманг, кўзингиз ачишади, деди.

— Тухум қовурмоқчи эдим, ёғи ёниб кетди. Энди бошқатдан пиширяпман. Ичкарига киринг, журнал столидаги газеталарни қараб турунг, ҳозир бораман.

У қўярда қўймай меҳмонни ичкарига киритиб юборди ва айтганидай қилиб бир пастда столга бир ликоп тухум қовурдоқ келтириб қўйди.

— Баъзан шундай бўлади,— деди у изоҳлаб,— камдан-кам қозонга уринаман. Уй бекасининг қаерда нимаси бор, дарровда топилавермайди. Сизни ҳам анча кутдириб қўйдим.

— Ҳечқиси йўқ. Сизни уринтириб қўйганимдан ҳижолатман.

— Сиз бўлмасангиз ҳам шу ишни қилардим-да,— деди Розиков кулимсираб.

Улар таомдан кейин чой ичишиб гаплашиб ўтирдилар.

Қудратов дилидаги гапини айтишга баҳона тополмади, Розиков эса иш ҳақида сўз очмади. У фақат Ивановодаги одамларнинг ҳаёти, меҳнати ва фаолияти тўғрисида сўроқларди. Гап орасида у Қудимов гапирган кабобфуруш ҳақида сўради «ўша одам борми, бўлса нима иш қиляпти?» деганди, Қудратов «ундан фойдаланяпмиз» деб жавоб берди.

Розиковга бу иш маъқул тушганди. Иқтисодий программани амалга ошириш учун заррача имкониятдан ҳам фойдалана билиш керак, деди.

— Уша одамнинг сизга айтолмай қолган гапи бор экан, сўраб билиб олдим. Элақда турмайдиган гапни айтди.

— Қани, нималар демоқчи экан?

— Гапининг мазмуни шуки, бир от, бир қўш хўкизли киши қулоқ бўлувди, нега икки «Волга» бир жуфт «Жигули» эгаси, яъни юз элик от кучига эга бўлган «Унсур қулоқ бўлмайди?» эмиш. Уша Бой отанинг уйи ўрнига жой солиб ўтирган раис қайси помешчикдан кам эмиш... Шайтон нима-ю, у нима.

— Шайтонликка шайтон бўлса керак,— деди Розиков,— лекин ҳар қандай кишини ўйлантириб қўядиган гап қилибди.

— «Хусусий хўжаликларда чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш — янги иқтисодий сиёсат эмасми?» деб сўради. Ким нима деса деяверсин, аммо бу тадбирлар элимизга, коммунистик қурилишимизга фойда келтирса бас, дедим.

Розиков суҳбатдошининг бу фикрини маъқуллагандай бош қимирлатиб қўйди.

— Бир масалада менга маслаҳат берсангиз, устоз,— деди ниҳоят Қудратов ўз мақсадини айтишга журъат этиб.

— Тўй бўлиб қолдими?— деди Розиков унинг сўзини бўлиб.— Тўйга айтгани келган бўлсангиз керак, деб ўйловдим.

— Уйланишга ҳали узоқ. Уғлимни уйлаб, қизларимни куёвга чиқаришим керак.

— Бирданига шунча тўйми? Табриклайман.

Уч келин олиб, уч куёв кўришим керак, лекин бирданига эмас. Ҳозирги маслаҳат бошиқа масалада. Биродарлар майдонидан бир қучоқ материал тўплаб келиб эдим. Шуларни умумлаштириб, тартибга солишим керак. Иложини топсам, бирор нарса ёзишим мумкин эди.

— Яхши ўйлабсиз. Албатта қилнинг бу ишни. Икки халқ ҳамкорлиги ҳақида сизга ўхшаган жонли гувоҳлар ёзмаса, ким ёзади?!

— Шунинг учун Жиззах совхозида Халилжоннинг ўзи ишлаб тураверса, демоқчи эдим.

— Айтмоқчи, бу гапни ҳам эшитдим. Областан қўнғироқ қилишди. Халил Раҳмонов учун жонбозлик қилибсиз. Қани энди бошқалар ҳам сизчалик одамжон бўлса. Ўйлаб қарасам, сиз ҳақлисиз. Бошқа иложимиз йўқ эди-да. Тўғриси айтсам, бу гап ўзингиздан чиққани учун мамнун бўлдим.

Қудратовнинг дили ёришиб, кўзлари кулиб турарди.

— Ўз навбатида мулоҳазангиз учун сизга бир маслаҳат солмоқчиман, — деди бир оз ўйланиб олгач.

— Жоним билан. Қўлимдан келса бош устига!

— Россиянинг унумсиз ерларидаги ишимиз марказга маъқул тушибди. Бизга бундан бошқа яна нима керак? Қулочни кенгроқ ёзиб, қадамни каттароқ ташлашимиз керак, дўстим. Навбатда Ленин области... У ерда қанчадан-қанча ботқоқлик, зах, бутазору, қамишзорлар бекор ётипти. Ўз кўзим билан кўриб келувдим. У ердаги дўстлар ҳам қучоқ очиб туриштипти. Ана шундай қайноқ иш майдонини сизга илиндим. Бунга нима дейсиз?

— Жоним билан, хўп, дейман!

Розиқов бир оз ўйланиб туриб, рўзгорингиз, болаларингиз ҳақида ташвишим бор, холос. Шу масалани ҳал қилсак, у ёғи юришиб кетади, деди.

— Бу ҳақда ташвиш тортманг, — деди Қудратов. Катта ўғлимни уйлантириб қўяман. Укаларига бош-қош бўлади. Отажон, албатта ўзим билан кетади. «Полк ўғли»га ўхшаб, колонна бағрида ўсади.

Унинг гапларини зўр эътибор билан тинглаб ўтирган Розиқов, маъқул, дегандай бош қимирлатиб қўйди. У Қудратовнинг самимиятини қадрларди. Қудратовнинг оила ҳақидаги тадбирлари ҳам маъқул бўлгани учун Ленин областига борадиган Ўзбекистон мелиораторларига ундан бўлак бошлиқ қидириб ўтирмади.

Уйига Қудратов кечаси кириб келди. Ҳамма ухлаётган бўлса ҳам Отажон уйғоқ эди. «Қаёқда эдингиз, дадажон, кетиб қолмадингизми?» деди у дадажонининг бўйнига осилиб. «Сенсиз ҳеч қаёққа кетиб қолмайман» деди дадаси уни қучоқлаб.

Отажон соат санаб, кун санаб, бир ойни ҳам ўтказди. Бу орада вақти-соати келиб, унинг аспирант акаси Тошкентда уйланиб, уйларига олиб келди. Отажоннинг келинойиси шундай чиройлик, шундай мулойим, хушмуомала эканки, кўзидан нур, оғзидан бол томарди. Отажон уни жонидан ҳам яхши кўриб қолди. Келинчак ҳам нима топса Отажонга беради, ардоқлаб, эркалаб, бошига кўтаради. Отажоннинг назарида келинойиси — ўз опаларидан ҳам яхши, акаларидан ҳам меҳрибон бўлиб, худди ўз онасидай жозибали эди. Бир сўз билан айтганда гўё Отажоннинг ўз жонажон онаси тирилиб келгандай эди. Отажон келинойисини ташлаб ҳеч қаёққа кетишни, ҳатто дадаси ялини ёлборса ҳам у билан боришни истамасди. Қариндош-уруғлари ҳам Қудратовга ўғилчасини келинчак қўлида қолдириб кетишга маслаҳат бердилар. «Аввал ўзингиз бориб, жойлашиб олинг, янги ишнинг бош-учини топиб олгач, болангизни олиб кетасиз» деди қайнонаси Мухтасар она ҳам.

Қудратов янги тайин қилинган жойи — Ленин областига жўнаб кетишдан олдин қабристонга Дилафрўз билан хайрлашгани борди. Кимдир тиловат қилмоқда. Яна яқин жойдан аёлларнинг йиғиси эшитилди. Афтидан янги кўмилган марҳумнинг тул қолган ёш хотини нола қиларди. Унинг фиғонидан Қудратовнинг бағри тилингандай, яраси янгилангандай бўлиб, алами алангаланди.

Уйига қайтгач, Қудратов ажиб бир ҳолни кўриб, дили анча ёришди, кайфияти жиндак кўтарилди. Унинг ҳовлиси одамга тўла эди. Болалари унинг сафар анжомларини тайёрлаб, кузатишга ҳозирлик кўриб турардилар. Отажон эса, келинойисининг қўлида, унинг бўйнига маҳкам ёпишиб олганди.

— Дадажон, мен келинойим билан қоламан, а? Кейин ўзимиз орақангиздан борамиз, а, дадажон? Хўпми, хўп, денг?!

— Хўп. Майли!

Шундай қилиб Қудратов олисадаги қийин ва фахрли хизматига, бола-чақасини қишлоғида қолдириб, бир ўзи жўнади.

Катта, равон ва ойнадай тиниқ асфальт йўл тонгги қуёш нуридан ялтिलाб турарди. Қудратовнинг кўнгли тўлмай қолган бир иши бор эди. У ҳам бўлса Лобархонни бир кўрмоқ нияти бўлиб, уни амалга ошмай қолганидан кўнгли ғаш эди. Боя қабристонда, Дилафрўз билан видолашиб ўтирганида у гўё ўз эридан она сутига тўймай қолган чақалоғини сўроқлагандай бўлганди. Ҳа, Дилафрўз Лобархонни сўроқлагандай бўлганди... Қудратов марҳума она руҳини шод қилиш учун ҳам чақалоқни бир кўриб ўтишни ният қиларди. Афсуски, унинг бу орзуси амалга ошмади. У тайин қилинган жойига кетаётиб, йўл-йўлакай Старая Руссага тўхтаб ўтмоқчи ва Лобархонни кўриб кетмоқчи бўлди-да, Москвадан телефон қоқди. Трубкада бегона овоз эшитилди:

— Қаердан бу?

— Сумбула Ҳақимовна бормилар?

— Кўчиб кетишди.

— Ким билан?

— Қизчаси билан.

— Қайси қизчаси билан.

— Қайси қизчаси билан бўларди, уларнинг биттагина қизлари бор. Лобархон! Уша қизини Ивановога олиб кетди.

Қудратов қизчасини кўриб ўтолмаслигидан хафа эди. «Уларнинг биттагина қизи бор. Уша қизини Ивановога олиб кетди» деган гапдан тасалли топди. «Лобархон ишончли қўлларда, Сумбула — унинг онаси бўлса арзийди. Унинг тақдиридан кўнглинг тўқ бўлсин!..»

Қудратов тайин қилинган жойга, кенг кўламда бажарилажак ме-лиоратив ишлар майдонига етиб келганида ҳаво очиқ бўлиб, қуёш ярақлаб турарди. Унинг нуридан теварак атроф ёришиб, ўрмонлар, бутазорлар товланиб, қуёшли диёр вакилини қучоқ очиб қутлаётгандай эди. Шу пайт бутун вужудини шавқ-завқ қопладика, Қудратов юрагидан тошиб келаётган ҳис-ҳаяжонни босолмай, беихтиёр шоир шеъри билан ифода қилди:

Россия, Россия, менинг Ватаним,  
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон!..

1981 йил.



Дадахон Ҳасан

*Қўшиқ айтиб чарх урсам...*

Сен вафо гулшанида кулиб турган ғунчасан,  
Қалбим, тафаккуримда энг олий тушунчасан...  
Айт, жоним, ишқинг мени фазога олиб чиқса,  
Дилрабо нафасингни қалбимга солиб чиқсам,  
Қўшиқ айтиб чарх урсам узоқ, юксак пучмоқда,  
Дегаймисан: «У менинг ишқим билан учмоқда?»

*Тўртликлар*

Мени банд этмаган ҳеч сандин ўзга  
Ва йўқдир сенга қурбон мандин ўзга.  
Бу ишқ дардини ҳеч бир кимса билмас,  
Куйиб-ёнган бу жону тандин ўзга.

□

Тоғ бағридан арчани хонага келтирдилар,  
Ёш келиндек бўй-бастин зийнатга тўлдирдилар.  
Лекин билмади улар, сира билмади улар,  
Шу зайл бир дарахтни жимгина ўлдирдилар.

□

Кўниколмай ҳаётга, ранжисанг, кўнглим,  
Умринг ўтиб кетади бекор-беҳуда.  
Ахир, сенга таржима қилиб дунёни,  
Чарчадим жуда.

□

Вақт — омил, деб ўгит бердингиз.  
Қаноатга йўлим бурдингиз,  
Сабр косам лим-лим тўлганда,  
Зардоб-ку! деб ерга урдингиз.

## Тўтиқуш ҳақида

Сен не десанг, дарҳол уни такрорлаб,  
Нима берсанг олар, унга ош экан.  
Шунинг учун бўлса керак, вожаб,  
Тўтиқушнинг умри уч юз ёш экан...

## Бегона

«Ил-18» оҳиста қўнди  
Шомда Тошкент аэропортига.  
Бир лаҳзада мотор ҳам тинди,  
Трап келди кема бортига.

Ерга тушиб, ҳамроҳим шу пайт,  
«Шукур, — деди сенга, худойим,  
Марҳаматинг туфайли, албат,  
Учиб келдик жуда мулойим».

Кўп пойладим оғзини шу чоқ,  
Мен кутган бир калом келмади.  
«Ҳамду сано» айтаркан бироқ,  
Илюшинга раҳмат демади.



Мен қуёш фарзанди,  
Бир парча чўғман.  
Ёниб яшамоқ-чун келдим чаманга.  
Ғанимлар кўксига отилган ўқман,  
Ғамларни ёқмоққа — лов-лов аланга!

Мени маъзур тутинг, дўстлар, мабодо  
Гоҳ суйиб, гоҳ куйиб кўнглимни айтсам:  
Бир митти қуш каби чарх уриб гоҳ  
Лочин парвозини ихтиёр этсам.

## Қатра

Сени севмоқ билан бошлардим, агар —  
Ҳаётни бошқатдан бошла, десалар.





Тўхтасин Жалолов таржимаси

РОМАН<sup>1</sup>

## Ун иккинчи боб

**Ш**ундай қилиб подшоҳнинг чақирғига бирон киши кириб ҳам келмади У жойидан туриб, югурганча хонадан чиқиб кетди. Вазир!— бақирди у.

Хизматқорлардан кимдир вазирни чақиргани ичкарига чопиб кетди.

— Посбонлар қайси гўрда?— бақирди Протападитто вазир келиши билан.

— Ташқари дарвозани қўриқлаган посбонлар ғойиб бўлишган.— Вазир ҳали замон бошида чақмоқ чақилишини сизди, бинобарин, тўғриси айтиб қўя қолди. Чунки ҳар қандай баҳона ва қатъиятсизлик оловга мой қуйгандек натижа берарди, холос.

— Ичкарининг посбонлари-чи, улар ўз ўринларидами?

— Улар қўл-оёқлари боғлиқ ётишибди.

Вазир тунги воқеалардан тамом беҳабар эди. У нималар бўлганини тасаввур ҳам этолмасди, аммо ўнглаб бўлмайдиган воқеа рўй берганини яхши сезарди. Бироқ, ҳозир подшоҳдан бир нарсани сўраб, суриштиришининг мавриди эмас.

— Рамчондро қани? Удоядитто қани? Бошонто Рай қерда?— ғазаб билан бақирди Протападитто.

— Эҳтимол улар ичкаридадирлар,— ишонқирамай гапирди вазир.

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонларда.



— Эҳтимол! Мен аниқ жавоб кутаман. «Балки», «эҳтимол»ларга тоқатим йўқ!

Вазир хомуш чиқиб кетди. Тунда нималар бўлганини у Ромапотидан билиб олди. Уни айниқса Рамчондрнинг қочгани кўпроқ ташвишга солди. Ичкаридан чиқиб кетаётиб бирдан вазир эшик олдида турган масхарабозни кўриб қолди.

— О, вазир Жамбаван-ку!— иржайди Ромаи.

Бироқ вазир масхарабознинг буришган афтига заррача эътибор қилмади, ҳолбуки Рамчондрнинг сарой аъёнлари шу жирканч вазоҳатдан ичак узилди бўлиб кулардилар. Протападиттонинг вазири бўлса, унинг саломига ҳам алиқ олмай, хизматкорларга:

— Қўлга олинг!— деб фармон берди, холос.

«Қани, бу махлуқни Протападиттонинг олдига олиб бора-чи,— ўйлади у.— Ахир подшоҳ ғазаб устида кимгадир заҳрини сочиши керак-ку, шундай экан, яхшиси, яшин кичик дарахтни қулатиб, каттаси омон қолган мақбул».

Протападитто масхарабозни кўрган ҳамон жуда дарғазаб бўлди, айниқса Ромаи иржайиб, юзини буриштириб, бирор қизиқ гап айтишга ҳозирланганда подшоҳ бўларича бўлди. У чидолмай, ўрнидан туриб, қаҳру ғазаб билан қўлларини шоп қилиб бақириб юборди:

— Йўқол, кўзимга кўринма! Уни тезроқ даф этинг! Қайси бефаросат уни бу ерга олиб кирди?

Агар подшоҳнинг ғазабига нафрат ҳисси қўшилиб кетмаганда, масхарабознинг ҳолига маймунлар йиғларди. Маълумки, бировни савалаш учун унга қўл тегизиш лозим — подшоҳ бу махлуқдан ҳазар қиларди. Ромаини дарҳол ташқарига олиб чиқишди.

— Шаҳаншоҳим, куёвингиз...— бошлади вазир.

— Ромчондро Рай!— Протападитто тоқатсизлик билан ер тепинди.

— Ҳа. У кечаси саройдан қочиб кетган.

Протападитто сакраб тушди.

— Қочди?! Посбонлар қаерда экан?!

— Ташқари дарвозасини қўриқлаган посбонлар ҳам қочишган,— такрорлади вазир.

— Қочишган! Улар қочиб қаерга борарди? Дарҳол қидириб топилсин улар! Менинг ҳузуримга ичкари посбонларини чақиртир.

Рамчондро Рай саройдан чиқиб кетганда ҳали қоронғи эди. Удоядитто, Бошонто Рай, Шурома ва Бибҳа шу кеча бошқа ухлашмади. Ғам юки остида қолган Бибҳа хомуш ўтирар, кўзларида нам ҳам кўринмасди. Шурома меҳрибонлик билан унинг бошини силарди. Удоядидитто билан Бошонто Рай ҳам хомуш эдилар. Хона ҳали қоронғи: бир-бирларининг юзларини аранг кўрардилар. Енларида қандайдир кўз илғамас, тунд кимса оғир нафас олгандай туюларди. Мудом хушчақчақ Бошонто Рай ҳам бугун маъюс, қайғули. Уша ялтироқ бошини силаб тевааракка термиларди. «Бу даҳшат-ку!» ўйлади у. Қариянинг фикри чувалиб, уни бир нуқтага тўпловмай гаранг эди. Рўй берган воқеа унга қандайдир даҳшатли тушдай туюларди. У бир неча бор Удоядиттонинг қўлидан ушлаб, ғамгин оҳангда:

— Уғлим!— деб қўйди.

— Нима, бобо?— сўради Удоядитто.

Бироқ Бошонто Рай жавоб бермади. Бу «уғлим!» сўзида уни қийнаган, доводиратиб қўйган минглаб ноаниқ саволлар бирлашган эди. Ҳолбуки буларнинг мазмунини: «Ўзи нима бўляпти?»— деган жумлага сиғдириш мумкин эди. Зулмат чолининг онгини хиралатиб қўйди, у нимандир шивирлар эди-ю, аммо қария ундан ҳеч нарса англолмасди... Шундай пайтда Удоядиттонинг ҳар бир сўзи унга тасалли берарди... Ниҳоят Бошонто Рай тилга кирди:

— Уғлим, бўлган воқеаларнинг сабабчиси мен эмасманми?

Боятдан бери, ўзинг ўлимдан қолиб, ҳамма фалокатнинг сабаби бўлдинг, деган фикр уни беомон таъқиб этарди.

— Йўқ, бобо,— мулойимгина жавоб берди йигит. Бошқа бир нарса дейишга унинг мажולי етмасди.

Яна узоқ, пуразоб хомушлик бошланди. Бир неча вақтдан сўнг Бошонто Рай яна хитоб этди:

— Бибҳа! Она қизим, нега сен ҳеч гапирмайсан?

У Бибҳанинг ёнига келиб ўтирди. Лекин Бибҳа ҳамон хомуш ўтирарди. Шунда у чақирди:

— Шурома, Шурома!

Шурома бошини кўтариб қарияга қаради-ю, ҳеч қандай жавоб бермади. Бошонто Рай яна ялтироқ бошини силай бошлади. Унинг кўнгли қандайдир бир фалокатни олддан сезгандай эди. Шурома Бибҳанинг сочини силарди, аммо унинг қалбида нималар бўлаётгани биргина худога аён эди. У қоронғида эрининг юзига қаради. Удоядитто деворга суяниб, нима ҳақдадир ўйларди. Шуроманинг кўзларида ёш ярқиради, у Бибҳа йиғлаганимни сезмасин деб, секингина кўз ёшларини артиб олди.

Тонг отганда Бошонто Рай енгил тортиб, хўрсинди. Ноаниқ шубҳалар таъқибидан қутулди. Энди у ҳамма нарсага оқилона баҳо бериши мумкин эди. Қария ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Ички ҳовлининг эшиги олдида қўл-оёғи боғлиқ Шитарамга кўзи тушди.

— Қулоқ сол, Шитарам,— деди унга қария,— подшоҳ, сени ким боғлади, деб сўраса, мени айт, у Бошонто Райнинг бир вақтлар ўз кучига бино қўйганини билади, бинобарин, гапингга ишонади.

Шитарам ҳам боятдан бери, Протападиттога нима жавоб бераман, деб бош қотириб турганди. Шаҳзода номини тилга олиш унинг хотирига ҳам келмасди, шунинг учун чўлоқ, уч кўзли ва бўйи пальмадек баланд аллақандай бир шарпага айбни ағдармоқчи бўлиб турган эди. Мана, Бошонто Рай келиб, унинг мушкулини осон қилди.

Чол иккинчи посбон томон кетди.

— Бхагобото, Протападитто сени сўроқ қилса, мени Бошонто Рай боғлаб қўйди, дегин.

Бироқ Бхагобото кутилмаганда ҳалоллик кўчасига кириб олди. У гўё ёлғондан жирканарди. Аслини олганда бунинг замирида унинг Удоядиттога бўлган хусумати ётарди.

— Мени ёмон йўлга бошламанг,— жавоб берди посбон.— Мени гуноҳга қўйманг.

Бошонто Рай қўлини унинг елкасига қўйди.

— Гапга қулоқ сол, Бхагобото, бунда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Яхши одамни халос этиш учун ёлғон гапириш — ёвузлик эмас. Ундай бўлганда, мен сендан бу хусусда илтимос қилмасдим.

Бошонто Рай Бхагоботонинг елкасига қоқиб туриб, бу ишда ҳеч қандай гуноҳ йўқлигига уни ишонтиришга уринди, аммо бу гаплардан ҳеч натижа чиқмади.

— Йўқ, ҳазрат олийлари, мен валинеъматимга ёлғон гапиролмайман!

— Бхагобото, гапга қулоқ сол, мен сенга тушунтириб берай... бу хил ёлғон ҳеч бир гуноҳ бўлмайди,— ҳаяжонланиб гапирди Бошонто Рай.— Бундан ташқари, сени қуруқ қолдирмайман, буни эсингда тут... Ҳозирча мана буни ол, ёнимда борини беряпман.

Бхагобото дарҳол қўл чўзди, бир сониядан сўнг пуллар унинг дхотиси чўнтагида қарор топди. Бошонто Рай енгил тортиб сўлиш олдида, дўстлари олдига қайтди.

Ҳар икки посбонни Протападитто ҳузурига чақириб келишди.

Уларни вазир бошлаб кирди. Подшоҳ базӯр ғазабини ютиб, тинч, хотиржам ўтирарди. У ҳар бир сўзига ургу бериб, сўроқ бошлади:

— Қандай қилиб бу кеча саройнинг ички эшиклари очиқ қолди?

Шитарамнинг юраги шув этиб кетди, у қўлларини қовуштириб жавоб бера бошлади:

— Тақсир, раҳм қилсинлар, айб менда эмас!

— Сендан, айбдормисан-йўқми, деб сўраётгани йўқ, — қовоқ солиб, ғазаб билан бақирди подшоҳ.

— Агар буюрсалар... — бидирлай бошлади Шитарам. — мен ҳаммасини айтаман... шаҳзода... шаҳзода мени боғлаб қўйиб, эшикларни очди.

Бунга қандай тили келганини ўзи ҳам билмай қолди. Ахир у шаҳзодани фош қилишни сира ҳам ўйламаган эди. Боёқиш қўрқиб, оғзидан чиқиб кетди шекилли.

— Мен кўнмадим, албатта, аммо шаҳзода менинг гапимга қулоқ солмади...

Худди шу пайтда Бошонто Рай кириб келди.

— Ай-й-й, Шитарам, нималар деяпсан! Гуноҳга ботиб нима қиласан! Худонинг ғазабига учрайсан! — унинг сўзини бўлди Бошонто Рай. — Удоядиттонинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ.

Шитарам шошилганча хитоб этди:

— Йўқ, йўқ, шаҳзоданинг гуноҳи йўқ!

— Демак сен гуноҳкорсан? — жиддий сўради Протападитто.

— Йўқ, — ғўлдиради. Шитарам.

— Бўлмаса ким?

— Рухсатлари билан шаҳзода...

Бхагобото сўроқ қилинганда у ҳаммасини тўғри айтиб берди-ю, аммо ўзини ухлаб қолганда боғлаганларини айтмади. Бошонто Рай нима қилишини билмай, кўзларини юмиб, ичида: «Дурга, о Дурга!» дея шивирларди, холос.

Ҳар икки посбонни савалаб, шу ондаёқ ҳайдаб юборишга амр этилди. Ахир ўзларини боғлатиб ўтирган бу ландовурларга сарой посбонлигини ишониб бўладими?

Протападитто Бошонто Райга шундай хўмрайиб тикилдики, гўё ҳамма гуноҳ ўшанда, бу етмагандай яна таҳдид ҳам қилди:

— Удоядиттонинг бу гуноҳини кечирмайман!

Бошонто Райни эса Удоядиттога бўлган чексиз муҳаббати учун кечиролмасди подшоҳ.

— Удойнинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ, Протап, — набирасини ҳимоя қилишга ошиқди қария.

— Гуноҳи йўқ дейсизми?! — ловиллади Протападитто. — Ундай бўлса, мен унга яна қаттиқроқ жазо бераман... Хўш, ўзлари нима учун бу ерга келиб бизнинг ишга аралашяптилар?

Бошонто Рай Удоядиттони ҳимоя қилган сари Протападиттонинг юрагида ўғлига нисбатан нафрат ҳисси кучая бошлади. Қария ўз боши узра кўтарилган қиличнинг Удоядитто бошига тушиши мумкинлигини пайқаб хомуш бўлди.

Бир неча дақиқадан сўнг Протападитто тинчланди.

— Агар Удоядиттонинг ўз ақли, ўз фикри, ўз мақсади бўлиб, бу ишларга ўзича азм этганда, бугун унга раҳм-шафқат бўлмасди, аммо мен биламанки муҳаббат бу аҳмоқни йўлдан оздиради, биргина мулоим нигоҳ унинг бошини айлантириб қўйишга кифоя қилади. Шамол қаёқдан эсаётганини Протападитто билмайди деб ўйлайсизми? Йўқ, Удоядитто жазога сазовор эмас. Аммо сиз билиб қўйинг, муҳтарам амаки, башарти яна Жайсурда пайдо бўлиб, у билан учрашсангиз — мен унинг ҳаёти учун кафил бўлолмайман.

Бошонто Рай анчагача хомуш ўтириб, кейин астагина ўрнидан қўзгалди.

— Яхши. Протап, мен шу оқшом кетаман.

Қария бошқа бирор сўз қўшмай, оғир хўрсиниб, хонадан чиқиб кетди.

Протападитто, қандай қилиб бўлмасин, Удоядиттони севганларни, унга таъсир қилиши мумкин бўлганларни ундаг узоқлаштиришга аҳд қилди.

— Келинни бундан кейин саройда қолдириш мумкин эмас, қандайдир бир баҳона билан уни отасиникига юбориш даркор,— деди у вазирига.

У Бибҳадан заррача гумонсирамасди, нима бўлса ҳам бу унинг қизи-да!

## Ун учинчи боб

Бошонто Рай Удоядитто ўтирган хонага кириб, набирасини бағрига босди.

— Уғлим, энди биз бир-биримизни сираям кўролмаймиз.

Шаҳзода ҳурмат билан бобосининг қўлини ушлади.

— Нима учун, бобо?

Бошонто Рай ҳамма воқеани унга тушунтириб, кўз ёши аралаш шундай деди:

— Болагинам, сенинг ҳамма изтиробларинг мен туфайли, сени севганим сабабли рўй беряпти. Шунинг учун мен кетишим керак. Агар сенинг бахтпёр эканингни билсам, бу менга куч бағишлаб, охириг кунларимни осуда ўтказган бўлардим.

— Мен бунга сираям рози бўлолмайман!— бош чайқади Удоядитто.— Бизнинг учрашувимизга ҳеч ким халақит беролмайди. Агар сиз бутунлай кетиб қолсангиз мен бунга бардош беролмайман.

— Протап мени ўлдирмади, аммо бундан ҳам шафқатсизроқ иш қилди — бизни бир-биримиздан жудо қилиб қўйди. Уғлим, мени бошқа кутма. Бобом ўлди, деб қўя қол.

Бу аламангиз суҳбатдан сўнг Удоядитто хобгоҳига — Шуроманинг олдига, Бошонто Рай эса, Бибҳанинг ҳузурига қараб кетди.

— Бибҳа, она қизим, бу чолнинг бошини яна бир силаб қўй-чи,— деди у қизнинг иягидан оҳистагина ушлаб.

Бу орада Удоядитто бутун воқеани Шуромага нақл этиб берди.

— Улар менда қолган озгина бахтни ҳам тортиб олишга аҳд қилгандек кўринади. Шурома, ҳали сени ҳам мендан тортиб олишса-я?— Удоядитто хотинининг қўлини маҳкам қисиб, маъюс бўлиб сўради.

Шурома эрига ёпишиб олиб, қатъият билан деди.

— Буни фақат ўлим тангриси—Яма қила олади, бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди!

Шуроманинг юраги хатар яқинлашиб келаётганидан гувоҳлик берарди. Қандайдир шафқатсиз бир қўл эрини тортиб олаётгандай туюларди унга. Жувон Удоядиттони маҳкам қучоқлаб туриб, кўнглидан ўтказди: «Мен бунни танҳо қолдирмайман, эримни ташлаб кетишга мени ҳеч ким мажбур этолмайди!»

— Бу оламда ҳеч ким севгимни мендан тортиб ололмайди,— деди у овоз чиқариб ва бир неча бор шу жумлани такрорлади. Шурома эрини қучоқлаб турган қўлларига яна куч йиғишга уринарди, у юқорида айтган сўзларини дилида такрорлаб, шу тариқа ўзига зарур руҳий куч орттиргандай бўлди.

Удоядитто хотинига ғамгин назар солиб, оғир хўрсинди.

— Шурома, биз бобомиз билан энди ҳеч қачон дийдор кўришолмаймиз.

Жувон ҳам хўрсиниб қўйди.

Шаҳзода давом этди:

— Бу менга жуда алам қилади, аммо гап менда эмас. Мен бобомнинг ҳоли не кечади, деб ўйлайман. Парвардигор яна қандай синовлардан ўтказар экан уни?

Удоядитто Бошонто Рай ҳақида ҳикоя қила бошлади. Унинг сўзлари, ишларини эслади. Меҳрибон қариянинг қанчадан-қанча яхшиликларини, қанчадан-қанча эзгу-саъоб ишларини майда тафсилотларига дур-гавҳардек ўз хотирасида сақлаб юрганди шаҳзода. Мана бугун шуларни бирма-бир Шуроманинг олдига тўкиб-солди у.

— Бобомга ўхшаш олижаноб бир кимса ҳали дунёга келмаган!— деб юборди Шурома.

Улар Удоядитто билан Бибҳанинг олдига чиқишди.

Бошонто Рай Бибҳанинг ёнида ўтириб, оҳиста куйларди:

— Епирилар аста қора тун...  
Тезроқ кетгил, ағрайиб турма.  
Келмоқ лозим туйғудан устун,  
Туйғунг дилда уйғотиб юрма.

Бунда ортиқ қолмади ёрон —  
Қадамлари тинади тунда.  
Тез уларни кувиб ет, ўғлон,  
Ёв-ғаниминг барчаси бунда.

Тош яширмиш барчаси бир-бир...  
Термиласан, рўбарўнда — тун.  
Тундан кимни излайсан ахир?  
Ўз юртингга кетмайсан нечун?

Удоядитто билан Шурома кириб келган ҳамон Бошонто Рай кулиб бундай деди:

— Бибҳанинг мenden ажралиб қолгуси йўқ. Унга нима учун керак эканман, ўзим ҳам тушунмайман. Ахир мен бари бир ачиб зардобга айланган сутманку. Наҳотки Бибҳа сут йўқлигидан зардоб билан қаноатланишга рози бўлса? Менинг кетишимни эшитиб Бибҳа йиғлаб ўтирибди. Сира шунга ўхшаш бирор воқеани эшитганмисизлар? Унинг кўз ёшини кўрсам юрагим эзилади!

Айрилармиз, етди шундай он,  
Кўздан оқар ёшлар шашқатор.  
Биз умрлик дўстмиз, қадрдон,  
Йиғламоққа нима ҳожат бор?

Ортиқ мени чорлама бу ён,  
Хижолатга қўйма тик боқиб.  
Сенинг билан биргайдим шодон,  
Танҳо қайтгум кўздан ёш оқиб.

— Қаранглар, Бибҳага қаранглар! Бибҳа, агар сен йиғлай берсанг, у ҳолда...— давом этишга мажоли етмай Бошонто Рай хомуш бўлиб қолди.

У Бибҳага тасалли бериш учун келган эди, аммо ўз қайғуларини яширолмади. Мўсафид дарров кўз ёшларини артиб, жилмайди.

— Удой, қара, Шурома ҳам йиғлапти. Дарҳол уни юпат, бўлмаса ўзим шу ерда қолиб, сенинг ўрнингни эгаллайман-да, бу нозик қўлларни бошимдаги оқ сочларни юлишга мажбур қиламан, тишсиз оғзим билан унинг қулоқларига севги сўзларини шивирлаб тураман. Башарти бундан ҳеч натижа чиқмаса, мени айблаб юрма.

Бошонто Райнинг хаёлига ҳеч ким жавоб қилмади, у ғамгин бўлиб, қўлига сеторни олди. Маҳзун бир куй хона ва ҳовлиларни тўлдирди. Аммо Бибҳа ҳамон йиғларди, бу ҳол Бошонто Райнинг сетор чалишига халақит берди. Унинг кўз ўнги қоронғилашди. Нимадир айтмоқчи, ҳазиллашиб Бибҳа ва бошқаларни койиб бермоқчи эди, аммо бирор сўз дейишга мажоли етмади, овози қалтираб, сеторни бир четга қўйди.

Видолашиш вақти келди. Қария Удоядиттони узоқ вақт оғушида сақлаб, охири бундай деди:

— Мен кетаман, ўғлим, бу сеторни сенга ёдгорлик тариқасида қолдираман. Энди менинг сетор чаладиган вақтим ўтди. Шурома, азизим, бахтли бўл... Бибҳа...— қария ортиқ гапиролмай, кўз ёшларини артиб, тахтиравонга ўтирди.

## Ун тўртинчи боб

Монголанинг кулбаси Жайсур шахрининг бир четида эди. Монгола уйида тасбеҳ ўгириб ўтирарди. Шу пайт унинг олдида, қўлида ош кўки тўла кажаваси билан, подшоҳ саройининг жорияси Мантонгини кириб келди.

— Бозорга борувдим, эсимга тушиб қолди: Монголани кўрмаганимга анча бўлди, бирров кўриб кетай дедим. Узоқ ўтиролмаيمان. Ишим кўп.

У шундай деб, кажавани ерга қўйиб, бемалол ўтириб олди.

— Опажон, менга ёрдам қилинг, у йигит мени қандай севганини ўзингиз биласиз-ку. Агар анави алвасти бўлмаганда, мендан ҳеч қачон кўнгли совумасди. Шу яшамагурни уч кунда ўлим чангалига топширининг иложи йўқми, опажон?

Монголада турли-туман заҳарлар мавжуд эди, у шулар воситаси билан одамми, махлуқми, бари бир, ҳар нарсани маҳв эта оларди. У бундан ташқари наша ва кўкноридан қилинадиган шундай «дориларни» билардики, бунинг эвазига сарой аъёнларининг пуллари оқиб келарди унинг уйига. Мантонгинига ёрдам қилиш, қисқа муддатда «алвасти»ни ўлдириш фақат Монголанинг қўлидан келарди.

Аммо Монгола ўзича кулимсираб бундай ўйларди: «Шошилишнинг не ҳожати бор? Улим тангриси Яма ўз ишини яхши билади, алвасти ўзи ўлади». Лекин Мантонгинига бундай деди:

— Сендай соҳибжамолни тарк этиб, ўзгага кўнгили қўйиш — бориб турган бемаънилики! Афтидан у йигит бундай нарсаларни фарқига бормади шекилли. Бироқ сен ортиқча ташвиш тортма, у албатта қайтиб келади. Сенинг жоду кўзларингга бефарқ қараш амри маҳол. Борди-ю бу қор қилмаса, мана сенга томир — бир нарсага қўшиб унга ичир.— Шу сўзлардан сўнг Мантонгинига қуритилган бир томирни бериб, ундан сўради:— Саройда қанақа янгиликлар бор?

Мантонгини қўл силтаб қўйди.

— Ахир булар бизнинг ишимиз эмас-ку, дугонажон.

— Тўғри, тўғри, албатта,— маъқуллади Монгола.

Мантонгини эсанкираб қолди. У Монголани дарров ўз фикрига қўшилишини сира ўйламаган эди. У Монгола роса сўраб-суриштиради, деб ўйлаганди, бундай бўлмагач, ўзи гапга киришиб кетди:

— Сирасини айтганда, сизга ҳаммасини айтиб берсам бўлади. Бироқ бугун менинг ишларим кўп, яна келганимда, бафуржа гапириб берарман.

— Бўпти, яна келганинда гапириб берарсан,— яна рози бўлди Монгола. Мантонгини таажжуб билан унга қараб қолди.

— Бўлмасам мен кетаман. Шундаям анча ўтириб қолдим, ҳали маликамдан балога қоламан... Биласизми, дугонажон, подшоҳимизнинг куёви келувди, бировга бир оғиз сўз демай, шу кечасиёқ кетиб қолди.

— Ростданми? Ахир мен ўзим айтувдим-ку, агар сен бўлмасанг саройда нималар бўлаётганини мен ҳеч қачон билмайман, деб.

Мантонгини талтайиб кетди.

— Биласизми нима учун у кетиб қолди? Ҳамма айб подшоҳнинг келинида. Унинг кўзи бор. У қандайдир сеҳр-жодуни билади, ўз эрини шундай ром қилиб олганки, «гаҳ» деса қўлига қўнади. У... ҳаҳ шу гапларнинг нима кераги бор, дугонажон, биров эшитса, Мантонгини гийбат қилиб юрибди, дейди.

Яна бир оз сабр қилса, Мантонгинининг ўзи ҳаммасини айтиб беришини билса ҳам, Монгола кунжиковлик ҳиссини яшириб туролмади.

— Бу ерда ҳеч ким йўқ, азизим, хотиржам бўл. Бундан ташқари, биз бир оз лақиллаб ўтирсак бунинг нимаси гуноҳ? Хўш, подшоҳнинг келини нима қилди?

— У подшоҳнинг қизи ҳақида шундай гапларни айтдики, эри кечасиёқ уни ташлаб кетди. Боёқиш зор-зор йиғлаб қолди! Подшоҳнинг жудаям ғазаби келди. У келинини Шрипурга — отасиникига юборишга аҳд қилди. Дугонажон, нега куляпсиз? Наҳотки мен кулгили бир нарса деган бўлсам?

Рамчондронинг тунда кетиб қолиш сабаби сарой хизматкорларининг ҳаммасига аён эди, аммо буни ҳар қайсилари ўзларича нақл қилардилар.

— Она — маликага айтиб қўй: келини бундай ошиқиб отасиникига юборишни ҳожати йўқ. Монгола шундай дори-дармон бериши мумкинки, ёш шаҳзода уни ичгач, дарров хотинидан кўнгли совийди-қолади.

Шундай деб, Монгола хандон уриб кулди.

— Нима ҳам деб бўлади, хўп,— рози бўлди Мантонгини.

— Е шаҳзода хотинини жудаям яхши кўрадимми?

— Нимасини айтасиз! Усиз бир дақиқа туролмайди! Хотини чақиргундай бўлса — у елиб-учиб келади.

— Яхши, мен уни совутадиған дори бераман. Айт-чи, шаҳзода кундузи ҳам у билан бирга бўладими?

— Ҳа.

— Бу қанақаси бўлди? Унинг шаҳзодага нималар дейишини эшитдингми? Унга қандай муомала қилишини кўрдингми?

— Йўқ, дугонажон, мен ҳеч нарса эшитганим ҳам, кўрганим ҳам йўқ.

— Бир амаллаб мени ҳам саройга олиб борсанг-чи, қўлингдан келадими? Мен уларни бир кўришим керак.

— Бунинг сизга нима кераги бор, опажон?

— Наҳотки шуни билмасанг?! Агар мен уларни бир мартаба кўрсам — унинг сеҳр жодусига қарши нималар қилишим осон бўларди.

— Бўпти, бугун сизни саройга олиб борганим бўлсин,— деди Мантонгини ва кажавасини олиб йўлга тушди.

Монгола ёлғиз қолган ҳамон бирдан вужуди ларзага келиб, кўзлари олайиб кетди, алланималар деб валдирай бошлади.

## Ун бешинчи боб

Бошонто Рай саройдан чиқиб кетганда қош қорайган эди. Бибҳа томга чиқди. У бобосининг тахтиравони олислаб кетаётганини кўрди. Бошонто Рай тахтиравондан бошини чиқариб, ёш тўла кўзлари билан охирги марта саройнинг тошқалби уриб турган баланд, баднамо деворларига қаради.

Тахтиравон кўздан ғойиб бўлди. Бибҳа эса, ҳамон йўлга қараб турарди. Юлдузлар чиқди, чироқлар ёнди, йўлда ҳеч ким йўқ. Бибҳа хомуш туриб узоқларга термиларди...

Бибҳани излаб бутун саройни айланиб чиққан Шурома охири томга чиқди. У оҳистагина Бибҳани қучоқлаб олди.

— Бу ерда нима қилиясан, азизим?

— Шундай... — хўрсиниб жавоб берди Бибҳа.

Энди Бибҳага ҳамма нарса кераксиздай туюла бошлади—унинг ҳаётида маъно қолмади. Узи тушунолмай қолди, нега у уйга кириши керак, кирмаса-чи, нега ётиб ухлаши лозим, айланиб юрса нима бўпти, соатлаб хонама-хона санқиб юришида нима маъни бор? Сарой унинг учун бегона бўлиб қолди. У бу ерда яшамагандек. Ҳатто ўз хонаси ҳам унга бегонадай туюлди, ҳолбуки унинг ёшлик хотиралари: қувонч, қайгулари, кулги-ю йиғилари билан вобаста эди. Энди кимдир буларнинг барини несту нобуд қилиб юборди. Энди у бу уйда уйсиз эди. Бобоси бирга эди, у ҳам кетди... уни йўқлаб Чондродидан бирон киши келармикин? Эҳтимол Раммохон ҳозир у ерда йўқдир. Ҳозир улар қаердайкини? Тўғри, Бибҳанинг яна озгина бахти — акаси ва меҳрибон Шурома бор, аммо улар ҳам хавфу хатар таҳликаси остида яшамоқдалар. Қандайдир қора қайгу улар ҳаётини исканжага олиб, сиқиб келарди бу уйда. Ҳол шундай экан, қандай қилиб бу уйда қолиб бўлади?

Шитарам хизматдан қувилиб, моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолганини шахзода Удоядитто эшитиб қолди. Шитарамнинг бир чақа ҳам пули йўқ эди. Шу вайдан рўзгор тебратиш амри-маҳол бўлиб қолди. У саройдаги хизмати учун яхши маош олиб турган кезларда, тоғасининг юрагида унга нисбатан муҳаббат туйғуси аланга олиб, жиянини қўмсайвериш эси кетди. Охири хизматини ташлаб, жиянини кўргани келди. Улар бир-бирлари билан учрашганда, тоғаси камоли севинганидан, жияним Шитарамни кўргач, ташналикни ҳам, очликни ҳам сезмай қолдим, деб юборди. Чиндан ҳам Шитарам хонадонидан очлик ва ташналик азобини чекмади, буни исбот қиладиган далиллар озмунча эмас, аммо бу фақат Шитарамнинг дийдорини кўриб юришиданмикин, бу жиҳати бизга маълум эмас.

Шитарамнинг яна бир бева қариндоши ҳам бор эди, ё холасининг қизи, ё амакисининг невараси. Шу аёл боласини қандайдир бир хизматга юбормоқчи бўлиб қолди. Бирдан унинг бошига ғалати фикр келиб қолди: башарти унинг ўғилчаси жуда паст лавозимга кириб қолса, бу тоғасининг шарафига иснод келтириши мумкин. Шундай қилиб, тоғасига иснод келтирмаслик учун йиғитча ҳеч жойда ишламасликка аҳд қилди. У тоғасига иснод келтирмади-ю, аммо ўз тирикчилигини таъминлаб, унинг қарзга ботишига сабаб бўлди. Ҳолбуки Шитарамнинг онаси ва кичкина қизчаси ҳам бор эди. Бундан ташқари, Шитарам зоҳид эмас, том маъносидан ринд эди, бинобарин, ўзини ер лаззатларидан маҳрум этмасди. Шитарамнинг моддий аҳволи ўзгаргани бизга аён, бирок таассуфки бошқа хилдаги ўзгаришлар рўй бермади. Очлик ва ташналик борасида тоғасининг аҳволи аввалгидай қола берди; Шитарамнинг жиянига келсак унинг ёши улгайган сари қорини кенгайиб, тоғасининг шаънига доғ туширмаслик борасидаги инжиқлиги ҳам ош-



ди — натижада Шитарамнинг ҳамени кун сайин бўшаб кетаверди. Аммо-лекин у шунча оғир юкка қарамай, қулоғигача қарзга ботса ҳам, ҳузур-ҳаловатини тарк этмади.

Шитарамнинг ночор аҳволини эшитиб Удоядитто у билан Бхагоботога ойлик маош тайинлади. Лекин ҳар сафар бу пулни олганда Шитарам хижолат чекарди. Подшоҳга шаҳзодани чақиб қўйгандан бери у ҳам ўз виждони, ҳам Удоядитто олдида ўзини айбдор деб биларди. Шитарамнинг ўз валинеъматидан пул олиб йиғлаган вақтлари ҳам бўлди. Бир марта эса чидолмай, Удоядиттонинг оёқларига йиқилиб, уни халлоқ, раззоқ (яратувчи, ризқ берувчи), бандапарвар деб атаб, афв сўради.

Бхагобото эса, жуда вазмин, тепса тебранмас киши эди. У бемалол шахмат ўйнар, тамаки чекар, қўни-қўшниларига жаннат ва дўзадан жой улашиб юрарди. Удоядиттодан пул олганда у заррача хижолат тортмасди. Бугина эмас, ҳатто норозидай афтини буриштирар, гўё: «Сен мени расво қилдинг, энди миздини тўла», дегандай бўларди.

Шаҳзоданинг ишдан ҳайдалган носбонларга маош тайинлаганини Протападитто эшитиб қолди. Илгарилари у бундай хабарни эшитмасликка оларди. Подшоҳ ўғлидан шу қадар нафратланардики, унинг хусусида нима дейишмасин эътибор бермасди. Протападитто ўғлининг фуқаролар тарафини олишини аллақачонлар билса ҳам, унга заррача парво қилмасди. Аммо ҳозир ҳамма нарса ўзгарган эди. Ўғлининг ўзбошимчалигини эшитиб, Протападиттонинг газаби қўзғади. Уни ўз ҳузурига чақириб, бундай деди:

— Мен Шитарам билан Бхагоботони хазинам бўшаб, уларга тўлайдиган ҳеч нарсам йўқлиги учун ҳайдабмидим? Бундоқ эмас, албатта! Хўш, сен ўзингча уларга маош тайинлашга қандай журъат қилдинг?

— Жиноятни мен қилдим,— секин гапирди Удоядитто.— Сиз эса, уларга жазо бериб, мени азобга қўйдингиз. Шундай қилиб, мен уларга ҳар ойда сизнинг ҳукмингиз асосида маош тўлаб турибман.

Протападитто илгари ҳеч қачон ўғлининг сўзларини бу қадар эътибор билан тингламаган эди. Удоядиттонинг овозида мўминлик, итоаткорлик сезилар, у эҳтиёт билан сўз танлаб, отасини таҳқир этмасликка уринарди. Албатта буларнинг ҳаммаси ҳам Протападиттога ёқмади деб айтиш мумкин эмас.

Лекин у ўғлининг сўзларини жавобсиз қолдириб, бундай деди, холос:

— Менинг фармоним шу, Удой бундан кейин уларга маош тўланмасин!

— Сиз менга жудаям қаттиқ жазо беряпсиз,— ҳаяжон билан гапирди Удоядитто.— Ўзим тўқ бўла туриб, менинг касофатимга ўзгаларнинг бир бурда нонсиз, бошпанасиз, кўча-кўйларда хору зор бўлиб юришини кўриш — менинг тоқатимдан ташқари. Ота, менинг ихтёримда ниманки бўлса — ҳаммаси сизники. Сиз менга овқат ва кийим берасиз, аммо таом асноси менинг олдимга оч одамни ўтқазиб, унга бир бурда нон беришни ман этсангиз — таом мен учун заҳарга айланади.

Протападитто ҳаяжонланган ўғлининг гапига халақит бермади. Унинг гапи тугагач, ҳар сўзини чертиб-чертиб, бундай деди:

— Мен сенинг гапингни диққат билан тингладим, энди менинг навбатим. Шитарам билан Бхагобото маош олмасликлари керак. Бу менинг амрим. Уни ким бузса — ўша менинг душманам.

Подшоҳнинг юрагида газаб яна алангаланиб кетди. Эҳтимол бунинг сабабини ўзи ҳам тушунмагандир. Лекин у бундай деб ўйларди: «Гўё мен қандайдир бир ёвузлик қилдим, меҳрибонлик тимсоли Удо-

ядитто эса бунинг олдини олгани келган. Қани кўрай-чи, сахийлик, меҳрибонликлари эвазига у нимага эришди экан? Ахир мен шафқатсиз бўлгач, ким меҳрибон бўлишга журъат этади? Ана сурбетлигу!»

Удоядитто ўз хонасига қайтиб, ҳамма воқеани Шуромага айтиб берди.

— Кеча кун бўйи улар туз тотмаганлар,— деди Шурома.— Кеч-қурун кўзларидан шашқатор ёш оқиб, қўлида набираси билан Шитарамнинг онаси келувди, мен уларга бир оз овқат бердим. Шитарамнинг қизи ҳали жуда ёш. Унинг аҳволини кўриб юрагинг эзилади. Агар биз қарашиб турмасак уларнинг ҳоли не кечади?

— Энг ёмони шуки, улар подшоҳ саройидан ҳайдалганлар,— деди Удоядитто.— Отамдан қўрқиб, уларга ҳеч ким иш бермайди, ёрдам қўлини чўзмайди. Агар биз ҳам бу бахтсизлардан юз ўгирсак — улар тамом кимсасиз қолишади. Лекин мен ҳеч қачон уларни бу аҳволда қолдирмайман, Шурома. Сен ташвишланма. Фақат бу ишни отамдан яшириб қилиш лозим. Унинг жаҳлини чиқаришнинг нима ҳожати бор?

— Сиз хотиржам бўлинг, ҳаммасини мен ўзим қиламан,— Шурома эрини хавфу хатардан асрамоқчи эди.

Бу йил Удоядитто учун бахтсизлик йили бўлди. Тақдирнинг ўзи уни отасига қарши қўярди. Лекин Шурома, ҳайиқиб, эрини савоб ишлардан қайтарадиган хотинлар жумласидан эмасди. Йўқ, Шурома бошқача эди. Эри адолат учун кураш бошлаганда, унга оқ фотиҳа берган Шуроманинг ўзи бўлди. Хавфу хатардан юрагини ҳовучлаб, йиғласа ҳам, Удоядиттога муттасил далда бериб келди. Ҳатто ўлим таҳликаси остида ҳам, кўзларидан ёш ялтиради-ю, қўли бирор марта қалтирамади, қадамлари шахдамлигича қолди.

Шурома ўзининг содиқ чўриси орқали Шитарамнинг онаси ва Бхагоботонинг хотинига мунтазам равишда пул юбориб турди. Чўри чиндан ҳам содиқ эди, бироқ у бу сирни Монголадан яширишни лозим кўрмади. Монголанинг бу воқеадан огоҳ бўлиши мана шундай содир бўлган эди.

## Ун олтинчи боб

Протападитто Удоядиттонинг махфий равишда Шитарам оиласига пул юбориб турганини эшитиб, зудлик билан ичкарига фармон юборди. Шуромага дарҳол саройни тарк этиб, ота-онаси уйига кетишини амр этди. Удоядитто бунга унчалар парво қилмади, аммо Бибҳа аламдан ўзини қўярга ер тополмади. У йиғлаб туриб, Шуромани бағрига босаркан:

— Сиз бўлмасангиз, бу қабрга ўхшаган саройда менинг ҳолим не кечади?— деб зорланди.

Шурома Бибҳани мулойимгина ўпиб қўйди.

— Мен учун энг азиз кимса шу ерда, саройда, Бибҳа, уни ташлаб мен ҳеч ерга бормайман,— деди Шурома. Кейин қайнанасига, уйимиздан таклифнома олганим йўқ, эримни эса, мендан айрилгиси йўқ. Бинобарин, ота-она уйига жўнаш учун бирор важҳ кўрмайман, деб жавоб қайтарди.

Протападитто Шуроманинг жавобини тилка-пора қилиб ташлади. Аммо бир оз ўйлаб, бу ўринда бирор нарса қилиб бўлмайди, деган хулосага келди. Ахир келинни зўрлаб ҳайдаш ақлдан эмас-да! Подшоҳ ёш жувонлар билан муомала қилишга нўноқ эди. У кучга қарши куч ишлатишга моҳир бўлса ҳам, бу заифалар жинсий муқобилида ўзини қандай тутишни билмасди. Бир тимсол билан айтганда, унинг қўпол

панжалари йўғон арқонини узиб ташларди-ю, аммо ингичка ипнинг қичик тугунчасини асло ечолмасди. Протападитто умуман ёш хотинлардан жирканарди. Улар ҳақида ўйлашга унинг имкони ҳам, хоҳиши ҳам, бўш вақти ҳам йўқ эди — у бундай ишларни фойдасиз машғулот ҳисоблаб, уларга тааллуқдор ҳамма нарсани хотинига топширарди.

Бу гал ҳам шундай қилди. Хотинини чақириб буюрди:

— Шуромани отасининг уйига жўнат.

— Сиз Удоядитто хусусида ўйлаб кўрдингизми?— сўради малика.

— Ахир у ёш бола эмас-ку! Мамлакатимизнинг осойишталиги учун Шурома саройдан кетиши керак. Бу менинг фармоним.

Малика ўғли Удоядиттони чақирди:

— Удой, Шуромани отасининг уйига жўнат.

— Нима учун, она? У нима гуноҳ қилибди?

— Мен қаердан билай, болам! Биз, аёллар, ҳеч нарсани тушунмаймиз. Келинни отасиникига юборишдан мурад нима-ю бундан давлатга қандай фойда келишини фақат подшоҳ билади.

— Отамнинг мени газабга олиши, шу туфайли менинг бахтсиз бўлишим ҳам давлатга фойда келтирармикин? Мен ҳаммасига бардош бериб келдим, аммо сабрнинг ҳам чегараси бор. Ахир менда бахтнинг бирор зарраси қолганми ўзи? Шурома-чи? У эртадан-кечгача таъна эшитилади, масхараланади, уни бу ерда хўрлаш учун тутиб туришади. Мана, охири унга саройда жой ҳам қолмабди! Наҳотки Шурома сизга фарзанд ўрнида бўлмаса, она? Гадойга қандай муомалада бўлишса, у, шўрликка ҳам шундай муносабатда бўлишмоқда — хоҳлашса — қолдиришади, хоҳлашмаса — ҳайдаб юборишади. Ундай бўлса, она, саройда мен учун ўрин йўқ, мени ҳам ҳайдаб юборинглар!

Малика йиғлаб юборди.

— Мен нимани ҳам билардим, болам. Подшоҳнинг ишлари, амру фармонлар ҳақида у-бу дейиш менинг ишим эмас, аммо шуни айтишим керакки, сенинг хотининг унча яхши аёл эмас. У саройга кириб келгандан бери бу ерда осойишталик қолмади. Дарҳақиқат, у отасиникига бориб бир неча кун туриб келса нима бўлади? Унда бизнинг хонадонга яна маъбуда Лакшми қайтиб келган бўларди. Мана кўрасан.

Удоядитто лом-мим демай чиқиб кетди.

Маликанинг кўзларидан шашқатор ёш оқиб Протападитто ҳузурига кирди.

— Шохим, раҳм қилинг... Агар Шуромани жўнатсангиз — Удоядитто гаму андуҳдан ҳалок бўлади. Ахир унинг ҳеч гуноҳи йўқ-ку! Лаънати алвасти уни сеҳрлаб қўйган!— малика баттар йиғига киришди.

— Агар Шурома кетмаса — мен Удоядиттони зиндонга соламан!— телбаларча қичқирди Протападитто.

Буни эшитиб, малика Шуроманинг олдига кетди.

— Бахти қора, менинг боламни нима қилиб қўйдинг?— қарғаб кетди малика.— Боламни қайтариб бер! Сен шумқадам саройга келгандан бери бизнинг бошимиз ташвишдан чиқмай қолди. Ахир у шаҳзода-ку, нима, унинг оёқларига кишан солдирмоқчимисан?

Шурома сапчиб тушди.

— Булар бари менинг касофатимми? Нималар деяпсиз, она? Ундай бўлса, мен шу заҳотиёқ кетаман.

Малика кетиши билан Шурома дарров Бибҳанинг олдига кирди ва уни қучоқлаб, бундай деди:

— Мен кетаман. Бибҳа, энди менга бу ерга қайтиш учун ҳеч қачон рухсат берилмайди.

Бибҳа йиғлаб туриб, беҳолликдан ерга ўтириб олган Шуромани бағрига босди. Шуроманинг дилида акс-садодек ўзи айтган гап жа-

ранглади: «Менга бу ерга қайтиш учун ҳеч қачон рухсат берилмайди!» Ҳа, у энди ҳеч қачон бу ерга қайтиб келмайди, ҳаёт деб айтишга арзигулик ҳеч нарса қолмайди! Истиқбол бўм-бўш: на азиз кимсанинг дийдори, на ҳаётбахш табассум, на қувонч, на учаршув, на васл ҳаловати — бахт ундан тамом юз ўгирган. Ғам-аламдан ёш жувоннинг юраги ёрилгудай бўлди. Энди унга ким меҳру муҳаббат билан термилади? Ёш жувоннинг юраги сиқилиб, боши айланди, аммо шунда ҳам кўзларига нам келмади.

Шу пайтда Удоядитто кириб келди. Шурома унинг оёқларига йиқилди, охири чидолмай фарёд чекди. У камдан-кам йиғларди, аммо бугун унинг мардона юраги ортиқ бардош беролмади. Удоядитто ўтириб, хотинининг бошини тиззасига қўйди ва бесаранжом бўлиб сўради:

— Нима бўлди, азизим?

Шурома эрига тикилиб боқди-ю, аммо бирор сўз дейишга мажоли етмади. «Наҳотки мен бу чехрани қайта кўролмасам? Кеч киради, сен дераза ёнига борасан, мен ёнингда бўлолмайман, шам ёқасан, менинг хонам эшигига борасан, лекин мен табассум этиб қўл чўзолмайман! Сен бу ерда бўласан, менинг қаерда бўлишим номаълум...»

Мана шу «қаерда бўлишим номаълум» ибораларида шу қадар ноиложлик, маҳзунлик оҳанги янгрардики, гўё ҳижрон балоси аллақачон уларни бир-бирдан жудо қилиб қўйгандай. Агар уларнинг пешоналарига бир-бирларини қайта кўрмаслик ёзилган бўлса, у ҳолда... у ҳолда Шуроманинг ҳозир, унинг оёқлари остида ўлгани маъқулроқ эди.

## Ун еттинчи боб

Қиссагўйлигимиз бошида эслатилган Рукмини эҳтимол ўқувчиларнинг хотиридан чиқмагандир. У Райгордан кетиб, Жайсур шаҳрининг бир четида Монгола номи билан жойлашиб олди. Бу хотиннинг ҳеч қандай ортиқча фазилати йўқ эди. Табиатан нопок, ҳарис Рукмини фаҳшга берилди, ўта ҳасадчи, шаддод эди, зарур бўлса кулишни ҳам, йиғлашни ҳам маромига етказарди. Ғазаби келса Рукмини даҳшатга айланиб, жаҳлини чиқарган одамни пора-пора қилишга чоғланарди: кўзларидан яшин чақнаб, безгакдек қалтирар, ғазаб унинг бешафқат юрагида эритилган темирдек билқиллаб қайнар, дилида пишиллаб турган ҳасад илони тобора шишиб-йўғонлашиб борарди. Шунга қарамай Рукмини ҳар хил диний маросимларни бекаму кўст бажарарди: Унинг таажжуб бир хислати бор эди: кимга яқинлашса, унинг яширин ниятларини дарҳол пайқаб оларди. Рукмини шахзоданинг тахтга чиқишини сабрсизлик билан кутарди, агар шундай ҳол рўй берса, у Удоядиттонинг кўнглини овлаб, ҳам уни, ҳам Жайсур давлатини идора қилиш ҳаёли билан яшарди. Ана шу мақсад йўлида у ҳар нарса қилишга тайёр эди. Унинг ҳаракатлари зое кетмади. У саройнинг ҳамма жориялари ва хизматкорлари билан дўстлашиб олди. Ҳамма янгиликлар, майда-чуйдасигача унга аён: ғам Шуроманинг юзига қачон соя солгани-ю Протападитто қачон бетоб бўлгани маълум эди унга; у подшоҳнинг ўлимини орзиқиб кутарди. Рукмини Протападитто билан Шуромани ўлдириш учун ҳамма воситаларни ишга солиб кўрди, аммо ҳозиргача муроди ҳосил бўлмади. Ҳар кун эрталаб, уйғонган ҳамон, бугун улардан бирининг ўлганини эшитаман, деб ўйларди. Лекин бундай хабар кела бермагач, тоқати тоқ бўлиб, қўлларини тишлаб қонатарди. Рукмини, ўз афсунлари охир-оқибат кутилган натижани беради, деб ишонарди.

Рукмини подшоҳ билан маликанинг Шуромага қарши кундан-кунга нафратлари ошиб бораётганини ҳушёрлик билан кузатиб борди. Уларнинг нафратлари шу даражага бориб етдики, охири келини саройдан чиқиб кетишга амр этишди. Бу воқеадан Рукмини руҳланиб, тантана қиларди. Бироқ Шуроманинг кетмаганини эшитгач, Рукмини уни ҳайдашнинг оддий воситасини ишга солди.

Монгола номли бир тул хотиннинг сеҳр-жоду ва дори-дармон тайёрлаш бобидаги маҳорати маликанинг қулоғига чалиниб қолди. У Шуромани ҳайдашдан олдин шаҳзодани ундан совитиш фикрига тушиб, дори олиб келиш учун яширинча равишда Мантонгинини унинг уйига юборди.

Монгола тун бўйи заҳар тайёрлади: томирларни майдалади, уларга сув сепиб ҳўллаб туйди, аралаштирди, шу ишлар асноси доим қандайдир афсун ўқиб турди. Шаҳар четдаги кулбадан эшитилиб турган ховонча сопининг зарбалари тун сукунатини бўзиб турди. Бу бўғиқ ва якнасақ зарбалар унинг ягона ёрдамчилари эди. Кимдир қўллари билан қарсак чалиб, унинг сеҳрли рақси мақомини қайтарар ва шу тариқа унинг ҳаракатини тобора тезлаштиргандек бўларди. Шу кеча Монгола мижжа қоқмай чиқди.

Дори тайёрлашга бир неча кун кетди. Одатда заҳар тайёрлаш учун бунча вақт талаб қилинмайди. Бироқ Шуромага ўлим келганда шаҳзоданинг раҳми келмаслиги учун талай афсун ўқилиши керак эди.

Малика эрининг розилиги билан Шуромани яна бир неча кун саройда олиб қолди. Бибҳанинг юраги ғаш эди, чунки Шурома кетиши билан бахтсизлик денгизига тушиб кетаман, деган фикр уни сира тарк этмасди. Сўнги кунларни у Шурома билан ўтказди, ғамгин, соядек сас-садосиз унинг кетидан юрарди. Кеч кириб қош қораяр, Бибҳа гўё бир нарсадан қўрққандек, Шуромани бағрига босиб, уни қўйиб юборгиси келмасди. Кунлар ўтди, уларнинг ҳар бири Бибҳанинг юрагидан бир қисмини олиб кетарди. Атрофдаги ҳамма нарсалар Бибҳага тунд, баднамо кўрина бошлади. Шуромага эса, олдинда ҳеч нарса кўринмасди — ҳаммаёқ бўм-бўш. Энди на шимол, на жануб, на шарқ ва ғарб бор — оламдаги ҳамма нарсалар бир-бирига қоришиб кетди.

Шурома Удоядиттонинг тиззасига бош қўйиб, жимгина унга термилиб ётарди.

— Менда нимаики бўлса барини сенга қолдираман, — деди у Бибҳага қараб ва уввос тортиб яна йиғига киришди.

Субҳидамда Шурома саройдан чиқиб кетиши лозим эди. Унинг содагина рўзғори Бибҳага топширилди.

Удоядиттонинг ўтиришида осудалик билан қатъият сезиларди. У Шурома билан кетиш ниятида эди. Аммо кечга яқин кутилмаганда Шуроманинг мажоли қуриб, боши айланди. У ўз хобгоҳига зўрға кириб борди.

— Бибҳа! Уни тезроқ чақир! Менинг аҳволим оғир! — ингради Шурома Удоядитто эшик олдида пайдо бўлиши билан. У эрига қараб қўл чўзди, у яқинлашиши билан оёқларини қучоқлади. Шаҳзода хотини ёнига ўтирди. Шуроманинг нафас олиши қийинлашди, унинг қўл-оёқлари совиган эди.

— Шурома! — қўрқиб хитоб этди Удоядитто.

Шурома оҳистагина бошини кўтариб эрига қаради.

— Нима, шаҳзодам?

— Тобинг қочдими, Шурома?

— Менинг вақт-соатим етибди шекилли... — У эрини бағрига босмоқчи эди, аммо қўл кўтаришга мажоли етмади.

Шаҳзода хотинининг бошини кўтарди:

— Шурома!.. Шурома!.. Сен ўлмайсан! Ўзинг биласан-ку, бу дунёда сендан бошқа кимим бор менинг!..

Ёш жувоннинг кўзларидан ёш оқиб кетди. Ҳанг-манг бўлиб қолган Бибҳа, ҳеч нарса тушунмай, Шуромага тикилиб қолди.

Оқшомлари Удоядитто билан Шурома бориб ўтирадиган дераза очик эди. Осмонда юлдузлар пайдо бўлиб, енгил шабада эсди, ҳамма ёқ жимжит. Ўйда шамлар ёқилди. Кечки ибодатга чорловчи қўнғироқ овозлари бир янграб, аста сўна бошлади. Сукунат ҳукмронлиги бошланди. Шурома аранг эшитилар овозда шивирлади:

— Азизим... нима учундир менинг кўзим хиралашиб боряпти...

Саройда, Шурома заҳарланибди, деган овоза тарқалди. Жуда кўп одам йиғилди, чопқиллаб келган малика Шуромани кўра солиб фарёд кўтарди.

— Шурома, азизим. Шу ерда қол. Сен уйимизнинг Лакшмисисан, ўни тарк этма.— Шурома қайнанасининг хокипойини кўзига суртмоқчи бўлгандай бир ҳаракат қилиб кўрди. Буни кўриб бу баттар йиғлаб юборди.— Сен нимадан ғазабланинг, нечун кетасан?!

Жон талвасасида унинг томоғи бўғилди, нимадир айтмоқчи эди-ю, тили калмага келмади.

Саҳарга яқин Шурома жон берди.

— Ака, нега ўлди у?— Бибҳа жонсиз келинни бағрига босиб фарёд этди...

Тонг отди, Удоядитто ҳамон ўша ҳолатда ўтирарди. Хотинининг боши ҳали ҳам тиззасида...

## Ун саккизинчи боб

Наҳотки Шуроманинг ўлгани рост бўлса? Бибҳа бу машъум ҳақиқатга ҳеч кўниқолмасди. Унинг назарида Шурома шу ерда, шу орада, ёнгинасида. Ҳозир уни кўради. Бибҳа хонама-хона кезиб кўнгли таскин топмади. Кечки ясан-тусан пайти келганда Бибҳа ҳаракатсиз ўтириб кутди — мана ҳозир Шурома кириб, унинг сочларини тараб-ўришига қарашади. Ҳайҳот, оқшом ўтди, тун келди, аммо Шуромадан дарак бўлмади. Бибҳанинг юзлари шундай ғамгин, кўзларидан ёш аримайди-ю, Шурома кириб келмаса-я... илгари, Бибҳа хафа бўлди дегунча, Шурома ҳозир бўлиб, уни бағрига босар, кўнглини кўтарар, юзига термиларди, эндиликда-чи, энди Бибҳанинг юраги ғам-аламдан зардобга тўлса ҳам Шурома келмайди.

Удоядитто ҳолдан тойди, кўнгли вайрон бўлди. Унинг умиди, шижоати, ягона таянчи — табассуми ҳар қандай мукофотдан аъло энг азиз кимсаси абадий кўз юмди. У элас-элас бир умид билан ўз хобгоҳига қараб кетади — шояд уни яна бир кўрса, бироқ ҳеч қандай тирик жон асари кўринмайди. У секин дераза олдига келиб ўтиради... Ёнида ҳеч ким йўқ, Шурома яхши кўрган жой бўм-бўш, осмонда эса — ўша ой, рўпарада ўша ўрмон, шабада ҳам боягидай эсиб турибди. Наҳотки шундай фараҳбахш оқшомда Шурома келмаса-я?..

Аҳён-аҳёнда унинг қулоғига Шуроманинг овози эшитилгандай бўлиб, қалтираб кетарди. Гарчи бу — мумкинот доирасидан ташқари бўлса ҳам, у хонани диққат билан қараб чиқар, солиб қўйган жойларини назардан кечирарди. Илгари шахзоданинг ҳар хил ишлари кўп бўларди. Камбағаллар унга тортиқ қилиб мева, сабзавот, доривор кўкатлар келтиришар, бу улар билан суҳбат қилар, маслаҳатлар берарди; энди унинг ҳеч нарсага қўли бормас, ҳеч иш қилолмас эди. Шундай бўлса ҳам, кечга бориб мадори тамом қурир, жойига аранг кириб

ётарди шўрлик. Унинг юрагида ҳамон бир умид яшарди, яъни у хобгоҳининг эшигини очади-ю, дераза олдида Шуромани кўради. Танҳо ўзи саройда ғамгин изғиб юрган Бибҳани кўриш Удоядитто учун айниқса оғир эди. У мулойимлик, меҳрибонлик билан синглисига тасалли беришга уринарди, Бибҳа эса, акасининг қўлини ушлаганча йиғлагани-йиғлаган эди, бундан таъсирланиб шаҳзоданинг ҳам кўзларида ёш ялтираб қоларди.

Бир кун Удоядитто Бибҳани ўз ҳузурига чақирди.

— Сен эрингинг олдига кетишинг керак. Нима дейсан? Хўп десаңг, бу ёғини ўзим тўғрилайман. Бу уйда кимнинг ҳам қолди? Мендан уялиб ўтирма, Бибҳа! Ўз дардингни яна кимга айта оласан?

Бибҳа жим қолди. Ахир бу ҳақда сўраб ўтиришнинг ҳожати бормиди? Бутун оламда у осудалик топадиган биргина ер бор, у албатта, бутун вужуди билан шу ёққа интилади. Бироқ ҳанузгача уни йўқлаб бирон киши келмаган-ку. Нечун? Буниси унга номаълум. Бир кун Удоядитто отасининг олдида Бибҳани қайнанасининг уйига жўнатиш зарурлиги ҳақида сўз очган эди. Протападитто бундай деди:

— Мен бунга тўсқинлик қилмайман. Лекин улар Бибҳани ҳурмат қилишса, ўзлари унинг учун киши юборган бўлардилар. Модомики, улар йўқламаяптими, демак, бу борада шошилишнинг ҳожати йўқ.

Малика қачон Бибҳани кўрса ўзини йиғидан тўхтатолмасди. Дарҳақиқат, эри тирик туриб, тул қолган қизни кўриб чидаб бўладими?! Бибҳанинг ғамгин юзини кўрган ҳамон унинг юрагига ўқ санчилгандай бўларди, у куёвини жуда яхши кўрарди, аммо унинг болаларча қилиқларини, айниқса ҳамма нарсани барбод этган кейинги ҳаракатларини маъқулламасди. У:

— Шоҳим, Бибҳани қайнанасининг уйига юборинг!— деб бир неча мартаба илтимос қилиб кўрди. Аммо подшоҳ қулоқ ҳам солмади.

— Менинг жаҳдимни чиқарма! Қачон одам юборса, ўшанда борарди!

— Одамлар нима дейди? Шунча вақт ўтди, сиз эса, қизимизни ҳанузгача қайнанасиникига юбормайсиз.

— Агар Протападитто қизини юборса-ю, Рамчондро Рай уни ҳайдаб юборса, унда одамлар нима дейди?!

«Подшоҳнинг муродини сира тушунмадим»,— дея йиғлади малика.

## Ун тўққизинчи боб

Рамчондро Райнинг шараф борасидаги тасаввурни жуда ғалати эди.

Бир кун ёш подшоҳ тахтиравонда кўчадан ўтаётиб икки тўқувчини кўриб қолди. Улар тахтиравоннинг яқинлашиб қолганини кўришди, лекин иш билан шундай банд эдиларки, ўринларидан туриш хотирларига ҳам келмади. Рамчондронинг жаҳли чиқиб ғавғо кўтарди. Бир кун у Жайсурда бир хизматкорга иш буюрди. Боёқиш бу топшириқни эшитди-ю, уни бажо келтириш хотиридан кўтарилди. Буни кўриб жаноб Рамчондро Рай мана бундай хулосага келди: қайнатам саройидаги хизматкорлар мени ҳурмат қилишмайди, уларга албатта, хўжайинлари ўргатган, бўлмаса улар бунга журъат қилмасди. Бунинг устига Рамчондро Рай ўша машҳум саҳарда шаҳзода Удоядиттонинг шу хизматкорга ниманидир шивирлаб гапирганини кўрганди, албатта, у Рамчондро Райни қандай камситиш борасида маслаҳат берган. Бўлмаса хизматкор билан нима хусусда гапиришарди?

Бир кун (бу воқеа Чондронда бўлган эди) болалар «подшоҳ

лар мажлиси» ўйинини бошлашди. Улар тупроқдан тахт ясаб, ўзлари худди вазирлар ва мажлис аъзоларидек атрофида ўтиришди. Бу овоза Рамчондро Райнинг қулоғига етиши билан у ҳамма оталарни чақиртириб қаттиқ жазо берди.

Биз воқеаларини баён қилмоқчи бўлган кунда эса Рамчондро Рай тахтда ёнбошлаб чилим чекарди. Унинг рўпарасида қўрқиб, жон-пони чиққан бир бечора турарди. Уни суд қилмоқда эдилар. Бу одам қариндош ва ёру дўстлари орасида Протападитто билан Рамчондро Рай орасидаги низолар ҳақида гапиришга журъат қилибди. Улардан қайси бир номехрибон буни подшоҳга етказибди. Рамчондро Рай ақл бовар қилмайдиган даражада дарғазаб бўлиб, жиноятчини саройга олдириб келибди. У, бечорага, бадарға қиламан, ҳатто осиб ўлдираман, деб таҳдид қилибди.

— Сен қандай журъат этдинг, беодоб?— деди у жиноятчига қараб.

— Раҳм қилинг, шоҳим, менда ҳеч қандай гуноҳ йўқ,— кўзига ёш олиб ёлворарди у.

— Ўзинг ўйлаб кўр, бизнинг шоҳимиз олдида Протападитто нима деган одам ўзи?— деди вазир.

— Сен биласанми, Протападиттонинг отаси, бу авлоднинг биринчи подшоҳи тахтга чиқиш олдида бизнинг подшоҳимизнинг марҳум боболарига ёлвориб, оқ фотиҳа беришларини сўраган,— эълон қилди сарой маъмури.— Кўз ёши ва илтижолардан сўнг шоҳимизнинг боболари чап оёғининг чинчалоғи билан унинг пешонасига тик<sup>1</sup> қўйганлар.

— У уруғдан фақат икки подшоҳ чиққан: Протападитто билан унинг отаси Бикромадитто,— деди масхарабоз Ромаи.— Протападиттонинг бобоси чувалчанг эди. Чувалчангнинг боласи зулук бўлди-да, ўз фуқароларининг қонини сўравериб йўғонлашиб кетди. Зулукнинг боласи эса, бошини кўтариб, бўйинини шишириб, заҳарли илондек вишиллайдиган бўлиб қолди. Биз авлоддан-авлодга подшоҳлар саройида масхарабозлик қилиб келамиз. Биз илонни афсун қилувчилармиз, уларнинг нималигини биз билмай, ким билсин?

Масхарабознинг сўзларини эшитиб Рамчондро Рай кибру ҳаво билан илжайиб, чилим чекди. Энди ҳукмдорнинг мажлиси Жайсур подшоҳининг ғийбатисиз ўтмасди. Протападиттога аталган сўз ўқлари тамом бўлгандагина сарой аъёнлари тарқалар эдилар.

Ниҳоят шавкатли Рамчондро Рай, жиноятчи роса таъзирини едику, деб ўйлади-да, ғазабдан марҳаматга ўтди.

— Бўпти, бу гал сени кечираман, аммо бундан сўнг эҳтиёт бўл.

Машварат мажлиси аъзолари тарқалиб, вазир билан масхарабоз қолди. Яна Протападиттони чайнашга киришдилар.

— Мана, сиз-ку, қутулдингиз-а,— бошлади масхарабоз.— Удоядитто ёмон аҳволга туриб қолди. Жайсур подшоҳи қизи тул қолса, унинг зийнат асбобларини сотиб хазиначини тўлдириш фикрида эди. Шаҳзода эса бунга тўсқинлик қилди, бунинг учун тоза балога қолди шўрлик!

— Наҳотки,— кулди Рамчондро.

— Эшитишимча, Протападитто ҳозир жуда ҳам ғамгин эмиш,— сўз қотди вазир.— Туз тотмайди, мижжа қоқмайди — фикри-зикри қандай қилиб бўлса ҳам, қизини қайнанаси ҳузурига юбориш бўлиб қолибди.

— Наҳотки шу гап рост бўлса?— яна хандон урди ҳукмдор ва ҳузур билан чилим тортиб, димоғи чоғ бўлди.

<sup>1</sup> Тик — ҳиндларнинг пешонасидаги муқаддас хол. Бундай хол байрам, тантана ёхуд тахтга чиқиш муносабати билан қўйилади.



— Менимча,— давом этди вазир,— қизини қайнана уйига юборишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Бу ерда тўй қилганлари ҳам етар, шунинг ўзиёқ етти пуштингизга етади, хотинни уйга бошлаб келиш — сизга иснод келтиради, холос! Сиз эса, бундай савоб талаблардан эмассиз — ҳўш, бунга сен нима дейсан, масхарабоз?

— Нима десам экан... шоҳим, сиз кўра-била туриб ифлос жойга қадам қўйдингиз, бу билан, албатта, ифлосликнинг ота-оналарини бахтиёр қилдингиз, аммо ўз уйингизга оёқни тозалаб киришга тўғри келади,— деди масхарабоз.

Масхара, истеҳзонинг чегараси йўқ эди. Протападитто билан ўғлини шу даврада тасаввур этиб, ҳар тарафдан ўқ узардилар — тирборон қилардилар. Удоядиттонинг булар олдида нима гуноҳи борлиги номаълум. У ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, Рамчондро Райни халос этгани тамом унутиб юборилган. Фақат бир нарсани унутишмади: у Протападиттонинг ўғли, демак, уни беҳаёлик билан масхаралаш мумкин.

Рамчондро Райни золим дейиш мумкин эмас. Йўқ, у шунчаки калтафаҳм ва бефаросат одам эди. Удоядитто унинг ҳаётини сақлаб қолди, лекин бу ундан заррача миннатдор эмасди. «Зеро бундан бошқача бўлиши мумкин эмас,— деб ўйларди у.— Рамчондро Райнинг бошига кулфат тушдими — ҳамма унга ёрдам бериши зарур», Чондродип ҳукмдори Рамчондронинг оёғига тикан кирса ҳамманинг жони оғриди, деб ўйларди бу худбин. Қолбуки дунёдаги энг кичик одамнинг ўз мусибати олдида шоҳлар шоҳи Рамчондро бир пул экани унинг хотирига ҳам келмасди. Хушомадгўйлар ушлаб турган тарозининг бир палласига ўзини, бир палласига бутун оламни жойлаб, албатта, менинг вазим оғир, деган фикрга келгач, унда миннатдорлик ҳисси қайта уйғонмади. Удоядиттодан миннатдор бўлмаслигининг бошқа сабаби ҳам бор эди. У, шаҳзода мени Рамчондро Рай бўлгани учун эмас, синглиси туфайли қутқазди, деб ҳисобларди. Борди-ю, у Удоядиттодан миннатдор бўлганда ҳам унинг устидан кулишда бошқалардан қолишмасди. Бошқалар, айниқса масхарабоз Ромаи бирор кимсани масхаралай бошлаганда, у буларнинг жағини тийиб қўйиш ўрнига, ўзи уларга қўшилиб хахолар эди. Бунинг ҳаммаси, менинг ҳақимда бирор гумонга боришмагай, деб қўрққанидан эди.

Рамчондро Бибҳани бор-йўғи бир неча мартаба кўрган бўлса ҳам, унга нисбатан муҳаббатга ўхшаш бир нима ҳис этарди. Бибҳа гўзал, умр баҳорига энди қадам қўйган. Анови тунда Протападиттодан ўч олиш ниятида Рамчондро Бибҳадан юз ўгирди, аммо бир ухлаб тургандан сўнг, Бибҳанинг йиғлаб турганини, ой нурида унинг юзини, энтикиб турган ярим яланғоч кўкрагини, меҳрибон кўзларидаги ёшни, титраб турган нозик лабларини кўриб, бирдан юрагида кучли бир майл пайдо бўлди. У Бибҳанинг бошини ўз тиззасига қўйди, юзидаги ёшни артди-да, вужудини зирқиратган оний бир оғриқ сизди, юрагида хотиннинг нозик лабларидан ўпиш истаги пайдо бўлди. Ана шунда у биринчи марта гуллаётган ёшликнинг нечоғлик гўзаллигини пайқаб қолди. Унинг нафас олиши оғирлашди, кўзларида нам пайдо бўлди, юрагининг уриши тезлашди. У Бибҳани ўпмоқчи бўлди-ю, аммо шу пайт эшик тақиллаб, ўз ҳаёти таҳлика остида қолганини пайқади. Юракнинг биринчи тугёни, биринчи хоҳиш, афсунланган нигоҳ қондирилмай, ташналик азоби хотирасида нақшланиб қолди. Бу ҳақиқий муҳаббат ҳисси эмасди, бундай ҳис Рамчондро Райга бегона эди. У шунчаки Бибҳага ҳаловатбахш бир эрмак деб интиларди.

Бибҳа ҳатто Рамчондро Райнинг тушига кирди. Бибҳа ёнида бўлишни у жудаям истарди. Лекин хотинига киши юборса, одамлар нима деб ўйлайди! Мажлис аъзолари уни хотинтабиат деб ўйлашади, вазир

норози бўлади, масхарабоз яширинча кулиб юради. Дарвоқе, у ҳолда Протападиттодан қандай ўч олади? Қандай қилиб қайнатасининг таъзирини беради? Мана шу андиша билан у Бибҳани камситиш, масхаралашдан ҳимоя қилолмас, борди-ю бу масхаралаш Протападиттога қаратилган бўлса, ҳимоя қилишни истамас эди.

Масхарабоз билан маслаҳатчи чиқиб кетгандан сўнг Раммохон Рамчондронинг олдига борди, қўл қовуштириб бундай деди:

— Нима гап, Раммохон?

— Шоҳим, фармон беринг, мен бориб маликамни олиб келай.

— Нималар деяпсан?

— Фармон берсинлар! Ичкари бўм-бўш, буни кўриб менинг юрагим эзилади. Ичкарида ҳам, шоҳимнинг хобгоҳларида ҳам бирор кимсанинг йўқлиги менга жуда алам қилади. Менинг онахоним, Лакшми, бу уйга кириб уни ёрит, кўзларимизга қувонч бағишла!

— Раммохон, сен тентак бўлибсан! Ахир мен қандай қилиб у қизни уйга олиб кираман!— Рамчондронинг кўзлари олайиб кетди.

— Нега олиб киролмас экансиз? Маликам нима гуноҳ қилиб қўйдилар?

— Нима деяпсан, Раммохон? Протападиттонинг қизини қандай қилиб уйга олиб кираман?!

— Хўш, нима бўпти? Унинг отасига нима алоқаси бор? Қиз бола эрга теккунча инон-ихтиёри отасида бўлади, аммо эрга теккандан кейин ота ўз ҳуқуқини йўқотади. Энди Протападиттонинг қизи сизнинг рафиқангиз, онздан бўлак ким уни уйга олиб киради-ю, ким иззат-ҳурматини бажо келтира олади?

— Протападиттонинг қизига уйланганимнинг ўзи кифоя. Бироқ, уни ўз уйимга олиб кириш?! Унда менинг шарафим нима бўлади?

— Шарафингиз! Сиз ўз рафиқангизни бегона уйда қолдириб, унга бўлган ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум бўлиш арафасидасиз. Ҳар қандай одам унинг хўжаси бўлмоғи мумкин. Унда сизнинг шарафингиз нима бўлади?

— Башарти Протападитто менинг хотинимни юбормаса-чи?

Раммохон кенг елкаларини ростлади.

— Юбормайдиси нимаси? Кимда бундай қудрат бор экан? Онахоним! Уйимизнинг Лакшмисийи ким биздан тортиб олади? Протападитто қанча улуғ бўлмасин, мен сизнинг рафиқангизни унинг қўлидан тортиб оламан. Мен бориб онахонимни бирга олиб келаман. Ким бизга халақит бера олади?

Шу сўзлар билан Раммохон эшикка қараб юрди, аммо ҳукмдор дарров уни тўхтатди.

— Шошма, Раммохон, менинг гапимга қулоқ сол! Тўғри, сен маликани олиб келасан, лекин буни бирор кимса билмаслиги керак, айниқса масхарабоз билан вазир.

— Ҳаммаси шоҳимнинг хоҳишларидек бўлади.

«Бу ҳақда Бибҳа уйга келгандан кейин билишади,— ўйлади Рамчондро,— унгача тайёргарлик кўришга фурсат етарли».

## Йигирманчи боб

Бибҳа акасига ғамхўрлик қилишни тамом ўз зиммасига олди: унга ўзи овқат келтирар, овқат егунча ёнида ўтирар, ҳамма зарур нарсани ўз вақтида муҳайё қилиб қўярди. Қош қорайган пайтда шаҳзода ўз хонасига кириб кетарди-да, қўли билан юзини беркитиб, узоқ ўтирар.

чамаси йиғларди. Бибҳа эса, қандай тасалли беришни билмай, секнигина унинг оёғи остига ўтириб оларди. Улар шу аҳволда ҳаракатсиз, хомуш ўтирардилар. Мана шам шуъласи титраб кетди, деворда соялар пайдо бўлди... Бибҳа ғамгинлик билан уларни кузатди. Фарёд томоғига тикилиб келарди.

— Ака, у қаерга кетиб қолди?

Удоядитто сапчиб тушди, қўлини юзидан олиб, таажжуб билан Бибҳага қаради: «У нимани сўраяпти?» Кейин аранг ўзига келиб, шошилиб кўз ёшларини артди-да, синглиси ёнига ўтириб, бундай деди:

— Бибҳа, менинг гапимга қулоқ сол...

Бугун ҳаво айниб, осмонни булут қоплаб олди. Илк саҳарда бошлаган ёмғир тўхтовсиз қуярди. Теварак-атроф жиққа ҳўл, шамол аҳён-аҳёнда ёмғир томчиларини уйга олиб киради. Удоядитто жон қулоғи билан ниманидир тинглайди: момақалдироқнинг гумбурлаши осмонни ларзага келтириб, узоқларда яшин порлайди. Шамол: «Шурома қани?»— деб уввос тортади, ёмғир: «Шурома йўқ, у қайта келмайди!»— деб жавоб беради. Бибҳа астагина акасининг олдига бориб, уни чақирди, шаҳзода қўли билан юзини беркитиб, бошини дераза тоқчасига — ёмғир томчилаб турган ерга қўйди.

Кун ўтди, қош қорайди, оқшом бошланди, Бибҳа Удоядиттога кечки таом келтирди.

— Ака, овқатланиб олинг.

Удоядитто ҳеч нарса демади. Бибҳа йиғлаб юборди.

— Ака, туринг, кеч бўлиб қолди...

Удоядитто бошини кўтарди. Бибҳанинг йиғлаётганини кўриб, унинг кўз ёшларини артди-да, таомга қўл урди, бироқ ҳеч нарса егиси келмади. Бибҳа акасига қараб хўрсинди-да, бориб ухламоқчи бўлди, унинг ўзи ҳам туз тотмади. Удоядитто билан бирор нарса ҳақида гаплашиб, уни оғир хаёллар исканжасидан қутқазиб керак эди, бироқ буни қандай қилишини Бибҳа билмасди.

«Қани энди ҳозир бобом бўлса»,— деб ўйлади Бибҳа.

Удоядиттонинг юрагига отасидан қўрқиб ҳисси пайдо бўлди. Унинг илгариги жасорати йўқ эди, у энди хавфу хатарга нописандлик билан қараб, зўравонликка қарши курашолмасди. У ҳар нарсадан шубҳаланар, ҳар нарсада қатъиятсизлик кўрсатарди.

Удоядитто қандайдир йўл билан тунда қароқчиларнинг бир заминдор идорасини талаб; сўнг унга ўт қўйиб ниятида эканликларини билиб қолди. У шу заҳоти отни эгарлашга амр этди-да, ичкари уйга қараб кетди. Хобгоҳига кириб хаёлга чўмди, паришонлик билан кийимларини ўзгартириб, кейин ташқарига чиқди, хизматкор чопиб келди:

— От тайёр, қаерга олиб келай?

Шаҳзода қатъиятсизлик билан туриб қолди, сўнг хизматкорга қараб:

— Ҳеч қаерга, отни олиб кет,— деди.

Шаҳзода бир марта кимнингдир нола қилаётганини эшитди. Нима ҳодиса рўй берди деб ташқарига чиқиб қараса, ижарадорни дарахтга боғлаб қамчи билан уришяпти. Боёқиш Удоядиттога қараб илтижо этди:

— Раҳмингиз келсин, шаҳзодам!

Бу шўрликнинг изтиробини кўришга тоқат қилолмай, Удоядитто чопганча уйга кириб кетди, илгари, у ўйлаб ўтирмай, бу бечорани жазодан халос этган бўларди.

Энди шаҳзода на очиқчасига, на яширинча Бхагобото ва Шитарамга ёрдам қилишга ботинолмасди. Уларнинг оғир аҳволда эканини эшитган ҳамон пул юбормоқчи бўлди-ю, кейин уни шубҳа қамраб олди ва ўз ниятидан қайтди.

Ҳеч ким, Удоядитто ўз ҳаётидан қўрқиб шундай қиялпти, деб ўй-ламасди. У ҳаётни илгаригисидан ортиқ севмасди. Лекин юрагида ваҳм пайдо бўлди. У отасини қандайдир ғайри табиий, сирли бир кучга молик одам деб ўйлайдиган бўлиб қолди.

Гўё Протападитто ўғлининг тақдирини ўз қабзасида сиқиб туриб-ди-ю, бундан кейинги ҳаётнинг ҳар соати, ҳар лаҳзаси унинг ихтиёри-да. Удоядитто ўлим оғушига кириб, ҳаётининг сўнгги дақиқалари ет-ганда ҳам, Протападитто қош имоси билан яшашга амр этса, ажал чекинади, Удоядитто тирик қолади.

## Йигирма биринчи боб

Энди яна Рукминига қайтамыз. У фойдага пул қўйиб, судхўрлик билан яшарди. Гўзаллик ва пул — мана шу икки кучни ишга солиб, у кўпларни ўзига итоат қилдирган эди.

Ўқувчига маълумки, Шитарам ҳаёт неъматларига бепарво қарай-диган одамлардан эмасди, лекин қўлида бир пули йўқ эди. Бинобарин, уни Рукминининг гўзаллиги ҳам, пули ҳам баб-баравар ўзига тортар-ди. Уйда сичқонлар ҳассага суяниб юганда, Шитарамнинг юришини кўрсангиз ҳайратда қолардингиз. У осуда қиёфада, қўлида таёғини ўй-натиб, елкасига ҳарир чадор ташлаб, кўкрагини чиқариб, Рукмини-нинг уйи томон йўл оларди. Агар йўлда у билан учрашганлардан бир-ортаси: «Аҳволинг, ишларинг қалай, Шитарам?»— деб сўрагудай бўлса, Шитарам шу ондаёқ юзида табассум билан:

— Жуда соз. Мана, меҳмонга боряпман,— деб жавоб берарди.

Шитарам мақтанишни яхши кўрар, аҳволи оғирлашган сари тили бурро бўлиб борарди. Аммо аҳволи кундан-кунга оғирлашиб боравер-ди, ҳатто уни севгувчи тоғаси ҳам «тоға» деган фахрий унвонни уну-тиб, кетиш фикрига тушиб қолди.

Мана, Шитарам Рукмини ҳузурига келди. Унга яқинлашгач, та-бассум билан қўшиқ бошлади:

— Бадавлатсан, Радха, бу аён,  
Саховатинг таърифи улғ.  
Бироқ сийму заринга, жонон,  
Жилла бўлсин, майл-хоҳишим йўқ.

Мискиндурман — менга берма пул,  
Утли, ўтли гупирмоқда қон!  
Оҳ, жон-жон деб айлардим қабул,  
Ишқ гавҳарин қилсанг армуғон!

Дарвоқе, азизим, бу қўшиқ ҳозирги ташрифимга унча мос келмайди. Муҳаббат дурига ҳозир кўп ҳам муҳтож эмасман. Эҳтимол бир кунмас, бир кун, қачон бўлмасин кейинроқ, бу дурга ҳам эҳтиёж туғилар, ҳо-зир мен бир оз кумуш ва олтин ололсам қувонардим.

— Қачон керак бўлса келавермайсанми. Мен «муҳаббат дурини» сендан бошқа кимга ҳам тортиқ қиламан,— хитоб қилди Рукмини бир-дан Шитарамнинг ишқида куйиб ёнгандек.

— Йўқ, йўқ, менга ҳозир бунинг кераги йўқ. Яхшиси, биласанми... менинг пулларимни онамга бериб қўядиган одатим бор. Бироқ, бугун у куёвининг олдига, Жорагхатга жўнаб, пул қолдириб кетиш эсидан чиқибди. Мен эртагаёқ қайтариб бераман.

Рукмини ичида кулиб, бундай деди:

— Бунча шошилишнинг не ҳожати бор? Мавриди келса қайтарар-сан, ахир. Мен уни сенга беряпман, сувга ташлаётганим йўқ-ку.— Пул-

ни Шитарамдан ундиришдан кўра сувдан чиқариб олиш осонлигини Рукмини биларди, албатта.

Шитарамнинг турган-битгани шу — ёнида ҳемири йўқ, аҳволига маймунлар йиғлаганда ҳам ўзини шаҳар ҳокимидек тутар, ҳажв ҳиссидан тамом бебаҳра бўлса ҳам ҳазилни қўймасди. Рукминининг мулоҳим муомаласи, эътибори Шитарамнинг юрагида айна ҳисларни қўзғаб, у ҳам аскиячиликдаги маҳоратини намойиш қилишга аҳд этди. Шитарам оғзига келганини гапириб, ҳаммадан олдин ўзи куларди. Худди шуниси бошқаларнинг кулгисини келтирарди. У саройда хизмат қилиб юрган кезларда бемаъни, қўпол ҳазиллари учун мудом бошқа посбонлар билан жанжаллашгани-жанжаллашган эди.

Бир кун посбон Хонумон Прошад қоровулликда туриб, мудрай бошлади. Буни кўрган Шитарам секингина унинг олдига бориб, бор кучи билан орқасига мушт туширди-да, ўзи хахолаб кула бошлади. Аммо Хонумон Прошад унинг қувончига қўшилмай, бундай бемаъни ҳазилдан ўт чиқади, деб уни огоҳлантириб қўйди.

Шундай қилиб Шитарам ошиқи беқарор бўлиб қолди. У Рукминига яна ҳам яқинроқ силжиб, сохта овоз билан:

— Сен менинг Субхадрам, мен сенинг Жаганнатхангман, — деди.

— Эҳ тентаккинам, ахир Субхадра Жаганнатханнынг синглилиси-ку?

— Наҳотки? Бўлмаса, нега у Субхадрани ўғирлади?

Рукмини хандон ура бошлади. Шитарам кўкрагини кериб, бундай деди:

— Кулги билан қутулмайсан. Агар Субхадра унинг синглиси бўлса, нега уни ўғирлади?

Бу далил Шитарамга анча далда берди: у ўз саволига жавоб топиш мушкул деб ўйлади.

— Тентаккинам, эҳ тентаккинам, — деди Рукмини секингина.

Шитарам эриб кетди.

— Тентак, ростдан ҳам тентакман. Мен сенинг ҳузурингда ҳаммаша тентак бўлиб қоламан. Сен ёнимда бўлсанг, мен шундай ўзимни йўқотиб қўяман, сингилжоним, — деди у ва дилида бундай ўйлади: «Унга қойил қилиб жавоб бердим. Сўзни ҳам сирасини тердим».

— Бўпти, синглим, давом этди Шитарам, — дарвоқе, эҳтимол сени бундай деб аташим ўзингга ёқмас, ундай бўлса, сени нима деб атай, айт, мен мамнуният билан айтганингни бажо келтираман.

— Мени «жоним» деб ата — кулди Рукмини.

Шитарам такрорлади:

— Жоним.

— «Севгилим» дегин.

— Севгилим.

— Айт: «Энг севгилим».

— Энг севгилим.

— Айт: «Сен мен учун ҳаётдан қимматсан».

— Сен мен учун ҳаётдан қимматсан... булар ҳаммаси яхши, сингилжон, аммо сен менга қанча фойдага қарз бермоқчисан?

— Йўқол, йўқол кўзимдан! Энди билдим мени қандай севишингни, — ғазаб билан қичқирди Рукмини. — Фойда ҳақида сўз очишга қандай тилинг борди?!

— Яхши, яхши, — деди Шитарам. — Ахир мен шунчаки айтдим-қўйдим-да. Ҳазиллашдим, наҳотки тушунмаган бўлсанг? Жоним, энг севгилим.

Нима учунлиги номаълум, аммо Шитарамнинг онаси тез-тез кўёвникига кетиб, ҳар гал пул қолдириб кетишни унутадиган бўлиб қолди. Шитарам эса, ўз навбатида ночор қолиб, тул хотиннинг уйига бо-

ришга мажбур бўларди. У Рукмини билан қандайдир сеҳрли музокара олиб бориб, бир сафар бундай деди:

— Бу енгил юмуш эмас, сингилжон, Бхагоботосиз бу иш битмайди. Уша куни кечга яқин даҳшатли довул бошланди. Сарой дарвозалари гижирлар, тарақлар эди. Шамол боғдаги дарахтларни шундай тебратардики, учлари ерга тегай-тегай деб қоларди. Дарё тошқин вақтида қишлоқ кулбаларини вайрон қилиб, оқизиб кетгандай, шамол булутларни тўзгитиб, аллақаерга қувиб борарди. Яшин ўқи осмон бағрига санчилиб, момақалдиरोқнинг гумбурлаши умумий фулғулага қўшилиб бормоқда. Удоядитто ўз хонасига кириб олди. Унинг қўлида кичкина қизча ухлаб ётарди. Бу ўша Шурома севган қизча бўлиб, Шуроманинг вафотидан сўнг онаси қизчани саройга юбормай қўйган эди. Бугун қизча биринчи марта бу ерга чопиб келди-да, Удоядиттони кўриб, қувонч билан қичқирди:

— Амаки, амаки!— Шундай деб унинг тиззасига ўтириб олди. Гўдакни бағрига босиб, шаҳзода уни ўз хонасига олиб кирди. Назарида Шурома ҳозир қизчани кўргани келадигандай туюлди. Ахир у бу гўдакни жуда севарди-да. Унинг келмаслиги мумкин эмас.

— Холам қани?— бирдан сўраб қолди қизча.

— Чақир уни!— деди Удоядитто фарёд этишга сал қолиб.

Қизча чақирди:

— Хола, бу ёққа келинг!

Қимдир узоқдан жавоб берди:

— Мана, боряпман.

Бу мумкинот хорижидаги гап. Аммо Удоядиттонинг назарида Шурома қизчанинг мулоим овозини эшитиб, уни бағрига босиш учун ошиқаятгандай туюлди.

Бирпасда қизча ухлаб қолди, Удоядитто шамни ўчириб, қоронғида ўтирди. Қизча унинг тиззасида ором олиб ухлар, ташқарида эса, гувиллаб, инграб шамол эсарди. Бирдан шарпа эшитилди. Бу қадам эмасмикан? Қимдир тўғри юриб келяпти. Удоядиттонинг юраги ўйнаб кетди. Мана, эшик очилди... Шуъла кўринди. Наҳотки? Хонага секингина қўлида шам тутган аёл кириб келди. Удоядитто кўзларини юмиб олди.

— Шурома, бу сенмисан?..— у кўзини очишдан, Шуромани чўчи-тишдан кўрқарди. Балки бу Шурома эмасдир?

Аёл шамдонни бир четга қўйиб, сўради:

— Наҳотки сен мени эслолмасанг?

Бу сўзлар қабрдан чиққан садодек туюлди. Шаҳзода сапчиб кетиб, кўзларини очди. Тиззасида ухлаётган қизча уйғониб, йиғлай бошлади. Удоядитто уни ўз жойига ётқизиб, ўрнидан турди, у нима қилишини, қаёққа боришини билмай қолди... Рукмини шаҳзодага яқинлашиб, бош чайқади.

— Мени танимадинг-а? Шундай экан, нега бир вақтлар мени осмону фалакка кўтариб, умидвор қилдинг?

Бирор сўз дейишга мажоли етмай Удоядитто хомуш турарди. Буни кўриб Рукмини тажрибадан ўтган қуролини ишга солмоқчи бўлди.

— Сенга нима гуноҳ қилиб қўйдим?— Кўз ёши аралаш гапириб кетди у.— Нега менинг дийдорим сенинг кўзингга тикандек санчиладиган бўлиб қолди? Нега бир вақтлар тану жонини сенга бахш этган соҳибжамолни хароб этдинг? Энди у тиланчидек кўчама-кўча изғиб юрибди. Нима учун парвардигор менинг қисматимни бунчалар аччиқ қилди экан!

Удоядиттонинг юраги «шув» этиб кетди. Назарида ростдан ҳам бу жувонни ўзи хароб этгандай бўлиб кўринди. Утмиш гўё хотирадан кўтарилди. Ҳали ёшгина вақтида, Рукмини уни йўлдан оздириб, ҳар

кун йўлига янгидан-янги тузоқ қўйганини унутди. Гирдобдек уни айлантириб-айлантириб, бир онда жаҳаннам қаърига ташлади. Буларнинг барини унутди. Ҳозир у Рукминининг кир-чир жулдур кийимлари-ю кўз ёшларини кўрарди, холос. Раҳмдил Удоядитто бу аҳволга лоқайд қаролмади.

— Нима истайсан?— сўради у.

— Ҳеч нарса. Фақат муҳаббат. Мен шу дераза олдида сенинг кўкрагингга бош қўйиб ўтиришни истайман, мени эркалашингни истайман... наҳотки менинг юзим Шуроманинг юзича оқ бўлмаса? Борди-ю у қорайган бўлса, бу ҳам сен туфайли, сарсон-саргардонликдан.

Шу сўзларни айтиб, Рукмини шаҳзоданинг жойига ўтирмоқчи бўлди. Бироқ, у йўл қўймади.

— Ҳаддингдан ошма! Ҳаддингдан ошма!

Рукмини бошини кўтарди. Шу пайтда у яраланган илонга ўхшарди.

— Нима учун?!

— Сен нимани истасанг бераман, лекин ётадиган жойимга яқинлашма.

— Хўп, бўлмаса қўлингдаги узукни ҳада қил.

Шаҳзода шу заҳотиёқ узукни бармоғидан чиқариб унга қараб ирғитди. Рукмини шошилиб узукни олди-ю, шу ондаёқ чиқиб кетди.

«Бу алвастининг афсуни ҳали тамом йўқолгунча йўқ,— ўйлади Рукмини,— бир неча кун ўтмай, шаҳзода яна менинг асирим бўлади».

Рукмини чиқиб кетгандан сўнг Удоядитто ўз жойига ўтириб, икки қўли билан бошини ушлаб ингради:

— Шурома, қаердасан? Менинг абгор юрагимга энди ким тасалли беради?

## Иигирма иккинчи боб

Бхагоботонинг аҳволи ёмон эди. Мана бир неча кундан бери у биров билан гаплашмай, трубка тортгани-тортган. Қўшилари, бу ёмонлик нишонаси, деб ташвишга тушдилар. У чеккан сари юрагидаги қора хаёллар гирдоби баттар авж оларди. Бхагобото художўй одам эди. У ҳеч кимга яқинлашмас, мудом Хари<sup>1</sup> ибодати билан машғул, камгап ва ҳеч қачон бировни ғийбат қилмасди. Аммо биров одамнинг бошига кулфат, тушса, ҳеч ким Бхагоботодай яхши маслаҳат беролмас эди. У ҳеч вақт бировга озор бермаган, аммо озор бергани афв ҳам этмаган. Дилозордан қасос олиш хоҳиши уни шундай чулғаб олардики, вақтинча трубка чекишни ҳам йиғиштириб қўярди. Гапнинг қисқаси, Бхагобото ёмон одам эмас эди. Маҳалла аҳолиси уни ҳурмат қиларди. У танг қолган вақтида қарз сўрашга тортинмас, аммо энг зарур нарсасини сотиб бўлса ҳам, қарзини муҳлатида қайтарарди.

Бир кун эрталаб унинг олдига Шитарам кириб келди.

— Аҳволинг қалай, дўстим?

— Ёмон...

— Нима бўлди?

Бхагобото бир неча мартаба трубкасини тортиб, уни Шитарамга узатди.

— Кўрмайсанми, ошга топсак — нонга йўқ.

— Нега бу аҳволга тушиб қолдинг?

— Усмоқчилаб сўрашнинг нима ҳожати бор? Ўзинг биласан-ку.

<sup>1</sup> Хари — бош худо Вишнунинг номларидан бири.

Менинг билишимча иккимизнинг аҳволимиз бир хил,— жаҳли чиқиб гапирди Бхагобото.

— Йўқ, мен бу ҳақда эмас,— довдираб қолди Шитарам, у бундай жавобни кутмаган эди.— Қизиқ, нега сен қарз олмайсан?

— Бундан нима чиқади? Бари бир қарзни қайтариш керак-ку. Буни осон деб ўйлайсанми? Бирини сотасан, бирини гаровга қўясан, бундан нима фойда кўрасан?

— Айт, сенга қанча керак? Мен келтириб бераман,— фахр билан гапирди Шитарам.

— Ростданми? Нима ҳам дер эдим, агар бир ҳовуч тангани аямай, сувга ташламоқчи бўлсанг, бир нечтасини менга бер. Лекин огоҳлантириб қўяй: уларни сенга қайтариб беролмайман.

— Бу ёғидан хотиржам бўл, дўстим.

Шитарамнинг шунча илтифотомуз таклифига қарамай, Бхагобото нечундир унга у қадар рўйхуш бермади. Трубкасини яна тўлдириб, хомуш чека бошлади.

Шунда Шитарам ишга ўтди.

— Дўстим, биз иккимиз ҳам подшоҳнинг марҳамати билан кулфатга грифтор бўлдик.

— Нима учундир сен кулфатга грифтор бўлганга ўхшамайсан.— Шитарамнинг саҳийлиги Бхагоботонинг жаҳлини чиқарди.

— Йўқ, иним, бундай дема. Бугун сенда бир пайса<sup>1</sup> йўқ, эртага эса менда бўлмайди.

— Подшоҳ бундай адолатсиз бўлса, нима ҳам қила олардик.

— Гап шунда-да, агар унинг ўрнида шаҳзода ҳукмдорлик қилганда, олтин аср бошланарди, унда биз ҳаловатда яшардик.

— Ҳой, биродар, иккаламиз гаплашадиган гап қолмади,— жаҳл қилди Бхагобото.— Сен катта одамсан, оғзинга келганини гапиришинг мумкин. Мен эса кичкина одамман, ҳеч қандай таянчим йўқ.

— Жаҳл қилма, дўстим. Менинг гапимга қулоқ сол.

Шитарам ниманидир Бхагоботонинг қулоғига шивирлади.

— Эшитишни ҳам истамайман. Бунақа гапларни қайта менга гапира кўрма,— таҳдид этди Бхагобото.

Шитарам чиқиб кетди. Аммо ҳамма жиҳатини ўйлаб кўриб, эртасига эрталаб Бхагоботонинг ўзи Шитарам олдига борди.

— Сен кеча тўғри айтган экансан.

— Нима тўғрида гапирялсан, дўстим? Мен ҳеч нарса деганим йўқ,— ғурурланиб жавоб берди Шитарам.

— Мен сен билан маслаҳатлашгани келдим.

Шитарам яна ҳам кеккайиб кетди. Улар бир неча кун музокара олиб бориб, охири Протападиттони тахтдан тушириб, ўрнига ўғлини подшоҳ қилиб кўтариш ҳақида хитобнома ёзишга аҳд этишди. Хитобнома шаҳзода номидан ёзилиб, остига унинг муҳри босилади. Уларнинг омади келди: Рукмини олиб келган узукда шаҳзоданинг номи қўшиб ўйилган муҳр бор эди.

Шундай қилишди. Хитобнома ёзилди. Унинг остига Удоядиттонинг номи — муҳри қўйилди. Шитарамни норасо одам санаб, Бхагобото унга асли ниятини очмай, Деҳли подшоҳига хитобномани ўз қўли билан топширажанини айтди, холос.

Лекин у Деҳлига жўнамай, тўғри Протападиттонинг ҳузурига бориб, бундай деди:

— Мен тасодифан шаҳзоданинг бир ходими хитобнома олиб Деҳли подшоҳи ҳузурига жўнаётганини эшитдим. Ходим қочиб кетди. Мана ўша хитобнома.

<sup>1</sup> Пайса — ҳиндларнинг майда пули, бизнинг бир тийинга яқин.



Бхагобото Шитарам ҳақида бирор сўз демади.

Протападиттонинг бу ҳужжатни ўқиб, қайси аҳволга тушганини тасвирлашга эҳтиёж йўқ.

Бхагоботони эса ўша кундан эътиборан яна сарой хизматига олишди.

## Иигирма учинчи боб

Бибҳанинг юрагини зулмат қоплади. Унинг назарида ғаму қайғулар кўнглидан бахт умидини ҳам сиқиб чиқаргандай туюларди. Иложисизлик, маъносизлик соядай эргашиб юрарди унга. Ғаму аламдан, танҳоликдан эзилган Бибҳа, кўрпаси устида ўтириб, йиғлаб дер эди: «Нега мени ташлаб кетдинг? Сенинг олдингда нима гуноҳим бор?» У қўллари билан юзини беркитиб, ёстиққа ёпишди: «Мен нима ёмонлик қилдим? Хат йўқ, у ёқдан ҳеч ким келмайди, ҳеч қандай хабар йўқ... Нима қилиш керак? Уззу кун юрагим зардобга тўлиб, хонама-хона изғийман. Ҳеч ким сенинг ҳақингда гапирмайди, номингни тилга олмайди. Эй воҳ, охири нима бўларкин?» Шу тариқа кунлар кетидан кунлар ўтди... Қанчадан-қанча шафақ ёниб сўнди, қанчадан-қанча оқшомлар тунга айланди, Бибҳа бўлса ҳамон танҳо, дугонасиз, саройнинг бўм-бўш хоналарида санқиб юрарди.

Аммо бир кун илк саҳарда Раммохон келиб қолди.

— Онахонимизга шарафлар бўлсин,— Бибҳа билан саломлашди у.

Қиз ногоҳонийликдан сапчиб тушди. Кўзларига ёш келди. Унинг аъзойи бадани қалтираб шивирлади:

— Моҳон, сенмисан?..

— Мана, кўриб турибсан, онахонимиз бизни тамом унутиб юборди-ку, деб кўргани келдим.

Уялганидан Бибҳа бирор нарса сўрашга ботинмади, ҳолбуку эри ҳақида бирор сўз эшитишни жудаям истарди.

— Онахоним, нега юзларинг бунчалар ғамгин? Кўзларингни ташвиш тумани босибди, лабларда табассум йўқ, сочлар тартибга солинмаган... кетамиз, онахон, бизнинг уйга борамиз — бу ерда сенга ғам-хўрлик қиладиган кимса йўқ.

Бибҳа маъюсона табассум қилди-ю, ҳеч нима демади. Кўз ёшлари унинг озиб оқарган юзларида тўхтовсиз оқиб борарди. Бахт қутилмаганда, меҳрибон, тортинчоқ Бибҳада эски алам ҳиссини уйғотди. У йиғлаб юборди. «Ажаб, улар мени энди эслашибди-да!»

Раммохон ҳам кўзларига ёш олди.

— Сенинг кўз ёшларинг, Лакшми, яхшилик нишонаси эмас. Сен бизнинг уйга лабларингда табассум билан киришинг керак. Кўз ёши тўкма. Бугун — шоду хуррамлик куни.

Раммохоннинг келганини эшитиб малика жуда қувонди. У кўнглида, Рамчондро энди Бибҳани сира уйига йўлатмайди, деб кўпдан бери хавфсираб юрарди. У Раммохонни чақириб, куёвининг саломатлигини сўради ва алоҳида эътибор билан азиз меҳмонни зиёфат қилди. Эртани саёҳат учун хайрли кун деб топишди. Субҳидамда Бибҳа саройни тарк этиб кетиши керак эди. Протападитто ҳеч қандай монелик кўрсатмади.

Ҳамма нарса тайёр бўлгач, Бибҳа Удойдитто ҳузурига борди. Шаҳзода ўзи ёлғиз, чуқур уйга чўмиб ўтирарди. У Бибҳани кўриб сесканиб кетди.

— Демак, сен кетасан, Бибҳа. Бу яхши: бахтиёр бўласан. Сенга

оқ йўл тилайман. Эрингнинг уйига Лакшмидек кириб бор, муҳаббатинг нури билан ёрит уни.

Бибҳа йиғлаб акасининг оёқларига йиқилди. Шаҳзода қўлини синглисининг бошига қўйди.

— Нега йиғлайсан, Бибҳа? Ахир сен бу ерда бахтлимининг? Азоб, изтироб ва ғам бизни қуршаб олган. Мана энди сен бу турмадан қутуласан.

Бибҳа ўрнидан турди.

— Бор. Лекин бизни унутиб юборма. Гоҳ-гоҳ бизни эслаб, хат ёзиб тур.

Бибҳа ҳаяжонланиб, Раммохоннинг олдига борди.

— Мен ҳозир боролмайман.

— Бу нимаси, онахон?

— Боролмайман. Акамни танҳоликда ташлаб кетиб, мен ҳеч қачон бахтли бўлолмайман. Унинг бошига тушган ҳамма мусибатларнинг сабабчиси мен, мен, ахир. Уни шоду хуррам кўрмагунча ундан ажралмайман. Удоядиттонинг аҳволидан ким хабар олади!

Бибҳа йиғлаганча ичкарига кириб кетди.

Хотинлар хонасида ғавғо кўтарилди. Малика келиб Бибҳага таъна қила бошлади. Таҳдидлар илтижога мубаддал бўлди, аммо Бибҳа ўз гапида туриб олди:

— Йўқ, йўқ, боролмайман...

Қаҳр ва аламдан малика йиғлаб юборди.

— Бундай ярамас қизни асло кўрган эмасман.

Малика эрининг олдига бориб, ҳаммасини гапириб берди. Аммо Протападитто хотиржамлик билан:

— Яна яхши. Бибҳа хоҳламаса — бориб нима қилади?— деб қўя қолди.

Малика қўл силтаб, дилгир бўлиб гапирди:

— Билганингизни қилинг, бошқа бу ҳақда оғиз очмайман.

Бибҳанинг қарорини эшитиб, Удоядитто ўз қулоқларига ишонмади. У синглисига кўп насиҳат қилди, лекин Бибҳа ўз сўзида туриб олди.

Ноумид бўлиб қолган Раммохон ғамгинлик билан деди:

— Хайр майли, онахон, мен кетаман... Бироқ ҳукмдорга нима деб айтаман?

Бибҳа жим тураверди.

— Хайр, онахоним!

Раммохон таъзим этиб, йўлга тушди. Бибҳа шу заҳоти эгилиб йиғи бошлади ва ғамгин овоз билан чақирди:

— Мохон...

Раммохон қайтиб келди.

— Нима дейсан, онахон?

— Ҳукмдорга айт, мени кечирсин. Афтидан менинг тақдирим ўзи шунақа.

— Айтганингдек бўлади, — совуққина жавоб берди Раммохон.

Яна бир бор таъзим қилиб, у кетди. Бибҳа ўз туйғулари Раммохонга ёқмаслигини биларди, ҳа, бу туйғулар унинг учун гоят мураккаб эди. Шунинг учун у, ота уйида қолиш Бибҳадан нечоғлик матонат талаб қилишини тушунмади ва ёш маликага муҳаббатига қарамай, ундан ранжиб кетди.

Юрагида нималар бўлаётганини Бибҳанинг ўзигина биларди. У отасиникида қолди, йиғини ҳам тарк этди, лекин кўнгли жуда ғаш эди. Озғингина, ранглари ўчган бу қиз хонама-хона юриб, бирор иш билан шуғулланишга тиришарди. У онасининг таъналарини жим туриб тинглар, сўнгра, ғамгин бир нуқтадай, секин чиқиб кетарди.

Агар ундан: «Бибҳа, нега сен ҳадеб озиб боряпсан?»— деб сўрашса, у енгил жилмайиб қўярди, холос.

Худди шу кунларда Бхагобото подшоҳга ўғли муҳр босган сохта хитобномани топширди. Жайсур ҳукмдори ʻоловдай ловиллаб кетди. У узоқ тафаккурга бориб, охири Удоядиттони турмага солишга амр этди.

— Шоҳим, инонманг, шаҳзоданинг айби йўқ, туҳматчининг тилини кесинг, Удоядитто бундай қилолмайди,— инсофга чақирди вазир подшоҳни.

— Мен ҳам унчалик ишонганим йўқ. Агар Удоядитто турмада ўтирса, ҳеч нарса бўлмайди. У ерда унга биров азоб ҳам бермайди. Лекин яширинча бирор бебошлик қилмасликлари учун мен унга побонлар қўяман.

## Йигирма тўртинчи боб

Раммохон подшоҳ олдида жиноятчидек бўлиб қолди. Рамчондро хотинини кўрганда айтадиган гапларини ўйлаб қўйганди. У хотини билан жиддий гаплашмоқчи, унинг отаси ва бутун авлодлари хусусида бор гапни тўкиб-солмоқчи эди. Рамчондро ўз сўзларини пухта ўйлаб, уни қаерда, қачон ва қайси тартибда сўзлашгача бир фикрга келиб қўйди. Хўш у Бибҳани ранжитмоқчимиди? Йўқ, у шунчаки отасини рўкач қилиб қизини уялтирмоқчи эди холос — ҳеч бўлмаса қайнатасидан шу тариқа ўч олиши керак-да.

Бўлажак ғалаба нашъасидан, Бибҳанинг бирор сабаб билан келмай қолиши ҳам мумкинлигини ҳукмдор тамом нутиб қўйган эди, шунинг учун Раммохонни ёлғиз кўриб, таажжуб билан хитоб қилди:

— Нима бўлди, Раммохон?

— Менинг барча саъю ҳаракатларим бекор кетди.

Ҳукмдор сапчиб тушди.

— Сен уни олиб келмадингми?

— Олиб келолмадим, валинеъматим. Жайсурга хосиятсиз пайтда жўнаган эканман.

Ҳукмдорнинг қаттиқ жаҳли чиқди.

— Аблах, сени у ерга бор, деб ким сўраган эди? Ахир мен ман этгандим, сен қулоқ солмадинг, маслаҳат бериб, мени кўндирдинг, мана энди оқибат...

Раммохон қўлини пешонасига қўйиб, ғамгин сўз бошлади:

— Шоҳим, бунинг учун айб менинг тақдиримда.

Рамчондро Рай бутунлай қутуриб кетди.

— Рамчондро Рай шарманда бўлди! Сен менинг номимдан садақа сўрагани бординг, аблах, Протападитто бўлса, чўзилган қўлингни қуруқ қайтарди... Бизнинг авлод ҳеч қачон бундай шарманда бўлмаган эди!

Раммохон бошини тик кўтариб, ғурур билан гапирди:

— Бундай демасинлар, шоҳим! Сизга ваъда қилганим учун, Протападитто монелик қилганда ҳам, маликамни олиб келган бўлардим. Қўрқиб ўтирмасдим. Сизнинг амрингиз мен учун ҳар нарсадан устун туради. Гарчи у подшоҳ бўлса ҳам, мен унинг эмас, сизнинг ғуломингизман.

— Нима бўлди, ахир?

Раммохон узоқ жим қолди.

— Гапирсанг-чи!

— Шоҳим...— қўл қовуштириб, илтижоомуз гапирди Раммохон.

— Нима? Гапир!

— Шоҳим, маликамнинг ўзлари келишга кўнмадилар... — чолнинг кўзларида ёш пайдо бўлди. У ўз маликасига қаттиқ ишонар, Жайсурга фахр билан жўнаган эди, малика эса, унинг ишончини оқлолмади. Қариянинг кўнглида ҳозир нималар кечаётганини тасвирлаш қийин, албатта.

Ҳукмдор сакраб турди-да, кўзларини олайтириб, бақирди:

— Сен ёлгон гапирётганинг йўқми?— у эсини еб, мувофиқ сўз тополмади.— Ўзи келишга кўнмадими? Аблаҳ, ҳозир кўзимдан йўқол!

Раммоҳон лом-мим демай, чиқиб кетди. У ўзини гуноҳкор санаб, ҳар қандай жазога рози эди.

Ҳукмдор бу ҳақорат учун қандай ўч олишини билмасди. У Жайсур подшоҳининг лоақал қизини ололмади-ю, ўзини нима қила олади! Рамчондро ҳаяжонланиб хонада айланиб юрарди.

Орадан бир неча кун ўтмай, Биҳанинг келишга кўнмагани ҳақидаги овоза бутун Чондродипга тарқалди. Рамчондро Рай биларди: тездан бирор чора-тадбир топиши керак, йўқса, гап-сўз, ғийбатлардан қутулмайди. У ҳаммадан кўра шундан қўрқарди. Ҳукмдорнинг барча фуқаролари ғазаб билан хитоб қилардилар: «Ҳукмдоримизга иснод келтиришди». Улар ҳам қасосга ташна эдилар. «Мен қайнатам билан ҳисоб-китоб қилишга қодирман,— дер эди Рамчондро Рай.— Одамлар нима деб ўйлайди, хизматкорлар нима деб ўйлайди, масхарабоз нима дейди?» Романинг бошқалар олдида афтини буриштириб, унинг устидан кулишини жуда яхши тасаввур этиб, ташвиши тобора зўраяр эди унинг.

Бир кун вазир подшоҳга бундан қутулишнинг ажойиб йўлини таклиф қилди.

— Шоҳим, бошқа хотин олинг.

— Протападиттонинг қизи ўз акаси билан қолаверсин,— илиб кетди масхарабоз.

Ҳукмдор масхарабозга қаради ва кулимсираб бундай деди:

— Тўғри, Ромаи.

Ҳукмдор чеҳрасида табассумни кўриб бошқалар ҳам кула бошлади. Биргина Форнандиж бу қувноқ ҳангомага қўшилмади. Рамчондро Райга ўхшаган одамлар мудом шон-шараф ҳақида гапиришади, аммо унга губор теккизмасликни билишмайди, умуман бу борадаги тасаввурлари нотўғри, ёлгон.

— Вазир тўғри айтдилар,— қувватлади сарой маъмури.— Агар шоҳимиз уйлансалар — Протападитто ва қизига нисбатан қилмишларига яраша жавоб бўларди.

— Тўйга ҳозирги қайнатангизни ҳам таклиф қилинг, бўлмаса, у зот ранжишлари ҳам мумкин,— кўз қисиб, сўз қотди Ромаи.

Ҳаммалари ичак узилди бўлиб кулишди. Узоқда ўтириб, бу гапни эшитмаганлар ҳам бошқаларга қараб хахолашди.

Масхарабоз эса, меъеридан ошириб юборди:

— Жайсурдан хотинларни ва қайнанангизни таклиф қилинг, улар тўйда сизга хизматда бўлишсин. Собиқ рафиқангизга ширинликлар юбормоқчи бўлганингизда, иккита кўк банан<sup>1</sup> қўшиб юборишни унутманг.

Ҳукмдор хижолат аралаш жилмайиб қўйди. Машварат мажлиси аъзолари чадор билан оғизларини бекитиб, хи-хилашиб олишди. Форнандиж ўрнидан туриб, билинтирмай чиқиб кетди.

Сарой маъмури ҳам ҳазиллашмоқчи бўлди.

<sup>1</sup> Бировга кўк банан юбориш — у одамга нисбатан ҳурматсизлик ва нафрат белгиси.

— Агар ширинликлар тубан одамларга аталган бўлса, уни Жай-сурда пок-покиза туширишади... Чондродипда эса бу ширинликка муносиб одам топилиши даргумон.

Бу ҳазилга ҳеч ким кулмади. Ҳукмдор хомуш трубка тортарди. Мажлис аъзолари ўйланиб қолишди. Роман таажжуб билан сарой маъмурига қаради. Аъёнлардан бири ғамгинлик билан сўради:

— Жаноб маъмур нима дедилар? Наҳотки ҳукмдорнинг уйларида ширинлик шунча оз бўлса?

Жаноб маъмур бош қашиб қолди.

Узоқ музокаралардан сўнг охири тўй ҳақида бир тўхтамга келишди.

## Йигирма бешинчи боб

Удоядитто қамаб қўйилган уй ҳақиқий турма эмас, саройга туташиб турган кичик бир иморат эди. Унинг ўнг томони йўл, чап тарафи — устида посбонлар юрадиган қалин девор. Ягона дарчасидан осмоннинг бир парчасини, бамбукзорни ва тангри Шива ибодатхонасини кўриш мумкин. Удоядиттони турмага олиб кирганларида қоронғи тушган эди. Шаҳзода дарча рўпарасига келиб, ерга ётиб олди.

Ёмғирлар мавсуми бошланган. Осмон ҳамшиша бадқовоқ. Кўчалардан ёмғир суви оқиб турарди. Сокин тунда кечиккан йўловчиларнинг шалолатиб ўтганлари эшитиларди.

Посбонларнинг оҳиста қадам қўйишлари худди турма юрагининг уришидай. Соатлар ўтди. Вақт-вақти билан Удоядиттонинг қулоғига қоровулларнинг бир-бирларини чақиришлари эшитилиб турарди.

Бамбукзорда ялтироқ қуртлар тўлиб-тошган, Удоядитто тун бўйи шуларга қараб, посбонларнинг тинимсиз қадамларига қулоқ солди.

Шаҳзода қамалган оқшомда саройга жуда кўп одам тўпланди: хизматкорлар, жориялар, амма, холалар.

Буларнинг ҳар бири, албатта, сўрашади: «Нима бўлди, янгилик борми?» Кўзда сал ёш кўриндимми, дарҳол: «Нима, нечун?» чуқурроқ хўрсиниб қўйсанг ҳам бошингга сўроқ ёғилади. Бибҳанинг тоқати тоқ бўлиб чиқиб кетди.

Бугун қуёш булутлар остидан бирор марта қараб қўймади, шунинг учун кеч киргани ҳам сезилмади. Ғарбда бир олтин шуъла порлади-ю, бироқ шу заҳоти ғойиб бўлди. Теварак-атрофни зулмат қоплади. Қоронғида юлғинларнинг учи ўз шаклини йўқотди. Гўё оламда ҳеч нарса йўқ, фақат шу улкан, борлиқни комига тортиб, минглаб узун оёқларда турган зулмат бор, холос.

Тун бошланди. Саройда бирин-кетин шамлар ўчди. Бибҳа юлғун остига — ерга ётиб олди. Одатда қўрқоқ бу қиз бугун ҳеч нарсадан тап тортмади. Лекин қоронғи қуюқлашган сари ўзини жар ёқасида тургандай ҳис этарди; гўё уни бахт, осудалик ва оламнинг осойишталик соҳилидан итариб юборишди-ю, у зулматнинг тагсиз денгизига чўкиб кетди; мана, у гоҳ сузиб чиқади, гоҳ қайта денгиз қаърига ботиб кетади, телада эса зулмат қуюқлашгандан-қуюқлашади. Мана, у жарликдан қулаб, ўпқонга тушиб кетди. Соҳиллар кўринмай қолди, оқим эса Бибҳани тобора узоқларга олиб борарди. Назарида, ҳали унга кўринаёзган соҳилни осмонга қараб кўтарилаётган ҳайбатли парда тўсиб қолди. Бибҳанинг юраги орзиқиб кетди. У ерда, ўша соҳилда, қуёш нури қолди, ўйин-кулги, шоду ҳуррамлик қолди. Қимнингдир дағал қўли уни маҳкам тутиб, нариги соҳилга ўтишига монелик қилмоқда, у буни жисман сезгандай эди. Тим қоронғида тангри унинг тақдирини чизди, у эса бепоён оламда ёлғиз ўзи ўтириб, шу тақдири тар-

хини текширмоқда эди. Унда кўз ёши ҳам кўринмайди, гўё у бутунича тошга айланган, ҳатто кўзлари ҳам ҳаракатсиз — сокин.

Ярим кечага яқин дарахтларнинг япроқлари шитирлаб қолди, қаердадир узоқда шамол худди ёш боладек йиғларди. Бибҳага у ерда, коинотнинг энг четида, денгиз соҳилида кичик бир жонзот — унинг хоҳиши, муҳаббати нола қилаётгандай, жажжи қўлларини чўзиб, қайғу билан уни чақираётгандай туюлди. Улар Бибҳага қараб талпинади, аммо йўл билишмайди, тим қора, ҳаракатсиз зулмат оша, минг чақирим йўл оша уларнинг ноласи Бибҳанинг қулоғига етиб келмоқда. Ёш жувоннинг юраги шикоятомуз шивирлайди: «Улар ким? Нега йиғлашади?» Бибҳа фикран узоқ саёҳат қилади. У одамсиз, қоронғи йўллардан танҳо юриб боради, йўлда ҳеч ким йўлиқмайди. Минг йиллар ўтади. Йўлнинг эса ҳамон охири кўринмайди. Олдинда бепоён, нурсиз бўшлиқ. На ҳаво бор, на садо, на кун бор, на тун, на одам бор, на юлдуз, на уфқ бор, на унинг тўрт тарафи; фақат вақт-вақти билан те-варак-атрофдан шикоятомуз йиғи кўтарилиб, қаердадир йироқларда шамолнинг инграгани эшитилади, холос.

Тун шундай ўтди. Эрталаб Бибҳа турмага, Удоядиттонинг олдига киришга уриниб кўрди, лекин унга рухсат беришмади. У бутун кунни кўз ёши билан ўтказди. Охири отасининг олдига боришга аҳд этди, унинг оёқларига йиқилиб, йиғлаб-сиқтаб рухсат олишга эришди. Эртасига тонг ёриша бошлагач, у ўрнидан тура солиб, Удоядиттонинг олдига чопди. Акасининг ерда ётганини кўриб аламдан юраги эзилиб кетди. Аранг йиғисини тутиб, оҳиста бориб, Удоядиттонинг ёнига ўтирди.

Тонг ёришди. Урмонда қушлар сайрай бошлади. Йўлда кетаётган йўловчиларнинг қўшини эшитилди. Бир неча тунни уйқусиз ўтказган қоровуллар ҳам қуёшни кўриб, секин хиргойи қилишга киришди. Қўшни ибодатхонадан чиганоқ товуши эшитилди<sup>1</sup>. Удоядитто бир нимадан кўрққандай, сапчиб кетиб, уйғонди.

— Бу сенмисан, Бибҳа? Шундай саҳарлаб-а? Бу нима? Мен қаердаман? — хитоб қилди у ва дарҳол нималар бўлганини эслади-да, хўрсиниб, Бибҳага қаради.

— Эҳ, Бибҳа, кеча кун бўйи сени кўрмадим. Назаримда қайта кўришмайдигандай туюлганди.

— Ака, нега ерда ётибсиз? Ахир сизга жой солиб қўйилган-ку. Шунча вақтни ерда ўтказдингизми? — Бибҳа йиғлаб юборди.

Удоядитто аранг эшитарли қилиб гапирди:

— Лекин мен у ердан осмонни кўролмасдим, Бибҳа, дарча орқали эса, қушларнинг учганини кўриб тураман ва менда, вақти келиб бу қафасдан қутуламан, озод қушдек парвоз этаман, деган ишонч пайдо бўлади. Дарчадан йироқлашсам, атрофимда зулмат қуюқлашиб, озодликка бўлган умидим йўқолади. Унда занжирбанд ҳолда қолиб кетаман, деб ваҳм босади мени. Фақат шу дарча қаршисидаги кичик бир парча ерда мен ўзимни озод ҳис этаман, ҳеч бир шоҳ, ҳеч бир шаҳаншоҳ мени тутқун қилолмайди. У ер, юмшоқ кўрпа тўшалган жой — менинг турмам.

Удоядитто Бибҳанинг келишидан жуда қувонди. Назарида бир лаҳзага турма эшиклари очилгандай бўлди, синглисига шундай гапларни айтдики, илгари у акаси-дан бунақа гапларни асло эшитмаган эди. Бибҳа акаси ундан мамнунлигини жуда яхши тушунди. Қандай сирли куч биридан бирига хабар бераркан? Нега бир юракда кўтарилган тўлқин бошқасида жавоб тўлқин қўзғайди? Бибҳа қувончдан ҳаяжонга келди. Ниҳоят унинг эзгу орзуси рўёбга чиқди. Бибҳа тан-

<sup>1</sup> Ҳиндлар катта денгиз чиганоқларидан чолғу асбоби ясаб, ибодат вақтида, тўй ва бошқа тантаналарда чалишади.

тана қиларди — чунки акасига бир дақиқалик қувонч бағишлади, шундан кучи ўн чандон ошгандай бўлди.

Бир неча азобкор ва узун кунлар мобайнида Бибҳани нурсиз зулмат қоплаб олган эди, у ҳеч қаерда халоскор қирғоқларни кўрмай, ўз қайғулари юки остида эгила бошлади. Дарҳақиқат, у ўз кучига ишона олармиди? Албатта, у қўлидан келган ҳамма ишни қилди: Удоядиттога мудом ғамхўрлик, меҳрибонлик қилиб турди, аммо уни ҳеч қачон бахтиёр қилолмаслиги ҳақидаги фикр боёқиш қизни бир лаҳза тарк этмасди. Мана, бугун кутилмаганда у ўз ниятига етди. Ҳорғинликдан асар қолмади. Бибҳанинг кўзларида худди тонгги шудрингдек қувонч ёшлари ялтиради, лабларида эса қуёш нуридек равшан табасум пайдо бўлди.

Бибҳа гўё ўзи тутқундай бўлиб қолди. Тонг ёришди дегунча унинг мўртгина қомати турма дарвозаси олдида пайдо бўларди. Бибҳа хизматкорларнинг бирор нарса қилишларига рухсат бермас, ҳаммасини ўзи қиларди: акасига овқат келтирар, унга жой солар ва йиғиштирарди. Ҳар куни эрталаб акаси ўтирган бу тунд хонани гуллар билан безарди, бир гал ҳатто тўти ҳам олиб келди. Уйдан «Махабхарата» топилди, Удоядитто уни овоз чиқариб ўқирди.

Аммо кўп ўтмай, шаҳзоданинг юрагида ташвиш пайдо бўлди: нега у ҳали бахт нашьасини кўрмаган, хоҳиши рўёбга чиқмаган қизни гирдоб сари эргаштириб бормоқда? У ҳар куни, Бибҳа бундан кейин келмаслиги керак, деб ўйларди. Бироқ қиз тонг насими, қуёшнинг илк нури билан бир пайтда бу ғамхонага тару тозалик ва ёшлик олиб кирганда, унинг нозик чехраси, равшан табассумини кўриб, Удоядиттонинг аҳдидан асар қолмасди. Қизнинг нигоҳида шунча меҳрибонлик, шунча нурафшон қувонч, овозида, сўзларида шунчалар майин мулойимлик бор эдики, Удоядитто унга: «Бибҳа, бошқа бу ерга келма, биз қайта кўришмаслигимиз керак», деб айтишга журъат қилмасди. Аммо ҳар куни: «Эртага айтаман», деб ўйларди.

Ниҳоят шаҳзода синглиси билан гаплашишга қатъий жазм этди ва бир куни эрталаб Бибҳа келганда, унга бундай деди:

— Бибҳа, бу ерга бошқа келмагин. Йўқса, мен ором топмайман. Ҳар куни зим-зиё кечада кўзга кўринмас аллаким менинг олдимда пайдо бўлиб: «Бибҳанинг тақдири хавф остида», дейди. Мендан қоч, Бибҳа. Мен наҳс юлдуз остида туғилганман. Мен бутун мамлакат учун кулфат тортаман. Қайнанагининг уйига жўна, агар сен у ердан аҳён-аҳёнда ўз ҳақингда бизни хабардор қилиб турсанг, сенинг бахтли эканингни билиб, мен ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Бибҳа индамади, Удоядитто унга узоқ қараб қолди. Унинг кўзларида ёш ялтиради. Шаҳзода билдики, у турмадан озод бўлмагунча, Бибҳа уни сираям ташлаб кетмайди. Бироқ нима қилмоқ керак? Қандай қилиб озод бўлиш мумкин?

## Иигирма олтинчи боб

Рамчондро Рай, Бибҳа ё Протападиттонинг амри билан, ё акасининг маслаҳати билан Чондродипга келмади, деб гумон қилди. Аммо, Бибҳанинг ўзи келишни хоҳламагандир, деб ўйлашга тоби йўқ эди. Чунки буниси унинг иззат-нафсига қаттиқ тегарди. «Протападитто мени шарманда қилишга аҳд этган,— фикрларди Рамчондро,— шунинг учун у Бибҳани менинг уйимга ҳаргиз юбормайди. Ҳол шундай экан, нега мен ундан ўзиб кетмаслигим керак? Нега мен унга, қизингдан воз кечдим, уни Чондродипга юборишнинг ҳожати йўқ, деб ёзмаслигим керак».

Хўп ўйлаб, яқинлари билан маслаҳатлашиб, охири у хат ёзди. Буни ёзиш осон иш эмасди. Рамчондро беҳудага қўрқарди. Назарида баланд тоғдан шиддат билан гасгга қараб юмалаб кетаётгандай эди. Аммо ўзини тўхтатолмади. Раммохонни чақириб, унга бундай деди:

— Бор, хатни Жайсурга олиб бор.

Қария илтижожокорона қўл қовуштирди.

— Раҳм этинг, шоҳим, мен бу ишни қилолмайман. Мен қайта Жайсурга бормасликка аҳд этганман. Агар сиз, тагин бориб, маликани олиб кел, деб амр этганингизда, мен фармонингизни бажарган бўлардим. Аммо бу хатни олиб боролмайман.

Хукмдор, бошқа бирор сўз демай, кекса Ноянчандни жўнатди. У Жайсурга келди-ю, лекин хатни Протападиттога топширишга қўрқди ва анча иккиланиб юргандан сўнг, уни маликага берди.

Маликани оғир хаёлар қамраб олди. Бибҳанинг қайғуси, ўғлининг алами уни кемириб борарди. Уйдаги жанжаллар бечора аёлни адои тамом қилди. Унинг кўзидан ёш аримасди. У уй ишларига ҳам қарамай қўйди. Бояқиш нима қилишини билмасди. У бу ҳақда қизига гапира олармиди? Мулоийим ва хассос Бибҳа бу зарбага бардош беролмайди. Малика бу хатнинг дараги Протападиттога етгундай бўлса, нималар бўлишини ўйлашга ҳам қўрқарди. Бироқ нима ҳам қиласан? Ўз гапларинг билан танҳо қолиш оғир. Унинг бирор кимса билан гаплашмоғи, маслаҳат қилмоғи зарур эди. Бошқа илож тополмай, малика эрининг олдига борди.

— Шоҳим, Бибҳани нима қиламиз!

— Нима бўлди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, лекин қачон бўлмасин уни эрининг уйига жўнатиш керак-ку...

— Буни ўзим ҳам биламан. Бироқ нега сен тўсатдан бу хусусда гап очдинг?

Малика қўрқиб кетди.

— Сизнинг бошингизда ҳамиша бир гап. Мен бирор нарса бўлди дедимми? Борди-ю, бир гап бўлса-чи?

Протападиттонинг жаҳли чиқди.

— Хўш, нима? Унда нима бўлади?

— Ўйлаб кўринг, эри Бибҳани бутунлай ташлаб кетиши мумкин, — малика йиғлаб юборди.

Протападиттонинг баттар жаҳли чиқиб, кўзлари чақнаб кетди. Буни кўриб малика дарров кўз ёшларини артиб, деди:

— Ҳозирча қизимизни эри ташлаб кетгани йўқ. Лекин қачон бўлмасин шундай қилса-чи?

— Нима қилишни ўшанда ўйлаймиз. Ҳозир бу ҳақда бош қотиришнинг ҳожати йўқ.

Малика яна йиғига киришди.

— Шоҳим, оёқларингиз остига йиқилай, менинг ўтинчимни қабул қилинг! Бир ўйлаб кўринг, Бибҳанинг ҳоли не кечади? Юрагим эзилиб кетди-ку. Менга мунча азоб бермасангиз! Удойни, менинг боламни, шаҳзодани, сиз жиноятчидек турмага солиб қўйдингиз, холбуки у бизнинг олдимизда гуноҳкор эмас, ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ. У давлат ишларига ўрганмаган, фуқароларни идора қилишни билмайди. Наҳотки парвардигор уни шундай яратгани учун у гуноҳкор бўлса?

Малика яна қаттиқ йиғлай бошлади.

— Бу ҳақда биз неча бор гаплашдик? Такрорлашнинг нима ҳожати бор! — жаҳли келиб гапирди Протападитто.

Малика ноумидликдан пешонасига уриб, хитоб қилди:

— Шўрим қурсин! Сизга яна қандай қилиб тушунтирсам экан?..



Мени эшитишингиз учун нима қилишим керак? Ҳеч бўлмаса, Бибҳанинг юзига бир қараб қўйинг, шоҳим, у бирор оғиз гапирмайди, лекин кундан-кунга озиб, чўп бўлиб борапти. Соядек юради... Унга раҳмингиз келсин!

Протападиттонинг шундай ғазаби келдики, малика қўрққанидан дарров чиқиб кетди.

## Иигирма еттинчи боб

Бу орада Шитарам Удоядиттони турмага солиб қўйганларини эшитиб доврираб қолди. У энг аввал Рукминининг уйига чошиб бориб, унга айтмаган гапи қолмади. Шитарам уни ўлдиришга ҳам тайёр эди.

— Эй аблаҳ!— қичқирди у.— Мен уйингни вайрон қиламан, унга ўт қўяман, аммо шаҳзодани қутқазаман, шундай қилмасам Шитарам номимни бошқа қўяман! Мен ҳозир Райгорга жўнайман, лекин у ердан қайтгач, қора башарангни қайроқ тош билан шилиб, юзингга оҳак ва лой чаплаб, шаҳардан қувиб чиқараман. Шундагина мен ором оламан.

Рукмини дастлаб Шитарамга таажжуб билан қараб, унинг сўзларини жимгина эшитди. Аммо сал ўтмай, ғазабдан афти ўзгарди, қалтираб, мушлари қисилди, қора қуюқ қошлари тиккайди, кўкиштоб-қора кўзларидан яшин чақнаб, бутун вужуди таранглашди; кейин остки қалин лаби қамирлади, қошлари баланд-паст бўлиб, сочи тиккайди, безгакдай қалтираб кетди. Агар ҳозир Шитарам чиқиб кетмаганда, унинг бошига лаънатлар ёғиб, асов ғазаб тўлқинида фарқ бўларди. Ўзи ёлғиз қолган Рукмини аста-секин ўзига кела бошлади ва охири мадори қуриб, ерга ўтириб қолди.

— Ҳали шундайми? Сен шаҳзода учун қайғуряпсанми! Шаҳзоданинг ҳаёти таҳлика остида, сен эса унинг ҳимоясига ошиқяпсан, гўё шаҳзода менга тамом бегона, иблис! Сен биласанми, шаҳзода меники! Унга бир менгина яхшилик ё ёмонлик қилишга қодирман! Сен менинг шаҳзодамни турмадан озод қилиш фикрига тушдингми? Қани кўрайлик-чи, бу сенинг қўлингдан келармикан?

Шу куниёқ Шитарам Райгорга жўнаб кетди.

У Бошонто Райни Райгор саройининг айвонида учратди.

Сарой қаршисида, хандақ билан ажратилган, кенг дала ястаниб ётибди. Хандақнинг нариги тарафида, мангозор ўрмон орқасида, қуёш ботмоқда. Қариянинг қўлида ажралмас дўсти — сетор кўринмасди, у ботиб бораётган қуёшга қараб секин хиргойи қиларди:

Қачондир барчаси меники эди,  
Барчаси тутундай тарқалди-кетди.  
Елғизман, йўқ ҳеч ким қариндошлардан,  
Хабар йўқ, жону дил, азиз бошлардан.  
Қайдасиз? Чорларман кўзда ёш нуқул,  
Соврулди барчаси бамисоли кул.  
На қувват, на шукуҳ, шижоат қолди,  
На сабр, на тоқат, қаноат қолди...  
Атрофим кимсасиз... Раҳм айла, худо!  
Танҳоман, танҳоман, танҳоман, танҳо!

Қарияни қандай фикрлар ташвишга солаётганини ким биларди? Эҳтимол ҳамиша қўшиқларини қувониб тинглаган кимсалар фикридир?.. Мана у ҳозир ҳам куйлаяпти, лекин бу илгаригидек унга қувонч бағишламайди. Бутунлай унутдимми бу ҳисни? Йўқ, албатта, унутгани йўқ. Лекин бахт ва қувончни баҳам кўрадиган кимсалари ёнида йўқ. Боёқиш чол уларни қандай соғинган-а? Бироқ улар қаерда? Шундай пайтлар бўларди: эрталаб анави пальма устида булутлар тўпланиб, у

завққа тўлганда, Жайсурга жўнарни. Энди-чи? Чол уларни қайта кўрармикан?.. Ҳозир ҳам баъзан юраги орзиқиб кетади, лекин илож қайда?.. Чол ботиб бораётган қуёшга қаради, лабларидан эса беихтиёр ўша куй оқди:

Қачондир барчаси меники эди,  
Барчаси тутундай тарқалди-кетди.

Хон соҳиб келди ва боши ерга теккунча эгилиб, таъзим қилди.

— Қани бу ёққа, хон соҳиб... Нега ғамгин кўринасиз? Кайфиятингиз яхши эмас шекилли?— ташвишланиб сўради қария.

— Шоҳим, кайфиятимни сўраманг. Сизни қайғули кўриб, мен бахтиёр бўла олармидим? «Тун ва мен — бошқа ҳеч ким йўқ, бошим узра ой. Шу билан бирга куламан, шу билан бирга қайғураман...» Мен ҳам шундай, шоҳим. Сиз кулмасангиз мен хурсанд бўлолмайман. Бизда бошқа бахт йўқ, жаноб!

Бошонто Рай унинг гапини бўлди:

— Нималар деяпсиз, хон соҳиб? Мен унчалик бахтсиз эмасман. Ҳатто танҳоликда ҳам ўз-ўзимдан куламан, менинг ўз қувончларим бор. Наҳотки бу мен учун бахт бўлмаса, хон соҳиб?

— Шоҳим, сизнинг қўшиқларингиз янграмай қолди.

— Хоҳлайсизми, ҳозир сизга қўшиқ айтиб берайми?— ғамгинлик билан сўради Бошонто Рай.

Туша олгайманми мен айру сендан!  
Қалб-ла қўшилмоққа қалб ожиз чиндан.

— Сиз сетор чалмай қўйдингиз, у қаерда қолиб кетди?

— Сетор бор, лекин торлари узилган, энди садо бермайди.— У мангозор ўрмонга қараб, қўли билан бошини силаб қўйди.

Бошонто Рай бир оз хомуш қолиб, бирдан хитоб қилди:

— Хон соҳиб, анови қўшиғингизни бир айтинг: «Тождорми ё бе-тож, ёшми ё қари».

Хон соҳиб куйлаб кетди:

— Тож кийибми, ё киймай тож, кексами ё ёш...

Бошонто Рай эшитиб турди-да, охири чидолмай, унга жўр бўлди:

— Тож кийибми, ё киймай тож, кексами ё ёш...

Қуёш ботди. Сарой ёнидан ўтиб кетаётган чўпонлар ҳам қўшиққа қўшилишди. Худди шу пайтда Шитарам пайдо бўлди.

— Шоҳимизнинг умру давлатлари зиёда бўлсин!— деди у таъзим этиб.

Бошонто Рай чўчиб кетди. Қўшиқ тўхтаб қолди. Қария дарров меҳмоннинг олдига бориб, қўлини унинг елкасига қўйди.

— Бу сенмисан, Шитарам? Турмушинг яхшими? Удой-чи? Бибҳа қаерда? Яхши хабар олиб келдингми?

Хон соҳиб чиқиб кетди.

— Ошиқмасинлар, шоҳим, мен ҳаммасини тартиби билан гапириб бераман.

Шитарам унга бор гапни айтиб берди. Фақат бир нарса: нима учун Удоядиттони турмага солганлари унинг гапида ноаниқ бўлиб қолди.

Бошонто Райнинг бошига осмон қулаб тушгандай бўлди. У ларзага келиб, Шитарамнинг қўлига ёпишди, даҳшатдан катта очилган кўзлари билан унга қараб хитоб қилди:

— Наҳотки шу гаплар рост бўлса?!

— Рухсатлари билан, шундай, шоҳим.

— Шитарам...— деди Бошонто Рай қалтираган овоз билан.

— Нима, шоҳим?

— Ҳозир Удой қаерда?

— У турмада, шоҳим.

Бошонто Рай қўллари билан бошини ушлади. У бунақа бўлишини ҳатто тасаввур ҳам этолмасди. Кейин яна Шитарамнинг қўлидан ушлаб олди.

— Шитарам!

— Нимани буюрадилар, шоҳим?

— Ҳозир Удоядитто нима қиляпти?

— У нима ҳам қиларди? Ахир у турмада-ку.

— Унинг олдига ҳеч кимни қўйишмайдимиз?

— Йўқ, шоҳим.

— Демак, унга ҳам рухсат беришмайди?

— Шундай, шоҳим.

— Демак, у ўзи танҳо?

Чол бу саволлар билан аслида ўзига мурожаат қиларди-ю, Шитарам бун пайқамай жавоб қайтарарди.

— Удой!— хитоб этди Бошонто Рай.— Сен бу ерда бўлишинг керак. Менинг саройимда ҳеч ким сенга қўл теккизолмайди.

## Иигирма саккизинчи боб

Эртасига Бошонто Рай ҳеч бир монеликка қарамай, Жайсурга жўнаб кетди. У ерға кела солиб, тўғри саройнинг хотинлар хонасига — ичкарига қараб йўл олди.

Кутилмаганда бобосини кўриб, Бибҳа ҳанг-манг бўлиб қолди ва анчагача таажжубдан ўзига келолмади. Унинг лабларида табассум кўринди-ю, тилга келиб бирор сўз демади. Яна бир оздан кейин Бибҳа Бошонто Райнинг оёқларига йиқилди. Бошонто Рай уни кўтариб, сўроқ оҳангида гап бошлади:

— Ҳа, нима бўлди, Бибҳа?

Унинг юрагида ҳали ҳам, Шитарам айтган гаплар ёлғон чиқаров, деган умид учқуни ётарди. У сўрагани чўчирди, Бибҳа ҳаммасини айтиб қўяди, деб қўрқарди, у эса, бун истамасди, бинобарин, ваҳм билан қизга қараб тақрорлади:

— Ҳа, нима бўлди, Бибҳа?

Бобосининг синчиклаб қарашидан мурод нима эканини Бибҳа яхши билса ҳам, жим тураверди. Кутилмаганда унинг қалбида нузли қувонч мавж уриб кетди. Бибҳа Бошонто Райнинг илгариги келишларини, ўша бахтиёр кунларни эслади, бу — унинг учун гўё байрам бўларди! Чол ўзи билан хушнудлик олиб келарди! Шурома кулар, ҳазиллашарди, унинг ўзи бўлса хомуш жилмаярди, Удой ҳаловатбахш осудалик билан чолнинг қўшиғини тингларди...

Бугун эса бобони кутиб олиш учун ҳеч ким чопиб чиқмади. Бу шум хонадонда, мажақланган бахтнинг бир парчасидай бўлиб, унинг ёнида фақат Бибҳагина турарди. Илгари Бошонто Рай келганда, Шуроманинг хонасидан қувноқ хитоблар эшитиларди, энди эса, қариянинг назарида, у бўш ва тунд хонадан ҳали-замон нола овози чиққудай...

Гўё бир нимага умид этгандай Бошонто Рай Шуроманинг хонаси ёнида тўхтади, эшикдан қаради, ҳар томонга назар солиб кўрди-да, қалбидан мотамсаро бир фарёд отилиб чиқди:

— Бибҳа, наҳотки бу ерда ҳеч ким бўлмаса?!

— Йўқ, бобо, ҳеч ким йўқ.

Ҳувиллаб турган хонадан акс-садо чиқди: «Ҳеч ким йўқ».

Бошонтто Рай узоқ хомуш қолди. Сўнгра Бибҳанинг қўлидан ушлаб, куйга солиб ўқиди:

— Қачондир барчаси меники эди,  
Барчаси тутундай тарқалди-кетди.

Қария яна бир оз Бибҳа билан ўтириб, сўнгра Протападиттонинг олдига кирди ва унга илтижожокорона мурожаат қилди:

— Протап, нима учун сен Удойни мудом таъқиб этасан? У сенга ва бошқаларга нима ёмонлик қилди? Агар сен уни ёқтирмасанг, борди-ю унинг ҳар бир кирдикори сенга зарар еткизгудай бўлса, болани менга бер! Мен Удойни олиб кетаман, сен уни қайта кўрмайсан! У ҳамиша мен билан бирга бўлади.

Протападитто Бошонтто Райни сабр билан тинглаб, охири бундай деди:

— Муҳтарам амаки, мен Удойни бу аҳволга солишдан олдин хўп ўйлаб кўрдим, сиз эса, тузук-қуруқ бир нарса билмай, менга таъна қилгани келибсиз. Илтимос қиламан, мени маслаҳатларингиздан қутқазинг!

Чол жиянига яқинлашиб, унинг қўлидан ушлади.

— Протап, наҳотки сен унутган бўлсанг? Наҳотки бешигингни тебратиб катта қилганимни унутган бўлсанг?! Ахир марҳум акам сени менга топширгандан бери менинг уйимда, қачон бўлмасин ўзингни ноқулай ҳис этганинг борми, сиқилганингни эслайсанми? Сен менинг қўлимда йўргакда қолдинг, бироқ, бирор марта ўзингни етим ҳис этдингми? Айт-чи, Протап, бу чол сенга нима гуноҳ қилди? Нима учун сен умри заволга юз тутган бир мўйсафидга бунчалар озор берасан? Мен бу гапларни сени тарбия қилганим учун айтаётганим йўқ, бундай деб ўйлама. Мен сени қарздор деб ҳисобламайман. Сенга ғамхўрлик қилиб, акамнинг муҳаббатига муҳаббат билан жавоб қилмоқчи эдим, холос. Сендан эса, Протап менга ҳеч нарса керакмас, ҳеч нарса талаб қилмайман, фақат садақа сўрайман.

Чолнинг кўзларидан шашқатор ёш оқиб кетди. Лекин Протападитто тош ҳайкалдек қотиб ўтирарди.

— Менинг илтижоларимга қулоқ солмайсанми?! Менга ҳатто садақа ҳам бермайсанми?— қария оғир хўрсинди.— Яхши, ундай бўлса, менинг кичик бир илтимосимни қабул эт — Удоядиттони кўришга рухсат бер.

Бироқ, Протападитто бунга ҳам рухсат бермади. У дарғазаб эди: «Удоядиттога мунча муҳаббат қўйишга бу чол қандай журъат этади?!» Ҳамиша шундай бўларди: агар биров шоҳнинг гапини қайтарса, у янада қайсарроқ бўлади.

Бошонтто Рай ичкарига маъюс бўлиб қайтди. Унинг ранг-рўйини кўриб Бибҳанинг юраги орқасига тортиб кетди. У қариянинг қўлидан ушлаб:

— Бобо, юринг, менинг хонамга кирамиз,— таклиф қилди Бибҳа.

Чол индамай, невараси кетидан эргашди. Улар хонага киргандан сўнг, Бибҳа бобосининг ёнига ўтириб, нозик қўллари билан унинг бошини силади.

— Бобо келинг, мен бошингиздаги оқ сочларни юлиб ташлай.

— Бунга эҳтиёж йўқ, азизим. Ешроқ вақтимда оқлар ғашимга тегар, мен ҳам сизлардан, оқларини юлиб ташланглар, деб илтимос қилардим. Энди мен жуда кексайиб қолдим, бошда соч ҳам қолмади.

Бибҳанинг юзи тундлашиб, кўзларида ёш ярқираганини кўрган Бошонтто Рай кулиб, дарров қўшиб қўйди:

— Йўқ, йўқ, Бибҳа, нечта қолган бўлса, барини юлиб ташла. Ранжима, дўстим, ахир мен сизларни муттасил равишда оқ соч билан

таъминлай олмайман-да: йиллар ўтиши билан улар тўкилиб кетди, агар сен лоақал бир тук топсанг ҳам юлиб олишинг мумкин.

Жория кириб келди.

— Маликам сизни кўрмоқчилар.— Бошонто Райга мурожаат қилди у.

Чол малика томон йўл олди, Бибҳа эса акасининг олдига турмага кетди. Малика Бошонто Райга эгилиб таъзим этди, у маликани дуо қилди:

— Онамизнинг умрлари боқий бўлсин!

— Эзгу ниятлари учун ташаккур, аммо менинг ўлганим яхшироқ эди.

— Бундай гапларни гапира кўрманг!— ҳаяжонланиб хитоб қилди Бошонто Рай.

— Мен сизга яна нима ҳам дея олардим? Қандайдир душманнинг оиламга кўзи тегди. Бибҳага қарасам, томоғимдан овқат ўтмайди. Гап сўрасанг — жавоб бермайди. Уни нима қилишимни билмайман! Мана бу машъум хатни кўринг,— у Бошонто Райга куёвнинг мактубини берди.— Эҳ, қандай бахтсизман-а!— малика йиғлади.— Удой — болагинам, отаси уни мутлақо билмайди. Назаримда, у подшоҳга ўхшамайди, бу тўғри. Лекин у менинг болам, мен қорнимда кўтариб юрганман, ҳозир унга нима бўлди, турмада аҳволи нечук? Мен ҳеч нарса билмайман! Менга ҳатто у билан кўришишга ҳам рухсат бермадилар.

Ҳозир малика нима ҳақида гапирмасин, унинг ҳар бир сўзи ўғлининг гами билан тўлиб-тошган эди. Қайғу кечаю кундуз уни эзиб борарди.

Хатни ўқиб, Бошонто Рай ҳанг-манг бўлиб қолди. У анчагача жим туриб, бошини силаб, сўнгра сўради:

— Сиз бу хатни ҳеч кимга кўрсатганингиз йўқми?

— Албатта йўқ. Ишқилиб, подшоҳ билмасин. Бибҳа ҳам бу зарбага бардош беролмайди!

— Яхши қилгансиз, она. Ҳеч кимга айтманг, Бибҳани эса қайна-насининг уйига юборинг, ҳозир шараф ҳақида ўйлайдиган вақт эмас.

— Мен ҳам шундай деб ўйлагандим. Менга шарафи нимаси? Бибҳам бахтли бўлса бас. Фақат бир нарсадан қўрқаман ишқилиб, улар қизни хафа қилишмасин-да.

— Бибҳани хафа қилиш! Унда нима ёзиқ?! Йўқ, Бибҳани ҳамма жойда фақат меҳр-муҳаббат кутиши керак. Лакшмининг бундай мужассам тимсолини яна қаердан топиб бўлади! Рамчондро сизлардан ранжигани учун бундай хат ёзган. Ҳозир эса, имоним комилки, у жаҳлидан тушган.

Оқ кўнги ва оқил Бошонто Рай бу можаролар замирида бошқа икир-чикирлар борлигини тасаввур ҳам этолмасди. Малика унинг маслаҳатига рози бўлди.

— Мана бундай қилинг: саройда, Рамчондро хат юборибди, унда Бибҳани Чондродипга юборишларини сўрабди, деган овоза тарқатинг. Шундан сўнг Бибҳа, шубҳасиз, қаршилиқ кўрсатмай, эрининг уйига жўнайди.

## Йигирма тўққизинчи боб

Қош қорайди... Бошонто Рай сарой ёнига қурилган бинода танҳо ўтирарди. Шитарам кириб, таъзим қилди.

— Қандай хабарлар бор, Шитарам?

— Кейин айтаман, ҳозир эса сиз мен билан кетишингиз зарур.

— Нима учун? Қаерга?

Шитарам Бошонто Райнинг ёнига келиб, унинг қулоғига нимани-дир шивирлади. Чол кўзларини катта очиб:

— Ростдан-а?!— сўради.

— Ҳа, шоҳим.

Бошонто Рай иккиланиб қолди.

— Шу топда кетиш керакми?

— Албатта.

— Олдин Бибҳа билан кўришсам қалай бўлади?

— Йўқ, бир дақиқа ҳам ҳаяллаш мумкин эмас.

— Қаёққа борамиз?

— Менинг орқамдан юринг. Сизни бошлаб бораман.

Бошонто Рай ўрнидан турди.

— Нега Бибҳани кўришим мумкин эмас?

— Сираям мумкин эмас, шоҳим... Агар салгина ҳаялласак, ҳам-маси барбод бўлади.

— Начора... — Бошонто шошилиб қолди.

Улар йўлга тушдилар.

— Агар бир дақиқа кечиксак-чи?— яна гапирди чол.

— Йўқ, шоҳим, ҳар қандай кечикиш хавф туғдиради.

— Дурга, ўзинг мадад қил!— деб саройдан чиқди Бошонто Рай.

Удоядитто Бошонто Райнинг келишидан беҳабар эди. Бибҳа унга ҳеч нарса демади. Кўришишлари мумкин бўлмагач, акасининг беҳудага изтироб чекиши не ҳожат? Кеч кирганда Бибҳа турмадан чиқиб кетди, Удоядитто эса ягона шамнинг хира ёруғида қайдайдир санскрит китобини ўқишга киришди. Қичкина дарчадан шабада кириб, шамнинг заиф шуъласини титратиб юборди, шундан ҳарфлар бир-бирига қўшилиб кетди. Нурни кўриб капалак ва парвоналар учиб келди. Шам бир неча бор сўнаёзди, охири шамол зўрайиб, уни ўчирди. Удоядитто китобни иргитиб, жойига бориб ўтирди. Уни ғамгин хаёллар қамраб олди. Бугун нима учундир Бибҳа жуда ҳаяллаб келди-ю, кеч кириши билан дарров кетиб қолди. Утган кун синглиси жудаям ғамгин кўринди. Унинг оламда Бибҳадан бошқа ҳеч кими қолмади. Ушанигина кўради, холос, бошқа ўйлагудек кишиси ҳам йўқ. У синглисининг ҳар бир табассуми, ҳар бир сўзини хотирида сақлаб қолди. Зеро саҳрода ташналикдан мадори қуриган одамга сув қанча зарур бўлса, Удоядитто учун синглисининг дийдорини кўриш шунчалик зарур эди. Қоронғида ўтириб, Бибҳанинг ғамгин чеҳрасини эслаб, Удоядитто бирдан мана бундай ўйга шўнғиб кетди: «Борди-ю бахтсизлик таъқиб этиб, бу баднамо турмада ётган кимсага (у ака бўлган тақдирда ҳам) тасалли бериш Бибҳанинг жонига тегса нима бўлади? Вақти келиб у менга ўз бахти йўлидаги ғов деб қарамасмикан? У бугун ҳаяллади, эртага кўпроқ ҳаяллайди. Бир кун эртадан-кечгача кутади, аммо у келмайди, қиём пайти бўлади, кеч киради, тун бошланади, кейин тонг отади... Бибҳадан дарак бўлмайди».

Бу хил фикрлардан Удоядиттонинг юраги сиқилиб уҳ тортди, ҳар томонга олиб қочган хаёл тасаввурида даҳшатли манзаралар чизарди — гўё олам бўм-бўш... Ҳа, албатта, бир кун Бибҳа уни ўз бахти йўлидаги тўсиқ эканини пайқаб, унга норози назар солади... оқибат шундай бўлишининг эҳтимолдан узоқ ишораси ҳам шаҳзодани ларзага соларди. Кейин Удоядитто ўзини худбин деб ўйлади: «Бибҳани яхши кўриб,— ўйларди у,— мен унга энг ашаддий душманнынг қўлидан келмайдиган ёмонлик қиялман». Удоядитто синглисининг ўз ҳолига қўйишга аҳд этди. Бироқ, ундан ҳам айрилишини кўз олдига келтирган ҳамон иродаси бўшашиб, поёнсиз денгизда ғарқ бўлаётган одамдек, ўзининг охирги умиди — Бибҳага ёпишиб оларди.

Бирдан шаҳзоданинг қулоғига: «Ёнғин, ёнғин!» деган ҳайқирик

ва юзлаб оёқ товуши эшитилиб қолди. Удоядиттонинг юраги орқасига тортиб кетди. У фаҳмлади: саройга жуда яқин жой ёняпти. Шовқин кучайган сари шаҳзоданинг ваҳми ортиб борарди. Тўсатдан турманинг эшиги ланг очилди. Удоядитто чўчиб тушди.

— Ким бу?— сўради у.

— Мен, Шитарам... Тез чиқинг!

— Нера?

— Тезроқ! Турма ёняпти!— шу сўзлар билан, Шитарам Удоядиттони ушлаб, уни бир зумда турмадан олиб чиқди.

Удоядитто кўпдан бери озодликда бўлмаган эди. Кенг осмон боши узра ёйилиб ётарди. Шамол азамат қанотларини ёзиб, шаҳзодани бағрига олди. Бу кеча ҳамма тўсиқлар даф этилди. Қалби қувончга тўлиб-тошган Удоядитто сонсиз юлдузлар назар солиб турган кенг далада — юмшоқ кўкатлар устида турарди. У бир неча дақиқа хомушланиб, озодлик гаштини сурди. Кейин Шитарамдан сўради:

— Мен нима қилишим керак? Қаерга боришим лозим?

Салча ҳаракат қилишга ўрин бўлмаган тор хонада узоқ ўтириб қолган Удоядитто, ўзини ўта ночор ҳис этиб, ҳадеб сўрарди:

— Нима қилишим керак? Қаёққа боришим лозим?

— Кетимдан юринг,— деди унга Шитарам.

Аланга эса тобора авж оларди. Кечқурун қандайдир одамлар иш билан маҳкамага келишди. Улар ҳовлида ўтириб, қачон қабул қилиш-



ларини кутардилар. Ёнғинни биринчи бўлиб кўрган, шовқин кўтарган ҳам шулар эди. Турманинг ёнғинасида посбонларнинг қатор кулбалари бўларди. Ёнғин хабарини эшитиб улар ўз уйларига қараб чопишди. Қоровулда турганлар ваҳимага тушиб, ўзларини қўярга жой тополмай қолдилар. Удоядиттога икки киши қоровуллик қиларди, лекин бу ерда қаттиқ назоратга эҳтиёж йўқ эди. Улар бу ерда фақат расмийт учун турардилар. Шаҳзода қочишга ҳаракат ҳам қилиб кўрмади ва бундан кейин шундай қилар деб уларнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Бинобарин, бу посбонлар ҳаммадан олдин чопиб кетган эдилар.

Кечаси бўлиб қолди. Ёнғин ҳали ҳам пасаймасди. Биров майда-чуйдасини ташиб чиқар, иккинчиси сув ташир, учинчиси у ёқдан-бу ёққа чопиб шовқин соларди. Дарвоқе, ўт ўчирилгач, ҳаммадан кўпроқ ана шулар мақтов эшитишди. Хуллас, ҳамма иш билан банд эди.

Бирдан қандайдир бир аёл чопиб келди. Уша бир нарсалар демоқчи бўлди-ю, лекин ҳеч ким унга қулоқ солмади. Бири хотинни сўқар, бири итариб юборар, фақат баъзилари айтишиб қоларди.

— Шаҳзода қочиб кетди...

— Нима бўпти?

— Сенинг нима ишинг бор?..

— Анови Доял Шинх биледи...

— Сени деб ўз уйимни ташлаб кетмайман-ку, алвасти...

Аёл ҳамманинг оёғи остида уймалашиб юрарди. У қандайдир бир одамга урилиб, унга маҳкам ёпишиб қичқирди:

— Нимага ҳаммангиз довдираб юрибсиз? Подшо хизматида эканингизни унутдингизми? Ахир шаҳзода қочиб кетди-ку!

— Жуда яхши қилибди! Сенга нима?— жавоб берди у бошига мушт тушириб. Бу Удоядиттонинг халоскорларидан бири эди.

Зарба аёлни кутуртириб юборди. Унинг башараси даҳшатли эди. Кўзлари ургочи йўлбарснинг кўзидек ёнарди. Сочлари ҳурпайган, тишлари гижирларди. Аланга ёруғида у ҳақиқий алвастидай кўринарди. Аёл ердан ёнаётган чалани кўтариб, қўлларини куйдириб, урган одамнинг кетидан қувиб кетди, лекин унга етолмай, ғазаб билан чалани орқасидан отиб юборди.

## Уттизинчи боб

Шитарам шаҳзодани катта қайиқ боғлаб қўйилган хандақ сарни бошлаб келди. Қимдир шошилиб қайиқдан уларнинг истиқболига чиқди.

— Уғлим, келдингми?

Удоядитто шу ногаҳонийликдан чўчиб тушди. Болалик хотираларию ўсмирлик қувонч-қайғулари бир онда унинг кўз ўнгидан ясов тортиб ўтдилар. Ерда нимаики яхши нарса бўлса, бори шу товушда, шу фором овозда мужассамлашган эди. Қоронғи, уйқусиз кечалари Удоядитто бу овозни бир неча бор эшитган эди. Шаҳзода эсини йиғиб олмай, таажжубдан ўзига келмай, Бошонто Рай уни қучоқлаб олди. Икковларининг ҳам кўзларига ёш тўлди. Улар кўкатлар устига ўтириб, жимгина бир-бирларига қараб қолишди. Анча вақт ўтгандан кейин шаҳзода тилга келди:

— Бобо!

— Нима, уғлим?

Улар бир-бирларига бошқа ҳеч нарса деёлмай, яна жим қолишди. Ниҳоят Удоядитто атрофга назар солди ва осмонга қаради-да, ҳаяжонланиб сўз бошлади:



— Бугун мен озод бўлдим, сизни топдим, бироқ бу бахт узоққа борармикан?

Бир оздан сўнг Шитарам келди.

— Шаҳзодам, қайиққа ўтирсинлар.

Удоядитто сапчиб кетди.

— Қайиққа?! Нима учун?!

— Ҳадемай, бу ерга посбонлар келиб қолишади.

Шаҳзода таажжубланиб сўради:

— Бобо, наҳотки қочишимиз шарт бўлса?

— Бошонто Рай Удоядиттонинг қўлидан ушлади.

— Шундай, азизим, мен сени ўғирлаб кетаман. Бу тошюраклар мамлакати — улар сени севмайди! Буғу боласи бўла туриб йўлбарс салтанатида яшаб юрибсан. Мен сени яшириб қўяман, меникида хавфу хатарсиз юрасан.

Шундай деб, чол набирасини шафқатсизлик салтанатидан қутқариб, муҳаббат оламига олиб кетаётгандай бағрига босди.

Узоқ ўйлагандан сўнг шаҳзода бундай деди:

— Йўқ, бобо, мен қочолмайман.

— Нима учун, ўғлим? Сен чолни бирдан-бир умидидан маҳрум қилмоқчимсан?

— Мен отамнинг олдига бораман, унинг оёқларига йиқилиб, Райгорга кетишга рухсат оламан.

— Қулоқ сол, ўғлим, у ёққа боришнинг ҳожати йўқ. У ерда мушқулинг осон бўлмайди.

Удоядитто хўрсинди.

— Ундай бўлса, мен қайтиб турмага бораман.

Чол унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

— Мен сени қўйиб юбормайман!..

— Бобо, сиз ўзингизни ҳалок этасиз. Мен бадбахт бу ҳалокатнинг ҳсабабчиси бўламан. Мен қаерда бўлсам — у ерда тинчлик бўлмайди!

— Уғлим, сен туфайли Бибҳа ҳам узлатга чекилиб қолди. Узинг ўйла, унинг ёшида ҳаётнинг ҳамма лаззатларидан воз кечиб бўлади-ми? — чолнинг юзларидан ёш оқиб кетди.

— Бўпти, ундай бўлса розиман, — кутилмаганда жазм этди шаҳзода. — Шитарам, мен саройга учта хат юбормоқчиман!

— Қайиқда қалам ва қоғоз бор. Ҳозир олиб келаман. Тезроқ ёзинг. Вақтни бекор ўтказманг.

Биринчи хатни отаси номига ёзди. Удоядитто унда афв сўраб илтижо қилган эди. Иккинчисини онасига ёзди: «Она, мени туғиб сиз ҳеч қачон бахтли бўлмадингиз. Мен учун қайғурманг, она. Мен бобомникига кетяпман. У ерда меҳр ва осудалик оғушида яшайман. Ташвиш тортишингиз учун ҳеч бир асос йўқ», Бибҳага эса бундай деб ёзди: «Синглим, умринг узоқ бўлсин. Сенга яна нимани тилайин? Бахтли бўл, азизим. Эрингнинг уйида ҳамма қайғу, изтиробларни унут. Бахт абадий ҳамроҳинг бўлсин». Удоядитто хат ёзаётганда кўзларидан ёш оқиб кетди. Шитарам учала хатни бир эшкакчидан саройга бериб юборди.

Қочоқлар қайиққа тушишди, аммо бирдан кимнингдир шу томонга қараб чолиб келаётганини кўришди.

— Алвасти ташриф буюрди, — хитоб қилди Шитарам.

Рукмини чолиб келди. Унинг сочлари ҳурпайган, сарисининг учи ерда судралиб келар, кўзлари лахчага айланган кўмирдек ёнарди. Уч ололмагани, ниятига етолмагани учун у шундай дарғазаб эдики, газабини тўкиш учун рўпара келган одамни бурда-бурда қилиб ташлашга тайёрдай кўринарди. Ут ўчираётган посбонлардан тепки еб, оғриқ ва жаҳлдан эсини йўқотган Рукмини саройга кириб борди, у Прота-

падитто турган хонага ҳам киришга уриниб кўрди, лекин буни эпложмади. Соқчилар Рукминини жинни деб ҳайдаб юборишди. Нима қиларини билмай, Рукмини саройдан чиқа солиб, хандақ томон чопиб кетди. У худди урғочи йўлбарсдай Удоядиттога ташланди, бироқ Шитарам уларнинг ўртасига кириб олди. Рукмини чинқирганча унга ёпишди. Шитарам қичқириб юборди, эшкакчилар чопиб келиб уни телбадан аранг ажратиб олишди. Ўз баданига заҳар солиб, ўзини ҳалок этадиган чаёндек, қутурган Рукмини тирноқлари билан ўз кўкрагини тимдалар, сочларини юлиб бақирарди:

— Сиз кетмайсиз! Кетмайсиз! Мен ўламан, аёл кишининг ўлими учун сиз гуноҳга ботасиз.

Рукминининг қарғишлари сокин кечада акс-садо берарди, шу пайт у ўзини сувга ташлади. Яқинда ёққан селдан хандақнинг суви кўтарилган эди. Бу телба қаёққа ғойиб бўлганини ҳеч ким кўрмади. Шитарамнинг елкасидан қон оқиб кетди. У чадорини сувда ҳўллаб ярани боғлади. Шитарам яқин келганда, шаҳзоданинг пешонасидан тер чиққанини кўриб қолди, унинг ранги ўчган, ҳушдан кетишига сал қолган эди. Бошонт Рай ҳанг-манг бўлиб турарди. Эшкакчилар бобо ва набирани қайиққа олиб келишди-да, шу заҳоти сузиб кетишди.

— Бу яхшилик аломати эмас,— деди Шитарам ташвиш билан.

## Уттиз биринчи боб

Қайиқ бирпасда дарёга етиб борди. Шу ерда Шитарам сакраб қирғоққа тушди-да, шаҳарга қайтди. У кета туриб, шаҳзоданинг қиличини сўраб олди.

Удоядиттонинг хатларини олиб саройга кетган киши, уларни ҳеч кимга бермаслик ҳақида Шитарамдан махфий топшириқ олганди. Шитарам шаҳарга келиши билан уларни олиб, Проталадиттога аталганини йиртиб ташлади. Шитарам шаҳарга етиб келганда, ёнғин баттар авж олган эди. Ёнаётган уйлар олдида бир гала синчков одамлар тўпланиб, ўт ўчирувчиларга халақит бермоқда эдилар.

Ёнғин Шитарамнинг иши эканини айтмоққа ҳожат бўлмаса керак. Удоядиттога содиқ кишилар ва сарой хизматкорлари унга ёрдам қилишди. Бинобарин, кечқурун тўсатдан бир неча уйга ўт кетиши ва ёнғиннинг ҳамон давом этишини худонинг иродаси, деб бўлмайди.

Ўт ўчирувчилар орасида Шитарамнинг одамлари бор эди. Улар ё сувни кераксиз жойга таширдилар, ё бўлмаса, дарё томонга бориб, йўлда қасдан кўзаларни синдириб, сувсиз қайтардилар.

Олағовурдан фойдаланиб, Шитарамнинг шериклари турмага ўт қўйишди. Турмага ўт тушар деб ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди, чунки, у ёнғиндан йироқда бўлиб, ҳамманинг хотиридан кўтарилганди.

Турмани аланга қоплаб олиши билан Шитарам билинтирмай шу тарафга йўл олди ва Удоядитто ётган хонага бир қанча суяк, бош чаноғи ва шаҳзодадан олиб келган қилични ирғитиб юборди.

Кутилмаганда турма тарафдан ҳайқирган овоз келди. Буни эшитган посбонлар қичқира бошладилар:

— Фалокат!

Кимдир:

— Ҳой халойиқ! Шаҳзода қамалган хона ёняпти-ку!— деб юборди.

Посбонларнинг жон-пони чиқиб кетди, Доял Шинхнинг боши айланди. Унинг қўлидаги кўза тушиб кетди, бошқа нарсаларни ҳам ерга отиб юборди. Шу пайт яна биров чопиб келди.

— Шаҳзода ёрдамга чорлаяпти!

У гапини тугатгунча бўлмай, Шитарам етиб келди.

— Тезроқ ёрдамга! Шаҳзода турган хонанинг томи қулаб тушди! У жавоб бермай қўйди!

Ҳамма турма томон чолиб кетди, лекин у ерга кириш мумкин эмасди — чунки том қулаб тушганди. Шунда посбонлар бир-бирларини эҳтиётсизликда айблаб таъна қилишга киришдилар. Қулоқни қоматга келтирадиган шовқин-сурон кўтарилди, муштлашишларга сал қолди.

«Майли, одамлар шаҳзода ҳалок бўлди, деб ўйлашаверсин,— фикр қиларди Шитарам,— бу менга бир неча кун тинч яшашга имкон беради».

У чадорини бошига ташлаб, ўзидан мамнун ҳолда, уйига қараб кетди. Ерни тун зулмати қоплаб олди. Атрофда ҳукм сурган одатдан ташқари жимликни бирор жонзот бузмасди. Жануб шабодаси бамбук япроқларида шитирларди. Шитарамнинг юраги қувонч билан лиммолим бўлиб, одамсиз кўчада ёлғиз ўзи, қувноқ қўшиқ айтиб борарди.

Бирдан Шитарамнинг миясига бир фикр келиб қолди: «Бари бир мен оилам билан Жайсурдан қочишим керак, шундай экан, текин пулни олиб кетсам нима бўлади? Монгола сувга ботиб кетди. Унинг уйига киришимга ҳеч ким монелик қилмайди. Пул эса бу алвастида бўлиб-тошган. Унинг бирор қариндоши йўқ. Мен олмасам, бу пул бошқаларга қолиб кетади. Хулласи калом, бир уриниб кўрсам ёмон бўлмайди». Шу фикрга келгач, Шитарам Рукминининг уйига қараб йўл олди. Унинг димоғи чоғ эди, яна қўшиқ бошлади. Унинг рўпарасидан қандайдир бир хотин чиқиб қолди, афтидан, у ваъдадоши билан учрашгани кетаётгандай эди — Шитарам бунақа ишларни бехато пайқарди. Шитарам ҳатто у билан ҳазиллашиб кўрмоқчи ҳам бўлди, аммо вақти йўқлигини эслаб, бу хоҳишидан воз кечиб, олға қараб кетди.

Ниҳоят, у Рукминининг қулбасига етиб борди. Эшиклар ланг очик эди. У ичкарига кириб, теварак-атрофга қаради. Бироқ қоронғида бирор нарсани кўриш-пайқаш қийин эди. Шитарам пайпаслаб кетди, қандайдир сандиққа қоқинди, бир неча бор ўзини деворга уриб олди. Бирдан уни ваҳм босди. Назарида уйда биров бордай туюлди. У кимнингдир нафас олаётганини эшитди, астагина ён хонага кириб, Рукминининг хобгоҳида ёруққа кўзи тушди. У қувониб, дарров шу тарафга йўл олди. Бироқ бу нимаси? Хонада кимдир ўтирибди! Хотин киши! У қақнаган кўзлар билан қаршисига тикилиб, аъзойи бадани титраб, сас-садосиз ўтирарди. Ярим яланғоч баданида сочларидан сув оқиб, қалтироқдан тишлари бир-бирига урилар, шам унинг тупроқ ранг юзини аранг ёритарди. Деворга унинг катта сояси тушиб турарди. Шитарам ҳамма нарсани унутди, у шу аёлнинг тупроқ рангли юзину унинг узун соясини кўрарди, холос.

У хонага кириши билан эғи живирлаб кетганини сезди: қайси кўзи билан кўрсин, бу аёл Монгола экан! Бу шундай ғайри табиий эдики, у дастлаб буни арвоҳ деб, яқинроқ ҳам боролмай, орқага ҳам қайтолмай, лол бўлиб туриб қолди. Ниҳоят ўзини босиб олиб (Шитарам қўрқоқлардан эмасди), ҳазиломуз гапирди:

— Сен қайси гўрдан пайдо бўлдинг, қари алвасти?

Рукмини унга нафрат билан қаради. Унинг қарашидан Шитарамнинг томоғи қуриқшаб, нафаси сиқилиб кетди.

— То сизлар чиримагунча мен ўлмайман! — бақирди у, кейин ўр-нидан туриб, ҳаяжон билан, қўлларини шоп қилиб, давом этди: — Ҳа, мен Яма салтанатининг дарвозаси ёнидан қайтиб келдим. Умидингни уз, сен билан шаҳзодангни дафн гулханига олиб бормагунча, сизларнинг кулингизни баданимга сурмагунча Яма боргоҳига бормайман!

Шитарам Рукминининг овозини эшитиб дадиллашди. У ҳатто ширин сўз билан хотиннинг пинжига кириб, муҳаббати яна авж олиб кетганини кўрсатмоқчи ҳам бўлди. Аммо унга яқинлашишга ботинмай, узоқроқда туриб, ширин сўзлар қотди.

— Шон-шарафимни шафе келтириб айтаманки, бунга бунчалар аччиғланиш ноўрин. Муродинг нима эканини сираям тушунмайман. Қани айт-чи; Монгола, мен сенга нима ёмонлик қилдим? Мендек хоксор бир одамга бунчалар номехрибонликнинг сабаби нима? Наҳотки мени кечирмасанг, азизим? Сенга анови ашуламизни айтиб берайми?

Шитарамнинг сўзларида, овозида севги қанча такрорланса, тул хотиннинг ғазаби шунча ортиб борарди. Қаҳру ғазабдан унинг бутун вужуди қалтираб кетди. Агар Шитарам бошидаги сочлари бўлганида барини томири билан юлиб ташлаган; борди-ю, кўзи бўлганда, ўйлаб-нетиб турмай уларни ўйиб ташлаб, оёқлари остига олиб топтаган бўларди.

Рукмини бирор оғир нарса қидириб бетоқатлик билан атрофга боқди, бироқ, ҳеч нарса тополмай, тишларини қисиб, гердайиб деди:

— Эҳтиёт бўл! Миянгни қатигини чиқариб юбораман!— шундай деди-ю, чопганча пичоқ қидириб ён хонага кириб кетди.

Булар ҳаммаси бир неча дақиқада бўлиб ўтди. Ҳозиргина Шитарам, бўйнига чадорини боғлаб, Рукминига ўлим хавфи солаётган эди. Аммо Рукмини унинг ниятини сезиб, энди унга, Шитарамга, ўлим билан таҳдид қилапти. Йўқ, у ҳали ошпичоқ зарбидан ўлишга тайёр эмас! Шунинг учун пайтдан фойдаланиб Шитарам кулбадан чиқиб кетди.

Рукмини қўлида пичоқ билан қайтиб келди, бироқ Шитарамни тополмай, алаmidан пичоқни бир неча бор ерга суқиб олди.

Рукминининг юраги бўм-бўш бўлиб қолди. Энг яхши орзулари барбод бўлди, бутун хаёллари бир онда тутундек тарқалиб кетди. Энди Рукминининг тигдек ўткир табассумидан, бхадро ойидаги Ганг сатҳидек тинч нафасидан, кўзларининг чақнашидан, ҳаммаси-ҳаммасидан асар ҳам қолмади.

У илгари ҳузурига келиб юрган сарой хизматкорларининг ҳаммаси билан сўкишиб, уришиб бўлди. Ҳаммани ҳайдаб, ўзидан узоқлаштирди.

Уша машъум кунда, унинг олдига, ўйнаб-кулиш ниятида, сарой маъмурининг катта ўғли кириб келди. Рукмини эса супурги олиб уни ҳам қувиб чиқарди. Шундан буён унинг уйига ҳеч ким кирмай қўйди. Қўшнилари Рукминидан ҳайиқиб қолишди.

Монголанинг кулбасидан чиқиб, Шитарам билдики, шаҳзоданинг қочгани ҳақида бу алвасти, албатта, гап тарқатади, натижада сир ошкор бўлади. Нега Шитарам уни бўғиб қўя қолмади! «Агар Жайсурда сал ҳаялласам,— ўйлади у,— бунинг оқибати ёмон бўлади. Тезроқ қо-чиш керак».

Шу кечасиёқ Шитарам оиласи билан Райгорга қочиб кетди.

Тонга яқин осмонни булут қоплаб, қаттиқ жала қўйди, ёнғин аста-секин сусайди. Ўғлининг ҳалокати ҳақидаги овоза Протападиттонинг қулоғига етди. У дарҳол мажлис чақирди. Вазир билан бирга бир неча мажлис аъзолари келишди. Подшоҳ посбонларни чақиршига амр этди. Посбонлардан бири ёнғин вақтида у турма дарчасидан қараганда, шаҳзода ўша ерда эканини айтди. Бошқа бир неча киши шаҳзоданинг фарёдини эшитганларини айтишди. Шу пайт кимдир Удоядиттонинг куйган, эриган қиличини олиб келди.

— Бошонто Рай қаерда!— сўради Протападитто.

Бутун саройни қидириб, чолни топишолмади. Кимдир:

— Ёнғин бошланганда у турмада эди,— деб қўйди.

Бўлмаган гап,— деди бошқаси,— чол шаҳзоданинг ўлимини эшитган ҳамон Жайсурдан чиқиб кетди.

Подшоҳ жим қулоқ солиб турди. Шу пайт эшик олдида шовқин эшитилди. Қандайдир бир аёл залга киришга уринаётган, лекин уни қўйишмаётган эди. Протападитто уни олиб киришга амр қилди. Посбон Рукминини бошлаб кирганда, подшоҳ ундан сўради:

— Сен кимсан, нимани истайсан?

— Мен истардимки, шу посбонларнинг ҳаммаси олти ойдан турмада чириб ётса-да, кейин итларга емиш бўлса! Улар сизни ҳурмат қилади ёки сиздан қўрқади деб ўйлайсизми? — бақирди у қўлларини шоп қилиб.

Посбонлар ҳаяжонга келишди. Рукмини уларга ўгирилиб, ўқрайиб қаради.

— Жим турларинг, қаллаварамлар! Кеча сизларга: «Ҳой, шаҳзодаларинг кекса ҳукмдор билан Райгорга қочиб кетяпти», деган мен эмасмидим? Қўл-оёқларингизга ёпишиб олган мен эмасмидим, бироқ сиз аблаҳлар менинг сўзларимга ҳеч қандай эътибор қилмадингиз! Подшоҳ саройида хизмат қиласиз, ўзингизни қаҳрамон деб гумон қиласизу, аслида ўлгудек қўрқоқ тоифасиз. Ўзингизни шижоатли деб айтишга урина кўрманг, чунки чумоли ҳам ўлиш олдида қанотларини кўтаради!

— Нима бўлган бўлса, барини гапир! — амр этди подшоҳ.

— Гапим кўп эмас. Ўғлингиз кеча кечаси кекса ҳукмдор билан қочиб кетди.

— Ким ўт қўйди, сен биласанми?

Билганда қандоқ! Бу Шитарамнинг иши. У шаҳзодага жуда содиқ, унинг учун ҳар нарсага тайёр. Ана ўша, сизнинг шаҳзодангиз ва анови чол бу ишни қилишди. Мен сизга бор ҳақиқатни айтиб турибман.

Протападитто анчагача ҳаракатсиз қолиб, охири сўради:

— Буларни сен қаердан билдинг?

— О, наҳотки бунинг аҳамияти бўлса! Менга одамларингизни беринг! Қочоқларни ўзим топиб, тутиб келаман. Сизнинг хизматкорларингиз бамисоли қўй, улар бунинг уддасидан чиқишмайди.

Протападитто Рукминига одам қўшиб беришга амр этиб, посбонларни жазолашни буюрди. Ҳамма тарқалди. Фақат вазир қолди. У, подшоҳ бирор нарса дермикан, деб ўйлади, аммо Протападитто ҳаракатсиз ўтириб, ҳеч нима демади.

Вазир секин гап очди:

— Шоҳим...

Подшоҳ жавоб бермади. Вазир оҳистагина ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Уша куниеқ кеч кирмасдан Протападитто бир балиқчидан ўғлининг қочиб кетгани ҳақида хабар олди. У Удоядиттонинг қайиқда сузиб кетганини кўрган экан. Кейин, яна кўп кишилар Протападиттога шаҳзода хусусида хабарлар олиб келишди. Бир ҳафтадан сўнг Рукмини билан юборилганлар қайтиб келиб:

— Биз шаҳзодани Райгорда кўрдик,— деб хабар қилишди.

— У хотин қани?— сўради подшоҳ.

— У ўша ерда қолди.

Протападитто Муқтиёрхон номли патанлардан чиққан саркардани чақиртириб, унга махфий фармон берди. У ҳамма гапни эшитиб, таъзим қилиб чиқиб кетди.

## Ўттиз иккинчи боб

Малика билан Бибҳа Удоядиттонинг қочганини подшоҳдан олдин билишганди. Улар иккиси, подшоҳ бунн билса оқибати нима бўларкин, деб жонларини ҳовучлаб юрардилар.

Орадан бир ҳафта ўтди. Ниҳоят подшоҳ ўғлининг қочиб кетгани ҳақида аниқ маълумот олди, лекин нима учундир бирор чора-тадбир кўрмади.

Эрининг ниятидан беҳабарликка ортиқ чидолмай, малика унинг олдига кирди. Аммо анчагача Удоядитто ҳақида гап очишга ботинолмай турди. Подшоҳ ҳам у ҳақда гапирмади. Охири малика чидолмади:

— Шоҳим, менга шафқат қилиб, Удоядиттони кечиринг! Агар сиз болагинамга яна озор берсангиз — мен заҳар ичиб ўламан!

Протападиттонинг жаҳли чиқиб жавоб берди:

— Бемаҳал йиғлашнинг ҳожати йўқ! Мен ҳали унга бир нима қилганим йўқ-ку.

Шундай қилиб, Протападитто аниқ бир нарса демади. Малика гапни давом эттиришга ботинмай, кўнгли ғаш бўлиб чиқиб кетди. Бир кун ўтди, иккинчи, учинчи кунлар ўтди — подшоҳ ўз нияти нима эканини заррача билинтирмади. Малика билан Бибҳа бир оз тинчландилар. Улар, Протападитто ўғлининг қочганидан дилида севиниб юрибди, деб тахмин қилишди.

Малика бир неча вақтгача хотиржам бўлиши мумкин эди. У илгарироқ, Рамчондро Рай хат юборибди, унда, Бибҳа келсин, деб сўрабди дея қизини қувонтиргандек, бутун саройга овоза тарқатган эди. Бибҳа ўз қувончини яширолмади.

Раммохонни қайтариб юборгандан бери унинг кўнгли бир лаҳза ором билмасди. «Эрим нималарни ўйлаётибди экан? — фикрга ботарди Бибҳа... — У менинг аҳволимни тушунолдимикин? Жаҳли чиқмадимикин? Борди-ю, бу гапларнинг ҳаммасини унга ўзим тушунтирсам, мени кечирармикин? Эй тангрим, биз қачон учрашар эканмиз?» Бибҳанинг фикру зикри мана шу бўлиб қолди. Шубҳа кечасию кундузи уни кемириб борарди. Хат хусусида эшитиб, Бибҳа қувонди. Елкасидаги оғир юкни ташлаб юборгандай бўлди. У гоҳ кулар, гоҳ йиғларди — уялиб, шодлигини яширмасди. Узини қамраб олган ҳиссиётни яширишга кучи етмай, йиғлаб, кулиб, юзини онаси оғушида бекитганча, бирор сўз демай, хомуш ўтирарди.

Онаси у билан шодланиб йиғларди.

Эри уни тушуниб, афв этганини ўйлаганда, бутун олам унга Индранинг фароғат боғидай<sup>1</sup> туюларди.

Шундай онларда Бибҳа эрини бебаҳо одам деб тасаввур қиларди. Унинг муҳаббатига ишонар, унга суянарди! Ҳа, унинг муҳаббати — бу дунёда бирдан-бир мустаҳкам қароргоҳ эди. Бибҳа фикран чирмовуқдай ингичка қўллари билан эрининг кенг, бақувват кўкрагини — ўзининг энг ишончли таянчини ўраб оларди. Бибҳа жуда бахтиёр эди. Унинг куз осмонидай булут қоплаган дили бирдан ёришиб кетди. У худди ёш боладек укаси Шоморадитто билан шўхлик, эркатой бўлиб ўсган тантиқ боладек онасига инжиқлик қила бошлади. Кейин онасининг уй ишларига қарашадиган бўлди. Унинг камсуқумлиги қаёққа кетди! Энди хонама-хона санқиб ҳам юрмасди. Юраги гул-гул очилиб кетди. Ғунча гулихандонга айланди. Унда қайғу, одамовилик ва ҳадиксираш ҳам йўқолди. Бибҳа илгари уялиб, онасига айтолмаган гапларни

<sup>1</sup> Индранинг фароғат боғи — маъбуда Индранинг самовий жаннати.

энди ишониб айтадиган бўлди. Она қизининг бахтидан қувонарди. Тўғри, маликани ташвиш тарк этганча йўқ, лекин у сира сездирмасди. Ахир у қандай қилиб қизининг қувончини қайғуга мубаддал қилсин? Биҳа ўйнар, вақтичоғлик қилар, онаси эса унга қараб тўймасди.

Малика Биҳадан ажралгуси келмай, унинг жўнашани кундан-кунга пайсалга солиб келарди. Икки ҳафтага яқин вақт ўтди, энди Удоядиттонинг тақдири учун ҳаяжонланмаслик мумкин, аммо Биҳани нима қилиш керак, малика бу борада ҳозиргача бир фикрга келгани йўқ. Яна бир неча кун ўтди... Биҳа нотинч бўла бошлади.

У бундай ўйларди: «Мен бу ерда ўтказган ҳар бир кун эримнинг олдида гуноҳимни оширади. У мени чақириб турганда... ҳаяллаш нечун? Ҳозир у афв этибди, аммо кейин... «Биҳа яна бир неча кун кутиб, охири жазм этди. Онасининг олдига келди-да, уни қучоқлаб, юзига термилиб туриб деди:

— Ойи!

Онаси ҳаммасини тушуниб, қизини бағрига тортди.

— Нимайди, болам?

Биҳа бир оз хомуш қолиб, кейин сўради:

— Ойи, ахир мен қачон жўнайман?

Биҳаниннг юзи ва қулоқлари қизариб кетди.

— Қаёққа?— энгил табассум билан сўради малика, гўё саволни тушунмагандек.

— Усмоқчилаб нима қиласиз, ойи, ўзингиз биласиз-ку, — ёлворди Биҳа.

— Яна бир неча кун сабр қил, яқинда борасан. — Шўрлик онанинг кўзларида ёш пайдо бўлди.

## Ўттиз учинчи боб

Удоядитто кўпдан буён Райгорда бўлмаганди, мана, у яна шу ерда. Лекин шаҳзода илгаригидек шоду хуррам эмас. Кўнгли гаш эди. Бобосининг тақдири ҳақидаги фикр унинг учун муттасил азобга айланди. Албатта, ўгли қочгани учун ота Бошонто Райни ҳеч қачон кечирмайди. «Хўш наҳс соатда туғилган эканман-да!»— ўйларди у кўпинча.

Бир кун Удоядитто Бошонто Рай ҳузурига келди.

— Бобо, мен Жайсурга қайтишим керак.

Чол қўшиқ ва қулги билан бу номатлуб суҳбатдан қутулишга уринди:

Туша олгайманми мен айру сендан?  
Қалб-ла қўшилмоққа қалб ожиз чиндан.  
Қалбнинг оқ саройин этдинг шипшийдан,  
Кимсасиз маконга айланди бутун.  
Тайёрман энди куч ишлатмоққа ҳам,  
Бахтимдан айрилиб қолмаслик учун.  
Сен — ёруғ орзулар тимсолидурсан,  
Бўм-бўш юрагимнинг кәмолидурсан.

Аммо Удоядитто ўз гапида туриб олди. Бошонто Райнинг кайфи бузилди, қўшиқни тўхтатиб, маъюсона сўради:

— Уғлим, нега мен ёнингда турганда сен қувноқ эмассан?

Удоядитто унга нима ҳам деб жавоб бера олади?

Чол эртдан-кечгача шаҳзодани хурсанд қилишга уринади: сетор чалади, у билан бирга теварак-атрофларга сайр-саёҳат қилади. Удоя-

диттонинг кўнглини оламан деб чол давлат ишларини тамом йиғиштириб қўйди. Удоядиттони ушлаб қололмайман, у яна Жайсурга кетиб қолади, деб Бошонто Рай доимо хавф остида яшарди. Чол неварасини бирор дақиқа ёлғиз қолдирмай:

— Уғлим, тош юраклар ўлкасига боришингга йўл қўёлмайман, — деб такрорлагани-такрорлаган эди.

Бир неча кун ўтиб, Удоядитто бир оз тинчланди. Турманинг тош деворларидан кейин, у озодлик ва Бошонто Рай қалбининг чексиз меҳр-муҳаббати нашъасини сурарди. Ҳамма нарса унда шавқ қўзгарди: дарахтларнинг қалин япроқлари ҳам, ложувард осмон ҳам, уфқнинг аллақаерида туғилаётган шафақ нури ҳам; у қушларнинг сайрашини тўймай тинглар, узоқлардан чопиб келган шамол оғушида яйрарди. Тун бошланиши билан осмондаги юлдузларни кузатар, ой нурида чўмилиб, руҳан мудроқ сукунатга шўнғиб кетарди. У хоҳлаган томонига кета оларди, ҳамма хоҳишлари рўёбга чиқарди. Удоядиттони болагигида билган фуқаролар узоқ-узоқлардан уни кўргани келишарди. Гонгадхор келди, ундан сўнг Фотик, Хобичача ва Қорим Улла келишди. Мотхур уч боласи билан пайдо бўлди. Ака-ука Поран ва Хори келдилар, Шитол-сардор беш литхиял<sup>1</sup> билан ўз санъатини кўрсатгани келди. Хулласи калом ҳар кунни кимдир шаҳзодани кўргани келарди. Удоядитто уларни саволлар билан кўмиб ташларди. Шаҳзода уларни унутмаганини кўриб фуқаролар қувонишар, таажжубланар эдилар. Мотхур бундай деди:

— Шаҳаншоҳим, сиз биринчи марта Райгорга ташриф буюрганда бизнинг оилада ўғил туғилган эди. Ушанда сиз бизнинг уйда эдингиз, сизнинг фотиҳангиз шарофатидан мен яна икки ўғил кўрдим.— У уч боласини шаҳзоданинг олдига олиб келиб;— уларга таъзим қилинглари, болаларим,— деди.

Болалари эгилиб таъзим қилишди.

— Мен Жайсурга кетган қайиқнинг эшкакчиси эдим,— деди Поран.

— Шаҳаншоҳим, сиз Райгорда эканингизда таёқ ўйинини томоша қилишни жуда яхши кўрар ва менга сахийлик билан инъомлар берардингиз, — Удоядиттога мурожаат қилди Шитол-сардор.— Агар хоҳласангиз, ҳозир менинг болаларим сизга ўз санъатларини намойиш қилишади. Бу ёққа кел, ўғлим, сизлар ҳам бери келинглари,— чақирди у ёшларни.

Шу тариқа, эртадан-кечгача Удоядиттонинг бирор дақиқа бўш вақти бўлмасди.

Ям-яшил ўрмонда қувонч, муҳаббат ва қўшиқ таъсирида у ўз мусибатини унутди. Удоядиттонинг ёмонлиқ ҳақида ўйлагуси келмасди. У, отам ғазабдан тушиб, мени кечирган, бўлмаса, бу даврда бирор чора кўрарди, деб ўйларди.

Бироқ, Удоядитто ўзини узоқ алдаб юролмади. Бобосининг тақдирини уни даҳшатга соларди. Жайсурга қайтиш ҳақида бобоси билан гаплашиш бефойда, шунинг учун у яширинча қочишга жазм этди. Шунда яна турма эсига тушди... алвидо, роҳатбахш озодлик! У яна баднамо, дим, тор турмахонасини тасаввур қилиб кўрди... Турмани эслашнинг ўзиданоқ унинг бутун вужуди безгак тутгандек қалтирай бошларди. Удоядитто бир кунмас-бир кун у ерга қайтишини биларди, лекин нима қилиб бўлса ҳам у кунни пайсалга солишга уринарди.

«Бугун пайшанба. Бехосият кун. Бугун қочиб бўлмайди», — деб ўйлади Удоядитто.

<sup>1</sup> Литхиял — таёқбозлар.



Шу кунни илк саҳардан ёмғир томчилай бошлади. Булутлар бутун осмонни қоплаб олди. Удоядитто аҳд этди: «Йўқ, шу оқшом қочини даркор».

Эрталаб Бошонто Рай уни қучоқлаб бундай деди:

— Уғлим, кечаси жуда ёмон туш кўрдим. Лекин хотиримдан чиқибди, фақат бир нарса эсимда: сен билан биз бу дунёда абадий айрилиқ бўсағасида турган эмишимиз.

Удоядитто Бошонто Райнинг қўлидан ушлаб олди.

Йўқ, бобо, нега абадий бўлармиш?

Бошонто Рай ўгирилиб, ғамгин гапирди:

— Бўлмаса қандай? Менинг қанча куним қолди? Ахир мен қариб қолдим.

Туш Бошонто Райга қаттиқ таъсир қилди. Оғир хаёллар уни тарк этмасди.

Бир оз жимликдан сўнг Удоядитто сўради:

— Бобо, башарти биз қисқа муддатга ажралсак нима бўлади?

Нега, азизим, нима учун биз ажралишимиз керак? Ахир сен мени кексайган чоғимда ташлаб кетмайсан-ку? У неварасини маҳкам бағрига босди.

Удоядиттонинг кўзлари ёшга тўлди. У таажжубда қолди: Бошонто Рай унинг махфий ниятини пайқабди.

— Менинг бу ердалигим сиз учун хатарнок бўлиши мумкин, хўрсинди Удоядитто.

Хатарнок дейсанми, азизим?— кулимсиради Бошонто Рай. Менинг ёшимда бу ваҳимали гап эмас. Мен ўлимдан қўрқмайман. У менинг қўшним. Тез фурсатда жонимга чанг солади. Ҳаёт йўлидаги ҳамма тўсиқлардан ўтиб, кексайган одам... соҳилга етганда ҳалок бўлиши мумкинми?

Удоядитто бу ёмғирли кунни охиригача Бошонто Рай билан ўтказди. Кечга бориб, бир оз ҳаво ёришгач, Удоядитто ўрнидан турди.

— Қаёққа, ўғлим?

— Бир оз айланиб келаман.

— Борма.

— Нега, бобо?

Бошонто Рай шаҳзодани қучоқлади.

— Бугун уйдан чиқма. Мен билан бирга бўл, азизим.

— Узоққа бормайман, тезда қайтиб келаман.

У сарой дарвозасидан чиққанда, посбон ундан сўради:

— Шоҳим, сизга ҳамроҳ бўлишим мумкинми?

— Йўқ, ҳожати йўқ.

— Ахир сизда қурол йўқ-ку.

— Унинг менга нима кераги бор?

Удоядитто бир ўзи, саройдан чиқиб, кенг дала оғушига кирди. Кун заволга юз тутган пайт. Шаҳзода ҳаётнинг мақсадсизлиги, беҳудалиги ҳақида ўйларди: «Белгили, доимий ҳеч нарса йўқ — бир лаҳзадан сўнг нима бўлишини ҳеч қачон билиб бўлмайди. Мен ёшман, бутун ҳаёт олдинда. Бироқ, менинг оилам, уйим, бирор маконим бўлмагач, келажаким нима бўлади?» Бирдан Биҳа эсига тушиб кетди: «У ҳозир қачонда? Мен, қанча бахт қуёшини ундан тўсиб турдим? Бахтлимикан у охир-оқибат?» У кўнглида мудом синглисини дуо қиларди.

Ўрмон яқингинада эди. Чўпонлар жазирама офтобдан қочиб, бу ерда пальма ва баньян дарахтлари соясида ором олардилар. Шаҳзода шу ўрмонга кирди. Қош қорайди. Қоп-қоронғи бўлиб қолди. Қочини шу кунга тайинланган эди. Шаҳзода шу хусусда ўйлаб, тобора олға қараб борарди. Унинг қочганини билса бобонинг ҳоли не кечади? Қария учун бу қандай зарба бўлади! Удоядитто Бошонто Райнинг: «Мана,

ўғлим ҳам мени ташлаб кетди!..» — деб надомат чекишини тасаввур этиб кўрди.

Унинг ўй-фикр риштаси қандайдир бир аёлнинг ҳайқириғи билан узилди:

— Ҳой! Шаҳзодаларинг мана бу ерда! Бу ерда!

Икки аскар қўлларида машъал билан Удоядиттонинг олдига чо-ниб келди, кейин бошқалари етиб келишди. Қандайдир бир хотин шаҳ-зодага яқинлашиб келди.

— Мени танимаяпсанми? Қани, яхшироқ қара-чи!

Машъал ёруғида шаҳзода Рукминини кўрди. Аёлнинг хатти-ҳара-катидан жаҳли чиққан аскарлар уни сўкиб, ҳайдай бошладилар.

— Йўқол бу ердан, шум кампир!

Аммо Рукмини уларнинг гапларига заррача эътибор қилмади.

— Биласанми, бу ишларни ким қилди? Мен! Бу одамларни мен бошлаб келдим, буни сенинг учун қилдим. Сен бўлса, жаҳл билан Рукминидан юз ўғиряпсан!

Аскарлар зўрга уни бир четга тортишди. Муктиёрхон олдинга чи-қиб, таъзим қилди.

Шаҳзода ҳайратда қолди.

— Муктиёрхон!

— Мен бу ерга шоҳимизнинг фармонлари билан келдим, осо-йишта туриб гапирди саркарда. Фармон билан!

Муктиёрхон Протападиттонинг қўли билан ёзилган хатни чиқариб, шаҳзодага берди.

Удоядитто ўқиб чиқди.

— Наҳотки бунинг учун шунча кўшин керак бўлса?— хитоб этди шаҳзода.— Хатнинг ўзи кифоя эди-ку. Бундан ташқари, мен ўзим Жай-сурга қайтишга жазм этгандим. Ҳаяллаб ўтирмаймиз, қани, кетдик!

Муктиёрхон илтижокорона қўл қовуштирди:

— Мен ҳозир қайтолмайман...

— Нима учун?— Бесаранжомланиб сўради Удоядитто.

— Менда подшоҳнинг яна бир фармони бор. Уни ижро этмай ке-толмайман.

Қандай фармон?— юраги орқасига тортиб сўради шаҳзода.

— Подшоҳимиз Райгор ҳукмдорини ўлдиришга амр этдилар.

Удоядитто чўчиб, ҳайқирди:

— Ёлғон! У бундай фармон бермаган!

— Сизнинг рухсатингиз билан, шаҳзода, бу ёлғон эмас. Менда подшоҳимизнинг ёзма фармонлари бор.

Удоядитто Муктиёрхоннинг қўлидан ушлаб олди.

— Сен тушунмагансан!.. Эҳтимол подшоҳ мени ушлолмаган тақ-дирда чолни ўлдириш ҳақида фармон бергандир... Бироқ, мен ўзим сизларга таслим бўлиб турибман! Менинг оёқларимга кишан солиб, отамнинг олдига олиб боришинг мумкин. Яна нима керак сенга?

— Афандим, мен янглишганим йўқ. Подшоҳ очиқ-ойдин қилиб фармон берганлар.

— Йўқ, йўқ! Сен тушунмагансан!— саросимага тушиб қичқирди шаҳзода.— Отамнинг бундай нияти бўлиши мумкин эмас! Жайсурга борайлик, мен подшоҳдан бу нарсани сизларга тушунтиришни талаб қиламан. Борди-ю, менинг олдимда Бошонто Райни ўлдиришга амр этса, сен уни ижро этасан!

Муктиёрхон қўл қовуштирди.

— Шафқат қилинг, жаноб, мен сиз билан Жайсурга боролмай-ман.

Бироқ, Удоядитто ҳамон уни кўндиришга уринарди:

— Муктиёр, ўйлаб кўр, вақти келиб мен тахтга чиқаман. Илтимосимни бажар!

Муктиёр хомуш туриб қолди. Шаҳзоданинг ранги ўчиб, пешонасида тер пайдо бўлди. У саркарданинг қўлидан маҳкам ушлаб турарди.

— Муктиёрхон, агар сен бегуноҳ бир мўйсафидни ўлдирсанг, билиб қўй, дўзахда ҳам жой тополмайсан!

— Наҳотки хўжасининг амрини бажо келтириш гуноҳ бўлса?

— Ёлгон! Агар дхармашастра шундай деса, демак, дхармашастра ҳам ёлгон! Билиб қўй, Муктиёр, гуноҳкорона фармонни бажаришнинг ўзи гуноҳ!

Муктиёр лом-мим демади.

— Ундай бўлса, мени қўй!— қатъият билан гапирди Удоядитто. Мен Райгорга бораман, сен қўшининг билан у ерга боргин — мен сени жангга чақираман. Аввал жанг майдонида ғалаба қилиб, сўнгра подшоҳингнинг амрини бажар!

Аммо Муктиёр аввалгидай жим тураверди. Аскарлар олға силжиб, шаҳзодани ўраб олишди. Ҳеч илож бўлмагач, шаҳзода бор товуши билан қоронғида қичқирди:

— Бобо! Ҳаётингиз таҳлика остида!!!

Урмон ларзага келди. Акс-садо дала четигача бориб сусайди. Аскарлар Удоядиттони ушлаб олишди. Шаҳзода яна қичқирди:

— Бобо, эҳтиёт бўлинг!

Даладан юриб бораётган тасодифий бир йўловчи, қичқирикни эшитиб, нима бўлди экан, деб билгани келди.

— Бор, бор! Тезроқ Райгорга бор! Ҳукмдорни огоҳлантириб қўй, — қичқирди Удоядитто унга. Бироқ аскарлар йўловчини ҳам ушлаб олдилар. Улар шу пайтда ким йўлдан ўтса барини тутиб олишди.

Бир неча кишини Удоядиттони сақлашга қолдириб, Муктиёрхон бошқаларига кийимларини алмаштириб, қуроallarини яширишга фармон берди. Кейин ҳаммалари Райгорга қараб жўнашди. Саройни ўраб олган қалъанинг юздан ортиқ дарвозаси бор эди. Муктиёр ўз қўшини билан Райгорнинг ҳар томонидан кириб борди.

Кеч кирганди. Чиғаноқ овози ибодатхонадан кечки ибодатга чақирарди. Каттакон саройда сукунат ҳукмрон эди. Одатга кўра Бошонто Рай деярли ҳамма ходимларини уйларига жўнатарди. Ибодат асноси чол бирдан Муктиёрхоннинг ўз хонасига кириб келганини кўрди.

— Хон соҳиб, — уни тўхтатди кекса ҳукмдор, — бу ёққа кирманг, мен ибодат қиляпман.

Саркарда бир оз узоқлашиб, эшик олдида кутиб турди. Ибодатдан сўнг Бошонто Рай дарров чиқиб, меҳрибонлик билан меҳмонга қўл текизиб сўради:

— Аҳволингиз яхшими, хон соҳиб?

Муктиёр таъзим этиб жавоб берди:

— Яхши, шоҳим.

— Сиз бирор нарса едингизми?

— Раҳмат, едим.

— Ундай бўлса, мен сизга ётоқ-жой тараддудини кўришим керак.

— Бунга эҳтиёж йўқ. Мен фармонни бажариб қайтишим лозим.

— Нега энди, хон соҳиб? Мен бугун сизни ҳеч ёққа юбормайман.

Сиз шу ерда қоласиз.

— Йўқ, шоҳим, кетишим керак.

— Айтнинг-чи, нима учун? Муҳим ишингиз борми? Протап соғ-саломатми?

— Ҳа, шоҳим.

Бўлмаса, қандай ҳодиса рўй берди, тезроқ айтсангиз-чи! Мен

бирор кўнгилсизлик бўлмадими деб қўрқаман. Протапга бирор нарса таҳдид қилмаяптими?

— Йўқ, шоҳим, ҳеч ким таҳдид қилгани йўқ. Мен подшоҳнинг фармонларини бажаргани келдим.

— Қандай фармон, тезроқ айтинг.

Муктиёрхон хатни чиқариб Бошонто Райга берди. Ёруққа яқин бориб, чол ўқий бошлади. Бу орада бирин-кетин ҳамма аскарлар эшик олдига келишди.

Бошонто Рай хат ушлаган қўлини пастга тушириб, секин Муктиёрга яқин келди.

— Буни Протанадитто ёздими?

— Ҳа.

Бошонто Рай ишоналмай, ўз саволини такрорлади:

— Хон соҳиб, бу хат Протанадиттонинг қўли билан ёзилганми?

— Шундай, шоҳим.

— Хон соҳиб, мен Протапни боқиб катта қилдим!— йиғлаб туриб айтди Бошонто Рай ва андак жим қолиб давом этди: — Протап гўдак чоғида мен уни кечаю кундуз қўлимда кўтариб юргандим. У бирор лаҳзага мендан бошқага бормасди. У катта бўлгандан кейин уйлантирдим, тахтга чиқардим. Протапнинг болаларини ҳам кўтариб катта қилдим. Протап эса бугун мана бундай фармон ёзиб ўтирибди...

Муктиёрхоннинг кўзларида ёш ялтиради. У бошини қуйи солиб, жим турарди.

— Менинг ўғлим қаерда? Қани Удой?

— У асирга олинди. Уни подшоҳ ҳузурига олиб боришга амр этилган.

Удой асирга олинган?! Мен уни қайта кўрмайманми?

Муктиёрхон илтижокорона қўл қовуштирди:

Йўқ, жаноб, кўрмайсиз.

Бошонто Рай кўзига ёш олиб ёлворди:

— У билан бир кўришишга рухсат берсангиз, хон соҳиб.

— Мен фармонни ижро этувчи хизматкорман, холос.

Бошонто Рай оғир хўрсинди:

— Бу дунёда ҳеч кимда шафқат йўқ. Кел, соҳиб буйруғини бажо келтир.

Муктиёр ерга теккунча эгилиб таъзим қилди.

Шоҳим, мени кечиринг, мен хўжамнинг фармонини бажарман. Бу ерда менинг гуноҳим йўқ.

— Нимангизни кечирай, сизда ҳеч қандай гуноҳ йўқ.

Чол Муктиёрга яқинлашиб, уни маҳкам қучоқлади.

— Протапга айтинг, мен унинг ҳақиқага дуо қилиб туриб ўламан. Улатуриб, Удоядиттони сизга топшираман. Унинг ҳеч бир айби йўқ. Қараб юринг, бола адолатсиз ҳукмдан кулфат тортмасин.

Чол кўзларини юмиб, ҳимояткор тангри тасвири олдида ерга ётди, ўнг қўли билан тасбеҳ ўгирди.

— Хон соҳиб, мен тайёр.

Муктиёрхон қичқирди:

— Абдул!

Қўлида қиличи билан бир аскар кириб келди. Муктиёр дарров чиқиб кетди. Бир оздан сўнг Абдул ҳам чиқди. Унинг қиличи қонга бўялган эди, шу пайт эшик тагидан ҳам қон оқиб чиқди.

## Уттиз тўртинчи боб

Муктиёрхон отряднинг катта қисмини Райгорда қолдириб, ўзи шу заҳотиёқ Удоядитто билан Жайсурга жўнади. Икки кунлик йўл давомида шаҳзода туз тотмади, бирор сўз демади. У гўё тошдек қотган: йиғламади, қаршисидаги ҳеч нарсани кўрмади — уни оғир ўйлар қамраб олган эди. Эшкаклар ғижирлар, сув шолоплар, аммо у бу товушни эшитмаётгандай кўринарди. Оқшом ўтиб, кун тунга айлангач, юлдузлар пайдо бўлди, эшкакчилар бир қирғоққа келиб тўхташди. Ҳамма ухлаб қолди. Фақат майда тўлқинларнинг қайиққа урилиб, шапиллагани эшитиларди. Шаҳзода узоқларга, кумушсимон қумлоқ соҳил ястаниб ётган томонга термиларди. Субҳидамда эшкакчилар уйғониб, қайиқни ечишди. Тонгги шабада эсди. Шарқ осмони шафақдан қизарди. Шаҳзода ҳамон хаёл сурарди. Учинчи куни унинг кўзларида ёш пайдо бўлди. У гоҳ сувга, гоҳ осмонга қарарди. Соҳил бўйидаги дарахтларнинг шоҳлари булутдай унинг кўз ўнгидан сузиб ўтарди. Удоядитто йиғлади.

Муктиёрхон унга яқин келиб, мулойимлик билан сўради:

— Жаноб нима ҳақда ўйлаптилар?

Удоядитто чўчиб кетди. У Муктиёрхонга таажжуб билан узоқ қараб қолди. Саркарданинг нигоҳидаги ҳамдардлик ва муҳаббат шаҳзода ни эсанкираш ҳолидан ўзига келтирди.

— Менинг дунёга келишим — гуноҳим экани хусусида ўйлаб турибман. Одамлар менинг касофатимдан қанча кулфат тортишди! Эй парвардигор, нега кучсизлар дунёга келади? Узини ҳимоя қилолмаган, бошқаларга ёпишиб, уларни ҳам жар ёқасига судраган, ҳаммага халақит бериб, ҳамма учун ортиқча юк бўлганлардан не фойда? Худойи мен заифи нотовонни қутқариб, оиланинг қувончи, умиди бўлганларни маҳв этди. Э-воҳ, нега, нечун у мени тирик қолдирди?

Удоядиттони саройга олиб келганларида подшоҳ у билан ичкарига — хотинлар хонасига кириб, эшикни ёпди.

Удоядиттони енгиб бўлмас нафрат ҳисси қамраб олди, отасига яқин келиши билан аъзойи бадани безгак тутгандек титраб-қақшаб кетди, у ҳатто Протападиттога қаролмади.

— Сен қандай жазога лойиқсан? — жиддий сўради подшоҳ.

— Бу сизнинг ҳукмингизга боғлиқ, — қатъий жавоб берди Удоядитто.

— Сен менинг таҳтимга муносиб эмассан.

Шундай, шоҳим, муносиб эмасман... Шафқат қилиб, мени таҳтингиздан халос этинг.

Протападитто худди шунни кутган эди.

— Сенинг хоҳишинг шу эканига ишона оламанми? — сўради у.

— Худди шундай бўлиши менинг хоҳишим. Кучсизлик мен билан туғилган, лекин ҳеч қачон ёлгончи бўлмаганман. Агар ишонмасангиз, мен шу кунгидея онамиз — маъбуда Қали оёқларини ушлаб қасамёд этаман. Мен ҳеч қачон бу давлатнинг бирор парчасини идора қилмайман. Майли, Шоморадитто сизнинг ворисингиз бўлсин.

— Ундай бўлса, айт, нимани истайсан? — қаноатланиб сўради Протападитто.

— Мен фақат бир нарсани сўрайман, шоҳим: ҳайвонни қафасга солгандай мени турмага қамаб қўйманг! Қўйиб юборинг, мен дарҳол Банорасга жўнайман. Яна сиздан сўрайман, менга бир оз пул беринг — у ерда бобомнинг шарафига ибодатхона ва зиёратчилар учун уй қураман.

— Яхши, бунга мен розиман.

Уша куни Удоядитто отаси ҳузурида қасамёд этди:

— О, она Қали, менинг шоҳидим бўл: оёқларнинг учида қасамёд этиб айтаманки, мен ҳеч қачон Жайсур подшоҳининг озгина бўлса ҳам ерини ўз тахт-идорамга олмайман, унинг тахтини эгалламайман. Башарти қасамимни бузсам, бобомнинг ўлдирилгани гуноҳи менинг бўйнимга тушсин!

Удоядиттонинг Жайсурдан батамом кетишини эшитиб, малика унинг олдига келди.

— Уғлим, мени ҳам бирга олиб кет!

— Нималар деяпсиз, она! Сизнинг Шоморадиттонгиз бор, бу ерда оилангиз бор. Агар сиз бу ердан кетсангиз, маъбуда Лакшми Жайсурни тарк этади.

Малика йиғлаб юборди.

— Болагинам! Ҳали жуда ёшсан-а! Сен ота-она уйидан чиқиб кетсанг, мен қайси кўнгил билан бу ерда қоламан? Ҳокимиятдан, оиладан воз кечиб, сен дарвиш бўласан. Унда сени ким парвариш қилади? Отанг тош юрак, бироқ мен сендан кечолмайман.

Маликанинг ҳамма болалари ичида энг севимлиси Удоядитто эди, шунинг учун кўнгли ачишяпти.

Удоядитто онасининг қўлини ушлади.

— Она, ўзингиз биласиз-ку, саройда мени ҳар қадамда хавфу хатар кутиб туради. Банорасда эса парвардигорнинг оёқлари учида, менга ҳеч ким зарар-заҳмат етказолмайди. Хавотирланманг, она.

Кейин шаҳзода Бибҳанинг олдига борди.

— Бибҳа, синглим, Банорасга жўнашдан олдин сени бахтиёр кўрмоқчиман. Сени қайнанангнинг уйига ўзим элтиб қўяман, бу менинг бирдан-бир хоҳишим!

— Ака, бобомнинг кайфиятлари қалай?— сўради Бибҳа.

— Яхши,— аранг жавоб берди Удоядитто ва дарров чиқиб кетди.

## Ўттиз бешинчи боб

Удоядитто билан Бибҳа йўл тараддудига тушишди. Бибҳа онасининг оғушига кириб, узоқ йиғлади. Саройнинг хотинлар бўлимида истиқомат қилувчилар қизга турли маслаҳатлар беришди.

Малика Удоядиттони ўз ҳузурига чақиртирди.

— Уғлим, агар Бибҳани қайнанасининг уйида ёмон қабул қилишса, сен уни ўзинг билан бирга олиб кетасанми?

— Нега энди уни ёмон қабул қиларкан?— чўчиб сўради Удоядитто.

— Ким билади, балки улар бизнинг қиздан ранжигандирлар.

— Йўқ, она, Бибҳа ҳали ёш бола. Наҳотки шундан ранжишса?

Она йиғлаб юборди.

— Уғлим, сен синглингдан воқиф бўлишинг керак. Агар уни ранжитсалар, у бунга бардош беролмайди.

Удоядиттонинг юрагида шубҳа пайдо бўлди. Бибҳадан қайнана уйида норози бўлишлари мумкинлиги ҳақида у илгари ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган экан. Шаҳзода ўз қайғулари интиҳосига етди, деб ҳисоблар эди. Бироқ, энди маълум бўлдики, у бу жомни охиригача сипқармаган экан. Ким билади, Бибҳанинг бошига яна қандай кулфатлар тушади — ҳаммасининг сабабкори шу!

Жўнаш вақти келди. Ака-сингил оналари ҳузурига келиб, бошлари ерга теккунча эгилиб таъзим қилишди. Мана, эндигина малика тушундики, болалари уйни абадий тарк этиб кетмоқдалар. Ҳозиргача у

йўлда бир фалокат рўй бермагай, деб йиғламасликка уриниб келди. Бироқ, у эндиликда чидолмай, ўзини ерга уриб фарёд этди. Удоядитто ва Бибҳа оталари ҳамда барча сарой аъёнлари билан хайр-маъзур қилишди. Шаҳзода укасини кўтариб, уни ўпиб туриб ўйлади: «Болагина, ҳокимият тепасига чиққанингда, бу тахтнинг касофати сенга тегмасин!»

Сарой хизматкорлари шаҳзодани жуда яхши кўрардилар. Улар бирин-кетин унинг ҳузурига келиб таъзим этишди. Ҳамма йиғлади. Ниҳоят ака ва сингил ибодатхонага бориб, парвардигордан бандана-возлик тилаб йўлга равона бўлдилар.

Ғам, алам, изтироб ва тутқунликдаги ҳаёт - бари шу ерда қолди. Удоядитто қайта бу уйнинг остонасидан ҳатламасликка аҳд этиб, охириги марта унга ўгирилиб қаради. Осмонга қараб интилган тош қалбли сарой қонсираган махлуқдай баднамо кўринарди. Фитналар, зулм, қонга ташналик, кучсизлик азоби, кўз ёшлари - бари орқада қолди. Абадий эркинлик, табиатнинг беғубор гўзаллиги, муҳаббат ва дўстлик чин кўнгилдан унга қўл чўзардилар.

Субҳидам чоғи. Урмон ортида осмон қизарди. Дарахт учларига қирмизи ранг югурди. Одамлар уйғонди. Қайиқчилар қувноқ қўшиқ айтиб, қайиқларини сувга тушириб, елканларини кўтаришди. Удоядиттонинг юраги тоза, сокин саҳарнинг муқаддас гўзаллигидан ҳаловат топиб, қушлар билан эрк қўшиғини куйларди. Удоядитто ўз-ўзича такрорлади: «Биз табиатнинг нурафшон латофатидан баҳра топиб, яхши ният билан эл орасида яшаш учун туғиламиз».

Қайиқ юриб кетди. Бибҳа билан Удоядитто сувнинг чайқалиши ва эшкакчиларнинг қўшиғига қулоқ солиб қолдилар. Бибҳанинг тинчланган қалбида тонгнинг қувноқ нури ярқираб, кўзларида куёшнинг равшан ёғдуси порлади. У гўё узоққа чўзилган даҳшатли тушдан уйғонгандай эди. У сузиб борарди... Бироқ кимга интилаяпти? Ким чақирди уни? Мангу, мафтункор муҳаббат оғушта этганди қизни. Унинг юраги меҳр, навозишга ташна, шунга эришгандагина у руҳий осудалик топади. Унга бутун олам муҳаббатнинг бепоён денгизидай туюла бошлади.

Удоядитто ниманидир Бибҳага мавж шарпасидай мулоим гапириб борарди. Бибҳа уни шавқ билан тингларди. Ниҳоят қайиқ Рамчондро Рай давлати ҳудудига кирди. Бибҳанинг қувончи ичига сиғмай кетди. Атроф қандай гўзал-а! Кулбалар, одамлар - ҳаммаси бахтиёр туюларди. Қизнинг ким биландир ҳукмдор тўғрисида сўзлашгуси келарди. Ҳаммага шафқат билан қараб, барчага хайрихоҳлик сеза бошлади. Йўловчилар орасида камбағалларни кўриб, Бибҳа ўйларди: «Мен саройга киргач, буларни чақиртираман ва шундай қиламанки, улар ҳам, албатта, бахтли бўладилар». Бу ўлкада нимаики бўлса, у ҳозирданоқ ўзиники ҳисоблар, бинобарин, бу ерда қайғу ва қашшоқликни кўриш унга жуда оғир эди. Бибҳа истардики, фуқаролар уни «она» деб атаб, ўз қайғу-ҳасратларини келиб унга айтишса, у эса мушкулларини осон қилиб жўнатса.

Улар пойтахтга яқин бир қишлоқ ёнига келиб тўхташди. Кеч кирди. Удоядитто: «Келганимиз ҳақида саройга хабар қилиш керак, бироқ ҳозир бемаҳал, яхшиси ерталаб чопар юбораман», деб ўйларди. Бибҳанинг эса сабри чидамасди, у ўзининг келганидан Рамчондронини шу кунийёқ хабардор қилишни истарди.

## УТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

Шу куни Рамчондро Райнинг фуқаролари жуда банд эдилар. Худди байрамдек ҳамма жойда музика садолари янграрди. Бибҳа ноаниқ шодлик таъсирида эди. Музика садолари остида Бибҳанинг юраги гул-гул очилиб, ўз шодлигини акасида аранг яширарди. Удоядитто нималар бўлаётганини билиш учун қишлоққа жўнади.

Бир оздан кейин соҳилдан овоз келди:

— Ҳой, бу кимнинг қайиғи?

Қайиқдан жавоб қилишди.

— Бу ким? Раммохон эмасми? Кел, бу ёққа кел!

Раммохон дарров қайиққа кирди. У ерда биттагина Бибҳа ўтирган эди. Раммохонни кўриб у жудаям қувонди.

— Моҳон?!

— Маликам?!

Раммохон Бибҳанинг кулиб турган қувноқ чехрасига узоқ ва хо-муш тикилиб, охири гапгин овозда сўради:

— Онахоним, келдингми?

— Ҳа, Моҳон. Ҳукмдор аллақачон менинг келганимни эшитдимми? Сен мени олиб кетгани келдингми?

— Йўқ, онахоним, ошиқма. Бугунча сабр қил. Сен учун мен бошқа келаман.

— Нима учун, Моҳон? ранжиб сўради Бибҳа. Нима учун бугун боришим мумкин эмас?

— Бугун кеч бўлди... сабр қил, онагинам.

— Ростини айт, Моҳон! Узи нима гап?!— Бибҳанинг юраги безовта бўла бошлади.

Раммохон чидаб туролмади. Бирор нарса ни яшириш унинг одати эмасди.

— Маликам,— кўз ёши аралаш гапирди у,— бугун сенинг давлатингда, сенинг саройингда сенга ўрин йўқ. Ҳукмдор уйланыпти.

Бибҳанинг ранг-қути учиб кетди.

Онахоним, нега номуносиб ўғлинг сен учун борганда, келишга кўнмадинг?! Нима учун мени бунчалар шафқатсизлик билан қувдинг? Ҳукмдорга кўрinish мен учун даҳшат эди. Юрагим пора-пора бўлиб кетди. Сени ҳимоя қилиб бирор сўз дейишга мажолим қолмади.

Бибҳанинг кўз ўнги қоронғилашди, боши айланиб, беҳуш йиқилди. Раммохон юзига сув сепди. Бир оздан сўнг қиз ўзига келди.

Бир зарба билан дунё унга қоронғи бўлди. Ташналиқдан толиққан юрагидаги ҳамма порлоқ умидлар саробга айланди, ахир унинг эри яқингинада-я, бу унинг пойтахтида, сарой бўсағасида-я!

— Моҳон, у мени чақирмаганмиди? Мен жуда кеч келдимми? Жуда кеч...

Энди у мени кечирмасмикан?

— Эҳтимол шундай бўлар...

— Моҳон, мен унга ҳеч бўлмаса бир марта назар солишни истардим, — боёқиш уввос тортиб йиғлади.

— Бугун эмас, онахоним.

— Йўқ, Моҳон, мен уни худди шу бугун кўришим керак.

— Кутиб турайлик, шаҳзода қайтсин-чи.

— Йўқ, Моҳон, мен ҳозир бораман.

Синглисини хафа қилиб қўйишларидан хавфсираб, Удоядитто уни юбормаслигини Бибҳа биларди.

— Ундай бўлса, мен атай, тахтиравон олиб келишсин.



Тахтиравон нимага? Мен малика эмас, оддий фуқароман. Мен бир гадодек кириб бораман. Тахтиравон менга не ҳожат?

— Мен тирик эканман бундай бўлиши мумкин эмас!

— Мохон, хокшофнинг бўлай, гап қайтарма, мени маҳтал қилма!

— Яхши, онахоним, майли, сен айтгандай бўлсин.

Оддий аёл кийимида Бибҳа қайиқдан чиқди.

— О, онахонимиз, бундай кийимда қаёққа борасан? — сўрашди хизматкорлар.

— Бу ерда ҳамма нарса маликага тааллуқдор, бу ерда нима қилса соҳиб ихтиёридир.

## Уттиз еттинчи боб

Одам ҳеч ерга сиғмайди. Илгари Бибҳа бундай тикилинча бардош беролмасди. Бироқ, ҳозир у ҳеч нарсани сезмади. Гўё теварак-атрофдаги гулгула оғир туш, одамлар арвоҳдек туюларди унга. У оломон орасидан сиқилиб ўтарди-ю, одамларни кўрмасди, гулгула қулоқни қоматга келтирарди-ю, бирор товуш эшитмасди.

Ниҳоят у сарой дарвозаси олдига етиб келди. Посбонлардан бири унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди, ана шундагина қиз ўзига келиб, уятдан ер ёрилса киргудек бўлди: юзидаги парда тушиб жетган эди, лекин у дарҳол қайта юзига тортиб қўйди. Олдинда бораётган Раммохон посбонга хўмрайиб қаради ва яқин келиб хўп таъзирини берди.

Бибҳа саройга кирди! У бу ерга оддий жориядай кириб келди. Уни ҳеч ким табрикламади.

Хонада ҳукмдор билан масхарабоз Роман ўтирган эдилар. Бибҳа кириб ўз қалбининг султони оёқларига йиқилди. Ҳукмдор ташвишланиб сўради:

— Кимсан? Гадомисан? Садақа сўраб келдингми?

Бибҳа бошини кўтариб, кўз ёши билан ҳукмдорга қаради.

— Йўқ, ҳукмдор! Мен бисотимда борини бергани, видолашиб, сизни бошқа қўлга топширгани келдим...

Раммохон чидаб туролмади:

— Ҳукмдор, бу сизнинг рафиқангиз — Жайсур маликаси-ку!

Рамчондро Рай сапчиб тушди. Масхарабоз Роман бўлса, Бибҳага қараб, шу заҳотиёқ қўлансалик қилди:

— Нима бўлди? Акажонингдан кўнгли қолмадими ишқилиб?

Рамчондро Райнинг юрагида Бибҳага нисбатан ҳамдардлик ҳисси шивирлаб қолди-ю, шундай бўлса ҳам, масхарабознинг ҳазилига беназокатлик, сурбетлик билан хахолаб кулиб юборди. «Агар мен унга меҳр билан қарасам, у ҳолда ўзим кулги бўламан», деб ўйлади Рамчондро.

Боёқиш қизнинг бошида пай-дарпай момақалдироқ гумбурлагандай бўлди. Хижолатдан нима қиларини билмай, кўзларини юмди:

— О, она ер, ёрил, мени ўз комингга торт!

У ҳаммага аламли нигоҳ ташлаб, маъюслик билан Раммохонга боқди. У чопганча масхарабознинг олдига келиб, уни туртиб-суртиб хонадан чиқариб юборди.

— Раммохон, сен менинг ҳузуримда одобсизлик қилдинг! — газаб билан гапирди ҳукмдор.

— Мен одобсизлик қилдим?! Бу ҳайвон сизнинг рафиқангиз ва менинг маликамнинг обрўсини тўқди! Агар ўз қўлим билан унинг сочини қириб, бошидан мағзава қуйиб, шаҳардан ҳайдаб чиқармасам, Раммохон отимни бўлак қўйганим бўлсин!

— Бу менинг хотиним?! Мен бу хотинни танимайман!

Бибҳа баттар оқариб кетди, сарисининг чети билан юзини бекитди-да, қалтираб, ҳушдан кетиб ерга йиқилди.

Ҳукмдор, менинг аجدодларим сизнинг аجدодларингизга хизмат қилиб келганлар!— хитоб этди Раммоҳон қўлларини илтижокорона қовуштириб.— Сизни қўлимда кўтариб катта қилганман. Аммо бугун сиз менинг маликамни таҳқирлаб, Лакшмини ўз давлатингиздан ҳайдаб чиқардингиз. Мен бу ердан кетиб, қолган кунларимни малика ёнида ўтказаман. Мен бундан сўнг тиланчилик қилсам қиламан, лекин сизнинг саройингиз остонасига оёқ босмайман.— Раммоҳон ҳукмдорга таъзим қилди.

Кетдик, онагинам, кетдик бу ердан! Энди бу ерда бир дақиқа ҳам турма!

Шу сўзларни айтиб, қария қизни қўлида кўтарганча олиб чиқди. Дарвоза ёнида бир неча тахтиравон турарди. Раммоҳон беҳуш Бибҳани шуларнинг бирига ётқизиб, қайиққа олиб кетди. Бибҳа акаси билан Банорасга жўнади. У ерда, ўзини Удоядиттога хизмат, таңгрига ибодат қилишга бағишлади. Раммоҳон ҳаётнинг охириги кунигача улардан ажрамади. Шитарам ҳам оиласи билан Банорасга келиб, шаҳзода билан бирга туришди.

Шундан бери Чондродипда Бибҳа қайиғи келиб тўхтаган соҳил «Бибҳа соҳили» деб аталадиган бўлди.



Оқ пахтамик, оппоқ пахтамик.

## Айёмий

### Ленин сўзидин

Улуғ Ленин сўзи боис мудом шону зафар топдик,  
Ҳаёт лаззатларининг чашмидин болу шакар  
топдик.

Ғаму ҳасрат, юпунлик сингари ҳол бизга бегона,  
Буюклик маснадида бахтни биз дунё қадар топдик.

Ижобат топди орзулар, абад гулгун баҳор гўё,  
Туганмас, ҳар қарич ер бағридин кону самар топдик.

Мусаллам бўлди ишлар ҳар нафас ою қуёш янглиғ,  
Улар нури чароғонлик сочиб олтин камар топдик.

Қуёшдек чеҳралар равшан, кўнгиллар тонг каби тоза,  
Баланд тоғ чўққисин ўтмоқ учун шонли сафар топдик.

Қади кўк гумбазидек беадад қасри муаллолар,  
Жилодорликда бир нурдек, қуёш, ойдин хабар топдик.

Неча ибрат, музаффарлик намоён бўлди давронда,  
Шу вайданким, жаҳон аҳли аро ҳайрат, назар топдик.

Кремль меҳридан давронимиз оламда яктодир,  
Замин, осмонимиз нисбатдаким, олтину зар топдик.

Не бахт, Айёмий, ёши букун етмишдин ошмишдир,  
Ленин боис умрда не ғазал, неча асар топдик.

### Қалб навоси

Сарбаланд бўлди бошим шону зафар айёмида,  
Баҳр олиб эл меҳридин ҳар субҳи, ҳар оқшомида.

Учмагандек ой, қуёш нури мисоли мангулик,  
Бахтли бўлгай ҳар кишиким юрса даврон комида.

Кимки хизмат этса холис халқига дилдан магар,  
Халқ уни ардоқлагай, сақлаб юрак оромида.

Соҳиби даврон эрурман, хўб эрур бахтим менинг,  
Икки қўл кўксимдадир, тургум элим икромиди.

Ҳамдамим бўлди зако аҳли — ҳаёт сарварлари,  
Шу сабабдан бахтлиман, қолмай ёмонлар домида.

Қанча умрим бор эканким, ҳур Ватан васфин битай,  
Чунки денгиздек жўшар назмим диёр илҳомида.



Воҳид Зоҳидов,

академик.

# ШАРҚ ЕНГМОҚДА

## Бир чумчуқ жуда чириллаб роз айтишади

Бутун хилқат ва ҳаёт қарама-қаршиликлардан, зиддиятлардан, шуларнинг бирлиги ва курашидан, бир-бирини тақозо қилиши ва енгиб бориши жараёнидан асло холи эмас. Бу ҳолат ҳам Ер юзидаги, ҳам ҳадду ҳудудсиз коинотдаги энг кичик ҳужайраю заррачадан тортиб то улкан қуёшга қадар ва ундан минг-минг марта катта планеталарга қадар барчага оиддир. Акс ҳолда ҳаракатдаги ҳаётнинг ўзи бўлмас эди, бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Одамзод оламида ҳам худди шундай. Бинобарин, шунга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай кичик оилада зиддият бўлади-ю, бутун бошли катта бир мамлакатда табиий тарзда нималар бўлмайди, дейсиз! Шодлик бор жойга ҳеч бўлмаганда баъзан ғам-андуҳ ҳам кириб туради, дейишлари бежиз эмас, бу, юқорида айтилган хилқат фалсафасининг, диалектикасининг муаммоларидандир. Шу билан изоҳ этилса керак, шунинг ифодаси бўлса керак қуйидаги қизиқ ва шоён диққат ҳодиса.

Маълумки, Африка қитъасининг ажиб табиати тақозоси ила тун қоронғилиги ниҳоят даражада қуюқ бўлади ва ғоят тез бошланади, қуёш ботишини гўё жуда ошиқиб ва сабрсизлик билан кутиб тургандай. Тонг ҳам кўпга чўзилмайди ва бир нечагина сониянинг ўзидаёқ ёруғлиқ ҳамма ёқни, еру кўкни қоплайди қўяди, гўё дам олишдан зериккан, Ер юзини, ёруғ дунёни кўришга ҳамда зар тўкишга зориққан қуёш тазйиқи зўрлигидан. Меҳмонхонамизнинг нақ ёнгинасидаги буюк денгиз баъзан эрталабга қадар пиширади, ундаги тўлқинлар бир-бирларини қувадилар, баъзан эса бошқача, сирли сукут сақлаб, осмондаги мана ман деб ялтираб турган но-зик биллур юлдузлар билан ажойиб суҳбат қуради. Уларни ифбатли ой ёруғлигида ўз сийнасида акс эттиради, улар билан ўйнашади. Айниқса, тонг олди ва тонг айёми нима учундир жуда сирли ва сеҳрли бўлиб кўринади, қандайдир ғоят муҳим ва чигал муаммолар ҳамда теран фалсафий фикрлар тугуни бўлиб туюлади. Табиатнинг бу ҳолатини ҳар кун шундай тонг олди пайтлари ва тонгида отельдаги хонам балкони панжарасига бир чумчуқ қўниб олиб шундай нола қиладики, натижада ўша сирли-сеҳрли ҳолат янада кучайиб кенгайиб ва чуқурлашиб кетгандай бўлади...

Ҳа, ҳар кун эрта тонгда бир чумчуқ учиб келиб, алам ё шодлик билан тўлиб-тошган ҳолда тўхтовсиз чириллайверади, то узоқ уфқда офтоб қизилга бўялган ҳолда кўрина бошлаганга қадар. Сўнгра бир оннинг ўзидаёқ ўша қуёш томон ўқдай отилади-да, ғойиб бўлади, гўё қафасдан қутулиб қочгандай. У шундай учиб кета-

<sup>1</sup> Давоми. Боши журналнинг ўтган сониди.

ди-ю, менга қатор-қатор жумбоқлар силсиласини ташлаб кетади. Қани энди унинг тилини билсам-у, бу жумбоқларни тез ва тўғри ҳал қилиб, азоб чекмасам! Балки уйда бирон жиддий қайғу бўлгандир, бўлмоқчидир, бўлаётгандир, ё туғилиб ўсган, донини еб ҳамда сувини ичиб вояга етган ҳозирги она юртининг аччиқ ўтмишидан фожиалар дostonини тўқиб, тарихни тилга келтираётгандир, ўша аламли ўтмиш ҳеч қачон ва асло қайтарилмасин, деб илтижо ва дуо қилаётгандир... Балки бу кичкинагина парранда яқиндагина йўқ бўлган жуда катта ва қуюқ тун азобларидан шикоят қилаётгандир, ёки улардан қўтилганидан севиниб қўшиқ айтаётгандир! Ёки ҳам у, ҳам будир! Балки бу митти жонивор жаҳондаги жадал зўрайиб бораётган ва ҳам бутун башарият учун, ҳам Ватани Ливия учун ўта хавф-хатарли, жуда оғриқли бўлган ҳамда бўлиши мумкин бўлган эртанги воқеалардан зорланиб, безовталаниб, фарёд қилаётгандир! Зотан, бир кичкина балиқ катта бир мамлакатни вайронага айлантирадиган кучли зилзилани бир неча соат олдин билади ва хабар беради, дейдилар-ку! Балки қайси бир мамлакатдаги ва ё қайси бир оиладаги, ёки қайси бир одамнинг фаолиятидаги, ёки ўзининг ҳаётидаги адолатсизликлардан, асосиз бахтсизликлардан, ё беҳаёлик ҳамда авантюристлардан нола қилаётгандир. Балки тун қоронғилиги жонига тегиб, қўшдан айрилиқ алами юрагини ўртаб, тезда қуёш чиқишини тоқатсизлик билан кутиб, ким биландир ўзича дардлашаётгандир, ё офтоб яқинда чиқиши ва дийдор кўришиш севинчи билан ўртоқлашаётгандир! Хуллас, ўзи кичкинагина бўлиб, катта ташвишини тўқиб ташлаётган ё шодликларини юрагига сифдиролмаётган, ўзига эса беҳад коинот ҳам торлик қилаётганга ўшарди! Яна хуллас, ё бир олам бахту шодиёналардан хабар бераётгандир, ё қандайдир ёрдам сўраётгандир ёҳуд нимадандир жуда тинчсизланиб дарак бераётгандир, нимадандир огоҳ бўлиш зарурлиги ҳақида жар солаётгандир!.. Ё ҳам у, ҳам будир!

Эй, ажойиб ва жажжи жуссали жонивор! Яхши кўраман сени, яхши кўраман сенинг жажжигина қоматингни ва саботдаги қудратингни, яхши кўраман виқорли ва серҳаракатлигингни, сенинг бир он тиним билмай ва асло танбаликка берилмай заҳматкашлик қилишингни, дон теришингни, уй қуришингни, севаман сени ҳар куни барча паррандалардан олдин туриб олиб, илиқ уянгини тарқ этиб сайрга тушиб кетишингни, тонг пайти тонг муждаси билан одамларнинг деразалари ёнига қўниб олиб уйғотишингни, улар ила сирдошлик қилишингни, уларни теран фикрлар ва муаммоли хаёллар оламига йўллаб юборишингни, яхши ишларга турткилаб, илҳомлантириб, меҳнатга, ижодкорликка чорлашингни...

Океан ортидаги, Ғарбий Европадаги, Осиёдаги катта-катта тажовузкор-давлатлар гоҳ алоҳида-алоҳида, гоҳ баъзилари биргалишиб туриб, жуда улкан «гавда»га, кучга айланиб Африкадаги кичик бир мамлакатга таҳдиб солиш ва оёқ остига олиш мақсадидан ҳеч воз кечмай келаётган экан. Шу қуёшли қитъа мамлақатидаги халқда ажойиб бир ривоят-ҳикоят бор экан. Ушбу эртақда айтилишича, чумчуқ билан фил орасида низо бор экан, чумчуқнинг адолатли ҳаракатлари тўғрисида ва филнинг адолатсизлиги сабабли. Фил, ниҳоят чумчуқ ҳаётига жуда қаттиқ қасд қиладиган бўлиб қолибди. Аммо ҳеч иложини қилолмабди. «Ҳой, бу кичкинагина қуш қанақа ўта учқор ва чақдон парранда-я ўзи!!!», дея фиғони ошиб, ғазаби алангаланиб, чумчуққа ҳам тинчлик бермайдиган бўла бошлабди. Бу нарса жонига теккан чумчуқ кўп ўйлабди, фил билан тинчлик йўли билан ора очти қилишга ҳам уриниб кўрибди, лекин фойда бўлмабди. Бир куни жуда пайт пойлаб туриб, бутун кучини тумшукларига йиғиб олиб, фил ухлаётганини кўриб, унинг бошига қўниб олибди-да, қўзини очиши биланоқ ўткир тумшуклари билан қаттиқ чўқиб олибди. Шундай қилиб филни кўр қилибди-да, қочиб қолибди. Уша фил ғазаби баттар алангалангани ҳолда ва оғир ғамдан ҳолсизланаётган ҳолда умрининг охириги вақтларини ўтказаятган эмиш, аммо ҳали кучи бор экан ва ёвуз мақсадларидан ҳамон воз кечмаган эмиш, ҳар қандай разил хийлаю найранглар қилаётган эмиш. Чумчуқ эса, гоҳ эҳтиёт бўлиб, гоҳ ялло қилиб, шохдан шохга қўниб, қўшиғини айтиб учиб юрган эмиш, ўз ишлари билан машғул бўлиб, ҳамма беозор паррандаларни эрта тонгда уйқудан уйғотиб, роз айтишгандай бўлиб, хавф-хатардан огоҳлантириб ва фойдали ишга чорлаб...

Империалистларга, сионистларга қарата қатъий айтгим келади шу ерда: янги Ливия, аҳоли жиҳатидан катта бўлмаса-да, кучлидир, даҳлсиздир. Зотан, ҳал қиладиган нарса зўравонликда эмас, заковат, ақл, адолат ва ҳақиқат кимнинг томонида эканлигидадир, халқнинг баҳодирлигидадир, беҳад ватанпарварлигидадир, бунинг устига, дўсти ким ва нақадар қудратлигида ҳамдир, янги Ливиянинг дўсти эса буюк Совет Иттифоқидир...

## Ўзга юрда учрашув

Шундай вақтлар бўладики, ниҳоят даражада ачиниб, афсусланиб, ҳатто заҳар ютгандай бўлиб, бармоқ тишлаб ва ёқа ушлаб ўйлаб қоласан киши: ўзи гулдай, чеҳраси офтобдай, истеъдоди беқиёс, зоти муқаддас, ажойиб ва олижаноб табиатига, моҳиятига мувофиқ вазибалари гоят шарафли бўлган, мўъжизакор табиатнинг мингминг йиллар давомидаги ўта мураккаб «меҳнат»и, тараққиёти натижаси ва энг ко-

мил меваси ҳисобланган инсон жамиятида, баъзиларида нега чиркинликлар бор, нега адолатсизликлар бор, нега ҳақиқатни топташ ва бахтни қабилликда кўриш бор, гўзаллики разиллик билан, тўғрилики риё билан алмаштириш бор, одабийлик ва эзгуликдан йиртқичлик ва харобаликларни афзал кўриш бор, яхшилик устидан ёмонлиқнинг, ҳалоллик устидан харомлиқнинг ҳокимлик қилиши ҳодисалари бор!

Шунда қандай қилиб эсламайсан гениал гуманист драматург Шекспирнинг ўт уфуриб айтган куйидаги эсларини:

— Сўнги вақтларда руҳим шу қадар қоронғуки, бўстонга ўхшаган бу ер юзи унумсиз бир қоядек туйилади менга. Коинот чўққиларигача кўтарилган бу беҳад, чўнг гўзал — кўм-кўк ҳаво чодир, бу бепоён ва ўта муҳташам шохона қаср янглиғ бино — табиат, олтин офтоб билан безанган буюк мовий гумбаз, яъни кўзим ўнгидаги бу олам қўланса ва зарарли буғларнинг шунчаки йғиндиси бўлиб кўринади менга. Табиатнинг нақадар ажойиб мўъжизасидир инсон! Ўз ақли билан нақадар бебаҳодир у! Нақадар ҳайратланарли ва сон-саноксиз қобилиятларга эгадир у! Хулқи билан фариштага ўхшайди, фаҳми, фикри, тафаккури билан эса худога яқин турради! Коинотнинг зийнатидир! Ҳилқатнинг тождир! Аммо...

Ҳамма гап, бутун фожиа, энг ўртарли муаммо мана шу «аммо...» да, мана шу юқорида тилга олинган «нега...»ларда!..

Ҳозир бу фожеа, бу муаммо ҳақида гап очилиб қолгани бежиз эмас, албатта. Давримизнинг буюк шоирларидан Абдурахмон ал-Хомисийнинг, ҳа, инсонларга яхшилик қиламан деб, баъзиларидан ёмонлик кўриб келаётган шу улўғ араб адиби, кинорежиссёри ва сиёсий арбобининг тақдирини билан алоқадордир, унинг ўз ватани Мисрни беҳад ардоқлагани ва ўз халқини чексиз эъозлагани, уларга бахт ва фаровонлик тилагани учун ватанидан қувилгани ҳамда халқидан ажратилгани билан алоқадордир, унинг бари бир эзгуликлар учун курашдан бош тортмай ва воз кечмай буюк инсонийликка содиқ қолиб келаётганлиги билан, ғамхўрлиги билан алоқадордир. У ўзининг «Орзу қуши» номли шеърда айтишича, қўшга ўхшаб қанотида одамларга бахт олиб юради — шеър яратади, беради, шу билан уларнинг олдига келади, уларнинг келажагини ёрқин кўрмоқчи бўлади, шу келажакни куйлашни орзу қилади. Аммо... Уни шамоллар ерга қўлатади...

«Мен қўшман,  
Сизни деб ажралдим тўпдан.  
Одамлар,  
Мен сизга бахш этдим қанот.  
Мендан ҳаёлингиз эркинлик топган,  
Қалбингиз қўлликдан қидирган нажот.

Не учун  
сиз мени  
оғир зулматга,  
Ёвуз шамолларга қилдингиз дучор?  
Мени булғаб лойга, қора кулфатга —  
Сизнинг яшашингиз бўлмасми душвор?!»

Ҳа, Абдурахмон ал-Хомисий буюқдир, шунинг учун тақдирини ҳам ҳавасланарли, ҳам фожиалидир. У аввало улўғ гуманистдир, ҳақиқий инсонни севади. Бу инсон эзгулик истайди, эзгулик билан машғул, эзгулик яратади, эзгулик учун олишади. Олишувда изчил. Ҳеч қандай қора куч, даҳшатли бўрон, тўсиқ унинг бошини ҳам қилолмайди, йўлини тўсолмайди. У исёнда кўради ва ғалабада деб билади ўз ҳаёти маъносини ва мақсадини.

У қўрқмас қисматдан асти,  
У ҳайқирса силкинади ер.  
Унинг бордир зулматга қасди.

Орзулари — қалбидаги шеър...  
У ёнгида қаноти қўйиб,  
Парвозлардан кечмаган бир зот (6).

Шу мисралардан кейин исёнкор шоир ўз фикрини янада конкретлаштириб, жуда жўшиб кетиб ва ғзаби алангаланиб, дунёга яраланган арслон каби ўкиргандай бўлади ва айтади:

Мен олов пуркаган вулқон,  
Таслим бўлсин — мен эмас, душман.  
Мен яшай деб яралган бир жон.  
Шундай йўлим дунёга тушган.  
Ҳайиқмайман зулматли тундан.

Осмондаги юлдузлар — кўзим.  
Юрагимда ёнган ёлқиндан  
Ёритаман осмонни ўзим.  
Қўлларимда юрагим — машғал... (6—7).

Улўғ шоирнинг шу юксак ва соф инсонпарварлиги билан боғлиқдир унинг озода яшаш ва озода нафас олишни, озода тарзда ижод ҳамда бунёдкорлик билан машғул бўлишни инсон учун ҳаётий зарурат деб билиши ҳамда куйлаши, куйлаганда ҳам жуда баланд куйлайди, бутун қатъияти ва жиддияти билан куйлайди. Куйлайдигина эмас, талаб ҳам қилади. Талаб қилиш билангина чекланмай эрк учун фидоқорона курашга ҳам ундайди, баррикадаларга чақиради:

Эрк! Эркинлик! Уй бердинг — раҳмат,  
Кўпроқ ҳис бер, қўшиқ бер аммо.  
Сен ақидам дунёда фақат,  
Сен ўзингсан мен билган худо... (8)

Ал-Хомисий эркинликини куйлаб ва мазлумларни эркинлик учун курашга ундагина қолмайди. Қатъий ишонч ҳам билдиради бир вақт келиб ҳар ерда озодлик

галаба қилишига, барқарор бўлажигига... Зотан замонамизнинг энг закий ва зийрак фарзандларидан бўлган, катта ва мураккаб кураш тажрибаларига эга, жамиятнинг ўзгариш ва ривожланиш объектив қонуниятини яхши билган, халқи ва Ватанини беҳад севган, халқнинг қалбини ва қудрати имкониятларини чуқур тушунган, шу билан бирга душмanning гоят гаддорлиги ва шафқатсизлигини кўрган шоир учун бу табиийдир.

Эрка дедим:

-- Сейга бирон дам  
Сўнгани йўқ ишончим қонда.  
Кўзларимдан беркиниб олам,  
Етганда ҳам ҳатто зиндонда...

Сендек мулким бўлгани сабаб,  
Бўлдим кўкка талпинган одам.  
На лаззатдир парвоз деган гап,  
Гўзаллашди пойимда олам (8.10).

Ҳа, эркинлик — гўзалликдир, унга интилиб ва курашиб эришилади!..

Шуниси ҳам бор: шоирдаги эркинлик масаласи жуда кенг кўламли, жуда тегна ижтимоий маъноли ва кўп жиҳатдан конкрет характерлидир. Шоир капитализмга, феодал-клерикал реакцияга, империализм ҳамда мустамлакачиликка қарши қўяди ўзининг гуманистик ва эркарварлик концепциясини, қуллик занжирларини ва зиндонларини барбод қилиш ва инсонларча яшашни таъмин этиш мақсади хизматиға кўяди ўзининг шу концепциясини, қақраб ётган ерларни гулга тўлдириш ва бечоралар муҳтожлигини йўқ қилиш, зулматни парчалаш ва ҳар ённи, одамлар дили ва ҳаётини зиё билан безаш ҳақидаги орзуларига бўйсундиради ўз концепциясини:

Она халқим, дадиллан, қўзғол!  
Ииртқичларга томоқ бўлар тобакай олам,  
Сен уларни бўғиб ташла.  
Жағига мушт сол! (66).

Шоир нималарга қарши курашаётган бўлса, шулар билан келишиши ҳечқачон ва асло мумкин эмас, қарори қатъий:

Рад ётаман...  
Бутун вужудим билан,  
Бутун қалбим билан  
Рад ётаман... (65).

Шу даражада кескиндир ва активдир шоирнинг зулм оламини рад этиши! Шу қадар кучлидир шоирнинг эркинликни севиши ва эъозлаши!

Ҳа, дейди у ўзининг бошқа шеърида, шу масалага конкрет қайтиб, қарори қатъийлигидан жар солиб:

Қасамёд қиламан,  
Очлик дастида —  
Бир гунча сингари бўлганда бунёд,  
Очилмасдан сўлган кўп норасида  
Номидан мен бу кун қатъий қасамёд:  
Қасамёд қиламан.

Куйдириб оташ,  
Хасталик жисмини айлаган барбод  
Тупроққа қулаган минглаб жафокаш  
Инсонлар номидан қатъий қасамёд,  
(56 57-бет)

Чиндан-да, Ал-Хомисийнинг Ватанига бўлган севгиси ва садоқати чексиз буюк, зўр ва чуқурдир. Мана у нималар ёзади ғанимлар зулми туфайли шу Ватанидан мажбуран, кўзда ёш ва дилда алам билан кетиши оғриғини ифодалаб:

Эй, Ватан, соҳули! Алвидо энди!  
Ез ўтиб, бор экан қисматимда қиш.  
Ийглаб кўзларимда кўз ёш қуриди,  
Бўғзимга тиқилган аччиқ хўрсиниш.  
Эй, Ватан соҳили! Ийглай олсайди,  
Кўнглим бўшармиди, ўтгандай булут.

Ҳаммоллар соҳилда юришар дайдиб,  
Мен учун гўёки сақлашган сукут...  
Алвидо; мен кетдим, Ватаним, сендан,  
Энди кутар мени ўзга бир қиргоқ.  
Сен мумкин юз бурсанг қачондир мендан,  
Мен сендан ҳеч қачон кетмасман йироқ...

Асосий гап бундагина эмас. Абдурахмон ал-Хомисий ўзини давр фарзанди, давр муборизи деб аташи бежиз эмас. Уни бутун башарият тақдири қизиқтиради, жуда чуқур машғул қилади У, оқ, қора, сариқ танлиларга баробар бахт ва зиё тилайди, ҳақ-ҳуқуқ ва эркинлик истайди. У, озод Кубадаги янги социал воқелиқдан жуда севинади ва уни баҳорга ўхшатиб мадҳ этади. У, жафокаш Африкани «Қора танли онажон Африкам» деб эъозлайди. Миср, Ливан ҳамда Конго фожиасидан юраги ёниб фарёд солгандай бўлади. У, Лотин Америкасининг гўзал табиатига шайдо! Аммо Родезия ва Чилидаги тескаричилик хуружидан унинг ёқаси чок. Шу билан бирга асло умидсизликка тушмайди, курашни сусайтирмайди. Бунинг устига, шоир Чилидаги ҳам келажакда албатта бахт ёр бўлишини айтиб, курашаётганларга куч-қувват бахш этади...

Уксинмаги! Чили!  
Ўткинчи тўфон.  
Тезда унутилар даҳшатли тушлар. (22).

Асосий гап бундагина ҳам эмас. Жуда нотинч ва шу билан бирга жуда масъулиятли давримизнинг фарзанди, курашчиси ал-Хомисий жуда яхши биладики енгилган ва заифлашган душманнинг ҳали кучи бор, қутурган, ёвузликдан воз кечмаган. Бутун дунёда «сариқ иблис» ҳамда мустамлакачилик ҳукмронлигини ўрнатиш мақсаидан асло қайтмаган, пайт пойлаб турибди, айниқса, озод бўлган мамлакатларга, биринчи навбатда Совет Иттифоқига ғазоби жуда алангаланиб кетган ҳолда. Шунинг учун буюк араб шоири Вьетнам, Куба, Конго каби мамлакатларнинг халқларини, бутун илғор башариятини огоҳлантиради, хавфнинг олдини ўз вақтида олишга чақиради, буни юракдан, самимий ва актив қилади, айёр душманнинг ёвуз ҳаракатларидан зада бўлган ва яраланган шердек ўкириб қилади:

Мен яратган ўзга бир дунё,  
Сиз билган шу дунё ичида.  
Ораулардан айладим бунёд —  
Бу дунёни зулмат кечада...

Мен яратган бу дунё бўстон,  
У гурбатлар, ҳасратларга тор.  
Унда бордир қашшоқларга нон,  
Унда яшар инсон бахтиёр..

Улуғ араб шоири ал-Хомисий ажойиб дўст, биродар сифатида республикамизни, маданиятимизни яхши билади ва самимий севади. Бизда бир неча бор азиз меҳмонимиз бўлган. У билан кўп суҳбатлашганмиз диёримизда ва ҳорижий мамлакатларда ҳар хил анжуманларда. У айниқса шу гуллаётган совет Шарқда ўзининг ипак табиатини, темир иродасини, жўшқин характерини, шуҳ ҳамда ўйноқи кайфиятини баралла очиб ташлайди, ўзини ниҳоят даражада яқин тутиб ва бениҳоя севиниб кетганини яширолмай... Унинг «Тошкентга изҳори муҳаббат» деб ўзбек тилига ағдарилган ажойиб шеъри шоирнинг бизга бўлган шу муносабати муҳаббати ҳамда ҳурматининг ғоят эркин ҳамда нафис шарқона ифодасидир:

Хиёнат яшаркан ҳали оламда  
Мумкин  
истаган кун  
ханжар ярақлаб,  
Индан ҳайвон чиқиб,  
қилмоғи ҳамла (23—24).

Шоирнинг Улуғ Октябр инқилобига, шу инқилоб бешиги — Ленинградга, буюк Москвага, қудратли Совет Иттифоқи ва халоскор совет халқига бўлган муҳаббати алоҳида мазмундордир, алоҳида улқандир, алоҳида оташли ва фаолдир, алоҳида маъноли ва улуғвордир, жуда жўшқиндир. У Совет Иттифоқини башарият халоскоридир, дейди. Москва чехрасидан бутун борлиқ нур ичади, Москвадан бошланган баҳор, Москва шундай кўшиқки, ундан янграйди ва яйрайди еру осмон, дейди. Москвани таниб, умримнинг занжирлари тўкилди, умидларим қанот касб этди дейди, ўзининг «Москва ҳақида кўшиқ» номли шеърида...

Бу айтилганлар шунчаки сўз эмас, тасодифий эмас, аксинча табиий. Абдураҳмон ал-Хомисийни тарих тажрибаси ва ҳозирги ҳаёт сабоқлари ўргатди. Бунинг устига, уни бутун Ер юзи келажаги машғул этади. У янги дунёни, юксак орзулардан унадиган янги оламни яратишни истайди ва шу орзулар жо бўлган, шу истакларга хизмат қиладиган бадиият яратганлиги билан, шу ажойиб оламни ўз шеъриятида муҳассамлаштириб куйлагани билан қонуний тарзда фахрланади, беҳад севинади:

Тошкент Шарқ қизи. Гўзал ва мунис. Умримни берганман диёр сўзига,  
Менга алланечук унинг меҳри бор. Аммо мен унга ҳам ўрганиб қолдим.  
Мен ундан илтифот кутаман ва биз — Кўчаларда кездик инкимиз шодон,  
Шукрлар бўлсинким, учрашдик тақрор. Рақсга тушдик биз, янграганда куй  
Мен яна бош қўйдим унинг кўксига, Чилдирма сасига тор келди осмон,  
Муҳаббатдан яна эриди қалбим. Бўлаётган каби ҳашаматли тўй (27).

Шеърнинг охири мисраси ҳам жуда гўзал ва шоёни диққатдир. Уларда ал-Хомисийнинг конкрет ҳолатига монанд тарзда ҳам ўкиниш, ҳам таассуф, ҳам севги, ҳам севинч ажойиб бир бутунлиқни, ваҳдатни ташкил этади:

Ехув!.. Мен сени жонимдан севаман, Тошкент,  
Хайрлашув соати етди. Тугал этмоқ қийин бу ишқини зинҳор.  
Мен жўнашим керак Мисрга қайтиб Не қилай, рашқдан қўрқаман-да мен,  
Мени ўртар экан муҳаббат ўти. Ахир ошиқларинг бесаноқ, бисёр... (27)  
Тошкентга сўзимни қолайин айтиб.

Ҳақиқатан ҳам, нақадар гўзал шарқона ҳиссиёт ва чуқур самимият бор, нақадар чиройли интернационалистик ва ватанпарварлик кайфияти бор, нақадар ажойиб майинлик ва садоқат бор бу кичкина хазина янглиғ асарда!..

Ал-Хомисий ҳозирги ниҳоят даражада мураккаб, масъулиятли ва улуғвор давримиз савиясида туриб, унинг юксакликларидан атрофга ҳамда истиқболга қараб, шу замоннинг белгилловчи ҳамда йўналтирувчи омилларини яхши билади ва келажақни



тўғри кўради олдиндан. Шу билан бевосита боғлиқдир унинг барча халқлар ғамхўри Ленинга бўлган муносабати, таъзими ва таҳсини. Тасодифий эмаски, унинг ижодига узук кўзи бўлиб тушган энг ажойиб шеърларидан бири шу энг инсоний инсон, шарқ халқларининг энг улуғ дўсти ҳамда ҳалоскори деб аталган доҳий Ленинга бағишлангандир.

Шеърда муаллиф Ленинга ўзининг, ўзи ардоқлаган Шарқнинг беҳад муҳаббати ва беқиёс ҳурматини жўшиб ҳамда бир олам севинчга тўлиб ифодалайди. Унга бир самимий ва оташин инқилобчи шоир сифатида, ланнати эски оламга нафрат билан қаровчи ва унинг машъум ҳимоячиларига қарши муросасиёз курашувчи мутафаккир ҳамда сиёсий арбоб сифатида қарайди. Уни ер куррасидаги ижтимоий воқеликни ақл, инсоф, адолат ва тараққиёт асосида қайта қурадиган чексиз қудрат деб мадҳ этади, жаҳоннинг барча қитъаларида истиқомат қилувчи бутун башарият ҳаётини озодлик ҳамда бахт асосида янгилайдиган миллион-миллион муборизлардан иборат буюк армиянинг сардори ва сарвари, деб тараннум этади. Бу мустасно муқаддас ва мўъжизакор шахснинг таваллуд кунини чўнг юксак тантанавор ҳиссиёт ва юракдан тараннум этиши ҳам асло бежиз эмас, албатта.

Тинглаяпман.

Яна шодликка тўла,  
Ер курраси билан урмоқда қалбинг.  
Мен кўриб турибман,

Ўт меҳринг ила.

Олис қитъаларни қутлаш матлабинг,  
Доҳий тугилган кун...

Бу кун, деб давом қилади шоир, янгидан-янги баҳорларга, гўзалликларга айланар, шу янги баҳор ва гўзалликларга сабаб бўлар, шу янги баҳор ва гўзалликларда мангу яшар...

Сўнгра яна доҳийга мурожаат қилиб ва зулм ҳамда зулмат оламидаги инқилобий-озодлик ҳаракатларининг кучайиб бораётган тўлқинларидан дарак бериб, баланд пафос билан ёзади шеър муаллифи:

Сен айтган сўзларинг бари адолат,  
Бу сўзлар —  
Муқаддас иш.

У ёқларда, чиркин дунёда

Занжир чил бўлмоқда ёш қўллар билан.  
Тинглаяпман.

Фарзандлар кураш.

курашларга чорлайди.  
Сен бошлар йўлларнинг сўнги саодат.  
Қирмизи байроқлар ҳам ҳилпирайди.  
Эшитяпсанми!

туғёнда  
(Эътибор Охунова таржимаси)

Шеър охирида ал-Хомисий Ленинга бўлган меҳр-муҳаббатини юрагига сиғди-ролмайдиган ҳолда тағида жўшади, яна унинг номи билан боғлайди келадиган янги баҳорлар ва гўзалликларни, инсоният тарихида жуда севиб келинган улуғлар орасида энг улуғ севги билан севиладигани Лениндир, дейди ва боши осмонга етгандай бўлади...

Ҳақиқатан ҳам, Ленинга бундай ўта жўшқин характерли, ғоят чуқур маъноли ва юксак ҳаяжонли муносабатнинг сабаблари жуда катта, жиддий бўлиб, илдишлари анча узундир.

Ал-Хомисий ҳаёт устида ва ҳодисалар оламининг сатҳида сайр қилиб юрадиган ва ҳавасга қалам ўнатадиганлардан эмас. У — мутафаккирдир, фэйласуф шоирдир. Уни бутун воқеликнинг теран сирлари ва зиддиятлари бу сир ва зиддиятларнинг, қарама-қаршиликларнинг бирлиги ҳамда курашлари масаласи, бир нарсанинг ўзига зид бошқа нарсага айланиши ва шу йўл билан тараққиёт содир бўлиб туриши масаласи жиддий машғул этади. У ҳамisha ҳаёт ичидадир, ҳилқат ва ҳодисаларнинг қонуниятини билиш ва очишга, қаламга олишга, ички моҳиятини толиш ва қоғозга туширишга, шунга қараб актив амалиётда бўлишга интилади. Шунинг учун унинг ҳулосалари асосли, зўр ва ҳужумкордир, кишини жуда ўйлантириб қўядигандир, теран фикрлар ҳамда кенг қўламли хаёллар оламига ташлаб юборадигандир.

Мана, рубойларидан бирида айтилади: зулмат бир кўмир кабидир, кўмир тонг қуёши оташи билан ёндирилса, алангага айланади, зиё билан алмашинади, шунда биз нарсаларнинг туб маъносини кўрган ҳамда ҳайратланган бўламиз, ҳилқатнинг гўзал моҳиятини кўриб, севган ва севинган бўламиз, оқибатда атрофимиз, ўзимиз гўзаллашган бўламиз...

Мана яна бир рубойиси: мен, дейди шоир, олма дарахтимизни биламан, кўп эслайман, ўйлайман. У, қишда ҳаётдан, тирикликдан фориг бўлиб кўринади, аммо баҳорда қуёшнинг илк илиқ нурлари билан тирила бошлайди. Оҳ, нега биз инсонларга бундай қисмат насиб этмаган, нега?!

Бошқа рубойисиде файласуф шоир қўйидагича очиб ташлайди юрагини: дунёларни жозоба, бир-бирига тортув қувватлари бошқаради, абдий ҳаракатлар гармонияси идора этади; коинот симфонияси менинг танграмдир, ҳар бир тосда, ҳар бир томчида, ҳар бир қўкатда янграйдиган ҳилқат ва ҳаёт, кураш ва тараққиёт, гўзаллик ва илҳом, нафосат ва тўфон симфонияси менинг танграмдир...

Жуда чуқур фикр ифодаланган!

Ниҳоят, яна бир рубойсида мутафаккир шоир ўз дили дардини, умуман, инсон турмуши бош муаммосини, тақдири диалектикасини шундай ёниб ифодалайди: э воҳ, нега шодлик чақнаб турган кўзлар баъзан аччиқ ёшлар билан тўлади-я! Нега самимий севги айёми севинчлари баъзан ҳажр азоблари билан алмашиниб туради-я! Нега ҳурпайган сочилилар подаси — булутлар ёпирилиб келиб гўзал тонг ёруғлигини бўғадилар-а?! Хуллас, нега ҳамиша севинч билан қайғу бир-биридан ажралмасдирлар-а?! Бу, башарият ва жамиятлар, барча инсонлар тақдири билан узвий алоқадор бўлган улкан муаммоларга, саволларга шоир баъзан жавоб топади, шу билан бирга таскин ҳам топади, баъзан эса тополмайди ва натижада ўртанади, рухий драмага тушади, аммо парокандаликка эмас, албатта. Бутун жаҳондаги чўнг чигал социал воқеликнинг бугунги аҳволи ва келажагига оид жуда мураккаб ҳамда жиддий муаммолар билан машғул бўлган одам учун бу табиийдир...

Бу шу билан ҳам изоҳ этиладики, шоир ўзининг ҳаёти ва фаолияти ҳар хил воқеаларга бой, мусибатли муҳталиб мураккабликлар билан тўладир...

Ал-Хомисий ўзининг чўнг актив сиёсий фаолияти билан боғлиқ ҳолда мавзу танлашга жуда жиддий қарайди. Воқеликнинг майда-чуйда масалалари билан, тез ўтиб кетадиган томонлари билан, умум учун аҳамиятли ва фойдали бўлмаган нарсалар билан машғул бўлиб ўтирмайди, қайтариқларга йўл қўймайди, анъанавий жим-жимадор услубдан ҳам қочади. Унинг шеърляти, драматургияси ва кино экранига оид ижоди учун аввало ва асосан ижтимоий-сиёсий тематика хосдир, зулм, зулмат ва қашшоқлик олами билан, қулдор ва пулдорлар дунёси билан шиддатли олишиш ва адолат ҳамда меҳнат аҳли тантанаси учун фидокорона курашиш характерлидир. Лекин шунга қарамай, уни ҳеч қачон, қувғин ва олишувларда ҳам, қамоқ ва таҳдидда ҳам ниҳоят даражада бой ва гўзал лирик кайфият, интиқ инсоний лирик ҳиссиётлар бутунлай холи қўймаганлар. Ахир, у — реал одам, реал ҳаёт кишиси, бинобарин, реал ҳамда серқирра ҳаёт масалалари, турмуш ва оила муаммоларидан бутунлай ташқарида туриши мумкин бўлмаган реал шахсдир. Бунинг устига, у шоирдир, ҳақиқий шоиртабиат шахс эса, гўзаллик, назокат ва нафосат билан нафас олади, гўзалликка севги ва садоқатсиз яшай олмайди, яшаши ҳам мумкин эмас...

Хуллас, Абдурахмон ал-Хомисийнинг ҳам ўз севгиси ва севгилиси бор, севги севинчлари ва айрилиқ аламлари бор, маҳбуба билан бахтиёрлик ва ундан жудолик айёми азоблари бор. Унда ҳам беҳад севги туфайли оққан кўз ёшлари юракни ўртади, ҳам гўзалликдан унган завқ-шавқли ҳиссиёт тўлқинлари тўлиб тошади, ажойиб шеърга айланади.

Шундай қилиб, шоир ижодининг бу соҳасида ҳам ханда билан йиғи алмашиниб туради, зиддиятлар бирлигини ташкил қилиб, ижодга қандайдир алоҳида серқирралик, ранг-баранглик ва тўлақонлилик, ҳатто ўзига хос активлик бахш этади. Шоир шеърлятида ғоят мураккаб ва реал инсон руҳининг диалектикаси шундай ва шу йўл билан ҳам ўз шеърини ифодасини топади. Айниқса, ниҳоят даражада оғир фожиалардан пайдо бўлган «Севги достони» номли йирик асари ғоят чуқур драматизми ва жуда мураккаб психологик характери билан, ёқа чок қиладиган ва фарёд наъраси атрофни ларзага келтирадиган ҳиссиётлар исёни билан ажралиб туради. Бу дoston кўп жиҳатдан биографик бўлиб, шу билан бирга умумлаштирилган ҳиссиётлар ифодаси ҳисобланиб муаллифнинг беҳад севган ва вақтдан олдин вафот этган завжаси Фатиннинг хотирасига бағишлаб 1969 йилда ёзилгандир. У, ҳозирги бутун араб оламидаги энг зўр ва энг нодир бадиий асарлардандир, энг кучли севги ва жудолик дostonларидан биридир. Яна шуниси ғоят муҳимки, чексиз севучи ва ажал қаҳридан ўртанувчи дил фожеаси дostonда араб оламидаги катта-катта фожиалар фониде ва шулар ила алоқадор тарзда, ниҳоят даражада эмоционал таъсири ифодаланади. Шундай қилиб, шахсий ҳиссиёт кечинмалари ва умум фожиалари бир-бирларини тўлдирадилар ва асарнинг қимматини ошириб юборадилар, таъсир кўламини кенгайтириб юборадилар.

Оҳ, Фатин!

Айланиб чархи кажрафтор,  
 Ер узра кун ўтиб, қуйилганда шом.  
 Тун сизиб келганда қуюқ боғлардан  
 Мен бўлиб қандайдир нотинч, беором.  
 Сени қаршилашга сайланиб такрор,  
 Сенинг хаёлингга ўзни боғлайман...  
 Оҳ, Фатин!  
 Бостганда хонамни зулмат,  
 Аммо ўртар мени ёлғизлик баттар.  
 Ўзни ҳис этаман саҳрода сармаст  
 Кезган мажнун каби тунларда аксар...

Тун

тубсиз, зим-зиё ўпқонга ўхшаш.  
 Маҳзун нола чекар  
 Тентираб шамол...  
 Кўзимдан ёш оқар...  
 Мени муҳаббатим  
 Қолдирди етим.  
 Қалбимни қоплади баёнсиз ҳасрат.  
 Сен билан  
 қанчалар бахтиёр эдим.  
 Энди сендан қолди  
 хотира фақат (88—89).

Шеър давомида ҳажр азоби ортиб, кучайиб бораверади, алам ва кўз ёши ила тўла жумлалар ёнаётган юракдан бирин-кетин қоғозга тушаверади:

Мен тунни сўроқлаб,

Қочаман кундан...

Мен ёқиб қалбимда хотира шамъин,  
Хаёлкаш тикилиб

Хуркак шу нурга -

Сени ёслайману сўнг, чўкиб дамим,

Ўртаниб йиғлайман,

Юрагим бурда. (90—92)

Бундай пайтларда табиий тарзда такрор-такрор ўртага ташланадиган аччиқ савол шу бўлади албатта:

Нега сен бир ўзинг

Чиқдинг сафарга?! (98).

Бора-бора шоир аҳволи, унинг психологик кечинмалари ниҳоят даражада оғирлашади, драматизм чуқурлашади, унинг юрагидан қон сизиб оқаётгандай ва алам алангаси янада баланд кўтарилаётгандай бўлади. Асар охирларига келиб муаллиф ёқа чок қилгандай фарёд солади:

Тун бўйи келмоқда

Қора бир ёмғир

Менга охиратдан бергандек хабар.

Қалбимда ҳасратим тундан ҳам оғир,

У ҳам тун сингари теграмда кезар.

Теграмда айланиб гирдобдек телба,

Тундек тортаётир қаърига мени,

Сен ҳам ҳозирлик кўр, дегандек, йўлга...

(108).

Достоннинг айниқса энг сўнгги сатрларида, сўзларида шоирнинг руҳий кечинмалари, ақлдан оздирарлик даражадаги оғир дарди жуда зўрайиб, алангаланиб кетади, ҳар қандай дилни ҳам ёндириб юборадиган яллуғли ўтга ўхшаб кетади, шоир севгиси, вафоси, садоқати нақадар юксак ва қудратли эканлигидан, нақадар теранлик ва гўзал бўлганлигидан хабар берадиган ғоят кучли кўрсаткичга айланиб кетади:

Қизим, эрка қизим —

Кичкинтой ҳинду!..

Мен дoston ёзаркан,

Қўнглим синди-ю,

Тўқдим кўз ёш каби

ҳар бир сатримни.

Мен ҳар бир сатримга

Қалбдан қон қуйиб.

Умрим — нафасимдан

бахш этдим садо.

Оҳ, қара, жон қизим,

Дам сайин куйиб --

Отанг бир шам каби бўлмоқда адо (109).

Бу ҳар бири алам-андуҳга тўлиб тошган сўзларда, сатрларда ҳақиқатан ҳам аччиқ, кўз ёши тўфони бор, қайғу ғалаёни бор, иложсизлик ҳамда нотавонликдан инграш садолари бор... Уртамасдан қўймайди улар ҳар қандай тош қалбни ҳам! Асло дард кўрмаган юракларни ҳам!

Мана буни чиндан-да ҳайратланарли юксак бадий, психологик маҳорат, дейдилар, буюк қалб севгиси ва қайғуси қудрати, дейдилар, садоқат ва вафодорлик намунаси, деб атайдилар!

Шуниси ҳам бор. Қисман юқориларда айтилганлардан ҳам кўринадики, ўта нозик дидли улғу шоир ал-Хомисий қандай оғир аҳволда бўлмасин, нақадар мураккаб шароитларда яшамасин, аввало, умидсизликка асло берилмайди; иккинчидан, унинг ижодида социал мазмундорлик билан лирик кайфият аксаран бир-бири билан қўшилган бўлади, ҳатто баъзан бир-бирини тўлдирган ҳамда тақозо қилган бўлади. Мазкур мотам достонининг ўзида ҳам шундай. Унда шоирнинг эли, юртига чексиз муҳаббати, шу эли-юрти ҳаётида ҳоким бўлган умумий ижтимоий фожиа азоби билан ўз шахсий ҳаётидаги жудолик алами худди шу тарзда тутшиб кетади:

Сен — Ватаним менинг!

Кўзларинг худди

Мени бунёд этиб, танитган жаҳон.

Мени ёқмасин деб балолар ўти,

Киприкларинг бўлган теграмда посбон.

Менинг кўзларимдан оққанида ёш,

Нафасинг қурутган юзимдаги ёшни.

Лабларингдан қўниб лабимга қуёш. (101).

Шоир машаққатли, мусибатли ва меҳрибон Ватанини шундай жуда таъсирли, образли тарзда тасвирлаб, эъозлаб, табиий ҳолда яна ўз турмушидаги фожиага ўтади, бу фожиани Ватани фожиаси фониди ифодалаб, эл-юрти фожиаси билан бирга баён қилиб, ўртанган юрак қони ила ёзади, сўнган, лекин қалбиди яна зўр зиё, ҳарорат ва жозоба ила ёнаётган севгили завжасига мурожаат қилиб:

Ортимда қолдириб қашшоқ йилларни,

Қолдириб кўз ёшлар,

Мискин шаҳарлар,

Ғариб кўчаларни,

Вайрон йўлларни,

Ана, кетмоқдаман сен томон дилбар.

Озгина бардош қил;

озгина бардош; (102)

Айтиб қўй: оғир ҳолат, мураккаб фикр, аччиқ алам жуда моҳирона шеър тилида тасвир қилингани учун ва оташқалб шоирнинг ўзига янада чуқур ҳурмат ҳамда ҳайрат ҳиссиётимизни билдириш учун кўчирмаларни шунча кўпроқ ва узунроқ келтирилмай асло иложимиз бўлмади. Улар бизга жуда яқин, қимматли ва қадрдон араб халқ шоирининг ҳақиқатан ҳам улғулигидан далолат берадилар.

Яна шуни айтай: сир эмас, ахир, ҳақиқий севги ва севгили қадрига етиш, шундай севги ва севгилини ардоқлаш ҳамда етарли қуйлаш, соф севги билан севгиш ва севилишни энг юксак ва энг гўзал инсоний ҳиссиётлардандир, деб билиш, афсус, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, ҳа, жумладан ҳар қандай ижодкорнинг ҳам истеъдоди бунинг уддасидан чиқавермайди. Буни ҳам ўз шеърлятида ҳайратланарли даражада бажарган ал-Хомисий чиндан-да буюқдир...

Ана энди шу буюқ шоир ҳақида юқориларда айтилганлардан кўзлаган асосий мақсадларимга ўтай.

Биринчидан. Ҳар масалада чиндан-да мураккаб давримиз юксаклигида бўлиб келаётган шундай улуг зотни, шундай доно ва ақлли, ҳаётбахш интилишли араб шоирини, шундай ажойиб инсонпарварлик ғояларини қуйлаётган ва курашчан шахсни, қарангки, юқорида Шекспир тилга олиб нафратланганларга ўхшаган йиртқиш табиатли, олчоқ ниятли ва қабих қалбли иблислар ёмон кўрадилар, ҳоқимлик мансабларида туриб уни таъбиқ қилдилар, Ватанидан, ўз халқидан узоққа ташладилар, ғам андуҳ билан бўғмоқчи бўлдилар! Биз борган араб Ливиясига бевосита қўшни бўлган Мисрдаги реакция шу қадар шафқатсизлик ҳамда бəҳаёлик қилди унга!..

Ўртанмай бўладими ахир бундан?!

Айтадиган сўзимнинг иккинчиси. Ливияда бўлган кунларимиздан бирода, қаранг, яхши туш кўриб, эрта тонг пайти уйғониб кетдим. Бу туш нимага экан деб узоқ ўйладим. Нонуштадан кейин меҳмонхонамизнинг биринчи қаватидаги фойеда бугунги араб газетасини олай деб кетаётсам, нарироқда кўзимга оловдай ялт этиб кўриниб қолди ўша дўстимиз, ўша улуг зот, ўша тиним билмас мубориз, ўша ажойиб санъаткор. Ўша ўз Ватанидан қувғиндаги, бу мамлакатда эркинликдаги ўша ўта мўътабар шахс — Абдурахмон ал-Хомисий, кимлар биландир суҳбатда. Дарҳол тушим эсимга тушиб, шунга бўлса керак дедим-да, тезда у зотнинг ҳузурига бордим, у билан яқин дўстлардек биродарона ўпишиб, қучоқлашиб кўришдик, ҳол-аҳвол сўрашдик, янгиликлардан бир-биримизга сўзлашдик, ғоят хурсанд бўлдик дуч келганимизга, дийдор кўришганимизга. Катта ҳарф билан ёзиладиган нақадар ажойиб Инсон ва нодир ижодкор-а! Ҳайратланарли даражада доно ва ҳикматли, ғоялари жуда гўзал ва ҳаётбахш курашаётган, келажаги чўнг ёрқин бўлган буюқ араб Шарқини, буюқ араб халқини, ғанимлар фойдасига бир-бири билан қовишмаётган тарқоқ, ҳатто баъзилари даҳшатли умумий душман олдида бир-бирини бўғизлаб ташлашга уринаётган араб мамлакатларини ушбу ўта фалокатли ва ҳалокатли йўлдан қайтаришга, миллий бирликка, бинобарин, ғанимлар устидан ғалабага, тинчлик, дўстлик ва тараққиётга қақираётган бир оламдир, шу билан ҳозирги энг катта ва энг муҳим масалани замон ҳамда халқ талабларига мувофиқ тарзда ҳал қилишга интилаётган бир оламдир унинг ўзи! Унинг ўзигагина хос ажойиб табассумидан баҳор сурати, нуруний чеҳрасидан эса қуёш акси кўриниб тургандай... Бу учрашув Ливияда бошимдан кечирган ҳамда ҳамшиаликка нақш бўлиб юрагимда қоладиган энг яхши воқеалардан бири бўлди...

Мен учун тарихий бўлган ўша учрашувдан бери бу буюқ мубориз шахсининг асарларини, айниқса программ характерга эга бўлган «Қасоскор валламат» номли шеърини такрор, такрор ўқишим бежиз эмас, унинг ҳар бир сўзидан ўт чақнайди.

Шеърлят, дейсизми! Бир пул қиммати  
У агар эрк учун ёзмаса қанот.  
Адолат қиличин тиклаб қоматин,  
Яланғоч тутмаса, кўрсатиб сабот.  
Ўтли майдонларда елдирганча от...  
Мен ўз ҳаётимда, келажак кунга  
Истадим шеъримни машъалдек тутмоқ.  
Ҳокимни улуглаб, мадҳ этиб унга,  
Ҳеч вақт туширмадим шеърлятга доғ.

Тиланчи сингари бўйнимни қисиб,  
Сарой қопқасини қоқмадим ҳеч вақт.  
Омадли бўлишнинг режасин чизиб  
Бойлик орттиришни атамасим бахт.  
Мен ўз шеърларимда, аксинча, мудом  
Айтдим ҳоқимларда йўқ деб диёнат.  
Фош этиб умримда зулмни тамом,  
Шеъримда қаргалди доим хиёнат.

«Санъат — санъат учун» деб мунофиқона жар қоладиган, оғиз кўпиртириб ғоясизликни, декадентликни, худбинликни тарғиб этадиган, ҳақиқий инсон закосининг мўъжизаси бўлган эзгу орзуларни, гўзал ҳиссиётларни ўзида мужассамлаштирган ҳақиқий шеърлятни хор қилиб қабихлик ва қотилликни, разил элита ва риёкорликни мақтайдиган маддоҳлардан ғазоби алангаланиб кетиб, яна давом қилади ал-Хомисий:

Умид ўгрилари сўзлашиб ёлғон,  
Қасамлар ичишиб кўзларида хоб  
Халқ қалбин шафқатсиз топташган замон.  
Мен улар юзидан юлқидим ниқоб.  
Бошимда байроқдек тутган сўзимдан  
Талвасага тушиб золимлар аксар —  
Таъқиблар бошланди менинг изимдан,  
Менчи, чекинмадим гўёки аскар... (41 - 42)

Ҳа, ўзини ҳозирги ғоят қоришиқли, масъулиятли ва шафқатсиз замонда адолат, ооздик ва эзгулик жангчиси деб аташга ва фахрланишга тамомила ҳақлидир шоир!

Унинг яна ўз Ватани Мисрнинг сэмимий фарзанди эканлиги билан фахрланиб, ҳаққоний ғурур ила сўзлаб, «мен Нил соҳилидаги орзуман!», «оппоқ тонгман», «ўлмайдиган муборизман!», «ахир Мисрни ўлдириб бўлмайди...» деганлари асло бежиз эмас, албатта.

Ҳа, худди шундай!

Шундай дейишга мутлақ ҳақлидир миср халқининг, бутун араб Шарқининг, бутун илғор инсониятнинг шоири ал-Хомисий!

Бундай оташқалб улуғ зот барча инсоф эгалари томонидан таъзимга сазовордир, албатта.

Қани, энди, биз учун чўнг азиз ҳисобланган араб халқида, араб шеъриятида шундайлар кўпроқ бўлса!..

Биз совет кишилари уни жуда севамиз, бу жангчини жуда ардоқлаймиз, бу шоирни ғоят эъозлаймиз. «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати деган юксак унвон берилганлиги бунинг яна бир улкан ифодасидир.

Биз ҳамisha ҳар эзгу ишда у билан биргамиз, барикаданинг бир томонидамиз...

Ниҳоят, унинг биз учун ғоят шарафли бўлган топшириғини ҳам шу ерда бажариб қўяқолай. У, Триполидаги меҳмонхона фойесидаги суҳбатимиз сўнгиди хайрлаша туриб деган эди:

— Гўзал Тошкентга, буюк Навоий халқига, ажойиб ўзбек диёрига менинг энг ҳароратли саломимди! Энг яхши тилакларим! Улар менинг дилимда, орзуларимда, фикр-хаёлларимдадирлар, узоқ-узоқлардаги жуда жозибали, яқин ва ёрқин-ёрқин юлдузлар янглиғ...

## Ливиядаги охириги икки кун

Триполи оқшоми. Денгиздан келадиган шифобахш, ёқимли шабада одамлар ва дарахтлар билан ўйнашаётгандай гоҳ аста, гоҳ анчагина шўхлик қилиб эсмоқда. Майин ҳаво ҳарорати ҳам илиқ. Қуёш кун бўйи қилган сайру саёҳатидан тун роҳатига тайёрланаётган қандайдир сирли, сеҳрли ва сўлим пайт. Қушлар ҳам шу ҳилқат ҳоқони билан хайрлашув яқинлашаётганлигини сезгандай шохдан-шоҳга сакраб, ўз тилларида нималарнидир жадал сўзлашарди, бир-бирига роз айтишарди, ё кундузги яхшиликлардан севиниб базм қилаётгандай шод сайрашарди

Триполидаги Совет сафоратхонаси ҳовлисидамиз. Унда бугунги оқшом ҳақиқатан ҳам алоҳида ёқимли ва кўркам кўринарди. Ҳовлида ҳамма социалистик мамлакатларнинг Ливия пойтахтидаги сафоратхоналарининг бошлиқлари, Совет сафоратхонасининг ходимлари, СССР дан келиб Ливияда хизмат қилаётган меҳнат аҳлининг вакиллари йиғилишган. Ҳамманинг чеҳрасида катта шоёнлик: Сабаб: бу кеча Совет Армиясининг традицион кунини байрам қилишга, шарафлашга бағишланган эди. Тўпланганларнинг барчаси бир-бирлари ила ғоят иноқ ва аҳил бўлиб суҳбатлашар эдилар. Расмий мажлисдан кейин саҳна бизнинг ўзбек артистларига берилди. Саҳна кичик бўлса-да, санъаткорларимизнинг ҳар бири дундириб ва тез темпда, жўшқин илҳом, романтик кайфият қанотида бир-кетин ўз санъатларини шундай маҳорат ила намойиш қила бошладиларки, ҳаммани бутунлай мафтун эттилар. Шунинг ифодаси сифатида ижро вақтида ҳайратдан мутлақий сукут ҳукм сурарди залда, ҳар бир ўйиндан кейин эса қаттиқ ҳаяжонли ва давомли қарсақлар янграрди унда.

Концертдан кейин ажойиб сафиримиз Анатолий Васильевич ҳаммани дастурхон атрофига лутфан таклиф қилди. Армиямизни шарафлаш давоми маъносида. Шу коктейль вақтида бир неча дўст мамлакатларнинг сафирлари билан сўзлашдим. Улар Ўзбекистон ҳақида, унинг маданияти, иқтисодиёти ва халқи ҳақида қизиқчи сўрашди. Берган жавобларимизни, жумладан, олти миллион икки юз мингдан кўп тонна пахта ва бир минг уч юз йирик саноат муассасалари, саккиз мингтача кутубхона ва клублар, қирқтача профессионал театр, шулар ичида иккита опера ва балет театри, қирқдан кўп олий мактаблар, шулар ичида иккита университетни айтганимизда, жуда катта мамнуният билан, қувониб эшитдилар. Дўстларнинг ютуқларидан дўстлар албатта хурсанд бўладилар-да! Бу, ҳақиқий дўстлик ҳамда биродарлик қонунларидандир.

Биз айтишса Куба сафiri билан узоқ суҳбатлашдик. Жуда очик кўнгилли, истараси иссик, чеҳраси ёқимли, ўзи жуда ақлли, олижраноб, ниёти соф, табиати юмшоқ. Ўзбекистон ҳақида кўп эшитган экан, уни жуда севаркан. Ўз Ватанини, халқини ҳам ниҳоят даражада зўр ҳиссиёт билан, ғоят юксак орзулар билан беҳад севаркан. Мен, бутун Совет Иттифоқида, жумладан, Ўзбекистонда Кубани; Куба халқи чексиз ҳурмат қилиниши, Фидель Кастроли эса афсонавий сиймо сифатида севишларини, Фидель бизнинг республикада ҳам бўлиб, халқимиз қалбида жуда чуқур из ва улкан муҳаббат қолдирганини, бутун республика оёқ устига тургандай бўлиб уни кутиб олганини айтганимда, ҳамсуҳбат дўстимизнинг юзида бир олам севинч кўриниб турарди. Хайрлашишда унинг республикамиз халқига, раҳбарларига, маданият ходимларига, ажойиб меҳнаткашларига салом айтишни ва янада катта муваффақиятлар

тилашини ўзига хос тарзда шундай жўшиб ва шодланиб айтдики, унинг бу ўта гўзал ҳолати ҳам ҳамон кўзларим ўнгиди, худди ҳозирдагидай, жуда ажойиб...

Армиямиз шарафига ўтказилган мазкур гўзал ва тантанали кечадаги юқоридагидай жўркам манзара, юксак шодиеналик, севинч билан пўлган кайфият жуда жиддий сабаб ҳамда чуқур илдизларга эгадир, албатта.

Ахир, мазлум халқларнинг революцион-озодлик ҳаракатлари оқибатида, айниқса буюк Армияга эга бўлган Совет Иттифоқининг ўшал халқларга берган ёрдами натижасида лаънати мустамлакачилик барбод бўлди. Яна халқларнинг курашлари тўфайли ва айниқса бутун башарият ва унинг цивилизацияси тақдирига таҳдид солган герман фашизмини тор-мор келтирган Совет Иттифоқи ҳамда унинг Армияси ёрдами тўфайли социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги дунёси пайдо бўлди ва ҳамон кўкрак кериб туриб равнақ топмоқда.

Ахир, пулдорлар Фарбида ва Америка Қўшма Штатларида машўум капитализмнинг, империализмнинг ваҳшатли иллатларидан бўлган машўум терроризм, гангизм, гангизлик кучайиб кетмоқда, Федератив Германия, Италия, Англияда, океан ортидаги энг катта капиталистик мамлакатда ёввойи фашизм ва ирқчилик яна оёқ устига туришга интилмоқда ва барча яхшиликларга таҳдид солмоқда. Ахир, Америка зўравонлари Фарбий Европанинг қатор мамлакатларига ёппасига қиргин ракеталарини ўрнатишга, дунёни кушхонага айлантиришга уринмоқдалар, нейтрон водород даҳшатлари ила инсоният ҳаётини ҳавф остида қолдирмоқдалар, айниқса Осиё ва Африканинг гоҳ у ерида, гоҳ бошқа мамлакатда қонли иғволар уюштирмоқдалар. Ахир, фаластинликлар кўзёшини ва Чили фожиасини ҳеч кимнинг бошига солмасин! Енгинамиздаги Афғонистонни ва узоқлардаги Анголани ҳам ваҳшатхонага айлантиришга уринмоқдалар. Никарагуа ва Сальвадордаги хунта ва АҚШ фаолиятининг оқибати бўлган қонли воқеалар-чи! Япония ва Хитойни бизга қарши гиж-гижлатмоқдалар, қуроллантирмоқдалар. Умуман, чўнг дарғазаб жаҳон реакцияси бизга, барча социалистик лагерга қарши қаратилган ҳуружини кучайтирмоқда. Буюк Ватанимиз бутун дунёда адолатли тинчликнинг бой ва энг қудратли қалъасидек посбонлик вазифасини ўтаб келмоқда, империалистларни жиловлаб келмоқда, адолат, инсоф ва тараққиётнинг бош байроқдори бўлиб келмоқда.

Юқориларда баён этилган империалистик балоларга қарши курашда, уларни жиповлашда, бутун совет халқига, бутун илғор башариятга қалқонлик ишини бажариб келаётган, буюк совет Ватани қудратини ўзида мужассамлаштирган буюк Армиямиз борлиги ҳамма халқлар учун буюк бахтдир. Шу боисдан унинг таваллуди кунни Ер юзидаги ҳамма инсоф эгалари учун байрамдир. Ливиядаги сафоратхонамизда бугунги қайд қилиш ҳам шундан шаҳодатдир.

Ливияда бўлишимизнинг яна бир охири кунни. Яна ажойиб манзара, сўлим ва майин оқшоми. Яна ўша улкан денгизнинг хушбўй ва эркаловчи шабадаси ҳамда ёқимли қушлар навоси. Яна ҳордиқ чиқариш учун ғарб томонга осмонда аста сурилиб ва бугунги охириги нурларини қизил бўёққа бўяб баланд дарахтларнинг чўққиларига ҳамда кўп қаватли биноларнинг томларига ташлаб кетаётган кўёш. Биз муазам Триполи шаҳарининг серҳаракат, ҳашаматли кенг кўчаларидан ўтиб бориб, ташқи ишлар министриги идорасига яқинлашдик. Уч томони улкан бинолар. Шуларнинг ўртасида жуда катта қапа махсус тикилган бўлиб, унда шу мамлакат ҳамда ҳукуматининг одати бўйича, энг ҳурматли ва энг қимматли делегация ва меҳмонлар қабул қилинар экан мазкур катта идора томонидан. Бизни ўша қапага лутфан таклиф қилдилар. Ташаккур билдириб кирдик унга. Жой ерга, яхши паласлар устига солинган. Қапа чеккаларига жуда юмшоқ тўшаклар ёйилган. Суянишга болишлар ҳам бор. Мезбонлар (улар ўша катта ташкилотда ишлайдиганлардир) билан қапа ичида жуда самимий ва қуюқ сўзлашиб тўшаклар устида бир оз ўтирган ҳам эдикки, қапа эшигидан жуда шодланган ҳолда ўша идоранинг бошлиғи муовини Абу Ситти кириб келди. Тез югургандай ва шошиб, узоқроқдан фикран бизни оғушига олаётгандай бўлиб қўлларини ҳаракатга солиб ёнимизга келди. Кучоқлашиб кўришдик. Сўнгра тўшакларга ўтирдик. Албатта муздаккина лимон, апельсин ва бошқа мева сувлари, яна нималардир дастурхонда муҳайё. У киши жуда кўнгли кенг ва феъли очик, хушчақчақ, ўткир ақлли, ҳазилкашликдан холи бўлмаган ажойиб давлат арбоби экан. Самимий салом-аликлардан, табриклар ва ҳол-аҳвол сўрашлардан, қайта-қайта лутфан дастурхонга таклиф қилишлардан кейин у арбоб катта севинч ҳамда қонуний ғурур билан ўз мамлакатини ва халқи 1969 йил инқилобидан кейинги ўн бир сана ичида эришган улкан ютуқлари ҳақида шодлана-шодлана сўзлаб берди. Биз ҳам жавобан совет халқи ва мамлакатимизнинг улуғвор муваффақиятлари ҳақида, эзгулик учун курашаётган ва янги ҳаёт қураётган халқларга, жумладан, Ливияга, унинг ажойиб халқига бўлган чуқур муҳаббати ҳамда ҳар томонлама фаол ёрдам бераётганлиги ҳақида муҳтасар сўзлашдик. Мезбонларимиз, жумладан айниқса катта дўстимиз жуда хурсанд. Дўстимиз Абу Ситти Совет Иттифоқи ҳақида, унинг қудрати ва буюклиги ҳақида, унинг айниқса империализм ва сионизмга қарши олиб бораётган тарихий курашлари ҳақида, озодлик ва тараққиёт йўлида фидокорона олишгаётган халқларга бераётган бегарез кўмаклари ҳақида катта қизиқиш билан сўзлаб келиб, қуйидаги ғоят улкан ва чўнг жиддий ҳақиқат мужассамлашган ажойиб фикрларни якун тарзда айтди:

— Совет Иттифоқи бутун мутараққий башариятнинг авангардидир, олдинги са-

фида бормоқда. Бизнинг алоқаларимиз яхши, бу алоқаларнинг янада чуқур бўлишини, тағида ривожланишини истаймиз...

Чиндан-да, нақадар чуқур маъноли, зўр ҳикматли, мураккаб ва мукамалдир бу ҳилқат! Нақадар кўркам, гўзал ва дилбардир у, нақадар назокату малоҳатга, завқ-бахшлик ва илҳомга сахийдир бу ҳилқат айниқса баъзан, шундай пайтларда, шундай ерларда, шундай шароитларда!

Албатта эрта тонггача уйку тутқич бермади. Телефон жиринглади. Кўчага чиқиб машиналарга тушдик ва аэропортга жўнадик. Озгина вақтдан кейин ажойиб дўстларимиз билан хайрлашиб, тайёрага йўл олдик, жойлашдик. Сўнгра менга шундай туюлдики, Триполи аэропортидан самолётимиз жуда ва жуда енгил нарсадек, қушдек онсон кўтарилди-қўйди беғубор осмонга, ёрқин қуёш томонга... Бир неча соат учдик. Ниҳоят стюардесса, Венага яқинлашаётимиз; деб хабар бериб қолди. Европа, Улуғ Ватан уруши, унинг даҳшатлари, унинг ғалабасини таъмин этган омиллар бирин-кетин хаёлдан кўзим ўнгидан ўтавердилар.

Улуғ Ватан уруши фронтларида ўта шиддатли жанглар кетаётган вақт. Шундай жанг майдонларида бирида ғоят жиддий ҳамда хавфли вазият яралади. Буни бартараф этиш учун бир ғоят жиддий, муҳим ва хавфли ишни — қўмондонлик буйруғини бажариш зарур эди. Кўзига қон тўлган ва ваҳшийлиги жуда ошиб кетган Гитлер газандалари буни ижро этишга тўсқинлик қилиб, кўп зарар етказётган эдилар, катта операцияни бошлаб юборишга йўл бермаётган эдилар. Бир дивизиямиз қўмондонлиги топшириғи билан икки аскаримизни, ака-укалашиб кетган кўрқмас ҳамда ғайратли икки ватанпарвар паҳлавонимизни — бири ўзбек, иккинчиси тожик дўстларни самолётга ўтказадилар ва жуда баландликдан парашютлар билан ерга тушиб, топшириқни бажариш буюрилади. Самолёт атрофни ларзага келтириб осмонга, ҳақиқатан ҳам жуда баландликка кўтарилади икки вафодор оғани билан. Учиш давом этмоқда ғоят мураккаб, оғир ва муаммоли вазиятда. Ҳар бир дақиқа гоҳ бир кунга, бир ойга, гоҳ эса бир сонияга айланиб кетгандай бўлади. Шу тарзда маълум вақт ўтгач самолёт эшиги ўша бепоён бўшлиқ томон очилади ва паҳлавонлар ўзларини ўша чуқур ўйлатган даҳшатли ҳаво уммонига ташлайдилар. Бири олдинроқ бошқаси кейинроқ. Сўнгра, қаранг, бирининг парашюти очилади, бошқасиники (ўзини кейинроқ ташлаганинг) эса, яхши очилмайди. Ер гўё ўзининг бутун жожиба кучини-қувватини бир нуқтага йиғиб уни даҳшат ила пастга, ерга тортарди, ажал ҳам унинг ортидан қувгандай эди. Ниҳоят даражада оғир аҳвол яралади, бир-икки онгина тақдирни ҳал қиладиган бўлиб қолади. Шунда шу ондан фойдаланиб, парашюти очилган йигитимиз баланд овоз билан ўртоғига:

— Кўрқма, мен сенга яқинлашишга уриняпман, сен ҳам тезда мен томон ҳаракат қил, — деди-да, жуда катта қийинчиликларни енгиб ўз дўстини ҳавода ушлаб олади ва ўз парашюти остига ҳамда кучоғига олади, унинг ўзи учун жуда хавфли эканлигини, ҳатто қарийб бутунлай ҳалокатли эканлигини билса-да!

Шундай қилиб ерга эсон-омон келиб етишади бу икки ака-укага айланиб кетган бири ўзбек, иккинчиси тожик дўстлар. Табиий, сўнгра қўмондонлиқнинг топшириғи ҳам дўндириб бажарилади. Қутурган душманга катта талафот беришда ғоят катта роль ўйнайди.

Мазкур ажойиб дўстлик ва баҳодирлик, вафодорлик ҳақида ўйлашлари узоққа чўзилди шекилли, Вена аэропортига қўнганимизни ҳам яхши пайқамай қолибман. Уша воқеа балки шу ерларда содир бўлгандир... Ахир шиддатли жангларда бизнинг армиямиз озод қилган бу буюк гениал Моцарт ва Штрауслар масканини свастикали сариқ вабо чангалидан!..

Ҳа, шу тарзда Ватан томон қайтарканмиз, бир вақтлар улканликда, зўравонлик ва такаббурликда, мақтанишда дунёга донғи кетган ва шундай бўлиб тарихдагина қолган Австриянинг пойтахти машҳур Венада бўлдик. Нима учундир, илиқ Ливиядан ва қудратли, мўъжизали буюк денгиздан кейин бу диёрнинг осмони ҳам, ери ҳам, уйлари ҳам совуқ ва рангсиз кўринди, магазинларидаги ялтироқликларга, чироқларидаги ёруғликларга ва кўчаларидаги дабдабаликларга қарамай.

Кўп ўтмай ундан кеткимиз келиб қолди...

Яна кўқда, мовий рангли ҳаво уммони оғушида. Учиш давом этмоқда. Бутун хаёл буюк Москвада, ундан кейинги республикамиз пойтахтида, яқин дўст ва ёрбиродаларимизда, айниқса, жондан ҳам азиз кичкинагина набирачам Ҳилолияда. Ана, фикран, хаёлда кўриб турибман, тортмоқдалар ўзларига бизни баҳорда кўм-кўк баҳамалга бурканган ва чечаклар билан қопланадиган қир, боғларимиз, кенгликда осмон билан баҳшлашадиган, ёзда «оқ олтин» уммонига айланадиган сахий дала-ларимиз, ажойиб ижодкор ва азамат заҳматкаш деҳқонимиз улўғлиги ва қишлоқлардаги оппоқ уйларимиз кўрки; муҳташам шаҳарларимиздаги улкан саноат трубалари, эртақларидагидай муҳташам метро станциялари, санъат қошоналари, шифо даргоҳлари... Шуларнинг барчасига ошиқиб шошаётганлигимизни билгандай шамол бизга ёрдамчи — йўлдош. Шу тарзда лайнеримиз шитоб билан учиб, ҳа, учиб кетаверди.

Ниҳоят, чиройли стюардессамиз севинч билан, кўпдан кутилган буюк маскан Москва бўсағасига келдик, деб айтди. Айниқса ўша пайт мен учун бу сўзлардан ёқимлироғи йўқдай туйилди, бутун дунёда...

Москва — Ливия — Вена — Москва.



Анатолий Ершов

## ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

**К**ўлида милтиқ ушлаган серсоқол бир деҳқон башанг кийинган қандайдир жаноб билан гаплашяпти:

— Мен сенга, шляпали жаноб, тўппа-тўғри бетинга айтиб қўя қолай: ерни албатта ўз қўлимизга оламиз, албатта! Кейин ундаги жамики нарсаларни бошқатдан бунёд қиламиз.

— Нима, тоғу тошни ҳам қўпориб ташлайсизларми?

— Нима бўпти? Халал берадиган бўлса, тоғни ҳам қўпориб, текислаб ташлаймиз.

— Дарёларни ҳам тескари оқизасизларми?

— Бўлмасамчи, биз қаёққа десак, ўша ёққа оқади.

А. М. Горький 1917 йили Петроградда ёзиб олган ушбу савол-жавобни мен Тошкентда бир неча кун давом этган мамлакатимизнинг олий ўқув юртлари иқтисодчи олимларининг Бутуниттифоқ анжумани пайтида эсладим. Олимлар йиғилишининг диққат марказида «Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Урта Осиёга оқизиш», деган сўзлар моҳиятини бирмунча аниқроқ ифода этадиган масала кўндаланг бўлиб турди. 1917 йил октябрида ернинг асл эгаси бўлган халқ ўз орзу-ниятларини шу тахлит рўёбга чиқаряпти.

Анжуман қунлари: «Хўп ажойиб замонда яшаяпмиз-да» деган фикр сира хаёлимдан кетмади. Ҳайрон қолмай, ажабланмай бўларканми — ахир, жаҳон миқёсидаги бемисл улғувор бир лойиҳа муҳокама қилиняпти-я! Жаҳонда ҳеч бир давлат табиатни ўзгартириш бобида миқёси-кўлами жиҳатидан бундайин улкан режани амалга оширишга журъат этган эмас.

Анжуман иқтисодий масалалар бўйича чақирилгани учун муҳокамаю мунозаралар асосида шимол сувларининг бир қисмини жанубга буриш билан боғлиқ бўлган экономика тараққиёти ва ижтимоий ўзгаришлар масалалари ётгани ўз-ўзидан тушунарлидир.

Шубҳасиз, ишнинг техник томони ҳамда истиқбол тасаввуроти кишини лол қолдиради. Ахир, 2300 километрлик канални қазिश осон иш эмас-ку! Бу вазифа мушкул томонларини қийинчиликлари жиҳатидан БАМ қурилишидан асло қолишмайди. Дарвоқе, сарф-харажати жиҳатидан ҳам шундай. Канални бунёд этиш учун қанчадан-қанча қудратли ер қавлаш машиналари ҳамда турли хил камёб асбоб-ускуналар талаб қилинади. Қурилишни ана шундай техника билан таъминлаш учун мавжуд сановат корхоналаридан бир қисмини қайта қуриш ёки махсус заводлар барпо этиш зарур, қурилиш индустрияси корхоналарини-ку айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, ўз-ўзидан маълумки, бундай корхоналарни бунёд этиш шарт.

Шундай бўлса-да, менда ушбу улкан лойиҳани амалга оширишнинг ижтимоий томони кўпроқ қизиқиш уйғотди.

Урта Осиё — битмас-туганмас бойликларга кон ўлка. Бундай таърифга шу ўлканинг аҳли аллазамонлардан ўрганиб-қўниқиб кетган. Бироқ келинлар, ўлкамизнинг имкониятларини ҳиссиётларга берилмай, жарангдор таъриф тавсифларсиз, конференция қатнашчилари сингари қуруқ рақамларга суяниб, иқтисодий жиҳатдан баҳолаб қўрайлик-а бир.



Шундай қилиб, башарти Урта Осиё ва Жанубий Қозоғистоннинг табиий географик харитасига кўз ташлайдиган бўлсак, унда хаританинг аксари ерини жигарранг ҳамда сариқ ранг: тоғлар, сахро, яримсахро, қурғоқ чўллар эгаллаганини кўрамиз. Фақат дарё воҳаларию канал ёқаларида кўк ранг — воҳалар кўзга ташланади. Ана шу воҳаю водийлардаги суғориладиган ерлар бор-йўғи етти миллионга яқин гектарни ташкил қилади. Аслида эса, олимларнинг ҳисоблаб чиқишларича, ҳосил берадиган майдон эллик миллион гектардан ортиқроқ!

Бизнинг яна бир бойлигимиз — иқлим, об-ҳавонинг иссиқлиги. Бизда ҳаво илиқ кунлар даври олти ойдан ўн ойгача боради, ёзги ҳавонинг иссиқлиги эса пахтанинг, тамаки, шולי, соя, узум экинлари ҳамда талай хил субтропик мевалар каби иссиқ-севаз экинларнинг пишиб етилиши имконини беради.

Қуйидаги рақамларни келтирмай иложим ҳам, имконим ҳам йўқ; мелиорациялаштирилмаган ернинг гектаридан 140 сўмлик маҳсулот олинган бир пайтда, суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектаридан 1340 сўмлик ҳосил кўтарилади.

«Хўш, гап нимада ўзи?— деб сўрайди ўқувчи ва ўша заҳотиёқ бундай дейди:— Келинлар, ўлкамизда бунинг нафи шунчалар катта экан, тезроқ янги ерлар очиб, у ерларга сув келтирайлик, ахир!»

Турган гап, биз шундай қиялпмиз ҳам. В. И. Ленин совет ҳоқимиятининг илк тонглаиридаёқ: «Ҳали бекор ётган ерлар бор... Ажойиб ерлар, уларни ўзлаштирмоқ керак!»— деб ёзган эди. Лениннинг бу орзусини коммунистлар ўзларининг дастурил-амаллари қилиб олганлар. Социалистик Ватанимиз қарор топган дастлабки йилларданок бўз ерларни ўзлаштириш, қўриқ очиш режалаштириб келинади. Бироқ, қўриқ ерларни ўзлаштириш бобида инсоният тарихида мисли кўрилмаган кўламда иш бошлаб юбориш эллигинчи йилларга тўғри келди, совет халқлари яқдиллик билан ўзларининг бутун ғайрат-шижоатларини Қозоғистон қўриқ ерларини ўзлаштиришга қаратдилар. Ўзбекистоннинг асрлар давомида инсон қўли тегмаган бўз ерларига ҳам дэярли шу билан бир даврда чинакам ҳужум бошлаб юборилди. Борди-ю, аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, республикамизда кенг миқёсда янги ерларни ўзлаштириш айнан Қозоғистон қўриғини очишнинг бевосита таъсири остида кенг қулоч ёйди.

Кекса ва ўрта авлод кишилари яхши эслайдилар буни. 1956 йил... Газеталар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мирзачўлда уч юз минг гектар ерни ўзлаштириш тўғрисидаги қарорини эълон қилдилар... Йигит-қизларимизнинг ғайрат-шижоатлари беқиёс жўш урди. Республика комсомоли улардан энг сара ва энг муносибларини асрий бўш ётган ерларга ҳужумга йўллади.

Йил кетидан йиллар ўтди. Катта қўриқнинг синглиси деб тилга олиниб турган Мирзачўлда иқтисодий аҳамияти жиҳатидан Фарғона водийсига тенг келадиган воҳа бунёда келди. Янги суғориладиган ерлар, яъни 1956 йилдан кейин ташкил этилган совхозлар давлатга миллион-миллион тоннадан ортиқроқ пахта етиштириб бериб, бўз ерларни ўзлаштиришга сарф қилинган ҳаражатни аллақачон қопладилар.

Бироқ инсон эришган муваффақиятлари билан қаноатланиб, чекланиб қололмайди. Янги Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши — Қарши дашти ўз бағрига чорлади, ёш ташаббускорларни. Бу ерда барпо бўлган янги совхозлар аллақачон биринчи миллион тонна пахтани етиштириб берди.

Ўзбекистон қўриқ ерлари на Мирзачўл, на Қарши даштлари билан тугайди. Бугунги кунда Марказий Фарғона, Сурхон-Шеробод воҳасидаги бўз ерларни, Жиззах қўлини, Амударё мансаби — Қорақалпоғистондаги ерларни ўзлаштиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди уни.

Тўққизинчи, ўнинчи беш йилликларда Ўзбекистонда қўриқ ерлардан 510 минг гектар ер кишлоқ хўжалиғи ҳисобига қўшилди. Хулоса қилиб айтганда, ўн йил мобайнида — бир миллион гектар! Қаерда, қайси мамлакатда шундай кўламда иш олиб бориляпти?

Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» китобини ўқиган ҳар бир совет кишининг ғурурга тўлашининг боиси мана шунда.

Бу асарнинг 1978 йилда нашр этилиши қанчалар аҳамият касб этди. Айнан мамлакатимиз Туркистон ерларини суғориш ҳақидаги Ленин декретининг 60 йиллигини нишонлаётган йилда, Қозоғистон қўриқ ерларини ўзлаштириш бошланганининг 25 йиллиги арафасида чоп этилди у.

Пахта етиштириш ҳамма ерда ҳам оғир меҳнатни талаб этади. Лекин янги очилган ерда, айниқса мушкул. Бундай ерни парвариш қилиш, суғориш — сувга қондириш, ҳосилдор қилиш лозим. Шунга қарамай, бўз очган азаматлар учун улар эгаллолмайдирган марра, улар ошиб ўтолмайдирган тўсиқ йўқ. Мана, ўлкамизнинг чўлу биёбонлари унга бўйин эгди, бир пайтлар жонсиз ерлар гуллаб-яшнаётган водию воҳаларга айланди. Ҳозирги кундаги Ўзбекистон пахтасининг ҳар уч тоннадан бири янги ўзлаштирилган ерларда етиштирилмоқда!

Ўзимиз шоҳиди бўлиб турибмизки, чўлу сахроларни ўзлаштираётган қўриқчиларимиз фидокорона тер тўқдилар. Бундан буёғига ҳам шундай фидокорликка тайёрдилар. Аммо... Энди гап шу аммо устида боради, ҳамма иш ана шу аммога, яъники сувга бориб тақалар экан. Сирдарёнинг қўшимча ерларини сув билан таъминлаш имконияти 1985 йилга бориб бутунлай тугайди. Асримизнинг 90-йиллари чегарасида энг ириқ дарёмиз — Амударёнинг ҳам заҳира имкониятлари битади. Тўғри, ер ости

сув манбалари пича қўл келиши мумкин, бироқ уларнинг ҳам тугаб-битиши аниқ-ку, ахир. Ҳўш, унда нима қилиш керак уёғига?

Сув ажойибу антиқа модда. На қўшимча маданий ўғит улуши, на зарарқунанда ҳашаротлар ёки ёввойи ўтларга қарши курашиладиган воситалар билан унинг ўрнини босиб бўлади, ҳеч қанақанга кимёвий чора-тадбирлар босолмайди унинг ўрнини! Шундоқ бўлгач, Саҳройи Кабирда ҳаво ҳалоқатига учраган пайтида бу ажойиб суноқликнинг чинакам қадр-қийматини англаб етган Сент-Экзюперининг қуйидаги: «Сув! Сенинг на таъминг, на тусинг, на исинг бор, сени таърифлаб бўлмайди, сенинг ҳаёт учун зарур эканингни билмай туриб сендан ҳузур-ҳаловат топадилар: сен ҳаётнинг ўзгинасан. Сен ҳис-туйғуларимиз-ла тушунтириб бўлмайдиган бир тарзда вужудимизга қувончу шодлик бахш этасан. Сен биз йўқотган куч-қувватни қайта тиклайсан. Сенинг марҳамату мурувватинг билан жисимимизда қуриб қолган қалб чашмаларимиз яна милдираб жўш ура бошлайди», деган антиқа сўзларини эсламай бўладими!

Ер қуррасининг қурғоқчил минтақаларида яшовчи халқлар сувнинг қадр-қийматини жуда яхши биладилар. Урта Осиё ҳам ана шунанганги минтақаларга кирди. Ахир ўлкамиз халқи: «Сув йўқ жойда ҳаёт йўқ», «Ҳосилнинг онаси ер эмас, сув...» деб бекорга айтмайдилар-ку. Шу ўринда, башарти биз Урта Осиё республикаларининг тараққиёт даражасини уларнинг сув ҳўжаликлари ривожланиши даражасига қараб баҳоласа бўлади десак, муболаға бўлмас-ов.

Совет ҳокимияти қарор толган йиллар мобайнида суғориладиган ерлар майдони биргина Ўзбекистоннинг ўзида икки баробар кўпайди. Шу йиллар ичида йигирма чоғли йирки сув омборлари — чинакам сунъий денгизлар қурилди. Чорвоқ, Андижон, Каттақўрғон, Жанубий Сурхон, Толлимаржон, Пачкамар сув омборлари ва бошқалар. Уларнинг умумий ҳажми 4,5 миллиард куб метрдан ортиқроқ. Ҳали бу ҳаммаси эмас — қўшни республикаларнинг тоғларида барпо этилган, масалан, Тўхтағул ва Норақ каби сув омборлари Ўзбекистон далалари «хизматида». Республика воҳаю водийларини каналларнинг мовий тасмалари бамисли тўрдай чирмаб олган. Шу сунъий дарё, аҳорларнинг узунлиги 150 минг километрдан ошди. «Фазовий муқоясалар» ишқибозлари истасалар бу масофа билан бутун ер қуррасини тўрт марта «ўраб» чиқишлари мумкин. Совет Ўзбекистони измидаги бундайн баркамол ҳамда бундайн замонавий ирригация-мелиорация иншоотлари билан бирорта капиталистик давлат мақтана олмайди. Шу боисдан ҳам, кези келганда, ўлкамизга суғориш ишларини ўргангани бутун дунёдан келиб туришларини айтиб ўтмоқлик жоиздир.

Лекин сув ҳўжалигимизни бундан-буёғига қанчалик такомиллаштирмайлик ва қанчалик қайта қурмайлик: «Заҳира сувларимиз тугади» деб таъкиллайдиган маррага яқинлашиб боряпмиз.

Қисқаси, яккаю ягона чора қоляпти, бу ҳам бўлса олисдаги, масалан, ортиқча намдан чеки-адоғи йўқ районлар зарар кўриб ётган Сибирдаги сувларни ўлкамизга буришдир. У ерлардаги халқлар бекорга: «Сув бор жойда офат бор», «Сув балоси» демайдилар.

Бундай лойиҳани амалга оширишдан аввал уни жиддий тарзда асосламоқ даркор. СССР Фанлар академиясининг Сув масалалари институтининг ходимлари, СССР ФА География институти, Ўзбекистон ФА ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш Совети (СОПС), Тошкент халқ ҳўжалиги институти, Урта Осиё ирригация илмий-текшириш институти, «Союзводпроект» бирлашмаси, «Союзгидрохоз» институти — жами 120 илмий ва лойиҳалаш ташкилотларининг ходимлари айнан шу борада иш олиб боряптилар. Тошкент анжуманида ана шу изланишлар натижалари ҳақида ахборот берилди.

Сибирь сувларини Урта Осиёга буриш ғояси ўтган асрдаёқ туғилганди. 1868 йилда киевлик агроном Я. Г. Демченко Рус География жамиятига «Иқлимни яхшилаш учун Орол-Каспий пасттекислигини сув билан таъминлаш ҳақида» ёзма ахборот тақдим этган. Ушбу ахборотда ўртага ташланган масалани ниҳоятда озчилик тушуниб етган ва ноактуал бўлган, негаки унда мамлакатнинг чекка бир жойининг иқлим шароитини яхшилаш тақлиф этилган эди-да, ахир. Улуғ Октябрдан сўнггина қизиқш туғдирган у. 20 ва 30-йилларда Сибирь дарёларида тўғонлар қуриб, сувни Қозғистон ҳамда Урта Осиёга буриш тўғрисида бир неча лойиҳалар тақдим этилган. Булардан дастлабкиларида сувнинг ўз оқими билан келиши кўзда тутилган. 1936 йили туб моҳияти билан янгича усул ўртага ташланиб, унга бинаоан сувни насослар ёрдамида етказиб бериш масаласи тақлиф қилинган. Ушбу схемага кўра канал атрофидаги еру яйловларни сув босиб кетиши хийла камаярди. Ҳозирги кундаги лойиҳалаш ишларига худди ана шу фикрлар асос қилиб олинган. Тўғри, бу ишлар анча илгарироқ бошланиб кетган ҳам бўларди. Аммо талай бошқа лойиҳа-режалар қатори мазкур бекиёб режанинг ҳам амалга ошириш муддатини Улуғ Ватан уруши кейинга суриб юборди. Лекин 1946 йилдаёқ «Гидроэнергoproject» институтида Сибирь дарёларини қисман Қозғистон ва Урта Осиёга буриш масаласининг техник жиҳатлари устида иш бошлаб юборилди. Кенг кўламда бўлмаса ҳамки, қидириш ва озлаш ишлари амалга оширилди. Бу изланишларга 1921—1932 йилларда Урта Осиёда хизмат қилган, ўша пайтлардаёқ бу дадил ғояга ниҳоятда қизиқиб қолган инженер Митрофан Михайлович Давидов бош бўлди. Урушдан кейинги йилларда вақтли матбуотда мазкур лойиҳавий изланиш ва уни ишлаб чиқиш ҳақида кўплаб ёритилиб турилди, иш-

нинг ўзи эса «Давидов лойиҳаси» деган ном олди. Аслида ишда, турган гапки, қирқ кишидан иборат катта инженерлар гуруҳи қатнашган эди. 1954 йилга келиб, серғайрат ташаббускорлар ақл бовар қилмайдиган бу режани рўёбга чиқариш учун бажарилиши зарур бўлган ишларнинг характери ва миқёси ҳақида тасаввур берадиган материалларни жамлаб бўлдилар. Қидирув-изланиш ишларининг хулосалари республикамиз Фанлар академиясининг тўрт жыллик «Ўзбекистон ирригацияси» асарида қўйидагича ифодаланган: «Олинган натижалар йирик гидротехник иншоотлар қуриш ёрдамида сув олиб келиш имкониятлари бор эканини тасдиқлади».

Олтинчи йилларнинг бошида «Гидропроект» институтининг Урта Осиё бўлимида менга сарлавҳасида: «Объ дарёси ҳавзасидаги сувнинг бир қисмини Қозғистон ва Урта Осиёга буриш» деб ёзилган каттакон китобни кўрсатишган эди. Уйланган режани амалга ошириш бобида олға қўйилган яна бир қадам эди бу.

«Шимол ва Сибирь дарёларининг бир қисмини Урта Осиё, Қозғистон ва Волга дарёси ҳавзасига оқизиш масаласи билан боғлиқ илмий текшириш ишлари олиб борилсин ва шу асосда лойиҳа ечими ишлари амалга оширилсин». КПСС XXV съезди ана шундай қарор қилган эди. Партия XXVI съезди ҳужжатлари эса: «...Сибирь дарёлари сувини Урта Осиё ва Қозғистонга оқизиш бўйича илмий ва лойиҳа ечими ишлари давом эттирилсин», дея қайд этилади. Бугунги кунда — минглаб кишилар — мамлакатимиздаги ирригация, тупроқшунослик, иқтисод, иқлим ва бўлак билимларнинг энг олди мутахассислари — партиянинг ушбу қарорларини ҳаётга татбиқ этиш устида тер тўкмоқдалар.

Эндиликда Сибирь дарёлари суви етиб келиши билан ўлкамизда рўй берадиган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг кенг ҳўламдаги манзаралари кўз ўнгимизда намаён бўлиб қолди. Конференция қатнашчиларининг ана шу истиқболни яққол тасаввур этишларига СССР ФА Сув хўжалиги масалалари институтининг директори Г. В. Воропаев, «Союзгипроводхоз» институтининг бош инженер ўринбосари И. А. Герарди, Тошкент Халқ хўжалик институтининг ректори М. Ш. Шарифхўжаев ва бошқа илмий ҳамда лойиҳалаш марказлари вакилларининг доқдалари ёрдам берди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, пешқадам иқтисодчи олимларимиздан бири Кузьма Иванович Лапкин ниҳоятда қизиқарли ҳисоб-китобни мисол келтирди. У бошчилик қилган мутахассислар коллективи олиб борган текширишлар республика далаларида фойдаланилаётган бир куб километр сувнинг иқтисодий имкониятларини аниқлаш имконини беради. Бинобарин, бу ҳажмдаги сув 112 минг тонна пахта, 116 минг тонна полиз ҳамда сабзавот маҳсулотлари, 41 минг тонна мева ва узум, 7 минг тонна сут ва 400 тонна пилла етиштириш имкониятини берар экан. Сўм ҳисобида ифодаланиладиган бўлса, жами қайд этилган маҳсулотларнинг қиймати 153 миллион сўмни ташкил этар экан.

Бирок бу ҳали тўлиқ натижа эмас, балки бир қисмигина, яъни ўзимиз яхши билганимиздек, саноатни хом ашё билан таъминловчи қишлоқ хўжалигидан бевосита олинадиган ҳосилимизгина холос. Шу сабабли олимлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат учун ҳам шу тариқа ҳисоб-китоб қилиб чиққанлар.

Маълум бўлишича, ҳар бир куб-километр сув умуман олганда агросаноат учун ярим миллиард сўмлик ялпи маҳсулот олиш имкониятини берар экан. Ана шу суммадан 193 миллион сўми соф даромадни ташкил этишини ҳисоблаб чиқишган текширувчи мутахассислар.

Сибирь дарёлари сувини Урта Осиёга буришнинг биринчи навбатининг ўзидаёқ ўлкамизга йилга 25 куб-километр (ёки йигирма беш миллиард куб-метр) сув етказиб бериш кўзда тутилади, ахир. Тўғри, ана шу сувнинг бир қисмидан йўлда — Қозғистон ҳамда РСФСРда фойдаланиш ҳам назарда тутилган. Шунга қарамай, асосий қисми бизнинг далаларимизга етиб келиб, кўзнинг нуруни оладиган тоғ-тоғ пахта, иси димоқни ёрадиган эшелон-эшелон мева ҳамда иштаҳа кўзғар сабзавот маҳсулотларига айланади.

Истиқболда, йигирманчи ва йигирма биринчи асрлар сарҳадида, инженерларнинг тахмину мўлжалларича, бир йилда шимолдан жануб томонга бутун бошли Амударёнинг сувига тенг келадиган оқимни — 60 ва бундан ҳам зиёдроқ куб-километр сув оқизиш мумкин экан.

Лекин масаланинг яна бир томони бор, бу маҳсулотларнинг қиймати канал қурилиши ҳамда сувин етказиб бериш учун сарфланадиган харажатлар ўрнини қоплай олармикин? Бу саволга иқтисодчилар: ҳа, деб жавоб беришяпти. Бу харажатлар, деб айтишди улар анжуманда, бор-йўғи беш-олти йил ичида қопланиб кетади. Ҳаттоки эҳтиёткорона ҳисоб-китобга қараганда ҳам сарфланган харажатнинг ўрни қопланиши муддати ўн йилдан нарига ўтмайди.

Бир куб-километр сув етказадиган манфаат ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, биз яна битта рақамни тилга олганимиз йўқ ҳали. Бу рақам эса нафақат тилга олишни, айни чоғда унинг устида бош қотиришни тақозо этади. Мен 50 минг рақамини назарда тутяпман. Ҳар бир куб-километр сув республикамиз шароитида шунча ишчи ўрнини таъминлай олади. Башарти ўлкамиздаги туғилиш суръатининг тезкорлигини ёдга оладиган бўлсак, келтирилган рақамнинг аҳамиятини етарлича баҳолашимиз мумкин. Ана шу ўсишнинг оқибати ўлароқ, XXI аср бошларига бориб мамлакат бўйича

аҳоли ўсиши ўртача олганда атиги 22 фоиз ортса, Урта Осиё аҳолиси икки баравар кўпаяди.

Демак, тан олиш керакки, қўшимча сув манбаларисиз, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўлкамизга Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини бурмай туриб, ҳозирги кунда дунёга келаётган болалар балоғат ёшига етганида уларнинг ҳаммасини иш билан таъминлашимиз хийла мушкул бўлади. Саноат ривожланишининг ўзигина (ахир у ҳам сув танқислиги сабабли чекланиб қолади-ку), иқтисодчилар таҳлили кўрсатишича, ушбу вазифани уддалашга қодир эмас.

Маҳаллий аҳоли ўртасида Сибирь ҳамда Узоқ Шарқ бойликларини ўзлаштиришга хоҳиш билдирувчилар кўплаб топилади деб ўйлаш унчалик ҳам тўғри эмас. Ўз бахтини олиш ўлкалардан излаб кўришни хоҳловчилар ҳам бўлиши мумкин, бироқ Урта Осиё халқларининг аксарияти миграцияга майли йўқ, ўзи ўрганган ва ажойиб иқлим шароитида (киндик қони тўкилган тупроғида) яшашни маъқул кўради.

Шундай экан, кейинчалик мамлакат меҳнаткаш кучларидан яхшироқ фойдаланиш нуқтаи назаридан ҳам, Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Урта Осиёга бурган манфаатлироқдир.

Балки бундай иш тутилишидан сибирликларнинг ўзлари ранжиб қолишар? Иқтисодчи олимлар томонидан Бутуниттифоқ анжуманида келтирилган далиллар бунинг аксидан далолат бериб турибди. Сибирь дарёларининг Урта Осиё далаларига берадиган сув улуши умумий сувнинг кичкинагина бир қисминигина ташкил этади ва бийобарин, амалда уларнинг серсувлигига путур етказмайди — негаки, Обь ва Енисейдек иккитагина азим дарё Шимолий Муз океанига 950 куб-километр атрофида сув элтиб қуяди. Сибирликлар ортиқча сувларини баҳам кўриб, бунинг эвазига мамлакатимизнинг жанубий районларида боғдорчилик ҳамда тоқзорларнинг ривожланишидан тўғридан-тўғри беқиёс манфаатдор бўладилар.

Сибирлик экономистларнинг ҳисоблашларича бу ўлкага жанубий районлар — Украина, Молдавия ва Урта Осиёдан миллион тоннадан кўпроқ сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти билан бир ярим миллион тонна атрофида мева-чева ҳамда узум келтириш зарур экан. Сабзавотдан бир қисмини теплицалар барпо этиб, ўша ернинг ўзида етиштирса булар экан. Тўғри, бу иш катта маблағ сарф этишни талаб этади, бунинг устига панада етиштирилган маҳсулот билан қуёш сотида етиштирилган маҳсулотнинг сифатини тенглаштириб бўлмайди асло. Олимларнинг ҳисоблари шуни кўрсатадики, витаминга бой маҳсулотлар етиштириладиган экинзор ҳамда боғларни Сибирга яқин ерлар — Урта Осиёда барпо этиш мақсадга мувофиқ экан. Ана шунда мамлакатнинг фақат транспортга қиладиган чиқими йилига бир миллиард атрофида камаяр экан.

Жамиятшунослар аҳамияти бундан кам бўлмаган бир омилга эътибор берадилар: мева ва сабзавот таъминотини яхшилаш Шимол бойликларини ўзлаштирувчи кадрлар турғунлиги имконини яратади. Демак, жануб далаларига сув етказиб бериш билан Сибирь ҳазиналаридан фойдаланишни муваффақиятлироқ олиб боришимиз мумкин.

Сибирнинг мўл-кўл сувларининг бир қисми келиши билан Урта Осиё ҳамда Козоғистонда талай миллионлаб гектар қўриқ ерлар суғорилади, миллионлаб одамлар иш билан таъмин этилади, янги-янги шаҳарлар, ўнлаб саноат корхоналари барпо қилинади. Пахта, сабзавот, мева етиштириладиган воҳалар бунёдга келтирилади. КПСС XXVI съездида Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини жанубга йўналтиришнинг аҳамияти тўғрисида ишонарли — асосли қилиб айтилди, хусусан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ўз сўзида бу лойиҳанинг татбиқ этилиши «...суғориладиган деҳқончиликнинг янги ноёб ва фоят унумли районини вужудга келтириш имконини беради, озиқ-овқат программасини ҳал этишга қўшилган катта ҳисса бўлади», дея таъкидлаб ўтди.

Хўш, Сибирь сувининг келиши, масалан, Ўзбекистонга бевосита нима беради? Бу саволга «Узгипрозем» институтининг бош инженер ўринбосари В. Н. Гречихин ва ўша институтнинг бош мутахассиси М. И. Кочубейлар томонидан конференцияга тақдим этилган доклад жавоб беради. Уларнинг хомчўтларича суғориладиган ерларнинг ўн миллион гектарга (шу жумладан 3,5 миллион гектар деҳқончилик қилинаётган зоналарда, етти миллион гектар янги суғориладиган ерлар зонасида) ортишини кутса бўлади. Бу программани амалга ошириш шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг агросаноат комплекси амалда изга тушиб кетади: «Изга тушиб кетади» деган ибора устида бир мулоҳаза қилиб кўринг-а! У бизга шу нарсдан далолат бериб турибдики, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ҳамда хом ашёни қайта ишлайдиган саноат соҳасида нимагаки эга бўлсак, қисқаси, биз фахрланадиган жамики нарса уч қарра ортади. У чоғда қишлоқ хўжалиги соҳасига етти миллион киши жалб этилади, шу жумладан янги суғориладиган зоналарга 4,6 миллион киши. Бироқ сўнгги рақам узил-кесил рақам эмас, нега деганда, янги суғориладиган районларда агросаноат комплекс тараққиёти этади, булар учун эса ана шунча одам керак.

Мазкур ҳисоб-китоб ер фондимизнинг максимал имкониятларидан келиб чиқиб қилинган, яъни ер ўзлаштиришнинг амалдаги усуллари билангина хўжаликка қўйиш мумкин бўлган майдонларни назарда тутаяди. Айниқсанги ишлов бериш муш-

кул, яроқсиз саналган, фан томонидан ўзлаштиришнинг арзон йўллари ҳали топилмаган ерлар мазкур рақамлардан четда қолгани ўз-ўзидан тушунарли. Уларни инсон хизматиға солиш — узоқ келажақнинг иши.

Сибирь сувини буришнинг биринчи навбати жамики ўзлаштирилмай ётган ерларни таъминлаёлмаслиги ҳаммамизға равшан, албатта. Майдонларнинг энг яхшилари ва ўзлаштириш осонроқларидан фойдаланилиши турган гап.

Бошқа бир, Ўзбекистон Фанлар академияси Ишлаб чиқариш кучларини ўрғаниш бўйича Совети томонидан келтирилган ҳисоботда республикадаги янги суғориладиган ерлар майдони уч миллион гектарни ташкил этади. Бу Орол денгизига 60 куб-километр Сибирь суви қуйилиб туриши шарти билангина.

Иқтисодчилар ҳозир ўз планларини ишлаб чиқишда айнан шу рақамға асосланмоқдалар. Шу миқёсдаги обиҳаёт қўшни республикалар ўртасида тақсимланиши лозим. Сувнинг бир қисмидан йўлакай, масалан, Қозоғистонда фойдаланилади. Туркменистон ССР Сибирь суви шарофати билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришиға қўриқ ерлардан йирик-йирик массивларни қўшади. Ҳозирги кунда эса, бу республикада суғориш учун яроқли бўлган 12 миллион гектар ернинг бор-йўғи бир миллион гектаридан фойдаланилماпти, холос.

Катта сувнинг келиши Қозоғистон ҳамда Урта Осиёнинг ноёб фойдали қазилма бойлик конларини топиш ва ўзлаштириш бобида муҳим босқич бўлади — сув бўлма-са нафақат қишлоқ хўжалиги, шунингдек, саноатнинг ҳам ривожланиши ақлга сиймайдиган гап. Мана, масалан, бир тонна пўлат эритиш учун 15—20 куб, бир тонна сунъий тола олиш учун эса 6 минг куб-метрғача сув зарур! Сибирь сувлари бир қатор нодир минерал хом ашё конларини ўзлаштириш имконини беради, сув бўлмаса улардан фойдаланишни ҳатто планлаштира олмадик ҳам.

Турган гапки, сув шаҳарларнинг бундан буёнги тараққиёти учун ҳам зарурдир. Ҳисоблаб чиқилишича, бир кишининг бир йил яшаши учун 270 тонна сув сарфлаш талаб қилинар экан.

Қўлбола дарё мамлакатнинг иқтисодий районлари ўртасидаги хўжалик алоқаларининг мустақамланишиға имкон беради. Ҳаддан зиёд узунликда қазилажак канал — Совет Иттифоқининг бўлажак яхлит сув хўжалиги системасининг муҳим ҳалқаси бўлмиш Осиё қисмининг бирлашган сув хўжалигининг бошланишиға асос солади.

Қадим-қадим замонлар, музлик даврларда кўҳна Сибирь дарёлари — Обь ва Енисей шимолға эмас, жанубға — Ғарбий Сибирь пасттекислиги билан Орол-Каспий пасттекисликларини бирлаштирган Тўрғай дарвозаси орқали жанубға оққан. Вақт ўтиши билан йўлни тўсиб ётган ҳайбатли муз тоғлари эриб, ортға чекинган, Тўрғай дарвозаси эса ер қобиғининг ҳаракатға келиши билан сув сатҳидан баландға кўтарилиб қолган. Шундай қилиб, дарвоза беркилгану, дарёлар жанубий бепоён кенгликларни обиҳаётсиз қолдириб, шимолға қараб янги йўл толган. Бугунги кунда совет кишилари табиат «хатосини» тўғрилаш тадориқини кўрмоқдалар. Хулласи калом, Обь ва Иртиш, истиқболда эса Енисейлар Сирдарё ва Амударёға мадад қўлларини чўзадилар.

Улканнинг икки буюқ дарёси этакларини ўзлаштириш жараёнида бу жойларда тўрт минг йиллар аввалроқ вужудға келган қадимий суғориладиган ерлардан ҳам фойдаланилади. Форс, араб ва мўғул босқинчилари ва ўзаро феодал урушлари оқибатида кўплаб суғориш иншоотлари вайрон бўлган ва серҳосил ерларнинг хатта-катта майдонларини қум босиб кетган. Шундай бўлса-да, инсон қўли тегмаган саҳрони ўзлаштиришдан кўра ана шу майдонларни ҳосилдор ерга айлантириш хийла осонроқ. Аниқланишича, суғориш таъсирида воҳаларда ҳосил берадиган сунъий тупроқ шакланган бўлиб, унинг монанди табиатда йўқ. Шу сабабдан археологлар уларнинг муфассал хариталарини тузадилар, суғориш системасини синчиклаб, пухта ўрғанадилар. Ана шу материалларнинг бари бизнинг кунимизда ер ўзлаштирувчиларға хизмат қила бошлади. Олимпларнинг таъкидлашларича, қадимда суғориладиган майдонларнинг тупроғи мақбул таркибға эга, одатда кам шўрланган ва унинг таркибида суғорилмаган майдонларнинг ериға қараганда ўсимликлар учун фойдали бўлган модалар кўпроқ. Замонавий катта каналлар йўналишини танлаганда ва майда суғориш шохобчаларини лойиҳалаш жараёнида қадимий миробларнинг тажрибаларини эътиборға олиш зарур.

Амударё ва Сирдарё мансабининг келажақдаги тараққиёти — СССРда иккинчи (Каспий денгизидан кейин), дунёда тўртинчи ўринда турадиган суви чиқиб кетмайдиган йирик кўл — Орол денгизи тақдири билан чамбарчас боғлиқдир.

Дарёлардан суғоришға катта миқдорда сув олингани сабабли Оролнинг сатҳи етти метр пастланган, кейинги йилларда тагин ҳам пасаяверади. Сув бандаргоҳлардан, чўмилиш жойлардан зуд чекиняпти, балиқ тухум қўядиган хилватгоҳларни шитоб-ла ташлаб кетяпти... Ана шуларнинг жами нафақат Оролбўйи аҳлини, балки бутун мамлакат жамоатчилигини ниҳоятда ташвишға солиб қўйди. Орол денгизининг тақдири ҳақида матбуотда кўплаб ёзилди. Аммо, бу чиқишларнинг аксарияти ғирт ҳиссиётға берилиш руҳида ёзилиб, кўрилаётган зиён тўғрисида умумий гаплар билан чегараланиб қолинган.

Биринчи марта рақамларға асосланган аниқ-равшан гапларни мазкур иқтисодчи

олимлар анжуманида эшитишга муяссар бўлдим. Ўзбекистон Фанлар академияси Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш совети ходимлари ўз зиммаларига юкланган — Орол денгизи суви камайишининг оқибатларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан баҳолаш юзасидан олиб борган ишлари натижалари билан таништирдилар. Мазкур илмий текшириш маркази олимларига иқтисодий жиҳатдан кўрилажак зарарни етарлича аниқ белгилаш имконини берадиган махсус методика ишлаб чиқишларига тўғри келган. Бундан ташқари, улар томонидан денгизнинг қуриб бориши оқибатларини юмшатадиган чора-тадбирларнинг илмий асослари ишлаб чиқилган.

Ҳўш, бу жараён оқибатида Орол денгизи атроф-теварагида қандай ўзгаришлар содир бўлади? Шубҳасиз, иқлим янада қуруқлашади, континенталлашади. Денгиз сувининг озайиши билан унинг бағрида сақланадиган иссиқлик камаяди. Шунинг учун ҳавонинг ўртача ҳарорати бир-уч даража пасайиши, баҳорги аёз узоққа чўзилиши, кузги совуқлар эса эрта тушиши кутилади. Бинобарин, қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиш, етишиш даври қисқаради. Бу эса пахта ёз давомида пишиб етилиши учун зарур бўлган даражадаги иссиқликни ололмайди деган гап.

Ерларнинг чўлу саҳрога айланиш процесси ривожлана бошлади, бунинг дастлабки белгилари ҳозирроқ Қизил Ўрда ва Тошовуз районларида пайқала бошланди. Бу маълумотлар фазодаги кузатишлар билан ҳам тасдиқланяпти, туз чанглари булутларини шамол Орол атрофидан Тянь Шань ва Копетдоғ томонларига суриб бораётгани коинотдан туриб пайқалган.

Яна бир нарса. Келажакда Орол бўйларидаги миллион гектарлик майдонни эгаллаган Амударё ва Сирдарё мансабларидаги ерларни таназул кутяпти. Ҳозирча экиб-тиклайдиган мавзеларга қурғоқчиллашиш жараёни тақалиб келганича йўқ ва унинг бу мавзеларга ҳамласини ҳозирдан олдини олса бўлади деб ҳисоблашяпти Ўзбекистон Фанлар академияси Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш совети ходимлари. Бу ерларни Сибирь сувининг ўз вақтида етиб келиши қутқариб қолади, албатта. Лекин ҳозирданоқ қурғоқчиллашиш процессини олдини олиш учун маҳаллий тадбиру чораларни қўлламай, шимол сувини буришга умид боғлаб ўлтиривериш нотўғри бўларди. Негакки, ҳали излаш-текшириш ва лойihalаш ишлари давом этиб, канал қурилиши бошланиши ҳақда аниқ бир муддат белгиланганча йўқ. Қурилиши бошлаш эса у ёки бу сабабларга кўра чўзилиб кетиши мумкин, у чоғда дарёлар мансабидаги тупроқ ўзгариши процесси тузатиб бўлмайдиган ҳолга келиб қолиши ва бунинг олдини олиш фурсати ўтиб кетиши ҳеч гап эмас. Қўлдан чиқариб юборилган нарсани қайта тиклаш, хатони тузатиш учун эса миллиард-миллиард сўмлаб маблағ сарфлаш зарур бўлади. Башарти, фурсатни ўтказмай Ўзбекистон Фанлар академияси Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш Совети тавсия этган комплекс чораларни амалга оширишни бошлаб юборилса, бунга йўл қўймаслик мумкин. У пайтда табиатдаги ўзгаришлар бизни гафлатда қолдирилмайди.

Яқин орада қилиниши зарур бўлган тадбирлардан бири — Оролбўйи қишлоқ хўжалиги тузилишини бутунича қайта ташкил этишдир. Афтидан, пахтачиликнинг шимоллий чегарасини жануброққа суришга тўғри келади, Қорақалпоғистонда буни яхши гушунишади ва у ерда сўнгги йилларда пахтачилик учун автоном республиканинг жанубий районларидан ер очиб ишлари кенг қулоч ёйган. Автоном республиканинг шимоллий районларида эса уруғчилик учун беда экиладиган зоналар зарур. Ана шу озуқабоп йўнғична уруғининг бир центнери минг сўм туради. Шунинг учун ҳам гектаридан уч центнердан беда уруғи олинса, шунча майдондан кўтарилган 60 центнер пахтанинг даромадига тенг келади. Оролбўйининг қулай об-ҳавоси ҳар бир гектар ердан 8 центнергача беда уруғи йиғиб олиш имконини беради. Бу рақамлар ўз-ўзидан диққатни жалб этади.

Чорвачилик — яқин йиллар ичида бу ерларда жадал ривожлантирилиши лозим бўлган яна бир йўруғдир. Ушбу соҳанинг аҳамиятини таърифлу тавсифлаб ўлтириш ортиқча бўлса керак бугунги кунда.

Уйлайманки, инсоннинг Оролбўйидаги келажак фаолиятини қайтатдан ташкил этишнинг ҳамики майда-чуйда жиҳатларигача батафсил майдалаб тушунтириб ўлтиришнинг зарурати бўлмаса керак. Фақат шу нарсага эътибор бериш лозимким, бу ишда қўшни республикалар — Қозоғистон, Ўзбекистон ҳамда Туркменистоннинг ниҳоятда баҳамжиҳатлиги, фаолиятда уйғунлиги талаб қилинади. Бу ортиқча нобудгарчиликлардан қочишга кўмак беради.

Йўқотиш, нобудгарчиликларнинг бўлиши эса шаксиздир. Ҳозирдаёқ Орол — қимматбаҳо балиқ турлари таъминотчилиги родини йўқотажаги кундай равшан бўлиб турибди. Бу йўқотишларни сон жиҳатидан (сифат жиҳатидан эмас асло) ҳовуз-кўл хўжаликларини ривожлантириш ва сув омборларида балиқ урчатиш йўли билан ўрнини тўлдирса бўлади. Оролбўйида мўйначилик ҳайвонлари ҳам камая бошлади — дарё қуйилишларининг қуриб — саёзланиб бориши ондатра мўйнаси тайёрловчиларга катта таъсир кўрсатди. Сувнинг минераллашиши ҳам экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келяпти. Бу йўқотишларни сўм билан ҳисобласа бўлади. Лекин Оролнинг қуриб бориши жараёнида биз шунақанги мосуволикларга дуч келамизки, улар иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобига бўй бермайди. Гап эстетик жиҳатдан йўқотишлар устиде кетяпти, ахир, Орол — Ватанимизнинг мафтункор мавзеларидан бири-ку, ахир!

Келажакда, Урта Осиёга Сибирь сувлари келганда, саёзлашиб бораётган ден-

ғизнинг суви тағин ўз жойига қайтиб кўтарилади. Бироқ табиатнинг дастлабки ҳолига қайтаришга илож ҳам, имкон ҳам бўлмаслиги шу кунларда яққол кўринапти.

Ишлатаётган сувларимизнинг ҳисоб-китоби ана шунақа!.. Дарвоқе унинг нархи-баҳоси қанча бўлди экан?

Шаҳарлик ҳар ой сайин сувдан фойдаланганлиги учун кирим кассасига озроқ бўлса-да ҳақ тўлаб туради. Пайкалларини дарё-дарё сув билан суғорадиган колхоз ёки совхоз эса мутлақо ҳеч нима тўламайди. Электр қувватига ҳақ тўлайди-ю, сувга эса тўламайди, гарчи, ўша электр қувватини давлат сувни насосдан чиқариб беришга сарфласа ҳам. Биргина Ўзбекистоннинг ўзидагина тахминан ҳар уч гектар экин май-донидан бири насослар ёрдамида суғорилади. Қўлбола дарёлар ёқалаб ўрнатилган электр насосларнинг ишлаб туриши учун йилига чор Россиясидаги жамики электростанциялар ишлаб чиқарган қувватга тенг электроэнергия талаб қилинади. Ўзбекистоннинг миқёс-кўлами ана шунчалар ўзгариб кетган.

Шунга қарамай, далага етказиб бериш учун инсон шунчалик меҳнат сарфлайдиган сув суғорувчи наздида текиндай гап.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда бир марта, эллингичи йилларда, сув учун ҳақ тўлаш жорий этилганлигини, бироқ кейин уни бекор қилинганлигини эсга олдилар. Ўша пайтларда бу қарор ўринли бўлганди — негаки фан у йилларда сувдан фойдаланишнинг етарлича асосланган нормаларини тавсия этишга ожизлик қиларди-да. Амалда шундай бўлиб чиқдики, ишлов бериш қийин ерларни ўзлаштирган, ернинг шўрини ювиш учун кўплаб сув талаб қилинадиган хўжаликлар қўшимча сарфу харажат қила бошладилар. Оқибатда бундай хўжаликлар қўриқ ер очганлари эвазига мукофот олиш ўрнига сувни ортиқча ишлатганлари учун жарима тўлардилар ва кўрсатган ташаббускорликларининг, қўриқ очганларининг товонига қолардилар. Нарх сиёсати — нозик иқтисодий сиёсат. Базан у мутлақо қутилмаган натижалар беради. Шундай бўлса-да, амалиёт сувни асраб-авайлаб сарфлаш манфаати йўлида яна ҳақ тўлашни жорий этишни тақозо этмоқда. Шунинг учун анжуман сув учун ҳақ олишнинг мукамал тартибини ишлаб чиқишни тақлиф қилди ва бу тартибни айрим районларда тажрибадан ўтказиб ҳамда маъқул келгачгина аста-секинлик билан жорий этишни тасвия қилади. Кейин, сувни қатъий ҳисобга олиш масаласи билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам ҳал қилиш зарур. Ҳозирча бу масала амалда йўқ, негаки колхоз ва совхозларда сув ҳажмини ўлчайдиган қурилма-ускуналар йўқ, шу сабабли бўлим ҳамда бригадаларга берилаётган сув ҳажми «кўз билан чамалаб» аниқланади. Сувни ҳисоблайдиган асбоб-ускуналар бугунги кунда илмий-төқшириш институтларининг тажриба участкаларидагина ўрнатилган.

Сув учун ҳақ олишнинг муҳим ва актуаллиги эндиликда, Сибирь дарёларининг сувини кутиб олишга тайёргарлик кўраётган пайтимизда айниқсанги ошиб кетди. Олисдан келадиган сувнинг ҳар бир куб метри 80 тийинга тушади. Аммо бу, иқтисодчиларнинг ҳисоблаб чиқишларича, ҳар қалай асримизнинг охириларигача режалаштирилаётган, мавжуд суғориш иншоотларини қайта қуриш билан маҳаллий резервлардан «олинадиган» сувдан деярли икки баравар арзонроқ тушади. Сабабки, қайта қуриш — яъни, каналларга «бетон қўйлақ» кийдириш қиммат туради. Машинасозлар деталь ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш катта харажатларни талаб этишини жуда яхши билишади. Бу харажатлар ишлов бериш даражасининг ўсиши билан кескин ортиб боради. Худди шунингдек ирригация «такомили» ҳам озмунча маблағ талаб қилмайди. Лекин ушбу сарф-харажатсиз ирригация системасининг фойдали иш коэффицентини кўтариб бўлмайди. Шундоқ экан, иқтисодчиларнинг иши «такомилга етказишнинг» оқилона чегараларини аниқлаб беришдан иборатдир, албатта.

Анжуман кўрсатганидек, экономика фани олдида турган вазифалар оз эмас. Ана шу муҳим вазифалардан бири — табиатнинг бебаҳо бойлиги — сувдан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни йўлга қўйишга имкон яратиб берадиган муносиб иқтисодий механизмларни топишдир.

Илмий конференциядан олган таассуротлар ҳақидаги мақолани тугатар эканман, олимлар анжуманининг асосий якун-хулосасини келтирмоқчиман: Сибирдан Урта Осиёга сунъий дарё йўллаш — мутлақо зарурий ишдир. Бу лойиҳани маҳаллий сув заҳиралари тугаши муддати билан Сибирь сувининг етиб келиши фурсати оралғида узилиш бўлиб қолмайдиган қилиб тезроқ амалга ошириш лозим. Бу ишда сусткашлик жиддий иқтисодий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Ҳар ҳолда умид қиламиз, яқин келажақда бу улкан қурилиш бошлаб юбориларди. Ва у энг улғувор режаларни амалга ошириш учун бутун куч-ғайратларини жамлаб, бир жон, бир тан бўлиб улкан ишларга енг шимарган совет халқлари қардошлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлажак.

Шарқда: «Қаловини топсанг — қор ёнади» деган нақл бор. Совет халқлари дарёларни орқасига оқишишу тоғларни қўпориш масалаларига, яъни қаловини топишга аллақачонлар киришиб кетганлар.

**Эркин МИРОБИДОВ**  
таржимаси.



Абдумажид Мадраимов,

санъатшунослик кандидати

# СЕҲРАИ МУЙҚАЛАМ СОҲИБИ

Ўзбекистон ССР халқ рассоми, СССР Давлат ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги республика Давлат мукофотлари лауреати, профессор Чингиз Аҳмаров ўзининг бетакрор деворий расмлари, нафис китоб безаклари ва алоҳида мустақил асарлари билан ўзбек совет тасвирий санъати тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган атоқли санъаткордир. Санъатимизнинг зарварақларига қарар эканмиз — Урол Тансиқбоевнинг манзара соҳасидаги, Искандар Икромовнинг китобат санъати соҳасидаги, Абдулҳақ Абдуллаевнинг ўз замондошлари портретини яратишдаги каби хизматлари ажралиб турганини сезамиз. Худди шунингдек Чингиз Аҳмаровнинг ўзбек совет монументал санъати ривожига қўшган алоҳида ҳиссаси ва хизмати жуда катта ва беқиёсдир. Фафур Фулом номли адабиёт ва санъат нашриёти чоп қилаётган «Ўзбекистон санъат усталари» номли ажойиб альбомлари сериясининг навбатдаги сони Чингиз Аҳмаров ижодига бағишланганлиги — мазкур нозик таъб санъаткорнинг хизматларини кенг жамоатчилик томонидан яна бир қарра тан олиншидир<sup>1</sup>.

Альбомни тузувчи ва текст муаллифи республикамиздаги етакчи санъатшунослардан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдулхай Рашидович Умаровдир. Тузувчи ихчам изоҳларда атоқли рассомнинг ҳаёт йўли, ижодининг асосий босқичлари, энг муҳим асарлари, уларнинг бадий хусусиятлари тўғрисида зарур маълумотларни тушунарли тарзда етказа олган. Шубҳасиз, бу ўринда муаллифнинг рассом билан шахсан яқиндан танишлиги, унинг ҳаёти ва асарлари тўғрисида аввал ҳам махсус китоб ва мақолалар ёзгани қўл келган. Акс ҳолда, бор-йўғи сақкиз саҳифада атоқли санъаткорнинг деярли олтимиш йилдан зиёд ҳаёт йўли, қирқ йилдан ортиқ ижоди ва кўплаб расмлари тўғрисида мухтасар ва мукамал маълумот бериш осон бўлмасди.

Чингиз Аҳмаров 1912 йилда Урол тоғи яқинидаги Троицк шаҳрида, зиёли оилادا туғилди. Отаси Абдураҳмон Шарқ мамлакатлари, айниқса Урта Осиё халқлари тарихи, маданияти, санъати ва адабиётига жуда қизиққан шахс эди. Бу қизиқиш уни Туркия, Саудия Арабистони, Миср ва бошқа мамлакатларга саёҳат қилишга ундади. Отадаги қизиқиш ёш Чингизнинг ҳаёт йўлини аниқлашда ҳал қилувчи роль ўйнади.

1927 йили Аҳмаровлар оиласи Урта Осиёга кўчиб келиб, аввал Қарши, сўнгра Самарқанд шаҳарларида яшади. Бу вақтда Чингиз Пермь шаҳридаги илк марта тузилган махсус бадий билим юртида таълим олар, таътил кунларини Ўзбекистонда ўтказарди. Бу ердаги одамларни, ҳаётни, ўтмишдан қолган осориётқа меъморчилик ёдгорликларини жуда қанқоқлик ва қизиқувчанлик билан ўрганарди. Кейинчалик атоқли рассом ўзининг талабалик йилларини эслаб, «Бадий билим юрти менга санъат асосларини ўргатиб, ҳаётга йўлланма берди. Аммо менинг рассом бўлиб етишувимга ҳақиқий тамал тошини қўйган Самарқанддир», — деганди. Ёш рассом Пермь

<sup>1</sup> Чингиз Аҳмаров. Ўзбекистон санъат усталари. Тошкент., Ф. Фулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. Расмлар билан 124 бет (Альбом тексти ўзбек, рус ва инглиз тилларида).



дан ўқишни битириб келиб, Самарқанд шаҳрида ижод қилаётган бир гуруҳ санъаткорлар П. Беньков, Сиддиқий, О. Татевосян ва бошқалар билан ёнма-ён ишлаб ўз бадий маҳоратини ўстирди. Самарқанддаги илк ижодий жараён, ўзидан каттароқ ва малакалироқ рассомлар билан мулоқотда бўлиш ёш санъаткорда яна ўқиш истагини туғдирди.

1935 йили Чингиз Аҳмаров Москвадаги Олий бадий институтга ўқишга кирди, уни тугатгач, институт қошида аспирантурани ҳам битириб чиқди. Институтдаги ўқитувчиларнинг аксарияти атоқли рассомлар, санъатшунослардан ташкил топган бўлиб, улар совет тасвирий санъати тараққиётига алоҳида хизмат қилган кишилар эдилар. И. Грабарь, В. Фаворский, Н. Чернишев ва бошқалар раҳбарлигида Чингиз Аҳмаров рассомлик сирларини кунт билан ўрганди, жаҳон тасвирий санъати тарихи, улуғ рус реалист рассомлари ижодини янада мукамалроқ ўзлаштирди, уларнинг таъсирида ёш рассомнинг дунёқараши шакллана борди.

Ёш ижодкорга илк шўхрат келтирган, уни танитган йирик асарлари Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат Академик Катта театр залларини безаш учун чизган деворий расмлар шажараси эди. Бу асарлар фақатгина ёш рассом ижодидагина эмас, балки республикаимиз, ҳатто кенг маънода совет монументал санъати соҳасидаги Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда яратилган йирик ҳодиса бўлдилар. Умуман мазкур театрнинг ажойиб биносининг яратилиши, гўзал нақшлар ва расмлар билан зийнатланиши республикаимиз бадий ҳаётида катта воқеа эди. Шунинг учун ҳам театр ижодкорлари — академик меймор А. Шчусев, машҳур наққош Уста Ширин Муродов ва бошқалар каторида Чингиз Аҳмаровнинг СССР Давлат мукофотига сазовор бўлиши рассомнинг йирик ижодий муваффақияти эди.

Қарий эллик йиллик ижоди давомида Чингиз Аҳмаров кенг жамоатчиликка манзур бўлган турли мавзуларда жуда кўп хилма-хил асарлар яратди. Бу асарларнинг ҳаммасига хос бир умумийлик, муштараклик, яхлит услуб, қатъий ижодий принцип мазҳуддир. Бу ҳам бўлса, бизнинг фикримизча, асарлардаги чизиқлар назокати, ранглар уйғунлиги, тарҳининг мукамаллиги, қолаверса, уларнинг ҳаётни, одамларни янада гўзалроқ, олижаноброқ ва яхшироқ бўлишга ундаш ғоисидир. Умуман, Чингиз Аҳмаров асарларини ўзгаларники билан адаштириш мумкин эмас. Бу жиҳатдан унинг ижодий принциплари, ҳаётий позицияси Искандар Икромов ижодига ҳамоҳанг ва яқин туради.

Чингиз Аҳмаров ва Искандар Икромов маълум даражада ўз асарларида ўтмиш мусаввирлари, наққошлари ва китобат санъати аҳли ижодий аънаналарини ўзбек совет санъати талабларидан келиб чиқиб ривожлантирдилар ва бу соҳада катта ижодий муваффақиятга эришдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг асарлари халқимиз учун тушунарли ва қадрлидир.

Ўтмиш мусаввирларининг аънаналари таъсирида яратилган энг ёрқин асарлар сифатида Чингиз Аҳмаровнинг Алишер Навоий номли театр залларини безаб турган тўрт катта бадий лавҳани кўрсатиш мумкин. Бу лавҳалар улуғ шоирнинг барҳаёт ғоялари сингдирилган «Хамса» туркумига кирувчи дostonларининг энг муҳим воқеаларини тасвирлайди.

Навоий асарларига мусаввирлар ўтмишда қайта-қайта мурожаат қилишган, улардан илҳомланиб, таъсирланиб жуда кўплаб ва турли савияда расмлар яратганлар. Аммо Чингиз Аҳмаров яратган расмларда, гарчи мавзу танлашда, баъзи образлар ечимида, айрим ўринларда ўтмиш мусаввирларининг аънаналарини сезилса-да, композицион ечим ва ранглар танланишида, кўпчилик образлар талқинида змонавий монументал рассомлик талабларидан ёндошилган ҳамда зални безаб турган ажойиб ганч нақшлари билан уйғунлаштирилган ҳолда яратилган. Расмлардаги маъно Улуғ Ватан урушида ғолиб чиққан совет халқининг яратувчилик кайфиятига мосдир. Масалан, уларнинг бирида Фарҳоднинг янги каналга сув қўйиши, кўришга келган Ширин; иккинчисида эса, улуғ шоир орзу қилган одил шоҳ Искандарнинг халқларни Яъжуж-Маъжуж офатидан сақлаш учун улкан девор қуриш жараёнини тасвирлаган лавҳалар жуда жонли ва таъсирчан чиққан. Халқ манфаати йўлида меҳнат билан машғул бўлган олижаноб кишиларни кўйловчи ажойиб қўшиқдай туюлади томошабинга, гўёки улуғ шоирнинг инсонпарварлик ғоялари рассом мўйқаламида янгича оҳанг, янгича жаранг топган.

Умуман олганда, альбом тўпловчиси Чингиз Аҳмаровнинг қирқ йилдан ортиқ вақт давомида яратган асарларини синчковлик билан ўрганиб, яхши ва характерлиларини танлаб олган. Китобхонда санъаткор иқтидорининг энг муҳим қирралари тўғрисида муфассал таассурот ва маълумот ҳосил бўлишига эришган. Агар илгари биронта санъат мухлиси Чингиз Аҳмаров асарлари билан танишмоқчи бўлганда эди, у кўплаб майда альбомларни варақлаши, Тошкентдек шаҳри азимни (шу шаҳарда Ч. Аҳмаровнинг аксарият асарлари сақланади), Андижон, Самарқанд, Бухороларни, мамлакатимиз пойтахти Москва билан биргаликда Қозон ва Сочи шаҳарларини ҳам бориб кўришга мажбур бўларди. Юқори полиграфик савияда чоп этилган ажойиб ва гўзал альбом эса уни шу сарсонгарчиликдан халос этади.

Қайд этиш лозимки, атоқли рассомнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар турли мақолалар, альбомлар, монография ва махсус тадқиқотларда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган. Аммо мазкур альбом Чингиз Аҳмаровни ижодкор инсон сифати-

даги қиёфасини энг яхши, тўла ва мукаммал акс эттирган. Шунинг билан бирга, Гафур Фулом номли Адабиёт ва санъат нашриётининг ўзбек совет мусаввирлари ҳаёти ва ижодига оид сериядаги, рассомчилигимиз ютуқларини намойиш этадиган альбомлар ичидаги энг яхши нашр деб эътироф этиш ўринлидир.

Альбомда илова тарзида устоз санъаткорнинг энг асосий асарларидан саксон иккита рангли, саккизта оқ-қора ва йигирмата қоралама расмлар фотоси берилган. Улар юқориди айтиб ўтилгандек, Чингиз Аҳмаровнинг ижод йўли, маҳоратининг шаклланиши ва ривожини, унинг ўзбек совет тасвирий санъати тараққиётига қўшган муҳим ва сэлмоқли хиссаси тўғрисида кенг ва атрофлича маълумот беради. Айрим деворий расмларнинг альбомда аввал тўлалигича, сўнгра эса энг муҳим парча, қисм ва лавҳаларнинг алоҳида қайтарилиши мақсадга мувофиқ чиққан. Чунки, Аҳмаровнинг аксарият деворий расмлари умумий фалсафий фикр билан йўғрилган бўлиб, айрим лавҳа ёки парчалар маълум даражада мустақилликка ҳам эгадир. Мана шундай кенг кўламли фалсафий мазмунга эга юксак бадий хусусиятларга молик асарлар қаторида рассомнинг Адишер Навоий номли Давлат адабиёт музейидаги улуғ шоир лирикасига бағишланган, Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти фойесидидаги, Самарқанд шаҳридаги «Юлдуз» қсихона-ресторани залидаги, Сочидаги «Ўзбекистон» санаторийи саксали залдаги расмларини кўрсатиш мумкин.

Адабиёт музейининг катта залидаги Алишер Навоий шеърятига бағишланган деворий расмлар атоқли рассом ижодида алоҳида ўрин тутди. Бу ўнта расм лавҳада «кўп ва хўб шеър айтган» Алишер Навоий шеърятининг тематик кенг кўламлигини, бадий юксаклигини очиб берадиган шеърини парчалар мазмуни акс эттирилиб, улар шоир поэзияси мазмунан бой, юксак маҳорат меваси ва чуқур инсонпарварлик ғояларини тараннум этишини яна бир қарра тасдиқлайди. Гўёки, расмларда улуғ шоирнинг ажойиб мисралари рассом мўйқалами туфайли яна янги маъно, янгича таъсир кашф этгандек кўринади. Мана, шоир тасвирлаган гўзал — чанг торларини чертиб ўз дардини муסיқа оҳанглари воситасида ифода қилмоқда. Гўзал тасвирининг бир оз юқорисида настаълик хатида шоирнинг қуйидаги шеърини матлаъси битилган:

«Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажабким, сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур».

Ёки, яна бир лавҳада ёш лирик қаҳрамон ҳол-беҳол, истар-истамас дутор чақиб ўз дардини куйламоқда. Унинг ёнида шоирнинг қуйидаги сатрлари ёзилган:

«Не наво соз айлағай, булбул гулистондин жудо,  
Айламас, тўти такаллум, шаққаристондин жудо».

Умуман, девордаги ҳар бир лавҳа, расм алоҳида мазмунга, мустақил композицион ечимга эга бўлса-да, улар ягона манзара фониди ўзаро боғланиб, уйғунлашиб, гўёки ягона катта эпик полотнодек туюлади. Улуғ шоирнинг ажойиб шеърларини ўқиб, атоқли рассомнинг нафосатга тўла жозибадор расмларидан завқланиб, томошабин гўё ўзини шеърят ва гўзаллик чаманига беҳосдан тушиб қолгандай ҳис қилади, улуғ шоир даҳосига, шоиртаъб рассом маҳоратига таҳсин ўқийди.

Музейдаги ана шу деворий расмлари учун ва ўзбек совет тасвирий санъати тараққиётига қўшган хизмати учун Чингиз Аҳмаров Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли республика Давлат мукофоти лауреати бўлди.

Атоқли рассом кенг кўламли, мураккаб композицияли, кўп персонажли монументал деворий расмлар қаторида алоҳида расмларни ҳам катта маҳорат ва юксак дид билан ижод қилади. Бунга мисол тариқасида Алишер Навоийнинг «Сабъан сайёр» номли достонидаги етти гўзал тасвири, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги санъатшунослик институтидаги алоҳида расмлар ва бошқаларни эслатиб ўтиш кифоя. Албатта бу расмларда гўзал инсон қиёфасини яратишдаги ижодкор орзуси, унинг идеали етакчилик қилади. Бундай асарлари билан санъаткор томошабинни янада кўркамроқ бўлишга ундаётгандай туюлади.

Устоз санъаткор ижоди хусусидаги фикрларимизни ҳулоса қилиб шуни айтиш керакки, у ўз асарларида бошлаб берган ва изчиллик билан ривожлантирган ижодий тенденция — шарқ миниатюра анъаналарини ўзбек совет рассомчилигининг бугунги талабларидан келиб чиқиб ривожлантиришдир. Бу тенденция республикамизнинг ёш рассомларигина эмас, балки бошқа республикада, жумладан Тожикистон ёш рассомлари ижодида ҳам намоён бўлмоқда. Бу эса Чингиз Аҳмаров ижоди Урта Осиё республикаларида ҳам обрў эътиборга сазовор эканлигидан далолат беради.

Чингиз Аҳмаров шахсияти хусусида фикр юритилганда унинг саҳий ва беминнат мураббий, олижаноб инсон эканлигини ҳам унутмаслик керак. Бугунги кунда мустақил ижод йўлини топиб олган қобилиятли ёш рассомлардан Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Тўхтабек Соипов, Темур Саъдуллаев ва бошқалар тасвирий санъат сирларини эгаллашда бағри кенг мураббий, устоз санъаткорнинг ҳар тарафлама ёрдами ва маслаҳатларидан баҳраманд бўлганлар ва бўлиб келмоқдалар.

Умуман, Чингиз Аҳмаров ижодида бағишланган махсус альбом юқори полиграфик савияда чоп этилиши унинг мухлислари ва гўзаллик шайдолари учун ажойиб тўхфадир.



## ФАЙЗ АХМАД ФАЙЗ ЕТМИШ ЁШДА

Покистонлик атоқли шоир, жамоат арбоби, Тинчликни сақлаш бўйича Халқаро Ленин мукофоти лауреати Файз Аҳмад Файз етмиш ёшга кирди.

Унинг қисқача таржимаи ҳоли шундай: 1911 йили Силкот шаҳрида туғилди. Силкот ва Амритсар коллежларида сабоқ олди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида армияда хизмат қилди. Кейинчалик инглиз ва урду тилларида чиқадиган «Пакистан таймс» ҳамда «Имрўз» («Бугун») рўзномаларининг бош муҳаррири бўлиб ишлади. 1951 йили сиёсий жиноятчи сифатида турмага қамалди ва 1955 йилда озод қилинди. Шундан бери У Покистон халқларининг манфаатлари, равнақи, миллий, моддий ва маънавий озодликлари учун тинимсиз курашиб келмоқда: унинг ҳақиқатгўй, халқпарвар, ватанпарвар овози шеърлари қанотидан Осиё, Африка, Европа қитъалари бўйлаб эркин парвоз қилмоқда, ХХ аср

кишиларини озод, фаол яшамоққа чорламоқда.

Файз Аҳмад Файз урду тилида ижод қилади. Урду адабиётининг кейинги қирқ йиллик тараққиётида ёрқин из қолдирган санъаткор. Шоирнинг «Фарёдли нақшлар» (1941), «Шамолнинг қўли» (1952), «Зиндоннома» (1957), «Тош остидаги қўл» (1963), «Сина водийси» (1971) каби шеъррий китоблари, адабий-танқидий мақоалари жамланган «Мезон» (1962) тўплами, турмадан ёзган хатларини ўз ичига олган «Мен ўтирган зиндон туйнугининг панжараси» номли асарлари Покистон халқлари онгида инқилобий руҳни, миллий фахрни, ғанимларига нисбатан қаҳрини уйғотган, элу халқни шарафлаётган ва у билан бирга нафас олаётган китоблар бўлиб қолди.

Маълумки, Покистон давлат сифатида ҳали жуда ёш: Файз Аҳмад Файзнинг ўзи айтганидек, «Покистоннинг сиёсий-ижтимоий тарихи 1947 йилнинг 15 августидан бошланади — шунгача оламда Покистон деган гапнинг ўзи йўқ эди, худди шунингдек, покистонликлар деган одамлар ҳақида ҳам ҳеч ким эшитмаганди. Баъзи бир кичик қабилаларни ҳисобга олмаганда, бизнинг аجدодларимиз мусулмон динида бўлган ва ўша пайтларда Ҳиндистон тасарруфидаги ерларда яшагани учун ҳам «ҳинд мусулмонлари» деб аталган».

Ҳақиқатан ҳам, Покистон Ислоҳ Республикасидаги сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар, мамлакат иқтисодий ҳаётини юксалтириш билан бир қаторда, урду, ланжоб, синдх, пушту, белуж тилларида яратилаётган умумпокистон адабиётининг равнақи ҳам таъсир кўрсатди. Файз Аҳмад Файз ўзига замондош шоир ва адиблар — Сажжод Зоҳир, Ниёз Ҳайдар, Фироқ Горакхпури, Премчанд, Кришан Чандрлар билан бирга бугунги урду адабиётининг шаклланишига, тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Файз Аҳмад Файз жуда катта ва қадимий тажрибаларга бой урду шеърляти салафлари бўлмиш Мирзо Ғолиб, Муҳам-



мад Иқбол анъаналарини давом эттириб, бугунги жаҳон адабиётидаги энг яхши анъаналардан фойдаланиб, покстон шеърлятига янги бир рух олиб кирди. Унинг ғазаллари, қасидалари, марсиялари ва айниқса кейинги йилларда кўпроқ мурожаат қилаётган эркин шеърлярида граждандлик туйғулари, ўткир сиёсий-ижтимоий масалаларни кўтариб чиқаётган ва уларга кескин, ҳаққоний муносабат билдираётган жонкуяр шоир овози баралла янграб туради.

«Иностранная литература» журналида босилган бир интервьюда (1975, 2-сон) Файз Аҳмад Файз шундай дейди:

«... Шеърлятимиздаги янги оҳанглар бизнинг ижодий зиёлиларимиз жаҳон шеърлятидаги энг яхши граждандлик лирикаси намуналари билан, хусусан, Владимир Маяковский, Нозим Ҳикмат, Пабло Неруда асарлари билан танишгандан кейингина пайдо бўлди.

...Адабиётни турғунликдан қутқариш учун баъзида биргина доҳиёна китобнинг ўзи кифоя қилади. Аммо бундай китобнинг туғилиши учун тоза ҳаво ва дунёнинг кенглигини англаш, ҳис қилиш туйғуси керак. Худди шу маънода мен бадиий адабиёт

таржимаси масалалари устида тўхталмоқчиман. Мустамлакачиликнинг ҳали ҳам давом этаётган асоратларидан қутула боришимиз баробарида бизнинг ўқувчиларимиз Англия ва Америка китобларисиз ҳам кунлари ўтишини, дунёнинг кенглигини англамоқдалар; Покистонда Совет Иттифоқи адабиёти намуналарига қизиқиш муттасил ортиб боряпти».

Совет адабиётининг мухлиси, тарғиботчиси бўлган Файз Аҳмад Файз Расул Ҳамзатов шеърлярини, В. Шукшин ҳикоялари ва Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» каби қиссаларини урду тилига таржима қилиб, покстон ва совет халқи ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшди.

Файз Аҳмад Файз Ўзбекистонда жуда кўп марта бўлган. Унинг халқимизга таниш овози, кўп сўзлари таржимасиз ҳам тушуниладиган урдуча шиддатли шеърляри жуда кўп минбарларда, радио ва телевидениеда янграган.

Ҳурматли журналхон, мана, табаррук етмиш ёшга тўлган, дунёга бугунги шарқнинг атоқли шоири бўлиб танилган Файз Аҳмад Файз сизга «Шарқ юлдузи» минбаридан туриб шеър ўқийди...

Файз Аҳмад Файз

## СЎЗЛА!

Сўзла! Сўзла, овозинг ҳамон янграб тураркан!  
Сўзла, сўнмас ҳақиқат ҳавосидан нафас ол!  
Сўзла, жасур юрагинг ҳамон дук-дук ураркан,  
Сўзла, ҳамон вужуд-ла руҳ бир экан, сўзлаб қол!

Кўз ташла: темирчининг кўрасида ёнар ўт,  
Оловнинг нафасидан бўшашиб, титрар темир,—  
Қалитимиз қулфларни оча борар кетма-кет,  
Занжирлар илон каби сирғалиб, қочар бир-бир!..

Сўзла!.. Сенинг умринг ҳам оз қолгани аниқдир...  
Жим турма, яша доим қисматга бўйинсунмай!  
Сўзла, ҳамон ҳақиқат юлдузлари ёниқдир,—  
Соч ўтли сўзларингни душман устига тинмай!

## Яна Дахкада кўришдик

Юз кўришдик биз, ниҳоят, бари ўтгандан кейин.  
Борми қалбларда муҳаббат — бари ўтгандан кейин?

Оҳ чекар кўклам, дарахтлар баргида қонли яра,  
Қонни ювгай ёмғиру вақт бари ўтгандан кейин.

Ноғихон қўпган ғанимлик ва ғазаблар ўтида  
Уфқ ёнар, бўлгай маҳобат бари ўтгандан кейин.

Не керак энди ғаму ишқ, умиду ҳам азоб?  
Не керак таъна-кудурат бари ўтгандан кейин?

Сен-ку, эй Файз, сўз тополмайсан юракни очгани —  
Ўтди қанча-қанча муддат — бари ўтгандан кейин!..

## Рус инқилоби

Уфқлардан уфқлар қадар  
Тун ўқ еган қуш мисол  
Судраларди бемажол.  
Бирдан тоғ ёғду сочди —  
Рўдапо зулмат шакли  
Ситилиб тушди кўздан,  
Кейин бирдан ловуллаб  
Ёна бошлади юрак.  
ЕТТИ қат фалак шунда  
Мовий дарвозаларин  
Биринма-кетин очди;  
Еттинчи фалак  
Шаффоф  
Кўзгу каби порларди.  
Мағрибу Машриқдаги  
Жамики турмаларнинг  
Эшиклари ғийқиллаб.  
\* Сурон ичра очилди.  
Янги тузум асоси —  
Пойдевори тикланди.  
Асримиз юрагидан  
Тўкилган қонлар учун.  
Ҳақиқат деб ғам, азоб  
Чеккан одамлар учун  
Интиқом бўлди бугун.  
Бугун қуллик кишанлари  
Эритилиб,  
Кетаётган карвонларга  
Қўнғироқлар қилинди.  
Узилган занжирларнинг  
Парчалари ушбу кун  
Офтоб нурларида  
Ярақлаган қиличдек  
Кўкка даст кўтарилган  
Қўлларда  
Ярқирайди.

□

Юрак ҳориб қолса қачондир,  
Бир қаро кун рўй берса агар,  
Барча шубҳа, барча ғуссалар,  
Кечмиш — бари бир чоғга чўкар:  
Не ҳам дердим шунда, лаҳзалар?

Ахир  
Мамот муддатида бир  
Умид-орзу бўлгай бари бир...  
Неча марта тонготар пайтни  
Зор кутдим мен, юракда оғу!  
Неча марта кўрдим даҳшатни!  
Неча марта такрорланди у!  
Видолашдим неча бор кун-ла!  
Қайтиб келди кундуз неча бор!  
Ва неча бор юрак бутунлай  
Парчаланиб, бут бўлди такрор!  
Изтироб ҳам, бахтиёрлик ҳам —  
Бари ўтди, қолди орқада.  
Не ҳам дердим қачондир,  
Бир дам  
Юрак ҳориб, ўртаса қадар?

Чекил, ҳадик!  
Чекил, эй гумон!  
Қўрқув қалбга сола олмас из,  
Не бўлса ҳам, бош бўлсин омон,  
Не бўлса ҳам, бир кун кўрармиз!  
Дил,

Кулмоқни истасанг — кулгин,  
Истасанг гар — фарқ бўл кўз ёшга!  
Фақат ўзинг имоним бўлгин —  
Кўражакмиз не тушса бошга!

Тоҳир ҚАҲҲОР таржималари.

## ШЕЪР ВА ЯХШИЛИК

Шоир Шукрулло қирқ беш йилдан бери шеърят ичида яшайди.

У шеърятга қалбида Ўзбекистон билан кириб келди.

Ҳар бир инсон бағрида, дилининг сирли тубларида она юртининг образи яшайди. Она юрт гарчи битта, лекин унинг қалблардаги тасвири ва образи туганмас ва тақрорланмас ранг-баранглик касб этади. Шоир юрагида эса она юрт санъат-корона образга айланади. Бу образ куйлар, ранглар, меҳрлардан бино бўлади ва шуларнинг ичида юксалиб яшайди. Кишини Ватан шоир қилади.

Ватан шоир дилида чаманлари, қумрилари, обод, оппоқ шаҳарлари, мард кишилари, серсув дарёлари, ҳайбатли тоғлари, бепоён, ҳосилдор далалари билангина яшамайди. Ватан шоир дилида чўллари, асрлардан қолган вайроналари, асрларнинг забтига дош бериб турган осор-атиқалари, қилинган ва қилинмаган ишлари, ўтмиши ва келажаги билан ҳам яшайди. Ватан шоир қалбида яхлит ҳаёт кечиради. Шукрулло ўз халқининг ижодкор фарзанди сифатида умр бўйи Ватан ҳақида шундай яхлит тасаввур билан яшашга, унинг яхлит образини яратишга интилади, шуни орзу қилади. Унинг шеъряти шу орзунинг қуввати билан кўкариб, катта адабиётдан ўз ўрнини топгандир.

Шукрулло осонлик билан шоир бўлгани йўқ. Уттизинчи йилларда у совет маърифат даргоҳларида таълим олди. Муаллим бўлиб етишди. Унда адабиётга ҳавас эрта уйғонди. Шукрулло болалигидан адабий муҳит ичида яшади. Шукруллонинг отаси ўз даврининг билимдон, маърифатли кишиси эди. Онаси эса мактабларда муаллималик қилар, шеърлар машқи ҳам йўқ эмас, эски ва янги адабиётдан бохабар эди. Бу маърифатли хонадонга шеър бегона эмас эди. Бунда шоирлар гурунги қилишганда, шу гурунглarning файзи Шукруллонинг ҳам қулоғида қолар эди. Шукрулло шеърлар ва ҳатто каттароқ дostonлар ёзишни машқ қила бошлади. У ўқиган педбилим юртида адабий ижодчиликка қизиқиш ёшлар ўртасида анча кучли эди. Уттизинчи йилларда тарих ҳаётга янги ёшларни олиб кира бошлаган, қизгин адабий-ижтимоий муҳит улар онгининг шаклланишига, бадий қизиқишларнинг ўсишига хайрли таъсир ўтказмоқда эди. «Бу даврда тинмай шеърлар машқ

қилдим,— деб ёзади Шукрулло ўттизинчи йилларнинг ўрталарини эслаб. — Айниқса, буюк рус шоири Пушкиннинг 100 йиллик юбилеи арафасида унинг ижодига бағишланган шеърхонликлар менга жуда катта таъсир кўрсатди. Рус ҳаётининг Пушкин асарларидаги романтик руҳи шеърятга бўлган ҳавасимни авж олдирди ва мустаҳкамлади. Шу даврдан бошлаб Ўзбекистон Ёзувчилар союзида бўлиб турадиган мушоира кечаларига фаол қатнашадиган бўлдим». Шукруллонинг шеърлари ўттиз тўққизинчи йилдан бошлаб республика матбуоти саҳифаларида босилди. Айниқса, уруш йиллари у кўп ёзди. Бир талай дostonлар қоралади. Лекин улардан кўнгли тўлавермади. Шеърда ўз йўлини топмай қийналди. Шу йиллардаги ўз кайфиятларини у «Жавоҳирлар сандиғи» деган китобида эслаб ўтади: «Кунлардан бир кун, тахминан 1939—1940 йиллар бўлса керак, Мирмуҳсиннинг уйига бордим. Саид Аҳмад ҳам ўша ерда экан. Иккаласи биргаликда бир ҳикоя ёзаётганининг устидан



чиқдим. Лекин билмадим, нима ҳаёлда ёки менинг номимни ҳам ҳикояга қўшиб хурсанд қилиш ниятидами, мендан ҳикоянинг бир ерига икки жумла бўлса ҳам ёзиб беришимни сўрашди. Икки жумла у ёқда турсин, қани энди бир оғиз сўз келса-чи! Уйлайман, ҳеч нарса келмайди. Уддалаёлмадим дейишга ор қилдим. Ёзаётган одамдек хун бўлиб ўтиравердим. Бу аҳволимни сезган дўстларим, бўлди, қўя қол, ёзиб бўлдик, деб мени ташвишдан қўтқаришди. Аммо ўзимнинг ёрлигимга ич-ичимдан эзилдим». Мана шундай энг муҳим нарсани, ижоднинг кўзини топмай хун бўлган чоғларида у шоирлик даҳмаза хунар экан деган мушкул фикрларни ҳам бошидан кечирди. Лекин бари бир шеърга бўлган муҳаббати ожиз, қийин шубҳа-штиболардан, умидсизликлардан доим устун чиқаверди. Бунинг устига Шукрулло, Ҳамид Фулом, Шухрат, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Рамз Бобоҷон, Мирмуҳсин сингари бир қур ёшларнинг атрофида улкан адабий муҳит, қарама-қаршиликлар, сиёсий-адабий курашлар ичида этилган ва чиқиққан адабий мактаб фаол ҳаракат қилмоқда, адабий-ижтимоий ҳаётга қудратли таъсир кўрсатмоқда эди. Шукрулло ўз эсдаликларида Ғафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Собир Абдулла, Ҳабибий, Шароф Рашидов номларини қайта-қайта ёдга олади. Уларнинг ижод мактабида қандай сабоқ орттирганлигини жонли ва ибратли воқеалар асосида ёритади. Муҳитнинг адабий руҳи, савияси ҳақида жуда ҳам қизиқарли маълумотлар беради. Мана шу қайнаган адабий-сиёсий ҳаёт, ўртоқлик муҳити Шукруллонинг шоир бўлиб этишувида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлди.

Шукруллонинг дастлабки босилиб чиққан шеърлари Ватанга пасбонлик ғоялари билан тўлиқ. Бир шеърда айтгандай у пасбонликни ўзига ноёб касб деб атади. У Ватан ишқи ҳақида ёзди. У Ватан ишқи билан тўлган қалб ўлмаслигига ишонди ва бу ҳақда чиройли сатрлар айтди:

Ватан ишқи билан, о, қалбим,  
Денгиз каби тўлиқ лиммо-лим.  
Севгим бўлмас асло бегона,  
Ишонтирай қайта онт ичиб —  
Ки, жон берсам жангларга кириб,  
Севгим, юрак бут қолар яна.

Социалистик ватанга аскар, пасбон бўлиш истаги ва умуман, шу мотив ўша йиллар, ўша ўн йилликлар шеърда асосий мотивлардан бири эди. Шоирлар аскар бўлиш, ватанни тобора реал тус олиб кела бошлаган фашизм ҳазфидан ҳимоя қилишни ўзларининг ватанпарварлик бурчлари деб биладилар. Шунинг учун ҳам аскар, пасбон, чегарачи образлари у давр шеърятининг етакчи сиймоларидан, салмоқли шеърый қаҳрамонларидан ҳисобланади. Бу образ қайси шоирда кўп, қайси шокрда ҳам ишланганлигини айтиш унчалик муҳим эмас. У Ғафур Фуломдан тортиб Ҳасан Пўлатгача, Усмон Носирдан тортиб Шукруллогача барча бўғин шоирларнинг

ижодида анча ишланганлигини кузатиш қийин эмас. Шундай қилиб, Ватан соқчиси, аскар йигит образи бу йиллар шеърятининг магистрал йўлида туради. Шукруллонинг шеърлари ҳам ўз мундарижаси билан шу катта йўлга, давр яратган оқимга улашиб кетади. Шукруллонинг босилиб чиққан дастлабки шеърларида ва ҳатто токи олтимишинчи йилларнинг бошига қадар ҳам Усмон Носирнинг таъсирини равшан кузатиш мумкин. Унинг:

Аста-аста чўқиди, шўнғиди қуёш,  
Майда тўлқинларга қўмилди денгиз.  
Шафақдан уфқнинг бари қизаргач,  
Ҳуснин кўз-кўз қилиб балқиди ой қиз

сингари сатрлари ёки:

Мен навқирон, ҳали ҳаётда  
Насибам мўл, орзум беҳосиб,  
Умр китобида йигитлик —  
Муқаддима, бир дебоча боб —

каби парчалар Шукрулло ўттизинчи йилларнинг ўтюррак шоирини севганлигини, унга илк шеърларида эргашганлигини, кейинчалик ҳам Усмон Носир шеърларига ўзида қондошлик ва яқинликни тарбиялаганлигини англатади. Усмон Носир ҳамма шеърларининг марказига юракни қўяди. Юрак шеърининг ичида ёниб туради. Шукрулло шундай ёнган ва нур сочган ва меҳр улашган юракни яхши кўради. Бундай юрак эгалари унга жуда яқин. Уларга интилади.

Орзуларим денгиздек тошқин,  
Шу меросга мен ҳам пасбон.  
Коммунага етсин насллар,  
Майли, бўлсам шу йўлда қурбон —

деб ёзади у қирқ биринчи йил шеърда. «Агар даркор бўлса ҳар чоқ, Чорласа Ватан, Қўлёмаларимни ташлаб, Шинель кияман», «Оловдек ловуллаб дил ёнур, Бахтлиман жангларга ярасам», деган Усмон Носир нафаси Шукруллонинг илк шеърларида мана шундай давом этади.

Шукруллонинг биринчи китоби «Биринчи дафтар» унинг илк шеъри босилиб чиққандан сўнг ўн йил ўтиб, 1949 йилда чиқди. Шеърятда ўн йилдан кўпроқ қўзилган «синов мuddати» ва шу мuddат ичида чекилган заҳматлар ўз самарасини бера бошлади. Шукруллонинг «Чоллар» ва «Дўстлар» деб аталган достонлари бирин-кетин нашр этилди. Шукруллонинг ижоди айниқса, эллигинчи йилнинг ўрталаридан ўз қайнаган даврига кирди. Ижтимоий ҳаётда эсиб қолган янги сарин шабадалар унинг шеърига ҳам тоза ҳаво олиб кирди. 1956 йилда унинг «Ҳаёт илҳомлари» китоби нашр этилди. Шу йиллари шоир кўтаринки руҳ билан «Россия» поэмасини ёзди. «Россия» поэмаси Шукрулло шеърятда жиддий сифат ўзгаришларини бошлаб берди. Шоирнинг лирикиси салмоқли овоз топди. «Россия» иттифоққа машҳур бўлиб кетди. Поэманинг жўшқин руҳи, унда тараннум этилган дўстлик ғояларининг самимияти китобхонларнинг юракларида ўчмас из қолдирди. Шукруллонинг номи

кенг танила бошлади. Мана шу эътибор ва чин муваффақият шоирга зўр мадад берди. Шукрулло шеърининг катта йўлига чиқди. Унинг «Умрим борича», «Икки қоя», «Инсон ва яхшилик», «Баҳор совғалари», «Юлдузлар», «Инсон инсон учун», «Суянчиқ» сингари шеърый китоблари, «Хатарли йўл», «Табассум ўғрилари», «Тўйдан кейин томоша» сингари пьесалари, «Жавоҳирлар сандиги» эсдаликлар китоби, Москвада нашр этилган аллақанча асарлари шундан далолат беради.

Шукруллонинг шеърлари бири-биридан узилиб қолган эмас. Гарчи шеърларининг ҳар бири ўз ғоявий, руҳий иқлим шароитига эга бўлса-да, лекин бу шеърларнинг аксариятида битта қаҳрамон ҳаракат қилади. Бу қаҳрамоннинг ҳаётга, инсонга, инсон учун энг муҳим бўлган ҳодисаларга қарши, муносабатлари кескин ва қатъий маънавият асосига қурилган. Чунончи бу қаҳрамоннинг қарашларида қуйидаги фикрлар ва ғоялар биринчи даражали аҳамиятга эга: у халққа муҳаббати бўлмаган кимсани одам ҳисобламайди; у ўзини одамларга бағишлаш, бир зум ҳам нафсиз яшамаслик ғояси билан чиқади ва шунга амал қилади; унинг ақидасида беташвиш яшамоқ — асло бахт-саодат эмас; худди шунингдек, бедардлик — унингча бахти қаролик; севги эса — абадий вафо, бир-бирига муносиб банд маънавий унсият билан яшамоқ. У айниқса, дўстлиқни ҳаммадан қадрлайди, дўстлиқни инсон муносабатларининг бебаҳо неъматидеб билади. Бу қаҳрамоннинг ижод, шеърга бўлган қарашлари ҳам жиддий: шеър одамларнинг юрагига шафқат солмоғи керак; шеър дунёни атомлар ваҳиддан ҳалос қилишга ўз ҳиссасини қўшин; шоир эса истиқбол ташвиши билан яшасин. Шукрулло лирик қаҳрамонининг ижодий қарашларида баҳс, тортишувлар биринчи ўринда туради. У бахшлашишни яхши кўради. Бахшлашганда ҳам худди Усмон Носирнинг «Бегона» шеърларида кескин қаҳрамон каби бахшлашади ва баъзан ўша баҳсни давом эттиради.

Бахшлаша берайлик, дўстим бегараз,  
 Майли, хил-хил боғлар бўлсин намоеъ.  
 Бахшлаша берайлик ҳолис, беараз,  
 Токи баҳсимиздан гулласин жаҳон.  
 Мен севаман шундай дўстлар баҳсини,  
 Доим ўйлаганни элнинг бахтини.

Шоирнинг идеалларини ифодаловчи, унинг ҳаётга қарашларини реалистик бир тарзда намоеъ этувчи бу қаҳрамон бахслардан ҳақиқат тўғилишини истайди. Ҳақиқат топилганда эса, эл бахтининг уфқлари равшан бир тусга киради. Бу қаҳрамон ажиб бир тарзда қандай шаклда бўлмасин баҳсга интилади, баҳсга киришади, тортишади, нутқ, монолог айтади, ҳодисаларга драматик тус киритади. У бахшлашганда кўп маҳал илғор умумнинг ақида ва идеалларига хилоф бўлмаган, балки шу идеалларга мос гаплар, фикрларни ўртага ташлайди, шундай идеалларни ҳимоя қилади. Ле-

кин гапнинг очиғини айтганда, бу одам билан баҳс қилиш осон эмас. У ўз идеалларининг асл ва ҳаққоний эканлигига қаттиқ ишонч ҳосил қилган. Шунинг учун бошқача фикр уни қаноатлантирмайди, бошқача фикр билан чиқишолмайди:

Мен билан талашиб баҳс қилмоқ учун  
 Аввал биллиб олгин ҳақиқат нима,  
 Муҳаббат ҳурмати сўзлар эканман,  
 Қаршимда гунг каби тек тур, сўз дема.

Бу қаҳрамон бошқаларга ҳам маълум бўлган гапларни айтади. Лекин бошқаларга маълум умум ҳақиқатларга у ўз ҳаёт тажрибасида кўриб ишонган, бу гаплар тағида анча воқеалар ётади, шу воқеаларни у ўз бошидан кечирган. Эҳтимол китобхон бундай гапларни умумга маълум гапларнинг поэзияси дейиши мумкин. Чунончи, Шукрулло лирикасининг қаҳрамони ҳамон бахшлашаркан, шундай дейди:

«Севаман» деб қасамед этма,  
 Севгини вафо деб англа.

Шукрулло қирқинчи йилдаёқ шу гапни айтган ва уни рубойи қилиб ёзган эди. Лекин унинг олтишинчи йил қаҳрамони ҳам шундай дейди, шу ақидага ишонади ва уни ҳимоя қилади. Лекин шу қараш лирик қаҳрамонда бошқача бир ҳаётий қарашлар тарбияланишига сабаб бўлади. У дабдабаларни ёмон кўради, дабдабалар — хоҳи ҳаётда, хоҳи оилада, хоҳи ижодда, шеърда, хоҳи инсон муносабатларида асло унинг табиати ва дидига тўғри келмайди. Инсонга дабдабали сифатлар, ҳашамдор сўзларнинг кераги йўқ. «Баъзан одамларни жуда мақтаймиз, Йўлбарс, тўлқинларга қиламиз қиёс», дейди у. Лекин бу кўкларга кўтариб қиёс излашларнинг маъноси йўқ. Улар фақат реалистик фикрламаслиқнинг, тўғрироқ очиқдан-очиқ фикрсизлиқнинг белгиси.

Майли, дабдабали қиёс изламаңг,  
 Осмон билан тенг ҳам қилимаңг ҳеч қачон.  
 Ёмонлиққа қарши кураши билан,  
 Яхшилиги билан қудратли инсон.  
 Чин Инсон бўлишлик ўзи зўр шараф!

Дабдабаларни ортиқча, кераксиз нарса деб билган киши албатта соддаликни ёқтиради ва ёқлайди. Шукруллонинг жуда кўп шеърлари содда ҳаёт фалсафаларидан туғилгандир. «Садоқат» шеърининг қаҳрамони аллақимга гап уқтирмақда. Бизга кўринмай турган ўша аллақим бу аёлнинг садоқатидан таъсирланиб ҳайратга тушган бўлса керак, аёл шунга жавобан ўз қалб интилишини, Гегель тушунчаси билан айтсак, «ирода йўналишини» очади. Садоқатнинг нима ва қандай туғилганлигини ҳикоя қилиб беради:

Асло ҳайрон бўлма садоқатимга,  
 Бардошимга таҳсин ўқимагин ҳам.  
 Сەҳри борми, деб ҳам боқма севгимга,  
 Агар фироқига чидаган бўлсам.

Шу сўзлар аёлнинг садоқат ва бардошга муносабатини билдиради. Шу билан бирга унинг муносабатида камтарин ва олижа-



ноб, оддий инсоний фазилат учун бошқалардан мақтов эшитишни истамайдиган киши қиёфаси гадаланади. Бошқаларнинг кўзларига садоқатли севги сирли бўлиб кўринади. Лекин бу аёл садоқатни сеҳр пардасидан чиқариб, уни оддий инсоний фазилат каби англайди. Бошқаларни ҳам шундай англашга ундайди. Афтидан, бу аёл бошидан айрилиқ ва ёлғизликнинг кўп қийинчиликларини кечирган. У айрилиқ нима эканлигини яхши билади. Эҳтимол кўп йиллар унинг азобларини ва абгорликларини тотиб кўрган. Ҳақиқатда, ёри ҳақиқатда, нега шундай айрилиқ тушгани ҳақиқатда жуда кўп уйлаган (лекин севинганлар ўртасида айрилиқ қандай, нимадан туғилган, буни шоир ҳам, қаҳрамон ҳам айтмайди. Фикримизча, улар буни тушунтириб беришни ортиқча деб биладилар), кўп қарама-қарши фикрларни бошидан кечирган:

Гариб оқшомлари ўртарди ҳижрон,  
Хўрлигим келарди, гоҳо йнглардим.  
Шайтоний хаёллар чулғарди бир он,  
Бардошим сирин не? Аммо билмадим.

Бу аёл ҳаётга умуман жуда тийрак ва соғлом кўз билан қарайди. У ҳеч нарса ни идеаллаштирмайди, ҳеч нарсага романтик хаёлий парда тутиб қарамайди, ҳавойилик унинг табиатига бутунлай ёт. У ёрининг қандай одам эканлигини ҳикоя қилаётганда бу янада аниқ ифодаланмади.

Ҳрим гўзалликда тенгсиз эмасди,  
Кўп ҳам эмасди қолдирган моли.  
У ҳам кўп қатори бир одам эди,  
У ҳам нуқсонлардан эмасди холи.

Бу қарашлари жиддий аёл ҳамма нарса ни — севги, ҳаёт, ёр, садоқат, бардош деган олижаноб тушунчаларни ҳаддан ташқари оддийлаштириб юбормаётганмикин, булар унинг таърифида рангсиз бўлиб қолмаётганмикин ва шунинг учун ҳам, бу эҳтимол, ҳиссий камчилик эмасмикин? деган бир қонуний иштибо ҳам туғилади одамда. Кўтаринкиликдан бутунлай холи туйғулар андак совуққонликка ўхшаб кетаётгандек бўлади. Кўтаринкиликнинг йўқлиги айниқса, шеърнинг сўнгги бандида яққолроқ кўзга ташланади:

Садоқатим сирин сўрама, қўй, бас!  
Мен шоир эмасман, оддий бир хотин.  
Ҳижрон ўртаганда унинг айбинмас,  
Кўпроқ ёдга олдим яхши хислатин.

Ерга нисбатан шундай тийраклик, инсонга, ҳаётга тирик назар билан қараш Шукрулло лирикаси қаҳрамонининг ўзига хослигини, унинг ҳаётга жуда яқин эканлигини, реалистик позицияда туришини билдиради. Зоҳиран совуққонлик, зоҳиран одмилик бўлиб кўринган ҳодисанинг тагида албатта, инсоний теран тушунча, олижаноблик ётади. Шукрулло шундай қаҳрамонлар, уларнинг шундай кечинмалари асосида одамийликнинг оддий лирикасини яратади ва адабиётга олиб киради. Мана шу хислатига кўра Шукрулло лирикаси ўзбек шеъриятида алоҳида мавқеда туради.

Бу лирика ўзига жуда камтарин жой танлайди. Лекин шу камтарин жойдан туриб, у инсонга керакли, инсон маънавиятини сарафроз этадиган сўз айтади. Одам бу сўзга ишонади. Чунки сезиб турасизки, Шукрулло Мустай Карим айтгандай «нарсаларнинг ва ҳодисаларнинг моҳиятига ўзи етади, ҳаётнинг доно мағзини ўзи қақади, буларга ўз ақли, оламга шоирона муносабати билан етиб боради».

Шукрулло лирикасининг қаҳрамони унинг ўзи албатта. Лекин бу — шоир шахсини акс эттирадиган, қандай ғалати эшитилмасин, бирок шоир шахсидан кўра хийла бойроқ, мураккаброқ ва бирмунча юксакка кўтарилган қаҳрамондир. Унинг фикрлари нақадар лунда ва содда эканлигини, унинг баҳсга жуда ўч эканлигини айтдик. Баҳсларда у гоҳо доно дўст, гоҳо муаллим, мураббий, биродар бўлиб суҳбатга киришади. У доим баҳсдаги қаҳрамон бўлгани учун нигоҳи ҳам доим кимгадир қаратилган.

Сени гўдан санашса агар,  
Йўқ, улاردан дўстим, ранжим!  
Сен учун бу жуда муътабар,  
Маъносини қилсанг таржима.

Шукрулло лирикасининг қаҳрамони доимо кимнидир, ниманидир ҳикоя қилишга ўзида зўр эҳтиёж сезади. У ниманидир, ўзи қатъий ишонган нарса ни тасдиқлаши, суҳбатдошининг онига сингдириши керак. Бу Шукрулло лирикасини меҳр ҳиссиёти билан тўлғин қилади. Шу кимгадир қаратилганлик айниқса, кишилик ва гумон олошларининг қўлланилишида кўзга чалинади. Юқоридаги парчада ҳам шоир «улар» томонидан чамаси «гўдак» деб баҳсда камситилган кимнидир юпатади, уни ҳимоя қилади. Ранжитилган одамни ўз маърифатли меҳрининг қаноти остига олади. Ҳозини унга дўст тутади. Шунга таъкидлаб ўтаман, Шукруллонинг лирикасида ва умуман унинг шеъриятида дўстдошлик туйғуси жуда кучли ифодалангандир. Шу дўстдошлик туйғуси Шукрулло шеъриятини одамга яқин ва қадрдон қилади. Шукруллонинг қаҳрамони дўст бўлиб сўзлаганда юракдан, самимий сўзлайди. Сўзларини рўй-рост айтади. Унинг сўзида безаклар, шоирона ярироқ ташбеҳлар йўқ. Шукрулло ўз қаҳрамонининг табиатига кўра шеър тилини оддий сўзлашув тилига имкон қадар яқинлаштиради. Бу шеърини ифодаларни камтарин ифодалар деб аташ ўринли бўлиши мумкин. Лекин уни одмилик ёки оддийлик дейилса, у проза бўлиб қолиши ҳеч гапмас. Лекин бу шеър қофияли, мунтазам ваззли, оҳангдор шеър. Оддийлик, тўғривоғи, соддалик шеър ҳодисасига айланган чоғда ва у ўз очик бағрида гўзал ҳаётини мундарижани етиштирган чоғда албатта порлоқ ранглар касб этади.

Гўдак қувмас шуҳрат кетидан,  
Тама билан бермайди салом.  
Макр изи бўлмас бетида,  
Ва ясама қилмас эҳтиром.

Кимнингдир тилида ҳақоратга айланган «гўдак» сўзи шу тариқа шоир тафаккурида олижаноб мақтовга айлана боради:

Гина билмас, содда, беғубор,  
Феълинг учун санашса гўдак,  
Бу жуда соз, ношук қалб билан  
Улғаймоқлик не учун керак!

Шоирнинг ишонтириш қобилияти нақадар содда ва нақадар таъсирчан. Ғафур Ғулом Шукруллони бугунги «йирик лирик шоиримиз» деб атаганда унинг албатта мана шундай шеърларини, шундай сатрларини назарда тутгандир. Жамият ичида, одамлар орасида ҳеч қачон четга чиқиб турмайдиган, воқеаларга томошабинлик қилмайдиган, юраги инсонга биродарлик ҳиссиётлари билан тўлиқ одамнинг сўзлари — унинг энг яхши шеърларида, достонларида мана шундай самимий, меҳрибон бўлади. Дўстдошлик ва биродарлик туйғуларининг тўлақонлиги билан Шукрулло лирикаси Қайсин Қулиев, Мустай Карим, Давид Кугультинов, Михаил Дудин сингари танилган шоирлар шеърляти билан оҳангдошлик топади, уларнинг руҳий йўналишига уйғун жаранглайди. Давид Кугультинов бир суҳбатда Шукрулло ҳақида: «у замон ташвишлари билан юради, у замон истакларини кўтариб юради, унда давр мусиқаси бор», деб айтган эди. Бу сўзлар номлари айтилган шоирларга ҳам тўла тааллуқли. Кугультинов санаган нарсалар — шеър ҳодисалари ва улар инсон боласини санъаткор қиладиган ҳодисалардир. Шулар бу каби ҳамовоз ижодкорларни бирлаштириб туради.

Дўстдошлик, чинакам дўстлик туйғулари Шукруллонинг «Россия», «Икки қоя», «26-Тонготар» сингари достонларининг ҳам марказий йўналишида туради. Шоир дўстликнинг социалистик маъзи ва мазмунини ҳаётимизнинг ёрқин лавҳаларида гавдалантиради. «Россия» поэмасининг қаҳрамони юрагини тўлдирган дўстлик ҳиссиёти билан ҳайратга солади. У Россия йўлларида ўзини жанг чоғида ҳалокатдан қутқарган командири Сергейни изларкан, ҳар бир дарахт, ҳар бир деҳқон, ҳар бир кишини ҳароратли нигоҳ билан кузатади. Буларнинг барида Сергейдан нимадир бор, аллақайси белгилари билан уни эслатиб туради. Кишининг кишига кўрсатган яхшилиги унинг нигоҳида туганмас файз олиб киради. Шукруллонинг айниқса, шу достонларида қаҳрамонларнинг нигоҳи файз ва миннатдорчилик, муҳаббат билан тўла нигоҳдир. Миннатдор, муҳаббатли одамнинг кўзига Россия жуда бошқача кўринади. Унинг назарида Россиянинг ҳар бир хонадонидан кулиб Сергей чиқиб келаётгандек. У чинорларга ташна боқади. Улардан Сергейнинг номини қидиради. Йўлда рус қизини учратаркан, Сергейга бўлган меҳри шу қизга муҳаббат бўлиб кўчади ва тасвирлар шу муҳаббатнинг самимиятини акс эттиради:

Белларини сийпаб ўтган шох,  
Шу даргоҳда ўсганлигидан.  
Майин сочин тўзгитган ел гоҳ

Шу ерларда эсанлигидан.  
Гоҳо азим қайин учидан  
Барглар аро боққан қуёш ҳам  
Барра майса йўлнинг четида  
Янграб, шошиб оққувчи сой ҳам.  
Унга ҳамроҳ бўлганлигидан  
Вир умрга эди бахтиёр.  
Кеч салқинин шимган тунроқ ҳам  
Қадамига тегиб миннатдор.

«Россия», «Икки қоя», «26-Тонготар» сингари асарларда дўстлик ҳақидаги сўзлар эмас, дўстликнинг руҳи, унинг инсон қалби, ҳаётида қолдирган маънавий излари, сабоқлари бўртиб туради. Бу асарларда дўстлик мавзуси шоирона қирралари билан ярақлаб туради. Шоир уларда Россия, Ўзбекистон, фожиа билан олишаркан ва енгиб чиққан Тошкент манзараларини чизаркан, улар ватандошлик меҳри билан жозига касб этади. Бу достонларда тасвирланган ҳамма ҳаётин лавҳаларни шу меҳр бирлаштиради ва бу меҳр, дўстлик — уларнинг магистрал йўллари каби қабул қилинади.

Шукруллонинг пьесалари унинг шеърларининг давоми. Шукрулло пьесасидан шеър, шеърдан пьеса яратади. Унинг шоир табиати шеърларидан пьесаларига кўчади. Шукруллонинг шоирона пьесалари фож қилувчи аҳамиятга эга. «Хатарли йўл», «Табассум ўғрилари», «Тўйдан кейин томоша» ифвогарлик, лоқайдлик, бачкана урф-одатларни бугунги кун маърифатли, илғор кишии нуқтаи назаридан қоралайди, буларни жиддий ва хатарли маънавий-ахлоқий иллат сифатида кўрсатади. «Хатарли йўл»да ифвогар, сохта олим Миржалол ҳеч нарсани муқаддас деб билмайди, у одамларнинг кўзига чўп солиб яшайди ва шундан роҳат қилади. Бу одам ўз маънавий башараси билан аянқлидир. «Табассум ўғрилари»даги яхши олим, лекин чарчаб қолиб, тинчгина яшаш пайига тушган Диёров ташқаридан силлиқ ва салобатли, ичдан эса чириб кетган ҳолда кўринади. Диёров жанжал чиқармаслик пайида, обрўга путур етказмай тинчгина яшашни севади. Беозоргина кўринган Диёров унчалар ҳам зарарсиз эмас. Лекин институт директори сифатида Диёров янгиликни кўришни, унга йўл очиб беришни истамайди. Бефарқлик унинг юрагини темирга тушган зангдай емириб боради. Диёровдаги лоқайдлик Аббосов сингари амалпарастларнинг қилмишларига кенг йўл очиб беради. Диёров жуда ғалати характерга эга. Унга қулоқ солинг:

Хатоларнинг боши жаҳл, ширин сўз керак.  
Аризаси бўлса кўринг, менга чиқаринг,  
Мен гаплашиб, ундан кейин сенга бераман.  
Сен гаплашиб, секин узат Искандаровга.  
Шундай қилиб иш эскийди. Жаҳидан  
тушиб

Ҳафсаласи пир бўлади.

Шоир Диёровнинг характери шунча чуқур назар ташлайди. Диёровнинг беозор ёмонлиги унинг фаолиятида услубга ай-

ланиб кетган. Услуга айланиб кетганидан Диёров кимда-ким унинг тинчлигини бузишга журъат этса, дарҳол қатъий чора кўришга ҳозир. Юқоридаги гапини давом эттириб айтади: «бунга кўнмаса, қаршилик йўқ, бошқа ердан иш топа берсин». Диёров ўз тинчлиги йўлида бошқаларга қаттиқ шикаст етказиши ҳеч гап эмас. Ўз тинчлигини эса турли демогогик сўзлар билан ниқоблашга ҳам жуда уста бўлиб кетган. У: «Мен давлатга содиқман», деб лоф уришни яхши кўради. Шукрулло ўз пьесаларида мана шундай ғалати конфликтли характерларни яратишга, улар табиатидаги социал хатарни очишга интилди. Бу асарлар олтмишинчи йилларнинг проблематик асарлари қаторидан муносиб ўрин олди. Ҳа, мана шу айтилганларга кўра ҳам Шукрулло шеърятга қалбида Ўзбекистон билан кириб келди. Унинг севгиси, унинг эътиқоди «Жавоҳирлар сандиги»дан олинган шу парчада жуда равшан кўринади:

«Ўзбекистон қуёшининг гўзаллик сири бўтунлай бошқа! Бу ерда фақатгина қуёш нурлари ва унинг ҳароратигина эмас, ҳатто унинг гуркираб турган исини ҳам сеза оласан. Қуёш таъминни билмоқчи бўлган одам менинг боғларимдаги шарбат тўла анжиру узумларимдан, бир карчи тилни ёрувчи қовунларимдан тотиб кўрса кифоя! Қуёш нурларини шарбатга айлантирган бу — ўзбек деҳқони! Қуёшдан таъм олганларга тасанно демай бўладими ахир! Кимки қуёшнинг маст қилгувчи муаттар исини симирмак истаркан, уни ҳам менинг диёримдан топади».... Муҳаббат тилга кириб сўзлаганда, мана шундай оташин шоирона сўзлайди! Шундай тилни Шукрулло ўз меҳнаткаш халқидан ва яшаётган Ўзбекистондан олган. Шунинг учун у буларнинг қошида дам сайин миннатдор бўлиб, ғурур билан қалам тебратди. Юрагининг буюрганларини ёзади.

Иброҳим ҒАҒУРОВ.

## ТУҒМА ШОИР ДҶСТИМ

Мен 1935 йилларда Тошкент хотин-қизлар билим юртида адабиёт тўғрагига раҳбарлик қилардим. Тўғарақда ўзимизча шеърят сирлари ўрганилар, ўша пайтда донг чиқарган шоирларнинг асарлари ўқиб муҳокама қилинган эди. Тўғарақ аъзолари асосан техникумнинг охирги курси талабалари, кўпчилиги шеърятга ўч бўлганидан, кўпроқ поэтик асарларни — шеър ва дostonларни ўқиб, мунозаралар ўтказардик. Бу пайтда айниқса оташ қалбли шоир Усмон Носир машҳур эди. Унинг «Юрак» номли шеърлар тўплами китобхонларнинг қўлидан тушмасди. Кейинчалик бу китоб ёнига «Меҳрим» шеърлар тўплами келиб қўшилди. Бу иккала китоб ва ундаги шеърлар, «Наҳшон» дostonини билмаган шеърхон йўқ деса бўларди. Айниқса, биз ёшлар унинг ижодига муқаддан кетган эдик. Унинг шеърларидан, ёки дostonларидан маълум бобларни ёд билмаслик айб даражасига келиб қолган эди. Тўғарақда эса, асосан, шеър мухлислари бўлиб, баъзилари шеърлар машқ қиларди. Шулар орасида Шукрулло ҳам бор эди. Менга у шеърини кўрсатганини, ёки дўстлари муҳокамасига қўйганини билмайман. Лекин жуда диққат билан муҳокамаларга қулоқ солар, баъзан-баъзан ўз фикрини баён қиларди, тўғарақ аъзолари қаторида Ўзбекистон Езувчилар союзидан бўладиган йиғилишларда қатнашиб турарди. Ўз тенгдошлари қаторида ҳаваскор шоир ёки нотик сифатида кўзга ташланмас эди. Чунки тўғарақнинг не-не «шоир»лари, гапдонлари бор эди! Эсимда бор: тўғарақда У. Носирнинг «Наҳшон» ва Ойбекнинг «Ўч» дostonи жуда кенг муҳокама қилинган, уларнинг маъзини чақиб, китобхонни мафтун

қиладиган «сир»лари ҳақида тортишувлар бўлган эди.

Мен урушдан ярадор бўлиб, 1943 йилда қайтиб келсам, Шукрулло шоир бўлиб тилга тушибди. Тўртта шеърят ишқибози йиғилган ерда шеърлар ўқийдиган, шеърят санъати ҳақида тортишадиган бўлибди. Кейин билсам, устоз Ғафур Фуломнинг назарига тушиб, бағрига кириб қолибди. Ғафур ака уни ҳурмат билан бағрига босади. «Яхши лирик шоир бўлади, бу Эмчиев!» — деб елкасига қоқади, шеърларини ўқитиб, мақтайди. Яъни маълум бўлдики, Ғафур ака Шукруллонинг отасини яхши танир, унинг билимли, тиббиётдан озми-кўпми хабардор, бу атрофдагиларнинг болаларини эмлаб юришидан воқиф экан, шунинг учун Шукруллонинг фамилияси «Юсупов» бўлса ҳам отасининг касбига ҳурмат юзасидан уни эркалаб «Эмчиев» дер экан. Асал косага яқин турсанг шира си юқади, дегандек Шукрулло бу пайтларда Ғафур Фуломдан анча баҳраманд бўлиб, унинг шоирлик маҳоратинигина эмас ҳатто гапириш, даврада узини тутиш манераларини ҳам ўзлаштириб ола бошлабди.

Ҳа, чиндан ҳам Ғафур ака Шукруллони ширин суҳбат шоғирд, талантли шоир сифатида яхши кўрарди, ёнида олиб юрарди, гапга солиб, фикрини ошкор айтиб, баъзан жойиб йўлга соларди. Шукруллонинг биринчи китоби чиқишида Ғафур Фулом жуда катта кўмаклашди ва у чиққандан кейин ўзининг ижодий фикрларини айтиб юрди. Ана шунда Ғафур ака унинг китобини қўлида ушлаб туриб: «Яхши китоб! Шукрулло яхши лирик шоир бўлади, мана кўрасанлар!» — деганини эшитганман.

Доно устоз ўзига хос билимдонлик билан башорат қилган экан, Шукрулло чиндан ҳам яхши шоир бўлиб етишди. Мана бугун унинг ўнлаб шеърий китоблари, бир нечта дostonлари эл орасида маълум. Драмалари бир нечталаб театрларда кўйилди, адабиёт жамоатчилигининг диққатини тортди. Китоблари рус тилига таржима қилиниб, Иттифоқ китобхонининг кўнглига ўтирди, улкан, доғи кетган шоирлар назарига тушди, катта газеталарда тақрирлар чиқди. Бу ҳаммаси Шукруллонинг ўсиб-ўлғайиб, катта шоир ва ижодкор бўлганидан далолатдир.

Ҳа, чиндан ҳам Шукрулло нозик таъб, қалби доимо ҳаяжон билан уриб турадиган, ҳаётни назокат билан кузатадиган, ҳатто суҳбатидан шоирлик ҳисси барқ уриб турадиган, бутун вужуди билан шоир инсондир. Унинг шеърлари Гафур ака айтганидек, лириканинг нақд ўзгинаси бўлса, дostonлари шеъриятни ингичка тушунадиган шоирнинг оламга фалсафий муносабатини, ҳаёт оқимиға синчков қаровчи, инсоф ва адолат тантанасидан қувониб, ўзига сиғмай яйраб, ноҳақликлар олдида ғазабга келадиган актив гражданинг кузатуви самараларидир. Гарчанд Шукрулло дostonларида фалсафий фикрли лирик шоир сифатида қолса ҳам, уларда долзарб ва шу куннинг энг зарур масалаларини кўтариб чиқди. «Россия», «Икки қоя» дostonларида интернационализмнинг буюқ қудратини, халқлар дўстлигининг шонли самараларини мамнуият билан улўғлайди, «26 тонготар» дostonида табиий офатга қарши совет халқининг қанчалик матонат билан туриш берганини мадҳ этди. Бу табиий офат кунларида улўғ шоир Гафур Ғуломнинг оламдан ўтишини Шукрулло битмас яра, ҳеч қачон ўрни тўлмас йўқотиш, оғир мусибат сифатида қабул этади ва уни «Учинчи зилзила» деб атайди. Шогирд дарди билан куйиб, устозини улўғлайди, юраги ачиб, кўзида ёшу қалбида келажакка буюк ишонч билан қалам теб-ретади.

Шукрулло дostonларида ҳам шеърларидек самимий, шеърларидек серҳаяжон ва синчков.

Шукруллонинг шеърий асарларини бепарво, йўл-йўлакай ўқиб бўлмайди. Улар китобхон диққатини ўзининг самимийлиги, ҳис-туйғусининг теранлиги, шаклининг хилма-хиллиги, оҳангининг мусикавийлиги билан тортиб олади ва фикр айтишга, муҳокама юритишга чорлайди. Шукрулло лирик, файласуф шоир. Айниқса, унинг кейинги йилларда шеъриятда фикран етилганлиги катта масалаларни шеърий формада ифодалашга интилишида яққол кўринади. Баъзан эса, фалсафийликка дидактика қоришиб кетадики, унда лириклик чеккинаётгандек кўринади. Лекин бари бир Шукрулло шеърларида ҳиссиёт доим қайноқ ва сертўлқин.

Шукруллога кейинги йилларда шеъриятнинг чиройли кўчалари торлик қилиб қол-

дими, кучини драмада синаб кўрди. Драмани ҳам авваллари шеърда ёзди. Лекин бу ерда у шоирдан кўра, ҳаётнинг қатмаларини шиддат билан кўтараётган, ҳаётдаги айрим нуқсонларни фош этиб, унга қарши курашга кишиларни чорлаган нотинч, сафарбар ижодкорга ўхшарди. Чиндан ҳам Шукрулло драмаларида ҳаётимизда ҳамон яшаб келаётган иллатларни фош этиш, покликка, ҳалолликка, ижодий активликка ундаш асосий ўрин тутди. Ҳа, унинг драмаларида кўтарилган масалаларга бепарқ қараб бўлмайди, улар актив фаолиятга чорлайди.

Шукруллонинг «Жавоҳирлар сандиғи» эса яна бошқача асар. Шукрулло бу асарда ўзининг кўрган-кечирганларини, йиллар ўтиши билан йиғилган фикр-мулоҳазаларини, ҳаётдан олган сабоқларини, кузатувларини бир-бир таҳлилдан ўтказди. Оқибатда шоир ижодкор-тадиқотчи сифатида китобхон қошида гавдаланади. Лекин, бари бир, Шукрулло шоирлигидан, драматурглигидан узилиб кетмайди, балки ўша саҳифадаги фикрларига аниқлик киритади, тўлдирди, заминларини очиб беради. Шукруллони яхши шоир қилиб етказган шароит, муҳит, атрофдаги кишилар эса қоладиган лавҳаларда ва мисолларда намоён бўлади, шоир яшаган давр ва муҳит ҳақида яхши тасаввур беради.

Хуллас, Шукрулло, қайси соҳага қўл урмасин, ҳаётнинг моҳиятини, оқимини қарама-қаршиликларини, ривожини назардан кечиради, истиқбол дарди билан яшайдиган актив граждандан, куйинчоқ ижодкор бўлиб таҳлил қилади, бадий бўёқларда фикрий теранликда маҳорат билан тараннум этади, китобхоннинг кўнглини овлашни, бағрига нур бўлиб кириб, йўлларини ёритишни ният қилиб олади. Зотан ҳақиқий ижодкорнинг бурчи ҳам кишилар кўнглига ёруғлик ташиш ва эзгуликка чорлашда.

Шукрулло бутун ижодида яшашнинг завқи-шавқи билан тўлиб-тошган, юрти ва элининг қутлуғ ташвишлари билан куйиб-ёнган, яхшилик ва нур жилвалари билан фахрланган, китобхонини актив курашга чорлаган тиниб-тинчимас одамдир.

Мана шу тиниб-тинчимас, ажойиб қалб эгаси, нозик таъб, ширинсуҳбат, синчков дўстим 60 ёшга тўлибди. Гарчанд Шукруллонинг суҳбатларидан ёши анчага бориб қолган кишининг белгилари аввалроқ пайдо бўлган эса-да, унинг куч-қуввати, шижоати, ижодий активлиги ҳамон навқиронларникидек тетик ва самаралидир. Мана бизлар 60 га кириб кўрдик. 60 ёш хавотирга тушадиган ёш эмас экан. Ишонманки, бунини Шукрулло билади ва орқасига ҳадеб қарай бермасдан қасд қилган ижод уфқини астойдил кўзлаб, сафарини давом этдираверади. Уни ҳали нурли уфқлар, баракали омадлар кутади. 60 ёшининг муборак бўлсин, дўстим!

ШУХРАТ.

# АСАРЛАРИ ЎЗИГА ЎХШАЙДИ

Шукрулло тўғрисида мен нима ҳам дейман?

Халқимизда «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган ибратли нақл бор. Шоир тўғрисида шоир гапиргани маъқул, албатта. Лекин биз носирлар шеър ёзмасак ҳам, яхши шеърни яхши кўрамыз, яхши шоирнинг шайдоси бўламиз. Шукрулло эса яхши шоир, яхши инсон, шеърятда ўзига хос йўл танлаб, ўзал шеърый олам яратолган забардаст адиб.

Одатда, шоир Шукрулло тўғрисида, унинг ёрқин, серқирра ижоди тўғрисида ўйлаганимда 1959 йили февраль ойида Москвада бўлиб ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ёдимга тушади.

Ушандан сал олдин мамлакатимиздаги энг ўқишли журналлардан бири — «Огонёк» журнали саҳифаларида Шукруллонинг «Россия» дostonи эълон қилинган эди.

«Россия» дostonини атоқли шоиримизнинг улуг рус халқига, рус диёри, рус табиатига бўлган чексиз фарзандлик муҳаббати ва бу муҳаббатнинг самимий ифодаси дейиш мумкин.

Ёдимда бор: декада кунлари А. А. Фадеев номидаги марказий адабиётчилар ўйига машҳур рус шоирлари, ёзувчилари, атоқли танқидчилар йғилишди. Улар ўзбек адибларининг асарлари тўғрисида дўстона гап айтиш, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш учун келишган эди.

Самимий, дўстона сўхбат давомида адабиётимиз ҳақида, ўша даврда яратилган асарлар ҳақида жуда кўп яхши гаплар айтилди, танқидий мулоҳазалар, ҳатто жиддий танқидий фикрлар ҳам билдирилди, албатта. Икки кун давом этган ўша унутилмас дўстона мунозара чоғида танқиддан холи бўлиб, фазайт яхши гаплар эшитган адиблардан бири Шукрулло бўлди, унинг «Россия» дostonи бўлди. Улкан рус шоирлари ва танқидчилари шоирнинг дostonига жуда юксак баҳо беришди, бу асар ҳақида чуқур меҳр билан, ҳаяжон билан гапиришди, биз, Шукруллонинг дўстлари эса, бу гаплардан жуда қувондик, адабиётимизнинг ютуғи учун, акамиз Шукрулло учун қувондик.

Бу воқеадан кейин сал ўтмай Шукрулло «Огонёк» журналининг «энг яхши асар учун» деган йиллик мукофотини олди. Биз яна қувондик, шоирни яна қучоқлаб табрикладик.

Мана, ўша воқеаларга ҳам йигирма йилдан ошди. Бу давр ичида Шукрулло ўнлаб шеърый асарлар, китобхонларнинг чуқур муҳаббатига сазовор бўлган дostonлар, пьесалар яратди. Унинг шеърый ва насрий асарлари рус тилига, жуда кўп қардош халқлар тилларига таржима қилинди, Москвада «Художественная литературэ», «Совесткий писатель», «Молодая гвардия» каби жуда муътабар нашриётларда, «Юность», «Знамя», «Дружба народов» каби журналларда чоп этилди, Бутуниттифоқ китобхонларининг тилига тушди, танқидчиларнинг, Мустан Карим, Қайсин Қулиев, Давид Кугультинов каби машҳур совет шоирларининг юксак баҳосига сазовор бўлди, бошқача қилиб айтганда, Шукрулло адабиётимизнинг Бутуниттифоқ миқёсига кўтарилишига катта хизмат қилди.

Мен Шукруллонинг шеърятини яхши кўраман. Шоирнинг шеърларида катта самимият, катта дард бор, фикр бор. Улар чуқур инсоний туйғулар билан суғорилган. Мени мана шу инсоний туйғулар, мана шу самимият, дард, чуқур фалсафий фикр мафтун этади. Мен унинг «Жавоҳирлар сандиғи» деган насрий асарини яхши кўраман. Гарчи бу асар насрда ёзилган бўлса ҳам, унинг ҳар бир сатридан шоир ёзгани билиниб туради. Асар Шукруллога хос шоирона бир руҳ билан суғорилган. Чин истезод шундай бўлади. Халқимизда «моли ўзига ўхшайди», деган гап бор. Шукруллонинг асарлари ўзига ўхшайди, ўзаид самимий, пок, одадий. Мен унинг асарларини шу фазилатлари учун севаман.

Улкан шоирнинг тўйи — бу минг-минг китобхонлар тўйи, бу — адабиётимиз тўйи. Катта тўй, катта ижод муборак бўлсин, Шукрулло ака!

Соғ бўлинг, омон бўлинг!

Одил ЕҚУБОВ.

## МУСТАЙ КАРИМ:

Ўзбек шеърятда қалам тебратиб шоир бўлиш осон иш эмас. Бу шеърят ўзининг улкан традициялари, анъаналари, тарихи ва ўтмишига, ажойиб бугуни ва келажигига эга. Бундай шеърятнинг ҳақиқий шоирлари кўп бўлади. Шулар орасида шеър ёзиб, мустақил шоир сифатида ном қозониш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бироқ бу иш Шукруллонинг қўлидан келди. У на фақат ўзбек китобхонларининг, балки Бутуниттифоқ шеърят мухлисларининг, қалбида ҳам мустаҳкам ўрин олди. Кўп миллатли совет адабиётида унинг ижодини, шеърятини, бугунги кунда бирорта шоир ижоди билан алмаштириш ёки адаштириш мумкин эмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Мен Шукрулло билан Ватанимиз пойтахти Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ ёш ёзувчиларнинг I кенгашида танишган эдим. Шундан бери, унинг ҳаётида кўп

нарсa ўзгарди. Бироқ Шукруллонинг характериға хос хислатлар сақланиб қолди. Ижоди теранлик, ранг-баранглик ва баркамоллик касб этди.

Шукрулло! Бу ном олдига «ноёб талант эгаси», «таниқли», «ўзига хос шоир» каби кўплаб унвонларни ўзиш мумкин. Бироқ Шукрулло — шоир! Бу сўз юқоридаги каби барча сифатларни ўзида мужассам этган.

Қалб ҳарорати, сўз бойлиги, фикрий тошқинлик, ҳислар пўртанаси ҳали Шукруллода шеърият учун қанча зарур бўлса, шунча топилади. Бу ҳол бир ўқувчи сифатида, ўртоғи, дўсти сифатида барча мухлислари қатори мени беҳад қувонтиради.

#### ДАВИД КУГУЛТИНОВ:

Мен шеъриятсиз яшолмайдиган, ҳақиқий шоир ҳақида ўйлаганимда, унинг намунаси сифатида шоир Шукрулло кўз олдимга келади. Шукруллода яхши маънодаги дарвишон характер бор. Бундай хислатли шоирлар ҳамма даврлар ва асрларда яшаб ўтган ва бундан кейин ҳам яшайверади. Фақат ҳар бир давр ва аср унга ўзича шаклу шамоил, ўзича ранг беради. Давримиз Шукруллоси ўз кифтида замон ташвишларини, орзу-ўйларини, оҳангларини алоҳида ҳурмат ва меҳр, самимият билан кўтариб, ардоқлаб келмоқда.

Шукрулло турмушнинг аччиқ-чучугини тортган шоир. Бироқ у ҳамма билан хушнуд саломлашади, суҳбатлашади. Дардларини, оғир ўйларини юраги тубига яшириб, бошқаларга кўпроқ хурсандчилик бахш этгиси келади... Шукрулло шунақа одам, шунақа шоир!

Шукрулло ижоди ҳақида гапирганда шуни айтишим керакки, унинг шеърлари ўз-ўзидан туғилиб, қоғозга тушаверадигандек туюлади менга. Гўё туғилмасдан, қоғозга тушмасдан иложи йўқдек. Шундай бир бахтли кун келгану асарлар яралган, вассалом. Худди ўзидан-ўзи чалинаётган эртақдаги сеҳрли танбурга ўхшайди шоир Шукрулло.

Шукрулло ҳақиқий шоир, замонамиз шоири. Бу сўзларни мен яна шунинг учун ҳам тўлқинланиб айтаяпманки, юқоридаги гапларни қадим маданий меросга бой халқ ҳақида, шунингдек, барқарор, ҳаётбахш қуёш эгаси бўлмиш Ўзбекистон ҳақида деб ҳам тушуниш керак.

#### ҚАЙСИН ҚУЛИЕВ:

Шоир одамлар билан бамисоли ўз оға-иниси билан гаплашгандек мулоқотда бўлиши керак. Балли, ўз оға-иниси билан гаплашгандагидек. Оға-ини бир-бирига кўнглидаги бор гапни тўкиб солиши — ёққани ёқди, ёқмагани ёқмади, деб рўй-рост сўйлаши табиий. Бу очиқчасига гаплашиш, дегани бўлади. Бусиз катта шеърият йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шукрулло ҳақида шундай гапириш керак. У — ажойиб талант эгаси. Нафақат тенгқурларим, балки йирик, кўзга кўринган атоқли шоирлар ҳам у ҳақида тўлқинланиб гапирди. Бу Шукрулло асарларидаги фикрий теранлиқни, ҳис-ҳаяжонлар кўламини белгилайди. Бу унинг юрагида совуққонликка ўрин йўқлигидан далолат. Совуққонлик ҳалокатга маҳкум гўшаларда ўзига ин қуради. Қайдаки ҳаётга, одамларга, турмуш ҳодисаларига, табиатга, замин ҳуснига, аёлларга, болаларга, қариятларга, сўзга, мусиқага, барча-барча гўзалликларга совуққонлик билан қараш бор экан ўша ерда шеърият йўқ ва бўлиши мумкин эмас. У ерда кун кечириш бўлади холос, шундаки кун кечириш...

Бизнинг қадрли ва севимли Шукрулломиз буни жуда яхши тушунади, шеъриятга, ўртоқлари, дўстлари асарларига ҳамиша қизғин хайрихоҳлик билан муносабатда бўлади. Мен Шукруллони шеърият оламидаги ажойиб шоирлардан бири сифатида билан ва тан оламан.



## КЎП АСРЛИК АДАБИЁТ КЎЗГУСИ

Ўзбек адабиётшунослиги фанида катта воқеа юз берди. Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва Адабиёт институти томонидан чиқарилаётган беш жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг нашри ниҳоясига етди<sup>1</sup>. Беруний номидаги Республика Давлат мукофотининг лауреати, филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметов бошчилигидаги Октябргача бўлган ўзбек адабиёти бўлими ходимлари олий ўқув ортларидаги мутахассислар иштирокида беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи»ни майдонга келтирдилар. Илмий-адабий жамоатчилик кўп асрлик адабиётимизнинг энг қадимги давларидан Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадарли бўлган улкан тарихини фандаги сўнгги ютуқлар асосида кенг ва батафсил ёритувчи академик нашрига эга бўлди. Сирасини айтганда, қардош озарбайжон, қозоқ, қирғиз адабиётлари тарихининг кўп томли нашрлари йўлга қўйилганига анча бўлган, туркманларда ҳам бу яқинда амалга ошди. Шу жиҳатдан биздаги кўп томлиқнинг бир оз кечикиброқ чиққанини ҳам айтиб ўтиш керак, албатта. Лекин шуниси ҳам борки, ҳар бир адабиёт тарихининг, шу жумладан, ўзбек адабиётининг кўп томлик академик нашрини тайёрлаш бениҳоя қийин ва машаққатли бўлиб, илмий ва ташкилий характерга эга бўлган катта тайёргарлик ишлари олиб боришни тақозо этар эди. Жумла-

дан, бой адабий меросимизни тўплаш, саралаш, ундаги адабий факт ва материалларни аниқлаш, текшириш, илмий-оммавий нашрларини амалга ошириш, адабий тенденцияларни белгилаш, муҳим назарий масалалар устида бир тўхтамага келиш, малакали илмий кадрларни тайёрлаш каби жуда кўп муаммолар бор эдики, уларни бир қадар ҳал қилмасдан туриб академик нашрга киришининг иложи йўқ эди. «Кириш»да ўринли қайд қилинганидек, беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи» совет адабиётшунослиги ва шарқшунослигининг ютуқлари асосида юзага келди. Ўзбек адабиётини ўрганишдаги 20-йиллардаги илк уринишлар, 30-йиллардаги марксча-ленинча йўлга тушвётган адабиётшунослигимизнинг дастлабки муваффақиятлари, 40-йиллардаги 2 томлик «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», 50-йилларнинг охири 60-йилларнинг бошида академик Воҳид Зоҳидов таҳрири остида майдонга келган 4 том (7 китоб)дан иборат ўзбек адабиёти антологияси катта тажриба мактаби бўлди. Адабиётимиз тарихи материалларини системалаштириш, бош тенденциялари, ривожланиш қонуниятларини аниқлаш ва белгилашда 60-йиллардан буён олий мактабларда муваффақият билан ўқитилаётган учта дарслик муҳим роль ўйнади. Хуллас, академик нашр фанимизнинг энг муҳим ютуқларини ўзида жамлади ва ўзбек совет адабиётшунослигининг қонуний якуни сифатида майдонга келди.

Беш томликда эликдан ортиқ муаллиф иштирок этган. Улар орасида китоблари, фикр-мулоҳазалари билан республикамиздагина эмас, Иттифоқда ҳам танилган фанимиз устозлари, юксак малакали фан докторлари, истеъдодли, серғайрат ёшлар бор. Деярли ҳамма масала ва мавзулар ўша соҳанинг таниқли мутахассислари томонидан ёзилган. Бу, шубҳасиз, «тарих»нинг кўп жиҳатлардан сифатли бўлишини,

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 1-том. Энг қадимги давлардан XV асрнинг II ярмигача. Т., 1977; 2-том. XV асрнинг II ярми. Т., 1977; 3-том; XVI асрдан XVIII асрнинг 70-йилларигача; Т., 1978; 4-том. XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярми. Т., 1978; 5-том. XIX асрнинг иккинчи ярмидан Улуғ Октябрь социалистик революциясигача. Т., 1980.

ундаги тадқиқ ва талқиннинг аксарият чуқур ҳамда асосли чиқишини, таҳлилнинг эса юксак малакалилигини таъминлаган.

Умуман, «тарих»нинг фазилатлари кўп. Шулардан энг муҳими, назаримизда, ўзбек адабиётшунослигидаги бир қатор масалаларнинг тўғри ва объектив ҳал қилиб берилганлигидир. Булар орасидан биз биттасини алоҳида таъкидлаб кўрсатишни истардики. Қадим замонлардан Улуғ Октябр Социалистик революциясигача бўлган икки минг йиллик адабиётимиз тарихи «ҳар бир миллий маданиятда ихкита миллий маданият», «ҳар бир миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият элементлари бор»лигидан келиб чиқиб, «ҳар бир миллий маданиятдан фақат унинг демократик ва социалистик элементларинигина» олишни, уларни ҳам «фақат ва мутлақо ҳар бир миллатнинг буржуа маданиятига, буржуа миллатчилигига қарама-қарши қўйиб» олишни, тарихийлик принципига амал қилиб танқидий ўрганишни кўзда тутувчи маданий мерос ҳақидаги марксча-ленинча таълимот асосида биринчи мартаба бундай кенг кўлам ва миқёсда ўрганилган ҳамда баҳоланган. Утмиш маданий-адабий ҳаёт ҳодисалари бир-бирига қарама-қарши икки идеологиянинг кураши заминида юзага келиб уни ўзида намоён қилувчи, ҳар бири маълум синфнинг манфаатларини ифода этувчи идеологик қурол воситаси сифатида талқин ва таҳлил этилади. Бу ҳол беш томликка ёзилган кириш сўзида: «Улуғ Октябр Социалистик революциясигача яратилган ўзбек адабиёти тарихига назар ташлаганимизда доимий равишда турли бир-бирига зид адабий оқимлар кураши борганини, бу оқимлар бир-бирига зид ижтимоий гуруҳлар манфаатига хизмат этганини кўрамиз»,— деб алоҳида қайд этилган.

Ўзбек адабиёти асрлар бўйи барча мусулмон давлатларидаги сингари дин билан, Ислом дини қарашлари билан боғлиқ ҳолда ривожланди. «Правда» газетаси 1980 йил 14 апрель сонида «Ислом тарихан фақат расм-русум, ақида, диний маросимлардангина иборат эмас. У социал институтларга, мулкчилик формаларига, айниқса, ҳуқуқ, фалсафа, сиёсий тузум, маиший яшаш қоидалари, ахлоқ, социал психологияга сингиб кетган ёки таъсирини ўтказиб келган. Ислом идеологиясининг ўзи ундан хилма-хил ижтимоий оқимлар билан фойдаланиш учун бой манба беради» деб ёзди. Шу жиҳатдан «Кириш» муаллифи проф. А. Ҳайитметовнинг адабиётимиз тарихи «дин билан», «Ислом дини қарашлари билан» ҳам «боғланган» эканлигини қайд қилишнинг ўзиёқ масалага объектив ёндашиб, манзарани тўғри ёритишга уринишни кўрсатади. Дарвоқе, биринчи мартаба, адабиётшунослигимизда диний ва мистик адабиёт ўзро фарқланади ва ҳар бирига алоҳида изоҳ берилади. Гарчи уларнинг таъриф ва изоҳида муно-

зарали ўринлар бўлса-да, гарчи бу принципга томлардаги даврлар адабиёти обзорида, айрим шоирлар ижоди таҳлилида изчил амал қилиш кўзга ташланмаса-да, масалага конкрет-аналитик ёндашишга мойилликнинг ўзиёқ мамнуният ва қониқиш туғдиради.

Тарих очик-ойдин гувоҳки, дунёдаги ҳеч бир адабиёт иккинчи биттаси билан алоқа қилмасдан, ўз ҳолича ривожлана олмайди. Адабиётларнинг ўзаро таъсир ва алоқаси масаласи уларнинг ривожланиш қонуниятларидан биридир. Бу масалага тўғри ёндашиш ва ҳаққоний ёритиш илмий жиҳатдан нақадар зарур бўлса, амалий жиҳатдан шу қадар катта бўлиб, халқлар дўстлигига хизмат этувчи муҳим оқимлардандир. Тарихан Шарқу Ғарбни бир-бирига боғлаган Буюк ипак йўлининг муазам чорраҳасида истиқомат қилган аждодларимиз қадим замонларданқоқ жаҳоннинг турли халқлари ва мамлакатлари билан қизғин алоқада бўлиб келганлар. Бу алоқалар замонлар зайли билан гоҳ кўтарилган, гоҳ сусайган. Адабий-маданий алоқаларимиз мана шунинг узвий бир қисмидир. Беш томликда ҳақли равишда бу масалага жиддий эътибор берилади. Ўзбек адабиётининг форс-тожик, озарбайжон, туркман, татар, қорақалпоқ, сўнгги асрларда эса рус адабиёти билан бўлган алоқалари ҳамназарда тугилади ва уларга ўрни билан жой ажратилади. Биз, албатта, ўзбек адабиётининг қозоқ, қирғиз (хусусан XIX—XX асрларда) ва айниқса уйғур адабиётлари билан бўлган алоқаларининг ҳам қай бир даражада «тарих»да ўз аксини топишини истардик. Лекин шу ҳолда ҳам беш томлик ўзбек адабий алоқаларининг кўлам ва мазмунини, асосан тўғри белгиланган ва ўз олдига қўйган вазифани муваффақият билан бажарган. «Тарих»да қонуний равишда ўзбек ва форс-тожик адабиёти алоқаларига алоҳида эътибор қилинган. Ҳам ўзбек, ҳам форс-тожик тилларида асарлар ёзган икки ижодкорлар ҳар икки адабиёт ривожига ҳисса қўшганлиги таъкидлаб кўрсатилган, ҳозирги Ўзбекистон территориясида майдонга келган ҳар икки тилдаги илмий-адабий манбалардан кенг фойдаланилган. Проф. Е. Э. Бертельс Ўрта Осиёдаги миллий республикалар адабиётининг илмий тарихини яратишда шу республикалар территориясида ўтмишда форс тилида ёзилган адабиёт материалларини четлаб ўтиш сира мумкин эмаслигини алоҳида уқтирган эди. Чунки ўрта асрларда илм дунёсида лотин, араб тиллари қандай роль ўйнаган бўлса, бадий адабиёт соҳасида форс тили ҳам шундай роль ўйнаган бўлиб, бу тилда ёзилган ва «Форс адабиёти» номи билан шуҳрат топган адабиётни яратишда Ўрта ер денгизи қирғоқларидан Ҳиндистонгача бўлган ерларда яшовчи кўп халқлар иштирок этган эди. Шунинг учун Е. Э. Бертельс айтганидек, «Ўрта Осиёдаги кўп халқлар адабиёти тарихини тузиб чиқишда форс тилида ёзилган адабий материалларни ҳисобга олмай иш кўриш мумкин



эмас. Ўзбек адабиёти тарихини Урта Осиёда яратилган форс тилидаги поэзияни четлаб ўтиб ёзишга уриниш ҳақиқатни бир томонлама ёритишга, бузиб кўрсатишга олиб борар ва тарихий процесснинг асосий этакчи йўналишини белгилаб олишга монелик қилар эди<sup>1</sup>. Масалга бундай ёндашиш, шубҳасиз, илмий ҳақиқатга мос бўлиб, бир томондан, ўзбек адабиёти тарихи фактлари доирасининг кенгайишига йўл очса, иккинчи томондан, янги-янги ижодий фигуралар устида тадқиқотлар олиб бориб, ўзбек адабиёти тарихини янги номлар билан бойитиш устида ишлаш заруриятини келтириб чиқадади.

Лекин мазкур масалани ҳал қилишда беш томликда бир мулоҳаза уйғотадиган нуқта ҳам бор. Жумладан, унда ўзбек ва форс-тожик тилида ижод этган адибларни ҳар икки адабиётга мансуб деб баҳолаш билан бирга: «Ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшаб, ўз асарларини фақат форс-тожик тилида ёзган авторларга эса (масалан, Ҳилолий, Собир Термизий ва бошқалар) тожик адабиёти намояндалари сифатида қаралади» (1-том, 15-бет). Шу тариқа Бадр Чочий, Паҳлавон Маҳмудлар ҳам «X—XII асрларда форс-тожик тилидаги адабиёт...» бўлимига киритилади ва биргина форс-тожик адабиёти ривожига ҳисса қўшган шоирлар сифатида баҳоланади. Аввало, уларни X—XII асрларга киритиш тўғриси бўлмас. Улар давр эътибори билан сўнграқ XIII—XIV асрларда (Паҳлавон Маҳмуд 1248—1322, Бадр Чочий 1285—1344(45) яшаганлари маълум. Сўнгра уларни фақат форс-тожик адабиёти тараққиёти учун хизмат қилди деб бўлармикин? Нега у ҳолда озарбайжон тилида бирор сатр ёзмаган машур Низомийни озарбайжон шоири ёки Зебуннисобегимни ўзбек шоираси деймиз?! Бундай қараш англашилмовчиликлар туғдирмасмикин? Фикризмича, уларни форсигўй ўзбек шоирлари сифатида текшириш ва ҳар икки адабиётнинг ривожига қилган хизмати ҳақида фикр юритиш лозим. Уларга замондош бўлган истеъдодли шоир Сайфи Фарғоний ҳам (беш томликка, афсуски, киритилмаган) шу гуруҳга мансуб.

«Тарих», умуман олганда, адабий факт ва материалларга бениҳоя бой. Унда адабиётимизнинг жуда кам ўрганилган, ёхуд бутунлай ўрганилмаган саҳифаларини ёритишга алоҳида эътибор берилган. Муаллифлар, кўпинча, биринчи манбаларга таяниб иш кўрадилар. Ҳар бир фикрни апрофлича далиллашга ҳаракат қиладилар. Булар, шубҳасиз, беш томликнинг илмий қийматини оширади. Айниқса, қадимги адабиёт таҳлили, X аср араб тилидаги ўзбек адабиёти материаллари, тасаввуфга бағишланган махсус бобнинг киритилиши, Навоий прозасининг кенг ёритилиши, XX аср боши ўзбек адабиётига бир қадар

кенгроқ ўрин берилиши, маданий ҳодисаларнинг аксарият адабиёт билан боғлаб талқин қилиниши, Гадоий, Андалиб, Мирий, Нодим каби бир қатор қалам эгаларига алоҳида жой ажратилиши «тарих»нинг ҳар жиҳатдан салмоқли бўлишини таъминлаган. Масалан, «Ўзбекистонда энг қадимий давр маданий ёдгорликлари» (муаллиф А. П. Қаношов) бўлимида жуда бой фактик материаллар тўпаланган бўлиб, ундаги фикр-мулоҳазалар ўтмиш шарқ, юнон муаллифларининг қатор тарихий, географик асарлари ҳамда совет тарих ва археология фанининг энг сўнги ютуқларига асосланган. Ривоят ва афсоналар кўп ўринларда ўлкамиздаги қадим шаҳарлар, жойлар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган. Айниқса, кўҳна Хоразм билан алоқадор нақл ва ривоятларнинг келтирилиши, умуман маданий-адабий ҳодисаларнинг тарихимиз билан боғлаб таҳлил этилиши адабиётимиз тарихининг чегараларини кенгайтирган ва ишнинг илмий-маърифий қийматини оширган. Қадим адабиёт таҳлилининг кўп жиҳатлардан мукаммал бўлганини таъкидлаш билан бирга унда қадим аждодларимиз, умуман, халқимизнинг тарихий ўтмиши, географик ўрни, халқ сифатида шаклланиши ҳақида оз-кўп тўхтаб, бу ҳусусдаги мавжуд фикр-мулоҳазаларга бир қадар муносабат билдириб кетилишини истардик. Бу нарса «Правданин» «Ўзбекистон халқи бир вақтлар жаҳоннинг илғор халқларидан эди... Бу халқ Юнонистон ва Хитой, Ҳиндистон ва Эрон қадимий маданиятларининг умумий ҳаёти билан бирга яшаган. У бирлашган жаҳон маданиятини яратишда тенг ҳуқуқли бўлиб қатнашган» (1937 йил, 26 май) деб ёзган сўзларининг маъносини теранроқ англашга ҳам ёрдам беради.

«Урта Осиёда X—XI асрларда араб тилидаги адабиёт» қисми ҳам китобнинг ютуқларидан бири сифатида қаралмоғи лозим. Ас-Саолибийнинг «Ятимат ад-даҳр» («Давр дурдонаси») тазкирасидаги араб тилида ижод этган 47 та бухоролик, 7 хоразмлик шоир ҳақида келтирилган маълумотлар, асарлари ҳақида билдирилган мулоҳазалар адабиётимизнинг кўлами ва доирасини, бой ва ранг-баранг меросимизнинг уфқларини кенгайтиради.

Ўзбек адабиёти, умуман Яқин ва Урта Шарқ адабиёти тарихининг бир қатор масалаларини бу ўлкаларда кенг тарқалган тасаввуф фалсафаси ҳақида муайян тасаввурга эга бўлмасдан туриб тушуниш ҳам, тушунтириш ҳам қийин. VIII—IX асрларда Ироқда уммавийларнинг феодаллашган ҳокимиятига оппозиция сифатида майдонга келган (Е. Э. Бертельс) бу диний-фалсафий оқим ўз тадрижий такомили давомида хилма-хил ўзгаришларга юз тутди. Гоҳ пантеизм шаклида гуманистик фикрларнинг ўртага тушишига йўл очди, гоҳ мистика ва аскетизм йўлидан бориб ортодоксал ислом билан қўшилди. XII асрлардан Мовароуннаҳрга ёйилган бу мураккаб оқим кўпгина шарқ адабиётлари сингари ўзбек адабиётига ҳам жуда катта

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс. Персидская поэзия в Средней Азии. (в сб. «Советское востоковедение». М.—Л. 1948. стр. 228.

таъсир кўрсатди. Айниқса, шеърятимизнинг шакл ва мазмунига, образлар системасига сингиб кетди. Ўрта асрлардан тортиб XX аср бошигача бўлган деярли ҳар бир шоирда бу таъсирни оз-кўп сезиш мумкин. Афсуски, ўзбек адабиётшунослигида бу мураккаб диний-фалсафий оқимнинг пайдо бўлиш шарт-шароитлари, йўли ва тақдири, унинг бадий адабиётдаги акси ҳақида шу пайтга қадар ҳеч нарса ёзилган эмас. Шу жиҳатдан «тарих»да тасаввуф ҳақида кичкина бўлса-да махсус бир бўлимнинг берилиши таҳсинга сазовор. Уйлаймизки, у кўп асрли шеърятимизнинг сир-синоатларини тушунишда, шубҳасиз, ёрдам беради.

«Тарих»нинг 2-томи, асосан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланган. Классик адабиётимизнинг энг кўркам ва нодир саҳифасини ташкил этган улуғ шоир мероси чуқур ва атрофлича таҳлил этилган. Унга буюк шоир ижоди билан кўпдан шуғулланиб келаётган бир қатор эътиборли олимларимизнинг жалб қилинганлиги, табиийки, ўз самарасини берган. Серқирра ва сермазмун шеърят таҳлили, машҳур «Хамса» талқинлари яхши таассурот қолдиради. Айниқса, шоир насли асарларининг алоҳида ажратилиб текширилиши, унинг ўзбек прозаси тараққиётидаги ўрни ҳақидаги кузатишлар масаланинг қўйилиши жиҳатидан ҳам, ўрганилиши жиҳатидан ҳам диққатга лойиқдир. Фикримизча, мазкур масаланинг қўйилиши ва бу тарзда ҳал қилиниши адабиётшунослиқдаги инқилобгача ўзбек прозаси бўлганми, агар бор бўлса, у қандай хусусиятларга эга деган саволга ижобий жавоб беради ва уни бир қадар ойдинлаштиради. Бу гапларни XVI аср адабиёти, хусусан, Бобир ижодий мероси тадқиқига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

«Ҳар бир давр адабиётининг асосий тенденцияларини тўғри белгилаш, биринчи навбатда, давр адабий ҳаётига тааллуқли манбаларнинг қай даражада бой ва ишончли бўлиши билан чамбарчас боғлиқдир. Кўп асрли ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда девон, тақрира ва баёзлар асосий манба ҳисобланади,— деб ёзилади «тарих»да. Дарҳақиқат, адабиёт тарихчиси адабий манбаларсиз иш кўролмайдди. Адабиёт тарихи ҳақида айтилган ҳар бир гап пухта ва ишончли манбалар асосида бўлмоғи керак. Адабиётимиз тарихи эса бундай манбаларга бениҳоя бой. Лекин бу манбаларнинг тарихи ва характери қандай, буни кенг китобхонлар ҳамisha ҳам тасаввур қилавермайдилар. Шу жиҳатдан, беш томликда «Адабий манбалар» (4-том, 9—38-бетлар) деган махсус боб ажратилиши, девон (гарчи йўл-йўлакай тўхтаб ўтилган бўлса-да) ҳамда тақриралар ва баёзларга кенг обзор берилиши, уларни турқумлаш, қиёслашга уриниш, Фарғона, Тошкент, Бухоро, Хоразм баёзчилиқ мактаби ҳақидаги фикр-мулоҳазалар «тарих»нинг аҳамиятини, шубҳасиз, оширгач.

Шунингдек, Машраб, Турди, Фурқат ҳақидаги монографик мақолалар ва XX аср

бошидаги ўзбек адабиётига оид материаллар ҳам кўп жиҳатлари билан яхши таассурот қолдиради.

«Тарих»даги материалларнинг жойлаштирилиши, талқини, кўтарилган ва ҳал қилинган масалалар академик нашрга муносиб. Уйлаймизки, бу ҳақда ҳали гап кўп бўлади. Қолаверса, унинг кенгайтирилган ва тўлдирилган қайта нашрлари, русчаси амалга ошиши шубҳасиз. Шу сабабли биз мазкур нашр муносабати билан тўғилган айрим мулоҳазаларни ўртага ташламоқчимиз.

Назаримизда, беш томликнинг илмий-назарий савиясини яна ҳам ошириш, жумладан, ўзбек адабиётшунослигининг, умумсовет адабиётшунослигининг ютуқларини кенг жалб қилиш, бир қатор баҳсли масалаларга йўл-йўлакай бўлса-да обзор бериб, маълум муносабат билдириб ўтиш, янги-янги проблемалар қўйиш ва шулар орқали фанимизнинг бугунги камолини бўйи-баста билан кўрсатиб, келгуси вазифаларни белгилаш, зерур ўринларда бадий тафаккуримиз ривожини шарқ адабиёти, балки жаҳон адабиёти тараққиёти билан боғлаб талқин этиш, ўтмиш адабиётимиз билан бугунги адабиётимизнинг муштарак нуқталарини топиш ва уни замона хизмат этириш юзасидан анча ишлар қилиш мумкин эди.

«Тарих»да адабиётимиз тарихининг айрим кардинал масалаларини қўйиш ва ҳал этишга интилиш вақти келганлиги сезилади. Шулардан бири Шарқ Ренессанси масаласидир. Дастлаб Италияда қайд этилган, жаҳон тарихида «Уйғониш» деб ном олган ҳодисанинг Шарқ учун ҳам хос эканлиги ҳақидаги фикр фанда 40-йилларнинг охирида пайдо бўлган. Масалан, Ш. И. Нуцубидзенинг «Руставели ва Шарқ Ренессанси» асари 1947 йилда эълон қилинган. Шарқ ва Ғарб маданияти тарихини чуқур ўрганган академик Н. И. Конрад 1955 йилда босилиб чиққан «Ўрта асрлар — тарих фанида» номли ишда «Уйғониш»га айна ўхшаш бўлган ҳодисанинг айрим Шарқ халқлари тарихида, чунончи, Хитойда (VIII—XII), Ўрта Шарқда (Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистоннинг шимолий ғарби — IX—XII) кузатилишини айтган эди. Олимнинг 1968 йилда ёзилган «Ўрта Шарқ» Уйғониши ва Алишер Навоий» мақоласида бу тезис улуғ шоир ижоди мисолида исбот ҳам қилинган эди. Бу фикр академик В. М. Жирмунскийнинг 1961, 1967 йилларда босилган «Алишер Навоий ва Шарқ адабиётларида Ренессанс проблемаси» мақоласида ҳам илгари сурилади. В. К. Чалоян «Арман Ренессанси» (1963) китобида «Уйғониш»нинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётдаги кўпгина янги ҳодисалар билан боғлиқ эканлигини таъкидлаган ҳолда унинг мустақкам феодал тузуми шароитида ҳам намоён бўлиши мумкинлигини, капитализмнинг тўғилишига дахли йўқлигини кўрсатган эди. Ўзбек олимларидан М. М. Хайруллаев «Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири» (1972) китобида Шарқдаги «Уйғониш» Европадаги сингари феодализмдан капитализмга ўтиш

даврида эмас, феодал жамиятининг ўзида, унинг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтиш даврида юз берганини исбот қилди. Бошқа тадқиқотчиларимизнинг ишларида ҳам «Ўрта Осиёдаги «Ренессанс» (В. И. Зоҳидов, Улуғ шоир ижодининг қалби, Т., 1970, 15-бет), «Хоразм Ренессанси» (С. П. Толстов, Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Т., 1958, 198-бет) ҳақида қайдлар бор. Буни А. Ҳайитметовнинг «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» (Т. 1970) китобида ҳам учратамиз. Бу фикр мақола ва китобларда тобора тез-тез учрамоқда, унинг тарафдорлари кўпайиб бормоқда. Фикримизча, ўзбек адабиёти тарихи материаллари, хусусан, дунёвий адабиёт Шарқ Уйғониш даври масалалари билан боғлаб таҳлил қилинганда, ундаги гуманизмнинг қирралари буртиб кўринар, айти пайтда жaxon адабиёти тараққиётидаги ўрни равшанроқ англашилар эди.

Умумжаҳон тарихий-маданий ҳодисаларидан бўлган Маърифатчилик масаласи ҳам, бизнингча, мана шундай ижобий ҳал қилишни талаб этади. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари ўзбек адабиёти материаллари Маърифатчилик проблемаси нуқтаи назаридан кўздан кечирилса, демократик адабиётимизнинг янги-янги жиҳатлари очилиши аниқ, 1968 йили Москва университетидега ўтказилган Шарқ Маърифатчилиги ҳақидаги баҳс материаллари (Труды межвузовской научной конференции по истории литературы зарубежного Востока, М., Изд-во Московского университета, 1970), СССР ФА Шарқшунослик институти томонидан 1973 йилда чиқарилган «Шарқ адабиётларида Маърифатчилик» тўплами бу хусусда ўйлаб кўришга ундайди. Ғарб тарихи асосида майдонга келган бу хил терминларни Шарқ тарихига нисбатан қўллаш Шарқ халқлари тарихини Ғарб халқлари тарихи нормаларига қандайдир зўрлаб тушириш бўлмасдан жaxon тарихининг ўзаро узвий алоқадорликдаги ривожини тушуниб олишга ёрдам беражagini академик Н. И. Конрад В. К. Чалояннинг «Арман Ренессанси» китобига ёзган тақризида<sup>1</sup> яхши кўрсатиб берган эди.

Беш томликдаги шундай мулоҳазали нуқталардан яна бири адабиётимиз тарихининг даврлаштирилиши масаласидир. Аввало, кўп томликдаги материалларнинг жойлаштирилишига, адабиётимиз тараққиётининг муҳим назарий масалаларига изоҳ беришга қаратилган «Кириш»да адабиётимиз тарихининг қайси даврларга бўлиб текширилганлиги аққол кўзга ташланиб турмайди. У ердаги фикр-мулоҳазалардан даврлаштириш тахминан, шундай ҳал қилинганини пайқаш мумкин: Қадимий давр (X асргача), XI—XIII асрлар, дунёвий адабиёт (XIV—XV), XVI—XIX нинг биринчи ярми, демократик адабиёт (XIX нинг иккинчи ярми XX нинг бошлари). Фани-

миздаги мавжуд вариантдан кам фарқ қилувчи бундай даврлаштиришнинг баҳсли томонлари анчагина бор. Уни адабиётимиз тарихининг тараққиёт босқичларини тўла-тўқис англага олади дейиш қийин. Иккинчидан, даврларнинг айримларига берилган изоҳларнинг ўзи изоҳга муҳтож. Масалан: «XI—XIII асрлар эса туркий халқлар орасида ёзма адабиёт юзга келиб шакллана бошлаган давр бўлиб, бу ўзбек, туркман ва бошқа халқларнинг ҳам халқ сифатида шакллана бошлаган давр эди» (1-том, 17-бет). Шу тариқа X асргача бўлган ёдгорликлар «барча туркий халқларга тегишли бўлган ёдгорликлар» деб қаралади ва «адабий чегараланиш»нинг чегараси XI—XIII асрлар қилиб белгиланади. Тўғри, 1974 йилда босилиб чиққан Ўзбекистон ССР тарихининг бир томлигида «ўзбек халқини X асрда шаклланди» (96-бет) дейилади. Лекин айти пайтда бу жараённинг бундан кейинги асрларда ҳам давом қилганлиги эътироф этилади. Шунга қарамасдан адабий чегараланишини XI—XIII асрлардан бошлаш бизнингча, айрим чалкашликлар тўғилишига йўл очади. Шу сабабли ўзбек адабий тили ва адабиёти ҳақидаги гапни XV асрдан бошлаш, унгача бўлган ёдгорликларни туркий халқларнинг муштарак ёдгорликлари деб қараш, бизнингча маъқул бўлур эди. Бу ҳақда Олтин Ўрда адабиёти муносабати билан яна тўхтаимиз.

«XV асрдан кейинги адабиёт (чамаси XVI—XIX кўзда тутилади) ҳақида эса шундай фикр учрайди: «XV асрдан кейин ўзбек адабиёти ривожига шаҳар ҳунармандлари ва косибларнинг салмоғи, таъсири орта борди. Бинобарин, бадий адабиёт ҳамма жанрларда кўпроқ ана шу ижтимоий қатламларнинг қайфиятларини ифода қиладди. Адабиётда илғор шоирлар ижоди мисолида демократлашиш, халқчиллашиш тенденциялари кучая бошлади» (1-том, 17-бет). Давр адабиётининг хусусиятига оид бу гап ҳам мунозарали, албатта. Ҳар ҳолда «демократлашиш тенденцияси», демократик ғоя деган гаплар бениҳоя юксак гаплар. Сиёсий тушунча сифатида халқнинг ҳокимиятни ўз қўлига олиб бошқаришини кўзда тутувчи, адабий истилоҳ сифатида эркинлик, тенглик ғояларини ифода этувчи асарларга қиёсан айтиладиган бу терминни XVI асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган адабиётимизга нисбатан ишлатиш тўғри бўлармикин?

«Кириш»да берилган даврлаштириш принципига томларда амал қилинмайди. Томларда қуйидаги бўлинишларга дуч келамиз: Энг қадимий давр маданий ёдгорликлари, X—XII асрлар, XIII—XIV асрлар, XV асрнинг биринчи ярми, XV асрнинг иккинчи ярми, XVI аср, XVII—XVIII асрлар, XVIII асрнинг охири—XIX асрнинг биринчи ярми, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср. Шунинг ўзи ҳам даврлаштириш масаласининг «тарих»да қатъий ва аниқ ҳал қилинмаганини кўрсатади.

Шунингдек, классик адабиётимиздаги метод масалаларини ҳам беш томликда узил-кесил ҳал қилинган дейиш қийин,

<sup>1</sup> Қаранг. Н. И. Конрад, Избранные труды. Изд-во «Наука» М., 1978, стр. 411.

албатта. Унинг устига адабиётимизнинг тараққиёти билан боғлиқ бу муҳим назарий масала, асосан, Навоий ижоди муносабати билангина тилга олинади. Ўзбек адабиётидаги тарихий оптимизмнинг тақдири, реалистик тенденциянинг социалистик реализм пайдо бўлишидаги ўрни ва роли ҳақидаги масалаларнинг қўйилиши ҳамда ёритилишини истардик. Шу жиҳатдан кўп асрлик адабиётимиз билан янги ўзбек совет адабиётини боғлайдиган 1905—17 йиллар қизиқарли материаллар бера олади ва бир қатор муҳим назарий масалаларни кўтариш ва ҳал қилишга имкон туғдиради.

XX аср бошидаги адабий ҳаётга обзор берилганда унда тўртта оқим: феодал-клерикал адабиётнинг сўнгги қўйқалари, маърифатпарварлик, демократик оқим ва революцион адабиёт куртаклари (5-том, 269-бет) кўзга ташланиши айтилади. Бу оқимларнинг ёнига яна кўйиш мумкин. Лекин ҳозир гап унда эмас. Гап инқилобгача бўлган прогрессив адабиётимиздаги бош тенденцияни қайси бири ташкил қилди — шунда. В. И. Ленин 1915 йилда ёзган мақолаларидан бирида ижтимоий ҳодисаларда ҳукмронлик қиладиган қонуниятлар тўғрисида сўзлар экан, бу қонуниятнинг муҳим белгиси сифатида ҳар қайси давр учун характерли бўлган етакчи мазмун борлигини ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма тармоқларида шу етакчи мазмун излари кўриниб туришини уқтирган эди. Чунончи у шундай ёзади: «Ҳар бир даврда гоҳ олға қараб, гоҳ орқага қараб ҳаракат қилишнинг айрим, жузвий ҳоллари бўлади ва бўлажак; ўртача типдаги ва ўртача суръатдаги ҳаракатлардан четга чиқши ҳоллари бўлади ва бўлажак. Биз даврнинг бундай айрим тарихий ҳаракатлари қандай тезлик билан ва қандай муваффақият билан тараққий қилишини олдиндан айта олмаемиз. Лекин биз қандай синфнинг қайси давр марказида турганлигини, бу даврнинг сиёсий мазмунини, бу давр тараққийнинг асосий йўлини, бу давр тарихий вазиятининг асосий хусусиятларини ва ҳоказоларни белгилаб беришни билишимиз мумкин ва билаемиз»<sup>1</sup>. Бинобарин, 1905—17 йиллар адабиётимиздаги бош тенденция ҳам, умуман олганда, маълум. У, бизнингча, революцион адабиётдир. XX аср бошидаги ўзбек адабиёти намоёндалари ижодига берилган йўл-йўлакка баҳоларда ҳам бунини пайқамаслик мумкин эмас. Масалан, Завқий ҳақида гап кетганда «даврнинг энг ақтуал масалаларини тўлиқ тушуниб етиб, уларни илғор позициядан туриб» (322-бет) тасвирлагани ёки Аваз ижодининг «бош йўналиши озодлик, эрксеварликдан иборат» (364-бет)лиги, шеърларида «чинакам ҳурриятни орзиқиб кутиш равшан сезилиб тургани» (365-бет), Анбар отининг «еса халқни ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашга даъват қилгани»

(371-бет) айтилади<sup>1</sup>. Шунингдек, бошқа бир қатор адибларимиз ижоди ва дунёқарашидаги «юқори поғона» (Фақирий) (383-бет), «янги йўналиш» (Ҳамза) (402-бет), «бурилиш» (Айний) (412-бет) ҳақида ҳам гап бор. Назаримизда, ҳодисани ўз оти билан айтиб, революцион адабиёт ҳақидаги гапни дадил ўртага қўйиш ва унинг намоён бўлиш хусусиятларини кўрсатиб бериш керак эди. Шунда «Хулоса»даги инқилоб арафаларида «халқчил-маърифий адабиётимиз халқчил-инқилобий адабиёт даражасига кўтарилди» (417-бет) деган тўғри фикр асосланган бўларди.

Умуман, «тарих»да социологик таҳлилга ҳам эътибор берилса ёмон бўлмасди. Классик адабиётимизнинг халқимиз озодлик ҳаракати билан алоқадор нуқталарини, бир вақтлар Маркс айтган, «кўринмас иплар»ни адабий истеъмолга киритиш юзасидан ҳам кўп томликдан анча нарса кутишга ҳақли эдик. Хусусан, Сарбадорлар ҳаракати ва адабиёт, 1892, 1898, 1916 йиллардаги халқимизнинг иккиёқлама зулмга қарши олиб борган курашининг бадий адабиётда акс этиши масалалари, «тарих»дан ўзига муносиб ўрин олоғи керак эди.

Ниҳоят, Олтин Урда адабий ҳаракатчилиги, хусусан, Қўтб ва Сайфи Саройи ижодининг ўрганилиши ҳақида.

Адабиётимизнинг тараққиёти тарихида XIV асрдаги Олтин Урда адабий ҳаракатчилигининг роли ва ўрни маълум. Сирасини айтганда, Олтин Урда шу асрдаги туркий адабиётнинг энг қизғин ва энг сермаҳсул нуқтаси бўлган. Хоразмнинг маркази Урганч бўлган бир қисмини, Ёйиқ атрофлари, Юқори ва Қуйи Волга, Шимолда Кавказ ва Қримни ўзида бирлаштирган Олтин Урда таркибда туркий халқлар асосий ўринини эгалларди. Тили жиҳатидан маълум сабабларга кўра жуда содда бўлган Олтин Урда адабий мактаби машҳур «Муҳаббатнома»нинг муаллифи Хоразмий, Қўтб, Сайфи Саройи каби юксак истеъодларни вояга етказди. Уларнинг асарларида илгари сурилган инсоний муҳаббат, адолатли подшоҳ ва марказлашган давлат учун кураш каби ҳаётий масалалар адабиётимиз тарихида беиз кетмаган, албатта.

Қўтб «Хусрав ва Ширин»ида дунё ишқ асосига қурилган, ер ошиққи, ўт-ўланлар тимсолида кўкка талпинди, осмон наъра тортиб кўз-ёш тўқади, денгизларни муҳаббат шиддатли ғалаёнга келтиради, оламнинг тириклиги ҳам, одамнинг боқийлиги ҳам шундан деган фикрни кўтариб чиққан эди.

Бу ишқим бирла бошлаб дostonни Сало деб ишққа ундадим жаҳонни

сатрларида машҳур «ҳай-ю-алас-сало» (ибодатга шошилишлар!) деган диний нидо асосида сўз ўйини ясаб, унга тамоман янги мазмун сингдирган ва инсонларни муҳаббатга шошилишга чорлаган эди. Бундай

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 4-нашри, 21-том, 144-бет.

<sup>1</sup> Таъкидлар бизники — Ғ. Қ., Б. Қ., Ҳ. М.

нуқталарни юқоридаги ҳар учала шоир ижодида кўплаб топиш мумкин. Буларнинг акс-садосини уларнинг издошларида пайқаш қийин эмас. Хуллас, улар ижодига «тарих»дан ҳақли суратда ўрин берилган. Лекин биз бошқа нарса ҳақида гапирмоқчимиз. Кейинги йилларда совет адабиёт-шунослиги фанида Қутб ва Сайфи Саройи ижодини ўрганиш бўйича анча ишлар қилинди. Бунда ўзбек олимлари билан бир қаторда татар, қозоқ ҳамкасбаларимиз ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшмоқдалар. Айниқса, татар тадқиқотчилари самарали ишламоқдалар. 60-йилларда Х. Усмон, З. Мақсудова, Ҳ. Муҳамматовларнинг «Қозон ўтлари» журналарида қатор мақолалари босилди. Ҳар икки шоирнинг ижодидан намуналар берилди. 1969 йилда «Хусрав ва Ширин»нинг Қозон нашри амалга оширилди. 1972 йилда Х. Ю. Миннигулов «Сайфи Саройининг таржималари ва оригинал асарлари» мавзuida кэндидалик диссертацияси ёқлади. 1972, 1976 йилларда «Сайфи Саройининг ҳаёти ва ижоди», 1976 йилда «Қутб ижоди» номли монографиялар эълон қилди. Х. Усмон ва З. Мақсудова «Ғулистони бит туркий»нинг Лейдендаги якка-ю ягона нусхаси фотокопиясини Тошкент (1968) ва Будапешт (1969) нашрларига таққослаб чиқдилар ва 1979—80 йилларда икки китобдан иборат араб алифбесидagi нашрини амалга оширдилар. Қозоқ олими А. Ибатов эса 1974 йилда Қутб достонининг сўзлигини бостириб чиқарган эди. Қутб ва Сайфи Саройи ижоди ҳақида бундан кейин ҳам тадқиқотлар яратилиши, уларнинг кўлами, доираси кенгайиб бориши табиий. Лекин ҳозиргача эълон қилинган ишларнинг ўзи ҳам ҳар икки шоир биографиясига, ижодига доир талай янги-янги факт ва материалларни, фикр-мулоҳазаларни ўртага қўйди. Айни пайтда ҳар икки шоир биографиясига оид айрим деталларни талқин қилишда, уларнинг қайси халқ адабиётига мансублигини белгилашда ҳар хилликлар ҳам туғилмоқдаки, уларни ҳамжиҳатлик билан ҳал қилиш вақти келди. Бизда уларни тўғридан-тўғри «ўзбек» шоири, асарларини эса «ўзбек» адабиёти намунаси деб қараш мавжуд. Татарларда «турки-татар» ёхуд «татар» шоири сифатида баҳолаш кўзга ташланади. 1967 йилда Ашхобода босилган «XI—XVII аср туркман адабиёти шоирлари» китобида Қутб туркман шоири сифатида таништирилган эди. Шунга кўра уларнинг туғилган жойи ҳам турли чегараларга тортилади. Бир вақтлар Қутб ҳақидаги бизда чиққан мақолалардан бири «Қутб Хоразмий» («Шарқ юлдузи» журнали, 1957 й., 1-сон) деб ҳам номланган эди. Дарҳақиқат, аксарият илмий ишларимизда Қутбга шундай ёндашиш бор. Х. Миннигулов шу пайтга қадар унинг хоразмлик, яъни «Хоразмий» деб кўрсатган бирорта манба топилгани йўқ дейди ва унинг «татар»лигини исботлашга уринади. Сайфи Саройининг туғилган юрти «Қамишлини» Н. Даврон Хоразмнинг Сарикамиши деб белгилайди. Татар олимлари уни Татарис-

тон сарҳадларидан излайдилар. ЛГУ профессори А. Тоҳиржонов уни Саройининг шундайгина биқинидаги ҳозирги Волгоград области территориясида жойлашган Камышин деб кўрсатади. Бу баҳслар натижа бермагач, «Хусрав ва Ширин» билан «Ғулистон бит туркий»нинг тил хусусиятларига муурожаат қилиш кучайди. Бу хусусда ўртага тушган хилма-хил фикрлардан биттаси, бизнингча, масалани тўғри ҳал қилишга йўл очади ва ҳақиқатга ҳам яқин кўринади. У ҳам бўлса А. Тоҳиржоновнинг фикридир. Унингча, Қутб тили мишар тилига яқин. Мишар тили эса туркий тилларнинг булғор группасига кирувчи искилнинг наслларидан. Искил Урта Осиёдаги машҳур чигилларга келиб боғланади. Шунга кўра, А. Тоҳиржонов «Қутадуғ билик» билан «Хусрав ва Ширин» ўртасида ҳар жиҳатдан яқинлик кўради. Дарҳақиқат, шуларнинг ўзиёқ XIV асрдаги бадий адабиёт намуналарини айрим-айрим туркий миллатларга мансуб деб қарашга уриниш ҳар хил чалкашликлар туғдиришини кўрсатади. Шу жиҳатдан мазкур муаллифнинг XIII—XIV асрларда Олтин Урда давлатидаги туркий тилли адабиётнинг бошқа туркий ўлкалардагига нисбатан яхшироқ тараққий этганлиги ҳақида фикр юритиб, «бу қизгин адабий жараёнга империянинг марказий қисмида яшаган қипчоқлар билан биргаликда Оқ Урда, Булғор, Хоразм, Қрим ва Озарбайжондаги туркийларнинг ҳам фаол иштирок этганлиги, «шунга кўра у сўнгроқ шаклланган миллий адабиётлардан татар, ўзбек, туркман, қрим, қозоқ, қорақалпоқ, нўғой, бошқирд адабиётларига асос ёки манба — «чашма» бўлган, у ҳатто турк, озарбайжон сингари четроқда, алоҳида яшаган халқларнинг адабий процессига ҳам кучли таъсир ўтказган Миср каби олис ўлкаларга ҳам унинг таъсири бўлган...»<sup>1</sup>, деган гапларида маълум ҳақиқат бор. Бизнингча ҳам масалага шундай ёндашиш лозим. XV асргача бўлган адабий-маданий ёдгорликлар, шу жумладан XIV аср Олтин Урда адабиёти барча туркий халқларнинг муштарак ёдгорлиги сифатида баҳоланмоғи керак. Шунга кўра ижоди, шубҳасиз, ўрганилиши ва объектив баҳоляниши шарт бўлган Аҳмад Яссавий (юқорида айтилган Ашхободдан чиққан китобда у туркман шоири дейилган, кейинги пайтларда қозоқ олимлари қозоқ шоири сифатида талқин этмоқдалар) ҳам умумтуркий адабиётнинг вакили сифатида қаралиши керак. Масалага шундай ёндашилгандагина у тўғри ҳал қилинган бўлади ва интернационал тарбияга ҳам хизмат этади.

Дарвоқе, Олтин Урда адабиёти, хусусан, Қутб ва Сайфи Саройи ижодига оид совет адабиётшунослигида яратилган тадқиқотлар кўп томликка жалб қилинса, шубҳасиз, янши самара берар, айниқса уларнинг биографиясига, асарларига оид

<sup>1</sup> А. Тоҳиржонов. Тарихдан адабиётга. Қозон, 1979, 54-бет.

жуда кўп тафсилотлар аниқланган бўлар эди. Аслида, илмий этика ҳам шунга талаб қиларди. Афсуски, уларга эътибор қилмаслик натижасида бир қатор ноаниқликлар, хатолар нашрда кетган. Масалан, беш томликда «Хусрав ва Ширин» учун асос қилиб олинган манбаи кўрайлик. Муаллиф 1973 йилги Тошкент нашрини «тўлиқ» деб ҳисоблайди ва шунга суюниб иш кўради. Х. Ю. Миннигулов уни «тўлиқ эмас», Париждаги якка-ю ягона нусханинг адабий-тарихий жиҳатлардан муҳим бўлган 4—16 бетлари (239 байт) ва сўнги 229—232 саҳифалар — жами 304 байт қисқартирилганини таъкидлайди ва текстини ҳозирги ўзбек фонетикаси қонунарига мослашга интилиш бор<sup>1</sup>, — деб кўрсатади. Достоннинг ёзилиш йили ҳам 1340 деб, асосан, тўғри белгиланса-да, яна бир ўринда А. Тоҳиржонови 1946 («тарих»да нимагадир у 1948 дейилган) йилдаги диссертациясида илгари сурилган 1330—1336 саноиси келтирилади. Ҳолбуки бу фикрларида А. Тоҳиржонови аллақачон тузатиш киритган ва асарнинг ёзилиш 1340—1341 йилларга тўғри келади деган эди. Х. Ю. Миннигулов фикрича эса достон 1342 йилда ёзиб тугатилган. Китобни кўчирган котибнинг номи ўзбек адабиётшунослигининг ўзида ҳар хил (Масалан, Н. Маллаевнинг дарслигида Берка Фақиҳ, бошқаларида Берка Фақиҳ) Қўлёманинг топилиш тарихи эса кўп ишларда 1913, Н. Маллаевда 1914 деб берилган.

Х. Миннигулов асарни «эркин таржима» (Бертельс, Тоҳиржонови, Зайночковский), «назира» (Амир Нажип), «муस्ताқил асар» (Кор-Огли) деювчилар ҳақида тўхтаб Қутб достонини Низомийнинг 1935 йилги Воҳид Дастирийи босмаси ва озарбайжонча (1962), русча (1955) нашрлари билан қиёсан солиштириб, оригиналнинг 5660 байт, таржманинг 4659 (Н. Маллаевда 4685—кўраясизки, яна ҳар хиллик бор) байт бўлиб орадаги фарқ 1000 байтчилигини, шундан, боблар 132—90 (Н. Маллаевда 91), сюжет қисми 4623—4292 байт эканлигини аниқлаган ва уни ҳар томонлама таҳлил этиб поэмани «ярим таржима, ярим оригинал» деб белгиллаган эди. «Тарих»да ҳам достон тадқиқи маълум даражада қиёсий ўрганиш асосида олиб борилади ва Олим Шарафиддинов, Ҳоди Зарифовларнинг таржимада муаллифнинг ижодий иш тутганлиги ҳақидаги фикрлари ривожлантирилиб, масала, умуман, тўғри ҳал қилинади.

Сайфи Саройи хусусида ҳам юқоридагига ўхшаш нукталар йўқ эмас. Ҳатто унинг номида ҳам ҳар хиллик бор. Бизда «Сайфи Саройи», татар адабиётшунослигида «Сайф Саройи» деб қўлланади. Н. Давроннинг шоир тахаллуси мазмун ҳақидаги — «саройнинг (шаҳарнинг эмас) қиличи» деган фикрини Х. Ю. Миннигулов рад этади ва бунга ишонтиради. Унинг таваллуд

ва вафот саналари жуда кўп тадқиқотларда 1321—1396 деб кўрсатилади, ўзбек энциклопедиясида эса 1323—1396 деб берилган. «Тарих»да Сайфи Саройининг қатор асарлари билан бирга «Синдбоднома» таржимаси ҳам «етиб келган»лиги (1-том, 222-бет) хабар қилинади, бироқ у ҳақда ҳеч қандай маълумот келтирилмайди. Шу сабабли татар тадқиқотчилари анчадан буюн келаётган бу гапга Муҳаммад Фуод Купрулизоданинг «Турк адабиёти тарихи» (II, Истамбул, 1927 й., 274-бет)га суюниб Сайд Малик Казвинийнинг «Синдбоднома»си ўзи «форсча эмас, туркча ёзилган, тўғриси, (форс тилидан усмонли туркчага таржима<sup>1</sup> қилинган-ку», деб шубҳа билдирган эдилар.

Бу хил тафсилотларга кўп тўхташимиз бежиз эмас.

Адабиётга алоқадор эн. майда деталнинг ҳам фанимиздаги объективлик учун аҳамияти нақадар катта эканини бу соҳанинг ҳар бир ҳодими яхши тушунади.

Шунингдек, эйрим номларни унификация қилиш («Кандул ҳақоик» — «Канз-ул ҳақоик» — 1-том, 167-бет; Ҳасан Нисорий — 2-том, 23-бет — Ҳасан Хожа Нисорий — шу китоб, 143-бет; «Сайедий», В. Абдуллаев, ўзбек адабиёти тарихи, 2-китоб, Т., 1964, 34-бет — «Саъдий» — 3-том, 171-бет; 5-томда Сиддиқий — Ажзийнинг гоҳ Сиддиқий, гоҳ Аҳзий деб берилиши кабилар), томлар ора-идаги боғланишни, яхлитликини кучайтириш ва хулосаларга алоҳида аҳамият бериш (масалан, 4-томда адабиётимизнинг Қўқон, Бухоро, Хивага, асосан тўғри ажратилиб текширилгани ҳолда уни умумлаштирувчи қисмнинг бўлмаслиги бутунликка халал етказган), таҳрир («тил хусусиятларининг соддалиги» — 1-том, 270-бет, «ўз асарида бадий санъаткорликка ҳам алоҳида эътибор билан қараган», — шу том, 276-бет «Атойи халқ поэзиясига қоришиқ ҳолда ижод қилишни севган» — шу том, 298-бет каби таҳрирбоп ўринлар, такрорлар бор), сарлавҳаларнинг номланиши (бир хилликлар анча учрайди), умуман системалаштириш жиҳатидан ҳам келгуси ишлар олдидан бир кўриб чиқилса зарар қилмайди.

Назаримизда, айрим шоирлар ижодини баҳолашда ҳам био ёқламалик борга ўхшайди. Чунончи, Ҳувайдо ижодининг ижобий нуқталари ҳақида ўринли гап бўлгани ҳолда унинг диний-мистик руҳдаги шеърлари ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш лозим эди. Уйлаймизки, Ҳазиний, ижоди бир оз бошқачароқ характердаги Амирий ҳам ўрганишни ва шундай ёндашишни талаб қилади. Аҳмад Табибий тезкиранависдан кўра истеъдодли шоир сифатида кўпроқ характерли ва адабиётимиз учун қадрли. У билан бир неча бор учрашиб суҳбатлашган академик А. Н. Самойловичнинг «адабиёт соҳасида ёш Хиванинг ёлғиз бўлмаган бу намояндаси, шубҳасиз, гарчи ҳозирча платоник бўлса-да, усмоний, турк-

<sup>1</sup> Қаранг, Х. Ю. Миннигулов, Қутб ижоди, Қозон, 1976, 26-бет.

<sup>1</sup> Қаранг, Х. Ю. Миннигулов, Сайфи Саройи, Қозон, 1976 й., 17-бет.

ча — қозонча энг янги асарлар, оригинал ва таржималар томон мойилдир» деган гапларида катта ҳақиқат бор. Биз «тарих»-да шу масалага ҳам эътибор берилишини иштардик.

Энди жуда ҳам нозик, илмий ишга, хусусан, қўлимиздаги беш томликдай мўътабар нашрга муносиб бўлмаган бир ҳодиса ҳақида ҳам тўхтаб ўтишга тўғри келади. Ундан кўз юмиб ўтиш нообъективлик бўларди. Гап айрим саҳифаларда кўзга ташланиб қолган, адабиётшунослигимиздаги мавжуд ишлардан «фойдаланиш», очиқроқ айтганда, кўчириш, фикрни эмас, сўз-ма-сўз ифодани ҳам олиш устида кетяпти. Бундай ўринлар, эҳтимол низолатда озди, лекин борлиги фактининг ўзиёқ, энг ками, ранжитади. Мана, эътиборингизга 2 парчани ҳавола қиламиз:

1. «Ёзма адабиёт намояндалари халқ асарларининг темаси ва ғоявий мотивларидан, сюжети ва образларидан, адабий услуб ва бадиий усулларидан, тил бойлиги ва поэтик формаларидан ижодий фойдаландилар, унинг тажрибаларидан таълим ва илҳом олдилар, халқ мақоллари ва таъбирлари билан ўз асарларига сайқал бердилар. Бу ҳол ёзма адабиётнинг прогрессив намояндалари ижодининг ҳаётга, халққа ва жамият тараққиёти талабларига яқинлашувига самарали таъсир этган эди. Бу айниқса улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ижодида ҳаммадан кўра тўлароқ ва ёрқинроқ кўринади».

2. «Ёзма адабиёт намояндалари халқ асарларининг тема ва ғоявий мотивларидан сюжет ва образларидан, адабий услуб ва бадиий усулларидан, тил бойлиги ва поэтик формаларидан ижодий фойдаландилар, унинг тажрибаларидан таълим олдилар, халқ мақол ва таъбирлари билан ўз асарларига сайқал бердилар. Бу ҳол ёзма адабиётнинг прогрессив намояндалари ижодининг ҳаётга, халққа ва жамият тараққиёти талабларига яқинлашувига самарали таъсир этган эди. Бу айниқса буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ижодида

ҳаммадан кўра тўла ва ёрқин кўринади».

Биринчи парча таниқли адабиётшунос Н. Маллаевнинг 1963, 1965 йилларда нашр қилинган «Ўзбек адабиёти тарихи» китобининг 240—241 бетларидан (сўнгги, қайта ишланган 1976 йилги учинчи нашрида 203-бет). Иккинчиси эса «тарих»нинг 1-томидagi 238-бетдан. Ҳар икки парча бир-бирига деярли томчи сувдек ўхшаш (таниш белгилари ва бир-икки сўздаги ўзгаришларни истисно қилайлик, қолаверса таҳрир ҳам бор-ку).

Шу тариқа «тарих»даги 6 бетлик «XV аср биринчи ярмидаги маданий ва адабий ҳаёт обзори»нинг 4 бети Н. Маллаев дарслигидан юқоридагидан озроқ ёки кўпроқ ўзгаришлар билан «олинган». Бундай манзара 2-томнинг 28-бетида ҳам учрайди...

Бу ҳолни тасодифий дейишга ўзимизни ишонтириб кўрамиз ва ҳозирча юқоридаги гаплар билан чекланамиз.

Битта тақриз доирасида беш томликнинг барча ютуқ ва камчиликлари ҳақида тўхтаб ўтиш мумкин эмас, албатта. Шунга кўра биз уларнинг айримларини кўзгаб ўтдик ва шу муносабат билан тўғилган мулоҳазаларни ўртага ташладик.

Хулоса битта: кўп сонли илмий коллективнинг ғайрат ва ташаббуси билан жуда катта иш амалга оширилди. Адабиётшунослик фанимиз катта ютуқни қўлга киритди. Бу беш китобнинг адабиётимиз тарихи илмининг юқори поғонага кўтарилишига замин бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ. Шу жиҳатдан у алоҳида тақдирга сазовор. Жумладан, мазкур тадқиқот муаллифларининг етакчи қисми Беруний номидаги Республика Давлат мукофотига тақдим этишга муносиб деб ҳисоблаймиз.

**Ғулом КАРИМОВ,**

филология фанлари доктори, профессор;

**Бегали ҚОСИМОВ,**

филология фанлари кандидати;

**Ҳасанхўжа МУҲАММАДХУЖАЕВ,**

филология фанлари кандидати.

# ЗАМОНДОШИМИЗ— БОШ ҚАҲРАМОН

**М**амлакатимиз ҳаётидаги икки улуғвор воқеа — КПССнинг XXV ва XXVI съездлари оралиғидаги ўтган беш йилликка назар ташлар эканмиз, беихтиёр эришилган натижаларга баҳо берамиз. XXV съезд белгилаб берган саноат, қишлоқ хўжалиги, маданиятимиздаги йўналишларни, улкан режаларни ўйлаймиз, уларнинг амалга ошганлигини ифтихор билан қайд қиламиз. Ватанимиз коммунизм сари яна битта янги ва катта одим ташлаганини кўрамиз.

Дарҳақиқат, бу давр ичида юзлаб саноат корхоналари ишга туширилди, қишлоқ хўжалигимиз маданияти тагин ҳам юксак поғонага кўтарилди, халқимиз қалбидан жой олган ажойиб асарлар яратилди. Жаҳонда тинчлик позицияларини мустаҳкамлаш, Ер кўррасидаги ҳамма халқларнинг хавфсизлигини сақлаш борасидаги кўлам жиҳатидан ниҳоятда кенг, залворли фаолияти натижасида Совет Иттифоқининг халқаро обрўси беқиёс даражада ошиб кетди.

Ўтган беш йилликда кўп миллатли совет адабиётининг ривожланишида муҳим хусусиятлардан бири — ёзувчилар билан халқ орасидаги алоқанинг мустаҳкамланишида, адибларнинг турмушни теран ўрганишларида ва бунинг натижаси ўлароқ коммунизм бунёдкорлари — замондошларимизнинг ёрқин образларида намоён бўлди. Актив ҳаётий позицияга эга бўлган коммунизмнинг онгли қурувчиси, иши билан сўзи бир замондошимизнинг, келажак кишининг шаклланишини акс эттиришда — социалистик реализм санъатининг гуманизми ёрқин кўринади.

Худди шу хусусда, социалистик реализм адабиётининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган Л. И. Брежнев трилогиясининг катта таъсирини таъкидлаб ўтиш жуда ўринлидир.

Л. И. Брежнев «Кичик ер», «Тикланиш», «Кўриқ» асарлари учун Ленин мукофоти

топширилаётган пайтда сўзлаган нутқида давримизни синчиклаб ўрганаётган бадий сўз усталарининг фаолиятларига юқори баҳо бериб ўтди: «Амалий ҳаётга кириб бориб, унинг асосий йўналишлари моҳият мазмунини халққа тушунтира боришдан, турмушни янада яхшироқ, тўғрироқ, ёрқинроқ, фақат моддий эмас, маънавий жиҳатдан ҳам бойитишга кўмак беришдан кўра муҳимроқ ва олижаноброқ вазифа бормикин?»

Дарҳақиқат, турмушга ҳақиқий партиявий, ҳақиқий халқчил нуқтаи назардан қарашни, даврнинг илғор тенденцияларини, теран фалсафий мушоҳада қилишни, битмас-туганмас халқ типларини кўра олишнинг ёрқин ва илҳомбахш намунасини Л. И. Брежневнинг ажойиб асарларида кўрамиз.

Адабиёт ҳаётга мурожаат қилар экан, фаол ҳаракатда ўзини намоён этаётган янги кишининг қиёфасини синчковлик билан, ватанпарварлик нуқтаи назаридан туриб тадқиқ этади. Кейинги беш йилликдаги бадий очерк тараққиётини ҳам ана шу хусусиятлар билан изоҳласа бўлади.

Етук социалистик жамият учун типик бўлган характер ва шароитларни ўрганишда бадий очерк жуда муҳим воқеани бажарган ва бугунги кунда ҳам бажармоқда. У фақат янгилик изловчи эмас, балки борлиқни кенг қамраб олиш хусусиятларига интилаётганидан гувоҳлик берувчи фазилат касб этаётир. Очеркда жанрнинг ўзига хослигини йўқотмаган ҳолда, роман учун хос бўлган эпикликка интилиш кучаймоқда.

Шу маънода Ўзбекистон адабиётига назар ташлар эканмиз, Ҳамид Ғулом ва Владимир Тюриковларнинг «Асосий йўл» (1977), «Кўҳна Орол кўшиқлари» (1979) очерк китоблари диққатга сазовордир. Изланиш мавзусининг бир хиллиги бу иккала китобнинг етакчи хусусиятидир. Икковида ҳам ҳозирги даврдаги республика



хўжалиги тараққиётининг йўналтирувчи жабҳаларини, меҳнаткаш омманинг, аввало пахтакорларнинг КПСС XXV съезди белгилаб берган улкан вазифаларни амалга ошириш йўлидаги курашларини тасвирлаш истаги яққол кўриниб туради.

Катта ўзбек тракти бўйлаб ёки Қорақалпоғистон автоном республикаси йўллари бўйлаб юрар эканлар, ёзувчилар халқ хўжалигининг бунёдкорлик зарби мужассамлашган муҳим қурилишни ҳам, ўзининг ижодий меҳнати билан ватан истиқболини кўзлаб жон куйдираётган, ниҳоятда худудсиз фаолият майдонида ўзи ҳам янги киши сифатида шаклланаётган одамларнинг биронтасини ҳам четда қолдирмадилар. Бу китобларнинг қаҳрамонлари — ягона оилага бирлашган халқимизнинг ҳақиқий вакиллари дидлар. Жиззаҳдаги «Москва» колхозини узоқ йиллар бошқариб келган Ҳамроқул Носиров, Шеробод чўлини ўзлаштираётган Отамурод Худойназаров ва Ҳайдар Сафаровлар («Асосий йўл»); зангори кема дарғалари Пардагул Рўзимова, Ирисгул Қутимова, ёшлигида чўпон ўтган, кейинчалик машҳур қурувчи бўлиб етишган, ҳаётининг мазмуни «бетон ва пайвандланган металл тўсинларда, Тахياتош ГРЭСи турбиналарида» мужассамлашган оддий совет кишини Уринғали Кенебоевлар («Кўҳна Орол кўшиқлари») ана шулар сирасидандир.

Достонларга арзийдиган ишларни бажараётган оддий меҳнаткашларнинг, хўжалик раҳбарларининг — интернационалист, ватанпарвар замондошларимизнинг образини — ижодида бадий очерк катта ўрин эгаллаган Назир Сафаров, Йўлдош Муқимов, Иброҳим Раҳим, Юрий Ковалёв ва бошқа кўпгина ёзувчиларнинг асарларида ҳам кўришимиз мумкин.

Назир Сафаровнинг «Узоқни кўзлаган қиз» номли қиссасининг ва қатор очеркларининг, шунингдек, Ҳамид Фулом ва Владимир Тюриковлар очеркининг қаҳрамони бўлган Турсуной Охунова; Клемент Ефремович Ворошилов «Узум шодаларининг маршали» деб атаган машҳур боғбонимиз Ризамат ота Мусамухамедовнинг муҳаббат ва маҳорат билан Йўлдош Муқимов томонидан тасвирланган образи; ёки яна шу муаллифнинг «Оқмозор афсонаси» очеркидаги ака-ука механизатор Усмоновларнинг образи — буларнинг ҳаммаси ажойиб замондошларимиздир. Шу каби машъалларимизга ҳамнафас бўлиб, келажак учун курашнинг олдинги сафларида турган, уларга тенглашиш иштиёқида ҳаракат қилиши натижасида ўзини беш йилликнинг илғорларига айланган кишиларнинг ҳаёти, фаолияти, рухий олами билан танишиш санъаткор учун бебаҳо материал беради. Ана шундай материалга ёндошмасдан, уни ижодий ўзлаштирамасдан туриб, Глеб Чумаловдек (Ф. Гладков, «Цемент»), Семён Давидовдек (М. Шолохов, «Очилган кўриқ»), Журбиндек (Вс. Кочетовнинг шу номли романи) совет кишилари бир неча авлодини шакллантиришда ўрни бўлган қаҳрамонларни яратиб бўлмайди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ, В. И. Ленин, революцион санъатнинг қудратли ташвиқотчиси сифатидаги кучи унинг ҳаққонийлигида, янги дунё, янги ижтимоий алоқалар шиддатли суръатда бунёдга келаётган воқеликка садоқатида эканлигини таъкидлаб ўтган эди. 1919 йилда ёзилган «Буюк почин» асарида у шундай деган эди: «...коммунистик қурилишнинг энг оддий, лекин ҳаёт синовидан ўтган, ҳаётнинг ўзидан олинган жонли фактларга кўпроқ аҳамият бермоқ лозим. Бу шioriн биз ёзувчиларимизга, ташвиқотчиларимизга, тарғиботчиларимизга ва шу кабиларга тинимсиз такрорлаб туришимиз лозимдир».

Адабиётимиз оёққа тураётган даврларда унинг ана шу, моҳият эътибори билан воқелик тақозоси бўлган янги хусусиятини «очерк реализми» мукамил ҳолатда мужассамлаштирган эди. Айни бадий очерккина ўз жанр хусусиятларига кўра кенг меҳнаткашлар оммасининг талабларига жавоб бера олиши мумкин эди. Кейинги ўн йилликларда ҳам бадий прозамиз ривожланишига гаров бўлган даврнинг катта ҳақиқати — партия билан халқ ҳаётининг чамбарчас алоқада эканлиги бадий очеркда кучли намойён бўлганди. Совет жамияти мустаҳкамланиб, ишлаб чиқариш ва маънавий кучлари гуркираб ривожланиб бораётган даврда ҳам асосий эстетик принциплари инқилобий детерминизм бўлган социалистик реализмнинг ўзига хос методини — очерк жанри намуна қилиб аниқ мисолларда кўрсатган эди. Фақатгина Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидагина эмас, балки биринчи беш йилликлар даврида ҳам, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам ана шундай бўлганди. Урушдан кейинги йилларда, бадий очерк катта проза ривожидан маълум маънода ўзиб кетган пайтларда ҳам тезкор ва ўқувчилар учун ниҳоятда зарур бўлган бу жанр замондошларнинг характерини теран ва кенг қамраб, типологик белгиларини илғаб олиб, муҳрлаб қўярди.

Ҳозирги, коммунизм учун кураш янги босқичга кирган, КПСС XXVI съезди қарорлари кўрсатмалари кенг ва изчиллик билан амалга оширилаётган кунларда воқеликни теран ва тезкорлик билан ўрганиш эҳтиёжининг ортаётганлиги ҳам маълум бир қонуниятдир.

Ҳар бир ёзувчи учун турмушга изчил аралаштиш жуда катта, муҳим аҳамият касб этмоқда. «Очерк реализми» янги хусусиятлар билан бойимокда. У катта прозага, поэзияга, драматургияга кириб бормоқда. Баъзи ҳолларда жанрларнинг шаклий ўзгаришлари рўй бериб, бу жараёнларнинг ҳаммасига ҳаётнинг таъсири кўриниб турибди. Ривожланган социализм учун хос бўлган хусусиятларнинг социалистик реализм адабиётига шакл бераётганлиги сезилади. «Очерк реализми»нинг катта жанрларга ва биринчи навбатда замондошларимиз ҳақидаги романнинг турли шаклларига «таъйиқ» — ижодкорлар-

нинг имкониятларини, уларни услубий изланишларини торайтириб қўяётгани йўқ.

Кейинги йилларда ўзбек адабиётида бадий проза уфқларини кенгайганлигидан, совет тарихий романчилигининг аъзолари ижодий ривожланаётганлигидан далолат берувчи бир қанча тарихий романлар пайдо бўлди. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарихга қизиқиш ёзувчиларимизда ўз замонамизга бўлган қизиқишнинг ҳеч қачон сусайтиргани йўқ. Бу ерда гап фақат тарихий воқеаларга ҳозирги кун билимлари ва талаблари нуқтаи назаридан туриб баҳо бериш ҳақида кетаётгани йўқ. Гап ёзувчиларимизнинг ҳозирги ҳаётимизга бевосита кириб боришлари ҳақида бораётди. Бу маънода бутун ижодий йўллари давомида замон мавзусидан четлашмаган ҳолда, узоқ ўтмиш ҳақида катта полотнолар яратган Мирмуҳсин («Меъмор»), Одил Ёқубов («Улуғбек ҳазинаси»), Пиримқул Қодиров («Юлдузли тунлар»)ни мисол келтирса бўлади.

Тарихий инқилобий жанр хусусида ҳам шу каби гапларни айтиш мумкин. Бунга айниқса бир томондан «Машъал» ва «Мангулик», иккинчи томондан эса «Бинафша атри» ва «Феруза», романларини яратган Ҳамид Фулом ёрқин намуна бўла олади.

Проза жанри образ ва воқеаларни доимий ўсиш ва ўзгариш жараёнида тадқиқ қилишни ўзига мақсад қилиб олгани учун ҳам унда очерк реализми ёрқин намоён бўлади. Доимо ўзгариб турувчи шароит ва характерлар билан нисбатан тургунлари ўртасидаги муносабатларни қиёслашда, замондошимиз образининг концепциясини яратишда очеркларимизга прототип бўлаётган ижобий қаҳрамонлар муҳим роль ўйнайдилар.

«Фейербах ҳақидаги тезислар» асарида Маркс «Одамларнинг муҳит ва тарбия маҳсули эканлигини» таъкидлаб туриб, «Муҳитнинг ўзини худди шу одамлар ўзгартираётганлигини» унутаётган файласуфларни танқид қилган эди. «Инсон фаолияти ва шароит ўзгаришининг мос тушиши,— деб хулоса чиқарган эди у,— инқилобий практика сифатидагина рационал маънода тушунилиши мумкин».

Партия съездлари қарорларини амалга ошираётган замондошларимизни, улар ҳаракат қилаётган шароитларни тасвирлаётган бадий очеркларда— совет кишиларидаги янги, илғор хусусиятлар акс эттирилади. Бу хусусиятлар эса, КПСС программасида айтилганидек, «янги типдаги ижтимоий муносабатлар» тўғрисида пайдо бўлаётир ва ўзида «СССР халқларининг энг яхши аъзоларини» мужассам қилаётир.

Мирзачўл, Жиззах, Қарши, Шеробод чўллари ўзлаштириб, «зангори кема» штурвалларида ўтириб, комплекс пахтачилик бригадаларини бошқариб, колхозларнинг сурув-сурув қўйларини боқиб— бу билан аслини олганда ер юзини ўзгартираётган совет кишиларининг инқилобий фаолиятини синичлаб тадқиқ этаётган ўзбек ёзув-

чиларининг бадий очерклари ана шундан далолат бериб турибди.

Ижодкор ва бунёдкор халқнинг шижоати ёзувчи қалбда илҳом манбаи бўлиб хизмат қиладики, бусиз замон нафасини бериб бўлмайди.

Умуман олганда адабиёт ва санъатдаги «замонавий мавзу» тушунчаси кенг маънолидир. Аммо бунда бир нарса аниқ, яъни ижтимоий тараққиётнинг бундан олдинги босқичлари тайёрлаб кетган, ҳамда келажакнинг куртакларини ўзида мужассамлаштирган ҳаётдаги муҳим белгиларни ва типикликни топиш ва идрок қила билишнинг лозимлигидир.

Бунда биз ҳамisha сезиб турадиган жамиятимизнинг ривожланиш қонуниятлари билан конкрет шароитларни характерловчи турли-туман воқеалар уйғунлашиб кетади.

Ана шу характерли шароитлардан фойдаланиб, ёзувчилар образнинг бетакрор хислатларини ва ҳаётнинг турли қатлам ва жабҳаларини кўрсатадилар. Ўзбекистон ёзувчиларининг асарларидаги ранг-баранглик, қисса ва романлардан қайноқ меҳнат нафасининг уфуриб туришининг боиси ҳам шу тўғрисида. Масаланинг муҳим томони шундаки, бу роман ва қиссаларнинг қаҳрамонлари ўз ҳаётларини ўша бадий очеркларда бошлаганлигидир. Мирмуҳсиннинг («Дегрез ўғли», «Умид», «Чотқол йўлбарси»), Иброҳим Раҳимнинг («Одам қандай тобланди»), Одил Ёқубовнинг («Диёнат»), Асқад Мухторнинг («Бўронларда бордек ҳаловат») романлари бунга мисол бўла олади. Шу ўринда адабиётда олтмишинчи, етмишинчи йилларда кириб келиб, ўзига муносиб ўрин олган ёзувчиларнинг (Уктам Усмонов, Улмас Умарбеков, Уткир Ҳошимов, Озод Авлиёқулов, Сергей Татур) асарларини ҳам эслатиб ўтиш керак.

Қишлоқ ҳўжалигининг ташкилотчиси Мамажон Дадажоновнинг ҳаёти асос қилиб олинган ва унинг хотирасига бағишланган Пиримқул Қодировнинг «Мерос» қиссаси очерк материалнинг қандай ўзгариб борганлигининг энг яхши намунасидир.

Ёзувчи «Мерос» қиссасининг қаҳрамони Ёлқин Отажоновга Мамажон Дадажон ҳақидаги очерклар материални асос қилиб олади. Қиссада энг илғор механизаторларнинг қанчадан пахта терганлигидан тортиб, чўл қиёфасининг қандай ўзлаштирилганлиги ҳақидаги фактларга аниқ келтиради. Шу маънода қиссадаги Ёлқин ва унинг дўстларининг Бўриқир атрофидаги ҳосилдор ерларга қилган сазовордир. Тасвир оҳангига кўра бу парча шу мавзуда эзилган энг яхши очеркларни эслатади. Чўлқуварларнинг шижоати ҳам, сув қийинчиликлари ҳам, одамларнинг жасур ташаббуслари ҳам, собитлиги ва ғалаба ишончлари ҳам аниқ, конкрет ва далилли қилиб тасвирланган.

Ёзувчи ҳувиллаб ётган чўл сатҳининг бўстонга айланаётгани, шинам посёлқалар, совхозларнинг пайдо бўлаётгани ҳақида

қанчалик батафсил гапирса — ҳаётни кенг кўламда бутун икир-чикири билан ўрганмасдан туриб бундай манзараларни чизолмаган бўлиши мумкинлигига тобора ишонч ҳосил қилаверади киши.

Қиссада марказий қаҳрамонларнинг харақтерини белгилловчи кўпгина бобларнинг оҳангини «очерк реализми» белгилайди. Лекин бу фикрлардан, асарни очерк ва унинг хусусиятларидан келиб чиқиб баҳолашга уриниш нотўғри бўларди. Қисса гўё очерк шаклини «чок-чокидан сўкиб», ўз-ўзидан бадий прозага хос бўлган типиклаштириш принципларини эгаллай боради.

«Очерк реализми»га хос хусусиятлар қиссанинг актуаллигини кучайтириш билан бирга, замонавий материалга ёндошиб, ҳаёт синовидан ўтган коммунистик бунёдкорлик фактларидан кенг кўламда фойдаланишнинг нақадар самарали бўлишидан ҳам далолат беради.

Ёлқин Отажонов халқ фаровонлиги йўлида қилинган фидокорона меҳнатни авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъана деб ҳисоблар экан, унинг қиёфаси аввало меҳнатга бўлган муносабатида очилади.

Ёлқин Отажоновнинг сабот ва матонат билан ишлашига одамнинг ҳаваси келади. Мирзаўлнинг заранг ерларида биринчи эгат очини манзараси унинг механизаторлик маҳоратига қилинган мадҳиядек жаранглайди. Айниқса, қисса воқеалари унинг издоши ва энг яхши анъаналарнинг давомчиси бўлган укаси — Турсун Отажонов томонидан ҳикоя қилингани бу туйғуни кучайтиради. Ёлқин Отажонов ўзбек ёзувчилари томонидан кейинги йилларда яратилган замондошларимиз образлари ичида энг яхшиларидан бири деса бўлади. Айниқса, реал прототипи бўлганлиги уни жуда ишонарли қилади.

«Очерк реализми»нинг ёзувчига таъсирини Иброҳим Раҳимнинг қатор катта асарларида, хусусан эса, «Одам қандай товланди» романида ҳам кўриш мумкин.

Ёзувчи ўзининг бош қаҳрамони Эркин Акбаровнинг шаклланиш жараёнини жуда батафсил тасвирлаб, «инқилобий практика»га мос келадиган шароитларни, яъни, муҳит ижодкорлиги билан, муҳитни ўзгартираётган, шу билан эса, ўзини ўзи ўзгартираётган инсон ижодкорлигининг уйғунлашган, мос келган шароитларини мумкин қадар батафсил тасвирлаш истагини ҳам ана шу «мос келишдан» излаш керак, чунки бу шароитларсиз «одамнинг қандай товланишини» кўрсатиб бўлмасди. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса, меҳнат жараёнида очилиб борувчи қаҳрамоннинг маънавий оламидаги янги хусусиятларни ҳам бу батафсилликсиз кўрсатиб бўлмасди. Иброҳим Раҳимнинг романида вазиятнинг жуда сарзлаб танланганлиги, кўплиги кўзга ташланади. Ҳақиқатан ҳам, меҳнатдаги муваффақиятлар жараёнида, коллективнинг омилкор таъсири, шунингдек қаҳрамоннинг ўсишини кўрсатувчи бошқа шароитлар муҳайё бўлгандагина коммунистик ахлоқ кодекси принцип-

ларини ўзига сингдира олувчи шахсни тасвирлаб бўлади. Потенциал маънода худди мана шу принципларгина шахснинг моҳиятини белгилайди.

Замонамизни тасвирлаётган, ҳаёт фактларига бевосита мурожаат этаётган ёзувчи учун — даврни теран қамраб олган, етакчи кучларни мужассамлаган партия ҳужжатлари миқёсида кўра олишнинг афзалликлари хусусида бу айрим мисоллардир, ҳолос.

Ижобий қаҳрамонлар миллионлаб ўқувчиларга меҳнатга муҳаббат, ахлоқий поклик, ватанпарварлик, интернационаллик, тарихий оптимизм юқтира олсагина, ўрнатқилишга илҳомлантирсагина — замонавий мавзуда ишлаётган социалистик реализм, санъаткорларнинг партиявийлиги, халқчиллиги кўринади. Замонамиз ҳақида яратилган ўзбек романларининг, ундаги образларнинг кучи ва таъсири ҳам ана шундадир.

Асқад Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат» романидаги «қаҳрамоннинг сўзбошисид» Мардонқул Заргаровнинг: «Ёзувчининг вазифаси фақат ажойиб воқеаларни ёзишда эмас, энг оддий воқеаларни ҳам қизиқарли қилиб ёзишдадир», деган фикрини ўқиймиз. Заргаров энг оддий деганда ўзининг меҳнат биографиясини, ўзига ўхшаган «оддий» одамларнинг, чўлни ўзлаштираётган қаҳрамонларнинг ишини айтди. Заргаровнинг мулоҳазасига кўра, ёзувчи бу ранг-баранг, шиддатли замонамиздаги турлича воқеа ва фактларга ёндашаркан, воқеаларни майда-чуйда тасвирлардан тозалаб, энг муҳимларини қолдиради. Натижада қурилишимиздаги ҳар бир ишчи қаҳрамонга айланади.

Муҳитни ана шундай ижодий идрок қилиш бошланган пайтадагина ёзувчининг ҳаёт ичига кириб бориши ва «очерк реализми»нинг шаклий ўзгариши бошланадики, бусиз роман ҳам, очерк ҳам ўзининг жанр спецификасини тўла намоён этолмайди ва борлиқнинг жонли, кенг манзарасини чизиб беролмайди.

Мардонқул Заргаровнинг инсон меҳнат қилаётгандагина инсондир. Мен ишнинг каттасини ва қийинини яхши кўраман, деган гаплари ҳам диққатга сазовордир. Чунки, ана шу «катта ва қийин ишда» шаклланаётган инсоннинг эпик ҳолатини тасвирлаш Асқад Мухтор романининг ўзагини ташкил этади. «Бўронларда бордек ҳаловат» замондошларимизнинг типик харақтерларини типик шароитларда чизишда муваффақиятли чиққан энг яхши асарлардан биридир. Бундай муваффақият — тарихан коңкрет воқеаларни инқилобий ривожланиш жараёнида, муҳитни ўз мақсади йўлида ўзгартираётган инсон харақтери ва шароитлар ўртасидаги муносабатларнинг диалектикасини кўрсатган ҳолда тасвирлаган энг яхши ўзбек романларининг ҳаммасига ҳосдир.

Давримиз ҳақидаги роман тобора кенгроқ уфқларни қучмоқда. Харақтер ва шароитлар боғланишига тобора чуқурроқ ки-

риб бормоқда. Шароитларнинг ўзи доимо ўзгаришда эканлиги яққол кўринмоқда. Совет жамиятининг қатламларини тобора кенгроқ қамраётган ёзувчиларнинг мушоҳадалари ҳам кенгаймоқда. Шу боисдан улар яратаётган қахрамонларнинг кечинмаларида «ийгилаётган» совет тарихининг ҳаракати ҳақидаги тасаввурлари ҳам, ўзларининг қиёфалари ҳам тобора кўламли ва теран мазмун касб этмоқда.

«Бўронларда бордек ҳаловат» романида воқеалар баёнига фалсафий йўналиш ва теранлик бахш этувчи замон образи намоён бўлади.

Замоннинг «урвоқларини, парчаларини тўплаб», «зичлаб», «икхчамлаш» — улкан аҳамиятга эга бўлган давлат топширигини бажариш деган гапдир. Қумтов қурувчиларининг, Мардонқул Заргаров, Дмитрий Казимирович Губанов, Тўмарис Жалпақова сингари ташкилотчи ва раҳбарларининг меҳнатлари туфайли «зичлаштирилаётган» замон қиёфаси чўлнинг торлиги маъноси билан қўшилиб ажойиб рамз касб этади. Чўлнинг торлиги, айниқса, ҳақиқий новатор қахрамонларнинг ижодий хаёли, умумхалқ, умумдавлат нуқтаи назари даражасидаги юксакликка кўтарилиб қараганда яққол сезилади.

Лекин замон қиёфаси — муҳимлиги бундан ҳам қолишмайдиган бошқа вазифани ҳам бажариши мумкин. Шу маънода Асқад Мухторнинг романидаги «Қахрамоннинг сўзбошиси»да биз шундай мазмундаги гапларни учратамиз: Китобда тасвирланган кунлар ўтмиш деб ҳисобланиши мумкин эмас! Уша хаёл, ўша ҳислар, ўша кечинмалар бугун ҳам биз билан бирга... Балки ростдан ҳам инсон ўзининг ўтмиши, қилган ишларидан ташкил топар. Лекин, шу билан бирга, ичида кимнидир давом эттиради.

Дмитрий Казимирович Губановнинг, шу кундаги одамларнинг таржимаи ҳоллари кечагилардан бир нечасининг таржимаи ҳолини ҳеч бўлмаса ички теранлик нуқтаи назаридан ўзида мужассамлаштиради, ахир замонни, вақтни жиловлаш учун аввал одам ўзини жиловлаши керак. Замонамиз — буюк қудратдир, лекин у замондошларимизга ўзини ўзи енгиб ўтиш бахтини ҳам инъом этади, деган гаплари ҳам шу маънони янада тўлдиради.

Кишилиқ тарихининг ҳақиқатан янги сифаси бўлмиш жамиятимиз ривожланиш қонуниятлари ҳам шундан далолат беради.

«Ўтган олтмиш йилнинг энг катта самараси — бу совет кишидир, — деган эди Л. И. Брежнев, КПСС XXV съездининг минбаридан туриб, — у озодликни кураш билан кўлга киритиб, уни энг оғир жангларда ҳимоя қила олган кишидир. Ҳар қандай қийинчиликларни бўйнига олиб, келажагини бунёд қилган кишидир. Ҳазма синовлардан муваффақиятли ўтиш билан бирга ўзида ғоявий собитликни, буюк ҳаётий қудратни, маданиятни, илмларни ва шуларнинг бarchасини ишлата билиш қобилиятини

ўзида мужассам этиб, ўз қиёфасини беқиёс даражада мукамаллаштирган кишидир. У — чин маънода ватанпарвар бўлиши билан бирга, ҳар доим собит интернационалист бўлиб қоладиган кишидир».

Ана шундай кишиларнинг образини биз Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» романларидан топамиз. Бу романларда совет жамиятининг турли қатламлари ёритилади. Ойқиз, Олимжон, Пўлат каби бош қахрамонлар — коммунизм ғоялари учун курашда шаклланаётган, маънавий жиҳатдан бой, ёрқин одамлар сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ватан учун, партия ва халқ манфаати учун меҳнат қилиш хусусияти бу қахрамонлар шаклланишининг асосий омилли сифатида талқин этилади. Инсон камолотининг, маънавий гўзаллигининг манбаи ҳам ана шу ватанпарварона сидқидилдан чиқариб, илҳом билан меҳнат қилиш эканлиги таъкидланади. Айниқса, Пўлат образида («Қудратли тўлқин») характернинг юқорида айтилгандек шаклланиши тўлақонли ва жонли тасвирланган. Бу образнинг суръат билан камолотга етиб бориши йўлини кўрсатиш — ёзувчига социализмнинг инсонни беҳад юксакликларга кўтара оладиган бой имкониятларини очишга ҳам ёрдам беради. «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» ва «Қудратли тўлқин» романларида тасвирланган характер ва шароитларнинг бундай узвий ва ўзига хос алоқалари мамлакатимиз ривожланиши тарихи томонидан тайёрланган. Катта авлод вакилларининг характерларида мужассам бўлган — Советлар учун, Октябр ғоялари учун кураш аъналарининг — кейинги авлод кишиларининг меҳнати ва иқтидори билан яратилган аъналарнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг узвийлиги Шароф Рашидов романида кўламли ва жонли тарзда тасвирланган. Бу эса замонавий ромanning энг муҳим тенденциясини намоён этади. Ёзувчи мушоҳадасидаги тарихий тадрижийлик ижобий қахрамонларнинг ўй-хаёлларида намоён бўлади ва бутун жамиятимиз босиб ўтган йўлнинг муҳим утуқларини ўзида мужассамлаштиради.

К. Маркс «1844 йилги иқтисодий-фалсафий қўлёзмалар» асарига инсоннинг материяни «гўзаллик қонунилари асосида ўзлаштириш» қобилиятини ҳам кўрсатиб ўтган эди. Янги одам олами ўзгартираётган инқилобий фаолияти жараёнида гўзаллик дунёси ичига оқиллик билан маълум мақсадда кириб борар экан, бу гўзаллик унинг маънавий дунёсига таъсир кўрсатмай қолиши мумкин эмас.

Замонамизни тадқиқ қилаётган социалистик реализм санъаткорларининг олижаноб вазифаларидан бири коммунизм бунёдкорлигининг улкан программасини амалга ошириш жараёнида шаклланаётган инсоннинг маънавий гўзаллигини тобора чуқурроқ ва кенгроқ кўрсата боришдан иборатдир.

Георгий ВЛАДИМИРОВ

Москвада, «Художественная литература»  
нашриётида ШАРОФ РАШИДОВнинг  
беш томлик асарлари нашр этилиши  
муносабати билан

Комил Яшин,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## ЗАМОНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЎРҚИН ОБРАЗЛАРИ

Ҳаётнинг олдинги марраларида туриб, халқ бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилаётган замондошларимизнинг мукаммал образларини яратиш Шароф Рашидов ижодининг етакчи пафосини ташкил этади. Адибнинг «Ғолиблар», «Бўрондан ўқучли», «Қудратли тўлқин» романлари, «Қамолот» киносценарийси ва кўплаб публицистик мақолаларида ана шу фазилат ёрқин намён бўлганлиги адабий жамоатчилик томонидан аллақачонлар қайд этилган ҳақиқатдир. Бугунги кунда миллион-миллион китобхонларнинг маънавий мулкига айланиб қолган бу машҳур асарлар адибнинг беш томлик сара асарлар тўпламидан муносиб ўрин эгаллаган. Уларни варақлаб кўрганда, ёзувчи ижодига хос бўлган барча юксак фазилатларни яна бир қарра юракдан ҳис этамиз. Айниқса, адибнинг меҳнатсевар, ташаббускор, новатор ижодкор эканлигига чин дилдан тан беремиз. Унинг меҳнатсеварлиги, талабчанлигига далолат бўлган бир фактни эслайлик.

Маълумки, «Ғолиблар» повести ўз вақтида жамоатчиликка маъқул ва манзур бўлган, 20 дан ортиқ тилларга таржима қилинган, адабиёт тарихимизда из қолдирган асар бўлишига қарамай, талабчан адиб бу повестини қайта нашр эттириш, уни ўзи тўплаган бой ижодий тажрибаси заминида қараб чиқиб, китобхонларга етказишни ўйлаб юрар эди. Бунинг устига, асарни тўлдириб, қайта нашр эттириш тўғрисида авторга жуда кўплаб хатлар келди, таклифлар тушди. Шароф Рашидов буларни назарга олиб, «Ғолиблар»ни бутунлай қайтадан ишлаб чиқди, янги-янги образлар олиб кирди, илгариги персонажларнинг фаолиятини янада чуқурлаштирди, воқеа-ҳодисаларни кўпайтирди ва кучайтирди,

повестда илгари учрайдиган баъзи баёнчиликни воқеага, қаҳрамонларнинг бевосита ҳаракатларига олиб ўтди. Асар тилининг таъсирчанлиги, жозибадорлиги ва ифодалилиги янада ошди. Натижада, ғоявий ва бадиий жиҳатдан мукаммал ва пухта «Ғолиблар» романи юзгага келди.

Романга ўзбек халқининг қўриқ очиш, яъни янги ерларни сув билан таъминлаш учун олиб бораётган фидокорона кураши асосий мавзу қилиб олинган, бу кардинал мавзу китобхонга яхши таниш, унинг муҳаббатини қозонган замондошларимизда ўша Ойқиз, Олимжон, Умрзоқ оталар образлари орқали яна чуқурроқ очиб берилган.

Шароф Рашидов ўз асарида халқ бошлаган кенг миқёсдаги бу улкан ҳаракатнинг ижтимоий моҳиятини бадиий очиб бериш учун Олтинсой қишлоғини объект қилиб олиб, энг характерли воқеа-ҳодисаларни ана шу объектга тўплаб, ҳикоя қилишга киришди.

Шароф Рашидов китобхонни шу қаҳрамонларнинг мардонавор ишлари билан таништиради, оддий совет кишиларининг мўъжиза яратиш қудратини бирин-кетини кўз олдимиздан ўтказди. Китобхон ўзини Олтинсойда табиатнинг кемтик жойларини тўлдирётган, унинг хатосини тўғрилаётган қаҳрамонлар — Ойқиз, Олимжон, Умрзоқ ота, Жўрабоев, Смирновлар орасида, фронтда жон олиб, жон бераётган Темур, Петров ёнида, «тилл» олиб келаётган Алишер ҳузурида бўлгандай ҳис қилади.

Автор билан ёнма-ён турган, у билан бирга олға қадам ташлаган, бирга нафас олган, бирга ишлаган кишиларнинг умумлашган образлари ўзига хослиги, ориги-

наллиги билан, индивидуаллиги билан, типиклиги билан эсда ўчмас из қолдиради.

Ойқизнинг ички дунёси, унинг меҳнат фаолияти билан китобхон кенгроқ ва чуқурроқ танишиб борган сари, у қилган ишларга ҳамкор, хатти-ҳаракатларига ҳамроҳ, чеккан дардларига ҳамдард бўлгиси келади. У ҳарсангтош устида ўтириб йўқ қилиб юборилган булоқ сувини қайтадан чиқариш сирларини ақл-идроки билан топганида ёш, энди ўн тўққиз баҳорни кўрган қизга таҳсинлар айтгинг келади.

Адиб бу улўғвор ишларни амалга оширишда давримизнинг ақл-заковати, партия раҳбарлиги, унинг илҳомбахш кучи асосий омил эканлигини райком секретари Жўрабоев образи орқали ифодалаб берган, Жўрабоев образида бугунги партия раҳбарининг яхши фазилатларини синтез қилади.

Шароф Рашидовнинг романлари ҳўз ўнгимизда юз бераётган улкан ўзгаришларни, давримизнинг ҳаётбахш, жўшқин во-

қеаларини, замондошларимизнинг ёрқин образларини маҳорат билан акс эттириб беради. Бу асарнинг китобхонлар ақлига, онгига, характерига таъсир этишига, уларни янги меҳнат зафарларига илҳомлантиришига ишонамиз. Бунга унинг қаҳрамонлари — Ойқиз, Олимжон, Умрзоқ ота, Погодин, Смирнов, Жўрабоев, Пўлат, Баҳорлар намунаси кафил бўла олади. Бу жиҳатдан икки марта социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати, машҳур механизатор Турсуной Охунованинг, «Ойқиз менга яхши қадрдон бўлиб қолган», деган сўзлари жуда-жуда ибратлидир». Бундай кишиларнинг сони борган сари кўпайиб боришига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Атоқли адиб асарларининг беш томда Москвада босилиб чиққанлиги маданий ҳаётимиздаги улкан ҳодисага айланди. Ўзбек совет адабиёти эришган бу катта ютуқ билан ҳаммамиз бирдек қувонамиз ва фахрланамиз.

Раҳмат Файзий,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## ФАХРИМИЗ

Шароф Рашидовнинг асарлари — «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» романлари ўз моҳияти, халқчиллиги билан миллионлаб китобхонларнинг ихлосини оширган, онг-тушунчаларига ибратомуз асар сифатида чуқур ўрнашиб қолган китоблардир. Бу романлар авторнинг фаол гражданлик мавқеининг ёрқин тимсоли, юксак ватанпарварлик, интернационализм ҳис-туйғуларининг бемисл, мусаффо акси ҳамда халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланганлигининг ёрқин намунаси дирки, асарларнинг ҳар бир сатри ана шу халқ ҳаётининг мағиз-мағизи билан жондош, қондошдек йўғрилиб кетганлигини саҳифа-ма-саҳифа кўрамиз, ҳис этамиз.

Шу боисдан ҳам бу асарлар Иттифоқимиздаги жуда кўплаб тилларда нашр этилиб ўқилаётгани, инсценировка қилиниб саҳнада қўйилаётгани, рус ва ўзбек тилларидагина чиққан китоблар тиражи бир неча миллион нусхадан иборат эканлиги, хоржий мамлакатларда — инглиз, француз, немис, испан, поляк, румин, венгер, мўғул, араб, форс, бенгал, урду ва бошқа тилларда нашр этилгани бежиз эмас. Виталий Михайлович Озеров сьездимиз минбаридан туриб сўзлаган нутқида ҳам, радио мухлислари учун берган интервьюсида ҳам Шароф Рашидов асарларининг Москвада «Художественная литература» нашриётида чоп этилиши адабиётимиз ҳаё-

тида, бутун маданий ҳаётимизда катта воқеа деб, ўзбек адабиётини, унинг йирик намояндасини бутун жаҳон миқёсида кўрсатиш, намойиш қилишда катта ва муҳим аҳамият, мазмун касб этади, деб алоҳида таъкидлаб ўтди.

Азиз журнал мухлислари, бундай пайтларда айниқса кўп томли асарлар ҳақида гапирилганда, адабиётшунос олимларимиз, танқидчилар таомилга кўра бу асарларнинг қисқача мазмуни, улардаги қаҳрамонлар, персонажлар ва ҳоказоларни батафсил таҳлил қилиб беришади. Бундай қилиниши тўғри ва зарур ҳамдир. Аввал камини бундай таҳлил вазифасини ўз олдига қўймаганини яширмайман, иккиламчиси, гарчанд қисқа бир суҳбатда анча қийин бўлса ҳамки, бу асарларнинг бунчалик оммавийлашиб, миллион-миллион китобхонларнинг қалбидан чуқур ўрин олганининг боиси ҳақида баҳоли қудрат гапириб бермоқчиман. Бунинг учун беихтиёр авторнинг биографиясига мурожаат қилиш зарурати туғилади. Аммо бундай қилинганда ҳам авторнинг бой биографияси учун алоҳида мақола уюштириш даркор бўлиб қолади. Каминаш шу биографиядан зарур жойларини айтиб ўтар балким.

Авалло Шароф Рашидовнинг ёзувчи сифатида тенгқурларига, ҳамкасбларига, ёшларга ибратомузлигини бир оғиз гап билан ифодалаш лозим бўлса, биринчи гал-

да унинг ижодда булоқ сувидек тиниқ, бетиним, мусаффо ўйлаши, тафаккури, қоялардек мустаҳкам иродаси, садоқати, субҳи-сабодек муҳаббати, қуёшдек меҳрини айтиш керак. Булар ҳаммаси жамулжам унинг беқиёс меҳнатсеварлиги билан омухта бўлади. Биз ижод аҳли халқ ҳаёти-ни ўрганиш ҳақида жуда кўп гапирамиз, командиروлкаларга борамиз, объектларда узоқ муддат яшаймиз ҳам. Аммо Шароф Рашидовдек ҳаётни ўрганиш камдан кам ижодкорга насиб этади. Унинг дастлабки шеърый сатрларининг ўзиёқ халқ орасида яшаб, бирга ишлаган, бирга машаққат чекиб, бирга роҳатда бўлган авторнинг асарлари экани сезилиб туради. Фарҳод ГЭС қурилиши, улкан деривация канали... Шароф Рашидов қурилиш редакциясидамас ертўлада, самарқандликлар орасида. Каттақўрғонда одам кўли билан яратилган денгиз... Шароф Рашидов минг процентчилар, телаликларни тилка-пора қилганлар орасида. Шу ўринда кичик бир детални ҳам айтиб ўтмоқчиман. Редакция, нашриёт ходимлари Ҳамроқул Турсунқулов колхозига пахта теримига чиққанимизда бир юз ўн кило пахта терган редакторга Ҳамроқул аканинг ўзи ҳайратда қолганди. Мирзачўл, Марказий Фарғона, Қашқадарё, Жиззахда ўзлаштирилаётган ерларда, жаҳон ирригациясини қойил қолдирган улкан ирригация қурилишлари, насос станциялари, сунъий барпо этиладиган денгизларнинг қурилиши — буларнинг ҳаммасини шунчаки бориб кўриш, маслаҳат беришмас, ўзи бирга ишлаб, бирга чизиб, бирга туриб, қурувчилар, кўриқ очаётганлар, механизаторлар қалбига қўл солиб, улар билан дардлашиб, маслаҳатлашиб ишлайдиган, ижод қиладиган ёзувчи. Биз ёзувчилар пахта далаларида тез-тез бўлиб тура-миз. Қаерга бормайлик Шароф Рашидовдан гап очишади. Гап бўлгандаям энг кадрдон дўсти келиб, ишларини кўриб ютуғидан қувонгани; камчилигини айтибмас, тузатиш йўлларини кўрсатиб берганини, унинг маслаҳатлига билан ишлаб кам бўлишмаётганини гапиришади ва охирида асарларининг ўзларига яқинлиги, кўнгилларига мос тушиб, ҳаяжонлантиришини мамнуният билан айтиб беришади. Биргина мисол: яқинда авторлар коллективи «Ўзбекистон кўриқлари» китобини чиқаришди. Китобда Шароф Рашидовнинг кўриқ ерларда бўлиши, кишилар билан қилган суҳбатларидан бир нечаси берилган. Шулардан бирида Боғдогдаги «Большевик» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эркин Усмонхўжаев айтиб берган бир воқеани ёдимизга солди:

— Эллик бешинчи йиллар эди. Бир кун эрта баҳорда отамиз билан Шароф ака Рашидов колхозга келиб қолишди. Янги раис бўлган кезларим эди. Шароф ака ўша пайтда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Фарғонада эса Марказий Фарғона чўлини ўзлаштириш ишлари, билан шуғулланувчи колхозлараро кенгашининг ҳам раиси эди. У киши ўша пайтда Фарғонага жуда кўп келар, ҳар

келганида отамиз билан чўлни кезиб чиқишар, одамлар билан учрашиб, чўлқуварлар шароитини яхшилаш, чўл ўзлаштиришни тезлаштириш ҳақида маслаҳатлашиб кетар, уларнинг кўпдан-кўп илтимосларини қондиришга ёрдам берар эди. Кейин эрта билан чўлга отланишди. Машина ҳеч қанча ергача боргани йўқ. У пайтда бу чўлда машина билан узоққа бориб бўлмас эди. Ҳаммаёқ чўл, тўқайдан иборат эди. Отада юрмаса бўлмас эди. Ушанда уч отлиқ бир бўлиб чўлга чиққанимиз. Отам: «Сен ер сўраган эдинг, юр, чўлдан ер олиб бераман» дедилар. Кейин тўқай-кўллари ошиб ўтиб, яланг бир янтоқзор ерга чиққанимизда: «Ўғлим, сен шу ерни олсанг бўлади, бу ерларнинг турмуши олтин», дедилар. Мен бир янтоқзорга қарадим, бир уларга қарадим. Шўр босиб ётган янтоқзор ердан нима каромат толардим, деб ўйлардим. Шунда Шароф ака ҳам далда бердилар. «Қари билганини пари билмас, дейдилар. Сиз оғринмай олаверинг. Кейин хурсанд бўласиз», дедилар. «Ҳа, бу ерни чўл экан деманг, ҳали у сизларга катта мулк бўлиб қолади. Шундай чўлда янтоқ ўсибдиммики, пахта ҳам роса бўлади. Янтоқ ўсган ер энг ҳосилдор ер бўлади», дейишди улар.

Халқ орасида, ҳаётнинг қайноқ бағрида бўлиш, кишиларнинг меҳнатигина эмас, дардини, орзу-ниятини ҳис этгудек чуқур ўрганиб таҳлил қилиш, бадий акс эттиришнинг алломалари Максим Горький домла, Михаил Шолохов домлалардан ўрганган, шу анъанга содиқ қолиб, бизга ибрат кўрсатаётган адибимиз халқлар дўстлиги, ватанпарварлиги, интернационализмни куйлаш, дўстлигимизнинг олтин кўприги бўлган улуғ оғамиз рус тилини ўрганишда, адабиётлар дўстлигини, демакки халқлар дўстлигини тараннум этишда яратган қаҳрамонларнинг жонли, ҳаётда орамизда юргандек, саҳифалардан чиқиб, бизга ҳамроҳ бўлаётгандек ҳис этишимиз — асарлари миллионларнинг қалбига кириб, маънавий бойлигига айланиб қолаётгани ана шундан.

Азиз журналхон, ҳабарингиз бор, «Правда» муҳбирлари Шароф Рашидович Рашидовга «Раҳбарнинг камтарлиги» ҳақида бир неча саволлар билан муурожаат қилишган ва бу суҳбат газетанда босилиб чиққан эди. Адиб Шароф Рашидовнинг нозик таъб, ўткир дид билан одам қалбига кира олиши, илғаб олиш жуда қийин бўлган нозик ҳолатларни ҳам етук санъаткор кўзи билан кўриб, бадий акс эттиролишига яққол мисол бўла оладиган бир ҳолатни эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз: «—Ҳар ким ҳам камтарликдан хурсандми? Шундай бир раҳбар ҳақида бизга мана бундай дейишди: «Ақлли, ишчан, дилкаш одам. Агар бир лекин бўлмаганида ундан яхши бошлиқнинг кераги бўлмасди...» Очигини айтганда «ичади» деган сўз айтилишини кутган эдик. Тўсатдан хўрсиниб бундай деб қолди: «Жудаям камтар. Коллектив учун ҳеч нимэ ундирилмайди». Кўряпсизми, Шароф Рашидович, камтарин

бўлиш фойда бермайди. Шу боисдан яқин кишилар ҳам бундан зарар кўради. Ишга ҳам зарари тегади. Унча муносиб бўлмаган кишилар камтарин кишидан ўтиб кетаётган ҳоллар ҳам ҳаётда учраб туради. Чунки бундай кишилар «ўзларини кўрсатишни» билишади. Нега шундай?— савол беришади мухбирлар.

«Бу муҳим масала,— жавоб беради Шароф Рашидович Рашидов, — шу боисдан биз: «Одамларни ўрганинг, уларга тўғри баҳо бера билинг. Ошна-оғайнигарчилик йўли билан эмас, бир-бирига ўтказиш кўйиш йўли билан эмас, балки ишимизга хизмат қилиш йўли билан баҳо беринг деб эслатишдан чарчамаймиз. Шундай қилинганда камтарин одам ҳам четда қолмайди.

Мана шундай бир мисол. Ўз вақтида республикадаги энг йирик Аму-Бухоро каналда ташвишли аҳвол юз берди: Насос станцияси икки агрегатининг ўз вақтида ишга туширилиши ҳавф остида қолди. У ерга билимдон, тажрибали мутахассислар группасини юбордик. Лекин бу билан иш битмаслиги сезилиб турарди. У ерда моҳир ташкилотчининг қаттиқ кўли ҳам керак эди.

«Узглаводстрой» трестларидан бирида ишлаб турган Виктор Григорьевич Духанинга чек тушди. Уша вақтда уни ҳеч ким танимас, ўз вазифасида камтарин меҳнат қилаётган, одамлар кўзига чалинмаган эди. Шунга кўра баъзилар: «Шундай оғир юкни Духанин кўтара олармикан?» деган шубҳа билдиришди.

Аммо биз тавakkал қилдик. Баайни тавakkалчилик қилдик: Уни канал қурилиши бошқармасининг бош инженори этиб тайинладик.

Духанинни трассада, барханлар орасида, одамлар куппа-кундузи ёқилган фонарлар билан ишлаётган пайтларда кўрганман: теварак-атроф қалин қум бўрони пардаси билан қоплангани учун машиналарнинг фарасини ёқиб ишлашга тўғри келганди. Жасур қурувчилар олдида бўрон пардасигина эмас, ноумидлик шубҳалари ҳам тарқалди.

Виктор Григорьевични янги ишлар кутарди. Уни Туямўйин гидроузели қурилиши бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлашди. Бу ерда ҳам у вазминлик билан, баъзи бир раҳбарларга ўхшаб шовқин-сурон кўтармай, одамларни ўз орқасидан эргаштирди. Утган йили кўп минг кишилик коллектив Амударёни жиловлаб уни ўз измига бўйсундирди. Бу ерда қўлбола денгиз тез орада мавжланиб, Ўзбекистон ва Туркменистон территориясидаги 500 минг гектар янги ерларни суғориш имконини беради.

Хоразмда Духанинни сув ҳокими — миросор деб бежиз айтишмайди. Ақлли ташкилотчини илғамай қолишимизга сал қолганини вақт тасдиқлади.

Бундай илғамай қолишларни кечириб бўлмайди. Камтаринликнинг ўз-ўзини жазолашига йўл қўймаслик лозим. Бундай

масалаларда биз ҳушёр бўлишимиз керак».

Бу сатрлар беихтиёр «Ғолиблар»даги Смирновни кўз олдимишга келтиради. Ахир ўттизинчи йиллар, биринчи беш йилликлар даври ишчилар авлодининг давомчиси, сув иншоотлари инженерининг ўғли, бир неча гидротехника иншоотлари қурилишларнинг бевосита иштирокчиси Виктор Григорьевич Духанин — худди ўша биз севиб қолган Смирновнинг сув омбори тўғони қурилишида хатога йўл қўйиб, жиғибийрон бўлган Ойқизга оталарча далда берган, ёнида туриб куйиб-пишиб хатосини тузатишга, рўй бериши мумкин бўлган ҳалокатдан сақлаб қолишда бевосита кўмаклашган Смирновнинг ҳаётидаги прототиби эмасми? Кўриниб турибдики, йирик давлат арбобининг ўй-фикрлари санъаткор қалбидан ўтиб, баъдий ифодасини топиб, шундоққина асар саҳифасига тушаман деб турибди.

Бунинг боиси ҳам шундаки, Шароф Рашидов ўшз машиналар фараси ёруғидаги, бўрондаги меҳнат жараёнида ўзи бўлмаганида, Духанинлар билан элашиб кетмаганида, ер қадрига, сув қадрига ва энг муҳими одамлар қадрига етмаганида бундай асарлар, эсда қоларли, ҳавас қиларли баъдий образлар насиб қилмаган бўларди. Ҳаётни чуқур ўрганишининг ёрқин тимсоли бу.

Шароф Рашидов бундан беш йил муқаддам бир журналнинг анкетасига жавоб берганида шундай деган эди: «Биографиямга доир хотирамда қолган муҳим моментларни жонлантирар эканман, суроли ҳаёт мактабини ўтаган авлодим тарихининг жасоратига тўла саҳифаларини бир-бир варақлаётгандек бўлман. Мен қандай қилиб йирик сув омборлари бунёд этилгани, қудратли гидростанциялар ишга туширилгани, каналлар қазилиши, жазирама остида қовжираб ётган поёнсиз дашту биёбонларнинг ўзлаштирилишини кузатибгина қолмадим, балки ана шу умумхалқ ишларида иштирок этдим».

«Қудратли тўлқин» романини ўқирканмиз, инсон қалбининг теран нозик торларини чертгандаги ҳис-туйғуларга ғарқ бўламыз, меҳр-оқибатнинг буюк роҳатбахш кучини ҳис этамыз, қандайдир сезги ёки хотира Александр Фадеевнинг «Ёш гвардия»сидаги комсомол йигит-қизлар ҳис-туйғуларини эслатгандек бўлади. Бу бежиз эмас. Максим Горький домлани ўзининг мураббийси деб билган адиб Александр Фадеевни «Сухбатлари илҳом бахш этадиган, руҳлантирадиган устозим»,— дейди.— «Биз кадрдон дўст эдик. Мен у кишини оғамдек кўрардим. Кўплар ҳатто бизларни бир-бирингизга жуда ўхшашсизлар дейишарди. Фадеев берган нақазига мен бир умр амал қиламан. Ҳар қандай шароитда ҳам ижодни тўхтатмайман... Александр Фадеев ўша вақтдаёқ Шароф Рашидовни, унинг истеъдодини илғаб олган эди.

1949 йили Москвада, тинчлик тарафдорларининг бутуниттифоқ биринчи конференцияси якунида унинг қатнашчилари би-



лан ўтказилган қабул маросимида, Александр Фадеев Ўзбекистон делегацияси бошлиғи шарафига қадаҳ кўтариб, шундай деган эди: «Партия ходими, моҳир сўз устаси Рашидовдек иним билан фахрланаман». Шундан кейин улар Александр Твардовский, Константин Симонов билан биргаликда меҳмонхонада тонг отаргача суҳбатда бўлишди. Шунда Александр Фадеев, узоқни кўзлаб, каромат қилганди: «Биламан, сени улкан партия, давлат фаолияти кутяпти, аммо мен туғишган оғадек, сенга маслаҳат бераман, зинҳор-базинҳор ҳеч қачон ижодни қўякўрма». Шароф Рашидов худди шу меҳрибонларча насиҳатни орадан бир йил ўтгач, СССР Ёзувчилар Союзининг пленумидан кейин Москва кўчаларида сайр қилишганларида ҳам такрор эшитганди, Шароф Рашидовга ўзининг режалари, ютуқлари, ҳаяжонларини, ҳаёт мураккаблиklarини гапириб берганди. Шундан кейинги ва охириги учрашувлари шифохонада бўлган эди. Шунда ҳам Александр Александрович: «Қадрдоним Шароф Рашидович, ажойиб истъдодинг бор, ёзишни сираям, сираям тарк этма. Сенга берадиган энг муҳим нақазим шу — ёз!»— деганди.

Бу икки ижодкорнинг йирик жамоат — давлат арбоблари ҳамда йирик истъдод соҳибларининг табиатлари ҳам, инсонпарварликлари ҳам, қандайдир ташқи қиёфалари ҳам ўхшаш икки йирик сиймонинг дўстлиги, оға-инилиги тимсоли эди.

Шароф Рашидов адабиётимиз хазинасига ўзининг йирик асарлари билангина эмас, балки бадийи пишиқ, сиёсий ўткир публицистикаси билан ҳам улкан ҳисса қўшди. Китобхонлар унинг халқчил, ҳозиржавоб публицистикасини севиб ўқимоқдалар.

Жамият моддий ва маънавий ҳаётини бошқаришнинг мураккаб муаммоларини

ҳал этишга бевосита раҳбарлик қилиш, партия ташкилотини, барча коммунистларни мамлакат олдида турган буюқ ҳаётий вазифаларни бажаришга моҳирона рағбатлантириш, меҳнаткашларни коммунистик эътиқод руҳида тарбиялашдек улкан ва олижаноб вазифаларни сидқидилдан бажараётган Шароф Рашидовнинг ҳаёт мағзининг мураккаб ва теранлигини, инсон қалбининг нозик ва меҳри кўёшлигини чуқур ҳис эта олиш, ҳаёт ҳақиқатини ҳаққоний бадийи ифодалаш маҳорати уни бетакрор улкан ижодкор даражасига олиб чиқди. Шу ўринда атоқли совет шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Мирзо Турсунзоданинг Шароф Рашидовнинг эллик йиллиги кунда айтганларини келтирмоқчимиз: «У жуда ажойиб киши, унга ҳавасим келади. У партия, ҳукумат ишларида, катта иш, масъул вазифаларда бўла туриб, бадийи асарлар ёзишга ҳам вақт топганига қойил қоласан киши. Мен коммунизмнинг қурилиш этаплари, бу йўлдаги катта ўзгаришлар илҳами билан қўлга қалам олган ёзувчилар сафида кўраман уни. Шароф Рашидов сингари ёзувчилар учун сиёсат, давлат иши ва бадийи ижодкорлик фаолияти ўртасида чегара йўқ, бир-бирига пайванддай. У Ленин партияси идеяси билан маҳкам қуролланган, партия иши учун бутун сиёсий куч-қудрати билан хизматга бутун умрини бағишлаган киши,— ҳам таниқли раҳбар, ҳам ёзувчи...»

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 63 йиллиги арафасида ўзбек пахтакорлари эришган улкан ғалаба — олти миллионли хирмон, адабиётимиз эришган катта ютуқ — беш томлик сайланма асар нашри билан Октябрь тенгдоши сеvimли адибимизни дилдан табриклаймиз!

## НАФОСАТ ВА ТАФАККУР ХАЗИНАСИ

Буюқ Октябрь инқилоби билан туғилган ўзбек совет адабиёти тарихан қисқа муддат ичида кенг ва катта суҳрат топди. XX аср бадийи оламида энг прогрессив, энг инсонпарвар ва ҳаётбахш адабиёт — купмиллали совет адабиётининг илғор, қудратли отрядларидан бири сифатида жаҳонга тез танилди ва иззат-эътиборга молик бўлди. Ниҳоят, ана шу қисқа бир даврда ўзбек совет адабиёти жаҳон социалистик адабиётининг қудратли тармоқларидан бири бўлиб қолди. Бу фикрни ўзбек совет адабиётининг улкан санъаткори ва йирик партия ҳамда давлат арбоби Шароф Рашидовнинг танланган асарлари

беш томда биринчи марта Москва «Бадийи адабиёт» нашриётида чоп этилиши ҳам тўла тасдиқ этади.

Бу беш томлик санъаткор асарлари мажмуасини нашр этишда биринчи самарали тажрибадир. Танланган асарларни тузишда жанрларга кўра тақсим қилиш принципига амал қилинган. Шу боисдан биринчи, иккинчи ва учинчи том санъаткорнинг машҳур романлари — «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» асарларидан таркиб топган.

Биринчи томдан «Ғолиблар» романи жой олган. Атоқли санъаткорнинг биринчи йирик прозаик асари «Ғолиблар» повести

1951 йилда «Шарқ юлдузи» журналида (9—11-сонларида) босилди, сўнгра алоҳида китоб ҳолида (1953) чоп этилди.

«Ғолиблар» вужудга келган даврда ўзбек совет адабиёти, жумладан ўзбек прозаси ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилган эди. Бу янги босқични Шароф Рашидов асарларисиз тўла тасаввур қилиб бўлмайди. Бу даврда адиб адабиётимиз ривожига фақат йирик асарлари билангина эмас, қатор адабий-танқидий мақолалари билан ҳам муносиб ҳисса қўшди. У ўз мақолаларида совет воқелигини, замонавий ҳаётни кенг ва чуқур бадий ўзлаштиришга, ҳаётдаги катта ва муҳим проблемаларни дадиллик билан кўтариб чиқишга, янги давр қаҳрамонларининг кенг кўламдаги йирик характерларини бутун мураккаблиги билан бадий гавдалантиришга сафдошларини фаол давъат этди.

Замонавийлик — Шароф Рашидов ижодининг асосий йўналишини ва пафосини ташкил қилади.

Маълумки, ўзбек совет адабиётида то эллигинчи йилларга қадар халқимизнинг буюк инқилобгача кечирган ҳаёти ҳақида ёзилган повесть ва романлар асосий ўринни эгаллаб келган эди. Бу ўринда Абдулла Қодирий, Садрриддин Айний, Ойбек каби улкан санъаткорларнинг романлари ва повестларини эслашнинг ўзи кифоя. Замонавий воқелик ҳақида ёзилган Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», Ҳусайн Шамснинг «Душман» каби асарларида эса даврнинг ёрқин ижобий типларини яратиш тасвирнинг марказини ташкил қилмаган эди. Қисқаси, замонавий ҳаёт ва давр қаҳрамонлари ҳақида юксак романлар, повестлар яратиш зарур эди. Шу нуқтаи назардан қараб, масалага тарихан конкрет ёндашиладиган бўлса, Ойбек билан Шароф Рашидовнинг «Олтин водийдан шабадалар», «Ғолиблар» асарларининг аҳамияти равшан кўринади. Тўғри, ана шу даврда вужудга келган Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари», Парда Турсуннинг «Уқитувчи», Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» ва бошқа асарларда асосан социалистик воқелик, янги даврнинг қаҳрамонлари акс эттирилди. Лекин уларда тасвирланган давр эллигинчи йиллар учун босиб ўтилган йўл, муайян даражада тарих эди. «Олтин водийдан шабадаларда» ҳам, «Ғолибларда» ҳам замонавий ҳаёт ва унинг ижодкорлари бўлган қаҳрамонлар — Улуғ Ватан урушидан кейинги даврдаги воқелик ва ҳаёт қаҳрамонларининг интилиши, шижоати акс этган. Бу икки йирик асарнинг бошқа романлардан жиддий фарқли томонларидан бири ана шунда. Қисқаси, Улуғ Ватан урушидан кейин вужудга келган «Қўшчинор чироқлари», «Уқитувчи», «Опа-сингиллар» каби йирик асарларда, таъбир жоиз бўлса, замонавийликнинг таркибий қисмлари, муайян даражада тарих бисоти бўлган, тарих атрофлича ўз ҳукмини чиқарган ҳаёт материаллари акс этган эди. Ойбек ва Шароф Рашидов асарларида эса ҳали тарих бисоти бўлмаган, тарих ўз ҳукмини чиқармаган — шаклланиш ва

ривожланиш босқичида бўлган ҳозирги замонавий воқелик, унинг ижодкорлари бўлган қаҳрамонларнинг катта жасорати акс этди. Ҳаётда муттасил рўй бераётган улкан воқеа-ҳодисаларни — шаклланиш ва ривожланиш босқичида бўлган воқеликни, унинг асосий йўналишини тарихий тараққиётнинг янги босқичи сифатида онгли бадий идрок этиш эса замонавийлик проблемасини тушунишнинг биринчи асосидир.

«Олтин водийдан шабадалар», «Ғолибларда» ижодкорлар замонавий ҳаётда муттасил рўй бераётган янги воқеа-ҳодисаларга пешвоз чиқдилар — ҳали тарих бисотига ўтмаган ҳаётини жараённи бадий ўзлаштирдилар, уларни тарихий истиқболда кўрсатдилар, замонамиз қаҳрамонларининг индивидуал характерини яратиб бердилар. Қисқаси, Шароф Рашидов янги замонавий ҳаётни кенг эпик планда чуқур бадий ўзлаштириш ва тадқиқ этиш асосида чинакам новаторликка эришишдек қийин ва мураккаб бўлиб келган юксак чўққиларни забт этган, кашф қилган йирик санъаткорларимиздан бири ҳисобланади.

«Ғолиблар»да янги воқеликни жасорат, дадил новаторлик билан бадий ўзлаштириш натижасида ёзувчи ҳаётини проблемаларни — ўзбек халқининг қурғоқчиликка қарши суз учун кураши масаласини кенг планда кўтариб чиқди. Ҳозирги кунда ҳам бутун Урта Осиё ва Қозғоғистоннинг янада кенг кўламда тараққий этиши учун бу масала ниҳоятда актуалдир. Асарнинг бош қаҳрамонлари — ғолиблар — муайян давр кишиларининг асосий хусусиятларини ўзларида мужассам этган ва айни вақтда, янги етишаётган раҳбарларнинг вакиллари сифатида талқин қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу даврга қадар ўзбек прозасининг катта эпик жанрларида раҳбарлик вазифаларида ишлаётган хотин-қизлар марказий қаҳрамон сифатида берилмаган ва уларнинг типик, ёрқин характери яратилмаган эди. Биринчилардан бўлиб Шароф Рашидов бундай мураккаб вазифани ҳал этишга киришди. Энг муҳими Ойқиз тиниб-тинчимайдиган, изланувчан ва ташаббускор қаҳрамон сифатида талқин қилинади. У душманлар томонидан кўмиб ташланган Олтинсой булоқларини, Кўкбулоқни очишдек жиддий ишга жасорат билан киришганда райком секретари Жўрабоевнинг кўмагини чуқур ҳис қилиб туради. Ёзувчи асарда Ойқизни фаол ҳаракатда, жиддий ситуацияларда тасвир этар экан, унинг йўл қўйган камчиликларини қандай тузатиш учун интилишларини қабартириб, айрим хусусиятларини эса янада бўрттириб кўрсатади, натижада қаҳрамон китобхон кўз ўнгиде янада аниқ гавдаланади.

Совет замонасида Шарқ хотин-қизлари мамлакатнинг улкан вазифаларини бажаришда ҳам юксакликка кўтарилганлигини поэтик тасдиқлаш — асарнинг асосий пафосини ташкил этади. Бу бош қаҳрамон образи орқали ифодаланади.

«Ғолиблар» асарининг охирида «1949—

1953, 1965—1969» рақамлари алоҳида таъкидланади. Бу ҳол биринчи навбатда асар устида санъаткорнинг ўзгаришлар мобайнида муттасил ижодий меҳнат қилганлигини, иккинчидан, повест асосида йирик роман яратилганлигини тасаввур қилишга имкон беради.

«Ғолиблар»дек ажойиб повестидан кейин машҳур «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», «Кашмир кўшиғи» ва бошқа жуда кўп асарлари билан шуҳрат топган санъаткорнинг кўп йилдан кейин бу повестига яна қайтиши, унда тасвирланган замонни яна қаламга олиши, асар қаҳрамонлари еттишиб чиққан муҳитни янада кенгроқ тадқиқ этиши ва янги қаҳрамонлар киритиши ва ниҳоят, ўша воқеалар ҳақида янги роман ёзиш иштиёқи туғилиши хусусида ўйлаганда Шароф Рашидовнинг замон талаблари ва унинг эҳтиёжлари билан яшаётган катта санъаткорларга хос нодир хусусиятлари янада аниқ-равшан намоён бўлади.

Маълумки, повестда бош қаҳрамон Ойқиз вояга етган муҳит, унинг ёшлик йиллари, атрофдаги кишилар билан хилма-хил муносабати кенг тасвир этилмаган эди. Санъаткор «Ғолиблар» романида эса, Ойқизнинг ёшлик пайтидаги интилишини, романтик кайфиятини, зийраклигини, характерининг шаклланишини, уни ўраб олган муҳитни, атрофидаги кишиларни, уларнинг ўзаро турлича муносабатларини кўрсатишга алоҳида эътибор берган. Бу ҳол, албатта, асар сюжет линиясининг кенгайишини, янги воқеа-ҳодисалар, кишилар образи яратишини, уларнинг ўзаро алоқаларини гавдалантиришни тақозо қилган.

Маълумки, повестда Ойқизнинг акалари Алишер ва Темур ҳақида, уларнинг урушга кетгани, сўнгра улардан қорахат келгани, онаси Холбиби тўғрисида жуда ҳам қисқа, шунчаки йўл-йўлакай хабар берилган эди. Романда эса, уруш йилларининг аламли изтирбларини, даҳшатли онларини, қаҳрамонлар руҳий оламидаги хилма-хил ўзгаришларни чинакамига реалистик бўёқларда кўрсатади. Холбиби ва бошқа янги қаҳрамонларнинг ички дунёси, психологик ҳолатлари, фақат ўзига хос хусусиятлари миллий белгилари билан ёрқин тасвирланади. Қисқаси, санъаткор повесть асосида янги роман яратар экан, катта эпик жанр талабига мувофиқ салкам йигирма боб қўшиб, роман сюжет линиясини беқиёс кенгайтирган.

Ш. Рашидов романда қаҳрамонларнинг руҳий кайфиятини, психологиясини таҳлил қилишнинг ғоят муҳим воситаларини, усулларини топиб ишга олади ва улардан унумли фойдаланади. Шулардан бири — қаҳрамонларнинг ички монологини керакли вазият ва ситуацияда бера олишдир.

Шундай қилиб, Шароф Рашидов романда аввалдан кенг китобхонларга таниш бўлган қаҳрамонларга — меҳнаткаш халқ вакилларига, Умрзоқ ота, Ҳалимбобо, Бекбўта, Олимжон, Ойқиз, Смирнов, Жўрабоев ва бошқа қатор образларга янгидан сайқал берган, уларга хос индивидуал бел-

гиларни янада кучайтириб, қабартириб кўрсатган. Санъаткор романда меҳнаткаш халқ билан коммунистлар, раҳбар партия ходимлари орасидаги алоқани, ўзаро муносабатларни реалистик бўёқларда янада теран ва кенг тасвирлайди.

Юқорида таъкидланганидек, санъаткор асосий қаҳрамонларни повестдагига нисбатан романда янада фаол ҳаракатда, уларнинг ўзаро алоқа ва муносабатларини янада кенг ва чуқур акс эттирган. Айни вақтда, адиб романда қаҳрамонлар интилишининг таянч нуқталарини етилтириб кўрсатади, маълум образ ва характерларнинг баъзи хусусиятларини китобхон кўз олдида тўлароқ гавдалантириш учун янги-янги ташбелларни топиб ишга солади, образли тасвир воситаларидан янада кенг фойдалана боради. Натижада повестда кенг китобхонларга таниш бўлган қаҳрамонлар янги романда ўзининг янги-янги қирралари, характерининг янги хусусиятлари, руҳий товланишлари, жозибаси, мукаммал қиёфалари, салобатли портретлари билан намоён бўлади. Таъсирли деталлар воситаси билан персонажлар янада конкретлашган, янги-янги бўёқлар билан ёрқин индивидуаллашган ҳолда кўринади.

Беш томликнинг иккинчи китоби — «Ғолиблар»нинг давоми сифатида вужудга келган «Бўрондан кучли» романидир.

Улкан адиб 1953—1958 йилларда ўзининг «Бўрондан кучли» асари устида ишлади. Бу романи билан ёзувчи Совет Иттифоқидаги атоқли ва машҳур санъаткорлар сафидан мустаҳкам ўрин олди. Бу ўринда К. Федин, Н. Тихонов, Л. Леонов, К. Симонов, В. Кожеников, Г. Марков, Олесь Гончар, А. Софронов, Микола Бажан, И. Абшидзе, М. Авезов, Петрус Бровка, Р. Ҳамзатов, М. Турсунзода, М. Иброҳимов, Ч. Айтматов, Б. Кербобоев каби улкан санъаткорларнинг «Бўрондан кучли» романига улкан баҳо берганликларини эслашнинг ўзи kifоя.

Бу роман Европа китобхонлари, адабиётшунос ва танқидчилари томонидан ҳам юксак баҳоланди. Биргина мисол. Агнесса Юнеманнинг Венада чиқадиغان прогрессив «Тагебух» («Кундалик») журналида босилган «Ўзбек прозасида хотин-қизлар образи» номли мақоласида бундай дейилади: «Хўш, ҳозирги замон ўзбек хотин-қизлари портретига Шароф Рашидов ўз қалами билан қандай янгилик қўша олди? Бундай ангиллики биз Ойқизда кўрамыз. Ойқиз ўзининг барча томонлари, халқ хўжалигида амалга ошираётган ажойиб ишлари билан ибратли қилиб яратилган... Шароф Рашидов ҳозирги замон ўзбек хотин-қизларининг характеридagi янги фазилатларни кўрсатиб берган». Румин-совет дўстлиги жамияти «Арлус»нинг органи — ҳафталик «Вяк ноу» («Янги аср»)да «Бўрондан кучли» романи тўғрисида бундай дейилади: «Рашидовнинг романида совет кишилари коммунизм қурилиши йўлида ҳали кўпгина қийинчиликларни енгишлари кераклиги, кураш пафоси ҳикоя қилинади, ижобий кучлар янгилик йўлига ғов бўлиб

турган консерваторларни енгиб, ривожланади». Совет адабиётининг машҳур санъаткори Н. Тихонов Шароф Рашидов ижоди ҳақида гапириб: «у социалистик реализмни том маънода ўзига қурол қилиб олган ижодкорлардан»,— деган эди.

«Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» дилогиясида социалистик реализм замонавий ҳаёт материалига онгли тарихийлик принципи билан ёндашишда, идрок этишда, воқеликни бутун қирралари, бутун мураккаблиги ва теранлиги билан кенг бадиий тадқиқ этишда ёрқин кўринди.

«Бўрондан кучли» романида ижтимоий ҳаётимизда жуда катта революцион аҳамиятга эга бўлган қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдаги халқ қаҳрамонлиги, замонамиз кишилари, уларнинг фидокорона меҳнати, гўзаллиги тасвирланади.

«Социалистик Ватанимизнинг тарихини меҳнат аҳллари яратганлар ва яратмоқдалар»,— деган эди Л. И. Брежнев қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирила бошлаганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Олмаотада сўзлаган нутқида.— Бу тарихни Днепр ГЭСи ва Магниткани қурганлар, Турксиб ва Қорақум каналларини ўтказганлар, Ўзбекистондаги Мирзачўлни яшнаб турган воҳага айлантирганлар... яратдилар ва яратмоқдалар. Қаҳрамонона зафарларнинг шонли сафида қўриқ забт этганларнинг меҳнатдаги шижоати муносиб ўрин олади. Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилганлиги совет халқи бунёдкорлик меҳнати йилномасидаги энг ёрқин саҳифаларнинг бири бўлди». Бу воқеа шонли тарихга партия ва халқнинг буюк жасорати бўлиб кирди. «Бўрондан кучли» романида чўлқувларнинг меҳнатдаги шижоати, халқ оммаси ташаббускорлигининг мисли кўрилмаган даражада ошгани кенг эпик формада ҳаққоний акс этди. Романининг новаторлиги худди ана шу нуқтада намоён бўлади.

Шунинг учун «Ғолиблар» сингари «Бўрондан кучли» ҳам қисқа вақт ичида кўп тилларга таржима қилинди ва китобхоналарга манзур бўлди. У украин, белорус, латиш, литва, эстон, озарбайжон, грузин, арман, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, қумиқ, уйғур ва бошқа кўп тилларда босилиб чиқди. Шунингдек, бу роман халқ демократик мамлакатларига, жумладан болгар, румин, венгер тилларига ҳам таржима қилинди. У чет эл тилларига — француз, инглиз, ҳинд, араб, урду тилларига ҳам таржима қилиниб, чоп этилди. Болгар тилида босилиб чиқиши муносабати билан Болгария ёзувчилар союзининг органи бўлган «Пламя» журналы иловасида шундай дейилади: «Бўрондан кучли» романи партиянинг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун қақриғига жавобан қўсмомолларнинг ватанпарварлик билан қилган қаҳрамонона ишларига бағишланган бўлиб, унда меҳнатнинг ҳаётбахш кучи тўғрисида, садоқатли дўстлик ва соф муҳаббат ҳақида ҳикоя қилинади. Роман жуда ҳаққоний ва ҳаётий. У китобхонни ўзининг жўшқин публицистиклиги, сюжетнинг кескинлиги, ёрқин образлиги

ва миллий колорити билан мафтун қилди». Атоқли ёзувчи Вилис Лацис бу романнинг латиш тилига таржима қилиниши муносабати билан қўйидагиларни ёзади: «Бизнинг халқларимиз дўстлиги улуғ ва ёрқин. Сизнинг ажойиб асарларингизни латиш китобхоналари энди ўз она тилида ўқийдилар. У ана шу дўстлигимизни чуқурлаштиради». Ленин мукофоти лауреати Петрус Бровка «Бўрондан кучли» романи ҳақида шундай дейди: «Зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Бу асар Бутуниттифок китобхонарига кенг танилди ва маълум бўлди... Кўпларнинг, айниқса колхозчиларнинг энг зарур қўлланмаси бўлиб қолди».

Юқорида келтирилган фактлар «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» дилогиясининг кенг китобхоналар оммасига манзур бўлганини ва кўп миллатли совет адабиётининг олтин фондидан муносиб ўрин олганлигини яна бир бор тасдиқ этади.

Беш томликнинг учинчи томи «Қудратли тўлқин» романи, «Қашмир қўшиғи» қиссаси ва «Икки дил достони» киносценарийсидан таркиб толган.

Кўп миллатли совет адабиёти дунёнинг буюк инсоний тилларини ва уларнинг мураккаб характерини тўла очиб берадиган, бадиий кашф қила оладиган адабиётдир. У йилдан йилга мактов ва муҳаббатга сазовор бўладиган, ғоявийлик ва бадиийликнинг нодир туркумига мансуб бўладиган асарлар билан бойиб, ривожланиб бормоқда. Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романи ҳам ана шундай асарлар жумласига кирди.

Фронтдаги жангчиларнинг қаҳрамонлиги, ғалаба учун олиб борган шиддатли кураши қанчалик кучли ва улуғ бўлса, фронт орқасидаги халқнинг хизмати, зўр жасорати ҳам шундай эди. Бир-бирлари билан чамбарчас боғланган бу масаланинг иккинчи томони, ҳаёт-мамат курашининг ички ричаги — фронт орқасидаги зўр ва қудратли тўлқинлар ўзбек совет адабиётида, жумладан, романчиликимизда тўла ва етарли акс этмаган эди. Санъаткорнинг «Қудратли тўлқин» романи адабиётимизда ана шу масалани ёритишга жиддий ва салмоқли ҳисса қўшди.

Шароф Рашидов ижодининг характерли хусусиятларидан, эстетик принципларининг муҳим белгиларидан бири шундаки, у ўз асарларига ижтимоий тараққиётимизнинг катта босқичларини мавзу қилиб олади, муайян даврнинг жиддий ва проблематик масалаларини, Ватанимиз тарихида катта из қолдирадиган, ёрқин саҳифага айланмаган, ҳаётда келажаги порлоқ воқеаларни, халқнинг ташаббуси ва қаҳрамонлиги фавақулдада зўр куч билан намоён бўлган ҳодисаларни қизгин ва жўшқин публицистик руҳда тасвирлайди. Асарларининг асосий қаҳрамони эса Ватанга садоқати чексиз бўлган халқ оммасидир. Ёзувчининг кейинги романи «Қудратли тўлқин»да ҳам бу принциплар ёрқин сезилиб туради. Асарнинг асосий қаҳрамонлари Г. Гулиа таъбири билан айтганда, «урушнинг даҳшатли йилларида — республиканинг кела-

жаги тўғрисида ўйлаб, жанг қилувчилар ва қурувчилардир».

Ёзувчи Шароф Рашидовнинг Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг олдинги, илғор сафида бўлганлиги — асарда фронт воқеаларини, оғир вазият ва ситуацияларни, жангчиларнинг турмушини тўғри кўрсатишга ва уларнинг характери яратишга ёрдам берган. Фронтдан оғир ярадор бўлиб қайтган Шароф Рашидов мактаб ҳаётини, ўқитувчилар турмушини, ёшлар психологиясини чуқур ўрганди. Бу эса ўз навбатида романда ўша даврдаги мактаб ҳаётини тўғри кўрсатишга, ёшларнинг турмушини, индивидуал характерларини ва ўқитувчиларнинг хилма-хил образларини яратишга катта ёрдам берди.

Шароф Рашидов романларида тасвирланган қаҳрамонлар образида ҳаётнинг катта ҳақиқатлари ўзига хос оригинал ифода қилиб берилган. «Қудратли тўлқин» романида «Пўлат ва Баҳор ҳаётида онгли равишда оёқ тегмаган йўллари қидирадилар. Уруш йилларида фронтнинг орқа томонида ҳукм сурган шароитда улар ҳар бир қадамларини ўлчаб босадилар, ҳар бир ҳаракатларини фронтдаги жангчиларимиз кўрсатаётган асосий ва ҳал қилувчи жасоратларга монанд равишда ўлчаб қилдилар. Виждон бурчининг ана шу тўлиқ ўлчовигина уларнинг эскича турмуш, унинг нуқсонлари, сарқитлари, ўлик анъаналари устидан ғалаба қилишларига ёрдам берадилар!».

Дўстлик темаси, умуман Шароф Рашидов ҳаёти ва бутун ижодининг марказида турган асосий, туб масалалардан ҳисобланади. Бунга унинг кўп қиррали ижоди, яратган асарлари яққол мисол бўла олади. Шеърый асарларининг ҳам, «Кашмир қўшиғи» дostonининг ҳам, публицистикасининг ҳам, қатор мақолаларининг ҳам, повесть ва романларининг ҳам асосини ана шу масала ташкил қилади.

Шароф Рашидов ижодига хос бўлган жўшқин публицистика билан лиризм «Қудратли тўлқин» романида халқлар ўртасидаги бузилмас дўстликни, қаҳрамон характеридаги етакчи тенденцияни, кучли ва ҳаётбахш интернационализмни тасвирлаганида айниқса яққол кўринади.

Асарда рус халқи билан ўзбек халқи ўртасидаги дўстликнинг, қардошликнинг тобланиб бориши ва ривожланиши конкрет образлар орқали кўрсатилган ва бу масала бир-бирига узвий боғланган икки линияда берилган. Биринчи линияда, асосан уларнинг порлоқ келажакка интилишида, меҳнатда қаҳрамонлик кўрсатишида тобланган дўстлиги тасвирланади. Иккинчи линияда эса, Ватани ҳимоя қилиш ва душман билан юзма-юз курашиш, уларга қақшатқич зарба бериш, шиддатли ва кескин жангда тобланган дўстлик кўрсатилади.

Шароф Рашидов асарда давр кишиларининг ғолибона ҳаракатини, халқ куч-қуд-

ратини ва халқлар ўртасидаги ленинча бузилмас қардошларча дўстликни фалсафий умумлашмаларда, публицистик пафос билан акс эттирган, янги, оригинал характерлар яратган. Шу боисдан Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» дилогияси сингари «Қудратли тўлқин» романи ҳам социалистик реализмнинг яхши асарлари қаторидан мустаҳкам ўрин олади.

Дўстлик мавзуси у ёки бу асарда бошқа бирор миллат вакили образи яратишдангина иборат эмас, албатта. Унинг доираси беқиёс кенг ва мазмунли ғоят теран. Бу биринчи навбатда ижодкорнинг маънавий позицияси, диёнати, қалб амри ва дунёқараши, тафаккур тарзи орқали нурафшон бўлади. Бундай буюк муштараклик туйғуси, ноёб истеъдод йўналиши Шароф Рашидовнинг адабий-танқидий мақолалари, эсдаликларидан таркиб топган тўртинчи томда ёки публицистик мақолаларидан иборат бешинчи томидангина эмас, айни вақтда, «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» дилогиясида ҳам, «Қудратли тўлқин» романида ҳам, ўзга юртлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Кашмир қўшиғи» ва «Икки дил достони»да ҳам ёрқин кўринади.

Кўп миллатли совет адабиётининг машҳур намояндalари ва улкан арбоблари каби Шароф Рашидов ҳам чет эл сафарлари таассуротлари асосида қатор асарлар яратди. Чет эл ҳаётини акс эттириш кўп миллатли совет адабиёти ривожининг умумий ҳусусиятларидан бири бўлиб қолди. Интернационал мавзуда ижод қилган санъаткорлар орасида Шароф Рашидов нуфузли ўринлардан бирини эгаллайди. Маълумки, 1955 йили совет делегацияси составида адиб Ҳиндистонга борди. Кейинчалик Ҳиндистон сафари таассуротлари асосида «Кашмир қўшиғи» асари вужудга келди. Автор ёзди: «Ушбу қисса кашмир халқининг қадимий севиғи достони асосида ёзилди. Бу ажойиб достонни яхши биладиган кашмирликлар билан қилинган суҳбатлар мени бу қиссани ёзишга илҳомлантирди».

Кўҳна дунёда машҳур санъаткорларнинг деярли барчаси — халқлар кўз қорачўғидай асраб келган, авлод-аждоқлар бутун меҳри-муҳаббати билан эъзозлаган ажойиб дostonларга мурожаат қилганлар, уларнинг олам-олам мазмунига, сеҳрли дунёсига мафтун бўлганлар. Ниҳоят, халқнинг бундай маънавий бойликларидан, яратган мўъжизаларидан илҳомланиб, шу асосда янги асарлар битишга журъат этганлар. Халқ дostonлари, афсоналари асосида вужудга келган янги асарларда санъаткорларнинг яшаган даври, замон руҳи, қалб амри ёрқин кўринган. Бу бадий ижоднинг ҳаммиша навқирон талаби бўлиб қолган. Шу боисдан ҳам санъаткор кашмир халқининг севиғи достонини бутун қалб амри билан ичдан нурлантириш, ҳозирги асрнинг теран ва шиддатли оқими билан ёрқин гавдалантиришда ҳаракат қилади. Шунга мувофиқ Нарғиза билан Бамбурнинг афсонавий муҳаббати ҳикояларига реалис-

<sup>1</sup> «Правда» газетасининг 23 январь, 1963 йил сони.

тик руҳни сингдириш йўллари топади ва икки ёш қалбнинг бахтига ғов бўлган кучлар тўқнашувидан социал конфликтларни ўстириб чиқаради, бадий ифоданинг хилма-хил воситаларини ишга солади.

«Кашмир қўшиғи» қиссасидаги воқеалар йўналиши асосан шундай: гўзаллик тимсоли Наргиз билан баҳодир Бамбур бир-бирини севадилар. Улар ўртасида, одатдагидек, қоработирлар — Бўрон ва Хоруд пайдо бўлади. Ниҳоят, ёвузлар таслим бўладилар, севишганлар ғолиб келадилар. Бундай афсонавий воқеалар, севишган қаҳрамонларнинг ёвуз кучларга қарши кураши асрлар мобайнида куйланиб, муайян бир йўналишга кириб қолган. Бу жиҳатдан «Кашмир қўшиғи» ҳам уларнинг оддий бир давоми сифатида кўриниши, янгилек эмасдек туюлиши мумкин. Лекин синчиклаб қаралса, унда аввалгилардан принципиал фарқ қиладиган бошқа ажойиб манзараларни кузатиш мумкин. Бу энг аввало санъаткорнинг кўҳна афсонавий воқеалар йўналишига бутунлай янги, мусаффо ва кудратли тўлқин олиб кирганида кўринади. Асарда Наргиз, Бамбур, уларнинг сафдошлари билан Бўрон, Хоруд орасидаги зиддиятлар доираси ғоят теранлашади ва беқиёс кенгайди, ниҳоят кучли социал конфликтнинг юқори чўққисига кўтарилади. Қисқаси, Шароф Рашидов кашмир халқининг қадимий севги достони асосида ҳозирги замондаги — XX асрдаги нур ва зулмат дунёсининг кескин ва шиддатли курашини, пафосини ифодалаш йўлини топишга муяссар бўлади. Ижодий метод — социалистик реализм ана шундай нурафшон йўлни топишга кенг имкон берди.

Социалистик реализм адабиётининг атоқли намояндalари ўзларининг асосий диққат-эътиборини тарихнинг янги, истиқболи порлоқ кучларини тасвирлашга, уларнинг кескин синфий курашдаги қаҳрамонликларини кўрсатишга қаратиб келдилар. Социалистик реализм адабиётининг санъаткори сифатида Шароф Рашидов бу қиссасида ҳам тасвир объектига ва қаҳрамонлар талқинига худди ана шу принципда ёндашди.

Натижада қисса озодликка, мустақилликка шиддатли кураш, зўр матонат билан эришяётган халқлар жасоратини улғулловчи, поэтик тасдиқловчи асар бўлиб қолди. У гўзаллар, вафодорлар, ғолиблар қалбининг садоси, эътиросли лирик ифодаси сифатида миллионлаб китобхонларга манзур бўлди.

Виктор Виткович билан ҳамкорликда яратилган «Икки дил достони» асарида Шароф Рашидов яна ҳорижий Шарқ мавзусига мурожаат қилди ва Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстликни тараннум этди. Асар асосини Бедилнинг «Комде ва Мудан» достони ташкил этди. Ота-боболари асли шаҳри-сабзлик бўлган бу улғу мутафаккир ва шоир Шарқда, Урта Осиё ва Ҳиндистонда катта шахар топди. У ҳозир ҳам айниқса бутун Ҳиндистонда, Покистон, Бангладеш ва Урта Осиё халқлари орасида машҳур.

Унинг «Комде ва Мудан» достони кўп халқларнинг энг сеvimли асарларидан бўлиб келган.

Санъаткор «Икки дил достони»да Бедил асари сюжетининг асосий нуқталарига алоҳида эътибор берган ҳолда воқеа, ҳодисалар ва образлар талқинини кенгайтиришга эриша олган. Асосий қаҳрамонлар интилишидаги тарихий шароит руҳини, социал-синфий қатламлар ўртасидаги ғойивий-психологик зиддиятларни равшан очиб бериш усулларини топган.

Бедил достонида қаҳрамоннинг халоскори сифатида адолатли шоҳ образи берилган эди. Шарқнинг буюк шоирлари асарларида бўлганидек, Бедил ҳам одил шоҳ образини тараннум этди.

Шароф Рашидов «Икки дил достони» устида ишлар экан, классик асар сюжетидаги фавқулодда муҳим бўлган бу моментга қандай ёндашиш, уни қандай ва қайси усулда ўзгартириш, янги мотивлар билан таъминлаш ва бойитиш йўлларига жиддий аҳамият бергани ойдин-равшан кўринади. Тарихий ўтмиш мавзусида ижод этганда, бунинг устига классик шоирларнинг асарлари асосида янги асар яратишда — тарихий заминдан, реал фактлардан бутунлай узоқлашиб кетиш, яъни уларни ҳаддан ташқари замонавийлаштириб юбориш хавфи туғилиши; айни вақтда, уларга ҳозирги замоннинг энг илғор ғоялари нуқтан назаридан ёндаша олмаслик хавфи келиб чиқиши мумкин. Буюк санъаткорларнинг барчаси тарихий ўтмиш билан замоннинг кесишадиган, бирлашадиган ғоят мураккаб ва олий нуқталарини излаб топишга интилганлар ва ҳозир ҳам шундай. «Икки дил достони» автори «Комде ва Мудан»даги одил шоҳ ўрнига катта жасорат билан бутунлай янги образлар — Отуп Чатр ва Бҳабони образларини олиб қиради. Муданнинг халоскори ҳам ана шулар ва рассом аҳллари бўлади. Улар Мудан билан Комде қисмати учун, ошиқ-маъшукларнинг мурод-мақсадларига етишиши учун фаол ҳаракат қилади ва Қорашоҳга кескин қарши борадилар. Асар сюжетидаги ана шу йўналишга боғбон Бахунаджи ва унинг невараси; Тўтиқуш ва сеҳрли танбур образлари ҳам олиб кирилади. Шу муносабат билан асардаги конфликт кескин тус олади ва чуқурлашиб боради. «Икки дил достони»да шоҳ саройидаги идора усуллари, тартибларининг нобоплиги, таъназуллин тасаввур этишга имкон берадиган образлар яратилган.

Шундай қилиб, атоқли санъаткор «Икки дил достони» киносценарийсини яратиш орқали Совет Иттифоқи халқлари билан Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстликнинг оташин куйчиси сифатида машҳур бўлди.

Танланган асарларнинг тўртинчи томи санъаткорнинг адабий-танқидий мақолалари, эсдаликлари ва «Қамолот» киноповестидан таркиб топган.

Шароф Рашидов бу янги киноқиссасида ҳам замонавий ҳаётнинг бош йўналишини

ва яратувчи қаҳрамонлар интилишини кўрсатишни тасвир марказига қўяди.

Асарда кишиларнинг ташаббускорлиги ва меҳнатдаги гўзаллиги, фаол интилиши улуғланади. Асар район партия комитетининг биринчи секретари Темировнинг ана шундай «мард, чин инсонлар, ажойиб ташаббускор кишилар» ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиши билан бошланади. Шундай чин инсонлардан бири Пўлат Каримовдир. Собиқ офицер, «Социализм» колхозининг бригадари Каримов чўлда янги ташкил бўлаётган «Коммунизм йўли»га раис қилиб тайинланади. У иш бошлаганида коллективнинг ўзи йўқ эди. «Раис» номли машҳур бадий фильмда Игорь раис бўлиб, фаол иш бошлар экан, колхозчилар ўзларининг меҳнатига даромад олишига, хўжаликнинг яхши бўлиб кетишига деярли ишонмайдилар. Раиснинг тиниб-тинчимаслиги, ҳар бир ишда жонбозлик кўрсатиши туфайли колхозчиларнинг фикри, қараши ўзгара боради, улар ҳам коллектив хўжаликда жон куйдириб меҳнат қила бошлайдилар. Бу жиҳатдан «Раис» билан «Камолот» асарида ҳамоханлик бор. Чўлга келаётганларнинг аксарият қисми яхши коллектив хўжалик вужудга келишига деярли ишонмайдилар, шу боисдан ҳам уларнинг анчаси кетиб қолишади. Вазият янада мураккаблашади. Раис Пўлат Каримов коллектив хўжаликни ташкил этиш учун тиниб-тинчимайди. Чўлга келган ҳар бир киши тўрт-беш хил ишни бирданига бажаришига тўғри келади. Биргина мисол. Асарда Юлдуз правление секретари, клуб мудир, ҳисобчи, кутубхоначи вазифаларини бажарадиган фаол қиз сифатида гавдаланади. Пўлат Каримов ўз хотини Зухрани ҳам минг азобда янги колхозга олиб келади. Лекин у ҳам кетиб қолади, бу Пўлат учун жуда оғир бўлади. Ниҳоят, у «янги колхозчилар» излаш йўлига тушади, елиб-югуради, одамларга ташвиқот қилади, таниш-билишларини, қадрдонларини олиб келади. Ҳамқишлоғи Расуловни колхозга агроном, Раимни хўжалик мудир қилиб қўяди. У чўлга қизи Юлдуз билан келган Ҳайитбойни қучоқ очиб кўтиб олади. «Шон-шухрати бутун Фарғонага ёйилган» кекса боғбон Ҳайитбой ака таркиб топаётган янги коллективга партия ташкилотининг секретари бўлади. Пўлатнинг шаҳарда ўқиётган қизи зийрак Гавҳар ҳам, сўнгра хотини Зухра ҳам коллектив хўжаликка келиб қўшилади. Қисқаси, янги коллективда Петро сингари «техника худоси» ҳам, ўз ишига моҳир, софдил Ҳамид ҳам, ҳатто юлғич Абдулла Хўжаев ҳам бор. Санъаткор асарда кишиларнинг янги ерда коллектив хўжаликка бирлашишдаги мураккаблиklarини, раис Пўлат Каримовнинг одамларни уюштиришда қатор қийинчиликларга дуч келганини, унинг тиниб-тинчимаслигини, жонбозлик кўрсатишини реалистик бўёқларда тасвирлайди.

Асарнинг яна бир моментини эслайлик. Бош қаҳрамон Пўлат Каримов ҳамма нарсани силлиққина, хамирдан қил суғиргандек осонгина бажара бермайди. У баъзан

қоқилади, янги хўжаликка келган одамлар билан уларнинг қандай яшаётгани, нима-лар қилаётгани билан дарров танишиб улгуролмайди. Уларнинг янги жойда муқим бўлиб қолиши учун керакли хилма-хил воситаларни топиб, ишга солишнинг кенг имкониятларидан фойдаланмайди. Натижада чўлга келганларнинг бир қисми кетиб қолади. Чунки, чўл шароитининг ақл бовар қилмайдиган даражадаги чигал муаммолари мавжуд. Бунинг устига одамлар турли томонлардан келган ва уларнинг интилиши ҳам, характерлари ҳам ҳар хил.

Пўлат масалага чуқурроқ ёндашиш зарурлигини тушунади ва ўзи йўл қўйган камчиликларини тузатишга интилади. Темиров эса, масалага кенг қарайди ва энг муҳими — чўлга келган одамларнинг муқим бўлиб қолиши учун зарур йўллари топиб ишга солиш, кишиларнинг ўз кучига ишончини мустаҳкамлаш, уларнинг катта ишларга сафарбар қилиш хусусида теран фикр юритади. Ниҳоят, уларнинг ижодий изланишлари беҳуда кетмайди.

Шароф Рашидовнинг бу қиссаси партиянинг халққа садоқати ва ишончини, халқнинг эса партияга бўлган меҳр-муҳаббати; совет кишиларининг меҳнатдаги гўзаллиги ва улғуворлигини поэтик тасдиқловчи, куйловчи асарлардан бири сифатида принципал аҳамиятга молик.

Тўртинчи том «Қаҳрамонлик трилогияси» номли кучли эътирос ва самимият билан битилган мақола билан бошланади. Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Ленин мукофотига сазовор бўлган «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» асарларидан иборат қаҳрамонлик трилогияси атрофлича кенг ва теран таҳлил этилади. Адиб мамлакатимиздаги, республикамиздаги буюк ўзгаришлар ҳақида кучли ҳаяжон билан ҳикоя қилади, трилогиянинг оламшумул, умумбашарий аҳамияти ҳақида салмоқли фикрлар айтади.

Бу томдан Шароф Рашидовнинг публицистика назарисига оид «Бадий публицистика ҳақида» мақоласи ҳам ўрин олган. 1948 йилда («Шарқ юлдузи» журнали, № 2) эълон қилинган бу мақола ўзбек бадий публицистикаси ҳақидаги энг яхши ишлардан бири бўлган эди. Назарий бақувватлиги ва фактик материалларга бойлиги билан мақола ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келаяпти. Авторнинг бу мақолани янада қайта ишлаб, назарий ва янги фактик материаллар билан тўлдириб, томга киритиши ани мудида бўлган.

Мазкур томдан ўрин олган Шароф Рашидовнинг адабий-танқидий мақолаларини бир неча туркумга бўлиш мумкин. Ўзбек классик адабиёти ва ўзбек совет адабиёти, рус совет адабиёти, улкан санъаткорлар ҳаёти ва ижодини монографик планда тадқиқ қилиш, илмий ва назарий характердаги мақолалар ва бошқалар.

Шароф Рашидов «Шоир, мутафаккир, инсонпарвар» мақоласида улғў ўзбек шоири Алишер Навоийнинг буюк хизматлари

ҳақида кучли бир муҳаббат билан фикр юритади, нодир асарларини катта илҳом билан таҳлил қилади, ҳаётни идрок этиш ва акс эттириш принципларига муносабат билдиради. Тадқиқотчининг махсус таъкидлашича, «Навойнинг бадий тафаккури теран ва кўп қиррали бўлган, ўша даврда «ҳукмрон бўлган романтик методга таянган ҳолда ижод этган» ва айни вақтда, «воқеликни реалистик тасвирлаш воситаларидан моҳирлик билан фойдаланган». «Инқилобнинг оташин куйчиси», «Халқ шоири», «Ҳамиша ёдимизда» мақолаларида Ҳамза, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижодининг энг характерли, фақат ўзига хос томонларини моҳир заргар сингари аниқ ва тиниқ кўрсатади.

«Шолохов сўзининг қудрати», Н. С. Тихонов ҳақида «Курашга бағишланган ҳаёт», В. Овечкин ижоди хусусида «Санъаткорнинг улкан қалби», Ф. И. Панферов тўғрисида «Катта ҳарф билан аталган инсон», Вадим Кожевников ҳақидаги «Меҳнаткаш — ватанпарварлик гимни», Николай Бирюков ҳақида «Ҳаёт — жасорат» номли мақола ва эсдаликларида Шароф Рашидов ҳар бир санъаткорнинг ижодий индивидуаллигига катта эътибор беради, кўп йиллик кузатишларидан баъзи бир эпизодлар келтиради, уни эҳтиросли ифода қилади. Ҳозирги адабий жараён, адабий алоқалар, қардошлик, дўстлик ҳақидаги қатор мақолаларида Шароф Рашидов совет адабиётшунослиги ва танқидчилигининг йирик намоёндаси сифатида кенг ва теран фикр юритади. У мақолаларида социалистик реализмнинг моҳиятини, унинг ғоявий-эстетик принциплари давр талаблари билан чуқурлашиб ва бойиб боришини изчил партиявий позицияда туриб очиб берди. Коммунистик партия ва замонамиз адабиёт ва санъат олдига янги-янги, юксак талаблар қўйиб келаётгани ҳақида муҳим масалаларни кўтариб чиқди.

Беш томлиқнинг сўнгги томи Шароф Рашидовнинг энг сара публицистик мақолаларидан таркиб топган.

Адиб оташин публицист сифатида ҳам кенг жамоатчиликка манзур бўлган эди. Унинг «Тарих ҳукми» (1949) китоби ўзбек совет публицистикасининг энг яхши асарларидан бири саналади. Автор публицистика ҳақида гапирганида В. И. Лениннинг қуйидаги фикрига тез-тез мурожаат қилиши бежиз эмас. «Биз доимо публицистлар қиладиган иш билан шуғуланишимиз — ҳозирги замон тарихини ёза боришимиз лозим ва биз уни шундай қилиб ёзишга интилишимиз керакки, турмуш ҳақида ёзган асарларимиз ҳаракатнинг бевосита қатнашчиларига ва қаҳрамон пролетарларга ўша ҳаракат бўлаётган жойда мумкин қадар ёрдам берсин, биз шундай қилиб ёзмоғимиз керакки, у ҳаракатнинг кенгайиши, куч кам сарф қилингани ҳолда кўпроқ ва мустақкамроқ натижалар берадиган кураш воситаларини, усул ва методларини онгли равишда танлаб олиш учун ёрдам берсин».

Ана шу доҳиёна кўрсатмаларга амал қилиб ёзилган адибнинг публицистик асарлари дунёда кечаётган воқеаларни, уларнинг асосий йўналишларини тушуниш ва идрок этиш — шунга мувофиқ кенг кўламада фикр-мулоҳаза юритиш, мантиқнинг қуввати, мунозаранинг асосли ва шиддатли характер касб этиши билан мафтун қилади.

Шароф Рашидовнинг публицистик мақолалари кўп миллатли совет публицистикасининг ҳам юксак чўққиларидан бири бўлиб қолди. «Улар ғоявий мазмун билан бадий услубнинг ўзига хос равишда уйғунлашиб кетганлиги билан диққатга сазовордир,— дейди XX асрнинг машҳур файласуф олимларидан бири, СССР Фанлар Академиясининг академиги П. Н. Федосеев.— Асарни ўқир экансиз, унинг бадий сўз устаси бўлган адиб ёзганлиги яққол сезилиб туради. Буни китобхон акс эттирилган шонли тарих лавҳаларида, ҳозирги замон воқелигининг ҳаётий манзараларида, ҳиссиётга бой ифодаларда яққол кўриш мумкин. Мазкур китобда Ш. Р. Рашидов тасвирлаётган ҳодисалар ва жараёнларни умумназарий планда муҳокама қилувчи, уларни сиёсий аспектда кўриб ҳаё берувчи моҳир публицист сифатида намоён бўлади».

Ўзбек халқининг Советлар мамлакатиде, катта улуг оиладаги ярим асрдан ортиқ йўли, тарихий камолоти ҳақида ҳикоя қилар экан, автор бу тарихий жараённи, унинг бош тенденцияларини кенг планда тадқиқ этади, воқеа-ҳодисаларни теран мушоҳада қилади, уларга нафис ва ёрқин бўёқлар билан сайқал беради. Китобда автор халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамқорликни ҳарорат билан куйловчи моҳир публицист сифатида, бутун жаҳонда тинчлик ўрнатилишининг жўшқин курашчиси сифатида тўла намоён бўлади. Қисқаси, Шароф Рашидов публицистик асарлари, китоблари санъат сеҳри, жозибаси билан товляниб турса, романлари ва қиссалари эса публицистик руҳнинг жўшқинлиги билан ажралиб туради.

Публицистик мақолалардан таркиб топган мазкур томи Улуғ Октябрь революциясидан кейин ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан тараққий этган Ўзбекистоннинг бугунги кунда битилган энг мукамал, энг гўзал ижодий портрети, дейиш мумкин.

Шароф Рашидовнинг танланган асарларидан иборат мазкур беш томлик машҳур олим ва танқидчи Виталий Озеровнинг кириш мақоласи билан очилади ва академик П. Федосеевнинг сўнгги сўзи билан хотимланади.


Мазкур беш томдан иборат сара асарлар тўпламининг ўзбек тилида ҳам тезда ва янада тўлдирилган ҳолда чоп қилинишини истар эдик.

**Анқабой ҚУЛЖОНОВ,**

филология фанлари доктори,  
профессор



# Туз Кавчи



Ғафур Ғулом

## Шоирлик носқовоғидан бир отим

### ИЗҶОРИ ФАЗЛ ТАРИҚАСИДА

«Б» ирвининг зоғорасидан ўзимнинг шулоним яхши», дегандек, биз билан ҳам танишадиган бўлиб қолдингиз. Чунки, камина ҳам «анови шоирлар» жумласидан бўлганим учун, «Шеърни мен ёзаю, занбарни онам тўқисин», деб дафтарингизга ўзимни тиркаш учун келган эдим. Ҳайтовур лўмбирим мингдан ошмаса гўрга эди. Шоирлигимга қойил келмасангиз, мана буни ўқинг:

Байналминал аҳвол чатоқ, жуда айрон,  
Сармоядор давлатларнинг кўнгли вайрон.  
Эй кашшофлар, олға босинг, бўлмай  
хайрон,  
Бу шеъримиз ширин, аччиқ, чучмал,  
нордон.

Мана бу санъатимга қойил қолмасликка ўрин йўқ, байналминал аҳволдан тортиб, кашшофлар ҳаракатигача, мағрибдан машрик, Майманадан Майсара, ипдан-игнаси-гача, таҳлили ўз ичида, худди баъзи но-тиқларимизнинг аталажўш маърузаларидек. Табиатингиз кўтарса, ўзимдаги табиий та-лант, яъни истеъдоднинг бадиий намуналаридан яна бир ғалвирини тўкиб, бошингиздан атала куйгандек қилиб қўяй:

Хўжалигимиз тузалиб қолди,  
Болға-ўроқ тинмай ишлабон.  
Ҳаромхўр буржуйлар ирвайиб қолди,  
Нон деб кесакни ғарчча тишлабон.

Эй деҳқон бобонинг қизи,  
Вой ишчи тоғамнинг ўғли,

Бирлашингиз!

Ана,  
Ана, кўкда ой ҳам сизга ёғдусини тўкиб  
турибди,  
Қирда туя «Нима гап?» деб, чўкиб турибди,  
Жонгинам, шундай яхши, унумли замонда,  
Бир боқиб кўйинг, вайодод, қолманг  
армонда,  
Кўр бўлсин, йўқолсин, Чимбирлин!

28 июль, ярманка.

Мана буниси мойдек ёқиб, нордон пия-вадек синггандир таъби шарифингизга, а?.. Биздаги нафосат замонангизнинг шоир-ларида топилса, гўштимни хомталаш қи-линг, тоға. Мана у ердаги «назира»га боқинг-чи, тавба қилдим, шу вақтдаги шоирларникидан камми?

### ҲАНДАЛАК ПОЛИЗИДА БИР МОЖАРО

#### Эшимқулга назира

Қайси шудгордан етилиб чиқдим,  
Қайси пуштада гўдайиб пишдим,  
Ким суғорди-ю ким экди мени?..  
Бу чоқ:  
Мени «кўкча» дейдилар,  
Кўкча, бироқ Аччиниқи.  
Кўкчани сапча дейдилар,  
Сапчанинг тўкилган туки.  
Энди  
Четанингга ҳам тушаман ўзим,  
Ширинман, тилни ҳам ёраман ўзим.

Хулласи калом, бу ҳамма фазилатларим-ни «Носқовоқдан бир отим» деб қўя бе-

ринг. Чунки янгангиз билан уй ичида ҳам муомиламиз шоирона:

Утин йўқ, ёғ тугаб, челакиннг  
Ичида каламуш ўлибдир.  
Ошхона бузилиб, элакнинг

Гардиши дабдала бўлибдир.  
Том тешик, қиш қаттиқ, катакиннг  
Бир ёни ўрпилиб кетибдир.

деб кундалик гапни ҳам шеър билан айтадиган бўлиб қолдик. Чунки бизга шоирлик ота мерос бўлганидек, волида ҳам «Алла»ни ўзлари тўқир эдилар. Шунинг учун ўзимни сизга тақдим қилиш билан баробар, керак фурсатда каминадан фойдаланиб турмоғингизни тавсия этаман.

Эҳтиром билан камина:

(1928)

НУРТОЙ шоир.

### ДРАМАТУРГ КЎПМИ, ШОИР!

Шу саволни менга берган кишини ҳалигача эскиликкина кишилардан санаб юрар эдим. Кутмаганда шундай ғарбона савол:

— Драматург кўпми, шоир?

Мен бу саволнинг жавобини мухотабининг ўзидан топирмоқчи бўлдим. Чунки яхши муаллимлар бу тажрибани маъқул топадилар. Бинобарин муаллимвори виқор ва табассум билан ўзидан сўрадим:

— Эй, савол сўрагувчиларнинг бахтлироғи. Сен аввал менинг шу саволимга жавоб бергил, сўнгра жавоб ўз-ўзидан муҳайёдир,— дедим.— Турмушда талай драмаларни кечирган элик яшар хотиннинг бошида неча адад мўйи бор ва буларнинг неча донаси оқ ва неча донаси қора ва неча донаси қоралиқдан оқликка ўтиш арафасидадир?

Сўрагучи бу фасоҳатдан мот қолди. Бир неча минут таажжуб бармоғини эсанкираш оғизга тиқиб, тафаккур бошини ҳайронлик этагига пуч ёнғоқдай ташлаб ўтиргач, ниҳоят, такаллумга келиб айтди:

— Бу саволингиз ақл ҳисобдонлигидан мустаснодир, ҳалигача ҳеч ким бу мантиқдан бари бўлган чўтқи қоқиб кўрмагандир.

Мен унинг бу раддиясига истисно кўрсатмадим ва дедимки:

— Балли, сенинг менга берган саволингнинг жавоби ҳам худди ўзинг берган шу раддия билан интиҳо топадики, Узбекистон каби васеъ бир мамлакатда, хусусан, омманинг ишқибозлиги дош қозондай қайнаган бир ерда драматурглар билан шоирларнинг қанчалиги ва уларнинг бир-бирларидан ададча тафовтларини ақл чўтига солиб, фикр ҳисобдонлигидан ўтказув — жала кўпигини санаш ва санаганда ҳам навларга ажратиб санаш каби мантиқ гардишига сиғмайдиган бир ишдир.

Савол сўрагучи ўз саволининг баъзи бир ерларини мукамаллаш учун бир нафас лабларини жуфтлаб, такаллумга тил очмоқчи бўлган эди, мен бир шўрликда кўрилган бу ожиз истихолани ювиш учун суҳандонлик майдонида нутқ дўлдулига

миниб, тил ханжарини ўйната-ўйната зердаги лекцияни чунонам бошлаб кетдимки, менинг сўздаги чобукдастлигимдан, у ҳар икки қулоғи етмагандай оғзини ҳам қаррақдай очиб, учинчи қулоқ ўрнида менга қаратиб тингламоқда эди. Мен шаҳодат бармоғим билан ерда, баъзан осмонда турли ҳавойи шакллар чизиб сўйламоқда эдим:

— Модомики, шеърни олов пускурғувчи, ваҳималар яратғувчи, ўз-ўзидан ловуллаб ёнғувчи ва ҳаммаси йиғилиб эликтадан ошмаган, ишлата-ишлата, суйкала-суйкала сартарош қайроғидай чибин кўнса оёғи тийғанадиган даражада шаблон сўзлардан ҳар қачон ёзиш мумкин, на вазну на қофия; на саж-ташбих; на нисбат; на сифат ва на салмоқ шеър ёзув шартлари билан алоқадор бўлмай ва бу шеърларга Узгизнинг кассаси ҳар қачон очикдир. Қани, эй менинг осойишта тинглагучим, онанг ҳам шоирларнинг рўйхатида борми, ҳалигача қанча асарлари бор? Агар бўлмаса, хайф сендай ўғилгаки, ҳалигача сенинг учун саҳарлаб туриб оқ сут берган онайи меҳрибонингни қариган кунларида шунчалик жўн, шунчалик унумли, шунчалик обрўли бир касбга ташвиқ қилмабсан ва дуосини олмабсан!

Маълумингдирки, Узкомдрам районларга бир талай театр асарлари сифориш қилди ва бутун районлардан шу мазмунда мактублар олибдирки, биздаги бутун кишилар драма асарлари ёзиш билан банд бўлганлари жиҳатидан, бизга асар юборишдан кўра томошабинлар юборсангиз экан, деб. Қани, хўш, эй ўзининг тинглов қобилияти ва камсўкум сомелик сифати билан сўйловчини бахтиёр қилган менинг эшитгучим, жавоб бер! Ўз уйингда сула кўтариб саҳна кўрдингми? Қайси ёзган драманг ўйналажақ? Ва хотиннинг қайси ролда иштирок қилажақ? Агар ҳалигача драма ёзмаган бўлсанг, хайф сенга, ақлингнинг умрини бекор ўтказибсан, уйингда саҳна кўрмаган бўлсанг афсуски, шунча майдон бекор қолибди.

Тингловчим ниҳоят шаппатидан уйғонган мастдай бир сесканиб тушиб, такаллумга бошлади:

— Вой-бўй!

Ва у ёқ-бу ёғини йиғиштириб, ҳозирги баъзи драма асарларининг саккиз поя нарвондек сифати ва серунумлиги тўғрисидаги лекциянинг сўнгини ҳам тингламай йўлга тушди.

Унинг юзидаги мамнуниятдан маълум бўлур эдики, ҳалигача у бировга савол бериб, шунчалик тўла «я мукамал, ва фасиҳ жавоб ололган эмас. Ҳалигача туғилган жавоб бергучилардан биз икков шу билан ажралар эдикки, орадаги: «Драматург кўпми, шоир?», саволининг ўзига жавоб бўлмагани ҳолда, бутун салобати билан масала аниқ ва ошкор бўлган эди. 1933.



ШУКРУЛЛО — 60 ЁШДА

Шу йилнинг 7 сентябрида «Баҳор» концерт залда таниқли шоир Шукруллонинг 60 ёшга тулиши муносабати билан юбилей кечаси бўлиб ўтди. Кечани Ўзбекистон халқ шоири Зулфия олиб борди. Бугунги ўзбек шеърияти, хусусан, Шукрулло ижодининг тантанали кечаси бўлган бу йиғинда жуда кўп атоқли шоирлар, адиблар, шеърият мухлислари қатнашдилар. Шукруллога аталган дил сўзларини изҳор қилдилар, юбилей совғаларини топширдилар.

Кечада Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этиб, Шукруллога Ўзбекистон халқ шоири унвони берилганлиги ҳақидаги ҳукумат қарорини ўқиб, юбилярга кўкракка тақиладиган нишонни, «Халқлар дўстлиги» орденини топширди.

Кечада Шукруллонинг қардош республикалардан келган дўстлари — қабардаболқар шоири Қайсин Қулиев, қалмиқ шоири Давид Кугултинов, туркман шоири Ҳошли Қурбеновларнинг дўстона, самимий сўзлари бу кечани халқлар ва адабиётлар дўстлиги анжуманига айлантириб юборди.

ЕЗУВЧИ ХАЛҚ АРДОҒИДА

Шу йилнинг май ойида Вешенскийда машхур совет ёзувчиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Михаил Шолоховнинг бронза бюсти ўрнатилишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Ростов обкоми биринчи секретари И. А. Бондаренко алвон боғични қирқди — митингга йиғилган-

лар кўз олдида бюст ёпқичи оҳиста сирғалиб тушиб, улуғ совет ёзувчиси — Михаил Шолоховнинг бронзадан ишланган сиймоси намоён бўлди.

СССР Ёзувчилар союзининг биринчи секретари Г. Марков, Қозоғистон Ёзувчилар союзининг биринчи секретари Ж. Мўлдағалиев ва бир қатор адиблар, ишчилар, шахтёрлар дил сўзларини айтиб, ёзувчининг бу эзгу кундаги севинчига шерик бўлишди. Кейин Г. Марков бошчилигидаги ёзувчилар делегацияси М. Шолохов хонадониде меҳмон бўлишди, қизгин адабий суҳбатлар қуришди.

«МУЛЛА НАСРИДДИН» ЖУРНАЛИ 75 ЁШДА

Совет Шарқида биринчи бўлиб ташкил этилган озар тилидаги «Мулла Насриддин» ҳажвий журналининг 75 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали кеча боқуликларда зўр таассурот қолдирди.

Журналнинг ношири ва атоқли муҳаррири улуғ озар реалист ёзувчиси Жалил Мамадқулизода эди. У раҳбарлик қилган журнал ўз атрофида жуда кўп истеъдод эгаларини бирлаштирди, уларнинг асарларини халққа етказишда катта хизмат қилди; Собир, А. Ахвердов, М. Урдубодий каби озар совет адабиёти классиклари шу журнал орқали халқ билан мулоқот қилдилар, озар миллий адабиёти, тили ривожига катта ҳисса қўшдилар. Журнал озар халқининг ижтимоий онгини ўстириш билан бир қаторда, Иттифоқимиздаги туркий тилли халқлар, жумладан, ўзбек адабий жараёни ва ижтимоий фикр тараққиётига ибратли таъсир қилди.

Журналнинг 75 йиллигига бағишланиб «Мулла Насриддин» биринчи сонининг факсимил нашри, Низомий номли адабиёт институти ходимлари тайёрлаган журнал тарихи ҳақидаги рисола китобхонларга кўп манзур бўлади.

биринчи секретари С. Азимовларнинг нутқлари ўритилган.

Проза ихлосмандлари ёзувчи С. Ғатурнинг «Қўшчи» романининг охири ва Н. Гацунаевнинг янги повести билан танишадилар.

Поэзия бўлимида Р. Бобожоннинг «Минг бир турна» достони, Н. Холмуродов, М. Маргарян шеърлари босилган.

Шукруллонинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан П. Шермухамедовнинг шоир ижоди ҳақидаги мақоласи ҳам шу сондан ўрин олган.

Шунингдек, журналнинг очерк, публицистика, танқид, саргузашт-фантастика бўлимларида ҳам ўқишли материаллар бор.

ЗВЕЗДА ВОСТОКА

СЕНТЯБРЬ СОНИДА

Журналнинг дастлабки саҳифалари СССР Ёзувчиларининг VII съездига бағишланган. Унда КПСС Марказий Комитетининг съезд қатнашчиларига табриги, съезднинг «Жаҳон ёзувчиларига, маданият арбобларига» мурожаати, шунингдек, СССР Ёзувчилар союзининг биринчи секретари Г. Марков, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг

Бош редактор Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: С. АЗИМОВ, ЗУЛФИЯ, И. РАҲИМ, МИР-МУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), У. НОРМАТОВ, Т. ТУЛА, УЙҒУН, У. УМАР-БЕКОВ, У. УСМОНОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. ФОЗИЛОВ (масъул секретарь), Х. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, Ҳ. ҒУЛОМ, И. ЮСУПОВ.

Рассом А. Қамбаров  
Техредактор М. Мирражабов.  
Корректор А. Билолов.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 9

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент — 1981

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 30.06.1981 й. Босишга рухсат этилди 7.09.1981 й. Р—03165.  
Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 22,0+0,35 (вкл.) Нашриёт ҳисоб листи 23,06+0,3 (вкл.) Тиражи 210000 нусха. Зак. № 1181.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент — 700129, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© Шарқ юлдузи, 1981.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

**БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:**

700000. ТОШКЕНТ, ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ № 1  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 320828,  
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД  
ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479, РАССОМЛИК — 330918.